ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ

бўйича бакалавриятнинг юридик таълим

йўналишлари учун

ДАРСЛИК

Тошкент- 2005

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Тошкент ТДЮИ, 2005 йил .

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида шаклланган Конституциявий ҳуқуқ тармоғини, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим устувор конституциявий институтларни ўзида қамраб олиб, унда китобхон миллий конституциявий ҳуқуқ тарихини, ривожланиш қонуниятларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурч ва мажбуриятлари, уларнинг ҳуқуқий кафолатлари, давлат ҳокимияти органлари тизими, тузилиши ва шаклланиши, маъмурий ҳудудий тузилиш масалаларини ўрганади, шунингдек, дарсликда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримов асарлари ҳамда фармонлари, етук ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари ҳамда 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ва унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII,XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган нормаларнинг моҳияти, давлат ва жамият қурилиши ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ўз ифодасини топган.

Мазкур дарслик юридик олий ўқув юртлари талабалари, тингловчилари, юридик ўқув юртлари ўқитувчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор, А.Х.Саидов

Муаллифлар жамоаси:

ю.ф.д., профессор, А.Х.Саидов – Кириш, I, II, IV,V,VI-бобнинг 8-§, VII, VIII, XXII, XXVI, XXVII, XXXIII-боблар ва хотима ўрнида.

ю.ф.д., профессор, М.Х.Рустамбоев – IX, X, XI, XII, XIII, XIV, XV, XXX, XXXI –боблар.

ю.ф.н., доцент, А.С.Турсунов –XXXII- боб.

доцент, Д.Қ.Аҳмедов – III, VI-бобнинг 1-7-§лари, XVI- XXI-боблар (**ўқитувчи И.Р.Беков** билан ҳамкорликда), XVII-боб (**ўқитувчи Ш.Ғ.Асадов** билан ҳамкорликда), XVIII, XIX-боб (**ю.ф.н., С.М.Хидиров** билан ҳамкорликда), XX-боб **(ю.ф.д., профессор, М.Х.Рустамбоев** билан ҳамкорликда), XXIX-боблар.

ю.ф.н., С.М.Хидиров – XXIII, XXIV, XXV-боб (**ўқитувчи Ш.Х. Зулфиқоров** билан ҳамкорликда), XXVIII-боблар.

Тақризчилар: Юридик фанлари доктори, профессор **А.Т.Хусанов**

ю.ф.н. **Д.Р.Матрасулов**

Кириш

"Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб, тушуниб бормоқдамиз – бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз, буюк ҳаёт қомусимиз турибди".[1]

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.

Маълумки, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги энг дастлабки ва энг муҳим қадам Конституцияни ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишдан бошланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши ҳам демократия йўлида улкан бир қадам қўйиш учун катта туртки бўлди. Дарҳақиқат, кўп нарса мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга боғлиқ. Мана шу мақсадда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясини **болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда**

[1] И. А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: "Ўзбекистон", 2000. 87-бет

дарслик тариқасида ўқитиш ҳамда олий ўқув юртларида эса махсус дарс сифатида ўрганишни[1] вазифа қилиб қўйди.

Шундан келиб чиқиб, фармойиш асосида 2001 йил 1 сентябрдан мамлакатимизда узлуксиз ҳуқуқий таълимнинг асоси ҳисобланмиш Конституцияни ўрганиш боғчадан бошлаб то олий таълимнинг юқори босқичи ҳисобланадиган магистратурагача ташкил этилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бутун Ўзбекистон халқининг юксак ва масъулиятли бурчидир .

Конституция -Асосий қонун сифатида барча қонунчилик соҳаларининг бош манбаи ҳисобланади, чунки Конституцияда халқнинг олий иродаси ўзининг қонуний ифодаси ҳамда мухтасар баёнини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи эса мамлакат ҳуқуқ тизимининг етакчи соҳаси бўлиб, у ҳокимият билан шахснинг ўзаро муносабатларини, давлат органлари тизимининг фаолият юритишини тартибга солувчи, фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини, шунингдек, жамиятнинг бошқа ижтимоий тузилмалари ҳолатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Таъкидлаш лозимки, конституциявий ҳуқуқ фани бўйича пухта билимга эга бўлиш нафақат ўқитувчи ўтадиган дарс машғулотларида фаол иштирок этишни, балки талабанинг мустақил шуғулланишини, Конституция ва қонунларни, тавсия этилган адабиётларни мунтазам ўрганиб боришни тақозо қилади.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, мамлакат Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари, шунингдек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари тажрибалари асосида яратилди.

Маълумки, ўтган давр мобайнида, хусусан 2002-2005 йиллар орасида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида изчил демократик ислоҳотлар амалга оширилди ҳамда бир қанча янги қонунлар 2002 йил 4 апрелда “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси

[1] И. А. Каримов. Конституция тўғрисида. Тошкент, 2001, 153 – бет.

Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги учта асосий конституциявий қонунлар қонунлар қабул қилинди. Парламент ислоҳотининг амалга оширилиши Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруриятини тақозо этди.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, ушбу дарсликда қуйидаги янги ҳуқуқий ислоҳотлар ҳамда ўзгаришлар ўз аксини топди:

- Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлат ҳокимияти тизимида икки палатали парламент шакллантирилди ҳамда Президентнинг айрим ваколатлари парламентга ўтди;
- Президентнинг ваколат муддати узайтирилди;
- ижро ҳокимияти таркиби янгидан ташкил этилиб, унинг вазифалари аниқ йўналтирилди;
- давлат ҳокимиятининг шаклланишида муҳим институт ҳисобланган сайлов тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди;
- суд-ҳуқуқ тизими тубдан либераллаштирилди.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган[1]

Дарсликни ўқиб чиқиш жараёнида китобхон юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқий ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу дарслик китобхонларнинг конституциявий-ҳуқуқий онги юксалиши ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида баҳоли қудрат хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Конституциянинг асосий моҳияти**, …шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдига мақсад қўяди.**

[1] И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз--жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. : “Ўзбекистон”.2005; Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлидан Т.: “Академия”, 2005

Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўлларини ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди.[1]

профессор А. Х. Саидов

[1] И.А.Каримов. “Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби”. Т.: “Ўзбекистон”. 1997. 258-бет.

БИРИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИГА КИРИШ

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТУШУНЧАСИ ВА УСЛУБЛАРИ

1-§. Конституциявий ҳуқуқ фанининг пайдо бўлиши

2-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқ тушунчаси

3-§ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи предметининг ўзига хос ҳусусиятлари

4-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи объекти

5-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи субъектлари

6-§. Конституциявий ҳуқуқи фанининг номи ҳусусида

7-§. Ўзбекистонг Республикаси Конституциявий ўқув курсининг методлари

8-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг тизими

1-§. Конституциявий ҳуқуқ фанининг пайдо бўлиши

Конституциявий ҳуқуқ миллий ҳуқуқ тизимининг мустақил соҳаси ва алоҳида фан сифатида XVIII асрнинг охирида пайдо бўлиб, ушбу фаннинг асосий ғоялари ва институтлари ўзига хос тарихий тараққиёт йўлига эга.

«Конституция» атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, “ўрнатиш”, “белгилаш” деган маъноларни англатади ҳамда у ўзининг узоқ тарихига эга. Дастлаб «конституция» ибораси сиёсий тузум маъносини англатиб, XVII асрда Францияда ушбу атама рента ҳамда рента шартномасига нисбатан ишлатилган. Кейинчалик “Конституция” сўзи ўзининг асл маъносига қайтиб, ушбу атама билан ҳуқуқий томондан белгилаб қўйилган давлат тузуми номлана бошлаган. Буюк Француз инқилоби арафасида эса «Конституция» ибораси орқали «давлатнинг аҳволи» ифодаланган.

Ўрта асрларда Шарқда “Конституция” иборасининг айнан ўзи бевосита ишлатилмаган бўлсада, лекин XV-XVI асрларда Амир Темур ва Темурийлар давлатининг асосий хусусиятларини ўзида акс эттирувчи "Темур тузуклари" шарқона ҳуқуқий маданиятга монанд конституциявий ҳужжат эди.

Конституциявий ҳуқуқнинг пайдо бўлишига ва тараққиётига бир қатор конституциявий аҳамиятга молик ҳужжатлар катта таъсир кўрсатган.

Бундай ҳужжатлар жумласига 1215 йилда Англияда қабул қилинган «Эркинликларнинг буюк Хартияси», 1697 йилги «Хабеас корпус акт» («Habeas Corpus Act») ва бошқа бир қатор ҳужжатлар киради. Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар ҳозирги кунда ҳам Буюк Британияда амалдаги конституциявий ҳужжатлардан бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, конституциявий ҳуқуқ фани ўзига хос тарихий тараққиёт давомида вужудга келган.

Конституциявий ҳуқуқнинг шаклланишида бир қанча омиллар таъсир кўрсатган. Бундай омиллар жумласига қуйидагилар киради.

Биринчидан, дастлабки конституциявий аҳамиятга молик ҳужжатлар. Масалан, АҚШнинг 1776 йилги "Мустақиллик декларацияси" ва 1789 йилги "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларацияси"ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Американинг Мустақиллик Декларациясида илк бор «Халқ давлат ҳокимиятнинг манбаидир» деган конституциявий қоида мустаҳкамланган эди. Француз Декларациясининг 16-моддасида эса «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ва ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципига эга бўлмаган халқ конституциясига эга бўлмайди», деб таъкидланган.

Иккинчидан, инсоният ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули ва умуминсоний ҳуқуқий қадрият ҳисобланадиган ҳуқуқий назария ва таълимотлар. Масалан, инсон ҳуқуқларининг табиий ажралмас эканлиги тўғрисидаги таълимот конституциявий ҳуқуқнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Табиий ҳуқуқ концепцияси АҚШнинг Мустақиллик Декларациясида ҳамда Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Франция Декларациясида қонуний равишда

мустаҳкамланган эди. Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари конституциявий ҳуқуқнинг (предметини) ташкил этувчи асосий масалалардан биридир.

Учинчидан, дунёда буюк мутафаккирларнинг давлат ва ҳуқуққа оид қолдирган улкан илмий-ҳуқуқий мероси. Бундай олимлардан француз мутафаккири Шарль Луи Монтескьени кўрсатиш мумкин. У ўзининг «Қонунлар руҳи» асарида ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқининг асосий тамойилларидан ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берган.

Шарқнинг буюк қомусий алломалари Абу Наср Фаробий, Алишер Навоийлар томонидан билдирилган давлат ва ҳуқуққа оид фикрлар ҳам Шарқда конституциявий таълимотларни шаклланишида катта роль ўйнаган.

Тўртинчидан, турли давлатларнинг конституциявий қонунчилиги ва амалиёти. XVIII-XIX асрларда Америка ва Европада қабул қилинган конституциялар конституциявий ҳуқуқнинг мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланишида катта роль ўйнаган. Чунки конституциялар конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда ҳар бир давлатда конституциявий ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ўзига хос ҳусусиятларга эга.

Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқининг предмети эса, XX асрнинг иккинчи ярмида ўзини якуний шаклини олди.

2-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқ тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, конституциявий-ҳуқуқий нормалар ёрдамида инсон, жамият ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Конституциявий ҳуқуқ нормалари инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади ва таъминлайди. Бундаги устувор йўналишларни ва олий қадриятларни аниқлайди ва конституциявий амалиётни белгилаб беради. Бу олий қадриятларга конституциявий институтлар мос бўлиши керак.

Конституциявий институтлар эса ўз навбатида жамият ва давлат тузилишининг принципларини, давлат ҳокимияти органлари тузилиши ва тизимини, давлат ҳокимияти ташкил этилиши ва назорат қилинишини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у, авваломбор, ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солади. Ана шундай муносабатлар инсон, жамият ва давлат ўртасида келиб чиқади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари:

биринчидан, қонунчилик доирасида сиёсий муносабатларнинг энг муҳим қисмини тартибга солади;

иккинчидан, ижтимоий муносабатларни муайян томонларга йўналтирилади, яъни конституциявий ҳуқуқнинг норма ва принциплари ижтимоий муносабатлар тараққиётини белгилаб беради.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи ўзига хос предметга эга. Унинг предметини асосан ижтимоий-сиёсий муносабатлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи шахс, жамият ва давлат ўртасида вужудга келадиган ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган муносабатларни тартибга солувчи конституциявий ҳуқуқий нормалар тизими (йиғиндиси)дир.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи предметининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи – мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлиб, у миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзаги, ядросини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи – муайян конституциявий -ҳуқуқий нормалар тизими (йиғиндиси) дан иборат.

Ҳуқуқшунослик фанида Конституциявий ҳуқуқнинг предметини аниқлашда уч ёндошув бор.

Биринчи ёндошув: конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг предметини давлат ҳокимиятини амалга ошириш ташкил этади. Бу ёндошув россиялик ҳуқуқшуносларга хосдир. Конституция тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг аксариятини давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари ташкил этади.

Иккинчи ёндошув: конституциявий ҳуқуқнинг предметини, аввалambор, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ташкил этади. Яъни давлат ҳокимияти манфаатлари инсон манфатларидан келиб чиқиши керак.

Учинчи ёндошув: конституциявий ҳуқуқ предметини давлат ҳокимияти ва инсон ҳуқуқларига оид муносабатларни тартибга солиш ташкил этади. Шундай қилиб, бу ёндошув биринчи ва иккинчи ёндошувларни ўзида уйғунлаштиради. Бу фикрни маҳшур француз конституцияшунос олими Анри Ориу шундай ифодалаган эди: «Конституциявий ҳуқуқнинг асосий мақсади-давлат ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари, эркинликларини муайян нисбатда яшашини таъминлашдан иборат».

Ҳозирги замон конституциялари эса яна бир янги учинчи гуруҳ, яъни ижтимоий муносабатларни ҳам тартибга солади. Сўз "шахс-жамият-давлат ўртасидаги муносабатларни конституциявий тартибга солиш тўғрисида кетмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи предмети учта катта ижтимоий муносабатлар гуруҳидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи:

биринчи гуруҳ: конституциявий тизимни ташкил этиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни;

иккинчи гуруҳ: инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибига солиш, ҳимоя қилиш, қўриқлаш ва кафолатлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни;

учинчи гуруҳ: «шахс-жамият-давлат” ўртасидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солади.

4-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи объекти

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг объекти – конституциявий ҳуқуқ нормалари томонидан тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Конституциявий ҳуқуқ объектига қуйидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи конституциявий нормалар киради:

биринчидан, конституциявий ҳуқуқнинг асосий принциплари;

иккинчидан, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга ошириш.

Конституциявий ҳуқуқ объекти – ушбу ҳуқуқ соҳасининг чегараларини белгилайди ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқланишини кўрсатади.

Конституциявий ҳуқуқ объекти, авваломбор, конституциявий ҳуқуқ тушунчасини беришга имкон яратади. Бунда конституциявий ҳуқуқ тушунчаси унинг асосий институтларини очиб бериш йўли билан берилади.

5-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи субъектлари

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи субъектлари конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ҳамда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади.

Конституциявий ҳуқуқ субъектларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ: жисмоний шахслар. Ҳар бир давлатда ҳар бир шахс муайян ҳуқуқий мақомга эга бўлади ва бу мақом, аввалambор, конституциявий ҳуқуқ нормалари билан белгиланади. Шахс ўз ҳуқуқий мақомига кўра фуқаро, чет эллик ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиши мумкин. Шахс ўз ҳуқуқий мақомига кўра турли ҳажмдаги сиёсий, шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга эга бўлади. Шахсий ҳуқуқлар барча инсонларга тегишлидир.

иккинчи гуруҳ: юридик шахслар. Эгаллаган мақоми конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган юридик шахслар конституциявий ҳуқуқнинг субъектлари бўлади ва уларнинг ҳуқуқий мақоми турличадир.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи субъектлари жумласига қуйидаги юридик шахслар киради:

1)давлат ва унинг органлари;

2)жамоат бирлашмалари;

3)сиёсий партиялар;

4)фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари.

Конституциявий ҳуқуқнинг асосий субъекти инсондир. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари конституциявий ҳуқуқнинг мазмун моҳиятини белгилаб беради.

6-§. Конституциявий ҳуқуқ фанининг номи хусусида

Юридик адабиётларда “Конституциявий ҳуқуқ» ибораси уч хил маънода қўлланади:

биринчидан, конституциявий ҳуқуқ миллий ҳуқуқий тизимнинг мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида;

иккинчидан, конституциявий ҳуқуқ энг муҳим юридик фанлардан бири сифатида;

учинчидан, конституциявий ҳуқуқ юридик таълим тизимида муҳим ўрин тутган ўқув курси сифатида қўлланади.

Хорижий мамлакатларда ушбу ўқув курси, одатда, икки хил номланади.

1. Франция, Буюк Британия каби давлатларда ушбу ўқув курси “Конституциявий ҳуқуқ» деб аталади.

2. Германия, Скандинавия, Швеция каби давлатларда "Давлат ҳуқуқи" деб юритилади.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар бу икки номни синоним сифатида бир хилда қўллаш мумкин десалар, бошқа ҳуқуқшунослар улар ўртасида жиддий фарқлар бор деб ҳисоблайди. Фикримизча, бу ўқув курсининг номланишига у ёки бу

давлатда конституциявий ҳуқуқнинг ривожланишининг ўзига хос шароитлари ва хусусиятлари таъсир кўрсатган. Масалан, Франция ва Буюк Британияда конституциявий ҳуқуқнинг шаклланишида конституциявий аҳамиятга молик тарихий ҳужжатлар катта рол ўйнаган. Германия каби давлатларда эса конституциявий ҳуқуқнинг ривожланиш жараёнида давлат, унинг институтлари масаласига кўпроқ эътибор берилган.

Бизнинг фикримизча, бу фанни "Конституциявий ҳуқуқ" деб номлаш тўғрироқдир. Шунинг учун ҳам биз "Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи" деб номланишини мақсадга мувофиқ деб биламиз.

7-§. Ўзбекистонг Республикаси Конституциявий ҳуқуқи ўқув курсининг методлари

Конституциявий ҳуқуқ ўқув курсининг ўрганишда билиш назариясининг қуйидаги методлари кенг қўлланилади.

1. тарихий услуб;
2. қиёсий услуб;
3. мантиқий услуб;
4. тизимли услуб;
5. социологик услуб;
6. математик услуб.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқини ўрганишда қўлланиладиган услублар йиғиндиси ушбу ўқув курсининг методологиясини ташкил этади.

8-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг тизими

Ҳар бир давлат ўзининг алоҳида Конституциясига эга. Шу билан бирга барча мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқига хос бир қатор умумий ҳам жиҳатлар мавжуд.

Конституциявий ҳуқуқ таркибан уч элементдан ташкил топган:

биринчидан, конституциявий -ҳуқуқий нормалар;

иккинчидан, конституциявий- ҳуқуқий принциплар;

учинчидан, конституциявий- ҳуқуқий институтлар;

Конституциявий ҳуқуқий-нормалар конституциявий ҳуқуқнинг бирламчи асосини ташкил этади. Конституциявий нормаларда ҳуқуқ нормасининг уч қисми гипотеза, диспозиция, санкция ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин. Кўпинча конституциявий нормаларда санкция кўрсатилмайди. Конституциявий норма фақат диспозициядан иборат бўлиши мумкин. Масалан, "Парламент икки палатадан иборат".

Конституциявий ҳуқуқ принциплари ичида ҳуқуқий принциплар марказий ўринни эгаллайди. Кўпгина мамлакатлар конституцияларида қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларининг олий қадрият эканлиги, ҳокимият ваколатларини тақсимлаш, давлатнинг дунёвий социал характери каби принциплар мустаҳкамланган.

Конституциявий нормалар муайян конституциявий институтларни ташкил этади. Конституциявий институтларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ; инсон ҳуқуқлари институти;

иккинчи гуруҳ; давлат ҳокимияти институти;

Ўз навбатида бу икки институт яна ўзининг таркибий институтларига бўлинади. Масалан, инсон ҳуқуқлари институти, шахсий ҳуқуқлар институти, сиёсий ҳуқуқлар институти, иқтисодий ҳуқуқлар институти, маданий ҳуқуқлар институти, фуқаролар мажбуриятлари институтларига бўлинади.

Давлат ҳокимияти институти эса, давлат бошлиғи, парламент, суд ҳокимияти, сайлов ҳуқуқи , президентлик, конституциявий назорат ҳамда омбудсман институти кабиларга бўлинади.

Мамлакатда қайси конституциявий институтларининг мавжуд бўлишлиги ҳар бир давлатнинг Конституцияси билан белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг тизими мамлакатимизнинг 1992 йилги Конституцияси тузилишидан келиб чиқади. Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқининг тизимини кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумининг асослари;

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари;

3. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятининг конституциявий асослари;

4. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишининг конституциявий асослари

5. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятнинг конституциявий асослари.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, конституциявий ҳуқуқни ҳуқуқ соҳаси сифатидаги ушбу тизими конституциявий ҳуқуқни мустақил фан ва ўқув курси тизимидан муайян равишда фарқ қилади.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи фанининг предмети нимани ўргатади?

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи фанининг манбалари ҳақида нималарни биласиз?

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи фанининг ўрганиш услубларини санаб беринг?

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи фанининг вазифаси нималардан иборат?

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи фанининг субъектларини санаб беринг?

6. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи фанининг тизими нималардан иборат?

II БОБ. КОНСТИТУЦИЯ НАЗАРИЯСИ

1-§. Конституция тушунчаси

2-§. Конституциянинг моҳияти

3-§. Конституцияларни туркумларга (турларга) бўлиш (классификациялаш)

4-§. Формал ва моддий Конституция. Юридик ва амалий Конституция

5-§. Конституциянинг юридик хусусиятлари

6-§. Конституциянинг юридик мазмуни

7-§. Конституциянинг функциялари

8-§. Конституциянинг тузилиши

9-§. Конституция лойиҳаларини тайёрлаш

10-§. Конституцияни қабул қилиш усуллари

11-§. Конституцияни ўзгартириш тартиби

12-§. Конституцияни ҳимоя қилиш. Конституциявий назорат

1-§. Конституция тушунчаси

"Конституция" тушунчаси XVIII аср охирида пайдо бўлиб, Конституцияга жуда кўп таърифлар берилган. "Конституция"га турли хил таърифлар берилган бўлиб, улардан бир неча мисоллар келтирамиз.

Биринчи таъриф: француз давлатшунос олими Ж.Бюрдонинг Конституцияга берган таърифи: "Конституция - сиёсий ҳокимиятларни тайинлаш, ташкил этиш ва фаолият кўрсатишга оид қоидалар йиғиндисидир".

Иккинчи таърифда эса ушбу (юқоридаги) таърифга америкалик олим К.Берд "Фуқаролар эркинликлари" тушунчасини қўшади.

Учинчи таъриф сифатида Нигериялик конституцияшунос Б.Нвабуезенинг таърифини берашимиз мумкин: "Конституция - бу қонун кучига эга бўлган формал ҳужжат бўлиб, унинг ёрдамида жамият ўз-ўзини

бошқаради ҳамда ўзининг турли идоралари билан шунингдек, бу идораларнинг фуқаролар билан муносабатларини ўрнатади".

Кўпчилик ҳолларда конституцияга у тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар предметига қараб тушунча берилади.

Шу маънода, Конституция - давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, давлат ҳокимиятини ташкил этишни ва ҳокимият, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларини тартибга солади.

2-§. Конституциянинг моҳияти

Конституция тушунчасини очиб беришда унинг моҳияти муҳим аҳамият касб этади. Турли мамлакатлардан турли ҳуқуқий оқимлар вакиллари Конституция моҳиятини турлича таърифлайдилар. Масалан, табиий ҳуқуқ мактаби вакиллари Конституция –халқ (миллат) нинг умумий иродасини ифодаловчи ўзига хос ижтимоий шартномадир дейдилар. Норматив ҳуқуқ назарияси вакиллари эса Конституция бу олий ҳуқуқий норманинг ифода бўлишидир деб тушунадилар. Марксизм-ленинизм Конституцияни синфий курашнинг маҳсули сифатида баҳолайди. Бизнинг фикримизча, Конституция – умуминсоний ҳуқуқий қадриятларни энг умулашган инъикосидир.

3-§. Конституцияларни туркумларга (турларга) бўлиш (классификациялаш)

Турли мамлакатлардаги конституцияларни турли мезонларга (критерияларга) асосланиб, ҳар хил гуруҳларга (турларга) бўлиш мумкин.

Биринчидан, конституцияларни уларнинг моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Юридик Конституция (формал) - давлатнинг Асосий Қонуни.
2. Ижтимоий (социал) Конституция (амалий) - амалдаги реал ижтимоий муносабатлар тартибга солинади.

1. Тирик Конституция - АҚШ Олий Суди бу Конституцияни ўзгараётган ижтимоий мезонларига мослаб келмоқда.

2. Фиктив (сохта) Конституция - СССРнинг 1936 йил Конституцияси.

1. Моддий Конституция - конституциявий тузум ва инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи қонундир.

2. Формал Конституция - Асосий Қонун бўлиб, алоҳида тартибда қабул қилинади ва олий юридик кучга эга.

Иккинчидан, конституцияларни шаклига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Ёзма конституциялар.

2. Оғзаки (ёзилмаган) конституциялар - Буюк Британия, Янги Зеландия, Бутан каби давлатлар Конституциялари.

1. Яхлит конституциялар - Конституция матни яхлит бўлиб, бир вақтда қабул қилинади. Масалан, Ўзбекистон, Россия, Бразилия Конституциялари яхлит Конституцияларга мисол бўла олади.

2. Яхлит бўлмаган (нояхлит) конституциялар - бундай Конституциялар турли вақтда қабул қилинган қонунлардан иборат бўлади. Масалан, Швеция, Финландия, Исроил конституциялари.

1. Юмшоқ конституциялар - бундай Конституциялар оддий қонунлар каби ўзгартирилади. Масалан, Буюк Британия Конституциясига 350га яқин қонунлар киради ва оддий тартибда ўзгартирилади.

2. Қаттиқ конституциялар - алоҳида мураккаб тартибда ўзгартирилади. Масалан, АҚШ, Россия, Ўзбекистон конституциялари.

1. Доимий конституциялар. Аксарият конституциялар доимийдир.

2. Вақтинчалик (муваққат) конституциялар - Ироқда 1970 йил Бирлашган Араб Амирлигида 1971 йилдан бери ҳаракатда бўлган конституциялар.

Учинчидан, конституцияларни уларни ижтимоий мазмунига қараб ҳам бир неча турга бўлиш мумкин. Ҳозирги кунда дунёда 300 дан ортиқ Конституция бор (федератив давлатлар субъектларининг Конституциялари билан бирга). Бу Конституциялар турли тарихий даврда қабул қилинган бўлиб, ҳар хил ижтимоий мазмунга эга.

1. Ғарб мамлакатлари Конституциялари.
2. Ривожланаётган мамлакатлар Конституциялари.
3. Ўтиш даври мамлакатлари Конституциялари.
4. Теократик давлатлар Конституциялари.

Конституцияларни қуйидаги турларга ҳам бўлиш мумкин:

1. Демократик Конституциялар.
2. Авторитар Конституциялар.
3. Тоталитар Конституциялар.

Конституцияларни турли гуруҳларга бўлиш табиийдир. Ҳар қандай классификация конституцияларни у ёки бу жихатини яққолроқ, кўрсатиш учун хизмат қилади.

4-§. Формал ва моддий Конституция. Юридик ва амалий Конституция

Конституциявий ҳуқуқ фанида Конституция тушунчаси икки хил маънога эга деб қаралади. Шу маънода формал ва моддий Конституция фарқланади.

Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқ фанида формал Конституция деганда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган, қабул қилиниши ва ўзгартирилиши алоҳида тартибда амалга ошириладиган қонун тушунилади.

Моддий маънодаги Конституция деганда эса давлат ҳокимиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси тушунилади. Бундаги асосий нарса тартибга солиш предмети ва ижтимоий муносабатларни мазмунидир.

Француз олими Ф.Ардан: "Конституция - давлат ҳокимиятининг синонимидир. Шунинг учун ҳатто ёзма ҳужжат бўлмаганда ҳам давлат ўз Конституциясига ҳам эга бўлади. Агар давлат ёзма ҳужжат эга бўлганда ҳам Конституцияни ўзида акс эттирмайди", -деб ёзган эди.

Замонавий конституциявий ҳуқуқ фанида моддий ёки амалий Конституция деганда давлат ҳокимиятини ҳаётдаги амалга оширилиши тушинилади.

Моддий Конституция-реал ҳаракатдаги амалий Конституциядир.

Формал ёки юридик Конституция-давлатнинг асосий қонунидир. Юридик Конституция давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва шахсни ҳуқуқий мақомини белгилаш асосларини мустаҳкамлайди.

5-§. Конституциянинг юридик ҳусусиятлари

Конституция энг муҳим юридик ҳужжат, олий норматив - ҳуқуқий акт сифатида қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради.

1. Конституция давлатнинг Асосий Қонунидир.
2. Конституция - олий юридик кучга эга.
3. Конституция алоҳида тартибда қабул қилинади ва ўзгартирилади.
4. Конституция муҳим сиёсий ҳужжатдир.
5. Конституция муҳим мафкуравий ҳужжатдир.
6. Конституция муҳим юридик ҳужжатдир.
7. Конституция миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзагини ташкил этади.
8. Конституция - ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятнинг асоси.

6-§. Конституциянинг юридик мазмуни

Конституцияларнинг юридик мазмуни унинг таркибини ташкил этувчи нормаларда ифодаланиб, ушбу конституциявий нормалар шахс, жамият ва давлат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юридик мазмунини қуйидаги конституциявий нормалар ташкил этади:

1. а) қонун чиқарувчи;

б) ижроия;

в) суд органлари фаолиятини конституциявий асосларини яратувчи;

2. Фуқаролик жамияти асосларини ташкил этувчи;
3. Ташқи сиёсат асосларини ташкил қилувчи;
4. Молия, мудофаа, хавфсизлик масалаларини ташкил этувчи;

5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солувчи нормалар;

Бугунги кунга келиб Конституцияларнинг конституциявий тартибга солиш предмети доирасининг кенгайиб бориши эса ҳозирги замон Конституцияларига хос алоҳида хусусият сифатида эътироф этилади.

7-§. Конституциянинг функциялари

Конституция ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу соҳаларга қараб Конституциянинг қуйидаги турли функцияларини кўрсатиш мумкин.

1. Юридик функциялари - ҳуқуқнинг асосий манбаи.

2. Сиёсий функциялари давлат ҳокимиятининг ташкил этилишининг асосларини ўрнатади.

3. Мафкуравий функциялари жиноятнинг энг асосий маънавий-ғоявий қадриятларини мустаҳкамлайди.

8-§. Конституциянинг тузилиши

Кўпчилик Конституциялар муқаддима (преамбула), асосий норматив қисм ва якунловчи қисмдан иборат бўлади.

Муқаддима қисмида жамият ва давлат тараққиётининг асосий босқичлари ҳамда ривожланиш истиқболлари кўрсатиб берилади.

Асосий қисм бўлим, боб ва моддалардан ташкил топади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддима, олти бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат.

Якунловчи қисм эса давлат ҳокимиятининг давомийлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Айрим Конституцияларда уларга киритилган қўшимчалар хажми жуда катта бўлади. Баъзи конституцияларда эса иловалар ҳам бўлади.

9-§. Конституция лойиҳаларини тайёрлаш

Конституция лойиҳалари турли давлатларда турлича тайёрланади. Конституция лойиҳаларини тайёрлашнинг қуйидаги усулларини кўрсатиш мумкин.

1. Лойиҳа махсус конституциявий комиссия томонидан тайёрланади.

2. Лойиҳалар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари томонидан тақдим этилади.

3. Лойиҳа парламент ёки ҳукумат томонидан тайёрланади. Масалан, Франциянинг собиқ Президенти Де Голль Францияниг 1958 йилги Конституцияни тайёрлашда кенг иштирок этган.

4. Лойиҳани тайёрлашда собиқ мустамлака қилувчи мамлакатлар фаол иштирок этади. Масалан, Буюк Британия ўзининг собиқ мустамлака давлатларида уларнинг Конституцияларини тайёрлашда қатнашган.

5. Лойиҳа Конституциявий таъсис мажлиси томонидан тайёрланади. Бунга Италия (1947 йилги), Бразилия (1988 йилги), Россия (1993 йилги) Конституциялари мисол бўла олади.

10-§. Конституцияни қабул қилиш усуллари

Конституциянинг қабул қилишнинг қуйидаги усулларини кўрсатиш мумкин:

1. Таъсис (конституциявий) мажлис томонидан. Бразилия (1988), Португалия (1976), Болгария (1991), Руминия (1991) Конституциялари шу усул билан қабул қилинган.

2. Амалдаги парламент томонидан - Ўзбекистон (1992) Хитой (1992), Танзания (1977) Конституциялари мисолида.

3. Референдум йўли билан - Россия (1993), Франция (1958), Қозоғистон (1995), Куба (1976), Чили (1980) каби давлат конституциялари референдум йўли билан қабул қилинган.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда Конституциялар ҳадя этиш йўли билан ҳам қабул қилинади. Ҳадя этишнинг 3 йўли мавжуд:

1. Мутлақ монархия шароитида Конституцияни ўз халқига подшо, қирол, султон, монарх ҳадя қилади. Буни Непал (1962), Саудия Арабистони (1992) Конституциялари мисолида кўришимиз мумкин.

2. Метрополия мустамлакачи давлат ўз мустамлакасига Конституция ҳадя қилади ва унинг мустақил давлатлигини тан олади. Буюк Британия 1979 йил Зимбабвега Конституция ҳадя қилган.

3. Ҳарбий ёки революцион Кенгаш Конституцияни ҳадя қилади. Масалан, Миср, Сурия, Ироқ, Афғонистон Конституциялари шу тарзда қабул қилинган.

11-§. Конституцияни ўзгартириш тартиби

Конституцияга ўзгартириш киритишнинг алоҳида мураккаб тартиби уни барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Шу билан бирга Конституциянинг айрим қисмлари умуман ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан, Францияда республика бошқарув шакли, Германияда давлатнинг федератив тузилиши, Бразилияда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзгартирилиши мумкин эмас.

Айрим давлатларда Конституциянинг айрим боблари ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан, Россия Конституциясининг 1, 2 ва 9- боблари ўзгартирилиши мумкин эмас.

Кўпчилик давлатларда Конституция моддаларини ўзгартириш учун мутлақ кўп овоз олиш керак (одатда 2/3). Федератив давлатларда федерация субъектларининг кўпчилиги (Россияда 2/3 қисми, АҚШда 3/4 қисми) розилигини (ратификация қилиши) талаб этилади. Ҳиндистон, Канада, Покистонда эса федерация субъектларининг розилиги талаб қилинмайди.

Айрим ҳолларда (Скандинавия мамлакатларида) Конституцияга ўзгартиришлар киритиш учун албатта референдум чақирилиши керак. Баъзи давлатларда (Италия) ўзгартиришлар киритиш учун парламент 2 палатасининг мутлақ кўп овозини олиш керак.

Унчалик муҳим бўлмаган ўзгартиришлар оддий кўпчилик овоз билан киритилиши мумкин (Ҳиндистон). Венгрияда Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби референдум йўли билан амалга оширилиши мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда эса Конституцияга ўзгартириш киритишни қонун ташаббусига эга бўлган барча субъектларнинг ўзларигина таклиф эта олмайдилар. Масалан, Грецияда Президент ва парламентнинг 150 депутати розилиги билан, Австрияда бошқа субъектлар билан бирга халқ ташаббуси, яъни 100 минг имзо билан, Италияда 50 минг имзо билан ўзгартиришлар таклиф қилиниши мумкин.

Одатда Конституцияни уруш ёки фавқулодда ҳолат даврида қайта кўриш мумкин эмас. Мексикада Конституция умуман ўзгартирилмайдиган ҳужжат сифатида қаралади.

Конституцияни бекор қилиши ва унинг янги матн билан ўзгартирилиши жуда кам учрайдиган ҳоллардан бўлиб ҳисобланади. Масалан, Шри-Ланка, Жанубий Африка Республикаси, Россияда Конституцияни қайта кўриш учун конституциявий мажлис зарур.

12-§. Конституцияни ҳимоя қилиш. Конституциявий назорат

Конституциявий назорат бу давлат ҳокимияти органлари фаолияти ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Конституцияга мувофиқлигини текшириш иборат фаолиятдир.

Конституциявий назорат объектлари қаторига давлатнинг ички қонунлари, ҳали кучга кирмаган халқаро шартномалари, ижроия ҳокимиятнинг ҳужжатлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш актлари, айрим ҳолларда жамоат бирлашмаларининг актлари киради.

Конституциявий назорат объектлари турли давлатларда турличадир.

Конституциявий назорат ўз моҳиятига кўра биринчидан, дастлабки, яъни норматив – ҳуқуқий хужжатнинг кучга киргунига қадар текширилиши ва иккинчидан, кейинги, яъни норматив – ҳуқуқий хужжатнинг кучга кирганидан сўнг текширилиши иборат.

Ҳуқуқий оқибатларга кўра конституциявий назорат қарор қилувчи ва тавсиявий назоратга бўлинади. Қарор қилувчи конституциявий назоратда конституциявий деб топилган норматив- ҳуқуқий хужжат ўзининг юридик кучини йўқотади. Тавсиявий конституциявий назоратда эса шу меъёрий ҳуқуқий хужжатни қабул қилган органга уни бекор қилиш тавсия этилади.

Мажбурийлиги даражасига кўра конституциявий назорат мажбурий ва факультатив турларга бўлинади. Мажбурий конституциявий назорат қонун талабига мувофиқ амалга оширилади. Факультатив-конституциявий назорат эса ваколати бўлмаган субъект ташаббуси билан ўтказилади.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. «Конституция» сўзининг луғавий маъноси нима ?
2. Конституциянинг юридик белгиларини санаб беринг?
3. Конституциянинг шакли деганда нимани тушунасиз?
4. Конституциянинг ижтимоий мазмунига кўра неча турга бўлинади?
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши айтинг?
6. Конституция қандай усуллар асосида қабул қилинади?
7. Конституциянинг бевосита амал қилиш неча хил кўринишлари мавжуд?
8. Конституциянинг ички шакли элементларини санаб беринг?
9. Конституциянинг қабул қилиш жараёни оддий қонунлар билан нимаси билан фарқланади?
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўзгартириш тартиби қандай белгиланган?
11. Конституциявий назоратнинг қандай турлари мавжуд?

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИ ТУШУНЧАСИ, МАНБАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

1-§. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

2-§. Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг тузилиши ва турлари

3-§. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг субъектлари, объектлари ва турлари

4-§. Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари

5-§. Контитуциявий ҳуқуқнинг тизими

1-§. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқий тизимнинг муҳим соҳаси бўлиб ҳисобланади. Бу ҳуқуқ соҳасида умумий ҳуқуққа тегишли бўлган белгилар билан бир қаторда ушбу ҳуқуқ соҳасини бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар деб, Конституциявий ҳуқуқнинг предметини ташкил қилувчи муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларга айтилади ва улар барча нормаларга тегишли бўлган ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлади. Бошқа ҳуқуқ нормалари сингари, улар ҳам давлат номидан чиқарилади, умуммажбурий қоидаларни ўрнатади, давлат томонидан ҳимоя қилинади, уларнинг бажарилиши таъминланади ва кафолатланади.

Аммо конституциявий ҳуқуқ нормалари бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларидан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлиб, улар ўзларининг мақсад ва вазифалари билан ажралиб туради.

Ҳуқуқ соҳалари бир-биридан ўзининг тартибга солиш муносабатлари тури билан фарқланади. *Конституциявий ҳуқуқ* – давлат ҳокимияти ташкил этилишини мустаҳкамловчи, жамиятнинг бугунги куни ва келажагини

белгиловчи, жамият ва шахс муносабатларини тартибга солувчи инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамда давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузулишини белгиловчи давлат органлари тизими ва улар фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

Бу таърифга мувофиқ қайси ҳуқуқий нормалар ўз мазмунига кўра конституциявий ҳуқуққа тегишлими ёки тегишли эмас эканлигини аниқлаш мумкин.

Агар ҳуқуқий норма Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ва сиёсий тузумига, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатига алоқадор бўлса, уларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини белгилаб берса, демак бундай нормалар конституциявий ҳуқуқий нормалар бўлиб ҳисобланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда қабул қилинган “ Мустақиллиги декларацияси” конституциявий ҳуқуқий нормалар жумласига киради. Чунки унда Ўзбекистоннинг мустақил демократик давлат эканлиги, мамлакат ҳудудининг ҳамма таркибий қисмларида ва барча барча ташқи муносабатларида танҳо ҳокимлиги, давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқининг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмаслиги, республикада давлат ҳокимиятининг унинг ҳудудидаги барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилиши ва шу ҳудудларда яшайдиган аҳолига тааллуқли эканлиги мустаҳкамланган. Шунингдек, Декларацияда Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши, давлат рамзлари-герб, байроқ, мадҳиясини ўзи таъсис этиши белгиланган.

Агар ҳуқуқий нормада Ўзбекистоннинг давлат тузилиши мустаҳкамланса, Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақоми белгиланса, бу нормалар ҳам конституциявий ҳуқуқ нормаси ҳисобланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-боби Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берган. Унда, Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон таркибига кириши, унинг суверентлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилиши, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз

ўзгартирилиши мумкин эмаслиги, маъмурий-ҳудудий масалаларни мустақил ҳал қилиши ҳамда Ўзбекистон таркибидан унинг халқининг розилиги билан ажралиб чиқиш ҳуқуқи, референдум асосида амалга оширилиши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Конституция доирасида тузиладиган шартномалар ва битимлар орқали тартибга солиниши мустаҳкамланган. Мана шундай қоидаларнинг Конституцияда белгиланишининг илмий таҳлили конституциявий норма ҳисобланади ва фанда ўрганилади.

Агар ҳуқуқий норма Ўзбекистоннинг давлат органлари тизимини белгиласа, уларнинг ташкил этилиши ва фаолият принципларини мустаҳкамласа, давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органларининг тизимини, уларнинг ваколатларини белгилаб берса, демак, бундай нормалар ҳам конституциявий ҳуқуқ нормалари бўлиб ҳисобланади.

Масалан**,** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76,77-моддаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Конституциявий ҳуқуқ предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар, бошқа ҳуқуқ соҳалари томонидан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлардан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларни тартибга солиш қоидалари билан тубдан фарқ қилади.

Биринчидан, Конституциявий ҳуқуқ нормалари бошқа ҳуқуқ соҳалари томонидан тартибга солинадиган барча ҳуқуқий муносабатларнинг ўзагини ташкил қилади. Чунки айнан ўша ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларида давлат ва жамиятнинг тузилиш асослари ётади.

Иккинчидан, бу нормалар билан ўрнатилган муносабатларда халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш шакллари, яъни Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб, Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади ҳамда умумий овозга (референдумга) қўйилади.

Масалан, 1991 йилнинг 29 декабрдаги референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатимиз давлат мустақиллигининг Олий Кенгаш томонидан тасдиқланганлигини бир овоздан маъқуллади. 2002 йил 27 январдаги референдумда эса, келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси Парламентини икки палатали қилиб сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб, ўзгартиришга оид масалалар умумхалқ мухокамасига тақдим этилиб, буни Ўзбекистон халқи бир овоздан қўллаб-қувватлади. Шунингдек, 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум мамлакатимизнинг давлат қурилишида бир палатали парламент тизимидан икки палатали тизимга ўтиш лозимлигини белгилаб берди.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиб бормоқда, бу эса давлат бошқарувида демократик умуминсоний принципларига асосланганлигини билдиради. Бутун дунё тинчликсевар жамиятлари тан олган инсон ҳуқуқлари тамойиллари мамлакатимиз ҳаётида мустақилликка эришган кунларимиздан бошлаб амалда бўлди, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва

қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.[1]

Масалан,Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25- моддасида ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Агар бу ҳуқуқлар бузилса, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида белгилаб қўйилган чоралар билан ҳимоя қилинади.

Учинчидан, Конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар давлат ва жамият тузилишини бир бутун организм сифатида ифодалайди. Масалан: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.[2]

Тўртинчидан, Конституциявий ҳуқуқ предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар иштирокчилари, яъни субъектлари махсус доирага эга бўлиб, улар қаторига Ўзбекистон халқи, Ўзбекистон давлати киради. Бу муносабатларнинг махсус ҳуқуқий шаклда мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида тартибга солинган.

Шундай қилиб, Конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар, давлат ҳаётнинг барча жабҳаларини ўз ичига олади. Улар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият тузилиш асосларига, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиш принциплари ва мақсадларига, шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларига, халқ томонидан давлат ва ҳокимиятни амалга ошириш механизимига, давлат ва жамият ишларини бошқаришга алоқадор бўлади.

2-§. Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг тузилиши ва турлари

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: ”Ўзбекистон” 2003, 5-бет
[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: "Ўзбекистон", 2003, 8-бет

Ҳуқуқ соҳалари ўзларининг мазмунан турли-туманлигига карамасдан бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шу билан бир қаторда ҳуқуқ соҳаларининг барчасига хос умумий ва бир-биридан фарқ килувчи алоҳида белгилари мавжуд.

Ҳуқуқ соҳаларини чегаралашда унинг асосий мезони бўлиб, энг аввало, уларнинг тартибга солиш предмети ётади, яъни ҳар бир ҳуқуқ соҳаси мазмунини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлардан иборат бўлади. Шу боис, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар Конституция асосида давлат органлари ва фуқаролар, давлат ҳокимиятини амалга ошириш ва ташкил этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар асосида ташкил топган жамият тузилиши, давлат тузилиши ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни тартибга солади ва мустаҳкамлайди.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар ичида давлат суверенитетига доир муносабатлар муҳим (етакчи) аҳамиятга эгадир. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни, конституциявий ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинишини ижтимоий муносабатларда тадбиқ этилишини тушуниш учун конституциявий ҳуқуқ фанининг предметини аниқлаш ва уни бошқа ҳуқуқ тармоқларидан ажратиб олиш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи давлат ҳокимиятини амалга ошириш ва ташкил этиш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни ҳам тартибга солади. Бу муносабатлар:

биринчидан, чинакам демократия тамойилларга асосланган сайлов тизими орқали давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида; **иккинчидан**, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви, суд ва бошқа органлар фаолиятлари жараёнларида пайдо бўлади.

Давлат органлари ва унинг тузилмалари фаолиятлари давомида ўзаро ҳамда жамоат бирлашмалари ва фуқаролар билан муайян давлат ҳуқуқий

муносабатларга киришади. Конституциявий ҳуқуқ нормалари эса ушбу органларнинг ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий тамойилларини белгилайди ва бундай ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Конституциявий ҳуқуқ нормаларининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият ҳаётининг тузилиш асосларини белгилаш, халқ ҳокимиятчилиги ва давлат суверенитетини амалга ошириш механизмини мустаҳкамлашдир. Бунга мисол тариқасида 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий Қонунни келтириш кифоядир.

Ўзбекистон тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунлар устундир. Давлат идоралари тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилган, Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир. Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси табиий ва бошқа ресурслар республиканинг моддий ва маънавий бойликлари, миллий бойлиги, мулки ҳисобланади. Ўзбекистон ўз пул бирлиги-миллий валютасини жорий этишга, ва бошқа чиқариладиган қимматли қоғозларнинг ҳажмларини ўзи мустақил белгилашга ҳақли, у мустақил молиявий ва кредит сиёсатини амалга оширади, чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа муносабатларни ўрнатади. Улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон деклорациясига мувофиқ ҳолда унинг ҳудудида истиқомат килаётган ҳар бир инсон, Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўлади. Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини-герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди, деб мустаҳкамланган.

Келтирилган бу нормалар конституциявий ҳуқуқ нормалари бўлиб, мустақил республикамизнинг давлат суверенитетининг асосини мустаҳкамлайди.

Қоида бўйича ҳуқуқий норма одатда уч элементдан ташкил топган бўлади: гипотеза, диспозиция, санкция. Бунда ҳуқуқий норма кимга бағишланган, кимларга қандай ҳуқуқлар ва мажбуриятлар берилганлиги сақланади, нормани тадбиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилади ва уларни бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланиши кўрсатилган бўлади.

Лекин конституциявий-ҳуқуқий нормаларига хос бўлган хусусиятлардан, яъни ваколат берувчи (диспозиция) мажбурият юкловчи (гипотеза) тақиқловчи (санкция) элементларидан иборат эканлигини кўрамиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади” дейилган. Бу нормада фақат диспозиция бор бўлиб, гипотеза ҳам санкция йўқ, яъни ҳуқуқий норма бир элементдан ташкил топган. Бошқа бир мисол тариқасида Конституциянинг 89-моддасини келтириш мумкин. Унда "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир”-дейилган. Бу норма ҳам фақат диспозициядан иборат.

Бу келтирилган нормаларда гипотеза ва санкция қисмларининг йўқлиги уларнинг ҳуқуқий норма эканлигига шубҳа туғдирмайди, бундай нормалар Олий Мажлис ва Президентнинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаб беради.

Икки қисмдан, гипотеза ва диспозициядан ташкил топган конституциявий ҳуқуқий нормаларга, масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно” дейилган норманинг биринчи

бандини диспозиция элементи, қолган қисмини “Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади” деган қисмини гипотеза элементи ташкил қилади.

Демак, бу норма икки элементдан ташкил топган. Конституциявий ҳуқуқ нормаларида санкция қисмининг йўқлиги билан бошқа ҳуқуқ нормаларидан фарқ қилади. Бу унинг ўзига хос хусусиятидир, шу билан бир қаторда зарур ҳолларда унда жавобгарлик ҳақида ҳам гапирилиши мумкин. Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра, фанда юмшоқ санкцияланган нормалар мавжуд экан. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги қонунида: “Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларни сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайлов олди ташвиқотини, (агитациясини) олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги, қонунларини ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади”[1]-дейилган. Бу қоидадаги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузилишини олдини олиш мақсадида, норма санкцияланган десак ҳато қилмаган бўламиз.

Конституциявий ҳуқуқ фанида бу каби юмшоқ санкцияланган нормалар кўп учрайди. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 6-моддасида: “Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас” дейилган. Бу нормада юмшоқ санкция элементи мавжуд. Агар бу қоида бузилса, тегишли қонунларга биноан қаттиқ санкция нормаси кучга киради. Қаттиқ санкцияланган нормалар бошқа ҳуқуқ фанларининг предметини ташкил этади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1994й . №5.127-модда

Бундан ташқари, белгиланган конституциявий ҳуқуқий нормада ёзилган қоиданинг мазмуни характерига қараб давлат ҳуқуқий нормаларини атрофлича қуйидагича ифодалаймиз.

а) диспозиция-ваколат берувчи нормалар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 4-бандида мустаҳкамланган нормани келтириш мумкин, "…Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради"-дейилган, бу норма Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий тамойилларини мустаҳкамлайди.

б) Гипотеза- мажбурият юкловчи нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-52 ҳамда 64-65-моддаларида кўзда тутилган фуқароларнинг мажбуриятлари, Конституция ва қонунларга риоя этиш бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асраш, атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудини ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ, ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиш ва ҳоказолар киради.

в) Санкция-таъқиқловчи нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасидаги "…Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди"-деган норма, 57-моддадаги "Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартишни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек харбийлаштирилган бирлашмаларнинг миллий ва диний

руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади”-денган норма, 91-моддасидаги “Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас,”-деган норма ва бошқалар киради.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар мазмуни, тузилиши, яъни тартибга солинадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар доирасига қараб қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини, халқ ҳокимиятчилигини, сиёсий тизими ва иқтисодий негизини, ташқи сиёсат асосларини мустаҳкамловчи нормалар. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида”ги; “Ўзбекистон Республикасида Референдуми тўғрисида”ги; “Мулкчилик тўғрисида”ги; қонунлар ва бошқалар; “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги; “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “ Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқалар

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати асослари ҳақида. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқалар…

3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига алоқадор нормалар. Масалан, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий, топономик обектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида” ги қонуни, Конституциянинг нормаларида ва Қорақалпоғистон Республикаси тўғрисидаги 17-боби ва бошқа қонунларда белгиланган.

4. Давлат ҳокимияти органларининг тизимига алоқадор нормалар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисидаги; Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги; Конституциявий суд

тўғрисидаги; Президент сайлови тўғрисидаги, прокуратура ва маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги, судлар тўғрисидаги қонунларида берилган.

Шунингдек, конституциявий ҳуқуқий нормаларни юридик кучига кўра қуйидагича бўлиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланган ҳуқуқий нормалар.

2. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ифодаланган ҳуқуқий нормалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ифодаланган ҳуқуқий нормалар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг баъзи бир қарорларида ифодаланган ҳуқуқий нормалар.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг алоҳида актларида ифодаланган ҳуқуқий нормалар.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларни ҳудудий ҳаракати бўйича қуйидагича бўлиш мумкин:

а) бутун мамлакат ҳудудида кучга эга эканлиги;

б) фақат Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида харакатда бўладиган;

в) вилоятлар, шаҳарлар ёки туманларнинг ҳудудларида ҳаракатда бўладиган нормалар.

Юқорида айтилганлардан ташқари, конституциявий-ҳуқуқий нормалар институтлар бўйича ҳам гуруҳланади. Конституциявий-ҳуқуқи институти деб, маълум даражада бир хил бўлган ёки ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисига айтилади. Конституциявий ҳуқуқда фуқаролик институти, сайлов тизими институти ва шу каби бошқа институтлар мавжуд. Масалан, фуқаролик институти фуқаролик принциплари, фуқароликка эга бўлиш ва фуқароликни йўқотиш асослари ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда болаларнинг фуқаролиги масалаларига оид нормалар тўплами киради.

3-§. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг субъектлари, объектлари ва турлари

Конституциявий ҳуқуқ нормаларини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнларида конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар деб, Конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Бундай муносабатларнинг иштирокчилари конституциявий ҳуқуқ нормалари томонидан ўрнатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан ўзаро боғланган бўлади. Унинг иштирокчилари ўзаро юридик алоқада бўлади, чунки улар кишилар онгига боғлиқ бўлиб, давлат органлари томонидан таъминланади, ҳимоя қилинади, кафолатланади.

Юридик адабиётларда конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар мазмуни масаласида турли хил қарашлар мавжуд. Қатор давлатшунос олимларнинг нуқтаи назарида *конституциявий ҳуқуқ нормалари* муайян давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ва давлат тузилишининг сиёсий ташкил этилишининг асосий томонларини белгилайди ва тартибга солади. Бошқа давлатшунос олимлар эса конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади, деб таъкидлайдилар.

Биринчи нуқтаи назар муаллифларининг қарашлари ўта мавҳум. Чунки улар конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар мазмунини жуда кенг тушунишлари оқибатида унинг ҳақиқий мазмунини аниқ очиб бера олмаганлар. Иккинчи нуқтаи назар ўта аниқ бўлишига қарамасдан, жуда тор дунёқараш бўлиб, унда конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар аҳамиятлилик даражаси пасайтириб юборилган. Бу хилдаги дунёқараш амалда мавжуд давлат тузилишини такомиллаштириш ёки ривожлантиришда қарама-қаршиликка олиб келади.

Шундай қилиб, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юридик мазмунини, муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ташкил этади. Бу муносабатлар асосан давлат ва жамият тузилишини мустаҳкамлаш, халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш тизими ва шакллари

билан боғликдир, шунинг учун ҳам конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ тизимида хал қилувчи ўринда туради.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу муносабатларда иштирок этувчиларнинг, яъни субъектларнинг махсус доирасини гуруҳларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари қаторига қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон халқи. Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасида, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи” эканлиги мустаҳкамланган, 9-моддасида эса “жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига яъни овозга (референдумга) қўйилиши мустаҳкамланган”.

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида” ги 1991 йил 18 ноябрда ва 2001 йил 30 августда янги таҳрирда қабул қилинган қонунига биноан, Ўзбекистон Республикасининг референдуми – давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш киритишда жамоатчилик фикрини аниқлаш учун, умумхалқ овозига қўйилиши, бўлиб, халқ ҳокимиятчилигини бевосита амалга ошириш воситасидир.

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Мисол учун 2002 йил 27 январдаги референдумда эса, келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси Парламентини икки палатали қилиб сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб, ўзайтиришга оид масалалар юзасидан ўтказилган референдумни келтириш мумкин.

Халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг иккинчи шакли; Давлат ва жамият ишларини бошқаришда халқнинг ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқидир. Бу тарзда иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш ва давлат органлари

фаолиятини демократик принциплар асосида ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Бунга мисол сифатида: 2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига ўтказилган сайловларини келтириш мумкин.

2. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари ўртасидаги давлат-ҳуқуқий муносабатлари ва уларнинг ваколатлари доирасини белгилаш тартиби. Конституциянинг XVII бобида ва бошқа моддаларда мустаҳкамланган принциплар асосида қабул қилинган қонунлар, қарорлар, шартномалар ва битимларда кўрсатиб ўтилган.

3. Маъмурий-ҳудудий бирликлар: Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат (Конституциянинг 68-моддаси). Давлат мазкур маъмурий-ҳудудий субъектлари билан ҳам ҳуқуқий муносабатларга киришади. Улар эса, ўз навбатида, ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириши белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш амалга оширилади.

4. Жамоат бирлашмалари: Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган: сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, олимларнинг жамиятлари, фахрийлар ва ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари. улар ўз фаолиятлари давомида депутатликка номзодлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ёки депутатларни чақириб олиш тартибини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларда давлат-ҳуқуқий муносабатларининг субъекти бўла оладилар.

5. Меҳнат жамоалари: муассаса корхона, ташкилот, ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, олий ўқув юрти талабалари, ўқитувчилари,

коллеж ва лицейлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқалар. Давлат ва жамият аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда давлат-ҳуқуқий муносабатларининг субъекти бўла оладилар. Масалан, Конституция ва қонунларни муҳокама қилишда ўз фикрларини баён этиш ёки Референдумда иштирок этиш билан давлат ҳуқуқий муносабатларининг субъекти бўладилар.

6. Давлат органлари: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат органлари фаолияти ва ташкил этилишининг асосий тамойиллари белгиланган. Конституциявий нормалар асосида давлат органлари давлат ҳокимиятини амалга ошириш ва ташкил этиш жараёнида бир-бири билан ўзаро конституциявий-ҳуқуқий муносабатларга киришади:

Давлат ҳокимияти органлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари);

Давлат бошқаруви органлари (вазирликлар ва идоралар, давлат қўмиталари, хўжаликлар, муассасалар ва бошқалар);

Суд органлари (Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди);

Прокуратура органлари.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар нафақат юқорида кўрсатилган органлар ўртасидаги муносабатларни, балки иккинчи томондан бу органлар билан фуқароларни, жамоат бирлашмалари билан депутатларни ва сайловчилар ўртасидаги давлат-ҳуқуқий муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Давлат органларининг юқори органлари томонидан, қуйи органларга раҳбарлик қилиши, қуйи органлар қарорларини бекор қилиш билан боғлиқ конституциявий-ҳуқуқий муносабатлари келиб чиқади ва унда иштирок этувчилар субъект бўла оладилар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларни тўхтатади ва бекор қилади.

7. Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари. Улар масалан, депутат сўрови, фуқароларнинг мансабдор шахслар ҳаракати устидан шикоят қилиш билан боғлиқ давлат-ҳуқуқий муносабатларида субъект сифатида иштирок этадилар. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахс

бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларга ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.[1]

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси ва маҳаллий-халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари. Депутатлар ва Сенаторлар ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларда субъект сифатида иштирок этадилар. Масалан, депутат ёки сенатор сессияда муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиқиши, раислик қилувчига савол бериши сўров билан мурожаат қилишга ҳақли[2].

9. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари. Улар ўз ижтимоий фаолликларини. Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар[3]. Уларнинг иштирок этиш жараёнларидан келиб чиқадиган муносабатларда субъект бўладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида алоҳида конституциявий-ҳуқуқий муносабатларга киришиши мумкин. Фуқароларга муайян мажбуриятлар билан бирга давлат органлари олдида фуқароларга маълум ҳуқуқлар ҳам берилган. Жумладан, Конституциянинг 18-моддасида, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар, деб белгиланган. Яъни конституциявий-ҳуқуқий муносабатларининг субъекти сифатида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатлари Конституцияда кафолатланган. Масалан, фуқаро давлат органлари, халқ депутатлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа уюшма, ташкилотлар билан конституциявий-ҳуқуқий муносабатларга кириши оқибатида ҳам субъект бўла олади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси. Т.: “Ўзбекистон”, 2003 , 9-бет
[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.2005й.№1.8-модда
[3] Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 33-моддаси, Т.: “Ўзбекистон”, 2003, 8-бет

10. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни кўрсатиш мумкин.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари конституциявий-ҳуқуқ муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини маълум объектлар билан, яъни нарсалар ва ҳодисалар билан боғлаб белгилайди.

Конституциявий ҳуқуқий муносабатлар объектларини бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Давлат ҳудуди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди даҳлсиз ва бўлинмас бўлиб, халқининг хоҳиш-иродаси, эрки, яъни билдирмасдан туриб унинг ўзгартирилиши мумкин эмас"-дейилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида "...Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари даҳлсиз бўлиб, ўзгартирилиши ва бўлиниши мумкин эмас"-деб белгиланган. Бу нормалар асосида давлат-ҳуқуқий муносабатлари келиб чиқади. Чунки, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон таркибидаги суверен республика, унинг ҳудудий ўзгаришлари халқининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

2. Моддий бойликлар. Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлат мулкини ташкил этувчи объектлар доирасини белгилайди ва бу объектлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларни ҳам белгилайди. Масалан, ер усти ва ер ости бойликлари сув, табиий заҳиралар, ўрмон, ҳайвонот дунёси умуммиллий бойликдир.[1] Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг қонуний фаолият юритиши. Масалан, депутатнинг вакиллик органига киритган сўрови билан боғлиқ ҳаракати натижасида

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси Т.: "Ўзбекистон" 2003, 11-бет

конституциявий-ҳуқуқий муносабатнинг объекти бўлиши мумкин ёки вакиллик органи томонидан қонунга зид қабул қилинган қарорнинг юқори вакиллик органи томонидан бекор қилиниши ҳам конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу нормаларда обьект, ҳуқуқий ҳаракат нимага қаратилганлиги билан аниқланади.

4. Мулкий характерга эга бўлмаган шахсий манфаатлар, яъни обрў, шаън, қадр-қиммат ва ҳоказо. Масалан: ”Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида” ги қонуни асосида депутат ва сенатор даҳлсизлиги мустаҳкамланган. Демак бу қоида асосида депутат ва сенаторнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган давлат-ҳуқуқий муносабатлари келиб чиқиши мумкин, шундай қилиб, конституциявий ҳуқуқнинг хилма-хиллиги ўз навбатида турли маънолардаги давлат-ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтиради. Демак, давлат-ҳуқуқий муносабатларининг объектига ҳуқуқий муносабат иштирокчилари қонунларда белгиланган манфаатлари билан боғлиқ бўлади.

4-§. Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари

Конституциявий ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассам этувчи норматив ҳуқуқий актлар конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаларини ташкил этади. Конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-давлатнинг Асосий Қонуни сифатида олий юридик кучга эгадир, шунинг учун ҳам унда ифодаланган тартиб-қоидалар конституциявий ҳуқуқ нормалари тизимида бош ўринни эгаллайди. Бошқа ҳамма ҳуқуқ соҳаларида ўрнатилган нормалар ҳам Конституция нормаларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Конституцияси конституциявий ҳуқуқнинг предметига алоқадор бўлган ҳамма ижтимоий муносабатларни умумлаштирувчи ягона манба бўлиб ҳисобланади.

Конституция нормалари энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бошқа ҳуқуқ манбаларида ифодаланган нормалар эса Конституция нормаларини ривожлантиришга ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган бўлади.

Ўзбекистон Конституциясида давлатнинг ижтимоий тузум асослари, сиёсий тизими, иқтисодий негизи, ташқи сиёсатининг конституциявий принциплари ўз ифодасини топган. Унда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгиловчи нормалар акс эттирилган.

Конституция нормалари давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият принципларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига алоқадор бўлган асосий нормалар ифодаланган. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, суд ҳокимияти органлари, прокуратура органларига алоқадор нормалар ҳам акс эттирилган. Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари қаторига давлат-ҳуқуқий нормалари акс эттирилган қонунлар ҳам киради. Масалан, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Олий Мажлисга сайлови тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунлар.

Конституциявий ҳуқуқнинг манбаларидан бўлиб, вакиллик органлари томонидан қабул қилинадиган иш юритиш тартиблари; йўриқномалар, регламентлар ҳам манба бўлиб ҳисобланади. Масалан, 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисидаги” қонунни кўрсатиш мумкин.

Вакиллик органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ҳам Конституциявий ҳуқуқ манбаи бўлади. Шунингдек, Конституциявий ҳуқуқ манбалари қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган давлат-ҳуқуқий характерига эга бўлган фармонлари, қарорлари фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари киради.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган ва тузиладиган шартномалари битимлари ҳам конституциявий ҳуқуқ манбасини ташкил қилади.

Ва ниҳоят, конституциявий ҳуқуқ манбаларидан бўлиб, маҳаллий вакиллик органларининг баъзи бир норматив актлари ҳам ҳисобланади. Масалан, “Халқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисида” ги Низомлари, Кенгашининг «Иш юритиш тартиблари» (регламентлари), Ҳокимларнинг қабул қилган ҳуқуқий актлари ва улар тўғрисидаги қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошириш тартиб қоидалари ва бошқа давлат органларининг фаолият принциплари киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқ фанининг асосий манбаси сифатида республика Президенти И.А.Каримовнинг рисолалари, нутқларини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг асарларида Конституциявий ҳуқуқ фанининг предметига алоқадор бўлган давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституциянинг моҳияти ва вазифалари тўғрисидаги илмий-назарий ғоялари муҳим ўрин эгаллаган.

Бироқ, давлат органлари чиқарган ҳар қандай ҳужжат ҳам конституциявий ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди. Унинг асосий манбаи бўлиб фақат Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилишини, конституциявий ҳокимиятини амалга ошириш ва ташкил этиш жараёнида вужудга келадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатини ифода этадиган ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқ манбаларининг таснифи қуйидагилардан иборат:

1.Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаи бўлиб унинг Конституцияси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқий нормаларини белгилайдиган қонунлари (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси

тўғрисидаги, фуқаролик тўғрисидаги қонун, сайлов тўғрисидаги қонунлар ва шу кабилар).

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва бошқа ҳужжатлари.

5.Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида умумий қоидаларни ўз ичига олган, ўша ҳудудда кучга эга бўлган ҳужжатлари. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг асосий манбаи унинг Конституцияси ҳисобланади. Шунингдек, конституциявий-ҳуқуқий нормаларини ўзида ифодалайдиган қонунлар (Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламенти, Олий Мажлис Сенатининг Регламенти тўғрисидаги қонунлар ва бошқалар). Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинадиган фармон ва фармойишлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида чиқарган ҳужжатлари киради.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ҳуқуқшунос олимларининг илмий асарлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари фаннинг манбаларини ташкил этади.

Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари

1. Қандай нормалар конституциявий ҳуқуқ нормалари дейилади?
2. Конституциявий ҳуқуқий нормаларнинг хусусиятларини айтинг?

3. Конституциявий ҳуқуқ нормаларнинг тузилиш таркиби нималардан иборат?

4. Конституциявий ҳуқуқ нормаларнинг турларнини санаб беринг?

5. Қандай муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар дейилади?

6. Конституциявий -ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларини санаб беринг?

7. Конституциявий -ҳуқуқий муносабатлар объектларига нималар киради?

8. Конституциявий -ҳуқуқий муносабатларнинг таснифига кўра турларини айтинг?

9. Конституциявий ҳуқуқ манбаларини санаб беринг?

ИККИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗбЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

1-§. Ўзбекистоннинг конституциявий тарихи

2-§. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва янги Конституцияни қабул қилиш зарурияти

3-§. Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотнинг ўзига хос хусусиятлари ва босқичлари

4-§. Президент – Конституциянинг ташаббускори, яратувчиси ва кафили

5-§. Конституциянинг тузилиши

6-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш тартиби

1-§. Ўзбекистоннинг конституциявий тарихи

Тарихда "Турон", "Туркистон" ва "Мовароуннаҳр" номи билан машҳур бўлган Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.[1]

Масалан, тарихий манбаларга кўра, XIII-XIX асрларда Мовароуннаҳрда давлатнинг ҳуқуқий аҳволига маълум даражада таъсир кўрсатиб келган Амир Темур тузуклари Шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжатлар эди.[2]

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унда мустақиллигимизнинг мустаҳкамлаб қўйилиши ота-боболаримизнинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган курашлари натижасидир.

[1].Каримов И.А: "Бунёдкорлик йўлидан",: Т. :"Ўзбекистон " – 1996. 340-бет
[2] Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. Т.: ИИВ Академияси, 1993, 3-бет.

Маълумки, Россия империясида 1917 йил октябр ойида давлат тўнтариши бўлиб ўтди, ўзларини халқпарвар деб эълон қилган, коммунистлар ҳокимиятни қўлга олдилар. Шундан кейин Ўрта Осиёда ўрнатилган шовинистик тенгсизлик натижасида миллий озодлик ҳаракатлари вужудга келди. Бошқа миллатларни бир-бирига қарши қўйиш, (масалан дашноқларга, Ўрта Осиёда маҳаллий халқни қирғин қилишларига шароит яратиб берилди) каби салбий ишларни амалга оширдилар. Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йилларидаги Конституциялари, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг 1920-1921-1923 йиллардаги конституциялари, Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги Конституцияларни қабул қилган эди.

Советлар даврида Ўзбекистон ҳудудида 1918 йил 30 апрелдаги Бешинчи Туркистон съездида ва Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси РСФСРнинг таркибига киритилиб, Туркистон АССР нинг муваққат (вақтинчалик) конституциявий “Низоми” қабул қилинган эди.[1]

Низомга кўра:

1. Туркистон Ўлкасининг ҳудуди, Россия Федерацияси таркибига кириб, Туркистон Автоном Совет Республикаси деб эълон қилинади.

2. Туркистон Ўлкасининг таркибига, Бухоро ва Хивадан ташқари, унинг географик чегараларининг ҳаммаси киради.

3. Туркистон Совет Республикаси Автоном бошқарувда бўлиб, давлатдаги ҳамма соҳаларни бошқаришда Россия Совет Федерацияси ҳукуматини тан олади.

4. Туркистон Республикасининг Олий қонунчилик органи, ишчи, солдат, крестян ва мусулмон депутат деҳқонларининг 1 декабрида чақириладиган съезди ҳисобланади.

5. Доимий қонунчилик органи съезд томонидан сайланган 36 кишилик Туркистон ўлкасининг Марказий Ижроия Қўмитаси ҳисобланади.

[1] Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. Т.: ИИВ Академияси, 1997й. 54 б.

6. Ижро этувчи ҳокимият вазифаси съезд томонидан сайланган 16 кишилик Халқ Комиссарлари Советларига юкланади ва уларга Ўлкани бошқариш топширилади.

7. Жойлардаги бутун ҳокимият, Советлар ва уларнинг Ижроия Қўмиталари ҳисобланади.

Туркистон Совет Автономияси эълон қилиниши, коммунистларнинг энг биринчи ғалабаси бўлиб, шарқдаги "ленинча" сиёсатни мустамлака давлат тузилишида амалий рўёбга чиқиши эди.

Туркистон АССРнинг биринчи Конституцияси 1918 йил 15 октябр куни Советлар ўлкасининг VI съездида 1918 йил 10 июлидаги РСФСР Конституцияси асосида қабул қилинган эди. Туркистон АССР Конституцияси олти бўлимдан иборат бўлиб:

I – меҳнаткаш ва эксплутация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси;

II – Умумий қоидалар;

III – Совет ҳокимиятининг тузилиши;

IV – Актив ва пассив сайлов ҳуқуқи;

V – Бюджет ҳуқуқи;

VI - Туркистон АССР герби ва байроғи ҳақида;

Туркистон АССР Конституциясининг тузилиши ва мазмунини қуйидаги принципларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Конституцияда Туркистон Автоном Совет социалистик республикаси эканлиги, у ўз таркибига бошқа давлат тузилмаларини қабул қилиши ва уларни ўз таркибидан чиқариши, қонунлар қабул қилиш ҳуқуқлари ва бошқа давлатлар билан халқаро алоқалар ўрнатиш, молиявий ишларни ўзи ҳал этиш каби ҳуқуқлари фақатгина қоғозларда кўрсатилган эди. Шунингдек, Туркистон АССРнинг бошқа соҳалардаги ваколатлари ҳам, шундай жуда кенг берилган бўлиб, бу автоном республиканинг тушунчасига умуман тўғри келмас эди, чунки бу даврга келиб

Россиядаги фуқаролар уруши туфайли Туркистон билан вақтинча алоқалар яхши йўлга қўйилмай қолган эди[1].

Туркистон АССРнинг иккинчи Конституцияси 1920 йил 24 сентябрда Туркистон Советларининг IX-съездида Бутун Иттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан санкцияланган: "Туркистон АССР РСФСРнинг бир қисми сифатида автономдир" деган қарори остида қабул қилиниб, Туркистон АССРнинг "қандай яшаш ҳуқуқи" аниқ қилиб қўйилган эди.

Туркистон АССРнинг бу Конституцияси: 6 бўлим 20 бобдан иборат бўлиб, 109-моддани ўз ичига олган. 1-бўлими: "Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари деклорацияси", 2-бўлими: "РСФСР Конституцияси, асосий низом" деб аталиб, 1918 йилги РСФСР Конституциясининг асл нусхаси киритилган. РСФСР билан ўзаро муносабатлари ҳамда Туркистон АССРнинг ижтимоий ва давлат тузилишидаги ҳуқуқлари 3-бўлимда ўз аксини топган.

IV-бўлимида эса, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг фаолиятини ташкил этишга бағишланган эди, Марказий орган тўққиз кишидан иборат бўлиши, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Советлар съездининг Президиуми, Халқ Комиссарлари Советларини ташкил этиш тартиб-қоидалари кўрсатиб берилган.

Автоном Республиканинг Халқ Комиссарлари Советлари тизимига вилоятлар, уездлар, шаҳарлар, қишлоқларнинг ишчи ва қизил армиячи советлари, депутатлари ва уларнинг қўмиталари кирди. Конституциянинг V-бўлимида актив ва пассив сайлов ҳуқуқи ўрнатилиб, сайланиш қоидалар ва сайланган депутатларни муддатидан олдин чақириб олиш каби тартиблар белгиланган эди.

Охирги VI-бўлими Туркистон АССРнинг молия ва бюджетига бағишланган. Туркистон АССРнинг 1920 йилдаги Конституцияси ўша пайтдаги Россиядаги миллий қонуниятлари асосида ўзларининг яшаш тарзига асосланиб қабул қилинган. Туркистон АССР билан бирга ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида

[1] Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. Т.: ИИВ Академияси, 1997 й 55 б.

Хоразм ва Бухоро халқ Совет Республикаларида ҳам 1920-1923 йиллардаги Конституциялар қабул қилинган.

1919 йил ноябр ойида коммунистик тузум доҳийси Лениннинг ташаббуси билан Хоразм давлати босиб олиниб, Хива хонлигининг ўрнида яна бир Советлар давлати ташкил қилинди, бу воқеа 1920 йил феврал ойида тўлиқ амалга оширилган.

1920 -йил 30- апрелда Бутун Хоразм Советларининг съезди ўтказилиб, унинг биринчи Конституциясини қабул қилган. Конституция: 13-боб 37-моддадан иборат бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг тузилиши ижтимоий тузум ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, Советларга сайлов ўтказиш тартиб- қоидаларини ўз ичига олган. Советларга сайловларда оддий халқ билан бир қаторда савдогарлар ва руҳонийларнинг ҳам сайлов ҳуқуқидан фойдаланишига вақтинча рухсат берилган. Конституцияда хон ва унинг қариндошларига тегишли бўлган мулклар давлат мулки деб эълон қилинган. Шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларидан, хусусий мулк сифатида фойдаланишга рухсат берилиб, пул билан эркин муомала қилиш ҳуқуқи чексиз деб белгиланган.

Бу Конституция миллий-давлат тузумига қарши тузилган бўлиб, Советлар ҳокимиятини ўрнатишнинг биринчи босқичида мамлакатдаги ишлаб-чиқариш воситаларини хусусий мулклигича сақлаш, ерга шахсий эгалик қилиш, уни сотиш, ҳар кимнинг ўз бойликларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқлари чеклашларсиз рухсат этилган.

Бу босқичда биринчи навбатда маҳаллий халқнинг онгига коммунистик мафкурани сингдириб, кейинчалик ҳеч қандай тўсиқларсиз Хоразмни РСФСРнинг бир таркибий қисми сифатида батамом қарам қилиб олиш режалаштирилган эди. 1920 йил 11 майда бутун Иттифоқ Марказий Ижроия Қўмитаси Хоразм Халқ Совет Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қарор қабул қилган. Бу қарорда шундай дейилган: "Хоразм Халқ Совет Республикаси, меҳнаткаш Советлар Республикаси ҳисобланади, жойлардаги бутун ҳокимият меҳнаткаш совет

халқига тегишлидир. Бутун Хоразм Советларининг съезди ва Марказий Ижроия Қўмитаси олий қонун чиқарувчи орган ҳисобланади, Халқ Нозирлари Совети эса ўзининг кенг ваколатлилиги билан, олий ижро ҳокимиятни ва жойлардаги ҳокимиятни тақсимлаш ҳамда ташкил этиш унга берилади" Совет давлатининг Марказий Ижроия Қўмитаси давлат бошқарувини тақсимловчи орган, яъни давлатнинг Олий органи ҳисобланиб, қонун чиқарган ва қонунларни бажарилишини назорат қилиб борган. Бунда маҳаллий халқ вакиллари номидагина иштирок этиб, давлат бошқарувида ҳеч қандай ваколатларга эга бўлмаган.

1923 йил 20 октябрда IV-Бутун Хоразм Советларининг IV-съездида иккинчи Конституция қабул қилинган. Конституция V бўлим, 12 боб, 44 та моддадан иборат бўлган. Биринчи боб "Хоразмда қандай ҳуқуқлардан меҳнаткаш халқ фойдаланмоқда" деб бошланиб, унга мазмунан маълум ўзгартириш киритилган, яъни сайловда қатнашиш ҳуқуқи ва советларга сайланиш тартиб қоидалари белгиланган. Бу Конституцияда қуйидаги табақадаги одамлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар: ишламасдан бировларнинг кучидан фойдаланаётганлар, ишламасдан пул топаётганлар, даллоллар, рухонийлар ва ҳоказо.

1924 йил 29 октябрида ХХСР Советларининг V-съезди чақирилиб, "Миллий-ҳудудий чегараланиш декларацияси"ни қабул қилган. Бу декларацияга биноан, Туркистон АССР Бухоро ва ХХСР худудида янги ташкил этилаётган, Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон ва Қорақалпоғистон Автоном вилоятлари ташкил этилди.

Бу даврда қадимий Бухоро Россия протекторати, унга ярим қарам бўлган давлат эди. Бу давлатда ижтимоий муносабатлар асосан, урф-одат ва ислом ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган. 1920 йил сентябр ойида Бухорода "улуғ рус" революцияси бўлиб ўтган, натижада Ўрта Осиёда яна бир Совет давлати ташкил этилган. Бухорода Совет ҳокимиятни ўрнатиш учун унинг Конституцияси қабул қилингунгача 1921 йил 21 июнида БХСРнинг, жойлардаги "Совет ҳокимияти” тўғрисидаги вақтинчалик низоми қабул

қилинган. Низомда вилоят, туман, қишлоқ инқилобий қўмиталари тузилиши ва уларнинг ҳуқуқлари белгилаб берилган.

1921 йил 23 сентябрда II Бутун Бухоро Советларининг съезди чақирилиб, БХСР Конституциясини қабул қилган. Конституция 5-бўлим, 16 бобни ўз ичига олиб, 79 та моддадан иборат бўлган. Кириш қисми тарихий "Октябр революцияси" билан бошланган ва унинг иштирокчилари меҳнаткашлар эканлиги кўрсатилган. Бухоронинг Олий давлат органи Бутун Бухоро Советларининг съезди эканлиги съезд бир йилда бир марта чақирилиб, унинг давлат бошқарувида энг юқори ҳокимиятга эга бўлган Олий давлат органи эканлиги, белгиланган. Кейинги қисмларида Марказий Ижроия Қўмитаси таркиби 85 аъзодан иборат бўлиши, Бутун Бухоро Советларининг, Марказий Ижроия Қўмитаси съездлар орасидаги вақтда бутун ҳокимиятни бошқариб боради деб белгиланиб, қонун чиқаради ва уни назорат қилади деб кўрсатилган. Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси таркибидан унинг Президиуми ташкил этилади деб белгиланган. Умумий давлат бошқарувини ташкил этиш учун республикада Халқ Нозирлари Совети ташкил этилиши ва унинг ҳокимиятнинг Олий ижро органига айлантирилиши кўрсатилган.

Халқ Нозирлари Советининг раҳбаридан ташқари ҳаммаси бўлиб 10 та халқ нозирлари тайинланиши, уларнинг юстиция, ички ишлар, ташқи ишлар, ҳарбий ишлар, таълим-тарбия, соғлиқни-сақлаш, меҳнат, савдо ва саноат, давлат нозорати ва ер ишларини бошқариши белгиланган.

Ташқи савдо, мудофаа, телеграф, почта, молия ва темир йўл билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш РСФСР ҳукумати ваколатига кирган. Бухоро Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, қишлоқлар, волостлар, уездлар, шаҳарлар ва вилоятлардан ташкил этилиб бўлиниши белгиланган. Шунингдек, Конституциянинг охирги бобларида сайловни ташкил этиш ва унда иштирок этувчиларнинг ҳуқуқлари 20 ёшдан қилиб белгиланган. Халқ судлари ҳақидаги низом ҳам охирги бобга киритилган. Давлатдаги марказий ва маҳаллий органлар молияси, давлат бюджети, ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш воситалари ҳақидаги сўзлар билан якунланган.

Советларнинг фуқароларга эркинликлар бериш, давлат органлари ишини ташкил этиш каби тартиб қоидаларнинг миллий мустамлака давлатлар Конституцияларида шунчаки кўрсатиб қўйилиши коммунистларнинг бу соҳадаги тажрибасини анчагина ошириб юборган.

1923 йил сентябр ойида бўлиб ўтган Бутун Бухоро Советларининг IV-съездида "Давлат қурилиши" Давлат бошқарувига ўзгартириш киритиш ҳақида тезис қабул қилган ҳамда Конституцияга ўзгартиришлар киритган. Масалан, амир давридаги бойлар, руҳонийлар актив ва пассив сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар, бошқарувнинг ҳамма соҳаларида нозирлар коллегиясидан вакиллар киритилиши белгиланган. 1924 йил 19 сентябрда Советларнинг V-съезди бўлиб ўтган ва унда Бухоро Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилинган, аммо бу вақтга келиб Ўрта Осиёда "ленинча" миллий чегаралаш сиёсати ўтказилаётган эди, натижада, Бухоро Совет Социалистик Республикаси янгича давлат бошқарувига ўтказилаётган Ўзбекистон ССР таркибига киритилган.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Совет республикаларининг ўрнида Ўзбекистон ва Туркманистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон ва Қорақалпоғистон Автоном вилоятлари ташкил этилган.

Ҳозирги Ўрта Осиё республикаларининг конституциявий-тарихий давлат қурилиши собиқ иттифоқ ҳукмронлигига ўтган даврдан бошлаб, 1917 йилги сохта коммунистларнинг (давлат тўнтариши) инқилоби юз берган вақтдан то 1922 йилга қадар жараёнларни ўз ичига олади.

1922 йил 30 декабрда “Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг тузиш ҳақидаги декларация” ва “ССР иттифоқининг тузиш ҳақидаги шартнома” СССР конституциясини яратилишига асос солган эди.

“ССР иттифоқини тузиш ҳақида декларация”да тенг ҳуқуқли иттифоқдош республикаларнинг ихтиёрий равишда бирлашувини эълон қилиб, унинг таркибига бошқа давлатларнинг кириши очиқ деб кўрсатилди. Шунингдек ундан чиқиш эркинлиги ҳуқуқи ҳам белгиланган эди.

“ССР иттифоқини тузиш ҳақидаги шартномада” унинг таркибий қисми бўлган республикалар ўртасидаги муносабатларни белгилаб берди. Бу хужжатларнинг тузилиши жихатдан демократиявийлиги халқаро ҳуқуқ нормалари даражасида эди. Леккин амалда СССР таркибига кирган республикалар ижтимоий-сиёсий ҳаёти КПСС қарорлари асосида тартибга солиниб “марказ”лаштирилган эди. Конституция ва қонунлар иккинчи даражали ҳисобланиб, коммунистик ғоя яккахокимчиликка мослаштирилиб келинган. Натижада унинг ҳукмронлигида бўлган халқларнинг давлатчилик ривожланиш босқичларини ўзгариб, бир неча юз йил орқага суриб юборди.

1922 йил 30 декабрда ташкил этилган СССР таркибига Украина ССР, Белоруссия ССР ва Кавказорти республикалари киритилган. Собиқ иттифоқ таркибида бўлган республикалар конституциявий тарихий босқичларини икки даврга бўлиб, танқидий нуқтаи назардан ўрганиш мумкин. Биринчи давр 1917-1922 йилларни ўз ичига олса, 1924-1991 йиллар сўнгги даври бўлиб ҳисобланади. 1925 йил 17 февралда Ўзбекистон ССРнинг I-съезди бўлиб, 1924 йил 31 январдаги СССР Конституциясига мувофиқ, "Ўзбекистон ССРни ташкил этиш тўғрисида"ги Декларация қабул қилинган. СССР Конституциясининг I-бўлими: "Совет Социалистик Республикалар Итифоқини тузиш ҳақидаги декларация" ва "Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тузиш ҳақида шартнома"дан иборат бўлган.

Ўзбекистон ССРнинг биринчи Конституция лойиҳаси Советларининг II-съездида 1927 йил 27-31 март кунлари тасдиқланган. Бу Конституцияда ҳам бошқа Иттифоқ республикалари Конституцияларидагидек, давлат ҳокимияти ваколатларини "ишчи деҳқон ва қизил аскар Советларининг депутатлари амалга оширадилар", деб белгиланган. Ўзбекистон таркибига Тожикистон Автоном республикаси киритилган. Бунда кўпгина ваколатлар Тожикистон АССРга берилган бўлиб, улар ўртасидаги алоқаларга бағишланган. СССР ўз таркибидаги Республикаларни янада Марказга қарам қилиб туриш учун улар ўртасидаги низоларни уларнинг Конституция ва қонунларидан бошлаб ўз сиёсатида ҳам доимо назарда тутиб келган. Ўзбекистон таркибига киритилган

Тожикистон АССРга ўзининг Халқ Комиссарлар Совети таркибини тузиш ва унга хоҳлаган вақтда ўзгартириш киритиш ҳуқуқларини, Ўзбекистон ССР қабул қилган қонунлар, қайтадан кўриб чиқилиб ўзлари томонидан тасдиқлангандан сўнг, кучга киритиш ҳуқуқлари ва бошқа кўпгина ваколатлар унга берилган. Шунингдек, Конституцияда, миллий давлат тузилганлиги, хусусий мулк бекор қилинганлиги ва давлат органларини тузиш тартиби, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот органларининг дастурий кўрсатмалари ва уларни ташкил этиш қоидалари кўрсатиб берилган. Ўзбекистондаги барча табиий бойликлар, заводлар, фабрикалар давлат мулки деб эълон қилинган.

1937 йил 14 февралда Бутун Ўзбекистон Советларининг Фавқулотда VI-съезди ЎзССРнинг иккинчи Конституциясини СССРнинг 1936 йилги Конституциясига мос равишда қабул қилган. Бу Конституция 13 бобдан иборат бўлиб: I боб – ижтимоий тузилиши; II боб – давлат тузилиши; III боб – УзССР давлат ҳокимиятининг олий органларига бағишланган; IV боб – УзССР давлати идора органлари ҳақида; V боб – Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимияти олий органларини тузилиши белгиланган; VI боб – Қорақалпоғистон АССР давлат идора органлари ҳақида; VII боб – давлат ҳокимияти маҳаллий органларнинг фаолият принциплари белгиланган; VIII боб – УзССР бюджети тўғрисида; IX боб – суд ва прокуратура органлари тузилиши; X боб – фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида; XI боб – сайлов тизимига бағишланган; XII боб – герб, байроқ, пойтахт; XIII боб – Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгиланди. Ушбу қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг иккинчи Конституцияси СССРнинг 1936 йилги Конституциясини сўзма-сўз такрорлайди.

Конституцияда хотин-қизлар тенглиги, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги. матбуот эркинлиги, оммавий йиғилишлар ўтказиш, кўчаларда намойиш ўтказиш ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган. Бу ҳуқуқлар фақат қоғозларда СССРдаги сиёсатнинг бошқа давлатларга намойиш этилиши учун ёзиб қўйилган.

1937 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясида давлат бошқарувини амалга ошириш шакллари жойлардаги Советларни ташкил этиш тартиби,

уларнинг ваколат муддатлари, сайлаш ва сайланиш тартибларининг айрим ҳолатлари олдинги Конституцияга нисбатан қисман ўзгартирилган (сайлаш ҳуқуқи 20 ёшдан қилиб, ваколат муддати қишлоқ, посёлка Советларига 2 ярим йил муддат қилиб, вилоят, туман Советларига 5 йил муддат қилиб белгиланган). Шунингдек, республика Олий Совети ва бошқарув органи Министрлар Советининг ваколатлари, ташкил этилиш тартиби кўрсатиб берилган. Шунингдек, маъмурий-ҳудудий тузилиши, прокуратура, суд органлари тузилиши, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиблари белгиланган.

ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг қонунчилик ваколати бекор қилиниб, ЎзССР нинг Олий Совети ягона қонунчилик органи деб белгиланган.

Олий Совет ўзининг Президиумини сайлаган:

Раис, 3 та муовин, котиб ва 13 та аъзодан иборат таркибда ташкил топган. Бу Конституциянинг қабул қилиниш даврида СССР таркибига кирувчи иттифоқдаги республикалар ҳаётида муҳим сиёсий ўзгаришлар янада авж олдирилиб юборилган эди, “марказ” раҳбари Сталин ташаббуси билан "коллективлаштириш", "халқ душманлари" шиорлари остида миллионлаб кўп миллатли халқлар ўз ватанларидан сургун қилинганлар. Конституция ва қонунларда кўрсатиб ўтилган инсон ҳуқуқлари қўпол поймол этилган. Ўзбекистон халқи босмачига айланди, юз минглаб одамлар узоқ ўлкаларга қатоғон қилинган, суд қилинмасдан отиб ташланган.

1978 йили ЎзССРнинг учинчи Конституцияси қабул қилинган. 1978 йил 19 март куни ЎзССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси мутбуотда эълон қилинган. ЎзССР Олий Совет Президиуми томонидан 15 апрель куни Олий Совет сессиясида ЎзССР Конституцияси лойиҳаси СССРнинг 1977 йил 7 октябрида амалга киритилган Конституциясига мослиги муҳокама қилиниб айрим моддаларига ўзгартиришлар киритилган ва 19 апрел куни қабул қилинган. Конституциянинг тузилиши кириш қисмидан, XI бўлим, 21 боб ва 183 моддадан иборат бўлиб, ушбу Конституцияда ҳам Совет ҳокимиятини амалга ошиш қоидалари ва ишчи деҳқон синфининг коммунистик жамият

қуришдан иборат олий мақсади белгилаб берилган. Масалан, Конституциянинг кириш қисмида, “халқ давлат ҳокимиятини Советлар орқали амалга оширади” деб “коммунистик партиянинг жамият ҳаётидаги раҳбарлиги ва етакчилик қилиши”га кўп таъриф берилган. 70 йилдан ошиқроқ вақт давомида қабул қилинган Конституцияларда халқ ҳокимияти ҳақида чиройли сўзлар баён қилинган, лекин амалда жойларда тузилган вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советлари коммунистик партия дастурлари, режалари билан ташкил қилинган, сохта сайловлар ўтказилган жамият ва давлат ҳаётида ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган.

1977 йилдаги СССР Конституцияси Совет Иттифоқида “марказ”дан давлат бошқарувининг тузилиш шаклини белгилаб берган. XIX Умумиттифоқ партия конференцияси материалларида, КПСС платформаси: "Ҳозирги шарт-шароитларда партиянинг миллий сиёсати", Совет Иттифоқини янгилаш ғоялари илгари сурилди, ҳаётий, иқтисодий ва сиёсий мазмун билан бойитиш назарда тутилган. “марказ” олдидаги республикаларнинг мажбуриятлари, вазифаларини мустаҳкамлаб берган: "СССР таркибига киритилган республикаларнинг ҳуқуқий ва ҳаётий ривожланишини ўрганишда, шунга диққатни жалб этиш лозимки, партия ва давлатнинг миллий сиёсатни амалга оширишдаги камчиликлари туфайли Совет Иттифоқи таркибига зўрлик билан киритилган республикалар янада "марказ"га қарам давлатга айланиб борганлар, шу билан бирга, кам сонли халқларнинг ҳуқуқий ҳолатида ҳеч қандай ўзгаришлар, силжишлар бўлмаган. Конституция ва қонунлар тез-тез ўзгартирилган. Натижада, Иттифоқнинг инқирози тарқалиб кетиши тезлашган ва миллий муносабатлар соҳасида мураккаб вазиятни келтириб чиқарган.

1991 йилнинг 19-21 август кунлари Москвада содир бўлган давлат тўнтариши, СССРнинг империя сифатида бундан буён ҳукмронлик қилишга қодир эмаслигини маълум қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Иттифоқдаги вазиятни олдиндан кўра билганлиги ва унга тўғри баҳо бера олганлиги, шунда кўринадики, СССР таркибига киритилган республикалар ичида биринчилардан

бўлиб у 1990 йил 20 июнда "Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларацияси"ни қабул қилди. Ўша даврда Иттифоқни тиш-тирноғи билан сақлаб қолишга интилаётган қора кучлар миллий низоларни авж олдириш учун барча имкониятларини ишга солган. Бунинг мисоли сифатида Фарғона билан Ошдаги воқеаларни келтиришимиз мумкин. Ўзбекистонни Мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тинчликсевар мамлакатлар томонидан тан олиниб қўллаб-қувватланганлиги Ўзбекистоннинг тинч йўл билан ўз ҳуқуқини мустаҳкамлаб олишида жуда катта ёрдам берди.

1917 йил феврал инқилобидан кейин, Советлар империясини ўрнатган большевиклар Туркистонда 1918 йилдан бошлаб ўз мустамлакачилик сиёсатини, янги-янги ҳужжатлар қабул қилиш усуллари билан амалга ошира бошлаганлар. Ўрта Осиё халқларидаги миллий ғурур ва мустақил давлатчиликка интилиш руҳини йўқ қилиш мақсадида, ерлик халқлар тарихи сохта маълумотлар билан яратилган. Мустақиллик, озодлик учун курашган ота-боболаримиз миллатчилик, панисломизм, пантуркизм ҳаракати деб қораланган. Шунингдек, коммунистик партия олиб борган сиёсат туфайли миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қатағон қилинишига, қонунсиз, судсиз йўқ қилиб юборилишига шарт-шароитлар яратилган. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон халқининг мустақиллик ва озодлик учун олиб борган курашини тўхтата олмаганлар.

Ўзбекистон ўзининг мақсад ва тараққиёт йўлини белгилаб, 1991 йил 31 августдаги Олий Кенгаш йиғилишида қабул қилинган "Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонунни бутун дунёга эълон қилди. 1991 йил 21 декабрда Собиқ Иттифоқ республикалари раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни тенглик асосида, халқаро ҳуқуқ нормаларига таянган ҳолда ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадида ва собиқ Иттифоқ тақдирини узил-кесил ҳал этиш учун Олмаотада учрашдилар. Саккиз республикага Арманистон, Молдавия ва Озарбайжон Республикалари ҳам қўшилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги декларациясига 11 республика раҳбарлари қўл қўйдилар:

Шундай қилиб, 1922 йилда таъсис этилган СССР Иттифоқи барҳам топди ва Олмаотада 11 та Мустақил Давлатларнинг Ҳамдўстлиги вужудга келди.

2-§. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва янги Конституцияни қабул қилиш зарурияти

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Иттифоқдаги вазиятни олдиндан кўра билганлиги ва унга тўғри баҳо бера олганлиги, шунда кўринадики, СССР таркибига киритилган республикалар ичида биринчилардан бўлиб у 1990 йил 20 июнда " Мустақиллик декларацияси"ни қабул қилди. Ўша даврда Иттифоқни тиш-тирноғи билан сақлаб қолишга интилаётган қора кучлар миллий низоларни авж олдириш учун барча имкониятларини ишга солган. Бунинг мисоли сифатида Фарғона билан Ошдаги воқеаларни келтиришимиз мумкин. Ўзбекистонни Мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тинчликсевар мамлакатлар томонидан тан олиниб қўллаб-қувватланганлиги Ўзбекистоннинг тинч йўл билан ўз ҳуқуқини мустаҳкамлаб олишида жуда катта ёрдам берди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришишида, аввало, 1990 йил 24 март куни Собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб Президентлик лавозимининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасида Президентлик лавозимининг жорий этилиши мустақиллик ғояларини тезкорлик билан амалга ошиши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 1990 йил 20 июнда Олий Кенгаш йиғилиши чақирилиб, "Мустақиллик Декларация"си қабул қилинди. Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шундан иборатки, у ўзбек давлатчилиги тарихидаги биринчи тинч йўл билан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат эди. Унга кўра, ўзбек халқи давлат бошқарувида ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб ўз зиммасига олган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланиб ўзининг

"Мустақиллик Декларация"сини эълон қилди. Ва бундан буён Ўзбекистон ўзининг ташқи муносабатларида, давлат ҳокимияти масалаларини ҳал этишда танҳо ҳокимлигини, унинг чегаралари ва ҳудуди дахлсиз эканлиги, ўз тараққиёт йўлини, ўз номини, давлат рамзларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этиши ва демократик ҳуқуқий давлат ташкил топганлигини бутун дунёга маълум қилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий янгиланиш истиқболлари режаларини белгилаб берди. Батамом мустақилликни қўлга киритиш учун маълум бир вақт талаб қилинар эди. Чунки Собиқ Иттифоқ марказида бунга қарши жуда катта кучлар тайёр бўлиб турар эди. Мана шундай оғир бир вазиятда: "тақдир И.А.Каримов зиммасига жамиятнинг мураккаб ички ва ташқи сиёсий шароитларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлат ҳуқуқи масалаларини ҳал қилишга даъват этилган, унинг қайта ўзгартирувчиси бўлишдек ниҳоятда оғир вазифани юклади. Шундай вазиятда ҳам И.А.Каримов ўзини буюк раҳбар сифатида кўрсатди."[1]

Давлат ва жамият ҳаётидаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш кечиктириб бўлмас аҳамиятга эга эди. Чунки ўша вақтларда СССРнинг тақдири ҳал бўлаётган эди. "марказ" раҳбарлари халқни ҳар хил сиёсий йўллар ва куч билан қўрқитиб, Иттифоқни сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган эдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Иттифоқдаги вазиятни олдиндан кўра билганлиги ва унга тўғри баҳо бера олганлиги, шунда кўринадики, СССР таркибига киритилган республикалар ичида биринчилардан бўлиб у 1990 йил 20 июнда "Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларацияси"ни қабул қилди. Ўша даврда Иттифоқни тиш-тирноғи билан сақлаб қолишга интилаётган қора кучлар миллий низоларни авж олдириш учун барча имкониятларини ишга солган. Бунинг мисоли сифатида Фарғона билан Ошдаги воқеаларни келтиришимиз мумкин.

[1] Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси.- Т.: "Адолат", 1994, 12-бет

Шунга қарамасдан 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси чақирилиб, "Давлат Мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёнот"и эълон қилинди: "Ўтмишдан сабоқ чиқариб Иттифоқнинг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб, Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасида чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатни баён этиб, миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бири кишининг муносиб ҳаёт кечиришини шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб, "Мустақиллик Декларация"сини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди".[1]

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик Декларацияси"га ва "Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти"га асосланиб, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонунни қабул қилди. Ушбу қонун Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришганлигини узил-кесил мустаҳкамлади. Унда, жумладан "Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил демократик давлатдир" дейилади. Ушбу қонунда Ўзбекистон Республикаси халқининг северенлиги, давлат ҳокимияти унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ вакиллик органлари тизими орқали амалга оширилиши, ҳудуди ва чегаралари дахлсиз ва бўлинмаслиги, у Ўзбекистон халқининг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмаслиги принциплари мустаҳкамланди. Шунингдек, давлат ҳокимияти идораларининг тизими,

[1] Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти. Халқ сўзи, 1991 йил 2 сентябр.

ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тартибига асосланиши белгилаб берилди. Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва муқобил хизматни ташкил этиш мустақил давлатнинг асосий белгиси сифатидаги ҳуқуқи эканлиги кўрсатилди. Унинг ҳудудидаги барча моддий ва маънавий бойликлар умуммиллий бойлик эканлиги, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа ноишлаб чиқариш фондлари, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари республика мулкидир, деб мустаҳкамланди. Дастлабки бозор муносабатларини ривожлантиришда мулк шакллари бундан буён тўлиқ такомиллаштирилиши ва бунинг тегишли қонунлар асосида кафолатланиши белгилаб берилди. Чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари, мухтор вакиллар билан айрибошлаш, халқаро шартномалар тузиш, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш унинг ажралмас ҳуқуқидир деб кўрсатилди. Шулар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ривожлантириш ва тартибга солишда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига мувофиқ, инсон қадр-қиммати улуғланишини доимо назарда тутишини, ўз тараққиёт йўлини, ўз давлат рамзлари ва давлат тилини ўзи белгилашини деб эълон қилди.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлди. Шулардан бири жамиятнинг бозор муносабатлари томон тутган йўли, янги тараққиётдаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши бўлди… Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишини тақозо этган иккинчи омил бўлди."[1]

Республиканинг янги Конституциясини ишлаб-чиқиш зурурлиги тўғрисидаги ғоя XII чақириқ Олий Кенгашнинг 1990 йил мартида бўлиб ўтган биринчи сессиясидаёқ янграган эди. Олий Кенгашнинг 1990 йил июнда бўлиб ўтган иккинчи сессияси республика Президенти И.А.Каримов раислигида 64

[1] Ш.З.Ўразаев Ш.Х. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т.: "Адолат", 1994, 7-бет.

кишидан иборат Конституция комиссиясини ташкил этди. Комиссия таркибига вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, хўжаликлар, корхоналарнинг раҳбарлари, давлат ва жамоат идоралари раҳбарлари, олимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари кирди. Комиссия аъзоси бўлган академик Ш.З.Ўразаевнинг "Мустақил Ўзбекистон Конституцияси" номли рисоласида қуйидагилар баён қилинган:

...Шундай қилиб, Президент И.А.Каримовнинг зиммасида иккита энг муҳим муаммони ҳал этиш вазифаси турган эди. Бу-республиканинг давлат мустақиллигини таъминлаш ва унинг Конституциясини қабул қилишдир. Мазкур вазифалар кечиктириб бўлмас, биринчи даражали мазмун касб этиб турган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга эътиборни сусайтирмаган ҳолда амалга оширилиши лозим эди.

Давлат мустақиллигиíèнг Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганлиги бутун бир давр мазмунига эга воқеаларíè ўз ичига олиб, буíää Президент давлат фаолиятининг гултожи ҳисобланади. 1991 йил 12 апрелда И.А.Каримов бошчилигида Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга тайёргарлик соҳасидаги бутун ишни марказлаштириб туриш мақсадида Конституция комиссияси аъзоларидан ҳамда таниқли олимлар ва мутахиссислардан 32 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибига Олий Кенгашнинг қатор қўмиталарининг, вазирликлар, прокуратура, суд органларининг раҳбарлари, олимлар, Республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ҳодимлари кирдилар.

Конституция комиссисиясининг раиси ишчи гуруҳи олдига аниқ вазифа қўйди: жаҳон тажрибаси ўрганилсин, бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари асосида тушунарли сиёсий ва юридик хужжат яратилсин.

Конституция бу маҳобатли асар, бутун қонунчиликнинг умуртқа поғанаси. Қандай бўлиши лозимлигини олдиндан билмай туриб, унинг Конституция комиссиясининг топшириғига биноан, ишчи гуруҳи, энг аввало

бўлажак Конституциянинг концепциясини ишлаб чиқишга киришди. Учта концепция тайёрланди. Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси (у Фанлар академияси раёсати томонидан мухокама қилинди ва тасдиқланди). Сиёсатшунослик институти концепцияси ва Президент девонининг давлат шўъбаси тайёрлаган концепция. Ишчи комиссиясининг бир гуруҳ аъзолари бу концепцияларнинг ғояларини умумлаштириб, улардан битта асос ишлаб чиқдилар. Сўнгра Конституция комиссияси раиси томонидан тасдиқланган ана шу концепция асосида иш бошлаб юборилди.

Лойиҳанинг 158 моддадан иборат дастлабки варианти 1991 йил ноябргача тайёрлаб берилди. И.А.Каримов бу лойиҳа билан танишиб чиқиб, кам иш қилинганлиги тўғрисида гапирди ва йўлланма бериб, бўлғуси лойиҳанинг шакл-тамойилларига ойдинлик киритиб берди.

Лойиҳанинг иккинчи ишчи варианти 149-моддадан иборат бўлди. Республика Президенти яна қўлига қалам олиб, матнни яхшилаб кўриб чиқди. Шу тариқа Конституция комиссия раисининг нигоҳидан ўтгач, лойиҳа лўнда ва ифодали бўлиб борди.

Учинчи қилинган вариант 137-моддани ташкил қилар эди. Матбуотда эълон қилиниши олдидан яна бир бор диққат билан ўрганилиб, 127-моддадан иборат тартибда, мазмундор қилиб тузилди. Конституция комиссиясининг қарори билан лойиҳа 1992 йил 26- сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг мухокамаси барча меҳнат жамоаларида, корхоналар, ўқув юртларида, идоралар ва вазирликларда, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилишларида, матбуотда, телевидение ва радиода, халқ демократик партиясининг Марказий Кенгашлари ва маҳаллий ташкилотларда, касаба уюшмалари ҳамда хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотларида, ижодий уюшмаларда, олимларнинг бирлашмаларида ва бошқа ташкилотларда бўлиб ўтди.

Конституция комиссиясига келган фикрлар, таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда муҳокамани давом эттириш учун 1992 йил 21 ноябрда яна бир бор матбуотда эълон қилинди. Республика фуқаролари лойиҳага киритилган ўзгартиришлар ва аниқликлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

«Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, яъни томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат?» Аввалombор бу Конституция ўзининг туб моҳияти фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи-инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосида «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатлар оқимида ҳуқуқий ечимни топишга интилдик.

Лойиҳа инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади"[1]

Шундай қилиб, Конституция лойиҳаси матбуотда икки марта эълон қилинди ва умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Бунинг якунлари бўйича комиссия яна бир бор лойиҳани кўриб чиқиб Олий Кенгаш сессиясида кўриб чиқишга тавсия этди. Лойиҳа Олий Кенгашнинг сессиясида моддама-модда мухокама қилиниб узоқ тортишувлар, хилма-хил фикрлар билдирилган ҳолда қабул қилинди.

«Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва

[1] И.А.Каримов: Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: «Ўзбекистон» 1992, 36-37 бетлар.

маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».[1]

Асосий қонунимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари фаол қатнашдилар. Лекин ҳеч ким, ҳаттоки, бизни хуш кўрмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади.[2]

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни ўзининг тузилиши, мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон тарихида амал қилиб келган Конституциялардан тубдан фарқ қилади. 1990 йил 20 июнда ҳали Собиқ Иттифоқи мавжуд бўлган даврда, Ўзбекистон ўз Мустақиллигини дунёга маълум қилиб, Конституциявий ислоҳотларни бошлаб юборган эди. 1978 йилги ЎзССР Конституциясига кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Чунки, бу қонун замон талабларига жавоб бермай қолган эди Республиканинг янгича яшашга бўлган хоҳишини бўғиб, турар эди. Ўта мафкуралашган бу Конституцияга вақтинча қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, янги Асосий қонун лойиҳасини яратишга киришилди. Бу жараён яъни унинг лойиҳаси устида икки йил давомида ишладик, деган, эди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов: "У икки ярим ой мобайнида умумхалқ мухокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди»[3]

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиéíã XI сессиясида қабул қилинган Конституцияси мустақил Ўзбекистон демократик суверен давлатининг биринчи Конституцияси бўлди, мустақил давлат омилларидан келиб чиқиб яратилганлиги бу Конституциянинг ўзига хос

[1] Каримов И.А: «Биздан озод ва обод Ватан қолсин»..Т.: «Ўзбекистон», 1996, 93-бет
[2] Каримов И.А: Шу асаридан 93-бет.
[3] Каримов И.А.: «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т.: «Ўзбекистон» 1992, 37-бет.

ҳусусияти деб ҳисоблаш лозим. Дастлабки, моддасидан тортиб то охирги 128 моддасигача у мустақиллик ғояси билан суғорилган.[1]

«Биз сўнгги етмиш йил ичида давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида яшадик, мамлакатнинг ундаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат деб ҳисоблаб келдик. Ана шу масалада ҳам Конституцияда туб бурилиш ясалган. Яъни «давлат унинг идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар». Собиқ тоталитар давлат шароитида бундай фикрни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтира олмасди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади»[2]

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий хусусиятларини, у тартибга соладиган муҳим йўналишлари бўйича ўрганишимиз мумкин. Бизга маълумки, ҳар қандай давлат ўзида ўрнатилган тартиб-қоидаларни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳалар билан белгилаб ўз ҳокимиятини амалга оширади. Шунинг учун ҳам унинг Асосий қонун сифатида сиёсие́, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳалари, миллийлик руҳи билан суғорилиб яратилди:

Сиёсий йўналиши; Ўзбекистоннинг мустақил демократик республика эканлиги, ҳокимиятни амалга оширишда, халқнинг яккаҳокимлиги таъминланганлиги, унинг ҳудудида бирорта қоида унинг розилигисиз ўрнатилмаслиги, ўзга давлатлар билан халқаро ҳуқуқ нормалари асосида муносабат юритишѐ белгиланган:

Ижтимоий муносабатларда; ҳамма демократик давлатлар ҳисобланган, эркин миллатлар жамиятларида бўлгани каби, ўзбеклар юртида ҳам бундай жамиятни тузилиши, умуìинсоний қадриятлар миллатларнинг қонун олдида тенглиги, давлат ўзининг ҳар бир фуқароси учун хизмат қилиши, шахс-давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро мунособатларга асосланади.

«Аввалambор бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик,

[1] Ўразаев Ш.З.: «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси» Т.: «Адолат» 1994, 32-бет.
[2] Каримов И.А.: «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т.: «Ўзбекистон» 1992, 38-бет.

партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро – жамият - давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.»[1]

Иқтисодий йўналишида; давлатнинг ишлаб чиқиш қуроллари ва унинг неъматлари қай асосларда яратилиши, тақсимланиши, мулк шакллари, эгалик қилишнинг турлари мужассамлашган. Шунингдек уни амалга оширувчи давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларíèíã ҳуқуқий кафолатлари белгиланган.

Маънавий камол топишида; давлат ҳокимиятини амалга оширишда унинг келиб чиқиши, миллийлиги, анъаналарига қатъий риоя этилиши таъминланади, тарихий давлат бошқарувига, ўтган улуғ ота-боболар руҳиятига таянган ҳолда, инсон учун энг муҳим бўлган эркинлик ғояларини улуғлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мана шу юқорида кўрсатиб ўтилган омилларга асосланганлиги, унинг келажак авлодлар учун умрбод хизмат қилишини мустаҳкамлади.

Давлатимизнинг виждони ҳисобланган бу ҳужжат, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари асосида яратилган, унда сунъийлик йўқ, бу унинг энг муҳим ҳусусияти ҳисобланади. Яна бир муҳим ҳусусияти, бошқа бир давлат тузумига ўтишга йўл қўймайди. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида келиб чиқиши эҳтимоли бўлган барча масалаларни жой-жойига қўйиб берди.»[2]

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7, 10, 12, 29, 31, 57, 61-моддаларида Конституциявий тузумни, ўзбекларнинг давлатини ҳар қандай йўллар билан ўзгартириш мумкин эмаслиги, фақат халқининг ҳоҳиши ва иродаси билан ҳар қандай давлат бошқарувини ўрнатиш мумкин эканлиги белгиланган.

Масалан: Конституциянинг 7-моддасида шундай дейилади: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.» Ўзбекистон Республикасида давлат

[1] И.А.Каримов: «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т.: «Ўзбекистон», 1992, 37-бет.
[2] Ўразаев Ш.З: «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси», Т.: «Адолат», 1994, 36-бет.

ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги, мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига қўйилиши (референдумда) мустаҳкамланган.[1]

Конституциявий тузум-инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси, умум эътироф этган ҳаёт шакли ҳисобланади.[2]

Ўзбекистон Конституцияси унинг халқи эришган ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ўз хоҳиш истакларини қонуний тартибда расмийлаштириб, мустаҳкамлади. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун эълон қилинган кундан бошлаб то янги Конституция қабул қилингунга қадар 15 ой вақт ўтди, ана шу давр ичида давлат бошқарувини қайта ташкил этишда ғоят катта амалий ишлар тажрибаси тўпланди. Унда яшовчи халқларнинг янгича яшашга ва ўз давлат тузумини барпо қилишга бўлган интилишлари ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантиришнинг энг муҳим кафолати эканлиги унда мустаҳкамлаб қўйилди. Шу давр мобайнида демократик ижтимоий ва давлат тузумининг асослари, олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва идора органларининг тизими таркиб топди, умуминсоний демократия принциплари ўрнатилди. Ўзбекистон Конституциясининг асосий принциплари маромига етказилди. Бу принциплар халқ оммасининг ҳам мамлакат ичида, ҳам бутун жаҳонда мустақиллик учун олиб борган курашлари натижасини ўзида мужассамлаштирди. Шу тариқа, мустақил Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси: Т.: «Ўзбекистон» 2003й.
[2] Ўразаев Ш.З: «Мустақил Ўзбекистон Конституцияси», Т.: «Адолат» 1994, 36-бет.

ҳамда фаолияти принципларини ва бошқа ижтимоий муносабатларни белгилаб берадиган Конституция қабул қилиш зарурияти пайдо бўлди.

3-§. Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотнинг ўзига хос хусусиятлари ва босқичлари

Агар амалдаги Конституция ўз моҳияти талабларига жавоб бермай қўйса, конституциявий ислоҳот учун зарурат туғилади. Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституцияси ҳам давлатимизнинг XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидаги мақомига, шахс билан давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг халқаро ҳуқуқ талаб ва меъёрларига жавоб бермай қўйган эди. Чунки у жаҳон конституциявий амалиётида эътироф этилган ва Конституцияга қўйиладиган талабларга жавоб бермай қолган эди. У ўзининг марксча ва ленинча ғоялари асосида ўта мафкуралаштирилганлиги, сиёсий чақириқ ва баландпарвоз иборалар билан тўлиб-тошганлиги билан ажралиб турар эди. Умуман, жамият тараққиёти эҳтиёжлари ва истиқлол йўлларини ўзида акс эттирмас эди. Шунинг учун ҳам Собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб 1990 йилнинг июнида Республика Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида янги Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлаш учун 64 кишидан иборат Конституциявий Комиссия тузилди.

Янги Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлаш фаол амалий конституциявий ислоҳот жараёни билан узвий боғлиқликда олиб борилди. 1990-1992 йилларда Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституциясига 100 дан ортиқ ўта муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Булар жумласига, **биринчидан, сиёсий соҳада:** президентлик бошқаруви ва юқоридан то қуйигача тубдан янги ижро этиш ҳокимияти тизимини таъсис этиш, конституциявий назоратни жорий қилиш, сайлов тизими ва судларни сайлашдаги ўзгартиришлар, бир партияликдан кўп партиявийликка ўтишга қаратилган қўшимчалар киради.

Иккинчидан, иқтисодий соҳада: янги жамиятнинг иқтисодий асосларини давлат ва колхоз-кооператив мулкчилиги эмас, балки бозор муносабатлари сари ижтимоий жиҳатлари йўналтирилган турли мулкчилик

шакллари ва уларнинг ҳуқуқий тенглиги ташкил этиши ҳақидаги конституциявий қоида ўрнатилди.

Учинчидан, маънавият соҳасида: ягона ҳукмрон марксизм-ленинизм мафкурасидан ва фақат синфийликка асосланишдан воз кечилиб, умуминсоний қадриятларга таяниб, кўп фикрлилик, виждон эркинлиги ва бошқа шахсий ҳуқуқларнинг қонуний амалий эътироф этилишидир.

Бу соҳалардаги ҳар бир конституциявий ўзгартириш ҳаёт синовидан ўтди. Шунинг учун ҳам Коснтитуциявий комиссия тараққиётимизнинг талабларига жавоб берадиган, ҳаёт синовларидан ўтган, 1990-1991 йилларда жорий қилинган қатор янги конституциявий қоидаларни Асосий Қонун лойиҳасига киритди.

Жамият сиёсий ва ҳуқуқий тизимини тубдан ўзгартиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган конституциявий ислоҳот бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, агар илгарилари қонунчиликни ўзгартириш одатда янги Конституцияни қабул қилишдан бошланиб, кейин тармоқ жорий қонунларини аста-секин ўз ичига ола борса, эндиликда у бутунлай бошқача амалга оширилди. Гарчи муайян ўзаро боғлиқлик шубҳасиз сақланиб қолган бўлсада Конституция ва амал қилаётган қонунларга киритилаётган тузатишлар билан қўшимчалар ўртасидаги илгаригидек қатъий боғлиқлик йўқ эди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда Конституциянинг қабул қилиниши бутун ҳуқуқий ислоҳотнинг энг юқори нуқтаси бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, агар илгариги икки Конституция ислоҳоти вақтида (1936-1937 ва 1977 –1978 йиллар) республиканинг Асосий Қонунини бирон-бир жиддий муқобил ечимни истисно этган ҳолда СССР Конституциясига мувофиқлаштириш уларнинг асосий мазмунини ташкил этган бўлса, эндиликда бу принцип ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмади. Чунки Ўзбекистон суверен давлат сифатида ўзининг Конституциясини ўзи мустақил ишлаб чиқди. Бунда мезон бўлиб, миллий ҳуқуқий мерос, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва умумбашарий қадриятлар хизмат қилди.

Учинчидан, Ўзбекистондаги бир қатор конституциявий ўзгаришлар собиқ Иттифоқдаги ўзгаришлардан ҳам олдин амалга оширилди. Чунончи, Президентлик лавозими, Министрлар Совети ўрнига Вазирлар Маҳкамаси биринчи бўлиб Ўзбекистонда таъсис этилиб, ижро этувчи ҳокимиятнинг тизими бевосита республика Президентига бўйсундирилди. Кейинчалик собиқ Иттифоқда ҳам, бир қатор республикаларда ҳам, биринчи навбатда Ўрта Осиё республикаларида бизнинг конституциявий тажрибамиз ҳисобга олинди ва эътироф этилди.

Тўртинчидан, конституциявий йўл билан тартибга солиш кўламининг кенгайиши жараёни кўзга ташланди. Бунга ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини Конституция йўли билан мустаҳкамлаш, Конституциявий назорат қўмитасини таъсис этиш, Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан республика прокурорининг тайинланиши ва ҳакозолар мисол бўлади.

Бу барча муҳим конституциявий ўзгартиришлар Ўзбекистон ҳали собиқ Иттифоқ таркибида эканлигида амалга оширилди. Булар конституциявий ислоҳотнинг биринчи босқичи мазмунини ташкил этди.

Конституциявий ислоҳотнинг иккинчи босқичи 31 август 1991 йилдан то 8 декабр 1992 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун билан белгиланади. Бу ҳажми бўйича 17 моддадан ташкил топган, ниҳоятда ихчам ва кичик ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида қўйган илк қадамларининг конституциявий-ҳуқуқий асосини ташкил этди. Ўз мазмун-моҳияти бўйича уни «Муваққат кичик Конституция» деб таърифлаш мумкин.

Иккинчи босқич мобайнида Конституция лойиҳаси тайёрланиб, умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Лойиҳа икки ярим ой мобайнида матбуотда, барча оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар фаолларининг йиғилишларида, минг-минглаб меҳнат жамоаларида чуқур ва атрофлича муҳокама қилинди. Мамлакатнинг чинакам мустақиллигини, унинг ижтимоий ва давлат

қурилишидаги реал демократизмни, унинг ижтимоий-сиёсий йўлини белгилашда умуминсоний қадриятларнинг шак-шубҳасиз устуворлигини тасдиқловчи бу Конституция – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституция лойиҳасининг ниҳоятда улкан, чинакам тарихий аҳамияти муҳокама даврида алоҳида таъкидланди.

Айни вақтда умумхалқ муҳокамаси давомида лойиҳани яхшилашга доир кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конституция комиссиясининг ўзигагина 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳаза тушди. Тушган таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳаммаси атрофлича пухта ўрганилди ҳамда лойиҳа устидаги ишларни давом эттириш чоғида улардан фойдаланилди.

Натижада 60 дан ортиқ моддага аниқлик ва тузатишлар киритилди. Дастлабки таҳрирдаги тўртта модда чиқариб ташланди, бир неча янги модда яратилиб, лойиҳа матнига қўшимча равишда киритилди. Тушган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Конституция лойиҳаси матбуотда иккинчи марта эълон қилинди. Конституциявий комиссия умумхалқ муҳокамаси якунларини кўриб, лойиҳани маъқуллади. Лойиҳа Олий Кенгаш сессиясида ҳам моддама-модда қизғин муҳокама этилди ва қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси халқчил қомусдир. Сабаби–унинг лойиҳаси устида, И.А.Каримов таъкидлаганидек, тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди.[1] Асосий Қомусимизда фуқароларнинг аҳллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўз аксини топган. Юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлиши, халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам Конституциямизда муҳим ўрин тутади.

Конституциямизнинг яратилишида, муҳокама қилинишида ва қабул қилинишида Конституциявий комиссиянинг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ролини алоҳида таъкидлаш лозим. У киши

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 36-37 бетлар.

нафақат Конституция ишлаб чиқиш ташаббускори, нафақат лойиҳа тайёрлаш ишларига раҳбар, балки Асосий Қомуснинг туб моҳияти, фалсафаси, асосий ғояларининг муаллифидир. И.А.Каримов Конституциянинг ҳар бир моддасини ақли ва юраги билан ҳис этди, уни пишитди ва такомиллаштирди.[1]

Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотнинг ва тараққиётнинг учинчи босқичи Республикамизнинг биринчи Конституцияси қабул қилиниши билан бошланади. Чунки, Конституция Асосий Қомус сифатида барча қонунчиликнинг, ҳуқуқий тизимимизнинг ўзагидир. Мустақил Конституциямиз кўзи-назари билан барча қонунларимиз бошқатдан кўриб чиқилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси Асосий Қонун сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар.[2]

4-§. Президент – Конституциянинг ташаббускори, яратувчиси ва кафили

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. Ўзбекистон Президенти мамлакатни ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. "Давлатимизнинг келажаги, **халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ**"[3], – деган эди юртбошимиз.

Бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, умуминсоний қадриятларга, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлиги акс этган Конституция керак эди.

---

[1] Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қандай яратилди //Инсон ва демократия. 1993. № 2, 8-бет.
[2] Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 44- бет
[3] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 124-б.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ғоя Республикамизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясидаёқ айтилган эди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган "Мустақиллик декларацияси"нинг мамлакатимиз янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши таъкидланган эди. Ўша куниёқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида конституциявий комиссия тузган эди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда бир ярим йил мобайнида синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди. Ундаги қоидалар Ислом Каримов ифодалаб берган ғоя ва принципларни мустаҳкамлади. Конституция лойиҳаси ўзининг тузилиши билан Ўзбекистон Президентининг улкан яратувчилик ва ислоҳотчилик фаолияти натижаси эканлигини кўрсатиб турарди. Шунингдек унинг зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг пишиб етилган муаммоларини ҳал қилиш каби тарихий вазифани юклади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди.

Юртбошимиз икки ўзаро боғлиқ муаммони – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қарор топтириш ва унинг Конституциясини қабул қилиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этди. Айни пайтда мазкур вазифалар бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам мунтазам равишда ҳал қилиш билан баравар бажарилди.

Давлат мустақиллигига эришилиши ва бунинг Конституцияда қонун йўли билан мустаҳкамланиши – оламшумул воқеа, Президент И.А.Каримов бошчилигида давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган фаолиятнинг энг катта ғалабаси бўлди. Юртбошимизнинг ҳар томонлама ҳисоб-китоб

қилинган, мантиқий изчил, мукаммал стратегияси тараққийпарвар ўзгаришлар қилишга қаратилган.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар И.А. Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Президент Конституциявий комиссия иш бошлаши билан республикамизнинг ўзига хос жиҳатларини ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга йўналтирилишини таъминлашга ҳаракат қилди. Лойиҳани тайёрлаш чоғида Европа, Осиё, Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди. У инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди[1].

Конституциявий комиссиянинг аъзоси академик Ш. З. Ўразаев шундай сўзларни ёзган: «Президентимиз шунда ҳам жуда тақчил вақтидан фурсат ажратиб, Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоларини қабул қилар, лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқар, унинг матнини чуқур мушоҳада қилар ва унга тузатишлар киритарди. Бу кишининг ғоят ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, нозик ҳис этиш истеъдоди бизни ниҳоятда ҳайратга соларди. У меҳнатга доимо тайёр, ҳамиша изланишда, ишнинг моҳиятини тушунишга ва у бўйича энг мақбул қарор чиқаришга интиларди. Конституциявий комиссиянинг раиси лойиҳанинг ҳар бир тафсилотига эътибор берар, унга ўз қўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритарди, ишга астойдил ёндашиш, ишбилармонлик ва билимдонлик намунасини кўрсатар эди. Президент – ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. Кўпинча, назаримизда унинг бу талабчанлиги ўзига нисбатан шафқатсизликка яқинлашиб кетарди. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисмини ўз

[1] Қаранг: Саидов А. Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни. – Т.: Билим, 1992.

зимммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба дам олиш кунлари ҳам шу тариқа ўтарди.»[1]

Юртбошимиз киритган аниқликлар, тузатишлар ва қўшимчаларнинг ҳаммаси жуда муҳим эди. Улар давлат раҳбари ижодий тафаккурининг маҳсули бўлиб, унинг сиёсий донолигидан, ҳуқуқ соҳасини чуқур билишидан яққол далолат берарди.

Ислом Каримов Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг маданий ёдгорликлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди, асосий эътиборни Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди. Президент Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилгунча тўрт марта, кейинги эълон қилингунича эса яна икки марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани қўлида қалам билан яна бир бор кўриб чиқди.[2]

Шундай қилиб, Конституция лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан етти марта текшириб чиқилгандан кейингина, республикамиз Олий Кенгашининг сессиясига сўнгги муҳокама учун тақдим этилди.

Конституциявий комиссия раисининг қаттиқ туриб ҳимоя қилган нуқтаи назари кўп ойлик изланишларнинг давлат ва сиёсат соҳасида тўпланган тажриба билан тасдиқланган натижаси бўлди. Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида ифодалаб берилди. У шундай деб ёзган эди: "**Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам**

[1]Қаранг: Уразаев Ш. З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово. 1992. 26 декабря.
[2] Ўша жойда.

маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради"[1]. Ушбу асар Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

Буларнинг ҳаммаси юртбошимиз Конституция лойиҳасига ўзининг меҳнати билан қандай ҳисса қўшганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Айнан унинг ҳаракатлари билан кўпгина моддалар янада сайқал топди, ифодаланган қоидалар эса аниқ, равшан ва тушунарли бўлди.

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни маъқуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. У 1992 йил сентябрь ойи охиридан декабрь бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Муҳокамада мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди, кўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституция лойиҳасига доир масалалар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилинди.

Лойиҳа эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. Келиб тушган таклифларнинг сони 5 мингдан ошиб кетди. Конституция лойиҳаси тушган таклифларни инобатга олган ҳолда анча тузатилди, қайта ишланди ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп эттирилди.

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Т.: Ўзбекистон, 1996.–85-бет.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент – икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарди. Бунинг натижасида умумхалқ фикр алмашуви янгича тус олди. Мазкур акциянинг маъноси шунда эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантида Конституция лойиҳасини муҳокама қилишдаги ўз иштирокларининг натижасини кўра олдилар. Янги вариантда умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичида келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топди. Одамлар Конституциявий комиссия уларнинг овозини эшитганлигига, таклифларининг тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш, жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

И.А.Каримов сессияда Конституцияни "**халқчил қомус**" деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини таъкидлади[1].

Республика Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам Конституция лойиҳасига бир қатор ўзгартишлар киритдилар.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни И.А.Каримовнинг "Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида

[1] Ўша жойда. 124-бет.

дунёга танитадиган Қомуснома" бўлганлиги, у "халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини" акс эттириши, унинг "халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули..."[1] эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Конституциясини тайёрлашда Президентнинг катта хизматлари ҳақида Н. Мишин шундай ёзади: «Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умумхалқ эътироф этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди»[2].

Ўзбекистонда конституциявий қурилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарлари, чиқишларида ифодалаб берган беш асосий принцип ташкил қилади. Бу асос бўлувчи ғоялар ва қоидалар Ўзбекистон тараққиёти ва миллий мафкурасининг тамал тошидир.

"Дарҳақиқат, – деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таниқли мутахассис профессор Л. Левитин, – Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хомхаёл-демократик

[1] Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 93-бет.
[2] Мишин Н. Взгляд из Москвы. Ислам Каримов – первый Президент Республики Узбекистан. Штрихи к портрету // Ислам Каримов. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. – М.: Палея, 1996. – С. 19–20.

ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги "шўрочиликлар" барҳам топтирилган"[1].

Америкалик профессор Дональд С. Карлайлнинг "Ўзбекистон ва Ўрта Осиё: истиқболдаги ўтмиш ва ҳозирги кун" китобида "Каримов Конституцияси" деб номланган бўлим бор"[2]. Ҳақиқатан ҳам Президент И. А. Каримов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, илҳомчиси ва асосий муаллифидир.

Конституциянинг 93-моддаси 1-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг кафили ҳисобланади. "Конституциянинг кафили" тушунчаси, кўплаб Европа мамлакатлари ва АҚШ конституцияларида қўлланилмаганидек, илгари амалда бўлган совет конституцияларида ҳам ишлатилмаган эди.

Нима учун мамлакатимиз Конституциясида айнан Президент Конституциянинг кафили сифатида белгилаб қўйилган?

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни фақат унинг кафилинигина эмас, балки конституциявий нормаларнинг кафолатланиш даражаси ва шаклларини ҳам белгилаб берди.

Президент Конституциянинг кафили сифатида белгилаб қўйилар экан, Конституция Президентлик институтининг бутун давлат тизимини муҳофаза қилувчи ролини тавсифлайди.

Конституциянинг кафили функцияси Президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги алоҳида ўрнини таъкидлайди ва кўп қирралидир. Конституцияни кафолатлар экан, Президент унинг нормаларига барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар риоя қилишларини талаб қилиши мумкин ва шарт.

Президент Конституциянинг кафили сифатида унга риоя қилинишининг эталони ҳисобланади ва шу нуқтаи назардан ўзи раҳбарлик қилаётган органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига баҳо беради. У Конституциянинг кафили сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш,

[1] Қаранг: Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 89–90-б.
[2] Ўша жойда. 90-б.

Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини, унинг мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлат органларининг ўз вазифаларини бажаришларини ва мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлаш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш бўйича барча шароитларни яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўради.

Конституциядан келиб чиққан ҳолда, И.А.Каримов ўзининг фундаментал асарларида Ўзбекистон тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилаб берди. Конституцияни кафолатлар экан, давлат раҳбари бевосита ҳамда давлат органлари орқали ҳаракат қилади. Конституциянинг кафили сифатида Президент умуман Конституцияни ҳимоя қилиш механизми таъсирининг самарадорлиги учун шахсан жавобгарлик намуналарини кўрсатмоқда. У давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, бутун мамлакат ҳудудида тинчлик, барқарорлик ва қатъий конституциявий тартибни кафолатлаш бўйича ўз мажбуриятини бажарар экан, халқ ишончини муносиб оқламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармони Конституцияни кафолатлаш ва бу мақсад учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Шундай қилиб, И. А. Каримовнинг Конституция ҳақидаги фикрлари, таъкидлари ва хулосалари рўй бераётган конституциявий жараёнларни, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланишининг тарихий шарт-шароитларини, унинг ҳозирги ҳолатини ва истиқболларини, бой имкониятларини ўрганиш, чуқур таҳлил ва синтез қилиш натижаларига асосланган[1].

Юртбошимизнинг Конституция ҳақидаги ғоялари конституциявий назария, жаҳон конституциячилиги тажрибаси ва конституциявий нормаларни жорий этиш амалиётининг уйғунлашиб кетганлигини намоён қилади.

5-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тузилиши

[1] Ислом Каримов Конституция тўғрисида. Тошкент, 2000,156 б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Ўз ички тузилиши билан Ўзбекистон Конституцияси жаҳон конституциявий амалиётига тўла мос келади. Асосий Қонун Муққадимаси жуда қисқа ва кўтаринки руҳда ёзилган. Унинг моҳияти Конституцияни халқ, яъни давлатнинг ҳақиқий соҳиби қабул қилганлигида ва унда ўз иродасини ифода этганлигидадир.

Конституциянинг асосий мантиқий йўналиши қуйидагича: **инсон - жамият-давлат.** Биринчи бўлимда мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий конституциявий принциплари кўрсатилган. Бундай принциплар қаторига давлат суверенитети, халқ ҳокмиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳамда ташқи сиёсатимиз тамойиллари киради.

Биринчи бўлим конституциявий тузумнинг асосий принциплари йиғиндисидан иборат бўлса, иккинчи бўлим инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ўзбек хартасидир. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларининг яхлит ва кенг тизимидир. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлимнинг давлат ҳокимияти тўғрисидаги бўлимларидан олдин берилганлиги ҳам маълум бир мантиққа асослангандир. Ҳуқуқларни инсонга давлат инъом қилмайди, балки фуқаро ўзига берилган ажралмас табиий ҳуқуқлар мажмуидан онгли равишда ва маъсулиятни ҳис этган ҳолда фойдаланади. "Жамият ва шахс" деб номланган учинчи бўлим одатдагидек эмас, жаҳоннинг биронта Конституциясида бундай бўлим йўқ. Бу бўлимнинг асосий мақсади, фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, ижтимоий уюшмалар ва муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб, уларнинг ривожланишини таъминлашдан иборат.

Бу бўлимни конституцияга киритилишининг сабаби нима?

Биринчидан, совет тузуми ҳукмронлик қилган йилларда ўта давлатлаштириш сиёсатининг натижаси ўлароқ, жамиятнинг барча жабҳалари давлат назорати остида эди. Айни вақтда давлат тушунчаси жамият тушунчасидан тор бўлиб, жамиятнинг бир таркибий қисмидир, холос.

Иккинчидан, жамият институтлари билан давлатнинг ўзаро муносабатлари авваламбор Конституция даражасида белгиланмоғи даркор.

Учинчидан, давлат таркибига кирмаган жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари ўзининг конституциявий мақомини топган.

Конституциянинг тўртинчи бўлими маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига бағишланган. Ўзбекистон вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалардан иборат маъмурий-ҳудудий тузилишига эгадир. Республика таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ҳам киради. Бу суверен давлатнинг конституциявий мақомига ва Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларига махсус 17-боб бағишланган.

Бешинчи бўлим давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ҳақида бўлиб, унда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзининг амалий ифодасини топган, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари конституциявий мақоми муайян тартибда мустаҳкамланган. Давлатимизнинг марказий идоралари Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Хўжалик Судлари, Прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий мақоми белгилаб берилган. Сайлов тизимининг принциплари, молия ва кредит, хавфсизлик ва мудофаа масалалари ҳам конституциявий тартибга солиш доирасига кирган.

Сўнгги, олтинчи бўлим Конституцияни ўзгартириш муаммосига бағишланган бўлиб, ҳуқуқий нуқтаи назардан Асосий Қонуннинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияснинг тузилиши унинг: **биринчидан,** фуқаролар тинчлигига, яъни миллий ва ижтимоий

тотувликка;

иккинчидан, шахс эркинлигига ва сайлов эркинлигига;

учинчидан, сиёсий барқарорликка;

тўртинчидан, фаровонлик ва иқтисодий ўсишга;

бешинчидан, давлатнинг одамлар олдидаги ўз бурчини бажаришига эришишга қаратилган.

6-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш тартиби

Конституциянинг давлатдаги Асосий қонун сифатида эътироф этилиши дунёда унинг аҳамияти ва мавқеининг ошиб бориши билан уйғунлашиб, Конституциявийчилик ғоясини ривожлантиришда муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимиз тарихида бир нечта Конституциялар қабул қилинган бўлиб, уларнинг мазмун ва моҳияти ўша давр шарт-шароитлари билан ўлчанади.

Конституция ва қонунларнинг қабул қилиниши ва ўзгартирилиши жараёнларида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва бизнинг ҳудудимизда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг таклиф мулоҳазалари билан иштирок этишлари мумкин. Шунингдек, дунё мамлакатларининг ҳаётий тажрибаси шуни кўрсатадики, Конституциялар турли хил усуллар асосида қабул қилиниши мумкин:

биринчидан, Конституция ҳокимиятнинг Олий органи томонидан ишлаб чиқилади ва халқ муҳокамасидан ўтгандан сўнг қабул қилинади (Ўзбекистонда Олий Мажлис, Украинада Олий Рада, АҚШда Конгресс палаталари томонидан қабул қилинади);

иккинчидан, Конституция махсус таъсис этилган давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. (Хитой, Мозамбик, Вьетнам ва Грузияда алоҳида таъсис этилган Конституцион йиғилиш томонидан);

учинчидан, Референдум йўли билан бевосита халқ томонидан қабул қилинади (Франция, Белорусия, Алжир, Швецария ва Филиппинда).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, халқ манфаатларига мувофиқ тарзда янги демократик давлатнинг вужудга келиши натижасида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган. Агар унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилса, бу масала кенг жамоатчиликнинг фикрига таянган ҳолда

амалга оширилади. Бу ҳақда Конституциянинг ўзида аниқ меъёрлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин 6 ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутат лари ва Сенат аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёни Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади (127-модда).

Конституциянинг айрим меъёрларини кўриб чиқишга мамлакатда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг чуқурлашиш ёки давлат ҳокимияти олий органлари тузилишини янада такомиллаштириш зарурияти сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизими ва фоалиятининг доимо такомиллаштириб бориши, давлатимиз сиёсатининг асосий мазмунини ташкил этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир. 2000 йил 25 май куни, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, иккинчи сессиясида: "Мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман яъни, биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб, ташкил этишимиз лозим. Бунда қуйи палата – Олий Мажлис партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан сайланади. Сиёсий партиялар ва аҳоли йиғилишлари унга ўз вакилларини ўтказади, улар парламентда доимий равишда ишлайди. Юқори палата таркибини вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга

сайланган депутатларнинг вакиллари ташкил этади. Мисол учун Қашқадарё вилоят кенгашига сайланган депутатлар шаҳар ва туманларда сайланган ноиблар ҳисобидан вилоят миқёсидаги йиғилишларда ана шу кенгашларнинг олти-етти нафар энг ишончли вакили мамлакат парламентининг юқори палатасига сайланади. Улар юқори палатада шу вилоятнинг манфаатларини ҳимоя қилади" деб таъкидлади. Юқори палатага сайланган вакилларнинг асосий вазифаси қуйи палата тайёрланган қонунларни кўриб чиқиш ва шунга мос равишда ўзларининг қарорларини қабул қилишлиги, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига тенг кўз билан қараб, ана шу ҳудудларнинг вакиллари орқали халқининг манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиши зарурлиги ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг бу таклиф юзасидан, депутатларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганиб чиқилиб, 2001 йил 6 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ, еттинчи сессиясида депутатлар бир овоздан Ўзбекистон халқининг фикрини аниқлаш мақсадида рефендум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди, 2002 йил 27-январ кунини умумхалқ референдуми куни деб эълон қилди. Референдумда овоз бериш бюллетенига қуйидаги мазмундаги саволлар киритилди;[1]

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси Парламентини икки палатали қилиб, сайланишига розимисиз?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб, ўзгартиришга розимисиз?

Ўзбекистон халқи, Олий Мажлис ва Президент фаолиятини такомиллаштиришни бир овоздан тасдиқлади. Эндиги вазифа Ўзбекистон халқининг ҳоҳишини 2004 йилга қадар тадбиқ этилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.

Ҳозирги кунларда бу масаланинг ҳамма учун маъқул бўлган ечимини топиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарлигида жуда кўп илмий-ўқув муасасалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари бош

[1] "Халқ сўзи" 2001 , 7 декабр

қотирмоқдалар. Ҳар бири ўз салоҳиятидан келиб чиқиб миллийлигимизга мос бўлган референдум натижалари талабаларини ҳал этиш имкониятига эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги саккизинчи сессиясида бу масаланинг ҳал этилишини дастлабки, муҳокамаси бўлиб: 2002 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни қабул қилинди.

Бизга маълумки, 1993 йил 28 декабрда биринчи бор Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимча киритилган бўлиб, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида шундай дейилган эди: “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-модда 1-қисмидаги “150 нафар депутатдан” деган сўзлар “депутатлардан” деган сўз билан алмаштирилсин”[1]

Юқоридаги Конституциявий қонун асосида 2003 йил 24 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси деб номланган XVIII боби илгари бир палатали парламентга бағишланган бўлса эндиликда мазкур бобда икки палатали парламент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенати (юқори палата) га бағишланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 76-моддасида илгари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади” деб номланган қоида мавжуд эди. 2003 йил 24 апрелда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганидан сўнг ҳозирда мазкур 76-моддада қуйидагича қоида мавжуд:

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1994. №1, 5-модда

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан-Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати-беш йил ”.

Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикасининг Президенти боби яъни XIX бобига ҳам ўзгартириш киритилди. Хусусан, илгари Конституциямизнинг 89-моддасида қуйидаги норма мавжуд эди: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.”.

2003 йил 24 апрелда мазкур моддага ўзгартириш киритилиб, “Ўзбекистон Республикасининг Президенти айни вақтда Вазирлар Махкамасининг Раиси ҳисобланади” қоидаси чиқариб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатаси Сенатга ўтказилди. 93-модда 6-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этади;

93-модда 23-бандига кўра эса, “амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади”. Илгари Ўзбекистон Республикаси чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва амнистия тўғрисида хужжатларни қабул қилиш бевосита Президент ваколатига киритилган эди.

Конституциямизнинг Вазирлар Махкамаси яъни XX бобига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга тўхталадиган бўлсак, илгари 98-моддада кўра, “Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади” деган қоида мавжуд бўлган бўлса,

ҳозирда 98-модда иккинчи қисмида “Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади” деган қоида мавжуд.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ваколатлари кенгайтирилиб, 98-модда 5-қисмига “Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли” деган қоида киритилди.

Шунингдек, мазкур киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирига Ўзбекистон Республикаси Президентига Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш учун тақдим қилиш ваколати берилди.

Конституциямизнинг сайлов тизими деб номланадиган XXIII бобига ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Илгари 117-модда 2-қисмида “Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик

органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар” деган қоида мавжуд эди.

Ҳозирда 117-модда 2-қисмида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда-декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишинча қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар” деган қоида мавжуд.

Шунингдек, 2003-йил 24-апрелда Конституциямизнинг Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби 6-бўлимига ҳам ўзгартириш киритилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки 127-моддаси “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади” деб белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазкур моддасига киритилган тузатиш ва қўшимчалардан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул

қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади“ деб ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи асосида, давлат органлари тизими ва уларнинг ташкил этилиш тамойиллари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси Палаталари ваколатлари мажбуриятлари, вазифаларини ва бунинг баробарида бошқа давлат органлари тизимидаги фаолият йўналишларини ўзида белгилаб берган алоҳида конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ва ундан кейин Конституция ва тегишли қонунларни қабул қилиш ёки ўзгартириш, тузатишлар киритиш масалаларини ҳал этиш тартибининг белгиланганлиги, Олий Мажлис олдида турган мақсадни режа асосда мукаммаллигини таъминланган ҳолда, амалга ошириш учун шароит яратиб беради. Шундай қилиб, Конституцияга ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш заруриятининг пайдо бўлиши давлат ва жамиятнинг ривожланишида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш борасидаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг амалий натижаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари

1. Ўзбекистоннинг конституциявий тарихининг ривожланиш неча босқичидан иборат?

2. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақилигининг эълон қилишининг зарурияти нималардан иборат?

3. Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг?

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишда конституциявий комиссиянинг асосий вазифалари нималардан иборат эди?

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “ Конституция-ҳақидаги” фикрини айтинг?

6. 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдумдан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қандай ўзгартиришлар киритилди?

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1-§. Конституциянинг юридик табиати, асосий функциялари ва барқарорлиги

2-§. Ўзбекистон Конституцияси – демократик давлат қуриш ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг пойдевори

3-§. Ўзбекистон Конституциясининг тарихий-ҳуқуқий ва маънавий илдизлари

4-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари

5-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юридик хусусиятлари

1-§. Конституциянинг юридик табиати, асосий функциялари ва барқарорлиги

Конституциянинг юридик хусусиятлари ва функцияларини таърифлаш муҳим аҳамият касб этади.

АҚШ Конституцияси ва "иккинчи авлод" конституциялари ўзининг сиёсий шиор шаклидаги қоидаларининг нисбатан камлиги ва анчагина юридик мазмуни билан ажралиб туради. Конституцияга барча белгиларга эга бўлган юридик ҳужжат сифатида қараш-ҳозирги конституционализмнинг муҳим жиҳатидир.

Конституциянинг асосий мазмуни шиор шаклидаги ва баҳоловчи қоидаларнинг кескин камайтирилганлиги билан ҳам ажралиб туради (асосан кириш қисмларида "умумий қоидалар").

Асосий қонуннинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ бир қанча функцияларини кўрсатиш мумкин. Конституциянинг сиёсий-ғоявий мазмуни жамиятнинг ижтимоий тузилишини тартибга солади ҳамда сиёсий ҳаётни ва курашни муайян ҳуқуқий доирага солишни мақсад қилиб қўяди.

Конституция ташкилий функциясининг маъноси-давлат институтлари тузилишини ва давлат органлари фаолиятини миллатнинг бирлигини ҳамда келажак авлодга демократик жамиятни ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини тартибга солишдан иборат. Агар конституциянинг мазмун ва моҳияти тараққиёт даражасининг кўп йиллик режаларини ўзида мужассамлаштирган бўлса, жамиятда муайян қадриятларни қарор топтириш мақсадида маънавий соҳага таъсир этишга қаратилган бўлса, конституциянинг юридик функцияси унинг амал қилаётган тизим асоси сифатидаги ўрнини акс эттиради.

Шу муносабат билан, *конституция юридик функцияларининг ичида энг муҳимлари* қуйидагилардан иборат:

биринчидан, конституциявий қоидалар амалдаги ҳуқуқнинг олий моддий мезонидир; ҳуқуқ соҳасида мавжуд бўлган ва пайдо бўладиган барча қоидалар конституциявий қоидаларга мос келиши шарт;

иккинчидан, конституция матнида ҳуқуқнинг асосий принциплари кўрсатилиши;

учинчидан, амалдаги ҳуқуқ манбалари тизимининг конституциявий жиҳатдан таърифланиши;

тўртинчидан, конституциявий нормаларнинг ўзи асосан бевосита амал қиладиган қоидалар, яъни улар судлар ва юрисдикация мақомига эга бўлган органлар томонидан бажарилиши керак. Конституциянинг юридик табиати ва функциялари унинг норматив ҳужжатлар тизимида устун мавқега эгалигида ёрқин кўринади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиз Асосий қонуни бўлиб, бевосита амал қиладиган юридик қоидаларни мазмуни бўйича умумийлаштириб беради ва шиор тарзидаги қоидаларни иложи борича кам ифодалайди.

Конституциянинг барқарорлиги сиёсий маданият ва маънавиятнинг алоҳида турига боғлиқ. Давлатнинг ва қонуннинг фуқаролар ва жамият ҳаётига

аралашуви бозор иқтисодиётининг ўзини-ўзи бошқариш механизмлари ва бошқа қудратли кучлари билан чекланган. Бу АҚШнинг ўзига хос жиҳатидир.

Франция эса ана шу 200 йил давомида бошқа ўзига хос қонуниятлари бўйича яшади. Конституциядаги нисбатан тез-тез бўладиган ўзгартишлар ҳам ана шундан. Бундай вазият фақат Францияда эмас. Масалан, 1950 йилдан бошлаб Ҳиндистон Конституциясида дастлабки матннинг 2/3 қисми ўзгариб кетган.

ГФРнинг Асосий қонунини ҳам анча барқарор деб эътироф этиш мумкин: унга ўзгартишлар киритиш учун Бундестаг ва Бундесратнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овоз бериши кифоя қилади. Шу боис, Ғарбий Германиянинг Конституцияси бошқа мамлакатларникига қараганда кўпроқ (35 марта) ўзгартирилган, аммо ушбу мамлакатдаги вазият ҳамма томондан қараганда энг барқарордир.

Кўплаб давлатларда конституциянинг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган моддалари белгилаб қўйилган. Бу бошқарув шакли, ислом маданияти мамлакатларида эса-давлат дини ҳақидаги моддаларга тегишли.

Умуман хорижий мамлакатларнинг тажрибаси анча "қаттиқ" конституциянинг афзаллигидан далолат бермоқда. Барқарорлик, ўз навбатида, жамият олий нормалари ва қадриятларининг ифодаси бўлмиш конституциянинг маънавий обрўйини кўтаради. Конституция қоидаларининг муфассаллаштирилиши, унга айни пайтдагина муҳим бўлган мавҳум қоидаларнинг киритилиши унинг доимий равишда қайта кўрилишига олиб келиши мумкин.

2-§. Ўзбекистон Конституцияси – демократик давлат қуриш ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг пойдевори

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли Конституцияга асослангандир. Бизнинг конституциявий сиёсатимиз ўз миллий давлатчилигимизни, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни камолот чўққиларига олиб чиқишга қаратилган.

Ўзбекистонда суверен демократик давлат қуриш ва ҳуқуқий ислоҳотлар конституциявий беш тамойилга – принципга асосланган. Бу тамойиллар Президентимиз нутқларида, рисолаларида атрофлича илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Бу – **биринчидан**, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсатнинг таъсири остида бўлмаслиги, яъни бирон бир мафкурага бўйсундирилмаслиги керак. Бу эса иқтисод ҳамиша сиёсатдан устун турмоғи керак, деганидир. Иқтисодни мафкура таъсиридан чиқармоқ лозим. Етмиш йил мобайнида иқтисодиёт ғоят сиёсийлаштириб юборилган эди. Сохта социалистик иқтисодий назарияга сингиб кетган ақидапарастлик, догматизм узоқ йиллар давомида ҳозирги замон илмий тафаккурининг чўққиси деб кўрсатиб келинди.

Иккинчидан, иқтисодни бошқаришда, айниқса, бозор иқтисодига ўтилаётганда, давлат бошқарув жиловини қўлдан чиқармаслиги керак.Фақат давлатгина,қонуний асосда сайланган ҳокимиятгина асосий ислоҳотчи бўлиши мумкин. Бундан ташқари, давлат тўрачиликка, бюрократизмга, таркиб топган психологияга барҳам бериши, бозор иқтисодиёти инфраструктурасини ижтимоий ларзаларга йўл қўймайдиган оқилона ва изчил сиёсат юритиши лозим. Фақат шундагина халқ ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш, ислоҳот йўлидан илгарилаб бориш ва жамиятнинг бутун фаолияти соҳасини янгилаш мумкин.

Мустақил тараққиёт йўлига кирган кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси давлат ҳамиша туб ўзгаришларнинг пешқадами бўлиб келганлигидан далолат беради. Бир томондан, мамлакатни ва унинг аҳолисини ҳимоя қилган, иккинчи томондан –одамларни, ташкилий тузилишларни ислоҳотларга тайёрлаган. Давлат бамисоли уларни янгича яшашга мажбур этган ва рағбатлантирган.

Эски система таянчлари емирилган ва янгиси эндигина қурила бошлаган ёш, суверен давлат тарихидаги мураккаб бир даврда тартибсизлик ва бузғунчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Бундай тартибсизлик ва бузғунчилик эса ҳокимият заиф ва уқувсиз бўлган жойда пайдо бўлади. Тоталитар тузумдан чинакам суверенитетга ўтиш даврида эса гарчи ақлли ва истеъдодли бўлса-да,

қандайдир академиклардан ва амалиётчилардан тузилган команда эмас, балки давлат асосий ислоҳотчи бўлиб чиқади. Эски жамият кетиб, ўрнига янгиси қурилаётган ўтиш даврида нақ шу давлат бошқарув жиловини қўлдан чиқармаслиги керак.

Қонуний равишда сайланган кучли ҳокимият- Ўзбекистон алоҳида ўрин эгаллаб турган Ўрта Осий минтақасидаги барқарорликнинг кафилидир. Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ишонадиган кучли давлат ҳокимиятигина осойишталикни сақлай олади, республикни тараққиёт йўлига олиб чиқади.

Тинчликни, барқарорликни, фуқаролар ва миллатлар тотувлигини сақлаш – давлат тузиш ва иқтисодиётни замонавийлаштириш вазифаларини ҳал қилишнинг энг муҳим шартидир. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун эса кучли ҳокимият керак. Кўпдан-кўп қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг энг барқарор республикаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, Конституция ва қонунларга қатъий риоя қилиш. Бу ҳуқуқий давлат тузишнинг зарур шартидир.

Ўзбекистоннинг асосий қонуни- Конституциядир. Чет мамлакатларнинг ва халқаро ташкилотларнинг мутахассислари бизнинг Конституциямизни, қабул қилинган қонунларимизни энг илғор, прогрессив қонунлар сирасига дадил киритиш мумкин, деб тасдиқладилар.

Ҳар бир ёш давлатда чинакам демократик Конституция ва қонунларга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Биринчи навбатда барча фуқароларнинг уларга қатъий оғишмай риоя этишларига эришмоқ зарур. Бизнинг мақсад- ҳар бир фуқаронинг, шахси ва лавозимидан қатъи назар, қонунларга сўзсиз риоя этишини таъминлашдир.

Конституция, Қонун ҳамма нарсадан устун турмоғи ва ҳамма учун мажбурий бўлмоғи лозим. Афсуски, бизда Конституцияга, қонунга нисбатан энг оддий ҳурмат ҳисси тарбияланмаган эди. Аҳолига ҳуқуқий маданиятни, Конституциянинг, қонуннинг ҳарфи ва руҳига ҳурмат билан қарашни сингдириб бориш лозим. Бусиз ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди, инсон

ҳуқуқлари ва озодлигини ҳимоя қилиб бўлмайди. Демак, асосий нарса – Конституцияни, қонунни ҳурмат қилишдир.

Ҳақиқий демократик давлатда ҳамма – хоҳ Президент ёки оддий фуқаро бўлсин, хоҳ камбағал ёки ишбилармон бўлсин, Конституция ва қонунга амал қилади. Биз турмушнинг барча соҳаларида Конституция ва қонуннинг устунлик қилишига эришмоғимиз лозим. Фуқаролар ишонган ҳокимият кучли бўлади. Ишончнинг кафолати эса – Конституция ва қонунларга қатъий риоя этилишидир.

Конституциявий қонунчиликни ва ҳуқуқ тартиботни қарор топтиришнинг бошқа жиҳати ҳам бор. У мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотлар учун барқарор ҳуқуқий замин яратишдир. Фақат шундагина иқтисодий ўзгаришларда сезиларли натижаларга эришиш мумкин. Ўзбекистонда мулкий муносабатларни тартибга солувчи, корхоналар фаолиятини, ташқи-иқтисодий банк, тадбиркорлик, биржа фаолияти нормаларини белгилаб берувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди. Республикада корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, акциялаштириш соҳасида ўтказилаётган тадбирлар ҳуқуқий заминга қўйилди.

Ўзбекистонда изчил равишда, бозор иқтисодиётига ўтила борган сари ҳуқуқий институтлар ҳам шаклланмоқда, бозор муносабатларини маданий шаклда жорий этишга имкон берадиган, сохта бозор иқтисодининг илдиз отиб кетишига қарши қаратилган қонунлар мажмуи яратилмоқда. Вазифа фақат халқаро нормаларга мос келадиган қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишдагина эмас, балки уларга сўзсиз риоя этилишидан ҳам иборатдир.

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат юритмоқ керак. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган таъсирчан тадбирларни амалга ошириб бормоқ даркор. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг зарур вазифалар бўлган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Демократик ва иқтисодий ислоҳотлар йўлида эришилган ижодий силжишлар сўнгги йилларда республикада аҳолининг энг муҳтож

қатламларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат юритилганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда демографик юкнинг энг оғири оила зиммасига тушмоқда. Бутун аҳолининг ярмига яқини ўн олти ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардир. Улар жисмонан бақувват ва ўқимишли кишилар бўлиб етишмоқлари учун уларни ҳимоялаш, боқиш, тарбиялаш керак. Республикада олти-етти жон турадиган оила бир ходимнинг маошига яшайди.

Биз олдимизга буюк мақсадни- аҳолининг соғлом бўлишини таъминлаш вазифасини қўйганмиз. Дунёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда Соғлом авлод учун ордени таъсис этилди. Биз биламизки, аҳоли жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом бўлмаса, яъни соғлом авлодсиз ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш мумкин эмас.

Аҳолининг давлат ҳимоясига муҳтож бўлган бошқа қатлами ҳам бор – булар, етим-есирлар, қариялар, ногиронлар, кўп болали оналардир. Бугун уларнинг тирикчилиги қийинлашиб қолди. Шунинг учун ҳам давлатнинг вазифаси кишилар бошига очлик ва муҳтожлик тушишига йўл қўймасликдир. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олсагина у инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат бўлади.

Бешинчидан, бозор иқтисодига ўтиш шошма-шошарликсиз, босқичма-босқич амалга оширилмоғи лозим. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини танлаб олган, бу йўл бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган. Шу нарсани алоҳида таъкидламоқ лозимки, танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва мақсади – бу сохта революцион сакрашларсиз, фожиали оқибатлар ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан, маданий равишда нормал тараққиётга ўтишдир.

Бозорга босқичма-босқич ўтмоқ керак. Қўйилган мақсад сари қадам-бақадам илгарилаб бориш лозим. Ўн йиллар мобайнида кўпинча зўравонлик билан кишилар миясига сингдириб келинган нарсани бир лаҳзада ўзгартириб бўлмайди. Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит системасини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий базани, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш,

кадрлар тайёрлаш учун вақт керак бўлади. Одамларнинг ўзларини жамиятни янгилаш ва қайта тузиш зарурлигига ишонтирмай туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни, асосий йўналишларни, далил-исботларни ўзгартирмай туриб, ислоҳотлар сари кескин ва аниқ қадам ташлаб бўлмайди, янги жамият қуриб бўлмайди, принцип жиҳатдан янги муносабатларни жорий этиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш-қуруқ мақсад эмас, балки биринчи навбатда халқ учун муносиб ва фаровон ҳаётни таъминлаш воситасидир. Бу ерда Шарқ турмуш тарзини, психологиясини, фалсафасини, буюк ислом фанини ҳисобга олмоқ керак. Бозор- бу психологиядир. Буни ҳисобга олмасдан бўлмайди. Шунинг учун бизнинг асосий вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик-қашшоқлик кўрмасдан, кишиларга зиён-заҳмат етказмасдан ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига етиб келишдир. Шу маънода Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олган ва шу йўлдан бормоқда.

Ҳозирги тараққиёт босқичида иккита асосий вазифа устувор ҳисобланади.

Биринчиси – иқтисодий базаси ижтимоий йўналтирилган янги давлатнинг, янги тузумнинг моделини яратиш.

Иккинчиси – бозорга ўтишни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, янги кадрлар корпусини шакллантириш. Ислоҳотга алоқадор кишилар ва аввало, масъул ходимлар унинг моҳиятини тушуниб етган, республика ва халқ эҳтиёжлари тўғрисида ўйлайдиган, ислоҳот ким учун ва нима учун ўтказилишини тушунган, ҳақиқий ватанпарвар бўлган тақдирдагина ислоҳотлар юришиб кетади. Улар мақсад ва вазифаларимизни аниқ тасаввур этишлари, ўйлаб қўйилган режаларни амалга оширишга лаёқатли бўлишлари керак.

Биз мутлақо янги ижтимоий-сиёсий тузум ва давлат моделини яратмоқдамиз. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Давлатимизнинг ҳамма нарсаси: табиий бойликлари, серҳосил ерлари, буюк дарёлари бор. Бу муқаддас ерда меҳнатсевар, истеъдодли халқ яшайди. Бизга тиниб-тинчимас, серғайрат, ишчан, халққа садоқат билан хизмат қиладиган, бу моделга ҳаёт бағишлайдиган билимдон, ташаббускор кишилар керак.

3-§. Ўзбекистон Конституциясининг тарихий-ҳуқуқий ва маънавий илдизлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг кўп минг асрлик бой миллий давлатчилик тарихий-ҳуқуқий ва маънавий меросига асосланган. Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва ҳуқуқ тарихи ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, қадим-қадим даврларга бориб тақалади. Келинг, шу муносабат билан миллий давлатчилигимиз ва сиёсий-ҳуқуқий маънавиятимиз томирларига бир назар солайлик.

Тарихий тараққиётнинг айрим босқичларида мамлакатимиз ҳудуди йирик давлатлар таркибига кирган бўлса, айрим босқичларида унинг ҳудудида бир неча мустақил давлатлар мавжуд бўлган. Ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи пайдо бўлиши қуйидагича.

Сўнгги тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида 20га яқин қабилалар бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирлашган эдилар. Булар орасида бир неча сак қабилаларини бирлаштирувчи массагетлар иттифоқи алоҳида мавқе билан бошқалардан ажралиб турган. Туркий халқлар, жумладан ўзбек халқининг чуқур илдизлари ана шу массагетларга бориб тақалади.

Тарихий манбаларда эрамиздан аввалги XV-XII асрларда Марказий Осиё ҳудудининг асосий қисми Оссурия давлати таркибида бўлганлиги, мустақил Хоразм давлати ҳақида маълумотлар учрайди. Эрамиздан аввалги VI асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда Аҳмоний подшоҳларининг ҳукмронлиги ўрнатилади. Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида хоразмликлар, кейинчалик сак қабилалари мустақилликка эришади.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг охирги чорагида Хоразм давлатидан ташқари бутун Ўрта Осиё македонияликлар томонидан босиб олинади. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг, Ўрта Осиё ҳудуди Салавкийлар давлати таркибига киритилди. Эрамиздан аввалги III аср ўрталарига келиб Грек-Бақтрия подшолиги ташкил топиб, унинг таркибига Бақтрия, Сўғдиёна, Марғиёна ва

Паркана (Фарғона) киради. Кейинчалик Ўрта Осиё ҳудудида Хоразм давлати билан чегарадош бўлган Тоҳаристон давлати ташкил топади. Кўп ўтмай у кичик-кичик давлатларга бўлиниб кетади.

Эрамизнинг I-IV арсларида Ўрта Осиё ҳудуди Кушон подшолиги таркибида бўлди, IV асрнинг охирги чорагида Марказий Осиёда кичик-кичик давлатлар ташкил топди. V аср ўрталарида Ўрта Осиё Эфталитлар давлати томонидан босиб олинди. VI асрнинг охирги чорагидан араблар босиб олгунгача Ўрта Осиё Ғарбий Турк ҳоқонлиги таркибида бўлди.

VIII аср бошларида Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрнатилди. Араблар бизнинг ўлкани Мовароуннаҳр деб атадилар. IX аср охири - X аср бошларидан X асрнинг иккинчи ярмигача Ўзбекистон ҳудудида Сомонийлар, X асрнинг иккинчи ярмидан Қорахонийлар, XI аср бошларидан Салжуқийлар ҳукмронлик қилдилар. XI аср бошларида Хоразм ғазнавийлар томонидан босиб олинди. XII асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрни Қоракидонлар ўзига бўйсундирди. XII асрда Хоразм яна мустақилликка эришди. XIII аср бошларидан XIV асрнинг 60-йиллари ўрталаригача Мовароуннаҳрда муғуллар, XV аср охирларигача Темур ва темурийлар, XVI асрдан Шайбонийлар ҳукмронлик қилдилар. XVI асрнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида Бухоро, Хива, XVIII аср бошларида Қўқон хонликлари ташкил топди. Ўрта Осиё XIX аср иккинчи ярмида Россия томонидан босиб олинди. Қўқон хонлиги тугатилди. Туркистон генерал–губернаторлиги ташкил қилинди. Бухоро ва Хива хонликлари устидан Россия протекторати ўрнатилди. Ҳудудимиз Туркистон ўлкаси деб атала бошлади.

1917 йилда қизил империя ҳукмронлиги ўрнатилиб, Ўзбекистон Совет социалистик Республикаси тузилганидан кейин, Ўрта Осиё ибораси қўлланила бошлади.

Демак, бизнинг ёш мустақил ўзбек давлатимиз ўзида кўҳна Сўғдиёна ва Хоразмдан бошлаб, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатларининг давлат бошқарув тажрибасини, қадимий халқимизнинг бутун тарихий тажрибасини ҳамда унинг ўз миллий давлатига эга бўлиш каби асрий

орзуларини мужассамлаштирган. Яъни ҳозирги ўзбек давлати умумжаҳон ва миллий давлатчилик тараққиёти қонуниятларини ўзида узвий равишда мужасамлаштиради. Ўзбек давлати ўзининг салкам 3 минг йиллик тарихига эга.

Ўзбекистон Оврупо ва Осиё маърифатпарвар дунёсининг, цивилизацияларини бирлаштирувчи буюк халқаро йўллар кесишган заминда жойлашган. Маърифатпарварчилик давридаги маънавиятимиз шакллана бошланганига камида 3 минг йил бўлган. Ўзбеклар ғоят кўҳна ва кўпдан-кўп негизга –саклар, массагетлар, сўғдлар, Ксеркс ва Искандар Зулқарнайн, Салавкийлар ва кўп қабилали туркларгача бўлган ғоят қадимий ва чуқур илдизли миллат ҳисобланади. Уларнинг авлод-аждодлари бундан минг йил муқаддам шу тупроқда ўтроқ бўла бошладилар. Ўзбек элати шаклланишида ўтмишда араблар ва форс-тожик маданияти намояндалари, XIII-XIV асрлардаги мўғуллар ҳамда XV-XVI асрлардаги Чингизхоннинг Чиғатой улуси мўғуллари ўзларининг бевосита таъсирини кўрсатганлар. Бу масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ўзбекларнинг ота-боболарига, аждоду авлодларига ҳиндлар, хитойлар, греклар томонидан ҳам маданий таъсирлар бўлганини кўриш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, элат тарзида шаклланган бу ўзига хос гилам уйғурлар, арманлар ва ўнлаб бошқа нисбатан кам сонли миллий жамоаларга тааллуқли, дарҳол кўзга ташланмайдиган маданий иплар билан тўқилганлигини айтиш керак. Йигирма асрдан кўпроқ даврдан бери Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бизнинг авлод-аждодлар билан бирга яҳудийлар яшаган ва яшаб келишмоқда. X асрдан XV асргача Мовароуннаҳр шаҳарларида талайгина христиан-несторианлар, насронийлар ҳам яшаганлар. Ислом қабул қилингунга қадар мўғул ҳукмдорлари оммавий равишда уларга ҳомийлик қилганлар.

XIX аср охиридан эътиборан Туркистон халқлари орасига руслар ва рус маданияти кишилари қўшилди. Буларнинг ҳаммаси аниқ тарихий ва миллий ўзига хослик шароитида миллий давлатчиликнинг ва ҳуқуқий тизимнинг табиий туғилиши ва ривожланишининг гувоҳидир.

Ўлкамизнинг мўғулларгача бўлган ва темурийлар давридаги номи – Мовароуннаҳр Уйғониши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Ислом

цивилизацияси халқимизнинг дунёқарашини тўлдирди ва бойитди, бу халқ жаҳонга таниқли ва умумбашарият томонидан тан олинган буюк мутафаккирларни етказиб берди.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг бутун асоси бўлмиш миллий давлатчилиги, ҳуқуқий тизимни қайтадан яратмоқда. Халқимизнинг маънавияти камол топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қуришга азму қарор қилган экан, юксак ҳуқуқий маданият, Конституция ва қонунга ҳурмат, итоатгўйлик миллий истиқлол мафкурасида муҳим ўрин эгаллаши лозим. У ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари – иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат қадриятлари ва ғояларини мужассамлаштиришига ишончимиз комил.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақланиб, сайқал топиб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-русм, удум ва анъаналари, ғурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги, эътиқоди, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Буюк аждодларимиз умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг бой маданий-ҳуқуқий меросидан Асосий Қомусимизни яратишда кенг фойдаланилди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси 1992 йилда қабул қилинган Асосий Қонунни нима учун биринчи Конституция деяпмиз. Нима, олдинги конституциялар Ўзбекистонники эмасмиди,–деган табиий савол туғилади. Бундай дейишга бир неча сабаблар бор.

Биринчидан, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, муқаррар равишда ўзининг Асосий Қонунини қабул қилишга зарурат туғилди. Чунки ҳар бир мустақил давлат ўзининг Конституциясига эга бўлиши керак.

Иккинчидан, биз бозор иқтисодиёти томон одимлаб борар эканмиз, натижада, тубдан янги иқтисодий тизимга ўтаяпмиз. Жамиятнинг сиёсий,

иқтисодий, маънавий ҳаётига оид энг асосий масалалар Конституция томонидан тартибга солинади.

Учинчидан, қабул қилинган Конституция ҳеч кимнинг кўрсатмаларисиз, бирон-бир тайёр андозадан кўчирмачилик йўли билан эмас, балки жаҳон ва тарихий конституциявий тажриба ва амалиётдан келиб чиқиб тайёрланди.

Тўртинчидан, Асосий Қонунимизда сўнгги йилларда мамлакатимизда жорий этилган ва ҳаёт тажрибасидан ўтган янги конституциявий институтлар ўз аксини топган. Бундай институтлар жумласига Президентлик бошқарув шакли, ҳокимлик институти, Конституциявий назорат, сайлов тизимидаги ўзгаришлар, кўппартиявийлик, мулкчиликнинг хилма-хиллиги ва ҳакозолар киради.

Шу сабабларга кўра Асосий Қонунни чиндан ҳам мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси деса бўлади.

4-§ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари

Асосий Қонунимизнинг олдингилардан ва бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, 1992 йилги Конституциямиз ўзининг туб моҳияти ва фалсафаси, мақсадлари ва ғояларига кўра янги ҳужжатдир. Республикамизнинг олдинги Асосий Қонунлари биз собиқ Иттифоқ таркибида қоғоздагина мустақил бўлган давлатнинг Конституциялари эди. Ушбу Қомусимиз эса биринчи моддасидан то охирги моддасигача мустақиллик ғояси билан суғорилган.

Иккинчидан, Конституциямиз ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ажралиб туради. Бунда 1991 йили қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги конституциявий қонун муҳим мезон бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, Асосий Қонун бошқа конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилмаган. Унда

коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ.[1] Умумбашарий инсоний қадриятлар биз қураётган ҳуқуқий давлат ва демократик, адолатли фуқаролик жамиятининг асоси бўлмоғи керак.

Тўртинчидан, Конституциямиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ талаб ва қоидаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган. Чунки Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг Конституциясида шундай талаб ва қоидаларни тан олган ва мустаҳкамлаган.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверенлиги тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралрнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилиш заминига қурилган.[2]

Бешинчидан, Конституциямиз жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва ижобий томонлардан атрофлича фойдаланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Конституциямиз энг тараққий этган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Туркия, Франция, Германия Швеция, Италия каби Fарб давлатлари, руҳияти ва этник жиҳатлардан бизга яқин бўлган Япония, Миср, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ давлатларининг бой тажрибасидан энг демократик жиҳатларини, инсонпарварлик ғояларини тараннум этувчи халқаро хужжатларнинг талабларини ўзида жамлаган.

Олтинчидан, Конституциямизни мустақил давлатимиз равнақининг ҳуқуқий кафолати даражасига кўтарувчи энг муҳим белги унда жаҳоннинг илғор конституциявий тажрибасини миллий-маънавий ва ҳуқуқ қадриятларимизга, ўзбек халқининг бой тарихига уйғунлаштирилиб қўлланилганидадир.

5-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юридик хусусиятлари

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон–келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 337 б
[2] Каримов И.А. Ўзбекистон–келажаги буюк давлат. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 39 б

Мустақил давлатимизнинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси аввалги Конституциялардан ўзининг юридик мазмун ва моҳияти жиҳатидан фарқ қилиб, бу Конституцияда давлатнинг мустақиллиги мустаҳкамланди. Конституциямизнинг асосий моҳияти унинг халқ манфаатлари учун хизмат қиладиган, ҳуқуқий демократик давлат қуриш асослари белгилаб берилганлигидадир. Конституциянинг юридик хусусияти – Асосий Қонун сифатидаги унинг қуйидаги белгиларини ташкил этади.

1. Аввалом бор шуни таъкидлаш жоизки, Конституция норматив-ҳуқуқий актлар жумласига кириб, қонунларга хос бўлган ҳамма белгиларга эга бўлади. Конституция бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган ва ҳамма учун умуммажбурий кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий акт бўлиб, жамият қурилиши халқ ҳокимиятчилиги билан боғлиқ бўлган ҳамма ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

2. Конституция олий юридик кучга эга, яъни барча оддий қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларга нисбатан устунликка эга, чунки қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар Конституция нормаларига мувофиқ бўлиши шарт.

3. Конституция жорий қонунчилик учун асос бўлиб ҳисобланади ва уларнинг характерини белгилаб беради ва айни вақтда унинг нормаларини такомиллаштирувчи норматив актлар қабул қилиш зарурлигини назарда тутади.

4. Конституция яна уни қабул қилиш ва ўзгартиришнинг алоҳида тартибларини белгилайди.

Конституциянинг асосий юридик белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Конституция бошқа норматив-ҳуқуқий актлар учун асос бўлиб ҳисобланади. У жамият ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқчиллиги шунда намоён бўладики, бу Конституция мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиши билан бирга ҳаёт тақазоси билан вужудга келган Конституциядир. У Асосий Қонун сифатида халқ манфаатларигагина хизмат қилади. Конституцияда энг

аввало инсон омилига катта эътибор берилган. Инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига, уларга кенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилишига шарт-шароитлар яратилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётийлиги. шундаки, Конституция жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларга тўла мос келади, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларига, демократик тамойилларига тўла мос келади.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг барқарорлиги, унда мужжасамлашган нормалар узоқ вақтлар давомида ўзгартиришларсиз ҳаракатда бўлишида намоён бўлади.

Конституция жамият ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар натижасида вужудга келади ва жамият ривожланишининг келгуси тарихий даври учун сиёсий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Конституция жамият тараққиёти натижаларини ўзида мужассамлайди

Давлатимиз ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат қуришни асосий вазифа қилиб қўйган экан, Конституция бу вазифанинг бажарилишида ҳамма давлат органлари, мансабдор шахсларни, фуқароларни шу ишга даъват этади. Уларнинг фаолиятини йўналтириб туради.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Конституцияни юридик табиати деганда нимани тушунилади?

2. Конституциянинг барқарорлиги таъминланиши нималарга боғлиқ бўлади?

3. Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотларнинг тамойиллари нималарни ўз ичига олади?

4. Ўзбекистон Конституциясининг тарихий-ҳуқуқий ва маънавий илдизларини айтинг?

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятларини айтинг?

6. Конституциянинг қандай юридик белгилари мавжуд?

VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

1-§. Давлат суверенитети тушунчаси ва моҳияти

2-§. Халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга ошириш шакллари

3-§. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи ва уни амалга оширилиши

4-§. Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик (плюрализм)

5-§. Демократия ва инсон ҳуқуқлари

6-§. Ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари

7-§. Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи

8-§. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари ва принциплари

1-§. Давлат суверенитети тушунчаси ва моҳияти

"Суверенитет" атамаси илк бор Францияда (XVI) вужудга келган. Бу атама лотинча superareitas (cupra, superios) сўзидан келиб чиққан бўлиб, аслида "энг олий", "олий ҳокимият" деган маънони англатади.

Суверенитет ҳар қандай мустақил давлатнинг умумий ва ажралмас белгиси бўлиб, унинг тўла ҳуқуқлилигини ҳамда ички ва ташқи ишларда бошқа давлатга қарам эмаслигини англатади.

Суверен давлат ўз ички ва ташқи ишларини бошқа давлатларнинг ҳуқуқларини, шунингдек халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини бузмаган ҳолда, ўзи хоҳлаганча ҳал қилади.

Суверенитет давлатга хос тушунча бўлиб, у билан бирга вужудга келади. Давлат ва унинг хусусияти бўлган суверенитет тарихий ҳодисадир.

Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, яъни ўз тақдирини чет давлатларнинг аралашувисиз белгилаш ҳуқуқи давлат суверенитетнинг асосини ташкил этади.

Ҳозирги шароитда давлат суверенитети принципи халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим масаласидир. Ер юзидаги барча мамлакатлар ўзаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларини ички ишларига аралашмаслик, бошқа давлатларга хужум қилмаслик ва уларнинг ҳудудий бутунлигига дахл қилмаслик, шунингдек суверенитети ва миллий мустақиллигини тўла ҳурмат қилиш принципларига асосланган бўлиши учун курашмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистон давлати барпо қилинган дастлабки кунларданоқ катта ва кичик халқларнинг суверен ҳуқуқларига қатъий ва оғишмай риоя қилиш учун ҳаракат қилмоқда, ҳар бир давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларини ҳимоя қилмоқда.

Суверен давлатда халқ ўз мамлакатининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий дахлсизлиги ҳуқуқи, ўз мамлакатининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топишини таъминлаш мақсадида қандай ижтимоий тузумни ва бошқаришнинг қандай шакли мақсадга мувофиқ ва зарур деб топса, ўшандай тузумни ўрнатиш ва ўшандай шаклни танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

1991 йилнинг 31 августида ўзбек халқининг азалий орзуси, яъни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига эришди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги"ги конституциявий қонунда, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти"да, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"ги Қарорида ҳамда бироз олдин 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган "Мустақиллик Декларацияси"да мамлакатимиз кўп миллатли аҳолининг ҳохиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилди ва бу умумхалқ референдуми томонидан тасдиқланди. Декларацияда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва суверен демократик республика эканлиги расмийлаштирилди.

Декларациянинг қолган моддаларида Ўзбекистоннинг давлат ҳудуди ва чегараси дахлсизлиги, давлат ҳокимияти Ўзбекистоннинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилиши ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлилиги мустаҳкамланган (2-4 моддалар).

Ўзбекистоннинг давлат ҳокимияти ваколатига унинг ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар кириши, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тан олиниши ва уларни ҳурмат қилиниши ҳамда ўзининг бошқа давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилаши ва амалга ошириши, ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини мустақил белгилаши ва давлат белгиларини ўзи таъсис этиши суверенлиги белгиларидир.

Декларациянинг тўққизинчи моддаси Қорақалпоғистон Республикаси мустақиллигини ва унинг манфаатларини махсус ҳимоя қилади ва мустаҳкамлаб қўяди.

Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти уни давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Республиканинг сиёсий ва иқтисодий тизими ва қурилишини белгилайди.

Декларацияда Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик берилиши мустаҳкамланган.

Давлат мустақиллигига эришиш ўзбек халқининг ҳаётида буюк тарихий ҳодисадир. Бу тарихий воқеа давлатимиз солномасига зарҳал харфлар билан ёзиб қўйилган.

1 сентябр Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни бўлиб, халқимизнинг энг табаррук байрами сифатида нишонланади.

Ўзбекистоннинг давлат суверенитети Ўзбекистон Конституциясининг биринчи моддасидаёқ қонуний мустаҳкамланган бўлиб унда шундай дейилади: “Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади”.

"Ўзбекистон - демократик давлат. Бу инсонпарварлик қонунларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир."[1]

Ўзбекистонда демократик принциплар қарор топмоқда.

Ўзбекистонда давлатнинг бошқариш шакли республикадир. Республика – халқ хокимияти демакдир. Республика - энг асосий умуминсоний ҳуқуқий бойликлардан биридир. Бошқарувнинг республика шакли давлат идоралари ваколатларини аниқ белгилаб беришни, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайлаб қўйилишини англатади.

Ҳар бир инсоннинг бошқалардан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири унинг исми шарифи бўлганидек, ҳар қандай давлатнинг ҳам номи унинг ажралмас белгиларидан ҳисобланади. Давлатимизнинг номи "Ўзбекистон" ва "Ўзбекистон Республикаси" бўлиб, мазкур атамалар айнан бир маънони англатади ва улар муқобил тушунчалар сифатида қабул қилинган,

Ўзбекистон давлатининг номи ва унинг рамзлари (герби, байроғи, миллий валютаси ва шу кабилар) халқаро шартномаларда, давлат идораларининг муҳрларида, хизмат ҳужжатлари ва гувоҳномаларида ифодаланади.[2]

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Конституциянинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди даҳлсиз ва бўлинмасдир.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон. 1995. 31-бет.
[2] Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон. 1995. 32-бет.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” (4-модда)

1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақоминиг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Бу эса собиқ совет салтанати давридаги "руслаштириш" сиёсатининг марказий ғояларидан бири бўлган "она тилимиздан маҳрум этиш" мақсадларига қонуний равишда тўсиқ қўйишдан иборат эди. 1995 йил Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Эндиликда ўзбек тилида идора ишлари, хужжатлар олиб борилмоқда. Ўзбек тилида қонунларимиз ёзилмоқда, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар, номзодлик ва докторлик диссертациялари, уларнинг автореферatлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар пайдо бўлди. Бу билан бизга жаҳон маданияти ва ахбороти маконига тўлиқ кириш учун кенг имкониятлар очилади. Ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш умумхалқ вазифасидир.

Асосий Қонунимизнинг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари-байроғи, герби ва мадҳиясига эга деб кўрсатилган.

Давлатимиз рамзлари - байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш - ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган. "Ўзбекистоннинг давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда

республиканинг бугунги табиатига мувофиқ келадиган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаво ранг бўёқ-зангори осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзидир.

Оқ ранг эса тинчлик ва поклик тимсолидир. Байроқдаги оқ ранг ёш мустақил давлатимиз ошиб ўтиш лозим бўлган йўлнинг ёркин ва чароғон бўлиши учун эзгу ният сифатида қўйилган.

Байроқнинг қизил рангидаги йўллари -ҳар бир тирик жон, қон томирида жўшиб турган ҳаётий кучнинг барҳаётлиги рамзидир.

Яшил ранг эса-табиатнинг тимсоли, гуркираб яшаётган ҳаёт ва ҳосилдорликнинг рамзидир.

Байроқдаги ярим ой - ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Чунончи, ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмоннинг, тинчликнинг рамзидир. Ўн икки рақами - қадимдан халқларимиз орасида мукаммаллик тимсоли бўлиб келган. Шу боисдан ҳам байроғимизга ўн икки юлдузнинг тасвири туширилади. Давлат байроғи бизнинг кўҳна ўтмишимиз, бизнинг бугунги кунимиз ва буюк келажагимизнинг рамзидир.

1992 йилнинг 2 июлида Ўзбекистоннинг давлат герби тўғрисидаги Қонун қабул қилинган. Гербимиз марказида қанотларини кенг ёйиб турган хумо қуши тасвирланган. Бу бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир. Ҳумо қуши ўзбек халқи орасида одамларни бахт-саодатга етказувчи илоҳий қушнинг рамзи сифатида эъзозланиб келган.

Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистоннинг собиқ ва барқарорлиги рамзи бўлган 8 қиррали юлдуз тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва 5 қиррали юлдуз ифодаланган.

Қуёш тасвири - ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ниятдир. Бундан ташқари, қуёш мамлакатимиздаги ниҳоятда гўзал, табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради.

Гербдаги бошқа тасвирлар ризқ - рўзимиз бўлмиш ғалланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилган - бу мамлакатимизда яшаётган халқлар якдилигининг тимсолидир.

1992 йилнинг 10 декабрида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тасдиқланган. Давлат мадҳиясининг шеърини Абдулла Орипов ёзган, мусиқасини эса таниқли санъат арбоби Мутал Бурхонов басталаган"[1]

Конституциянинг олтинчи моддасида Республикамизнинг пойтахти Тошкент шаҳри эканлиги баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузади, ҳамдўстликка ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Халқаро ҳамдўстлик ва халқаро ҳамкорликни асосий томонлари орасида давлатларнинг суверен тенглиги тамойили муҳим ўрин эгаллайди. Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида ўрнатилган асосий тамойиллардан биридир.

Бу тамойилнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

Давлатлар бир-бирларининг суверен тенглигини ҳурмат қилишлари, бошқа давлатларнинг суверинитетига тегишли ҳуқуқий субъектларни ҳам ҳурмат қилишлари керак. Ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий тизимини ўзлари эркин танлаб олиш ва ривожлантириш

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: “Ўзбекистон”. 1995, 36-38-бетлар.

ҳуқуқига эгадирлар, ўз қонунлари ва маъмурий ҳудудий тузилишларини ўзлари ўрнатишлари ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳамма давлатлар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эгадирлар. Ҳар бир давлат бир-бирларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида бошқа давлатлар билан бирга ўзаро муносабатга киришишлари ва ўз муносабатларини белгилаб олишлари керак. Ҳар бир давлат халқаро ташкилотлар ва шартномаларда қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Шундай қилиб, суверенитет давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида тўлиқ мустақиллигини билдиради. Ўзбекистоннинг суверенитети ўзининг ички ва ташқи сиёсатини тўлиқ ўзи белгилаб олиши ва мустақил юритишини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ўзининг ҳудудида ички сиёсатини ўзи олиб боришини ва халқаро муносабатларда тўла мустақиллигини англатади.

Давлатнинг тўлиқ мустақиллиги халқнинг ва инсонларнинг ҳуқуқи билан чекланган бўлади. Кўпчилик давлатларнинг Конституцияларида шундай ёзилган: Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Давлат суверенитети халқ суверенитети билан чекланади холос. Халқ мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тузумини белгилаш ҳуқуқига эгадир. Давлат халқнинг олий ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбурдир.

2-§. Халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга ошириш шакллари

"Халқ ҳокимиятчилиги" атамаси юнонча "демократия" ("demokratia") сўзининг айнан таржимаси бўлиб, бу ибора илк бор юнон шаҳар-давлатида пайдо бўлган ва кейинчалик бутун дунёга тарқалган ҳамда сиёсий луғатдан мустаҳкам ўрин олган.

Демократия сўзи "demos" ("демос") халқ ва "kratos" ("кратос") ҳокимият сўзларининг бирикмасидан тузилиб, "халқ ҳокимиятчилиги" деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов демократия тушунчаси ҳақида шундай деб ёзади: "Умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг

иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилганда эса демократия – халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсундаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади"[1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Халқ ҳокимиятчилиги" деб номланган иккинчи боби давлатимизнинг демократик табиатини ифодалайди ва Ўзбекистонни суверен демократик республика эканлигини тасдиқлайди. "Халқ ҳокимиятчилиги" принципи ҳар қандай демократик давлат конституциявий тузумининг асосий шартларидан биридир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси демократик давлат ҳисобланиб, унинг Асосий Қонуни халқ ҳокимиятчилиги принципига асосланади ва бутун мазмун - моҳияти билан ана шу принципини мустаҳкамлайди. Умуман, Ўзбекистон Конституциясининг жуда кўп моддаларига халқ ҳокимиятчилиги ғояси сингдирилган бўлиб, бунга кўра, ҳокимият амалда ва қонун бўйича танҳо халққа тегишлидир. Зеро, халқ ҳокимиятчилиги деганда ҳокимиятнинг фақат халққа тегишли эканлиги, давлат халқ иродасини ифодалаши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги, давлатнинг асосий вазифаларидан бири инсон ва жамиятнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклиги тушунилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасида мамлакатимиздаги халқ ҳокимиятчилиги принципи қуйидагича очиб берилган:

«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий тартибларини тузиш

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т. :’’ Ўзбекистон’’. 1997, 180-бет.

Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.»

Ўзбекистонда давлат халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Агар ҳозирги вақтда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсий фаолиятига диққат билан назар ташласак, мазкур сиёсат инсон ва жамият фаровонлиги мақсадига бўйсундирилганлигини, юртимиз ободлигини ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилганлигини кўрамиз.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ҳақида сўз кетар экан, халқ давлат ҳокимиятини қандай йўл билан амалга оширади, деган табиий савол туғилади. Ўзбекистон Конституциясида ҳудди ана шу саволга ҳам аниқ жавоб берилган.

Ўзбекистон Конституциясида, халқ ҳокимиятчилигининг жаҳон конституциявий ривожланиши тажрибасида ишлаб чиқилган қуйидаги иккита шакли ўрнатилган:

1. Тўғридан-тўғри, яъни бевосита демократия – фуқаронинг давлат ишларини ҳал қилишда тўғридан-тўғри иштирок этиши.

2. Вакиллик демократияси, яъни билвосита демократия – фуқаронинг давлат ишларини ҳал этишда ўзи сайлаган вакиллари, яъни депутатлар орқали иштирок этиши.

Ўзбекистон Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Бевосита демократиянинг асосий кўринишларидан бири - референдум Ўзбекистон Конституциясида алоҳида белгиланган: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланган». (9 - модда)

Референдум сўзининг луғавий маъноси лотинча "маълум қилиниши лозим бўлган нарса" деганидир, яъни давлатда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар халққа маълум қилинади ва унинг овоз бериши орқали ҳал этилади. Референдум республикамизда демократиянинг кўринишларидан бири бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда референдум ўтказиш тартиби 2001 йил 30 августда янги таҳрирда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади. Унга кўра, референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон фуқаролари референдумда ихтиёрий равишда қатнашадилар. Референдумга қўйиладиган масалалар халқ, жамият, давлат манфаатларидан келиб чиққанлиги учун унда фуқароларнинг аксарияти доимо фаол иштирок этади. Масалан, 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масалага доир референдум ўтказилиб, унда Ўзбекистон халқи Олий Кенгаш эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини маъқуллади. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда эса икки палатали парламент ва Президент ваколати муддатини узайтириш масаласи қўйилиб, рефедрендумда овоз берувчилар рўйҳатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари иштирок этди. Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 92 % дан ортиғи бу масалани ёқлаб овоз берди.

Референдум ҳақида сўз кетар экан, шу нарсани унутмаслик керакки, референдумга давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли барча масалалар қўйилавермайди. Масалан, республика ҳудудий бутунлигини ўзгартириш тўғрисидаги, солиқлар, бюджет, амнистия (умумий афв этиш), жамоат тартибини, аҳолининг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фавқулодда ва шошилинч чоралар кўриш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш ҳақидаги, мансабдор шахсларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш билан

боғлиқ масалалар умумхалқ овози-референдумга қўйилмайди. Бу масалалар Конституцияга биноан тегишли давлат ҳокимият органлари, хусусан Олий Мажлис ва Президент томонидан кўриб ҳал қилинади. Зеро, Олий Мажлис ҳам, Президент ҳам бевосита халқ томонидан сайлаб қўйилади. Бу борада ҳам Конституциянинг демократик томони кўзга яққол ташланади, умумхалқ овози ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистонда сайлов тизимининг адолатли ташкил қилинганлиги бевосита демократиянинг яна бир муҳим кўринишларидандир. Конституциянинг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисобот беришлари ва улар билан учрашувлар ўтказишлари бевосита демократиянинг кўринишларидан биридир. 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида депутатнинг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида депутат вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот беради. Халқнинг муайян жамоат бирлашмалари, хусусан, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишини ҳам бевосита демократиянинг кўринишларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловларида ўз номзодларини кўрсатиши ва сайлаши, Олий Мажлис ишида партия функцияларининг иштирок этиб, қонун чиқаришда ўз сиёсатларини ўтказишга ҳаракат қилишлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунининг 12-моддасига биноан, сиёсий партиялар қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири – бу йиғилишлар, митинглар, намойишлар ўтказиш ҳуқуқидир. Ушбу

ҳуқуқнинг конституциявий кафолатланишини Ўзбекистонда бевосита демократиянинг кўринишларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Чунончи, Конституциянинг 33-моддасига асосан фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистонда фуқароларнинг барча даражадаги ҳокимият тузилмаларига якка тартибда ва жамоа бўлиб мурожаат қилишлари ҳуқуқи таъминланган. Бу ҳам бевосита демократиянинг, хусусан, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг шаклларидан биридир. Масалан, Конституциянинг 35-моддасига биноан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II) Қонунида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни рўёбга чиқара бориб; ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва мафаатларини ҳимоялаб мурожаат қилишга; давлат ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли органлари бузилган ҳуқуқларини тиклашига ҳақлидирлар" дейилади (1-модда).

Ўзбекистон Конституциясининг муҳим демократик жиҳатларидан бири шундаки, унинг 10-моддасида бутун ҳокимият халқ қўлида эканлиги қонуний расмийлаштирилибгина қолмай, Ўзбекистон халқининг ушбу ҳокимиятни қандай тартибда амалга ошириши ҳам аниқ кўрсатиб қўйилган: "Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас."

Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг иккинчи шакли-вакиллик демократияси бўлиб, бу фуқаронинг давлат ишларини ҳал этишда ўзи сайлаган вакиллари, яъни депутатлар орқали иштирок этишидир.

Вакиллик демократияси қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

биринчидан, ҳокимиятни давлат тузилмалари орқали, яъни вакиллик органлари ва ижро органлари орқали амалга ошириш;

иккинчидан, ҳокимиятни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга ошириш.

Вакиллик демократиясининг намоён бўлиши айниқса Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси фаолиятида кўзга яққол ташланади.

Олий Мажлис ҳақида шуни айтиш мумкинки, у Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик муассасаси, қонун чиқарувчи органи, яъни парламентидир.

Ўзбекистон Олий Мажлиси бевосита халқ томонидан ташкил этилиб, унинг вакиллик органи ҳисобланади. Унга депутатлар халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Демак, Ўзбекистон халқи ўз ичидан муносиб номзодлар танлаб, уларни Олий Мажлисга вакил сифатида сайлайди. Уларга ваколат бериб қўяди ва худди шу тариқа ҳокимиятга эгалик қилади. Бироқ фақат шугина эмас. Халқнинг ҳокимиятга эгалик қилиши бошқа воситалар орқали ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ташкил этилиши, вазифалари, тузилиши ва фаолияти ҳақида Конституциянинг XVIII боби, 78-88-моддаларида батафсил кўрсатиб берилган.

Конституциянинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориш ҳуқуқи Олий Мажлис билан бир қаторда Президентга ҳам тегишли эканлиги эътироф этилган. Шу боис Президент деган иборанинг моҳиятини,

унинг тегишли давлатда тутган мавқеини аниқлаб олиш зарур. Президент ибораси лотинча "олдинда", "юқорида ўтирувчи киши" деган маънони англатади. Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти бевосита халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Президент ҳам худди шу йўл билан халқдан ваколат олади ва унинг номидан иш кўради. Президент халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг хоҳиш-иродасини ифода этиб фаолият юритади ва фармонлар чиқаради. У томонидан чиқариладиган фармонлар Конституцияга асосланиб, қонуний кучга эга. Демак, Президент фармонларини бажармаслик, уни қасддан бузишлик халққа хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистонда Президентлик ҳокимиятининг ташкил этилиши, вазифалари ва ваколатлари ҳақида Конституциянинг XIX боби, 89-97-моддаларида атрофлича маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Ана шундай жамоат бирлашмалари, шунингдек маълум гуруҳлар, ташкилотлар раҳбарлари, алоҳида шахслар Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. Чунки Конституция Олий Мажлис ва Президентдан ташқари ҳеч кимга бундай ҳуқуқни бермайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик ҳабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир."[1]

Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилиги тўғрисида гап кетганда, "халқ" тушунчасини ҳам билиб олиш талаб қилинади. Бу ҳақда ҳам Конституциясининг 8-моддасида таъриф берилган: "Ўзбекистон халқини

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-181-бет.

миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади."

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим хусусиятларидан бирини ўзида мужассамлаштирган. Чунки унда белгиланган меъёр дунёдаги ҳеч бир давлатнинг Конституциясида учрамайди. Кўриб турибмизки, Конституцияда "Ўзбекистон халқи", "Ўзбекистон фуқаролари" деган тушунчаларга таъриф бериляпти. Бунга кўра, Ўзбекистонда туғилган ва унинг ҳудудида истиқомат қиладиган ҳар бир инсон миллатидан, ирқидан, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади ва республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Конституциясининг кўпгина моддаларида халқ ҳокимиятчилиги расмийлаштирилади ва "халқ" тушунчаси батафсил очиб берилади.

Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигининг амалга оширилиш шакллари Конституция ва қонунларда, халқаро ҳуқуқ меъёрларида мустаҳкамлаб берилган. Сайловлар, референдум, фуқароларнинг мурожаатлари, Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси асосида, референдум тўғрисидаги қонунинг ҳаётга тадбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароларини референдумда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ҳуқуқларини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ, еттинчи сессиясида, "Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида"ги Олий Мажлис Қарори, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан бир овоздан мақулланди. Ўзбекистон халқининг хоҳишини ҳаётга тадбиқ этиш тадбирларини белгилаб олиш мақсадида Олий Мажлиснинг 2002 йил 5 апрелда бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида тарихий ҳужжат: **«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг биринчи моддасида мазкур қонуннинг асосий вазифалари белгиланган:**

"Ушбу қонун "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ 2002 йил 27 январ куни ўтказилган ҳамда икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки муҳим масала бўйича қарор қабул қилган, шунингдек демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлини тасдиқлаган умумхалқ овоз бериши натижаларидан келиб чиқадиган асосий янги қоидаларни ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришларни белгилайди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади."

Бу вазифалар «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ҳолда 2002 йил 27 январ куни ўтказилган референдум натижасида республикамизнинг икки палатали парламентини тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги икки энг муҳим масала бўйича қабул қилинган қарори, Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамияти ҳаётида, демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўлини умумхалқ овоз якдиллик билан тасдиқлади.

Шуларга асосланган холда ушбу Конституциявий қонуннинг вазифалари икки палатали парламент тузиш ва шунга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини белгилашдан иборатдир. Қонуннинг яна бир асосий вазифалари шундан иборатки, у давлат ва жамиятдаги ҳуқуқий тартибга солиш керак бўлган барча муносабатларнинг руҳини аниқлашдан ва уларни конституциявий қонунда белгилаб қўйилган принципларда акс эттиришдан иборатдир.

3-§. Ўзбекистонда давлат ҳокимият ваколатларини бўлиниши принципи ва уни амалга оширилиши

Ўзбекистонни демократик давлат сифатида тавсифловчи белгиларидан бири – бу Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бўлинганлигидир. Ушбу қоида Конституциямизнинг 11-моддасида асосий принцип тариқасида мустаҳкамланган: "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади."

Шу тариқа, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи Ўзбекистоннинг конституциявий тарихида биринчи марта пайдо бўлди. Ўзбекистоннинг илгарги 1927, 1937 ва 1978 йиллардаги Конституцияларида бундай принцип мавжуд эмас эди. Чунки ушбу Конституциялар марксча-ленинча коммунистлар ҳукмронлиги назариясига асосланиб, унда "ҳокимиятнинг бўлиниши" принциплари рад этилар эди.

"Ҳокимиятнинг бўлиниши" ғояси қадимий бўлиб, қадимги грек файласуфи ва олими Аристотель томонидан ҳам илгари сурилган. Ўрта асрларда Марсилий Падуанский ва бошқалар ҳам бундай ғояни ёқлаб чиққан эдилар. XVIII асрнинг ўрталарига келиб, бу ғоя мустақил сиёсий-ҳуқуқий таълимотга айланган. Машҳур француз маърифатпарвари, ҳуқуқшунос, файласуф ва ёзувчи Ш.Монтескье (1689-1755 йиллар) ўзининг "Қонунлар руҳи" китобида ҳокимиятнинг бўлиниши принципини асослаб берган. Монтескье фикрича, сиёсий хиёнатларнинг бўлмаслигини таъминлайдиган нарса уч ҳокимиятнинг: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тўла бўлиниши ва бир-бирини чеклашидир. Ўрта асрлардаги феодал тузумларнинг барҳам топиши ва янги даврнинг бошланиши билан "ҳокимиятнинг бўлиниши" принципи кўпгина давлатлар конституцияларининг асосий принципларидан бири деб эълон қилинди. Бу принцип биринчи марта буюк француз инқилобининг конституциявий ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Умуман, "ҳокимиятнинг бўлиниши" назариясига кўра, давлат ҳокимияти ягона, яхлит, бир бутун деб эмас, балки турли ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини амалга оширувчи ҳокимиятлар) функцияларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Бундай турли

функцияларни амалга оширувчи ҳокимият органлари бир-биридан мустақил равишда ҳаракат қилишлари лозим. Лекин бу уч мустақил ҳокимият идоралари бир-бирига боғлиқ эмас, деган маънони билдирмайди. Аксинча, улар бир-бирини тўлдиради, назорат қилади ва ўзаро тақозо этади.

Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай принцип муайян давлатда бирор органнинг ёки алоҳида давлат раҳбарининг кучли диктатураси ўрнатилишининг олдини олади. Шунингдек, тегишли ҳокимият органларини амалга оширадиган давлат органларининг ваколатлари, вазифалари аниқ бўлишини таъминлайди, бир органнинг иккинчи орган ишларига аралашувига барҳам беради, бошқариш соҳасида чалкашликлар келиб чиқишига йўл қўймайди ва ҳоказо.

Мазкур принцип ҳокимият органларининг ўзаро келишиб, бир-бирини назорат қилиб, уйғунлашиб ишлашларига ҳам имконият яратади. Булар эса адолатли, демократик давлатга хос жиҳатдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги замон жаҳон мамлакатларининг конституциявий тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи, улар ушбу принцип расман ўрнатилган ёки ўрнатилмаганлигидан қатъи назар, барча чет эл конституциялари томонидан қабул қилинган. Чунончи, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясида ҳам бу принцип расман 11-моддада ўрнатилган. Унга кўра, Ўзбекистонда қонун чиқариш ҳокимияти Олий Мажлис, ижро ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ягона суд тизимини ташкил этади.

Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти-давлатнинг учта асосий таянчидир".[1]

Конституциянинг "Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши" деб номланган бўлимида ана шу уччала ҳокимият органларининг ташкил

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 – Т.: Ўзбекистон, 1996.–127-бет.

этилиши, вазифалари, ваколатлари белгилаб қўйилган. Шу билан бирга уларнинг ўзаро фаолияти ва муносабатлари ҳақида қоидалар ҳам ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидага маърузасида устувор вазифа қилиб " Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишидан иборат"[1] белгиланди.

4-§. Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик (плюрализм)

Маълумки, ҳар қандай адолатли, демократик давлатда фуқароларнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади. Инсоннинг эркин фикрлаш, ўз ақл-идроки, қобилияти, олган билимларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлиши давлатда шахс ҳақиқий эркинлигининг ёрқин ифодасидир. Албатта, эркин фикрлаш бор жойда фикрлар хилма-хил бўлади ва турли мафкуралар, сиёсий институтлар, ҳаракатлар пайдо бўлиши мумкин. Акс холда, яъни эркин фикрлаш чекланган жойда кўпинча инсон ўз фикрларини, хоҳиш-истакларини ошкора баён қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатларда одатда ягона мафкура ҳукмрон бўлади. Масалан, собиқ тоталитар тузумнинг 70 йилдан ортиқ ҳукмронлиги даврида коммунистик мафкуранинг яккаҳокимлиги ўрнатилган эди.

Дарвоқе, биз мафкура ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг моҳияти қандай эканлигини ҳам қисқача билиб олишимиз зарур. Мафкура - бу маълум тизимга солинган ғоялар, қарашлар, фикрлар мажмуидир. Ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий табақа, гуруҳ, миллатнинг ўтмишга, бугунги кунга ва келажакка қаратилган қарашлари йиғиндисидан иборат. Русча мафкура идеология дейилади. Бу "идеа" ва "логос" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, аслида грекча "сўз", "таълимот" деган маънони англатади.

[1] Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш , мамлакатни модернизация ва илоҳ этишдир. Т.: "Ўзбекистон",2005.- 36.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз тараққиёт ва истиқлол йўлини мустақил ва эркин белгилаб олди. Эндиликда мустақил давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини яратиш асосий вазифа бўлиб қолган. Бунда бизга эски, зўравонлик билан ўрнатилган коммунистик мафкура мутлақо тўғри келмай, миллатимизни бирлаштирадиган, жипслаштирадиган мафкурага муҳтожлик яққол сезилиб қолди. Бир сўз билан айтганда, миллий мафкурамизни яратиш долзарб масалага айланди. Шу йўлда қўйилган дадил қадам – бу илк бор Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишини конституциявий йўл билан мустаҳкамланиши бўлди.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма - хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас (12-модда).

Демак, бу билан битта мафкуранинг, битта дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечилди.

Конституциямизнинг айнан шу моддаси жамиятимизда турли синф, тоифа, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодаловчи партиялар, уюшмалар ва уларнинг мафкуралари бўлиши мумкинлигини қонуний мустаҳкамлайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтказилган бешта сиёсий партия мавжуд. Булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Адолат" социал демократик партияси, Миллий тикланиш партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати - Ўзбекистон лебериал демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партиясидир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда сиёсий партиялардан ташқари беш мингдан зиёд жамоат бирлашмалари ҳам мавжуд.

1995 йил 27 май куни Ўзбекистон "Халқ бирлиги" ҳаракати ташкил топди. Бу ҳаракатнинг бош мақсади – Ватанни гуллаб-яшнатишдан иборат, деб белгиланди. Шунингдек, 2001 йил 25 апрелда "Камолот" ёшлар ижтимоий

ҳаракатига асос солинди. Ушбу ҳаракат ўз олдига ёшларни тарбиялаб, комил инсонлар қилиб вояга етказишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Ўзбекистонда мафкуравий хилма-хилликка яққол мисол сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ҳам кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонунга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин (Қонуннинг 10-моддаси).

Давлатимиз мавжуд барча сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилади, уларнинг ижтимоий турмушда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Лекин ҳеч қайси партияга алоҳида имтиёз бермайди. Сиёсий партияларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқлилиги кафолатланади. Конституциянинг 12-моддасида яна шу алоҳида қайд этилганки, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Худди шу ҳақида юртбошимиз бундай деб таъкидлаган эди: "Айни вақтда якка ҳокимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, Конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим".[1]

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг қадимий анъаналарига, урф-одатларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-муҳаббат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, мурувват, маърифат туйғуларини ўз ичига олади. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу умидлари ўз ифодасини топади.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 – Т.: Ўзбекистон, 1996.–126-бет.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, тараққиёт асослари унинг маънавий қадриятларига, моддий манфаатларига мос келмаса бундай жамият таназзулга учраши табиий. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов ўз мамлакати истиқболи ҳақида фикр юритар экан, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир», деган эди.

5-§. Демократия ва инсон ҳуқуқлари

Конституция Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқарадиган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад қилиб қўяди. Унда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи "инсон" эканлиги ёрқин мужассамлаштирилган. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган. Бунга Конституциянинг 13-моддаси далил бўлиши мумкин: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади."

Ушбу моддада "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"да эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар олий қадрият даражасига кўтарилган. Маълумки, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қуйидагиларни белгилайди:

"Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларида тенг бўлиб туғилганлар" (1-модда); "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир" (3-модда); "Ҳеч ким қулликда ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, қулчилик ва қул савдосининг барча турлари таъқиқланади" (4-модда) ва ҳоказо. Конституциямизнинг 13-моддасида эса инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган. Бу Ўзбекистоннинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда одамларнинг миллатига, динига, ижтимоий аҳволига, сиёсий ва бошқа эътиқодига қараб чеклашлар йўқ. Чунончи, Конституциянинг энг муҳим қисмларидан бўлган иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Конституциянинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у фақат фуқароларни, яъни давлатимизга мансуб кишиларнигина эмас, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Чунки бизда инсон ҳамма нарсадан муқаддас ва дахлсиздир. Қонундан ташқари ҳеч ким уни бу ҳуқуқдан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати-унинг олий қадрияти. Ҳеч ким қулликка ёки асоратга солиниши, суднинг ҳукмисиз ёки прокурор рухсатисиз ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон эркин бўлиб туғилади. Хоҳлаган жойида истиқомат қилиш ҳуқуқига эга. Лекин қаерда яшаса, ўша ерга мансуб бўлган давлатнинг қонунларига итоат этишга мажбур.

Инсоннинг шаъни ва ор-номуси ҳам дахлсиз. Ҳеч ким инсоннинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, оилавий сир-асрорларини ошкор қилиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига тажовуз қилиши мумкин эмас. Инсонни камситиш, обрўсизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш қонунга хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади ва бундай ҳаракатлар учун қонун бўйича тегишли жавобгарликлар мавжуд. Инсон ҳаётига тажовуз энг оғир жиноят саналади.

Конституциянинг 13-моддаси алоҳида равишда яна шуни эътироф этадики, Ўзбекистонда барча фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ушбу меъёр Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларига бағишланган X бобида махсус тарзда янада мустаҳкамланган. Яна бир мисол. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми 1-бўлимида "Шахсга қарши жиноятлар" учун жавобгарлик белгиланади. Бунда шахснинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий эркинлигига, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши қаратилган жиноятлар, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар учун қаттиқ жазо чоралари назарда тутилган.

Демак, инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади.

6-§. Ижтимоий адолат ва қонунийлик

Ўзбекистонда адолатли ва демократик-ҳуқуқий давлатга хос принциплар конституциявий йўл билан мустаҳкамланган. Ана шундай принциплар сифатида ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари Конституциямизда қуйидагича ифодаланган: "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади" (14-модда).

Ўзбекистон Конституциясида ўрнатилган меъёр давлатимиз фаолиятининг энг асосий принципларини белгилаб беради. Бу жуда муҳимдир. Чунки давлат ўз фаолияти билан инсон ва жамият тақдирини белгилаши мумкин. Айниқса, ҳозирги вақтда жамият давлатсиз яшай олмаслиги ҳаммага аён бўлиб қолди.

Давлатимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини белгилашда унинг вазифаларига, функцияларига алоҳида эътибор бериш керак. Давлатнинг қандай вазифаларни, функцияларни амалга оширишига, бошқача қилиб айтганда, давлат фаолиятига қараб унинг моҳиятига баҳо берилади. Агар давлат

ўз фаолиятини аввало инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган бўлса, уни ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириб борса , бундай давлатни адолатли, демократик дейиш мумкин. Шу боис, Конституциянинг 14-моддасида ўрнатилган меъёр Ўзбекистон Республикаси ижтимоий адолат тантана қилган жамият, халқ ҳокимиятчилиги қарор топган давлат эканлигини яққол кўрсатиб турибди, десак асло янглишмаймиз. Чунки мазкур модда алоҳида равишда инсон ва жамият фаровонлигини, ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларини давлат фаолиятининг ажралмас қисми сифатида эътироф этади.

Зеро, демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлигидир. Инсон ва жамият фаровонлиги эса айнан шахс манфаатларига мос тушади.

Юқорида ўрнатилган демократик принципларнинг кафолатлари Ўзбекистон Республикасида айни вақтларда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, ислоҳотлар билан белгиланади. Бундай ислоҳотлардан кўзда тутилган энг асосий мақсад инсон ва жамият фаровонлиги эканлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. "Барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак"[1], деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов. Давлатимиз раҳбари ўзининг қатор асарлари ва китобларида Ўзбекистоннинг ана шу мақсадини амалга оширишга қаратилган вазифаларини ва фаолият дастурини аниқ кўрсатиб берган.

Умуман, Ўзбекистондаги барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, ислоҳотлар фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширилмоқда.

Бунда давлат бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиқмоқда. Давлатимиз раҳбарининг асарларида ҳам инсон учун муносиб турмуш ва иш шароитларини яратиш барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг пировард

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1 – Т.: Ўзбекистон, 1996.–39-бет.

мақсади эканлиги алоҳида уқтирилади. Шу сабабли Ўзбекистон давлати ишга лаёқатсиз кишиларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни, қаровсиз қолган гўдакларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда. Давлатимизнинг ижтимоий адолат принципи асосида фаолият юритиши худди шу борада ёрқин кўринади.

Конституциянинг 14-моддасида назарда тутилган меъёрнинг яна бир муҳим томони шундаки, унга кўра давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширади. Бу ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий белгиларидан биридир.

Қонунийлик принципи деганда аввало қонунларни ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Бу давлат тузумидаги демократизмнинг кўринишларидан бири бўлиб, ҳамманинг қонун олдида тенглигини ўрнатади. Қонунийлик принципи қонунларни юридик ҳужжатлар тизимида олий кучга эгалигини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини англатади. Шу билан бирга бу принцип фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари оғишмай таъминланиши, фуқароларга нисбатан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қандайдир ўзбошимчалигига йўл қўймаслиги, фуқароларнинг жамият, давлат олдидаги мажбуриятлари қатъий бажарилиши лозимлигини ҳам назарда тутади. Бир сўз билан айтганда, қонунийлик принципи ўз мақсад ва моҳияти билан халқ манфаатларига хизмат қилади.

Худди шу ўринда қонунийлик принципининг таъминланишида давлатнинг вазифаси нимадан иборат, деган табиий савол туғилади. Бунда давлатнинг асосий вазифаси қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни юқори савияда ижро этиш ишини ташқил қилиш, қонунларни жамият тараққиёти даражасига мослаштириб бориш ва ниҳоят, юқорида тилга олинган асосий принципларни ҳуқуқий кафолатлаб беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, Конституция бўйича давлат ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида юритади. Бу эса унинг демократик моҳиятини намоён қилади.

7-§. Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи

Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у Ўзбекистонда давлат-ҳуқуқий қурилишининг энг асосий принципи ҳамдир. "Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, - дейди Президентимиз И.А.Каримов, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади"[1].

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади". Ўзбекистон Конституциясида Конституция давлатимизнинг энг Асосий Қонуни эканлиги, у бошқа барча қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан юқори туриши қуйидагича белгиланган: "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар" (15-модда).

Конституция ва қонунлар тўғрисида сўз кетар экан, аввало уларни бир-биридан фарқини ажратиб олиш керак. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, у бошқа жорий қонунлардан шу билан фарқ қиладики, унда энг асосий, энг барқарор ижтимоий муносабатлар, узоқ даврларга мўлжалланган асосий қоидалар мустаҳкамланган ва бу қоидалар бевосита амал қилиб, бошқа қонун чиқариш ҳужжатларида очиб берилади ва конкретлаштирилади. Шу сабабли Конституция гарчи муҳим бўлсада, лекин Асосий Қонун доирасига сиғмайдиган бир қанча қоидаларни ўз ичига олмайди. Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизида ва уларни ривожлантира бориб, заруриятга қараб бошқа қонунлар ва ўзгача меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва

[1] Каримов И.А. Ўша жойда, 125-бет.

қабул қилинади. Бунда барча жорий қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституция бўлиб қолади. Конституция эса олий юридик кучга эга бўлиб, бошқа барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ келиши лозим.

Конституциянинг Асосий Қонун сифатидаги аҳамияти, обрў-эътибори, барқарорлиги, унинг оддий қонунлардан фарқи шу билан белгиланади. Бир сўз билан айтганда, Конституцияни қонунлар қонуни дейиш мумкин. Шу боис Ўзбекистон Конституциясида Конституциянинг энг юқори кучга эгалиги, ҳамма қонунлардан устун туриши алоҳида эътироф этилган. Бунда фақат Конституциянинггина эмас, балки унинг асосида қабул қилинадиган қонунларнинг устунлиги ўрнатилади.

Юқоридаги принцип жамиятимизда қонунчилик ва ҳуқуқий-тартибот тантанасини англатади. Қонунчилик-бу қонунларнинг реаллигидан, жамиятда чинакам демократик муҳит ва ҳақиқий ҳуқуқий режим ўрнатилганлигидан далолат беради. Қонунчилик бу давлат томонидан қонунлар тизимини жамият тараққиёти талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ва давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга қатъий риоя этиш ва уларни оғишмай амалга оширишда намоён бўладиган давлат ва жамият ҳаётининг принципидир. Қонунчилик принципи қонунларнинг ҳамма учун истисносиз мажбурийлигини, ҳамманинг қонун олдида тенглигини, қонунларнинг ҳамма ерда бир хилда жорий қилинишини ҳам англатади.

Қонунчилик билан ҳуқуқий-тартибот бир-биридан фарқ қилади. Қонунчиликнинг мазмуни ҳуқуқий меъёрларга қатъий ва оғишмай риоя этишларида ифодаланса, ҳуқуқий-тартибот эса жамият аъзоларининг юриш-туришлари, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва бурчларига мувофиқ келишида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий-тартибот ҳуқуқий муносабатлар доирасида шу муносабатларнинг иштирокчилари ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва ҳуқуқий бурчларини бажаришлари натижасида вужудга келади. Демак, қонунчиликни амалга ошириш ҳуқуқий-

тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш эса, ўз навбатида қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу боис улар бир-биридан ажралмас бўлиши лозим.

Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар олдида ҳамма тенг даражада масъулиятга эга бўлиб, қонунлар ҳам ўз навбатида барчага баробардир.

Конституциянинг 15-моддаси иккинчи қисмида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деб кўрсатилган. Давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ва тегишли махсус қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият юритади. Улар Конституция ва махсус қонунларда белгиланган ваколатларнигина амалга оширадилар. Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Юқоридагиларнинг бирортаси ҳам Конституция ва қонунлардан ташқари иш кўришга ҳақли эмас. Зеро, Конституция ва қонунлардан четлаб ўтиш, уларнинг талабларини бузиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар учун эса махсус қонунларда тегишлича жавобгарликлар ўрнатилган, санкциялар белгиланган.

Демократик ҳуқуқий давлатда Конституция ва қонунларга оғишмай амал қилиш талаби билан бир қаторда Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмаслиги ҳам ўрнатилган бўлади.

Демак, Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётга тадбиқ қилинаётганда халқ ва давлат манфаатларига зарар етказмайдиган тарзда талқин қилиниши зарур. Зеро, Конституциянинг ўзи халқ ва давлат иродасининг ифодасидир. Шунинг учун Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилиши керак.

Ўзбекистон Конституциясининг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда).

Шунингдек, Конституцияга кўра бирорта ҳам қонун ёки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Чунки Конституция давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлиб, у олий юридик кучга эга бўлган қонунчилик ҳужжатидир, Конституция ҳуқуқнинг ҳамма тармоқлари: фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва ҳоказолар учун қонунчилик базаси бўлиб ҳисобланади. Давлат органларининг барча қонунлари, қарорлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари Конституция асосида чиқарилиб, унинг қоидаларига хилоф бўлмаслиги лозим.

Асосий Қонунимизга биноан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинадиган бўлди. Шу мақсадда Конституциявий суд жорий қилинди. Бу орган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мос келишини текшириб туради. Конституциявий суднинг ташкил этилиши, вазифалари ва ваколатлари ҳақида Конституциянинг 108-109-моддаларида маълумотлар берилган.

Шундай қилиб, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида таъкидлаганидек, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг вазифаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.[1]

[1] Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида.Т.10 Т.: “Ўзбекистон” 2002, 429 б.

8-§. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари ва принциплари

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари Конституциянинг 17-моддасида ўзининг қонуний аксини топган.

Асосий Қонунимизнинг 17-моддасида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин."

Ташқи сиёсат тушунчаси давлатнинг халқаро ишлардаги умумий йўналиши ўз ичига олади. Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар ва халқлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларини ўз ичига олувчи мақсад ва воситаларини қамраб олади.

"Ўзбекистон Республикаси - халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти" деган конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги дунёдаги ўрнини билдирибгина қолмай, мамлакатимизни ҳақиқатдан ҳам халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас қисми эканлигини исботлайди.

Бу эса қуйидагиларни англатади:

биринчидан, Ўзбекистон суверен давлат сифатида замонавий халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари билан боғлиқ, бошқа мажбуриятлар давлатимизнинг розилигисиз зиммамизга юклатилиши мумкин эмас;

иккинчидан, Ўзбекистон ҳудудида давлат ҳокимияти чегараланмайди ва халқаро ҳуқуқнинг ҳеч қайси бир субъекти бунга аралашиш ҳуқуқига эга эмас,

ўзининг ҳудудидан ташқарида у ўз ҳокимиятини фақат бошқа манфаатдор давлат розилиги бўлгандагина амалга ошириши мумкин;

учинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқаларни амалга ошириб, иккитомонлама ва кўптомонлама халқаро шартномаларни тузиб, бевосита давлатлараро муносабатларда қатнашади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасининг мустақил ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлди:

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон 120 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Тошкентда 35та давлат элчихонаси очилди, 19та давлат элчилари эса Ўзбекистон Республикасида ўриндошлик асосида фаолият юргизади. Республикада 88 та хорижий ваколатхоналар акредитациядан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматларга тегишли бўлмаган ташкилотлар фаолият олиб боради. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди.

2. Конституция асосида Ўзбекистон Республикасини халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида билдирувчи ҳуқуқий асослар яратилди. Ташқи алоқалар соҳасида қуйидаги муҳим қонунлар қабул қилинди:

1. "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат фаолиятининг асосий принциплари тўғрисидаги" Қонун (1996 й);

2. "Дипломатик ваколатхоналар бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тўғрисидаги" Қонун (1992 й);

3. "Дипломатик ходимларнинг даражаларини ўрнатиш тўғрисидаги Қонун (1992 й);

4. "Хорижий сармоялар тўғрисидаги Қонун (1998 й);

5. "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида қонун (2000 й);

6. "Хорижий сармоядорларнинг фаолиятини кафолатлаш тўғрисида"ги Қонуни (1994 й);

7. Консуллик Устави (1996 й).

3. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини таъминлаб берувчи давлат органлари шакллантирилди. Ташқи ишлар вазирлигининг функциялари ва фаолиятининг йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ташқи иқтисодий фаолият банки ташкил этилди, ташқи савдо билан шуғулланувчи фирмаларнинг махсус тизими шакллантирилди, хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 260 дан ортиқ ваколатхоналари очилди.

4. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормалари ва принципларига Республиканинг ташқи сиёсатни тартибга солувчи қонунчилигига, ҳарбий соҳадаги қонунчиликка, БМТнинг ҳамда ЕҲҲТ нинг принциплари ва мақсадларига, Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларига асосланади. Ўзбекистон дунёдага энг нуфузли ташкилотларга аъзо бўлди ва муҳим халқаро шартномаларга қўшилди.

Дипломатия ташқи сиёсатни амалга оширишнинг ўта муҳим воситаси ҳисобланди. Айнан ташқи сиёсат дипломатиянинг мақсад ва вазифалари, яъни ташқи сиёсатни амалга оширишда фойдаланиладиган шакллар, воситалар ва усуллар, амалий тадбирлар мажмуасини намоён этади ҳамда белгилаб беради. Дипломатия билан бир қаторда давлатнинг ташқи сиёсати воситалари сифатида унинг иқтисодий, маданий ва бошқа муҳим алоқалари ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсади давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ёрдам берувчи халқаро шароитларни яратиш, тинчлик, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатишдир.

Ўзбекистон ўзининг мустақил ташқи сиёсатини амалга оширишда қуйидаги устувор ҳолатлардан келиб чиқади:

биринчидан, ўзининг миллий-давлатчилик манфаатларининг устуворлиги шароитида ўзаро манфаатларни тўлиқ ҳисобга олиш;

иккинчидан, инсонлар ва давлатлар орасидаги ўзаро муносабатларда умуминсоний қадриятлар устуворлигини тан олган ҳолда Ўзбекистон халқаро алоқаларда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, низоларни тинч йўл билан бартараф этишни ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон ядро қуролидан озод ҳудуд бўлиб қолади, агрессив табиатдаги ҳарбий блоклар ва иттифоқларга аъзо бўлмайди, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни тан олади ва муттасил уларга содиқликни исботлайди;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ўзаро тинчлик, ўзаро фойда, ички ишларга аралашмаслик принципларига, мустақилликни ва суверенитетни чегараловчи ҳамда давлатлараро муносабатларни мафкуралаштиришга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайдиган принципларга қурилади;

тўртинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатда очиқлик принципини турли хил мафкуравий қарашлардан холи равишда амалга ошириб, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатмоқда;

бешинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликдан устунлигини тан олади, халқаро-ҳуқуқий стандартларни ҳурмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан бўлган муносабатлари:

биринчидан, давлатларнинг суверен тенглиги;

иккинчидан, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид солмаслик;

учинчидан, чегараларнинг дахлсизлиги;

тўртинчидан, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

бешинчидан, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа умумэътироф этилган меъёрларга асосланади.

Ушбу принципларнинг Конституцияда мустаҳкамлангани бу принципларнинг Ўзбекистон ҳудудида ички қонун сифатида қабул қилинишини ҳамда ички қонунчиликни тўлиқ халқаро қонунчиликка

мослаштирилишини, уларнинг давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан тўлиқ ҳурмат қилинишини билдиради.

1.Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган *суверен тенглик принципи* давлатларнинг ўзига хослигини, мустақилликни ҳурмат қилишни, ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлашни, ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимини эркин танлашни, мустақил равишда ўзининг қонунлари ва маъмурий қоидаларини ўрнатишни билдиради.

Халқаро муносабатларда суверен тенглик принципи ҳар бир давлатни бошқа давлатлар билан мустақил равишда ва ўз хоҳишига кўра алоқаларга киришишини билдиради, яъни маълум олинган давлат халқаро ҳуқуқ талабларига биноан халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, кўптомонлама, хусусан иттифоқдош шартномаларда қатнашиши, бетараф бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши демакдир. Ушбу принципдан келиб чиқиб, Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг кўпгина муаммоларини ҳал этишда ўзаро тенг равишда иштирок этади.

2. *Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид солмаслик*нинг конституциявий принципи бошқа давлатга нисбатан бевосита ёки билвосита равишда куч ишлатишга қаратилган турли ҳаракатлардан ўзларини тийишларини билдиради. БМТ Низомида (2-модданинг 4-банди) "Куч" тушунчаси фақат қуролли кучларни эмас, балки мажбур этишнинг бошқа шаклларини ҳам билдиради.

1970 йилда қабул қилинган халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги Декларациянинг муқаддимасида давлатларнинг куч ишлатишга ёки куч билан таҳдид солишга қаратилган барча ҳаракатлари ман этилади, деб *очиқдан-очиқ* ёзиб қўйилган. Ҳеч қандай сабаблар куч ишлатишга ёки куч билан таҳдид солишга асос бўла олмайди. Декларация ушбу принципнинг моҳиятига янги мазмун киритиб, унинг ҳаракат доирасини кенгайтирди. Унда бошқа аъзо давлатга нисбатан куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид солмаслик тўғрисидаги холатлар ўз аксини топган. Декларацияда бошқа аъзо давлатга нисбатан куч ишлатиш, унинг суверен ҳуқуқларини чеклашга бўлган ҳаракатлар ман эътилади, деб қайд этилган.

Давлатлар халқаро муносабатларда сиёсий мустақиллик ёки ҳудудий яхлитликка қарши қаратилган ҳарбий, иқтисодий ёки бошқа бирор шаклда тазйиқ ўтказишдан ўзларини тийиб туришлари керак.

3. *Чегараларнинг дахлсизлиги принципи* барча давлатларнинг ҳудудий устунлиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат килишни билдиради. Бу принципга мувофиқ, умумий чегараларни ҳам, шунингдек бошқа давлатларнинг чегараларини ҳам дахлсиз деб қабул қиладилар. Улар ҳар қандай давлатнинг бутун ҳудуди ёки ҳудудининг бир қисмини босиб олиш ёхуд зўрлик билан эгаллашга қаратилган ҳар қандай талаблар ва ҳаракатлардан ўзларини тийиб туриш мажбуриятини оладилар.

Биз дунёдаги баъзи давлатлар орасида ҳудудга оид низоли масалалар бўлмайди деб айта олмаймиз. Лекин чегаралар ҳақидаги масалалар музокаралар ва халқаро ҳуқуққа мос келадиган бошқа воситалар орқали ҳал қилиниши керак. Чегараларнинг бузилмаслиги универсал тусга эга ва барча қитъаларда қўлланилиши лозим. Бу эса, шубҳасиз, халқаро тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

4. Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган *низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи* шуни назарда тутадики, барча низоли масалалар фақат тинч йўл билан ва халқаро ҳуқуққа мос равишда, яъни - халқларнинг қонуний манфаатлари, тинчлиги ва хавфсизлигини хавф остида қолдирмасдан ҳал қилиниши керак. 1970 йилги Халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги декларацияда эътироф этилишича: "Ҳар бир давлат ўзининг бошқа давлатлар билан муносабатларидаги низоларни халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остига қўймаган холда тинч восита ва усуллар билан ҳал қилади". Ўзбекистон бу принципга оғишмай амал қилмоқда, ҳар гал давлатлар ўртасидаги у ёки бу низоли масалани тинч воситалар билан ҳал қилиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Низоли масалаларни ҳал қилишда фақат тинчлик воситаларидан фойдаланишнинг мажбурийлиги принципи БМТ Низоми 8-моддасининг 3-банди ва IV-бобидан ўрин олган. Бу принцип низолар юзага келганда, уларни

ҳал қилиш учун бевосита музокаралар, тергов ёки келишув маросимлари, воситачилик, арбитраж ёки бошқа суд процедурасидан фойдаланиш мажбуриятини давлатлар зиммасига юклайди. Мабодо, томонлар юқорида эслатилган тинчлик воситаларининг биридан фойдаланган ҳолда низони ҳал қилишга эриша олмасалар, улар низони тинч йўл билан тартибга солишнинг ўзаро келишилган йўлларини излашда давом этишлари шарт.

5. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг *бошқа давлатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги конституциявий принципи* халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципига асосланади. У аввалambор БМТ Низомида (2-модда, 7-банд) ва Бош Ассамблеянинг 1965 йилги давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва уларнинг мустақиллиги ҳамда суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларациясида қайд этилган. Кўрсатилган қоидалар, агар халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид туғдирадиган бўлса, бу таҳдид қайси давлат ёки халқаро ташкилотдан келиб чиқишидан қатъий назар, ҳар бир халқнинг ўз ривожланиш масалаларини ўзи ҳал килиши ҳуқуқи билан боғликдир.

Бу принципнинг умум тан олиниши давлатлар ўзаро муносабатларидан катъий назар бошқа аъзо - давлатнинг ички ваколатига кирадиган ички ва ташқи ишларига ҳар қандай аралашишдан (хоҳ у бевосита ёки билвосита бўлсин, якка ёки жамоа тарзида бўлсин) ўзларини тийиб туриш тўғрисида келишиб олганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқда аралашмаслик принципи - бошқа давлатнинг тузумини куч билан ағдариб ташлашга қаратилган террористик, қўпорувчилик ёки бошқа фаолиятга бевосита ёхуд билвосита ёрдамдан ўзини тийиб туришни билдиради.

Ўзбекистон Конституцияси юқорида кўриб чиқилган бешта принципни аниқ кўрсатган. Сўнгра " ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади" деб таъкидланади. Конституцияда кўрсатилмаган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари тоифасига қуйидагилар киради:

инсон ҳуқуқларини, ҳудудий яхлитлик, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқини ҳар томонлама ҳурмат қилиш;

ҳамкорлик;

халқаро мажбуриятларни сидқидилдан бажариш.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплар ва нормаларга риоя қилади, халқаро шартномалар тузади ва уларни бажаради, кўплаб нуфузли халқаро ташғилотларнинг фаолиятида қатнашади. Ўзбекистон бошқа давлатлар билан биргаликда умумий ва адолатли тинчликни, ўзаро фойдали халқаро ҳамкорликни, инсоният олдида турган глобал муаммоларни биргаликда ҳал қилишни таъминлаш учун куч - ғайратини бағишлайди.

Ўзбекистон 500 дан ортиқ кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар ва битимлар тузди, инсон ҳуқуқларига оид 60 дан ортиқ муҳим халқаро конвенциялар ва шартномаларга қўшилди. Улар орасида қуйидагиларни санаб ўтиш лозим: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Ирқий камситишнинг барча турларини бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция, Янги Европа учун Париж Хартияси, Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча кўринишларини бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция, Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги Конвенция, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенция, Халқаро шартномалар, дипломатик алоқалар, консуллик алоқалари ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси, Умумдунё маданият ва табиат меросини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция, Маданият бойликларини ноқонуний олиб кириш, мулк ҳуқуқини бировга беришни ман қилиш ва олдини олишга қаратилган чора - тадбирлар тўғрисидаги Конвенция ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17-модданинг 2-қисмида "Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин", деб кўрсатилган. Давлатлараро тузилмалар (иттифоқлар) унга аъзо давлатларнинг иқтисоди ва сиёсий интеграциясини мақсад қилиб қўяди. Масалан, Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги. Давлатлараро тузилмалар халқаро ташкилотларга ўхшашдир (ҳар иккаласининг асосида халқаро шартнома ётади), лекин мақсадлари, аъзо давлатлар уларга берадиган ваколатларининг миқёси билан сезиларли фарқ қилади.

Ўзбекистоннинг иттифоқлар тузиши, ҳамдўстлик ёки аъзо бўлиши мумкин бўлган бошқа шаклдаги давлатлараро тузилмалар (жумладан, МДҲ туридаги) тузишга, бу давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигига зид келмагандагина йўл қўйилади. Бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистоннинг суверенитети, ҳудудининг дахлсизлиги ҳамда ҳокимиятнинг қонуний сайланган давлат органлари томонидан амалга оширилишининг устуворлигини таъкидлаб ўтиш лозим. "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги қонуннинг 2 - моддасида шундай дейилган: "Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон давлатнинг, халқнинг Олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини кўзлаб, иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин".

Ўзбекистоннинг халқаро обрўси, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва иштироки ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва таъсирга эга халқаро ташкилотлар таркибига кирган, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Қўшилмаслик ҳаракати, Парламентлараро Иттифоқ, Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОК). Интерпол шулар жумласидиндир. У НАТО нинг " Тинчлик учун ҳамкорлик " дастурида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг энг муҳим вазифаси БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ишида фаол қатнашиш, Европа, Осиё ва жаҳон хавфсизлик тузилмаларига қўшилишдир.

Ўзбекистон БМТнинг деярли барча ихтисослашган муасса-салари фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлатлараро битимларга, айниқса, иқтисодий тусдаги битимларга устувор аҳамият беради. Улар барқарорлик, изчил ривожланиш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашга имкон беради, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик алоқаларига ахборот, технологик ва коммуникация жиҳатидан киришига кўмаклашади.

Ўзбекистон 30 дан ортиқ етакчи халқаро иқтисодий ҳамда молия бирлашмалари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Қора денгиз бўйи мамлакатларининг иқтисодий ассоциацияси ва бошқалар шулар жумласидандир. 1996 йил июнда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ғоясини қўллаб - қувватлади, 1991 йил 21 декабрда унинг таркибига кирди, барча МДҲ аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги асосида унинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши йўлида собитқадамдир.

Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида" ги, "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунларига мувофиқ, ҳарбий - сиёсий иттифоқларда иштирок этмайди. Бунда Ўзбекистон ҳар қандай давлатлараро тузилмадан, башарти у ҳарбий - сиёсий иттифоққа айланса, ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш фақат Ўзбекистон Республикасининг шартномаларига асосан амалга оширилиши мумкин. Амалга

оширишнинг шакли, яъни халқаро шартнома тузиш эса - Конституцияда белгиланган қоидаларни талаб қилади.

Халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларига содиқлик Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиқади.

Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари

1. “Суверенитет” атамаси илк бор қайси давлатда ва нечанчи асрда вужудга келган ҳамда қайси сўздан олинган?
2. Ўзбекистоннинг давлат суверенитети тушунчаси ва моҳияти қайси қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган?
3. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари қачон қабул қилинган ва унинг мазмун моҳиятига қандай таъриф берилган?
4. “Демократия” сўзи қаердан келиб чиққан ва у нимани англатади?
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида демократия тушунчаси ҳақида қандай таыъриф берилган?
6. Тўғридан-тўғри, яъни бевосита демократия тушунчасини биласизми?
7. Вакиллик демократияси нима?
8. Тўғридан-тўғри ва вакиллик демократияси шакллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаларида ўз аксини топган?
9. Тўғридан-тўғри ва вакиллик демократияси шакллари, Ўзбекистоннинг қайси қонунлари асосида амалга оширилиши белгиланган?
10. “Референдум” сўзининг луғавий маъноси қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?
11. Ўзбекистон Республикасида қайси йилларда референдум ўтказилган ?
12. Ўзбекистонни демократик давлат сифатида тавсифловчи белгиларини аниқланг?

13. «Ҳокимиятнинг бўлиниш» назарияси нечанчи асрдан бошлаб мустақил сиёсий-ҳуқуқий таълимотга айланган?

14. Жаҳон тажрибасида «Демократия ва инсон ҳуқуқлари» қандай асосларда ҳимоя қилинади?

15. Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик қандай ривож топмоқда?

16. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” қачон қабул қилинган ва қандай аҳамиятга эга?

17. Ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаларида ўз аксини топган?

18. Ўзбекистон Республикаси Конституциясииииг асосий принциплари деганда нимани тушунасиз?

19. Ўзбекистонда Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи қандай амалга оширилади?

20. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари қайси қонун ҳужжатларида белгиланган?

21. Ўзбекистонда мудофаа ва хавфсизликнинг таъминланишини конституциявий-ҳуқуқий асосларини аниқланг?

22. Ўзбекистон Қуролли кучлари қачон ташкил этилган?

23. Миллий истиқлол мафкурасига таъриф беринг?

24. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилий тузилмалар тизими ҳақида нималарни биласиз?

25. Ўзбекистон Конституциясининг биринчи моддасида «Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади» деб ёзиб қўйилган, бунинг мазмун ва моҳиятини аниқланг.

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

1-§. Миллий истиқлол ва Конституциянинг объектив зарурлиги

2-§. Конституциянинг ишлаб чиқилиши, умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши (мафкуравий жиҳатлари)

3-§. Конституция – истиқлол ғояларининг мажмуи

4-§. Конституция ва миллий истиқлол мафкураси

5-§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва демократик ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш

6-§. Конституция ва давлат рамзлари

1-§. Миллий истиқлол ва Конституциянинг объектив зарурлиги

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши Ўзбекистон олидида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланиш истиқболларини очиб берди. Мустақилликка эришган ҳар бир давлат ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб олишга, янги жамият қуришга, янгиланиш ва тараққиётнинг ўз конституциявий моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий мустақиллиги ва миллий давлатчилигига тинч, парламент йўли билан эришди. Бу ўзбек халқининг кўп асрлик тарихидаги буюк воқеадир.

Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жихатдан мустаҳкамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. **“Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ”**[1], - деб ёзган эди юртбошимиз.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол. Иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 124-б.

Бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, умуминсоний қадриятларга, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлиги акс этган Конституция керак эди.

2-§. Конституциянинг ишлаб чиқилиши, умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши (мафкуравий жиҳатлари)

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ғоя илк бор Республикамизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ айтилган эди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Мустақиллик тўғрисидаги Декларациясида ушбу ҳужжат республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши таъкидланган эди. Ўша куниёқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида Конституциявий комиссия тузди.

1991 йил 31 август Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий қонун қабул қилинди. Унда белгиланган қоидалар амалиётда синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди. Ушбу қоидалар Ислом Каримов ифодалаб берган ғоя ва принципларни мустаҳкамларди. Конституция лойиҳаси ўзининг қисмлари билан ҳам, бутунлигича ҳам Ўзбекистон Президентининг улкан яратувчанлик ва ислоҳотчилик фаолияти натижаси эканлигини кўрсатиб турарди.

Тақдир Ислом Каримов зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий давлат-ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг пишиб етилган муаммоларини ҳал қилиш каби тарихий вазифани юклади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди.

Юртбошимиз икки ўзаро боғлиқ муаммони - Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қарор топтириш ва унинг Конституциясини қабул қилиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этди. Айни пайтда мазкур ывазифалар бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам мунтазам равишда ҳал қилиш билан баравар бажарилди. Давлат мустақиллигига эришилиши ва бунинг Конституцияда қонун йўли билан мустаҳкамланиши-оламшумул воқеа, Президент Ислом Каримов бошчилигида давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган улкан яратувчанлик фаолиятининг энг катта ютуғи бўлди. Юртбошимизнинг ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилинган, мантиқий изчил, мукаммал стратегияси тараққийпарвар ўзгаришлар қилишга қаратилган.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш борасидаги барча ишлар Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Президент Конституциявий комиссия иш бошлаши билан мамлакатимизнинг ўзига хос жиҳатларини ва хусусиятини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга йўналтирилишини таъминлашга ҳаракат қилди. Лойиҳани тайёрлаш чоғида Европа, Америка, Осиё мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда тайёрланди[1].

Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида ифодалаб берилган. У шундай деб ёзган эди: **“Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу асосий Қонун ҳар томонлама ва чуқур ўйланган умумхалқ муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз, бизнинг кўп**

[1] Қаранг: Саидов А.Х. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни. –Т.: Билим, 1992.

миллатли мамлакатимизда, мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўлларини очиб беради”[1]. Ушбу асар Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни асосан маъқуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Асосий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. У 1992 йил сентябрь ойи охиридан декабрь бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди, ҳамда Ўзбекистонда демкоратия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Муҳокамада мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда қизғин баҳс-мунозаралар бўлди, кўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституцияга доир масалалар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилинди.

Лойиҳа эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди. Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. Келиб тушган таклифларнинг сони 5 мингдан ошиб кетди. Конституция лойиҳаси ўтказилган муҳокамани инобатга олган ҳолда анча тузатилди, қайта ишланди ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп эттирилди.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш, жуда бой материал тўплаш имкони берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т. –Т.: Ўзбекистон 1996. 85-б.

Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Ислом Каримов сессияда Конституция **“халқчил қомус”** деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлагани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини таъкидлади.[1].

Республика Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритдилар.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни И.А.Каримовнинг **“Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома” бўлганлиги, у “халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини” акс эттириши, унинг “халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули…”** эканлиги ҳақидаги хулосанинг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Конституциясини тайёрлашда Президентнинг катта хизматлари ҳақида Н.Мишин шундай ёзади: “Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларга таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди”[2].

---

[1] 1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т. –Т.: Ўзбекистон 1996. 85-б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996. –93-б.

[2] Мишин Н. Взгляд из Москвы. Ислам Каримов –первый Президент Республики Узбекистан. Штрихи к портрету // Ислам Каримов. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. –М.: Палея, 1996,с. 19-20.

3-§. Конституция – истиқлол ғояларининг мажмуи

Мамлакатимиз кўп миллатли аҳолисининг хоҳиш-иродаси мустақил Ўзбекистоннинг биринчиси Конституциясида мустаҳкамлаб қуйилган. Асосий Қонун Ўзбекистон халқининг руҳини, ижтимоий онгини ва маданиятини акс эттирган. Бизнинг Конституциямиз умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлиги тарафдоридир. Шунинг учун бизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлимиз Конституцияга асосланади.

Конституцияда ижтимоий йўналишдаги барқарор, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини яратиш мақсадлари қўйилган. Фақат замондошларимизнинг эмас, балки биздан кейин ўзбек заминида яшайдиган келгуси авлодларнинг ҳам тақдири бизлар қандай жамият ва давлат қуришимизга боғлиқ.

Бизнинг бош мақсадимиз-асоси меҳнатсевар ва фаровон, ахлоқан мустаҳкам ва маданиятли оила бўлган демократия ва ижтимоий адолат жамиятини қадамба -қадам яратишдир.

Ўзбекистонда конституциявий қурилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарлари, чиқишларида ифодалаб берган беш асосий принцип ташкил қилади. Бу асос бўлувчи ғоялар ва қоидалар Ўзбекистон тараққиётини ва миллий мафкурасининг тамал тошларидир.

“Дарҳақиқат, -деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таниқли мутахассис профессор Л.Левитин, -Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюреализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар

давомида тоталитар-мустабид тартиботнинг хом хаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги" шўрочиликлар" барҳам топтирилган."[1].

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради.

У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир[2].

1992 йилги Конституция мустақил Ўзбекистоннинг "ташриф қоғози"га айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат - Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттирмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти айтганидек, **"Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди"[3].**

Ўзбекистоннинг Конституцияси ўз юридик тарихининг кўп асрлик анъаналарини ва жаҳон конституциявий тажрибасининг принципларини ўзида мужассамлаштирган. Агар янги ўзбек Конституциясини жаҳон конституциявий ривожи билан алоқада олиб қарасак, шуни айтиш мумкинки, у дунёда XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ичида қабул қилинган янги, "учинчи" авлод конституциялари қаторига киради.

"Ҳур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш –жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришидир"[4].

Конституцияда мустаҳкамланган қоидаларни демократиянинг аниқ "тарозиси"да ўлчаб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, у –жаҳондаги энг демократик конституциялардан бири. "Бизнинг Ўзбекистон Республикаси

[1] .Қаранг: Ислом Каримов янги Ўзбекистон Президенти. –Т.: Ўзбекистон, 1996,-89-90б.
[2] Қаранг:. Якушев А.В. Конституционное право зарубежных стран. –М.: 1999.-С. 310-311.
[3] Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш –давр талаби. Т.: Ўзбекистон, 1996.-107-б.
[4] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т. 1–Т.: Ўзбекистон 1996. 128-б.

Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор”[1].

4-§. Конституция ва миллий истиқлол мафкураси

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради. Конституция халқнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир.

Конституцияга амал қилиб яшовчи фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби азалий сифатлар ўз аксини топган. Юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам Конституцияда муҳим ўрин тутади.

Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат? Аввалambор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи –инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда “фуқаро –жамият-давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилган.

Конституция инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларни тан олиш, Ўзбекистон фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Конституция сиёсий партияларнинг ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиб берган. Айни

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996.-128-бет.

вақтда конституция яккахокимликка интилишларга ва бир мафкура имтиёзли бўлиб қолишига йўл қўймайди. Зеро, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, уруш ва зўравонликни тарғиб қилувчи, конституциявий тузумга, халқнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларига ва маънавиятига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши лозим.

Конституцияда ҳурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаётган ҳаётбахш таъсири катта. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

“Ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ-Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлди.

Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.[1].

Конституциямиз энг илғор ғояларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бугунги кунда жаҳон тан олмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Иккинчидан, Бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

[1] . Ислом Каримов Конституция тўғрисида. –Т.: 2001.-41-50-бетлар.

Учинчидан, Конституция, умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк соҳибқирон Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида кас эттиради. Шу кўхна замин одамлари кўнглида устувор адолат, ҳақиқат, иймон, олийжаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Дарҳақиқат, Конституциямиз - шу муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиши, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзига хос қилиб олган. Бизнинг Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилади.

“Ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар-тенглик, эркинлик биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади. Ишончимиз комилки, буни барча халқимиз теран англайди ва бунга ишонади”[1].

Конституциямиз ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди.

“Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга синдиришга хизмат қилиши лозимлигини щеч қачон унутмайлик. Унда жамиятмиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У

[1] Ўша асар, 52 бет.

давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши керак”[1].

Шундай қилиб, юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Конституция - нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир”[2].

5-§. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва демократик ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш

“Истиқлол йиллари янги мустақил
Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги
пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта
ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди”

И.А.Каримов.

Истиқлол туфайли ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи-ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига эришди. Бу, юртбошимиз таъкидлагандек, халқимизнинг кўп минг йиллик тарихида буюк воқеадир.

Совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан мустамлакачилик мақсадида жорий этилганди. Бу давлатнинг на шакли, на моҳияти халқимизнинг бой ва теран аҳлоқий, маънавий, руҳий ва ҳуқуқий қадриятларига тўғри келмайдиган тизимга асосланганди. Совет давлат тузуми ўз халқимизнинг тарихини, ўзининг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шу боис бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик бор эди. Бошқача сўз билан айтганда, инсон, унинг моддий, маънавий, миллий қадриятлари бу тузумда сўнгги ўринда турар эди. Бинобарин, бундай давлатнинг истиқболи йўқ эди ва 70 йиллик вақт бунинг яққол исботидир.

[1] Ислом Каримов. “Конституция тўғрисида”. –Т. : 2001,-61-62-бетлар.
[2] Каримов И.А. “Бунёдкорлик йўлидан”. Т.: Ўзбекистон, 1996. -154-бет.

Истиқлол туфайли, бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой давлат-ҳуқуқий анъаналарни янги мустақил адолатли фуқаролик жамияти қуришга татбиқ этиш бахтига муяссар бўлдик.

Мустақиллик халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин ҳис қилиш, чинакам миллий қадриятларни тиклаш, ўз миллий давлатчилигини шакллантириш имконини берди.

Шу сабабли, тарихан жуда қисқа вақт ичида асрлар мобайнида давлат қурилиши соҳасида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришилди. Бу нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан, мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос давлат - ҳуқуқий йўли танлаб олинди. Давлат қурилиши соҳасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадаиган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат йўқ. **“Ҳар бир давлат – бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир”,** -деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида демократия қадриятларини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланишни ўзи учун энг устувор қадриятлар сифатида танлади.

Иккинчидан, янги ўзбек давлатчилигининг қарор топиш жараёнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унга хос бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари тугатилди. Сиёсий ва иқтисодий бошқариш ва тартибга солишнинг кўпгина тузилмалари барҳам топтирилди. Улар тоталитар тузумнинг, ўта марказлаштирилган режалаш- тақсимлашга асосланган иқтисодиётнинг

устунлари эди. Бу жараён мураккаб шароитларда рўй берди. Чунки амалий иш юрита олмайдиган, кўпинча масъулиятсиз ва эскремистик кайфиятдаги, калондимоғ мухолифат демократия ғояларини байроқ қилиб, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан жамиятда беқарорликни келтириб чиқаришга уринди. Бундан ташқари, ҳамдўстлик доирасида интеграцияни чуқурлаштириш шиори остида миллий суверенитетнинг қарор топишига халақит беришлар ҳам янги давлатчиликнинг вужудга келиш жараёнига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Учинчидан, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий ва конституциявий асослари яратилди. Истиқлол йиллари ўзбек парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шуғулланиб, ёш мустақил давлатчилик шаклланиши ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашга қаратилган 400 яқин қонунлар қабул қилди. Бу қонунлар янги давлат ҳокимияти органлари тизими ва ижтимоий йўналтирилган маданий - маърифий бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Янги ўзбек қонунчилиги тизими ўзагини, истиқлолимиз Қомуси-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этди. Асосий Қонунимиз мустақил ўзбек давлатчилигини қарор топтириш йўлида муҳим тарихий қадам бўлди. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, “**Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик – ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.”.**

Тўртинчидан, Конституция талаблари асосида давлат ҳокимияти органларининг совет тоталитар тузумидан тубдан фарқ қиладиган тизими барпо этилди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш конституциявий принципи изчиллик билан жорий этилди. Уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида ҳуқуқий асосда тоталитаризм иллатларини истисно қиладиган умуминсоний демократик меъёрларни қарор топтирмоқда.

Ўзбек парламенти Ўзбекистон истиқлолини эълон қилиб, давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини яратди. Вакиллик ҳокимиятини вужудга

келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Олий Мажлис илк марта кўп партиявийлик асосида сайланди.

Ижро ҳокимиятининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланди. Ижро этувчи ҳокимият органлари режалаш-тасдиқлаш вазифаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Кўплаб вазирликлар ўрнига бозор шароитига мос бўлган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялар ташкил қилинди.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг янги тизими вужудга келтирилди. Унинг асосини ҳокимлар институти ташкил этади. Унда жойларда ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилган. Халқимизнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилди.

Уларнинг асосини фуқаролар йиғинлари-маҳаллалар ташкил қилади.

Мутлақо янги суд тизими мустақил ва бошқа органларига боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг Конституциявий Суд ва Олий хўжалик суди каби янги тузулмалари вужудга келди. Вилоят, шаҳар ва туман судлари судьялари давлат бошлиғи томонидан тайинланиши каби ижобий тарихий-ҳуқуқий анъана тикланди. Судьяларнинг ваколатлари ва ҳуқуқ доираси кенгайтирилди.

Бешинчидан, Ўзбекистонинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилий тузилмалар тизими шакллантирилди. Мудофаа ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, давлат божхона ва солиқ қўмиталари тузилди. Миллий армия-Ўзбекистон Қуролли кучларининг ташкил этилиши миллий давлатчиликни қарор топтириш йўлидаги ғоят муҳим қадам бўлди. Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо металлар, Фан ва техника қўмиталари, Олий Аттестация комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Банк тизими тубдан қайта шакллантирилди. Ташқи иқтисодий фаолият

миллий банки очилди. Мустақил миллий авиакомпания, ахборот агентлиги, кинокомпания ва бошқа умумдавлат хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Олтинчидан, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди. Ҳозир Ўзбекистонни 165 давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатимизда 88 чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 ҳукуматлараро ташкилот ва 13 ноҳукумат ташкилот ишлаб турибди. Ўзбекистонинг 40 дан ортиқ чет эл дипломатик ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари, Оврўпада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

Юртбошимиз ҳақли равишда ёзганларидек “биз учун мустақиллик ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир”.

6-§. Конституция ва давлат рамзлари

Ҳар қандай мустақил давлатнинг белгилари жумласига унинг тимсолий рамзлари ҳам киради. Хўш, рамз нима дегани? Рамзлар- шартли белгилар бўлиб, улар қадим замонлардаёқ турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини ифодалаган. Рамзлар бевосита халқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғликдир.

Давлат рамзлари – бу мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, унинг эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади.

Давлат рамзларига нималар киради? Совет даврида давлат рамзларига асосан байроқ, герб ва мадҳия киритилар эди. Бизнинг фикрмизча давлат рамзлари булар билан чекланмайди.

Мустақил Ўзбекистонинг давлат рамзларига қуйидагилар киради:

1. **Мустақил ўзбек давлатининг номи.** Конституциямизнинг 1-моддасидаёқ “Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари билан бир маънони англатади”, деб ёзиб қўйилган. Ҳар бир инсоннинг бошқалардан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири унинг исми шарифи бўлганидек, ҳар қандай давлатнинг ҳам номи унинг ажралмас ташқи белгиларидан биридир. Мустақил ўзбек давлатининг номи халқаро шартномаларда, давлат идораларининг муҳрларида, хизмат ҳужжатлари ва гувоҳномаларда ифодаланади.

2. **Мустақил Ўзбекистонинг Конституцияси.** Ўзбекистон халқининг истиқлолга эришганлик факти унинг мустақиллик Қомуси бўлмиш Конституциясида мустаҳкамланган. Конституция дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат- Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини акс эттиради. Конституция халқнинг ўзини-ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалаган. Конституцияда мустақил ўзбек давлатининг моҳияти, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларига содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан қатъий белгилаб қўйилган. Конституция бу-истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзидир.

3. **Ўзбекистон Республикасининг давлат тили**. Тил ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгисидир. Умуман, 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақоминнинг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири бўлган эди. Конституциямизнинг 4-моддасида эса ўзбек тили мустақил ўзбек давлатининг расмий тили сифатида Асосий Қонун ҳимоясига олинган. Давлатга ном берган халқнинг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини намоён этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тилидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш ҳар биримиз учун конституциявий бурч ва вазифадир.

Давлат тили- бу мустақил давлат белгиси, рамзидир. Давлат тилида қонунлар ёзилади, халқаро шартномалар имзоланади, анжуманлар олиб борилади ва расмий ҳужжатлар юритилади.

4. **Ўзбекистон Республикасининг байроғи, герби ва мадҳияси.** Ҳар бир мустақил давлат ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлади. Конституциямизнинг 5-моддасида давлатимиз байроғи, герби ва мадҳиясининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, “Давлатимиз рамзлари-байроқ, герб ва мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради” ва улар ҳақида махсус қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонун 1991 йил 18 ноябрда, Давлат герби тўғрисида қонун 1992 йил 2 июлда, Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

5. **Мустақил давлат пойтахти.** Конституциямизнинг 6-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри”дир деб ёзиб қўйилган. Давлат пойтахти тўғрисидаги модда, собиқ совет конституцияларидан фарқли ўлароқ, Асосий Қонунимизнинг 1-бобида берилган. Пойтахт шаҳар – ҳар бир мустақил давлатнинг юзи бўлиб, бир қатор хусусиятларга эга бўлади. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат: давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг марказий идоралари, давлат бошлиғи қароргоҳи, давлатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий тадбирлари амалга ошириладиган, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашадиган шаҳар бўлади.

6. Мустақил давлат фуқаролиги. Фуқаролик-ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгиси. У шахснинг давлатга мансублигини, унга дахлдорлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Шунингдек, давлат шахсни Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда бурчлар билан таъминлайди. Фуқаролик –бу шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари ўз ифодасини топади.

Конституция Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқароликни ўрнатади (21-модда). Бу дегани, мустақил Ўзбекистон давлати ягона ва яхлитдир, барча фуқаролар ягона сиёсий –ҳуқуқий мақомга эга ва уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат муҳофазаси билан таъминланади. Йўлбошчимиз ягона фуқаролик тўғрисида тўхталиб, “икки давлат фуқаролигига мансублик… беватанлик билан баробардир”,-деган эдилар.

7. Давлат мукофотлари ва унвонлари. Ҳар бир мустақил давлат ўз мукофотлари ва унвонларини таъсис этади. Конституциянинг 78-моддасида Олий Мажлиснинг давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасида:олий нишон “Олтин юлдуз” медали, “Мустақиллик”, “Буюк хизматлари учун”, “Дўстлик”, “Амир Темур”, “Соғлом авлод учун”, “Шон-шараф орденлари, “Шуҳрат” ва “Жасорат” медаллари таъсис этилган. Фуқароларнинг меҳнатда кўрсатган хизматлари, давлат, жамоатчилик олдидаги ва ижоддаги самарали фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 31 та фахрий унвони таъсис этилган.

Конституциянинг 93-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари давлат бошлиғи-Президент томонидан берилади.

8. Миллий валюта. Ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий валютасига, миллий пул бирлигига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси –“СЎМ” муомалага киритилди.

Миллий валюта мустақиллигимизнинг муқаддас белгиси, давлатимиз рамзидир.

9. Умумхалқ байрамлари. Давлат рамзларига қонун билан мустащкамланган мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрамларини ҳам киритиш жоиздир. 1 сентябрь-Ўзбекистонинг мустақиллик куни, 8 декабрь-Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни, 21 март-Наврўз байрами Ватанимизнинг улуғ саналари сифатида нишоналанади. Умумхалқ байрамлари давлатимиз ва халқимизнинг рамзий кунлари сифатида кўп миллатли Ўзбекистон халқига тааллуқлидир. У Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар томонидан нишоналанади ва дам олиш куни ҳисобланади.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари фақат ўзбек давлатигагина тааллуқли бўлиб, моҳияти чуқур маънога эга шартли белгилар бадиий ифода сифатида маълум бир кўринишларда акс этадики, бундай кўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астрологик жисмлар ва бошқа турли шаклларда бўлиб, халқимизнинг ўтмиши, истиқболи, ғурури ва фахрини ўзида мужассамлаштиради. Шундан биз санаб ўтган миллий давлат рамзлари оламшумул воқеа, улар мустақил Ўзбекистон давлатининг ёрқин тимсоллари бўлиб, бу тимсоллар бугун, эрта ва буюк келажагимиз учун муносиб хизмат қилажак. Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, **“шу рамзларни эъзозлаш– ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир”.**

Ўзини – ўзи назорат қилиш саволлари

1. Мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституциясини қабул қилиш зарурияти нимада эди?

2. Ўзбекистоннинг Конституцияси жаҳон конституциявий тажрибасининг қайси принципларини ўзида мужассамлаштирган?

3. Президентимиз Конституцияни қандай таърифлайди?

4. Давлат рамзларига нималар киради?

5. Қандай давлат унвонлари ва мукофотларини биласиз?

6 Ўзбекистонда қандай фуқаролик ўрнатилган?

УЧИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

VIII БОБ. ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

1-§. Мустақиллик Қомуси ва жаҳон конституциявий тажрибаси

2-§. Инсон ҳуқуқлари сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида

3-§. Инсон ҳуқуқларига оид замонавий халқаро андозалар (стандартлар)

4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг тараққиёт босқичлари

5-§. Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими

6-§. Ўзбекистон Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қадриятларининг инъикоси

1-§. Мустақиллик Қомуси ва жаҳон конституциявий тажрибаси

Мустақил Ўзбекистон - инсоният руҳининг улуғворлиги ва ақл зиёсининг рамзи, умумбашарий тафаккурининг бешикларидан бири бўлмиш диёрдир. Мустақил Ўзбекистон – ноёб маданият ва юксак маърифат, Шарқ турмуш фалсафаси, инсонпарварлик руҳи билан йўғирилган адабиёт ва нафис санъат мамлакатидир. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк кўҳна тарихи ҳозирги замон ривожланиши билан ўзаро узвий боғлиқ. Унинг ақл-зиё ва маънавий-тарихий салоҳияти жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди.

Дунёнинг умумий сиёсий-ижтимоий жараёнлари нуқтаи назаридан қараганда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви тарихий муқаррар ҳодисадир. Шунинг учун ҳам 1991 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб жаҳон сиёсий харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикасининг пайдо

бўлиши тасодиф ёки фавқулодда ҳодиса эмас, балки у она заминимизда асрлар оша ўзбек халқи ва ўзбек халқи билан яшаб ва меҳнат қилаётган мамлакатимиз халқларининг асрий орзуси рўёбга чиқиши, олиб борилган машаққатли, аксарият ҳолларда фожеали курашининг маҳсулидир.

1990-йил 20-июнда **"Мустақиллик декларацияси"**, 1991- йил 31-августда **"Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида"** Конституциявий қонун Ўзбекистон Парламенти томонидан қабул қилинди. 1-сентябр Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди. Халқимиз асрлар оша орзу қилиб келган ниятлари амалга ошди.

Ҳар бир давлатнинг давлат сифатида қайтарилмас ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи асосий ҳужжат унинг Конституциясидир. Жамиятни умумбашарий ҳуқуқий қадриятлар асосида ташкил этишда Конституциянинг аҳамияти беқиёсдир. Асосий Қонун ўз моҳияти эътибори билан ҳар қандай демократик жамиятнинг бош белгиларидан бири бўлиб, унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг идоралари фаолиятини ташкил этишнинг мезоний қоидалари ифода этилади. Бир сўз билан айтганда, Конституция давлатнинг ўзига хос таништирув ҳужжати, "паспорти" десак муболаға бўлмайди.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция, йўлбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятиини акс эттирди. Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинган кундан буён ўтган муддат тарих уммонида бир томчидир, холос. Лекин унинг бой мазмуни моҳиятини ҳисобга олсак, ҳозирги ҳар бир кунимизнинг йилларга татигулик эканлигини эътироф этмоқ зарур.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси жаҳон конституциявий фондининг таркибий қисмидир. Нима учун?

Ўзбекистон Конституцияси:

биринчидан, тарихий ва ҳозирги замон илғор жаҳон конституциявий тажрибасини ўзида мужассамлаштирган;

иккинчидан, миллий, тарихий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий анъаналаримизни жаҳон конституциявий амалиёти билан узвий равишда боғланган;

учинчидан, тоталитар тузумдан ҳуқуқий давлат ва демократик фуқаролик жамиятига ўтаётган ёш мустақил давлатнинг Конституцияси қандай бўлиши керак деган саволга жавоб беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – бу умумбашарий ва миллий ҳуқуқий қадриятларни ўзида уйғунлаштирган қоидалар ва нормалар мажмуидир.

Жаҳон конституциявий тажрибаси ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ уч таркибий қисмдан иборат.

Биринчидан, Конституция тўғрисидаги ғоялар, қарашлар, таълимотлардир. Булар ўзининг тарихий келиб чиқишига кўра жуда қадимийдир. "Конституция" ибораси қадимги Рим республикасида пайдо бўлган. Ўрта асрларда эса у ёки бу давлатнинг конституциявий характердаги асосий қонунлари асосан "хартия" деб юритилган. Конституциявий характердаги қонунлар жумласига "Темур тузуклари" ҳам киради.

Иккинчидан, тарихий ва ҳозирги кунда амал қилаётган Конституциялар. Конституция ягона ҳуқуқий ҳужжат сифатида 1787- йилда АҚШ да пайдо бўлган, яъни XVIII аср маҳсулидир. тахминан ҳисобларга қараганда, шу кунгача жаҳонда 800 га яқин Конституция қабул қилинган.

Учинчидан, конституциявий амалиёт, яъни Конституциянинг амалий ҳаракати, қўлланилиши. Конституция ҳар бир жамият ва давлат тараққиётининг ҳуқуқий асосларини яратади. Конституция-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотлар, тинчлик, тотувлик, барқарорлик кафолатидир.

Ўзбекистон жаҳон конституциявий тажрибасига қуйидаги йўналишларда амалий ҳисса қўшган.

Биринчидан, жаҳон конституциявий таълимотига ва назариясига. Бу ҳисса аввалambор, Мовароуннаҳр фиқҳ таълимоти намоёндаларининг асарларида яратилган мусулмон ҳуқуқи қадриятлари ҳақидаги қарашларда намоён бўлди. Мисол учун, Бурҳониддин Марғинонийнинг тўрт жилдли фундаментал "Ҳидоя" асарини кўрсатиш мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистон худудида турли тарихий даврларда қабул қилинган Конституциялар. Булар жумласига "Темур тузуклари"дан тортиб совет давридаги ўндан ортиқ Конституция киради. Ўз характерига кўра, бу Конституциялар мустамлака, протекторат давлат Асосий Қонунлари эди. Бундай Конституциялар XX асрнинг биринчи ярмида Сурия, Ливан, Мисрда ҳам бўлган.

Учинчидан, истиқлол йилларидаги конституциявий амалиётимиз бир қатор чет эл давлатлари учун тажриба ўрганиш объектига айланмоқда.

Жаҳон конституциявий тажрибаси қуйидаги йўналишларда ўрганилган ва ҳисобга олинган.

Биринчидан, конституциявий тартибга солиш принциплари. Бу – инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқлари, ҳокимият ваколатларини тақсимлаш, халқаро ҳуқуқ устуворлиги, Конституция устунлиги, конституциявий назорат.

Иккинчидан, Конституциянинг таркибий тузилиши, яъни уни муайян тартибда муқаддима, бўлим, боб ва моддалардан иборат жойлаштирилишидир. Бунда асосий мезон бўлиб "Халқчиллик" ҳисобланади.

Учинчидан, ҳар қандай сиёсий мафкурадан воз кечганлик, яъни бир мафкуранинг якка ҳокимлигига чек қўйганлик. Кўп фикрлиликнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги.

Тўртинчидан, конституциявий кафолатлар. Конституциявий суднинг ташкил этилиши, Президентнинг давлат бошлиғи сифатида барқарорлик, тинчлик ва инсон ҳуқуқларининг кафолатчиси эканлиги, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг алоҳида тартибининг жорий қилиниши Асосий Қонун қоидаларининг кафолатланганлигини кўрсатади.

Бешинчидан, конституциявий тартибга солишнинг шарқона ва оврўпача ёндошувининг узвий уйғунлашганлигидир. Инсон, оила, жамият, давлат манфаатларининг мувофиқлашганлиги – бунга яққол мисол бўла олади.

Олтинчидан, Конституциянинг тили ихчамлиги, лўнда ва равонлиги. Жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар конституциявий даражада тартибга солинади.

Еттинчидан, Конституциямиз жаҳон конституциявий тараққиёти қонунларини ўзида акс эттиради. Асосий мақсад: тоталитар тузумдан фуқаролик жамиятига, ҳуқуқий демократик давлатга ўтишдир.

Ҳозирги замон конституциявий тараққиётининг асосий қонуниятлари қандай?

Бу қонуниятлар қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

1. конституциявий тартибга солиш предметининг, кўламининг кенгайиши;

2. инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини батафсил тартибга солиш;

3. ижтимоий муаммоларга мурожаат қилиш;

4. халқаро ҳуқуқ устуворлигини тан олиш;

5. шахс, жамият ва давлат ўзаро муносабатларининг муайян нисбатини мустаҳкамлаш;

6. сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солиш;

7. конституция барқарорлигини ва самарадорлигини ошириш мақсадида, уни алоҳида қўриқлаш тартибини жорий этиш, яъни конституциявий судни тузиш.

2-§. Инсон ҳуқуқлари сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида

Инсон ҳуқуқлари – инсон шахси ва турмушининг таркибий қисми. Шу боис, инсон ҳуқуқлари концепциясининг шаклланиш жараёни жамиятнинг тараққиёт тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда, узоқ тадрижий ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Инсон ҳуқуқларини тушуниб етиш учун ниҳоятда муҳим бўлган одамларнинг табиий тенглиги ғоялари қадим юнон мутафаккирлари (Протагор, Антифонт, Ликофрон) ва қадим Хитой донишмандлари (Мао-цзи, Конфуций)нинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий таълимотларида эрамиздан олдинги VI-IV асрлардаёқ илгари сурилган.

Ҳуқуқ субъекти ва қонун олдидаги тенглик тушунчаларини ишлаб чиқишдаги хизматлар қадимги Рим ҳуқуқшуносларига тегишли. Цицерон **"Ҳамма қонун таъсири остида бўлиши керак"**, деб таъкидланган эди. Шуни қайд этиш лозимки, қадимги Юнонистон ва қадимги Рим қонунчилигида мутафаккирларнинг мазкур масала юзасидан қарашлари бевосита айнан шундай ифодасини топмаган эди.

Қонун томонидан инсон ҳуқуқлари фақат қулдорлар учун имтиёз сифатида қараб чиқилиб, беҳисоб қуллар оммаси ҳуқуқи инкор этилар эди.

Шундай тамойил ўрта асрларга ҳам хосдир. Аҳолининг қатламлари турли табақаларга бўлинган ўша даврларда инсон ҳуқуқи айрим табақаларнинг имтиёзи ҳисобланиб, ҳуқуқий тенглик муайян табақага мансублик билангина белгиланарди. Шу билан бирга инсон ҳуқуқларининг табақавий чекланганлиги шахс даҳлсизлиги ҳуқуқи илк бора ифодаланган инглизларнинг 1215-йилги "Эркинликларнинг улуғ буюк Хартияси" аҳамиятини асло пасайтирмайди. "Ҳеч бир эркин инсон ҳибс қилинмайди, қамоққа маҳкум этилмайди ёхуд мол-мулки тортиб олинмайди, бирор-бир восита билан ночор аҳволга солинмайди. Фақат қонуний ҳукм ва давлат қонуни бўйичагина чоралар кўрилади", деб эълон қилувчи 39-модда мазкур ҳужжат шуҳратини таъминлаган эди.

Инсон ҳуқуқларининг табиий-ҳуқуқий концепциясини шакллантиришда XVI-XVIII асрларда яшаб ўтган инглиз Локк, америкалик Пэйн ва Жефферсон, французлар Руссо, Монтескье, Вольтер, голландиялик Гроций каби маърифатпарвар мутафаккирлар етакчи ўрин тутдилар. Уларнинг одамлар тенглиги, туғилишдан уларга ато этилган яшаш, эркинлик ва хавфсизлик каби ҳуқуқларнинг дахлсизлигига доир ғоялари буржуа инқилоблари ва буржуа давлатларининг шаклланиши жараёнидаги конституциявий ҳужжатлар

Англияда 1628 - йилги "Ҳуқуқлар тўғрисидаги арзнома", "Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль"да, Америкада "Виржиния ҳуқуқлар тўғрисидаги декларацияси" (1689), "АҚШ мустақиллик декларацияси" (1776) ҳамда "Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль" (1791), Францияда "Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари декларацияси" (1789)да ўз ифодасини топди. Шу жиҳатдан "Виржиния ҳуқуқи декларацияси" диққатга сазовор. Бу инсон ҳуқуқлари концепцияси баён этилган Конституция шаклдаги дастлабки ҳужжат эди. Унда барча одамлар Тангри томонидан тенг қилиб яратилган ва уларга ажралмас муайян ҳуқуқлар ато этилган, деган қоида мустаҳкамланган. Ҳаёт, эркинлик ҳамда бахт-саодатга интилиш шу ҳуқуқлар сирасига киради. Мазкур ҳуқуқларни таъминлаш учун одамлар ўртасида давлатлар таъсис этиладики, улар ўз оқилона ваколатларини бошқарилувчилар ҳамжиҳатлигидан оладилар, дейилган ғоя ўз-ўзидан маълум ҳақиқат сифатида қайд қилинган эди. Шундан бери "Инсон ҳуқуқлари" фалсафий ва ҳуқуқий атамашуносликда муҳим ўрин олди.

Францияда 1789- йили қабул қилинган "Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси" тарихий конституциявий ҳужжатлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Инсон ҳуқуқларининг мазмун-моҳияти унда аниқ ва ихчам таърифланган, инсон шахсининг қадр-қиммати таъкидланган, фуқаролик жамиятида шахс мақомини белгилашда давлатнинг роли белгилаб берилган.

Ҳуқуқий давлат бир кунда қурилган эмас. Лекин муайян юридик меъёрлар ва сиёсий тузилмалар яратилишида онгли ҳатти-ҳаракатлар содир этилганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундай давлатлар тарихан сиёсий-давлатчилик анъаналарининг сақланиши туфайли табиий равишда пайдо бўлган. Антик даврда стоиклар томонидан шакллантирилган табиий ҳуқуқ ғоясидан ҳуқуқий давлат ғояси ўсиб чиққани ҳам тасодифий эмас. Улар табиий ҳуқуқ деганда инсон табиатига мос бўлган ва инсонни инсон қилиб турган ҳуқуқларни назарда тутар эди. Инсоннинг бу ҳуқуқларининг биронтасидан маҳрум қилиниши уни инсонлик мақомидан маҳрум қилиб, қулга, маҳкумга ёки ҳарбий асирга айлантириб қўяр эди. Табиий ҳуқуқлар сирасига яшаш ҳуқуқи,

хавфсизлик, мулкка эгалик, эркин юриш ва шунга ўхшаш бошқа ҳуқуқлар киради.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари ғояси ўзининг узоқ тарихий илдизларига эга. Инсоният тарихини инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган тарих деб таърифласа бўлади. XX аср инсон ҳуқуқлари борасида янги саҳифа очди.

3-§. Инсон ҳуқуқларига оид замонавий халқаро андозалар (стандартлар)

Инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи ҳозирги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида 1948- йилда қабул қилинган БМТнинг "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси" муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу Декларация "Инсоният тарихида энг ноёб ҳужжат", уни "Бутун инсоният учун эркинликлар Хартияси", деб таърифлашади. Бошқа бирорта халқаро ҳужжат бунчалик юксак баҳоларга сазовор бўлмаган. Бундай ялпи эътироф сабабини инсон ҳуқуқларининг замонавий концепцияси мухтасар ва тушунарли баён қилиб берган "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси"нинг мазмунидан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини шахснинг дахлсиз хусусияти сифатида изоҳлаган "Декларация" уларнинг устувор моҳиятини мустаҳкамлаб, шахс мақомини белгилашда давлатнинг фавқулодда ролини пасайтиради. Бу давлат томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний чеклашларга муайян талаблар қўйишда намоён бўлади. Улар, биринчидан, қонунга асосланишда, иккинчидан, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурматлаш, демократик жамиятда ахлоқ, жамоат тартиби ва ялпи фаровонлик талабларини қондириш (29-модда) мақсадида амалга оширилишида ифодаланади. Айрим ҳолларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга имкон бериб, "Декларация" "қандайдир давлат, шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини йўқотишга қаратилган фаолият билан шуғулланишлари ёхуд шундай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишлари"ни (30-модда) қатъий тарзда тақиқлайди.

"Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси" халқаро миқиёсда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар учун асос бўлиб қолди. Инсоннинг асосий фундаментал ҳуқуқлари универсал халқаро шартномалар бўлмиш (1966-йилги "Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги ва "Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактлар ва бошқа халқаро ҳужжатлар)да мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари БМТ, Халқаро Меҳнат ташкилоти ва ЮНЕСКОнинг аҳоли айрим гуруҳларининг ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи Конвенциялари (БМТнинг "Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги 1952-йилги Конвенцияси, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги 1989-йилги Конвенцияси, ЮНЕСКОнинг "Таълим соҳасидаги камситишларни бартараф қилиш тўғрисида"ги 1960-йилги Конвенцияси, ХМТнинг "Кўчиш соҳасидаги суистеъмолликлар ва кўчиб юрувчиларга имкониятларни ҳамда муомала тенглигини таъминлаш тўғрисида"ги Конвенцияси ва ҳ.к.) инсон ҳуқуқлари соҳасида кодификациялаш жараёнининг амалга оширилишига салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳозирги пайтда БМТнинг инсон ҳуқуқлари борасида 80 дан ортиқ халқаро шартнома ва конвенциялари мавжуд. Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалардаги Умумжаҳон декларациясидан фарқли янгилик шундан иборатки, бу ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари батафсил талқин қилинади, уларни рўёбга чиқаришнинг давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилади, ҳар қандай ҳолатларда ҳам фундаментал инсон ҳуқуқларининг давлат томонидан чекланиши мумкин бўлмаган алоҳида туркумлари (яшаш ҳуқуқи, қийноқларга йўл қўйилмаслиги, фикр ва эътиқод эркинлиги, судлов ҳимоясига бўлган ҳуқуқ) ажратиб кўрсатилади. Конвенциявий меъёрларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари ҳисобга олиниб, халқаро битимларни ратификация қилувчи давлатлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кодификациялаш фаолияти фақатгина халқаро андозалар миқдорини кўпайтиришгагина хизмат қилмасдан, балки уларни давлатлар миллий қонунчилигида мустаҳкамлаб

қўйишга қаратилган ички давлат меъёрий ҳужжатларни яратиш жараёнларини ҳам фаоллаштирди.

Ҳар қандай шахснинг ҳаёти ва фаолияти учун ҳуқуқ ҳамда эркинликларнинг дахлсизлиги қоидасига асосланувчи "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси" фақат айрим ҳоллардагина инсон ҳуқуқларининг давлат томонидан чекланиш имконини мустаҳкамлаб қўйган. Бироқ "Декларация" инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва уларга риоя этилиш устидан назоратни амалга ошириш вазифасини фақат давлат зиммасига юклайди.

Аксарият ҳолларда чекланган қуролли зиддиятлар келтириб чиқарган кўплаб чекинишлар ва инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишлари, айниқса, тоталитар ва яккаҳокимлик тузумидаги мамлакатларда ички давлат назоратининг ошкора самарасизлигини кўрсатди. Шунинг учун 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш (ЕХҲК) доирасида қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқининг вазифаларини белгилаб қўйиш тамойили аниқ кўзга ташланади.

ЕХҲКнинг 1975-йилги Хельсинки Якунловчи Акти, ЕХҲКнинг Инсоний мезонлар бўйича Конференциясининг 1990-йилги Копенгаген Кенгаши, 1991-йилги Москва конференцияси ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ турли муаммолар кўриб чиқилди. Жумладан, Москва конференцияси ҳужжатида "инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия, қонуннинг устуворлигига тааллуқли масалалар халқаро хусусиятга эга бўлиб, муайян давлатнинг ички ишларигагина тегишли эмас"лиги бевосита таъкидланади.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоялаш институти шакллантирилди. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ва ички давлат функциялари шу тариқа қуйидагича фарқланди: жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозалар ишлаб чиқарилмоқда ва уларга риоя этиш устидан назорат идоралари фаолият кўрсатмоқда, давлатлар миллий даражада ўз қонунларини

халқаро андозаларга мувофиқлаштириб, уларнинг бажарилишини кафолатламоқдалар.

БМТнинг "Ирқий камситишларнинг ҳар қандай кўринишларини йўқ қилиш тўғрисида"ги 1965-йилги Конвенциясидан бошлаб, халқаро назорат идоралари инсон ҳуқуқлари бўйича универсал конвенцияларнинг доимий таркибий қисмига айланди. Конвенциялар негизида ташкил этиладиган халқаро назорат идораларига (Ирқий камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита; Қийноқларга қарши қўмита; Болалар ҳуқуқлари бўйича қўмита) давлатлардан уларнинг қонунлари конвенциялар қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида вақти-вақти билан маърузалар талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Мазкур конвенциявий идораларнинг айримлари эса (Ирқий камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита; Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита; Қийноқларга қарши қўмита) эса бир давлатнинг устидан тегишли Конвенцияда назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилаётганлигига тааллуқли шикоятларини ва фуқароларнинг давлатлар устидан якка тартибдаги шикоятларини қонун бузилишларини бартараф этишга доир тавсиялар киритиш ҳуқуқи билан кўриб чиқишга вакил қилинган.

Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари негизида инсон шахси қадрияти ва қадр-қиммати туради. Одатда, инсон ҳуқуқларининг "уч авлоди" фарқланади: фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар (яшаш ҳуқуқи, қийноққа солишнинг тақиқланиши, адолатли судлов ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи, уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи ва ҳ.к.), иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (билим олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.), ва "учинчи бўғин авлоди" тури коллектив ҳуқуқлар, деб аталади ва улар жумласига (тинчликка бўлган ҳуқуқ, ривожланишга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.)лар киради.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозалар минтақавий даражада ҳам мустаҳкамланади.

Бундай минтақавий мақомдаги халқаро ҳужжатлар сирасига "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Европа конвенцияси (1950), "Инсон ҳуқуқлари тўғрисида"ги Америка конвенцияси (1969), "Инсон ва халқ ҳуқуқларининг Африка Хартияси" (1981), МДҲ давлатларининг "Инсон ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияси (1995) каби кўпгина халқаро битимлар киради.

ХХ асрнинг 70-йиллари охирида бир қатор мусулмон мамлакатларда ҳам минтақавий конвенция доираларида инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий актлар қабул қилишга уринишлар бўлди. Мусулмон дунёсида 1980-йилда қабул қилинган "Умумжаҳон Ислом декларацияси" инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоялаш ва таъминлаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган исломий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ХХ асрнинг ярмида жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш механизми яратилди ва халқаро ҳуқуқий андозалар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда инсоният цивилизацияси тараққиёти муаммосини инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоялаш муаммосидан айрича кўриб чиқиш мумкин эмас. Давлат мустақиллигига эришиб, Ўзбекистон кейинги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя этиш борасида умумдунёвий жараёнларга фаол қўшилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида", "Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида" (1966) халқаро Пактлар, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида" (1989), “Ирқий камситишнинг барча шаклларини йўқотиш тўғрисида" (1979), "Қийноқлар ва инсон қадр-қимматини ерга урувчи муаммолар ҳамда жазо турларига қарши" (1984) Конвенциялари ва бошқа қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий андозаларни қабул қилиш жараёнини серсамар этади.

4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг тараққиёт босқичлари

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик – бу инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз тараққиётида уч катта босқични босиб ўтган.

Биринчи босқич 1789-йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устувор равишда ривожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи 10та қўшимча – Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллни кўрсатиш мумкин.

Бу даврда қабул қилинган қонунларда алоҳида эътибор қуйидаги муаммоларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган:

- шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;
- шахс дахлсизлиги;
- хусусий мулк ҳуқуқи;
- сайлов ҳуқуқи (турли цензлар билан чекланган бўлса-да).

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тараққиётининг **иккинчи босқичи** XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда социалистик ғоялар ва ҳаракатлар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқий тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият касб этган.

Франция ва Швециядаги социал қонунчилик, 1919-йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946-йилги Конституцияси бунга яққол мисол бўлади.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда инсон ҳуқуқларининг "янги авлоди" тўғрисидаги қонунчилик ривожланади. Бу ҳуқуқлар қаторига:

- тинчликда яшаш ҳуқуқи;
- соф ва тоза – муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи;
- ахборот олиш ҳуқуқи кабилар киради.

Бу босқичда инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизими шаклланди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 дан ортиқ, Оврўпо Кенгаши томонидан – 200 дан зиёд, ЮНЕСКОда – 70 дан ортиқ, Оврўпада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан – 40 дан кўпроқ, турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича 500 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон демократик андозалари белгилаб қуйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

5-§. Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, аввалambор, Конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар Конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда давлатлар ўз Конституцияларида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим қоидаларни мустаҳкамлаганлар:

1. Демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – бу давлат мажбуриятидир;

2. Иносн ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғоясининг, назариясининг эътироф этилиши;

4. Ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этишлиги;

6. Фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

7. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахслар ҳуқуқларини бузмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги беш таркибий қисмдан иборат.

Биринчиси: фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар-виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар.

Иккинчиси: фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар-жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар.

Учинчиси: фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунлар – мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар.

Тўртинчиси: маданий ҳуқуқларга оид қонунлар – фан, таълим, маданият, музейлар, кутубхона, маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар.

Бешинчиси: инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) – миллий-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Ҳозирги замонда дунё мамлакатларидаги демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларига;

- инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;

- конституциявий юстиция (судлов)ни ривожлантириш;
- инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни шакллантириш;
- янги демократик институтларни, жумладан омбудсман институтини тараққий эттириш киради.

6-§. Ўзбекистон Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қадриятларининг инъикоси

Ўзбекистон миллий мустақиллигининг самараси бўлмиш биринчи Конституция ўзбек халқи учун энг буюк ютуқ ҳисобланади.

Асрлар мобайнида диёримизда тартиб ва интизомга эътибор бериш анъанавий тус олган. Қадимий ҳоқонликлар давридан тортиб, Темурийлар давригача ва ундан кейин вужудга келган давлатларда мамлакатнинг мустаҳкамлиги ва миллий манфаатларини кўзлаб турли қонун-қоидалар ишлатилган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси ушбу мустаҳкам негиз узра қурилиб, ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибаларининг асораси (шираси) сифатида юзага келди десак янглишмаймиз, чунончи Ўзбекистон Конституциясининг муқаддимасида уни тузишда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилганига ишора қилинади.

Ҳозирги замонда ҳар бир мамлакатнинг қонунлари, айниқса, унинг асосий қонунига унда қанча Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг қадриятлари акс эттирилганига қараб баҳо берилади. Айтиш мумкинки, қонунларга баҳо бериш учун ушбу меъёр энг асосий ва ҳақиқатга мос келадиган ўлчовдир, чунки инсон ҳуқуқини кафолат қилиш учун жаҳоннинг барча давлатлари томонидан тасдиқланган ушбу халқаро декларациядан устун турадиган бошқа ҳужжат йўқ.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси эълон қилинганига 50 йил (1948-1998) тўлиши муносабати билан "Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар" сарлавҳаси остида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан

нашр этилган ҳужжатда бундай дейилган эди: "Инсон ҳуқуқи, усиз яшаб бўлмайдиган бизнинг азалий, табиий ва башарий ҳуқуқимиздан иборатдир. Инсон ҳуқуқи ва асосий эркинликлар бизга ўз инсоний истеъдодимиз, ақл ва виждонимиздан фойдаланиб ўз эҳтиёжимизни таъминлашга имкон беради".

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг муқаддимасида бундай дейилган: "Башарият оиласи барча аъзоларининг қадр-қиммати ва уларнинг ажратиб бўлмас ҳуқуқларини эътироф этиш, жаҳон миқёсида эркинлик, адолат ва тинчлик негизини ташкил этади. Умумий ассамблея ушбу декларацияни барча инсонлар ва ҳамма миллатларнинг муштарак истаги деб эълон қилади".

Ўзбекистон Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 30 та моддасида киритилган барча қадриятларни қамраб олиб, мукаммал суратда уларни акс эттириши билан, жаҳоннинг йирик ва демократик давлатлари асосий қонунлари қаторида ўзига муносиб ўрин тутади.

Ўзбекистон Конституциясининг Муқаддимасида ўзбек халқи номидан:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик эълон қилинади;

иккинчидан, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинади;

учинчидан, инсонпарвар демократик давлат барпо этиши кўзланади;

тўртинчидан, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсад қилиб қўйилади.

Мазкур муқаддимада зикр этилган бу асосий принциплар, бошқа бир неча қоидалар билан бирга Ўзбекистон Асосий Қонунининг ички мазмуни, руҳи ва моҳиятини ифодалаб, унда киритилган 128 модданинг мазмунини қисқача ифодалаб беради

Конституциянинг 13-моддасига биноан, Ўзбекистонда қонунчилик демократик, умуминсоний принципларга асосланиб, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари, олий қадрият ҳисобланади, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар, конституция ва қонун

билан ҳимоя қилинади. Ушбу модда ўзининг ёрқин ва комил ифодаси билан, инсон мақомини ва унинг асосий ҳуқуқларини энг юксак ва олий даражага кўтаради.

Ўзбекистон Конституциясининг энг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, бу соҳада фақатгина умумий принципларни зикр этиб ўтиш билан чекланиб қолмай, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини айрим бобларда кенг кўламда акс эттириб, уларнинг ҳимояси учун кафолат берилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида зикр этилган инсон асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ифодасини Ўзбекистон Конституциясининг қуйидаги моддаларида яққол кўриш мумкин:

1. ытенг фуқаролик ҳуқуқи (21- модда);
2. яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш (24- модда);
3. ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги, қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги (25 - модда);
4. ҳеч кимнинг қийноққа солинмаслик ва айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслик ҳолати (26- модда);
5. фуқаролар турар жойи, телефон ёзишмалари дахлсизлиги (27- модда);
6. сўз, фикр ва эътиқод эркинлиги ва уни тарқатиш ҳуқуқи (29- модда);
7. дин ва виждон эркинлиги (31- модда);
8. фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи (32 - модда);
9. мулкдорлик ҳуқуқи ва эркин касб танлаш (38-39- моддалари);
10. қонунга мувофиқ сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари ташкил эитш (56- модда)
11. сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи (117- модда) ва бошқа кўп моддаларда халқаро миқёсда эътироф этилган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ўз муносиб ўрнида ҳар томонлама акс эттирилиб, конституция ва бошқа қонунлар билан кафолатланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг учинчи моддаси: "Ҳар ким яшаш ва даҳлсизлик ҳуқуқига эга".

Ўзбекистон Конституциясининг 24-моддаси: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир". Шунингдек, 25-моддада "Ҳар ким эркин ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга" деб таъкидланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида ҳеч кимни ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ва қамоқда сақлаш мумкин эмаслиги таъкидланса, Ўзбекистон Конституцияси 25-моддасининг иккинчи хат бошида "Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас" дейилади.

Юқорида берилган қисқа мисоллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча қадриятлари етарли даражада ва тўлароқ шаклда ифода этилиб ҳимоя қилинган. Масалан, 24-моддада "Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир" ибораси билан инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқи жиддий суратда ҳимоя остига олинган.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси барча демократик қоидалар, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган барча давлатлар томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча қадриятларини ўзида акс эттирган миллий-тарихий ҳужжатдир.

Конституция ўзбек халқига миллий, демократик ҳуқуқий давлат соясида яшаш учун ҳуқуқий шароит яратиб бериб, уларни бозор иқтисодиётига ва бу йўлдан янги ҳаёт уфқлари томон йўллаб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасига жаҳон миқиёсида буюк демократик давлатлар қаторида юксак ва эътиборли ўрин тутиш учун ёрдам беради.

Ўзини – ўзи назорат қилиш саволлари

1. Инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи қандай ҳозирги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?

2. Инсон ҳуқуқларининг қайси "уч авлоди" фарқланади?

3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз тараққиётида қайси уч босқични босиб ўтган?

4. Ҳозирги кунда давлатлар ўз Конституцияларида мустаҳкамлаган инсон ҳуқуқларига оид қандай муҳим қоидаларни биласиз?

5. Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қайси беш таркибий қисмдан иборат?

6. Ҳозирги замонда дунё мамлакатларидаги демократия ва инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг қандай ўзига хос хусусиятларини биласиз?

7. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қачон қабул қилинган?

8. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида зикр этилган инсон асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ифодасини топган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаларини биласиз?

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХС КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ, ЭРКИНЛИК ВА БУРЧЛАРНИНГ ЮРИДИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ (КЛАССИФИКАЦИЯСИ)

1-§. Шахс ҳуқуқий мақоми тушунчаси

2-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг принциплари

3-§. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

4-§. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг конституциявий таснифланиши (классификацияси)

1-§. Шахс ҳуқуқий мақоми тушунчаси

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш йўлига ўтди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, шахснинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Халқимизнинг бой маънавий салоҳияти, унинг тасарруфида бўлмиш улкан табиий бойликлар ва техникавий имкониятлар, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалар демократик ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни босқичма-босқич яратиш имконини бермоқда.

Шахснинг ҳуқуқий мақоми деганда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчларининг мажмуи тушунилади.

Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" ифодасини топган қоидаларни яхлит муштаракликда мужассамлаштириб олган.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ички ва ташқи сиёсатида БМТнинг иккинчи Умумжаҳон конференциясида 1993-йили тасдиқланган "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг универсаллиги" талабларига қатъий риоя этиб, улар ҳимояси барча давлатларни қонуний равишда ташвишлантириб турувчи муаммо эканлиги ҳақиқатидан келиб чиқади. Бугун жаҳонда 300 дан ортиқ ҳужжат инсон ва фуқаролар ҳуқуқи соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ташкил этади. Уларнинг аксариятини БМТнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади.

Универсал мақомдаги ҳужжатлардан ташқари, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялашнинг минтақавий тизимлари фаол шакллантирилмоқда.

Бугунги кунда Европа, Америка ва Африка тизимлари минтақада инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кўпроқ ривожланган тизими ҳисобланади.

“ Жамиятнинг, давлатнинг шахслар билан бўладиган ва ҳуқуқий нормалар билан белгиланадиган ўзаро муносабатлари шахснинг ҳуқуқий ҳолати деб аталади”[1].

Жамият ва давлатнинг шахс билан муносабатлари Конституция нормаларида ўз ифодасини топади.

2-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг принциплари

[1] Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик.-Т.: ИИВ Академияси, 1997.114б

Ўзбекистонда фуқаролар конституциявий мақомининг асосий принциплари Конституциянинг бешинчи бобида мустаҳкамланган. Хусусан, Асосий қонуннинг 18-моддасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги мустаҳкамланган.

Тенг ҳуқуқлилик тушунчасини аввалларии социалистик таълимотнинг мазмуни сифатида илгари суриладиган *ижтимоий тенглик* тушунчаси билан аралаштириб юбормаслик керак.

Тенг ҳуқуқлилик - инсонларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларда ўзаро тенглигини англатади. Ижтимоий тенглик эса–ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишда ҳамманинг тенг бўлишини таъкидлайди. Ижтимоий тенглик инсоният ўз истеъмол эҳтиёжига нисбатан кўпроқ товар ишлаб чиқара бошланганидан буён ҳеч қачон ва ҳеч қаерда мавжуд бўлмаган. Демократик мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий-иқтисодий тенглик мавжуд бўлмаган шароитда ҳам тенг ҳуқуқлилик амал қилиши мумкин экан.

Албатта, кишиларнинг турли ижтимоий мавқеини эгаллашлари орқали улар ҳуқуқларида тенгликни амалга ошириш муайян муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келиши муқаррар. Масалан, дастлабки қамоқ чорасидан гаров, яъни муайян пул миқдори эвазига озод бўлиш имкониятига нисбатан бадавлат кишилар эга, ижтимоий мавқеи паст кишилар бундай имкониятга эга бўлмай, улар суд ҳукмини қамоқда кутишига тўғри келади. Бироқ етарли маблағ ва воситаларсиз кишилар сонининг салмоғи ўша жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражасига боғлиқдир. Бу даража қанчалик юқори бўлса, бундай кишилар жамиятда кам бўлади.

Конституциялар тенг ҳуқуқлилик тамойилини турлича изоҳлайдилар: гоҳида *тўғридан-тўғри* (позитив), гоҳида *ажратишни, камситишни ман этиш* кўринишида, баъзан эса икки усулни биргаликда қўллаш орқали тушунтирадилар.

Баъзан аёллар ва эркаклар тенглиги алоҳида кафолатланади, шунингдек, у ёки бу муайян ҳолатларидан қатъий назар, тенглик (ирқи, миллати, келиб чиқиши, терисининг ранги ва бошқалар) кафолатланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тенг ҳуқуқлилик, асосан, инсон ва фуқаро ҳаёти учун энг муҳим ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларни ўз ичига олганлиги боис улар конституцияларда кафолатланади.

Ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг нисбатан кам аҳамиятлилари турлича бўлиши мумкин. Бу ҳолда ҳам тенг ҳуқуқлилик тамойили тўла маънода сақланиши лозим. Масалан, чет элликлар учун муайян чеклашлар тадбиқ этилган бўлса, унинг қандай қўлланилишини ҳам назарда тутиш керак.

Ривожланган демократик давлатларда инсон ва фуқароларнинг ҳар хил камситилиши тўла барҳам топган деб айтиш қийин. Худди шундай камситишлардан бири АҚШда ҳалигача қора танли аҳолига нисбатан муносабатларда намоён бўлиб, бу ҳолатларни бартараф қилиш ўта мураккаб ирқий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жамиятда ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилиши натижасида кишиларнинг муайян соҳада ўзаро бир-бири билан ҳамкорлик қилишларига тўғри келади, бу ҳолат охир оқибатда муайян ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланишига сабаб бўлади.

Бундай чекланишларнинг мавжудлиги бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш зарурияти билан ҳамда давлат ва жамиятнинг, худди шунингдек ҳар қандай жамоанинг нормал фаолиятини таъминлаш зарурияти билан изоҳланади.

Бироқ ҳар қандай чеклашларга Конституцияда назарда тутилган ҳолатлардагина йўл қўйилиши лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, конституцияларда у ёки бу ҳуқуқ ва эркинликларни вақтинчалик чеклаш имкониятлари назарда тутилган, бундай чеклашлар фавқулодда ҳолатлар (уруш, табиий офат ва бошқалар) рўй берган даврда ҳаётга тадбиқ этилиши мумкин.

Ушбу нормаларнинг мамлакатимиз Конституциясида белгиланиши Ўзбекистонни демократик давлатлар қаторидан ўрин олишига имкон берди. Барча инсонларнинг қонун олдида тенглиги ва қонун томонидан бир хилда ҳимояга эга эканлиги демократик давлат хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган фуқароларнинг қонун олдида тенглиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси талабларига тўлиқ мос келади. "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғликдир. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас", -деб Конституциянинг 19-моддасида ёзиб қўйилган.

Бу қоиданинг муҳимлиги шундаки, бир давлатда яшовчи халқлар шу туфайли, ҳеч бир низосиз ягона жамиятга бирлашиб яшайдилар. Шундай экан, давлат – эркин кишиларнинг олий даражадаги иттифоқи ҳисобланади. Машҳур француз олими Жан Жак Руссонинг фикрича, фуқаролар ижтимоий шартнома асосида давлат тузадилар.

Демак, фуқаро ва гражданлар орасидаги муносабатлар қанчалик илмий, ҳаққоний ва адолатли асосларда мавжуд бўлса, мамлакатда тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриб, жамият ривожи ва турмуш даражаси шунчалик юқори бўлади.

Яна бир муҳим ҳаётий масалалардан бири фуқаролар Конституция ва қонунлар олдида тенг ва ҳеч қандай ажратишларсиз қонун томонидан тенг ҳимоя қилинадилар. Ушбу қоиданинг муҳимлиги шундаки, қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгилаб қўйилиши, шунингдек ушбу ҳуқуқ ва бурчларнинг дахлсизлиги таъминланиши лозим.

Ҳеч ким ва ҳеч қандай ташкилот Конституция томонидан белгиланган ушбу қоида ва қонунларни бузиши мумкин эмас. Шахс дахлсизлиги қонун томонидан муҳофаза қилинади. Масалан, жиноят ҳуқуқида фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига, шаъни ёки мулкига қарши қаратилган муайян қилмиши учун тегишли даражада жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қайси норманинг бузилишини қонун бўйича суд органлари кўриб чиқади ҳамда унга доир тегишли ҳукм ва қарорлар қабул қилади.

Конституцияга мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки ҳуқуқларини чеклаш фақат суд органлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишида фақат қонунда кўзда тутилган чеклашларгагина йўл қўйилиши мумкин. Бу чеклашларга бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эътироф этиш, ахлоқнинг одилона талабларини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси умумий фаровонлиги йўлидагина йўл қўйилиши мумкин.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари, фуқаро ва давлатнинг ўзаро алоқаси, ўзаро масъулияти концепцияси фалсафий дунёқарашлар ва ҳуқуқий тартибга солишнинг муайян таъсири остида шаклланиб келди. Инсон ҳуқуқлари табиатининг икки тарафлама хусусияти табиий-ҳуқуқий ва ижобий назариялар пайдо бўлишига олиб келди.

Италиялик профессор Черонининг сўзларига кўра, инсон ҳуқуқларининг "ҳуқуқий тартибларга тааллуқли бўлмаган ҳолда ахлоқ соҳаси, адолат мезонларидан ажратиб олиниши" биринчисига хос бўлиб, иккинчиси, "замонавий ҳуқуқнинг давлат томонидан белгиланган ёки кафолатланган ҳуқуқ сифатидаги ижобий (позитив) ҳуқуқ табиатини таъкидлайди".

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларининг табиий хусусияти ва уларни тартибга солишга тааллуқли концепцияларни бир-биридан айри ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Гарчи мавжуд жараёнлар турли вақтларда кечса ҳам, улар бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлик таъсирида бўлади. Ўзаро масъулиятларсиз ва давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоясиз ҳар қандай назарий ёки диний дунёқараш доим ҳам мавҳум фикрлигича қолаверади. Инсон ҳуқуқлари фалсафий-ҳуқуқий концепцияси шаклланишининг яхлит жараёни мазкур далилни тасдиқлайди.

Ж.Ж.Руссо ўзининг "Ижтимоий шартнома" назариясида фуқаролар давлатни ижтимоий адолат ва шахс билан давлат ўртасидаги ўзаро масъуллик принципи асосида шакллантиришларини асослаб берди. Бунинг оқибатида фуқаролар ҳам давлат каби фақат муайян ҳуқуқларга эга бўлиб қолмасдан,

балки улар бир-бирлари олдида муайян мажбуриятларга ҳам эга эканликлари тўғрисида хулоса чиқарилади.

Бу қоида қатор универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилди. Шахс ҳуқуқларига устуворлик берилгани ҳолда, "Декларация" бу ҳуқуқларни шахс яшаб турган жамиятдан айри ҳолда кўриб чиқади. Шунинг учун шахс ҳуқуқлари мутлақ хусусиятга эга бўлмай, балки жамият олдидаги мажбуриятлар билан чекланади.

"Декларация"да таъкидланадики, "ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эгадир" (29-модда, 1-банд). Шахс ҳуқуқларининг жамият олдидаги мажбуриятлар орқали ўзаро боғлиқлиги фақат жамиятгина "шахснинг эркин ва тўла ривожланиши"ни 29-модда таъминлаши мумкинлиги билан изоҳланади. Шахс мажбуриятлари муфассал изоҳланмаганлиги БМТ Уставида "инсон ҳуқуқига ишончни яна қарор топтириш" вазифаси қўйилганлиги билан асосланади. Айнан шу боис "Декларация"да ҳуқуқларга биринчи даражали аҳамият берилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини шахснинг узвий хусусияти сифатида талқин қилиб, "Декларация" уларнинг устувор мақомини мустаҳкамлайди. Бу билан шахс мақомини белгилашда давлатнинг ўзига хос ролини камситади. "Декларация"нинг 3-моддаси кескин тарзда "бирор-бир давлат, шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахсларга ҳуқуқ ва эркинликларни йўқотишга қаратилган фаолият ёхуд ҳатти-ҳаракатлар билан шуғулланиш"ни таъқиқлайди.

Ҳозирги даврда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бутун бир туркуми билан мустаҳкамлаб қўйилган. Улар орасида одил судловни амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи ҳужжатлар алоҳида ўрин тутади. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Қамоқдагилар билан муомала қоидаларининг энг минимал стандартлари (1955);
- ЕХҲКнинг Якунловчи акти (1975);

- Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракат кодекси (1997);

- Судлов идоралари мустақиллигининг асосий принциплари (1985);

- Судлов идоралари мустақиллиги асосий принципларини самарали амалга ошириш процедуралари (1990);

- Ҳуқуқшунослар ролига тааллуқли асосий принциплар (1990);

- Ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашни кафолатловчи чоралар (1984);

- Қандайдир бир шаклда ушлаб туриш ва қамоқ жазосига маҳкум этилган барча шахсларни ҳимоялаш принциплари тўплами (1998);

- БМТнинг балоғат ёшига етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тааллуқли энг паст стандартдаги қоидалари (Пекин қоидалари, 1985) ва бошқалар.

Агар илгари халқаро ҳуқуқ доктринасида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тавсиявий хусусиятдаги ҳужжатлар ҳисобланса, бугунги кунда мутахассисларнинг кўпчилиги кўрсатилган меъёрларни халқаро одат ҳуқуқнинг қисми бўлмиш умуммажбурий меъёрлар сифатида баҳолаш зарурлигини қайд қилмоқдалар.

Ўзбекистон қонунлари билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан қонуний чеклашларга қўйиладиган аниқ талаблар қуйидагича белгиланган:

1) фақат қонунга асосланиш;

2) бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, ахлоқ талабларини, демократик жамиятда жамоат тартиби ва ижтимоий фаровонлик талабларини қондириш мақсадларида амалга ошириш.

Шу билан бирга ҳуқуқ ва эркинликларни чеклашга фавқулодда ҳоллардагина йўл қўйилади.

Халқаро ҳуқуқий меъёрлар устунлигини эътироф этиб, ўз-ҳуқуқий тизимини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон кўрсатилган стандартларга асосланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири)да айтиладики, Ўзбекистонда одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади (2-модда). Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПК, ФПК ва ХПК, шунингдек, "Прокуратура тўғрисида", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сайлови тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Психиатрия ёрдами тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Алоқа тўғрисида" ва бошқа айрим Қонунларда инсоннинг турли ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш процедуралари ҳамда доиралари аниқ белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Конституциясининг 20-моддасига биноан, Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Инсоният тарихи муайян ижтимоий гуруҳ ёки синфнинг ҳаддан зиёд хоҳиш ва эҳтиёжлари бошқа ижтимоий гуруҳ ҳамда якка шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг қўпол бузилишига, менсимасликка олиб келишига оид кўпдан кўп воқеалар гувоҳи бўлди.

Тарихан ишлаб чиқилувчи ижтимоий маданият ўзининг ҳаётийлигини йўқотмаслиги, турғунликда қотиб қолмаслиги учун цивилизация индивидуалликни таъминловчи ва ҳимоя қилувчи ҳуқуқни ҳам ўз ичига олмоғи зарур.

Инсоният тарихи айрим ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда мувозанатнинг ошкора бузилиши, бир ижтимоий гуруҳнинг табиий ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг камситилиши ва уларнинг инобатга олинмаслиги ҳисобига ривожланиши оқибатида инқилоблар ва турли кўринишдаги ижтимоий зиддиятлар келиб чиққанлигига гувоҳдир.

Инсониятнинг узоқ тарихи мобайнида юз минглаб урушлару зиддиятли тўқнашувлар тўфонидан ўтиб, шундай исбот талаб қилмайдиган хулосага келиндики, кимнингдир бахтиёрлиги ва фаровонлигига ҳеч қачон бошқа бировларнинг ғам-андуҳи ҳамда бахтиқаролиги ҳисобига асло эришиб

бўлмаслигига бот-бот амин бўлди. Шу муносабат билан машҳур немис файласуфи И.Кант, бир кишининг эрксизлиги тугаган жойда бошқасининг озодлиги бошланади, деган эди.

Мана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва жаҳондаги аксар демократик давлатларнинг Конституцияларида ушбу принцип у ёки бу шаклда мустаҳкамлаб қўйилди.

Мисол қилиб, 1996 йили қабул қилинган "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактни кўрсатиш мумкин. Унинг 19-моддасида шундай ёзиб қўйилган: "Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ мустақил ҳолда ёзма равишда ё матбуот воситасида ёхуд ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади. Ушбу қоидага биноан ҳар бир киши ҳеч бир монеликсиз ўз фикрига эга бўлиши муқаррар.

Шу билан бирга мазкур меъёрнинг учинчи қисмида жиддий эслатма ҳам баён қилинган: "Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида маъсулият юклайди". Ҳужжатда қонун йўли билан белгиланиши лозим бўлган муайян чеклашлар ҳақида ҳам сўз боради. Жумладан:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқи ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ва ахлоқни муҳофаза этиш.

Ҳужжатдан кўриниб турибдики, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, жумладан, сўз эркинлиги ҳуқуқи фақат бевосита ажралмас ҳуқуқ бўлиб қолмасдан балки муайян ҳуқуқларнинг мавжудлиги фуқарога алоҳида масъулият ҳам юклашининг ифодасидир. Бу маъсулият, аввало, шундан иборатки, бошқаларнинг ҳуқуққа риоя этиши ҳуқуқларни рўёбга чиқариш чоғида устувор қоида ҳисобланади.

Аксар демократик давлатларнинг қонунчилигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини доимо чеклашларга, куч ишлатиш ёки куч ишлатишга

тўғридан тўғри даъватга, муайян шахсларнинг қадр-қиммати, обрўсини ҳақоратлашга қарши қатор қонунлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида шундай мазмундаги қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистоннинг ҳар бир қонуни амалда фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймасликка ва инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг амалдаги тенглиги таъминланишига қаратилган бир қатор меъёрларга эга.

Бунга Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни мисол бўла олади. Қонуннинг 6-моддасида шундай дейилади: "Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш таъқиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилувчи қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиш, номини кўрсатмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини ошкор қилиш (суд ошкор этишни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно) тақиқланади".

Фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклашни тақиқловчи қонунлардан ташқари, давлат қонунчилигида (айниқса, жиноий) миллий, диний ёки ирқий ихтилофларни келтириб чиқаришга қаратилган даъватларни тақиқлашга йўналтирилган меъёрлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасининг 2-қисми "имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принциларига мос бўлиши шарт"лигини таъкидлайди.

Мазкур қоида Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатларининг бутун бир туркумида мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга биноан фуқароларнинг фақат айрим қатламлари – нафақахўрлар, ногиронлар, хотин-қизлар, болалар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимларига фақат Қонунга мувофиқ бирор-бир имтиёз берилиши мумкин. Кўрсатилган имтиёзлар ижтимоий адолат ва қонун олдида тенглик принциплари асосида берилади.

Бу тамойил ўз хусусиятига кўра конституциявий ривожланишнинг асосий тамал тошларидан бири ҳисобланади. У ўрта асрлардаги тенгсизликка қарама-қарши қўйилган бўлиб, инсон, жамият ва давлат ҳамда инсонларнинг ўзаро муносабатларида демократик принципнинг ўзаги сифатида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

3-§. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Ҳуқуқ ва эркинликлар ўртасидаги кескин юридик фарқни кўрсатиш анча мушкул иш. Умумий ҳуқуқнинг назариясидан бизга маълумки, субъектив ҳуқуқ бу шахс йўл қўйиши мумкин бўлган хулқи чегарасининг ўлчови. Фикримизча, бу таъриф эркинлик тушунчасига ҳам мос келади.

Шу билан кўпчилик ҳолларда, субъектив ҳуқуқ ҳақида гап кетганда, ушбу ҳуқуққа тегишли муайян бурчлар мавжуд бўлиб, у ҳуқуқ субъектларига маълум даражада тегишли бўлади.

Масалан, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи эълон қилинганда, унинг табиатига кўра мажбурият субъектлари сифатида давлат (айрим ҳолларда нодавлат) соғлиқни сақлаш муассасалари ёки амалиёт билан шуғулланувчи муайян тиббиёт ходимлари қатнашадилар.

Эркинлик ҳақида гап кетганда, ушбу эркинликни рад этиш ёки чеклаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаганлиги ушбу эркинликни ҳурмат қилишнинг

мажбурлиги тушунилади, акс ҳолда тегишли ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд бўлади.

Айтайлик, Конституцияда сўз эркинлиги берилган бўлса, инсон давлатдан ушбу ҳуқуқ асосида ўз фикрини ошкора қилишига қаршилик қилувчи ҳар қандай субъектдан ҳимоя қилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Юқорида баён қилинган ҳуқуқ ва эркинлик ўртасидаги фарқлар жуда шартли бўлиб, у барча ҳолларда ҳам бир хилда қўлланилиши мумкин эмас.

Масалан, агарда таълим бериш эркинлиги (академик эркинлик) белгиланган бўлса, у ҳолда ўқитувчининг бу эркинлигини таъминлаш мажбуриятининг субъекти ўқув юртининг маъмурияти ёки шу ўқув юртининг ҳомийси тимсолида бўлади ва улар таълим бериш эркинлигини ҳурмат қилишлари ва кафолатлашлари шарт Акс ҳолда улар бу эркинликни чекловчилар қаторига қўшилиб қолишлари мумкин. Шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатлардаги қонун чиқарувчи ҳокимият, одатда, конституцияларда субъектнинг позитив ҳуқуқларини белгилашдан ёки ушбу ҳуқуқларни санаб ўтишдан кўра, тегишли эркинликларнинг кафолатланишини афзал кўриши эътиборга лойиқ.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва иккинчи томондан, уларнинг бошқа кишилар, давлат ва жамият олдидаги бурчлари орасидаги ўзаро алоқадорликни инкор қилиш хато бўлур эди. Зеро, умумий ҳуқуқ назариясидан бизга маълумки, бурч бу хулқнинг зарурий меъёри ҳисобланади. Инсон муайян қоидаларга риоя қилиши керакки, у ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланганида, бошқа кишиларга асоссиз равишда зиён етказмаслиги ва жамиятнинг нормал ҳаёт кечиришига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Конституциялар ҳаётийлигини таъмин-ланишининг зарурий шарти–ўз мазмуни ва моҳиятини инсон ва фуқаролар ҳуқуқ–эркинликлари билан бойитилишида ифодаланади.

Юридик адабиётларда инсон ҳуқуқларининг ажралмас эканлиги такидланиб, унинг мавжудлиги тегишли бурчларни бажармасликка ёки бажаришга боғлиқ эмас, деган қарашлар мавжуд. Фуқароларнинг ҳуқуқлари эса

давлат олдида қатор бурч ва мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ, деб кўрсатилади. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, шахснинг армияда хизмат қилмаганлигини рўкач қилиб, уни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин эмас.

Бундан шундай хулосага келиш мумкин: ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишни муайян бурчни бажариш билан боғлаб қўйиш тўғри эмас. Шу билан бир вақтда, инсон ва фуқароларнинг ўз бурчларини бажариши давлат ва жамиятнинг нормал ҳаёт кечириши умумий омил ҳисобланади ва ниҳоят, шуни қайд қилиш керакки, конституциявий бурчлар икки қирралиги, яъни инсонларнинг муайян бурчлари ва фуқароларнинг бурчлари билан ажралиб туради.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий ифодаланишининг икки усули – позитив ва негатив усуллари мавжуд:

а) позитив усулда, конституция субъектнинг муайян ҳуқуққа эгалигини белгилайди ёки такидлайди;

б) негатив усул шундай ифодаланадики, унга кўра ҳар қандай субъектга ўзга субъектнинг ҳуқуқ ёки муайян эркинлигини бузиш ёки чеклаш таъқиқланади.

4-§. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг конституциявий таснифланиши (классификацияси)

Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар доирасининг доимий равишда кенгайиб бориши, уларни маълум гуруҳларга ажратишни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқ институтлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва улар ечимини топишни енгиллаштиради.

Таснифлаш турли хил мақсадларда ва асосларда ўтказилиши мумкин. Бироқ шуни ёдда тутиш керакки, гуруҳлаштириш шартли равишда кечади, чунки кўп ҳолларда бирор ҳуқуқ ёки эркинлик ёхуд бурч бир пайтда икки ёки ундан кўп таснифий гуруҳларга тегишли бўлиши мумкин. Улар қуйида таклиф этилаётган таснифлаштиришда ўзларининг асосий мазмунлари жиҳатидан яқин

бўлган гуруҳларга киритилади. Масалан, виждон эркинлиги шахсий эркинликлар туркумига киради, айрим мамлакатларда эса, у аниқ ифодаланган сиёсий характер тусини олади.

Таснифлаштиришнинг бири билан биз юқорида танишиб чиқдик: яъни ҳуқуқларни инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларига ажратиш.

Таснифлаштиришнинг яна бир кўриниши ҳуқуқ, эркинлик ва бурч субъектларининг характери билан боғлиқ асосда амалга оширишдир. Бунда ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларни *индивидуал* ва *жамоа(коллектив)* турларига ажратиш мумкин.

Тўғри, индивидуал ҳуқуқ кўп ҳолларда жамоа шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Аммо у жамоа ҳуқуқидан фарқли равишда, одатда индивидуал тарзда амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин. Жамоа ҳуқуқини эса унинг моҳиятига кўра индивидуал тарзда амалга ошириш мумкин эмас.

Масалан, иш ташлаш ҳуқуқи – жамоа ҳуқуқидир. Индивидуал тартибда иш ташлаш – иш ташлаш ҳисобланмасдан, балки у ишга келмаслик деб баҳоланиши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар ўз характерига кўра индивидуалдир. Бироқ бу ҳолат конституцияда доимо аниқ ва равшан қилиб белгиланмайди.

Шуни ҳисобга олиш керакки, индивидуал ва жамоа ҳуқуқлари ўртасида баъзан объектив қарама- қарашликлар келиб чиқади.

Индивидлар (алоҳида шахслар) ўзаро тенг ҳуқуқли турли жамоа ёки бирлашмаларга аъзо бўлиб, жамоа ҳуқуқини амалга оширишда эса турли даражадаги индивидуал имкониятларга эга бўлиши мумкин. Масалан, парламентда икки ҳудудий жамоа тенг вакилларга эга бўлиб, улардан биридаги сайловчилар сони иккинчи ҳудуд сайловчиларидан икки марта кўп бўлса, ушбу ҳолатда биринчи ҳудуддаги ҳар бир сайловчининг овози иккинчи ҳудуддаги икки сайловчининг овозига тенг бўлади.

Баъзан миллий ҳаракат йўлбошчилари миллий гуруҳ ёки жамоаларнинг ҳуқуқларидан ўзларининг шахсий ёки тор сиёсий манфаатларини кўзлаб фойдаланадилар. Бу ҳолат гоҳида шу гуруҳ ёки жамоанинг умумий манфаатига зид бўлиб, оқибатда фақат зарар келтириши мумкин. Инсонлар жамоа ҳуқуқларининг бундай йўл билан ўзлаштирилиши муаммолар ечимини чигаллаштриб, низоли вазиятларни келтириб чиқаради.

Ушбу муаммо, айниқса, миллий муносабатларда юзага келаётган низоларга тез-тез сабаб бўлиб туради. Миллий ҳаракатларнинг намоёндалари кўп ҳолларда миллий жамоа ҳуқуқларини инсонларнинг индивидуал ҳуқуқларидан устун қўйишга ҳаракат қилишади, бундай ҳолатларни собиқ Шўролар давлати ўрнида пайдо бўлган айрим давлатларда учратишимиз мумкин.

Индивидуал ва жамоа ҳуқуқларининг ўзаро муносабатидан келиб чиқувчи муаммолар ечимини бир томонлама ҳал қилиш мумкин эмас. Шунинг учун устуворлик инсоннинг ажралмас индивидуал ҳуқуқи билан белгиланиши зарур.

Ҳаракатлар қайси мақсадда ва қандай эзгу ниятда амалга оширилишидан қатъий назар, бошқаларнинг эрки ва ҳуқуқларини чеклаш ва уларга зиён етказиш ҳисобига эришишни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди.

Булардан ташқари ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларни, *асосий ва қўшимча* турларга ажратиш мумкин. Масалан, давлатни бошқаришда иштирок этиш асосий ҳуқуқ ҳисобланса, сайлов ҳуқуқи ундаги ҳосила ҳуқуқ бўлиб, унинг мазмунини ифодалаш шакли ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимлар ва эркинликларнинг тарихий ривожланишини уч босқич ёки уч авлодга ажратишади.

Биринчи босқич, дунёда конституционализмнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, дастлабки конституциявий ҳужжатларда ҳуқуқ ва эркинликларнинг икки гуруҳи *қоида* сифатида фуқаролик ва сиёсий жамият дуализми қайд этилган.

Бу фуқаролик ҳуқуқи ва эркинликларига мувофиқ, яъни бизда қабул қилинган шахсий ҳуқуқлар шахс дахлсизлиги ва унинг процессуал кафолатлари (масалан, уй-жой дахлсизлиги) ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар-сайланиш ҳуқуқи, сўз, матбуот эркинликлари ва бошқалардир.

Иккинчи босқич, XX асрнинг биринчи ярми ва асосан, аср ўрталарида яратилган Конституцияларда ҳар томонлама мустаҳкамланиб қўйилган ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар бўлиб, улар асосан ёлланма меҳнат вакиллари манфаатларини ҳимоялаш: меҳнат ҳуқуқи ва унинг кафолатларини, шунингдек ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликлар туркумини таълим олиш ҳуқуқи, илм-фан ва маданият ютуқларидан фойдаланиш каби меъёрларини ўзида ифодалайди.

Учинчи босқич, XX асрнинг иккинчи ярмида дунёвий муаммоларнинг кучайиши, улар сирасидан бўлган экологик муаммоларнинг кескинлашуви ва айрим ривожланган мамлакатларнинг информатизация даврига кириб бориши билан ифодаланади. Шу каби омиллар соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш, маълумот олиш ва шу каби бошқа ҳуқуқларнинг эътироф этилишига олиб келди.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг ривожланиш босқичларидан қатъий назар, Конституциявий ҳуқуқ ривожланишининг асосий йўналишларида-ижтимоийлашув, демократлашув ва байналминаллашув омилларининг яққол намоён бўлиши кузатилмоқда. Конституцияларда эълон қилинаётган ҳуқуқ ва эркинликларни юридик баён қилиш сифатларининг доимо такомиллашиб боришини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бизнинг фикримизча ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг мазмуни ва моҳияти бўйича таснифлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таснифлаш шарт-шароитларига доир юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва бурчларини *асосий гуруҳларга ажратиш* қуйидагича қабул қилинган.

Биринчи гуруҳ: инсон шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, яъни яшаш ҳуқуқи, шахсий даҳлсизлик ва турар-жой дахлсизлиги каби ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар.

Иккинчи гуруҳ: давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш, овоз бериш, йиғилиш ҳуқуқи, ватанни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар.

Учинчи гуруҳ: меҳнат ҳуқуқи, меҳнат эркинлиги, мулк ҳуқуқи, солиқ тўлаш бурчи, таълим олиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги ва шу кабилар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ эркинлик ва бурчлар гуруҳини ташкил этади.

Айнан худди шундай туркумлаш асосида ўзбек қонунчилиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг тизими мустаҳкамлаб қўйилган:

- энг аввало, умумий қоидалар ифодаланган бўлиб, инсон ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларида ўзаро тенглиги;

- фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари жамият ва давлат ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, уларнинг қонуний манфаатларига путур етказмасликлари;

- ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг дахлсизлиги қоидалари белгиланган.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг кейинги жойлашуви тегишли ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг мазмунига асосан мустаҳкамлаб қўйилган:

1) шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар;
2) сиёсий ҳуқуқлар;
3) иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар;
4) фуқароларнинг бурчлари.

Юридик адабиётларда инсон ҳуқуқларини бошқа мезонлар асосида ҳам таснифлаш учрайди.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Шахс ҳуқуқий мақоми даганда нимани тушунасиз?

2. Шахс ҳуқуқий мақомининг принципларига нималар киради?

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тараққиёти босқичлари қачондан бошлаб ўрганиб келинмоқда?

4. Ҳозирги демократик давлатлар Конституцияларида инсон ҳуқуқларига оид қандай муҳим қоидалар мустаҳкамланган?

5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси мазмунини сўзлаб беринг.

6. Тенг ҳуқуқлилик тушунчаси нимани англатади?

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларида ҳуқуқ ва эркинликларнинг ифодаланиши
Инсон ва фуєаролар асосий ҳуқуқ ва эркинликлари нинг бегоналашмас лиги
Инсон ва фуєаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенглиги
Инсон, фуқаролар ҳуқуқи ва мажбуриятлари-нинг бирлиги
Шахс ҳуқуқий мақомининг конституция-вий прин-циплари
Инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини тадбиқ қилишда алоҳида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузишига йўл қўймаслик
Инсон, фуқаролик ҳуқуқи ва эркинликлари-нинг бевосита амал қилиши
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилади ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий нормалари асосида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди
Инсон (фуқаро) ҳуқуқ ва эркинликлари нинг одил судлов томонидан муҳофазаланиши

X БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ВА УНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Фуқаролик тушунчаси

2-§. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг ҳуқуқий асослари

3-§. Фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ва йўқотиш

4-§. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш ва фуқароликни йўқотиш асослари

5-§. Ўзбекистон Республикасида фуқароликни тўхтатилиши

6-§. Фуқаролик масалалари билан шуғулланувчи давлат идоралари

7-§. Фуқароликка оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш тартиби

1-§. Фуқаролик тушунчаси

Фуқаролик деганда жисмоний шахснинг маълум бир давлат билан мустаҳкам ҳуқуқий боғланишига айтилади. Бунда фуқаронинг тегишли давлатга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда унинг суверен давлат томонидан ҳимоя қилинишида ифодаланади.

Мазкур ҳуқуқий алоқа инсоннинг туғилганида юзага келиб, унинг бутун умри давомида сақланиб қолади. Ушбу боғлиқлик инсоннинг туғилган ва яшаётган ҳудуд билан чекланмай, давлат ташқарисида ҳам ўз кучини йўқотмайди. Фуқаролар ҳуқуқи ва бурчларини давлат ўзи белгилаб беради. Турли мамлакатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бир хил эмас. Улар мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий иқтисодий ва маданий даражасига боғлиқ.

Илк бор "фуқаро" атамаси Француз революциясининг 1799- йилдаги "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси"да баён этилган.

1948-йилда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумжаҳон Декларациясига биноан, ҳар бир киши табиий, ажралмас, дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликларга эгадир. Барча давлат идоралари

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий ижтимоий қадриятлари, деб билиб, уларни таъминлашга ва муҳофаза қилишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Конституциясининг 21-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқаро томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа кишиларнинг ҳуқуқларига зид бўлмаслиги лозим. Ҳар бир киши Конституцияда белгиланган вазифаларни бажаради, жамиятнинг нормал ривожланиши учун шу вазифалар бажарилиши зарур.

Конституциянинг қоидалари бевосита амал қилади ва барча давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Конституцияда мустаҳкамлаб берилган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар суд йўли билан ҳимоя қилиниши лозим.

Шахс ва жамиятнинг ўзаро масъулияти - ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгисидир. Нодемократик давлатда фақат фуқаронинг давлат олдидаги масъулияти тан олинади. У гўё фуқарога ҳуқуқ ва эркинлик бераётгандай бўлади ва унинг мақомини тайинлайди. Ҳуқуқий давлатда эса бунинг аксини кўрамиз. Бу ерда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар қошида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари учун масъуллиги масаласига эътибор қаратилади. Бу масъулият фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлайдиган ва кескин жазо чоралари кўрилишини кўзда тутадиган тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлган шароитдагина амалий тус касб этади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслигининг муҳим кафолати конституциявий қоида бўлиб, унга биноан давлатнинг ҳокимият тузилмалари ҳар бир кишига унинг ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита тегишли

бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишишни таъминлашга мажбур. Ҳуқуқий давлатда ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи тан олинади.

2-§. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992- йил 2- июлда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунида фуқаролик масалалари, унинг ҳуқуқий ҳолати қонун йўли билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали фуқаролар олдида масъулдирлар, фуқаро эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқ, эркинликларини ва манфаатларини ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари фуқароликни олиш асосларидан қатъий назар барча учун тенгдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи, миллати, жинси, маълумоти, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг туридан ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни бир пайтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаросидир.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1. Келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқодидан, машғулотининг тури ва савиясидан қатъий назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар:

2. Давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарисида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлсалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар:

3. Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёҳуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролигини тўхтатилишига олиб келмайди.

Конституциянинг 22-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахс фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан қилган маърузасида шундай деган эди: "Шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини

қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва эркинликларини Республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади".[1]

3-§. Фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ва йўқотиш

Фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ва йўқотиш алоҳида давлатларнинг ички қонунчилиги – Конституциялар, фуқаролик қонунлари ва қонунчилик актлари асосида амалга оширилади.

Фуқароликнинг юзага келиши (келиб чиқиши) натурализация йўли билан, халқаро шартнома асосида ва айрим ҳолларда - реинтеграция (тикланиш) орқали ва тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқароликни қабул қилишнинг асосий йўли туғилиш орқали келиб чиқади, қолган барча усуллари кам учрайди. Сабаби кўп кишилар туғилиши билан фуқароликни қабул қилиб, ўз умри давомида уни ўзгартирмайди.

Туғилиш бўйича фуқароликка эга бўлиш 2 та асосий шаклга эга:

"Қон ҳуқуқи" (jus sanguinus) асосида чақалоқнинг фуқаролиги ота-онасининг фуқаролиги билан белгиланиб, туғилган жойига боғланмайди. Бу мақсадга Европанинг кўп мамлакатлари, жумладан - Австрия, Норвегия, Финландия, Италия ва бошқалар амал қилади.

"Замин ҳуқуқи" (jus soli) асосига кўра, фуқаролик чақалоқнинг туғилган жойидан келиб чиқиб, унинг ота-онаси фуқаролиги билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, Бразилия қонунчилигида белгиланишича, бу давлат ҳудудида туғилган ҳар бир шахс Бразилия фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликни қабул қилишнинг усулларидан бири натурализация (фуқароликни қабул қилиш) бўлиб, бу умуман фуқаролиги бўлмаган ёки бошқа давлат фуқароси бўлган шахс томонидан фуқаролик олинишидир. Натурализация тартибда фуқаролик қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

[1].Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: "Шарк", 1993, 9-бет.

а) фуқаролиги бўлмаган ёки фуқаролигини ўзгартирмоқчи бўлган шахс сўровномасига асосан;

б) бир давлат фуқаросининг бошқа давлат фуқароси билан никоҳдан ўтиши асосида;

в) фуқаролиги бўлмаган ёки бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда.

Натурализация асосида фуқаролик бериш ёки рад этиш давлат томонидан ўрнатилган қоидалар билан белгиланади. Натурализация асосида фуқароликни бериш якка тартибда ёки манфаатдор шахс (фарзандликка олишда) розилиги билан амалга ошади.

Барча мамлакатларнинг қонунчилиги бир қатор чекланишларга эга бўлиб, улар асосида шахсларга сиёсий, ижтимоий, диний, миллий ва бошқа сабаблардан келиб чиққан ҳолда натурализацияда рад этилади.

Кўпчилик давлатларда узоқ вақт хотин эрининг фуқаролигига қабул қилинди деган тушунча юқори ўринни эгаллаб келган. Ҳозирги пайтда кўпгина давлатлар қонунчилиги белгилашича, аёл чет эллик шахсга турмушга чиқаётиб, ўз фуқаролигини сақлаб қолиши ёки ўз истаги билан натурализация тартибида эрининг фуқаролигини қабул қилиши мумкин. Бу тартиб умумий жиҳатдан қабул қилиниб, турмушга чиққан аёлларнинг фуқаролиги ҳақидаги 1957 йилдаги Конвенцияда ҳамда аёлларни ҳар томонлама таъқиб этилишини бартараф этиш бўйича 1979 йил Конвенциясида белгилаб ўтилган.

Реинтеграция (дастлабки фуқароликни тиклаш) кам учрайди. Қоида бўйича реинтеграция жараёнида соддалаштирилган тартибдаги фуқароликни қабул қилиш тартиби қўлланилади.

Халқаро шартномалар асосида фуқаролик қабул қилиш ва ўзгартириш кўпинча бундай ҳолатлар тинчлик ҳақидаги шартномалар, реатриация ҳақида келишувлар, ҳудудий масалалардаги келишувлар вақтида бўлади. Бу усул бир неча давлатларнинг бирлашиши билан боғлиқ ҳолда янги давлат таркиб топиши ёки бир давлат бўлиниши натижасида бир неча давлатлар тузилишида, бир қисм ҳудуднинг бир давлатда бошқа давлат тасарруфига ўтиши (цессия),

шунингдек қўшни давлатлар ўртасида алоҳида ҳудудларнинг алмашуви чоғида амалга оширилади.

Ҳудудий ўзгаришлар вақтида кўнгилли равишда фуқаролик танлаш (оптация), ўзгартириш (кўчириш вақтида), автоматик тарзда фуқароликнинг ўзгариши (трансферт) бўлиши мумкин. Трансферт вақтида бир давлатдан бошқа давлатга ўтаётган ҳудуд аҳолисининг, хоҳишидан қатъий назар, бир давлатдан иккинчисига ўтар эди. Трансферт кам учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил сентябридаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси "Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясига" қўшилди. Бу ҳужжатга асосан Ўзбекистон Республикаси консуллик ташкилотлари чет давлатларда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

4-§. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш ва фуқароликни йўқотиш асослари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади:

1) туғилганда;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;

3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;

4) Фуқаролик тўғрисидаги Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

Туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёҳуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган қуйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

1) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса:

2) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида туғилган бўлсаю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий яшаш жойига эга бўлган бўлсалар, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онасининг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёҳуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси белгиланиб, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола, қаерда туғилган бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади. Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосларига кўра ушбу Қонунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш

истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;

3) қонуний тирикчилик манбааларининг мавжудлиги;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

Бу талаблар алоҳида ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасида катта ютуқлари бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган касб ёҳуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Агар шахс:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаётган бўлса, уни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимономаси рад этилади.

Илгари Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахс ўз илтимосига биноан ушбу Қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тикланиши мумкин.

5-§. Ўзбекистон Республикасида фуқароликни тўхтатилиши

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;
3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

4. Ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тўхтатилиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

Фуқаролик тўғрисидаги Қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга руҳсат этилади. Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёҳуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий мажбуриятларни бажармаган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёҳуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зурур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, милицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки соҳта хужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади. Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтганда ёки ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда, ўз навбатида уларнинг 14 ёшга тўлмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

Агар боланинг ота-онасидан бири маълум бўлса, ана шу ота ёки онанинг фуқаролиги ўзгарганида 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги ҳам тегишли суратда ўзгаради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи боланинг ота-онаси ёки ёлғиз отаси ё онаси бўлмаса Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқсалар ва айни бир пайтда улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васийликка ёки ҳомийликка олган боланинг тарбиясида иштирок этмасалар, ота-она, васий ёки ҳомийнинг илтимосига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси чет эл фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ота ёки онанинг илтимосига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат этилиши мумкин.

Чет эл фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзадликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади. Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон

Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Фуқаролиги бўлмаган, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзадликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади. Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олувчиларнинг келишувига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, чет эл фуқаролари томонидан фарзандлика олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзадликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади. Фарзандликка олувчиларнинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, болани фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади

Ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек болалар фарзандликка олинган тақдирда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг фуқаролиги Фуқаролик тўғрисидаги Қонуннинг 34-моддасида кўзда тутилган тартибда фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

6-§. Фуқаролик масалалари билан шуғулланувчи давлат идоралари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролик масалаларига оид ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

2. Чет элда яшаётган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишли илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда уларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида;

4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг тегишли идораларига берилган ваколатлар:

1) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилади;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризаларни асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текширади;

3) фуқаролик масалаларига доир аризани зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллайди;

4) чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайди;

5) Чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлигини қайд этади;

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси.1992й. №9. 338-модда.

6) Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшаб турган фуқароларини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари:

1) чет элларда доимий яшаб турган шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид ариазаларни қабул қилади;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризани асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текширади;

3) фуқаролик масалаларига доир аризаларни зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича Комиссияга йўллайди;

4) чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайди;

5) чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлигини қайд этади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшаб турган фуқароларини ҳисобга олади.

7-§. Фуқароликка оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш тартиби

Фуқаролик масалаларига оид аризалар Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари орқали, чет элда доимий яшовчи шахслар томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.[1]

Чет давлат фуқароси бўлган шахс ўз фуқаролигини ўзгартириш ниятида мазкур давлатнинг муносабатини кўрсатувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалари

[1] Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонун. 23-модда

аризачининг ёзма илтимосига биноан кўриб чиқилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳусусидаги илтимосномалар улар вакилларининг нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган қонуний вакилларининг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқариш тўғрисида ариза топшириш чоғида уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма баён этилиши ва натариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Вояга етмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши тўғрисида илтимоснома топширганда, башарти унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қоладиган бўлса, унинг ўз боласининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига муносабати билдирилган аризаси ҳам тақдим этилиш керак. Бундай ариза нотариус томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Башарти ариза берувчи саводсизлиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли аризани имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан бошқа киши аризани имзолайди, бу ҳақда ички ишлар идораси, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан аризага ёзиб қўйилади.

Шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ариза унинг доимий истиқомат жойида ички ишлар идорасига, чет элда доимий яшайдиган шахс томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасига берилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан боғланаётган вазият бошланган пайтда амал қилиб турган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда

Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномаларнинг қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар ариза берувчи шахсан мурожаат этган тақдирда унинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари, чет элда доимий яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатлари ёки консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда ички ишлар идоралари, тегишли димломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари фуқаролик тўғрисидаги ҳужжатларни бошқа шахслар ёки почта орқали юборилган аризаларга мувофиқ расмийлаштиришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар берилганда давлат божи тўланади, унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади. Фуқаролик масалаларига оид аризани расмийлаштираётган ички ишлар идораси ёки тегишли дипломатик ваколатхонаси ёҳуд консуллик муассасаси мазкур ариза юзасидан асосланган хулосасини чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномалар юзасидан ўз хулосалари ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссияси номига юборадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларига оид хулосаларда ариза берувчининг давлат олдида бажарилмай қолган мажбуриятлари ёки унинг фуқаролар ёҳуд давлат ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбуриятлари ҳусусидаги, уни айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги, ёҳуд унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган, ижро этилиши лозим бўлган ҳукми мавжудлиги ҳақидаги ё бўлмаса мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон

Республикасининг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам хабар қилинади.

Фуқаролик тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддасида кўрсатилган фуқароликка оид масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролик масалалари комиссиясини тузади. Фуқаролик масалаларига оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида комиссия ариза берувчининг далилларини, тақдимноманинг мазмунини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг хулосаларини, бошқа ҳужжатларни ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган гувоҳлар кўрсатмаларини атрофлича баҳолайди.

Башарти, шахс Қорақалпоғистон Республикасига бориб яшамоқчи бўлса, комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг уни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул этиш ёки унинг фуқаролигини тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги, шу жумладан Республикада узга иш, турар жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги фикрни эътиборга олади.

Комиссия ўз ихтиёридаги иш юзасидан материаллар ва ҳужжатларни тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан талаб қилиб олишга ҳақлидир, бу давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари эса комиссия белгилаган муддатда зарур маълумотни тақдим этадилар.

Комиссия ҳар бир ариза ёки тақдимнома юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади. Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг мажлисида қатнашган барча аъзолари имзолайдилар.

Фуқаролик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон чиқаради. Агар формонда бошқа муддат белгиланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқарилган кундан бошлаб кучга киради. Фуқаролик масаласига оид такрорий ариза, қоида тариқасида, шу мақсадга оид аввалги қарордан кейин бир йил ўтгач кўриб чиқилади. Иш учун муҳим бўлган ҳамда ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши

мумкин бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда такрорий ариза илгарироқ ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижроси Ўзбекистон Республикаси Ишки ишлар вазирлиги ва унинг тегишли идоралари, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари, чет элда яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилади.

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахслар Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари ёки дипломатик ваколатхоналари ёҳуд консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспорти топширилади. 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаб турган, лекин Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўхтатилган, бошқа давлат фуқароси бўлмаган шахслар ички ишлар идораси томонидан фуқаролиги бўлмаган шахсларга мўлжалланган истиқомат гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик масалаларига оид қарорлар ижроси Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссияси томонидан, шунингдек бошқа ваколатли идоралар томонидан ўз ҳуқуқлари доирасида назорат этилади.

Фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилишдан асоссиз бош тортганлик, аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилганлик, шунингдек мансабдор шахсларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган бошқа ноҳақ хатти-ҳаракатлари ҳусусида улар бўйсунадиган юқори

мансабдор шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Чет элда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар. Ўзбекистон Республикаси, ўзининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзлари борган мамлакат қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароси борган давлат қатнашаётган шартномалар ҳамда халқаро одатлар билан бериб қўйилган ҳамма ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чоралар қўришлари, уларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилишлари, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришлари шарт.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

Алоҳида ҳолларда, хорижий давлат фуқаролари бўлмиш ватандошлар, агар улар ёки уларнинг ота-оналари, бувалари ёки бувилари бир вақтлар мавжуд тузум туфайли ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлган бўлсалар, ўз илтимосларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ҳам қабул қилинишлари мумкин.[1]

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси.1992й. №9. 338-модда.

Ўзини – ўзи назорат қилиш саволлари

1. ”Фуқаролик” тушунчаси деганда нима назарда тутилади?
2. Кимлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўла оладилар?
3. Фуқароликнинг юзага келиши (келиб чиқиши) қандай йўл билан ва қай асосларда амалга оширалади?
4. “Натурализация”, “реинтеграция” маънолари нималарни англатади?
5. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш асослари қонунда қандай белгиланган?
6. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик масалалари билан қайси давлат органлари шуғулланади?

XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий тизими

2-§. Яшаш ҳуқуқи

3-§. Шахсий дахслсизлик ҳуқуқи

4-§. Шахснинг айбсизлик презумпцияси

5-§. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги

6-§. Фуқароларнинг кўчиб юриш ҳуқуқи

7-§. Фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги

8-§. Фуқароларнинг виждон эркинлиги

1-§. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий тизими

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор моддаларида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари тизимида энг муҳими яшаш ҳуқуқи ҳисобланади. Чунки яшаш ҳуқуқи таъминланганидан сўнггина Конституция, қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида кафолатланадиган ва ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлар учун шарт-шароит яратилади.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ажралмас ҳуқуқи. Ҳаётга суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши қонуний тартибда, судда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунга қадар айбдор эмас деб ҳисобланади. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа тарзда муомалага дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимнинг устидан унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ҳар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Барча учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари тизими Конституциямизнинг олтинчи боби 24-31-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган.

2-§. Яшаш ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддасида "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун томонидан ҳимоя қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум қилиниши мумкин эмас", дейилган.

Ўзбекистон Конституциясида ҳам инсон ва фуқароларнинг яшаш ҳуқуқларига оид ушбу халқаро андозалар ўзининг тўла аксини топган.

Инсон – био ижтимоий мавжудот, чунки у ўзининг биологик ибтидосига, ўзагига эга, кейинчалик ҳаётий фаолияти натижасидагина шахс сифатида шаклланади.

Шу боис ҳуқуқ томонидан қўриқланадиган ижтимоий қадриятлар қаторида инсон, унинг шахси билан боғлиқ хусусиятлари ижтимоий маънода тенги йўқ, биологик маънода такрорланмас, табиат ва жамият ижодининг маҳсули сифатида марказий ўринни эгаллайди. Инсоннинг ҳар қандай тирик мавжудотлар каби физилогик ва психологик тузилиши, айниқса, унинг жамият ҳаётидаги иштироки, ижтимоий муносабатларнинг яратувчиси ва иштирокчиси, субъекти эканлиги боис ҳам унинг ҳаёти олий даражада муқаддас ҳисобланади ҳамда у муҳофаза қилинади.

Конституцияда яшаш ҳуқуқининг мустаҳкамланиши давлат томонидан уни қўриқлаш ва ҳимоя қилишнинг кучли механизми яратилишини талаб қилади. Булар нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш ёки жиноятга қарши курашиш натижасидаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини эмас, балки ижтимоий соҳада ҳам инсон ҳаётининг таъминланишини ҳам ўз ичига олмоғи даркор.

Конституцияда мустаҳкамланган ва кафолатланган фуқароларнинг яшаш ҳуқуқи жорий қонунлар ва давлат органларининг ташкилий фаолияти орқали амалий жиҳатдан таъминланади.

Ўзбекистонда оналик ва болаликка катта эътибор берилмоқда. Инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг дунёга келишидан анча аввалроқ бошланади. Бунинг учун қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган. Уларнинг бош мақсади болалар ўлимининг олдини олиш, экологияни яхшилаш,

жисмоний ва соғлом авлодни тарбиялаш учун ижтимоий шароитлар яратиш, оналик ва болаликнинг фаровон турмуши учун зарур моддий ва маънавий асосларни яратишни кўзлайди.

Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги саъй–ҳаракатлари қаторига ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялаш учун биринчи нишонлар қаторида "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилганлигини, у оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги алоҳида хизматлари учун муносиб инсонларни тақдирлашни назарда тутганлигини мисол қилиш мумкин.

Инсон ҳаётининг меҳнат жараёнида изчиллигини ва соғлиғини сақлаш, хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳамда санитар-гигиеник ва даволаш, профилактик, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг қонуний таъминоти, яшаш ҳуқуқи кафолатларини самарали йўлга қўйганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг 1993- йил 6- майдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида давлат сиёсати, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан устунлиги тамойили мустаҳкамланганлигида, шунинг учун ҳам экологик хавфсиз меҳнат шароитининг яратилиши, махсус кийим ва пойафзал, хусусий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактик овқатларнинг бепул берилиши ва бошқа фаолиятларнинг амалга оширилиши, биринчи навбатда, кишиларнинг яшашга бўлган Конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Яшаш ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида давлат томонидан фуқароларнинг соғлиғини сақлашга жиддий эътибор берилмоқда. Унинг учун соғлиқни сақлашнинг ягона тизими яратилган бўлиб, у давлат, хусусий ва бошқа тизимларни ўз ичига олади. Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг 1996-йил 29- августдаги "Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонун, ушбу қонунлар асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон қўшилган Халқаро шартномалар билан тартибга солинади.

Инсонларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш ва мухофаза қилишда жиноят ҳуқуқи қонунчилиги ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Жиноят қонунчилиги инсон ҳаётини муҳофаза қилишга доир мукаммал жиноий ҳуқуқий чоралар тизимига эга. Масалан, Жиноят Кодекси махсус қисмининг 26 фоизга яқин меъёрлари фуқароларнинг ҳаётига зиён етказиш учун у ёки бу даражада жавобгарликни кўзда тутади.

Жиноят қонунчилиги инсонларнинг ижтимоий сифатлари ёки ҳар қандай биологик хусусиятларга эга бўлишидан қатъий назар, улар соғлиғини сақлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳар бир инсон хоҳ у ёш гўдак ёки қариями, жисмонан соғлом ёки ногиронми ёки ақли расо ё норасо бўлишидан қатъий назар унинг ҳаёт ва соғлиғи энг олий қадрият эканлиги конституциявий даражада тан олинган.

Ҳар бир инсон ва унинг ҳаёти жамиятнинг ажралмас элементи сифатида ижтимоий қадриятдир. Шунинг учун инсон ўлимига сабаб бўладиган ҳар қандай қилмиш жиноят қонунчилигида ижтимоий хавфли ҳисобланади.

Жиноятлар ичида энг хавфлиси инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум этадиган одам ўлдириш жинояти ҳисобланиб, бу ғайриқонуний тарзда бир кишини иккинчи киши томонидан қасддан ҳаётдан маҳрум қилиш, деб тушунилади.

Бундай жиноятлар қаторига қуйидагилар киради:

1) енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларсиз қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси 1-қисми);

2) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси 2-қисми);

3) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш;

4) кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-модда);

5) онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-модда)

Жиноят қонунида қасддан одам ўлдириш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қараладиган, ижтимоий хавфлилик

даражасини анча даражада оширадиган ва жазонинг энг оғир тури, яъни ўлим жазосига сабаб бўладиган турларига қуйидагилар киради:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсни;

б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни;

в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни;

г) ўз хизмат ва фуқаролик бурчини бажариш муносабати билан шахсий ёки унинг яқин қариндошларини;

д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда;

е) оммавий тартибсизликлар жараёнида;

ж) ўта шавқатсизлик билан;

з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда;

и) таъмагарлик ниятида;

к) миллий ва ирқий адоват замирида;

л) безорилик оқибатида;

м) диний таассублар замирида;

и) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантация) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида;

о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида;

п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда;

р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

с) ўта хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдириш киради.

Жиноят қонунчилиги қасддан одам ўлдириш жинояти билан бир қаторда одам ўлимига олиб келган қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноятлар учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилайди.

Улар жумласига қуйидагилар киради:

1) зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш;

2) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш;

3) эҳтиётсизлик натижасида бир ёки бир неча одам ўлдириш.

Шахс ҳаётига қарши қаратилмаган бир қатор жиноятлар оқибатида қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида инсон ҳаётидан маҳрум бўлиши оқибатлари юз бериши мумкин. Масалан, вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёҳуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёҳуд ҳокимият вакилининг ҳаётига суиқасд қилиш Жиноят кодекси 155-моддасида кўзда тутилган терроризм жинояти сифатида баҳоланади.

Бу жойда тасодифан ҳозир бўлган кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган ҳолатлар ҳам терроризм жараёнида юз берган деб баҳоланмоғи лозим.

Терроризм одам ўлишига, бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, айбдорлар жиноят кодекси 155–моддасининг 3-қисми билан жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят кодексида ҳаётга тажовуз қилиш натижасида ўлимга сабаб бўлган жиноятлар қилмишнинг ҳуқуқий моҳияти, ижтимоий хавфлилик даражаси ва тавсифидан келиб чиқиб, ҳар бир жиноятга дифференциялашган жавобгарлик белгиланиши кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш даврида ҳал этилиши лозим бўлган масала жиноят қонунчилигимизнинг жазолаш тизимидан ўлим жазосини олиб ташлашдир.

Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида Ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда. Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб бормоқдамиз. Ўтган ўн

йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди.[1]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида “ги Фармони чиқди.

Мазкур фармонни мустақиллик йилларида изчил олиб борилган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнининг мантиқий давоми сифатида қараш жоиз. Ўтган ўн тўрт йил давомида жиноий жазо тизими мунтазам, босқичма-босқич либераллаштириб келинди. 1995 йил 1 апрелдаги Жиноий кодексида 33 турдаги жиноят учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Янги Жиноий кодексида бундай жиноятлар туридан фақат 13та қолди. Жиноий жазони либераллаштиришга қаратилган изчил ислоҳотлар натижасида 1999 йил 8 хил, 2001 йилдан 4 хил, 2003 йилда 2 хил жиноятлар учун ўлим жазоси кўзда тутилди.

Президентимиз И.Каримов Ўзбекитстон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида жазолар тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш масаласини кўтарган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда Фармони мамлакатимиз қонунчилигида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ва инсонпарварлаштиришга қаратилган. Шунингдек, ўлим жазосини бекор қилиш халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида тадбиқ этишдир.

3-§. Шахсий дахслсизлик ҳуқуқи

Ўзбекистонда ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниш ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқлардан бўлиб, инсоннинг туғилиши билан қўлга киритилади. Ҳар ким эркин, ўз

[1] Каримов. И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида// Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т. , 2005. 47, 33- б

ихтиёри бўйича ҳаракат қилиши, ўзганинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига зиён етмайдиган тарзда юриш-туришни танлаши мумкин. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, шахснинг эркинлиги жамиятдаги ахлоқ меъёрлари доирасидан чиқмаслиги ва қонун асосида бўлиши керак, яъни шахс ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши мумкин, агар ушбу ҳаракат қонун ва қонун ҳужжатларида ман этилмаган ва ҳуқуқий кўрсатмаларга зид келмаган тақдирда, албатта.

Ўз навбатида, индивидуал эркинлик дахлсиздир ва шахс дахлсизлигини давлат ва унинг ҳокимият тузилмалари томонидан таъминланадиган шахс эркинлиги кафолати сифатида тушунмоқ керак.

Шахсий эркинлик ва дахлсизлик тўғрисидаги конституциявий меъёрлар жиноят-процессуал қонунчилигида ривожлантирилади.

Масалан, Жиноят–процессуал Кодексининг 18-моддаси 2-қисмида: ҳеч ким суд қарорига асосланмай ёки прокурор санкциясисиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас, деб белгиланган. Унинг 3-қисмида эса судья ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёҳуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахснинг дарҳол озод қилиниши шартлиги қатъий белгиланган.

Шахс эркинлигини таъминлашнинг кафолатларидан бири Жиноят Кодекси 234-моддасида кўзда тутилган, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки хибсга олиш учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлигидир. Шунингдек, ҳуқуқий асоссиз, яъни била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун ҳам жиноий жазо белгилангандир.

Ноқонуний ушлаб туриш нималигини аниқлаш учун, энг аввало, қандай ушлаб туриш қонуний ҳисобланади, шуни аниқлаб олиш керак. Жиноят Кодексининг 220-моддасига биноан, ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида, қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилгандан кейин ҳам фақат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан амалга оширилади. Жиноят-процессуал қонунчилиги (ЖПК 47-моддаси) гумон қилинувчи шахс деб жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсни назарда тутади.

Бу эса жиноят-процессуал ушлаб туришнинг асосий мақсади ва унинг моҳияти эркинликни чеклашнинг вақтинчалигидир.

Эркинликни қисқа вақтга чеклаш, ушланган шахснинг жиноятга ҳақиқатдан ҳам алоқадорлиги ёки йўқлигини аниқлаб олиш учун амалга оширилади.

Жиноят-процессуал Кодекси 221-моддасида жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш учун асослар санаб ўтилган:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса.

Шу модданинг 4-қисмида эса шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд:

а) қочмоқчи бўлса;

б) доимий яшайдиган жойи йўқ ёҳуд шахси аниқланмаган кишиларни ушлаб туриш.

Шундай қилиб, қочиб кетишга ҳаракат, доимий яшаш жойининг йўқлиги, шахсининг аниқланмаганлиги жиноят содир этганлик фактини тўғридан тўғри тасдиқламайдиган, шунингдек, шахсни жиноят содир қилишда гумон қилиш учун бошқа асос бўлмаган тақдирдагина ушлаб туриш учун асос бўла олмайди.

Ушлаб туриш асосларининг қатъий тартибда белгилаб қўйилиши ҳозирги замон қонунчилигида устувор бўлиб, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларининг яна бир кафолатланиши ҳисобланади.

Шунинг учун жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири жиноятни тезлик билан ва тўла очиш ҳамда айбдорларни аниқлаш ҳисобланади (ЖПК 2-модда). Ушбу вазифа ҳеч қачон шахс ҳуқуқлари ва дахлсизлигининг бузилишига олиб келмаслиги керак.

Шахсни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ва ҳибсга олиш қонуний ёки қонунга хилоф эканлигини аниқлаш учун ЖК 234-моддасининг 1-қисмига кўра шахс эркинлигини қисқа муддатга чеклаш учун асос бўлган ҳолатларни ҳар томонлама таҳлил қилиш талаб қилинади.

Шундай қилиб, ушлаб туриш асосларининг қонунда аниқ белгиланиши ягона мақсадни, яъни шахснинг ноқонуний равишда ушланишининг олдини олишни кўзлайди. Шу мақсадда ЖПКнинг 224-227-моддаларида ушлаб туришнинг жиноий-процессуал тартиби белгиланган.

ЖПК 226-моддаси 1-қисмида ушлаб туриш ушланган шахс милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. ЖПК 237–моддаси 3-қисми 1-бандининг мазмунига мувофиқ, жиноятни содир қилишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахсни ҳеч қандай шартларсиз қўйиб юбориш учун шахсини тасдиқловчи ҳужжат асос бўлади.

Ушлаб турилган шахсни озод қилиш учун асослари қаторига жиноят содир қилишда гумоннинг тасдиқланмаганлиги ҳам киради (ЖПК 284–моддаси, 1-қисми 1-банди). Жиноят Кодексининг 234–моддаси 1-қисмида шахснинг айбсизлигини олдиндан била туриб, ноқонуний ушлашга сабабчилар жавобгарлик белгиланган. Улар суриштирувчи, терговчи, прокурор бўлиши мумкин.

Жиноят Кодексининг 17-моддаси 4-қисмига биноан жиноят содир этилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Судьянинг олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм, ҳал қилувчи қарор ёки ажрим чиқариши ҳам унинг тегишли жавобгарликка тотилиши учун сабаб бўлади.

Агар била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш (ЖК 234-моддаси 2-қисми) худди шундай ҳаракатларни амалга ошириш вазифасига кирмайдиган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилса, у ҳолда Жиноят Кодексининг 206-моддасига биноан ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш деб тасниф этилади.

Шундай ҳаракатлар ушлаб туриш ва хибсга олиш ҳуқуқи берилмаган фуқаролар томонидан содир этилса, улар ЖК 234–моддасида белгиланган ҳолатлар бўйича жавобгарликка тортилмайдилар, аммо уларнинг ҳаракатлари зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖКнинг 138–моддаси) ёки ўзбошимчалик (ЖКнинг 229-моддаси) деб тасниф этилиши мумкин.

ЖКнинг 234-моддаси 2-қисми, яъни била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш каби мустақил жиноят таркибини кўзда тутади.

ЖПКнинг 237-моддасига мувофиқ, ҳибсга олиш эҳтиёт чоралари ҳисобланиб, ЖПКнинг 236-моддасига мувофиқ эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашнинг олдини олиш; унинг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳуқуқнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади, дейилган.

Ҳибсга олиш жиноий жазо ҳисобланмай, одил судловни таъминлаш учун кўмаклашувчи процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади. У энг охирги заруриятда қўлланиладиган усул бўлиб, ЖПКнинг 236–моддасида унинг мазмуни тўла баён этилган. Ушбу модданинг нотўғри қўлланилиши конституциявий меъёрларда кафолатланадиган шахс дахлсизлигининг бузилишига сабаб бўлади.

Жиноят–процессуал қонунчилигида айбланувчини ҳибсда ушлаб туриш муддатларини узайтириш тартиблари қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигининг бузилиши ҳар бир шахснинг судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва унинг талабларини қондириш ҳуқуқини келтириб чиқаради.

Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг 1995-йил 30- августдаги "Фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августда “ Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони чиқди. Фармонда Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини самарали муҳофаза этишини таъминлаш масалалари, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказиш кўрсатиб ўтилган.

Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига ҳам тўла мос келади

4-§. Шахснинг айбсизлик презумпцияси

Ўзбекистонда Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа

тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

Айбсизлик презумпцияси (айби исбот қилингунча шахсни айбсиз деб фараз қилиш) Ўзбекистон Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, жиноят-ҳуқуқида қонунийлик тамойилининг асоси ҳамда одил судловнинг асосий тамойилларидан ҳисобланади. Жиноят Кодексининг 4–модда 2–қисмида Конституцияда кўрсатиб ўтилган қоидалар ривожлантирилган, ҳеч ким суднинг ҳукми чиқарилмай туриб, жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги аниқ кўрсатилган.

Бу қоидада айбсизлик презумпцияси моҳиятининг икки томони очиб берилади:

1. Жиноятнинг муайян таркибини белгилаш ва шахснинг жиноят содир этганликда иқрор бўлишини қонунга аниқ риоя қилиб амалга ошириш;

2. Шахс фақат суднинг ҳукми, қорорига биноангина айбдор деб топилади ва қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий чора ёки жазога тортилиши мумкин.

Шахснинг айбдорлигини белгилашда нафақат исботлаш, тартиб қоидаларига риоя қилиш, балки жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари етарлича мавжуд бўлиши керак.

Бундай умумий асос ЖКнинг 16-моддаси 2-қисмида белгиланган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бу умумий асос фактик ва юридик асосларни ўз ичига олади.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун фактик асос шахс томонидан содир этилган қилмиш ҳисобланади. Қилмиш қонунда кўзда тутилган барча белгиларга эга бўлганида, яъни унда жиноят таркиби мавжуд бўлганида жиноят ҳисобланади. Ўз-ўзидан маълумки, жиноий жавобгарликнинг меъёрий асоси Жиноят Кодексида кўзда тутилган.

Фақат содир этилган қилмиш белгилари билан қонунда кўрсатилган (жиноятни тасниф этиш) белгиларининг бир-бирига тўла мос келиши

давлатнинг ваколатли органларига айбдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириш имконини беради. Бироқ дастлабки терговда қилмишга жиноят содир этилганлик сифатида баҳо берилиши ҳали якуний баҳо эмас. Шу боис фақат суд, суд-тергов жараёнидагина шахснинг содир этилган жиноятда айбли ёки айбсиз эканлиги белгиланади, бу ҳақда суднинг айблов ёки оқлов хулосасида аниқ кўрсатилади.

Айбсизлик презумпциясининг жиноят-процессуал тамойили ЖПКнинг 23–моддасида мустаҳкамланган. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундаки, гумон қилинувчининг, айбланувчининг айбини исботлаш жараёнида қонунда ўрнатилган тартибда муайян жиноятни айнан ушбу шахс содир этганлигини исбот қилиш ва давлат мажбурлов чоралари орқали унга жиноий чораларни қўллашдан иборат.

ЖПК нинг 85-моддасига мувофиқ шахснинг айбдорлиги исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни ўз ичига олади.

Шахснинг айбдорлигини исботлаш суриштирув ва тергов органларига юклатилган, бу вазифа гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига тегишли эмас. Масалан, ЖПКнинг 23–моддаси, 2-қисмида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас, деб белгиланади. Бу уларнинг ҳуқуқи, ундан ўзи мустақил равишда ёки ҳимоячиси орқали фойдаланиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ўз айбсизлиги ҳақида далил келтира олмаслиги уни айбдор деб топиш учун далил бўла олмайди.

Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслиги ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги (ЖПК 46–модаси 3-қисми) ҳамда гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти

юкланиши мумкин эмас (ЖПК 48-моддаси 3-қисми), деган қоидалар жиноят-процессуал қонунчилигининг қатор меъёрларида ўз аксини топган.

Агар қонунни ҳимояловчи органлар айблов учун етарли далилларни тўплай олмасалар, у ҳолда шахс айбсиз деб топилиши керак. Исботланмаган айбдорлик – шахснинг айбсизлигидир. Яна шуни айтиш керакки, айбсизлик презумпцияси учун ЖПКнинг 23 -моддаси 3-қисмида мустаҳкамланган ҳолатлар аҳамиятга моликдир, яъни айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Бу қоида ҳам жиноий, ҳам жиноий – процессуал қонунларни қўллашда татбиқ этилиши лозим.

Айбсизлик презумпцияси тамойили билан бир қаторда яна бошқа бир одил судлов–жиноят ишларининг ошкора кўрилиши тамойили ҳам диққатга сазовордир (ЖПК 19-моддаси).

Суд ишларини ошкора кўриш ҳар қандай шахсга суд залида иштирок этишга ва суднинг фаолиятини кузатиш имконини беради, шу билан бирга унинг бориши ва натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишга шароит яратади.

Суд ишларининг ошкора кўрилиши яна шунда кўзга ташланадики, суд мажлисларини тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларда ўтказиш мумкин. Шундай қилиб, жиноят ишларининг ошкора кўрилиши тамойилининг мақсади нафақат кўрилаётган ишга аҳолини жалб қилиш, балки фуқароларга тарбиявий таъсир этиш, ҳуқуқий онгни юксалтириш, ҳуқуқий маърифатни тарғиб қилиш ва ҳуқуқий маданиятни кўтаришга хизмат қилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи шахсан ўзи ёки ҳимоячи ёрдамида ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Юридик ёрдам кўрсатиш, жумладан, жиноят ишларида ҳимояни амалга ошириш учун бизнинг давлатимизда адвокатлик институти фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996-йил 27-декабрдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ адвокатларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда уларнинг ўз фаолиятларини ташкил этиш тартиблари белгиланган.

Конституция қийнаш, зўравонлик, шафқатсизлик ёки инсон қадриятини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа солишни ман этади. Бу қоида жиноят қонунчилигида ўз ривожини топган. Жиноят Кодексининг 7-моддаси жиноят ҳуқуқининг инсонпарварлик тамойилини таъкидлаб, жазо ва бошқа ҳуқуқий чораларни жисмоний азоб бериш ёки киши қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди деб эътироф этади.

Ўзбекистон Респбликаси Олий Мажлисининг 1995- йил 31- августдаги қарори билан 1984- йил 10-декабрдаги "Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция"га қўшилдик.

Ушбу Конвенцияда алоҳида таъкидланадики, юқорида баён этилган таъриф қонуний чоралар қўллаш натижасида пайдо бўладиган оғриқ ва азобларга тааллуқли эмаслиги алоҳида таъкидланади. Қийноқларга солиш, шафқатсиз ёки инсоннинг қадр-қимматини таҳқирлайдиган ҳар қандай ҳаракатга жиноят қонунчилигида жиноят сифатида қаралади. Улар қаторига ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖКнинг 206–моддаси), кўрсатув беришга мажбур қилиш (ЖК 235-моддаси) учун жавобгарлик белгиланганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шахснинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказишни шахснинг қадр-қимматига бўлган тажовуз деб баҳолайди.

5-§. Шахсий ҳаёт дахлсизлиги

Ўзбекистонда ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиш ёки уни кўздан кечириши,

ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас (Конституциянинг 27-моддаси).

Ушбу конституциявий қоида шахснинг шаъни ва қадр- қиммати; шахсий номулкий ҳуқуқларини қўриқлаш ва ҳурмат қилиш; шахсий ҳаёт ва уй-жой дахлсизлигини таъминлашга қаратилган. Шаън ва қадр-қиммат фақат инсонга хос сифат бўлиб, у инсонга туғилганидан қўлга киритадиган ажралмас ва бошқаларга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқи ҳисобланади, яъни маънавий дунёсини тавсифлайдиган номоддий бойликлардан бири ҳисобланади.

Шахс шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқининг эълон қилинганлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизими инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни эътироф этганлигини билдириб, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" 12-моддаси (1948-йил)да шахс номуси ва шаъни дахлсизлиги белгиланган, шунингдек "Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пакт (1966)нинг 17-моддаси 1-қисмида "Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига, унинг уй-жойи дахлсизлигига ёки ёзишмалардаги сирлари дахлсизлиги ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш, ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиш мумкин эмас"деб, мустаҳкамланган меъёрларнинг узвий давомчиси сифатида намоён бўлади.

Ўзининг сифатларига маънавий-ахлоқий баҳо бериш доим шахсий бўлиб, субъектив характерга эга. Шу боис у ижтимоий фикр билан мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, шахснинг қадр-қиммати, шахсни ички ўзини-ўзи баҳолаши мезони ва жамиятнинг унга берган баҳоси ўзаро бири-бирига боғланган мезонлардандир. Шунинг учун ҳам инсоннинг шаън ва қадр-қиммати катта ижтимоий аҳамиятга эга қонун томонидан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 100-моддасига биноан, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақлидир.

Шундан келиб чиқиб, фуқаро ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш талабини қондириши учун ўз шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етазилган маълумотларда қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиши керак:

1) ҳақиқатдан обрўсига путур етказилган бўлса;

2) маълумотларнинг ёлғонлиги аниқланса;

3) маълумот ҳақиқатдан тарқатилган бўлса,

Шаъни ва қадр-қимматига путур етказилган фуқаро ушбу маълумотларни раддия қилиш билан бир қаторда, унинг тарқатилиши натижасида ўзига етказилган зиён ва маънавий зарарни қоплаш талабини қўйиши мумкин.

Қонун фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлаш ҳаракатларини маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят сифатида баҳолайди. Бундай ҳолларда айбдор туҳмат ёки ҳақорат қилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Туҳмат деганда бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни била туриб, ёлғондан тарқатиш тушунилади. Тухмат тушунчаси маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 40-моддаси ва Жиноят Кодексининг 139-моддасида баён этилган.

Шахснинг шаъни, қадр-қимматини қасддан беҳаё тарзда таҳқирлаш ҳаракатлари маъмурий чора қўлланилгандан кейин ҳам такрорланса, жиноий жазо ушбу ҳаракат учун қўлланилишига асос бўлади, ушбу модда ҳар кимнинг шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди, шахсий ҳаётни қўриқлашни ҳуқуқий мустаҳкамлайди. Шахсий ҳаётни қўриқлаш ҳуқуқи фуқаронинг субъектив шахсий номулкий ҳуқуқи ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий меъёрлар қонунда кўзда тутилган ҳолларидан бошқача тарзда жамият аъзоларининг шахсий ҳаётига аралашишнинг олдини олишни белгилаб беради.

"Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ва ноқонуний тарзда аралашиш, унинг уй-жойи дахлсизлиги ёки ёзишмалардаги сирларига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиш мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув

ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга", дейилади. 1966-йилги "Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пакт"дан.

Шахсий ҳаётни муҳофаза қилиш, қўриқлаш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро талаблардан бири ҳисобланади.

Шахсий ҳаёт доирасини юридик ўлчовлар орқали аниқлаш ва белгилаб бериш-мушкул иш. Чунки унда пайдо бўладиган муносабатлар, асосан, ахлоқ меъёрлари ёки умумэътироф қилинган хулқ-атвор қоидалари сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга ушбу муносабатларнинг айримларини ҳуқуқий қўриқлаш ва тартибга солиш талаб қилинади. Чунки бу айрим фуқароларнинг, қолаверса, бутун бир жамиятнинг манфаатларига мос келади.

Конституция моддаларининг қўриқланиши фуқаролик, маъмурий жиноий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига доир ҳуқуқий меъёрларда ўз аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабридаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ адвокат адвокатлик сирини сақлашга мажбур. Шундай қилиб, адвокатга, адвокатура ходимлари ва мансабдор шахсларга адвокатлик сири предметини ташкил этадиган маълумотларни ошкор этиш ва ушбу маълумотлардан ўзларининг ва учинчи шахснинг манфаатлари йўлида фойдаланиш ман этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабридаги "Нотариат тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига биноан, нотариусга, нотариал ҳаракатларни бажарадиган мансабдор шахсларга уларнинг хизмат вазифасини бажаришлари орқали маълум бўлган нотариал ҳаракатлар мазмунидаги маълумотларни, ҳаттоки, ўз меҳнат шартномалари бекор бўлганидан сўнг ҳам ошкор қилиш ман этилади.

Бажарилган нотариал ҳаракатлар ҳақидаги маълумот фақат унга ёки унинг номидан, ёки унинг топшириғига биноан нотариал ҳаракатларни бажарган шахсларга берилиши мумкин.

Фуқароларнинг шахсий алоқа қилиш воситаларидан фойдаланишларида дахлсизлик ҳуқуқининг маъноси шундаки, қонунда тўғридан-тўғри кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳеч кимнинг шахсий иродасига зид ҳолда унинг

ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотлари билан танишишга ҳаққи йўқ. Фуқароларнинг шахсий ҳаётини қўриқлаш мақсадида маълум ҳуқуқий меърий воситалар мавжуд хат ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотларини сир сақлаш доираси ахборотларнинг мазмуни ёки уларнинг бор йўқлиги ёҳуд қайси тилда ким билан гаплашгани, кимни чақиргани ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин. Шахсий ахборотнома билан танишиш тегишли ваколатга эга тор доирадаги шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган мезон ва тартиблар асосида амалга оширилади.

Жиноий иш бўйича тўпланган далиллар, жиноий иш учун аҳамиятга молик хабарларни олиш мумкинлиги телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш учун етарли даражада асос бўлиб хизмат қилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш суриштирувчи ёки терговчи томонидан прокурорнинг санкциясига кўра амалга оширилади. Шунингдек, бундай ҳаракатлар суд ажримига кўра ҳам амалга оширилиши мумкин.

6-§. Фуқароларнинг кўчиб юриш ҳуқуқи

Ўзбекистонда фуқароларнинг кўчиб юриш ҳуқуқи кафолатланади. "Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир" (Конституциянинг 28-моддаси).

Фуқароларнинг мамлакатимиз ҳудудида, шунингдек келиш ва чиқиб кетишдаги кўчиб юриш эркинлиги - кишиларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларидан ҳисобланиб, ушбу ҳуқуқ мутлақ конституциявий хусусиятга эга. Шахс ушбу ҳуқуққа мувофиқ ўз хоҳишига кўра, Ўзбекистон ҳудуди доирасида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши, ундан чиқиб кетиши ва қайтиб келиши мумкин. Қонунда белгиланган чеклаш ҳоллари бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 6-январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш тартиби ва Ўзбекистон Республикаси дипломатик паспорти тўғрисидаги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан Республика ҳудудидан чиқиш ва унга кириш тартиби белгиланган.

Чиқиб кетиш ҳужжатлари фуқароларнинг яшаш жойидаги ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштирилади.

Фуқароларнинг чет элга чиқиши тўғрисидаги қоидаларда алоҳида тоифадаги фуқароларнинг чет элга чиқишида асосланган чеклашлар ўрнатилади.

Ички ишлар органлари қуйидаги тоифадаги шахсларнинг чет элга чиқиш ҳуқуқини рад этиши мумкин:

а) давлат сири бўлган маьлумотлардан хабардор бўлган шахсларга–бу ҳолат бекор бўлгунга қадар;

б) шартнома мажбуриятлари амал қилаётган шахсларга нисбатан-бу ҳолатлар тугагунга қадар;

в) жиноий иш қўзғатилган шахсларга нисбатан-кўриб чиқиш тугагунга қадар;

г) ўта хавфли рецидивист деб танилган шахсларга нисбатан – судланганлиги бекор қилингунга қадар;

д) устидан маьмурий назорат ўрнатилган шахсларга нисбатан-маьмурий назорат тугагунга қадар;

е) суд томонидан юклатилган мажбуриятни бажармасдан юрган шахсларга нисбатан - ушбу мажбуриятни бажаргунига қадар;

ж) ўзи ҳақида ёлғон маьлумотлар берган шахсларга;

з) суд томонидан фуқаролик даьвоси эълон қилинган шахслар - иш якунлангунга қадар;

и) чақирув бўлинмасига ёзилган ва ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладиган шахслар-муддатли ҳарбий хизматни ўтагунига ёки ундан қонунга мувофиқ озод этилгунига қадар.

Фуқаро кўчиб юриш ҳуқуқининг рад этилгани ҳақида юқори идораларга шикоят қилиши мумкин. Бундай шикоятга бир ой мобайнида жавоб берилиши шарт. Агар фуқаро унинг қароридан ҳам норози бўлса, судга мурожаат қилиши мумкин.

7-§. Фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги

Ўзбекистонда Конституциясининг 29-моддасида, *Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.*

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

1966-йилги "Фуқаро ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактнинг 18–моддасида ҳар кимнинг эркин фикрлаш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, унинг 19–моддасида ўзининг фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқи ҳеч қандай чеклашларсиз амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ҳар кимнинг ўз фикрини эркин ифода қилиш ҳуқуқи ўз ичига изланиш эркинлиги, ҳар қандай ахборотни олиш, тарқатиш, ёзма ёки нашр шаклида ёҳуд бадиий шаклда ифодалаш эркинлигини амалга ошириш имконини беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида:

"Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва буларни эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: ушбу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай воситалар билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади", дейилади.

Бу моддада ушбу хуқуқлардан фойдаланиш билан бирга, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, унда маълум бурч ва жавобгарлик ҳам мавжуд. У, ўз навбатида, айрим чеклашларни ҳам талаб қилади:

а) бошқа шахслар ҳуқуқи ва обрўсини ҳурмат қилиш.

б) давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлиғи ва қадриятларини ҳимоя қилиш.

Шундай қилиб, шахсий ҳуқуқга тегишли қабул қилинган конституциявий меъёрларимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий андозаларга тўла мос келади.

Фикрлаш ва эътиқод эркинлиги сўз эркинлиги орқали амалга оширилади, бу ўз фикрини очиқ сўзлаш ва бошқа шахсларнинг эътиборига етказиш деб тушунилади. Кўп ҳолатларда сўз эркинлиги оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади ва улар ҳар бир фуқаронинг сўз эркинлигини, оммавий ахборот воситаларида чиқиш ҳуқуқини, ўз фикр ва эътирозларини очиқ сўзлашни кафолатлайдиган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида фаолият кўрсатадилар.

Маълумот учун манбаларни олиш, уларни тегишли йўналишлар бўйича тарқатиш ва эркин изланиш бўйича берилган эркинликнинг конституциявий асослари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инобатга олинган. Жумладан, газеталар, журналлар, телевидение ва радио дастурлари ва оммавий ахборат воситалари орқали маълумотларни тарқатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг маълум қисми "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

Ахборотларни йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва рухсат этилмаган танишувдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамда ахборот тизимларининг маълумотлар базалари ва банкларини ташкил қилиш, ахборотларни қайта ишлаш ва узатишнинг бошқа тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ҳар турдаги маълумотларни йиғиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқ конституциявий тизимга қарши йўналтирилган, инсониятнинг тинчлиги ва ҳимоясига зид равишда, жамият манфаатларига қарама-қарши мақсадда ёки

бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркига зид ҳолатларда қонун томонидан чекланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бир қатор чеклашлар мавжуд бўлиб, улар мазмунан аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш билан шартланади ва порнографик мазмунидаги материалларни тарқатиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилайди.

Фикрлаш ва сўзлаш эркинлиги қонун томонидан давлат ёки бошқа ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан билан чекланиши мумкин. Бундай чекланишлар қуйидагилар билан изоҳланади: давлат сирларини овоза қилиш давлатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига, мудофаа қудратига ва давлат ҳамда жамиятнинг бошқа манфаатларига путур етказиши мумкин.

1993-йилнинг 7 майида қабул қилинган "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-бандида давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхат билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли мутлақо махфий-ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Республиканинг давлат сирлари деб кўрсатилган бўлиб, улар ҳақида маълумотлар тўплаш ва тарқатиш чекланади. Давлат, ҳарбий ва хизмат сирларини ўз ичига олган маълумотлар давлат сирлари сафига киради.

Давлат сирлари билан ишлаш ҳуқуқи бўлган барча давлат органлари, ташкилотлар, корхоналар, бирлашмалар, шунингдек ваколатли шахслар ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари уларни сақлаш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини бажаришлари шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир фуқаро маълумотни излаш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга оширишда улардан бутун жамиятнинг ва бошқа фуқароларнинг манфаатига зид равишда фойдаланмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат сирлари ҳақида маълумотларни тўплаб, бошқа хорижий давлатга топширса, унинг бу

ҳаракатларидаги ҳолат жиноят таркибини келтириб чиқариб, давлатга хоинлик деб номланади.

Ўзбекистон Республикасига қарши йўналтирилган жиноятлар сифатида давлат ёки ҳарбий сирлар мавжуд бўлган ҳужжатларни тарқатиш ва йўқотиш каби ҳолатлар кўрсатилади.

Бу каби жиноятлар учун фақат ўзининг хизмат ёки касб фаолиятлари орқали бу каби маълумотлар билан ишлаган шахслар жавобгардирлар.

Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим (Конституциянинг 30-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари давлат тизимига Адлия, прокуратура, милиция, суд органлари киради ва улар Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайдилар.

Инсонларнинг судда ўзига нисбатан ҳар қандай бир иш кўрилаётганда ўз ҳуқуқ ва манфатларига таъсир қиладиган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш ҳуқуқи амалга оширилади.

"Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бандига асосан "Ҳамма суд ишлари очиқ тартибда кўриб чиқилади. Масалаларни ёпиқ тартибда кўриб чиқишга фақат қонунда кўрсатилган ҳолатларда рухсат этилади", деб кўрсатилган.

Конституциявий суд ҳам фуқароларга ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш имкониятини бериш ҳуқуқига эга.

Жиноят-процессуал Кодексининг 19–моддаси судларда жиноий ишларнинг очиқ тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди. Шунингдек, Жиноят-процессуал Кодексининг суд жараёнининг ҳамма иштирокчиларига ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ҳужжат ва материаллар билан танишиш имкониятини яратади.

Конституция ва тегишли қонунларга биноан айрим шахсларнинг тегишли ҳужжат ва материаллар билан танишиш ҳуқуқи баъзи бир ҳолатларда чекланади, жумладан, бу каби ҳужжат ва материаллар кимнинг ҳуқуқи ва манфаатига тегишли бўлса, фақат шу шахслар тегишли ҳужжат ва материаллар билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқи фуқаролик, меҳнат ва хўжалик ҳуқуқи қонунчилигида кўрсатилган.

Агар фуқароларнинг юқорида кўрсатилган ҳуқуқлари бузилган бўлса, улар ўз шикоятлари билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу каби шикоятлар қонунда кўрсатилган тартибда кўриб чиқилиши шарт.

8-§. Фуқароларнинг виждон эркинлиги

Виждон эркинлигини тартибга солувчи меъёрлар муҳим аҳамиятга эга. Виждон эркинлиги инсоннинг динга бўлган муносабатини кўрсатади.

Ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги ва динга нисбатан бетараф бўлиши, шунингдек, у динга қарши бўлиши ҳам мумкин. Бу фақат ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик бўлиб қолмай, худонинг борлигини рад этиши ва умуман динни тан олмаслиги мумкин.

Виждон эркинлигининг мазмуни инсоннинг динга эътиқоди бор ёки йўқлиги, бетараф бўлиши ёки атеист тушунчасига эга бўлиши ҳуқуқидан иборат. Конституциянинг 31-моддаси бундай ҳуқуқни ҳар бир фуқаро учун кафолатлайди. Шу билан бир қаторда шуни назарда тутиш муҳимки, Конституция томонидан кўрсатилган инсонларнинг динга нисбатан муносабатидан қатъий назар, ҳуқуқ ва эркинликларда тенглиги, виждон эркинлигининг асосий юридик кафолатларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 18–моддаси ҳамда фуқаро ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўз хоҳишига кўра маслакка ёки динга эга бўлиш;

- тушунчага ва динга эга бўлиш;

- ўз маслаги ва динини ўзгартириш;

- динга ва маслакка бир ўзи, биргаликда эътиқод қилиш, оммавий ёки шахсий тартибда динни ўрганиш ва сиғиниш;

- диний расм-русум ва тоат-ибодат маросимларини ўтказиш.

- ота-оналарига ёки қаровчиларига ўз тушунчаларига амал қилган ҳолда, ўзларининг болаларини диний ва маънавий жиҳатдан тарбиялашини таъминлаш. Шу каби ҳолатлар бошқа халқаро ҳуқуқий актларда ҳам фикр, виждон ва дин эркинлиги мазмунида акс этади.

БМТнинг дин ва ҳар хил таълимотларга асосланган ҳамма турдаги камситишларни тугатиш тўғрисидаги Декларациясида виждон эркинлигининг муҳим томонлари кўрсатилган (6-модда).

Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий стандартларга жавоб беради.

Ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эътиқод эркинлиги мазмунини ташкил қилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддаси мазмунининг амалга оширилиши "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида акс этади. У ушбу соҳа бўйича Ўзбекистон тарихидаги биринчи қонун акти бўлиб, виждон эркинлиги борасида вужудга келадиган жамият муносабатларининг янгича тартибини белгилаб берди.

Ушбу қонун виждон эркинлиги билан боғлиқ бўлган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Пакт ва шартномалар шартига амал қилган ҳолда, халқаро актларнинг асосий меъёр ва талабларини инобатга олиб, виждон эркинлигининг конституциявий шаклда амалга оширилишининг тартиб ва тамойилларини белгилайди.

Диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйиб бўлмайди. Виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг амалга оширилишига қаршилик кўрсатиш (масалан, диний маросимларни ўтказишга ноқонуний қаршиликлар кўрсатиш) жиноий-ҳуқуқий тартибда жазоланади (масалан ЖКнинг 145-моддаси).

Дин мажбурлаш ва сиёсий фаолият билан мувофиқлашмайди. Динга ишониш ёки ишонмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий ишидир.

Виждон эркинлигининг чекланишига йўл қўйилмаслиги унинг таъминланишига муҳим кафолат ҳисобланади. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт бу ҳуқуқни чеклашнинг икки асосини белгилаган:

1) қонун асосида;

2) жамият ҳимояси, ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш мақсадида (18-модда).

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Ўзбекистон Республикси Конституциясииинг бир қатор моддаларида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган. Бу қайси қонунлар асосида кафолатланиши таъминланади?
2. Ўзбекистонда ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Бу сўзнинг маъносини очиб беринг.
3. Шахсниинг айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Конституциясининг қайси моддасида мустаҳкамланган ва қайси қонунлар асосида амалга оширилиши белгиланган?
4. Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий шаъни ва қадр-қиммати тавсифини ифодалаб беринг.
5. Ўзбекистон фуқароларининг кўчиб юриш ҳуқуқи қайси конституциявий ҳуқуқ турига киради?
6. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва кириш ҳуқуклари қайси ҳужжатда белгиланган?

7. Ўзбекистон фуқароларининг чет элга чиқиши тўғрисидаги қоидаларда алоҳида тоифадаги фуқароларга чет элга чиқишга асосланган чеклашлар ўрнатилган. Ички ишлар органлари қайси тоифадаги шахсларнинг чет элга чиқиш ҳуқуқини рад этиш мумкин?
8. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги мустаҳкамланган. Бу ҳуқукларнинг амал қилиш тартиби қайси қонунларда ўз аксини топган?
9. Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий-ҳуқуқий виждон эркинлигини тартибга солувчи меъёрларни таърифлаб беринг.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “ Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонини моҳиятини айтинг?
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонининг асосий мақсади айтинг?

XII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Сиёсий ҳуқуқларнинг конституциявий тизими

2-§. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларинин бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи

3-§. Фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқи

4-§. Фуқароларнинг сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи

5-§. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи

1-§. Сиёсий ҳуқуқларнинг конституциявий тизими

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимида сиёсий ҳуқуқлари алоҳида ўрин эгаллайди, чунки бу ҳуқуқлар фуқароларнинг давлатни ва жамият ишларини бошқаришидаги иштироки билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларнинг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак”.[1]

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи

[1] И.А.Каримов: Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 43-бет.

назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ва тиклаш ҳуқуқига эга. Бундай тўхтатиш ва тиклаш устидан судга арз қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида муҳолифатчи озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларга ёки халқ вакилига ёзма равишда ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

2-§. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидандир. Конституцияда халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини амалга ошириш шакллари ифодаланган. Ўзбекистон фуқаролари халқ депутатлари Кенгаши сайлайдиган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этадилар, ваколатли органлар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

Мазкур ҳуқуқнинг амалга оширилиши кафолатлари сайловлар тизими ҳисобланади, яъни фикрлар, сўз эркинликлари ва бошқа тамойиллар, шунингдек, қонун доирасида ҳаракат қиладиган жамоат бирлашмаларидан чиқиш эркинлиги.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш

ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади (Конституциянинг 32-моддаси).

Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Тенг ҳуқуқлилик қонун томонидан кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, яширин овоз бериш ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида эркин амалга оширилади. 18 ёшга етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари пассив сайлов ҳуқуқига ҳам эга бўлиб, бу уларнинг вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқидир. Сайлов кунига қадар 25 ёшга етган ҳар бир фуқаро олий вакиллик органи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзоси бўлиб сайланиши мумкин. Шунингдек, 35 ёшга етган, давлат тилида эркин сўзлаша оладиган, бевосита сайловгача 10 йилдан кам бўлмаган вақтда республикамиз ҳудудида муқим яшаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланиши мумкин.

Демократиянинг асосий шаклларидан бири – давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларининг умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топиши - референдум ҳисобланади.

3-§. Фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқи

Ўзбекистонда фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга (Конституциянинг 33-моддаси).

Фуқароларнинг ўз ижтимоий фаоллигини митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказиш йўли билан амалга ошириш ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тан олади ва кафолатлайди.

Митинг – сиёсий масалаларнинг муҳокамаси учун йиғилган жамоа йиғилишидир.

Йиғилиш – ёпиқ иморатда ёки бирор хонада ўтказиладиган, маълум йиғилган шахсларнинг мажлисидир. Мажлис шаклидаги йиғилишлар мажлис ташкилотчилари томонидан иштирокчилар сонини чегаралаш учун танланиши мумкин, лекин бу йиғилишнинг асосий моҳиятини белгиламайди.

Намойиш – ижтимоий сиёсий норозиликнинг очиқ кўриниши бўлиб, намойишчиларнинг у ёки бу масала бўйича намойиш аъзоларининг оммавий тарздаги очиқ муносабатларидир. Намойиш, асосан, митинг билан бошланади ва тамом бўлади.

Давлат фуқароларнинг бу ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда уларга бино, майдон ва кўчалар, шунингдек, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун шароит яратади.

Ҳокимият органлари митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиладиган жойларни ажратадилар ва уларни бошидан охиригача назорат қилиб борадилар.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда белгиланишича, тинч йиғилишлар давлат ва жамият, оммавий тартиб, аҳоли соғлиғи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўзлаш мақсадларида чекланиши мумкин (32-модда). Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида чекланиши мумкинлиги таъкидланган.

Амалдаги қонунчиликда йиғилиш, митинг ва намойишлар тартибини бузганлик учун юридик жавобгарлик белгиланган.

4-§. Фуқароларнинг сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳамда оммавий ҳаракатларда иштирок этишлари мумкин.

Ҳеч ким сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қадр-қимматини камситиши мумкин эмас.

Касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи омманинг маълум бир мақсадларни амалга ошириш ва сиёсий фаолиятни ривожлантиришни кўзлайди. Фуқаролар сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиб, давлат ишларини бошқаришда иштирок этадилар.

Конституцияда жамоат бирлашмалари томонидан амалга ошириладиган масалалар кафолатланган. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлайди ва уларга жамият ҳаётида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратиб беради.

Давлат қонун орқали сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти, уларни молиялаштириш, рўйхатдан ўтказиш, бошқа давлат органлари билан бўладиган муносабатларини тартибга солади. Жамоат бирлашмалари ўз ички тузилиши ва фаолиятини шакллантириш масалаларини мустақил ҳал қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларга сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқини Конституция ва қонунларга зид келмаган ҳолатларда амалга оширишлари мумкинлигини таъкидлайди.

Тинч мухолифатнинг мавжудлиги барча демократик жамиятлар учун меъёрий ҳолат ҳисобланади. Мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, кўппартиявийлик асосида жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштириш, сиёсий тизимга бўлган эътибор халқаро умумэътироф этилган талаблар даражасида шаклланмоқда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига оид конституциявий қоида бир қатор жорий қонунларда ривожлантирилган. Бундай қонунлар жумласига "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги (1996 йил), "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги (1991йил),

"Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги (1999 йил) қонунларни ва бошқа бир қатор қонуний ҳужжатларни киритиш мумкин.

Конституциянинг 34-моддасида; "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас", дейилади.

1996 йилнинг 26 декабрида қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ сиёсий партия фикрларнинг умумлигидан, мақсад ва манфаатларидан ташкил топган, ўз олдиларига жамият аъзоларининг маълум бир қисмининг сиёсий эркини амалга оширишни мақсад қилиб олган ва ўзларининг вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ихтиёрий жамоасидир. Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошириш мақсадида ташкил топади ва фаолият кўрсатади, уларда фикр эркинлиги, сўз ва эътиқод ҳуқуқи асосий ўринларни тутади (қонуннинг 3–бандида кўрсатилган).

5-§. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат органлари ва фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган муайян зиддиятларни ҳал этиш тартиби кўрсатилган. Конституцияда тарафларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар ёритилган.

Фуқароларнинг мурожаатлари, қандай шаклда, яъни ариза, шикоят ёки таклиф шаклида бўлишидан қатъий назар, расмийлаштирилади.

Ўзбекистонда ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт (Конституциянинг 35-моддаси).

Фуқароларнинг ваколатли давлат органлари ва халқ вакилликларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиши – бу уларнинг давлат ва жамият бошқарувида қатнашишининг амалий шаклидир. Бу ҳуқуқнинг моҳияти шундаки, ваколатли давлат органларига фуқаролар ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилганларида бу органларнинг раҳбарлари томонидан фуқароларнинг таклиф ва аризаларини кўриб чиқишлари рад этилиши мумкин эмас.

Ариза, таклиф, шикоятларда ташкилот, муассасалар фаолиятини яхшилаш билан бир қаторда шундай таклифлар ҳам берилиши мумкинки, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни кўрсатувчи ва давлат ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий тавсифдаги камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳам таклиф этилиши мумкин. Бу фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришдаги энг самарали усулдир. Ариза, таклиф ва шикоятлар ёзма шаклда ҳамда халқ депутатлари ва мансабдор шахсларнинг қабулида оғзаки ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, ариза, таклиф ва шикоят газета, радио, телевидение воситасида ҳам мурожаат этиш орқали ифодаланиши мумкин.

Бу ҳуқуқ, биринчи ўринда, бошқарув маданияти даражаси, ваколатли давлат органларидаги ишчиларнинг онги ва масъулиятига боғлиқ.

2002 йил 11 майда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг фуқароларнинг мурожаатлари ҳуқуқини белгилайдиган асосий қоидалар, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддати ва тартиби белгиланган.

Мурожаатларда фуқаронинг исми, фамилияси, отасининг исми, фуқаронинг турар жойи тўғрисидаги маълумотлар, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти кўрсатилган бўлиши керак. Юқорида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олмаган аризалар кўриб чиқилмайди. Мурожаатлар

индивидуал ва жамоа томонидан берилиши мумкин бўлиб, оғзаки ёки ёзма равишда киритилади.

Қонунга кўра қуйидагилар тақиқланади:

1) Фуқароларнинг ўз мурожаати учун таъқиб остига олиниши ёки мурожаатчининг оила аъзоларини таъқиб қилиш;

2) шахсларни бирон бир мурожаатни ҳимоя қилиш ҳатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилиш;

3) фуқароларнинг мурожаатга тааллуқли бўлмаган фуқаро шахсияти ҳақида далилларни аниқлаш;

4) фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақида уларнинг розилигисиз тегишли органлар ва шахсларга мурожаат қилиш.

Фуқаролар таклифлар бериш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, корхоналар фаолиятини яхшилашга йўналтирилган фуқароларнинг мурожаатномаларини кўриб чиқиши ва мурожаат этувчига унинг натижаларини билдиришлари шартдир.

Фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга ошириш илтимоси билан ариза (мурожаат) келиб тушганда, аризаларни кўриб чиқиш ваколати бўлган мулкий шаклидан қатъий назар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар масъул ходимлари, раҳбарлари ёки бошқа масъул ходимлар аризаларни объектив ва ўз вақтида кўриб чиқиш, қонуний қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш, шу мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида фуқароларга хабар бериш каби мажбуриятларни бажаришлари шартдир. Аризада кўрсатилган талабларга рад жавоб фуқаролар эътиборига ёзма равишда, сабаблари кўрсатилган ҳолда етказилади.

Шикоят – бу қайсидир бир органнинг ёки мансабдор шахснинг қарори ёки ҳаракатлари билан фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига зиён етказилганда ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини тиклаш талаби кўрсатилган мурожаатдир. Шикоят фуқаронинг ўзига нисбатан давлат органи ёки жамоат ташкилотлари қарори қабул қилингани ёки ҳаракатлари ҳақида хабар топганидан сўнг, бир йилдан кечикмаган ҳолда бўйсиниш тартибига қараб,

ваколатли органларга ёки ваколатли шахсларга тақдим этади. Арзнома қонунда кўрсатилган муддатларда судга тақдим этилиши мумкин.

Шикоятга фуқаронинг олдинги мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорлар ёки унинг нусхалари, шунингдек, арзномани кўриб чиқиш учун керакли бўладиган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Шикоятларнинг ҳаққоний кўриб чиқилиши мақсадида ҳаракатлари ва қарорлари ўзгартирилиши мумкин бўлган органларга ва ваколатли шахсларга фуқароларнинг шикоятларини қайта жўнатиш қонун томонидан тақиқланади.

Қонунда мурожаат қилиш билан келиб чиқадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва органларнинг мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Фуқаролар шикоятни текшираётган шахсга ўз талабларини шахсан билдириш, текширув материаллари билан танишиш, қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш, адвокат ёки бошқа шахснинг хизматидан фойдаланиш, шикоятини текшириш натижаси ҳақида ёзма маълумот олиш, қонунда кўрсатилган тартибда етказилган зарарнинг ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ариза, шикоят ва таклифлар фуқаролар томонидан индивидуал шаклда, шунингдек, умумжамоа шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари фактларни яширишни кўзламаганлиги ҳамда ёлғон ахборотлардан иборат бўлмаслиги керак. Бундай ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик кўзда тутилган.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига қайси ҳуқуқлар киради?
2. Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда қандай усуллардан фойдаланашадилар?
3. Фуқаролар мурожаатларининг қандай шакллари мавжуд?
4. Қандай тартибда иёсий партиялар тузилади?

5. Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш тартиби қайси қонун билан тартибга солади?

6. Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати қанча?

7. Фуқаролар неча ёшдан актив сайлов ҳуқуқига эга бўлади?

XIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Фуқароларнинг мулк ҳуқуқи

2-§. Фуқароларнинг мерос ҳуқуқи

3-§. Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи

4-§. Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи

5-§. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи

6-§. Фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи

7-§. Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи

8-§. Фуқароларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи

1-§. Фуқароларнинг мулк ҳуқуқи

Мулк ҳуқуқи ҳар кимнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкка бўлган ўз хоҳишига кўра, ўз манфаатини кўзлаб эгалик қилиш, фойдаланиши ва тасарруф этишини англатади.

Ўзбекистонда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фақатгина иқтисодий жиҳатдан эркин фуқарогина ҳақиқий мулк эгаси бўлиб, у ўз мулкидан самарали фойдаланиши ва шу орқали мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир этиши мумкин.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаси давлат мулкини хусусийлаштириш орқали монополияга чек қўйиш ва кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, мулкнинг барча шаклларининг ривожланишига бир хил шарт-шароит яратиб бериш ва ривожлантиришдан иборат. Бу вазифаларни бажариш, биринчи навбатда, мулк ҳуқуқини амалга ошириш механизмининг ҳуқуқий асосларини

яратиш, айниқса, унинг муҳим элементи бўлган ҳар кимнинг ўз хусусий мулкига эркин эгалик қилиш тамойилини мустаҳкамлаш эди.

Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Мулкчилик тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик тўғрисида"ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Конституцияси инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири-мулк ҳуқуқини ҳам мустаҳкамлайди. Конституциянинг 36-моддасида инсоннинг мулк ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, ушбу модда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" (1948-йил), "Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт" (1966-йил) ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланган.

Мулк ҳуқуқига оид конституциявий нормаларнинг ривожланиши ва унинг ҳуқуқий механизмини яратишга доир бир қанча қонунлар қабул қилинди. “Фермер ва деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги , "Ижара тўғрисида"ги, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда ихтисодиётнинг нодавлат сектори тобора ривожланиб бормокда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги асосий вазифа давлат мулкининг хусусийлаштирилишини тезлаштириш, уни хақиқий мулк эгасига топшириш имкониятини топиш, мулкдан ўз хоҳиши ва иродасига кўра давлат ва жамият манфаатларига мос ҳолда эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишини давлат томонидан ҳимоя этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида, айни вақтда, мулкнинг хусусий ва оммавий (давлат) шакллари мавжуд. Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар қандай шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга. Яъни шахснинг ўз мулкига эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши конституциявий қоидалар билан таъминланади.

Шахс ўзининг мулкий ҳуқуқларини амалга оширишда атроф-табиий муҳитига ва кишилар соғлиғига зарар етказмаслиги керак.

Давлат мулкдорнинг қўлидаги мулкни ўзгалар томонидан чегараланишини тақиқлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя этилади. Мулкнинг барча шакллари дахлсиз ва қонун билан ҳимояланади. Ўзбекистон Республикасида жамғарма омонатлари барча тижорат банклари томонидан қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикасида банк омонатчилари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланади.

Банк омонатининг сир тутилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустахкамланганидек, инсонларнинг иқтисодий ҳуқуқлари сирасига киради. Банк томонидан омонат сирларини сақлашга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Банк ва банк фаолияти тўғрисида"ги, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунларии билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг "Банк ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 38-моддасига биноан молиявий операцияларнинг сир тутилиши, харидорлар ва корреспондетларнинг ҳисоб омонатларининг сир сақланиши таъминланади.

2-§. Фуқароларнинг мерос ҳуқуқи

Ўзбекистонда ҳар бир инсон мерос қолдириш ҳуқуқига эга эканлиги Ўзбекистон Конституцияси томонидан кафолатланади. Мерос ҳуқуқига оид фуқароларнинг мулкий муносабатлари фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига биноан мерос қолдирувчининг ўлгунига қадар мерос қолдириш ҳуқуқи сақланиб қолади. Фуқаролар, яъни мерос очилишида шу уйда яшаган шахслар, фарзандлар, қариндош-уруғлар меросхўрлар ҳисобланади.

Мерос икки йўл билан: қонун ва васият қилиш орқали қолдирилади.

Ҳар бир шахс ўз мулкини тўлалигича ёки мулкнинг маълум бир қисмини бир кишига ёки бир неча кишиларга, меросхўрлар қаторига кирувчи юридик шахсларга ёки давлатга ёҳуд ўзини-ўзи бошқариш органларига мерос қолдириши, ўзининг васиятномасини ҳар кандай вақтда ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳолатларида, бу ҳақда нима учун ўзгартиргани ёки бекор этганини кўрсатиши шарт эмас.

Васиятнома (васият) мерос қолдирувчи томонидан ёзма шаклда амалга оширилиши шарт.

Давлат васиятноманинг сир тутилишини кафолатлайди.

Фуқаролик қонунчилигига, асосан, меросхўрлар қонун бўйича навбатма-навбат мерос олиш йўли билан меросга эга бўладилар. Фуқаролик Кодекси бўйича меросхўрларнинг беш даражаси белгиланган бўлиб, меросхўрлар қонун бўйича меросни тенг миқдорда бўлиб олишади:

1) мерос қолдирувчининг фарзандлари, (фарзандликка олинган болалари), шунингдек, мерос қолдирувчининг ўлимидан кейинги болалари;

2) қариндошлари, мерос қолдирувчининг ака-укалари ва опа-сингиллари, бувиси ва буваси, ота тарафидан бўлганидек, она тарафдаги қариндошлари;

3) мерос қолдирувчининг тоғалари ва амма-холалари;

4) мерос қолдирувчининг олтинчи авлодгача бўлган узоқ қариндошлари;

Айтиш лозимки, навбатдаги меросхўрлар даражаси бўйича олдинда навбатда турган меросхўрлар бўлмаган тақдирда мерос олиш ҳуқуқига эга. Давлат қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

3-§. Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади",- дейилади.

Ўзбекистонда қонун бўйича тўла эркин иқтисодий фаолият ҳар бир инсон учун таъминланади, муҳит танлаш, ўз меҳнатини сарфлаш эркинлиги,ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, эркин иш жойини танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш каби шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш Билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддасига биноан барча фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб-мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарар тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиши мумкин.

Ҳар ким ижодий ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат қилиш ҳуқуқига эга, қонунда тақиқланган ҳолатлар бундан мустасно. Ҳар ким ўзи хоҳлаган жойда иш берувчи ва иш берувчи органларга мурожаат этган ҳолда эркин иш жойини танлаши мумкин.

Меҳнат Кодексининг 58-моддасига кўра, давлат ҳар бир кишига иш билан таъминлаш турини, шунингдек, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини, ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилишдан ҳимоялашни таъминланиши, ҳар бир кишига маълум бир касб ва иш

ўрганишда тенглик яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, хизмат бўйича ҳаракатланиш, янги касбга бепул ўқитиш, маҳаллий органлар ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида бошқа жойга ишга ўтганда моддий харажатларни қоплаш, жамоат ишларида муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятларини кафолатлайди.

Ҳомиладор ёки ёш болалари бўлган аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ман этилади.

Ҳар бир ишчи меҳнат муҳофазаси ҳуқуқига эга. Меҳнатни муҳофаза қилиш деганда, амалдаги қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизими тушунилади. "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни меҳнатни муҳофаза қилишнинг ягона тизими тартибини белгилайди. Мазкур қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароити билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Меҳнат муҳофазаси соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиб, у адолатли меҳнат шароити, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи принципларга асосланади.

Эллик нафар ёки ундан ортиқ бўлган ишчиларни бирлаштирган ташкилотларда махсус тайёргарликка эга бўлган шахслардан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тузилади. 50 та ёки ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил этилади. Қонун ишга қабул қилишда меҳнатни муҳофаза қилиш масаласига оид нормаларни кафолатлайди. "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига асосан меҳнат шартномаси шартлари меҳнат муҳофазасига оид қонун ва норматив-ҳуқуқий актларга мос ҳолда қабул қилиниши керак. Фуқароларни саломатлигига зид бўлган ишга қабул қилиш ман қилинади.

Маъмурият ишчини ишга қабул қилаётган пайтда меҳнат фаолияти жараёнида касаллик келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиришга мажбур.

Бундан ташқари меҳнат шартномасини тузаётган ёки бошқа ишга ўтаётган пайтда ҳар бир ишчи иш шароитлари, маълум имтиёзлар ва муҳофаза воситалари тўғрисида ахборот билан таъминланиши керак.

Иш берувчи тиббий кўрикларни ташкил этади ва бундай тартиб соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланади. Ишчи тиббий кўрик ўтказишни талаб этиш, мазкур меҳнат шароити натижасида унинг соғлиғи ёмонлашишини айтиш ҳуқуқига эга. Оғир меҳнат шароитида ишловчи ишчилар бепул сут, тиббий–профилактика озиқ-овқатлари, газли сув, махсус кийим, махсус оёқ кийими ва бошқа ҳимояланиш ҳамда гигиена нормаларида белгиланган нарсалар билан таъминланадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳамма жойларда риоя этилиши устидан давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган амалдаги низомларга мувофиқ жамоат назорати меҳнат жамоаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун ташкил этилган касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, меҳнат ресурслари билан таъминлаш муаммоси вужудга келади ва ишсизлар сонининг муттасил ошиб бориши кузатилади. Шунинг учун, иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик, унинг олдини олиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда 1998-йил 1-майда "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга 1993-йил 7-майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиш мақсадида биринчи марта иш билан таъминланган ва ишни йўқотган, шунингдек узоқ муддатдан кейин (бир йилдан ортиқ муддатга) иш билан таъминлашни сўраган шахслар ҳамда ишсиз деб эътироф этилганларга қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

1) Ишсизлик нафақасини олиш;

2) Қарамоғидаги одамга моддий ёрдам кўрсатиш;

3) Касб тайёргарлиги даврида стипендия тўланиши, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш ва бу вақтларнинг меҳнат стажига қўшилиши;

4) Хақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш имконияти.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги давлат сиёсатини амалга ошириш натижасида 240 пунктдан юқори бўлган меҳнат биржа тизимлари ташкил этилди. Республиканинг ҳар бир тумани бундай биржага эга. Ишсизларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг касб-маҳоратини ошириш ва ишсизликнинг олдини олиш механизми ташкил этилди. Бугунги кунда рўйхатга олинган ишсизлар сони меҳнат ресурсларининг тахминан бир фоизини ташкил этади.

Мажбурий меҳнат ёки бирон-бир жазо чорасини қўллаш орқали иш қилишга жалб этиш тақиқланади.

Қуйидагилар мажбурий меҳнат сифатида эътироф этилмайди: "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун асосида кўрсатилган ҳолатлар, фавқулодда ҳолатлар шароитларида, суднинг ҳукми қонуний кучга кирганлиги боис ва қонунда белгиланган бошқа ҳолатлар".

4-§. Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи

Ўзбекистонда ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади (Конституциянинг 38-моддаси).

Иш вақти деб, маълум бир график асосида ташкил этилган, меҳнат шартномаси билан белгиланган меҳнат мажбуриятлари бажариладиган вақтга айтилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 115-моддасига асосан ходим иш ҳафтасида 6 кун ишлаётган ҳар бир иш кунига етти соатдан кўп бўлмаган, беш кунлик иш ҳафтасида 8 соатдан кўп бўлмаган иш билан таъминланади. Ишчининг иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги керак.

Шунингдек соғлиқнинг аҳволи, меҳнат шароити ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда қисқартирилган иш вақти белгиланган:

1) 18 ёшга етмаган ходимлар, I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар;

2) ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар;

3) алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар;

4) уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган ходимлар.

Шунингдек меҳнат шартномаси шартларига асосан ишга қабул қилинаётганда тўлиқ бўлмаган иш куни ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси ташкил этилиши мумкин. Қонунлар ва меҳнат ҳақидаги бошқа норматив актларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра иш берувчи тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Ходим учун белгиланган ҳар кунлик иш вақтининг камида ярми тунгги вақтга (22.00 дан 6.00 гача) тўғри келса 1 соатга қисқартирилади. Меҳнат қонунчилигида ходимни асосий иш вақтидан ташқари иш билан банд этишга фақат ишчининг розилиги билан йўл қўйилиши белгилаб қўйилган.

Барча ходимларга, шу жумладан вақтинчалик ишловчиларга ҳам ҳар йилги меҳнат таътилларидан кейин иш жойларининг сақланиб қолиши ва қайта тикланиши кафолатланади. Йиллик таътил ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддатга белгиланади. Дам олиш ва байрам кунлари таътил даврига тўғри келганда улар таътил кунлари сифатида инобатга олинмайди.

Меҳнат қонунчилиги ходимларга йиллик асосий узайтирилган ва қўшимча меҳнат таътилларини белгилайди. Йиллик қўшимча таътилнинг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Йиллик таътилда ишчига ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаш кафолатланади. Таътил учун ҳақ тўлаш, жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кунидан кечикмай амалга оширилади.

Меҳнат ҳуқуқи тўғрисидаги қонунларда ишчиларга махсус таътиллар, яъни ҳомиладорлик ва туғиш, болаларга қараб туриш, ижодий таътиллар берилиши назарда тутилган.

5-§. Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон давлат қурилишидаги асосий тамойиллардан бири-кучли ижтимоий ҳимоя ҳисобланади. Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи фуқароларнинг асосий ҳуқуқлардан биридир.

"Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас",-дейилади Конституциянинг 39-моддасида.

"Ижтимоий таъминот" атамаси давлат томонидан яратиб бериладиган, инсонларнинг ҳаётий фаолияти учун зарур эҳтиёжини моддий томондан қондириш учун моддий ва бошқа ижтимоий ҳимоя қилиш тушунилади. Булар сирасига пенсия, нафақа ва ижтимоий ночор фуқароларни пул ва шунга ўхшаш шакллардаги моддий таъминотлар билан таъминлаш киради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилларидан бири давлат фаолиятини иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилишга асосланган кучли ижтимоий сиёсат ҳисобланади. Давлат органлари, жумладан, Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, ҳокимиятлар, маҳаллий вакиллик органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни амалга оширади. Бундан ташқари, шундай органлар тизими мавжудки, уларнинг ваколат доирасига аввало юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар киради. Бу Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги ва унинг жойлардаги тегишли органлари ҳисобланади. Пенсия фонди, болалар фонди, "Маҳалла" фонди ва бошқа фондлар ташкил этилиб, улар самарали фаолият олиб

бормоқда. Республика Президенти Фармони билан фуқароларнинг ижтимоий таъминоти билан шуғулланиш вазифаси уларнинг жойларидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилди.

Республикада фуқароларнинг ижтимоий таъминотини амалга оширадиган органлар тизими ва институтлар ишламоқда. Давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг конституцион ҳуқуқларининг амалга оширилиши мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қиладиган механизм яратилганлигидир. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи билан малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи бир-бири билан узвий боғлиқдир.

6-§. Фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи

Ўзбекистонда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга (Конституциянинг 40-моддаси).

Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланган, шахсларга берилган ҳуқуқ сифатида, тиббиёт муассасалари ва махсус малакали шифокорлар ёрдамида керакли тиббий ёрдам олиш билан изоҳланади.

Малакали тиббий хизматни махсус тиббий билимларга эга,гиппократ қасамёдини қабул қилган ва ёрдамга муҳтож ҳар қандай беморга сидқидилдан хизмат қиладиган шахслар амалга оширади. Давлат тиббиёт ходимларининг малакаси устидан қаттиқ назорат олиб боради. Қонунчилик тиббий фаолият билан етарли малакага эга бўлмаган шахслар шуғулланишини тақиқлайди.

Давлат хусусий соғломлаштириш муассасаларини очишга ҳамда улар фаолиятини олиб боришлари ва уларнинг тиббий хизмат кўрсатиш даражаси, сифати устидан назорат қилади. Мабодо улар давлат стандартларига жавоб бермаса, фаолият олиб боришлари учун берилган лицензия ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Шунинг учун ҳам давлат томонидан жуда кўп тиббиёт олийгоҳлари, ўрта-махсус тиббиёт ўқув юртлари барпо этилган ва улар соҳа учун махсус билимларга эга малакали мутахассислар тайёрлайди.

Малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш ҳуқуқи қуйидаги шарт-шароитлар билан таъминланади:

1) давлат даволаш ва санатория–курорт муассасалари тармоғининг мавжудлиги (11000 дан ортиқ);

2) нодавлат ва идоравий тиббий муассасаларини рағбатлантириш ва ривожлантириш. Кўплаб ишлаб чиқариш тармоқлари, ташкилотлар ўзларининг поликлиника, санатория, касалхона ва соғломлаштириш марказларига эга;

3) фуқароларнинг барча қатламларини ўз ичига оладиган кенг қамровли эмлаш ишларини олиб бориш ҳамда касалликларни аниқлаш ва олдини олиш;

4) тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, улар фаолиятининг самарадорлиги ва малакаси устидан давлат назоратини ўрнатиш;

5) тиббий суғурта тизимини яратиш. Меҳнатга яроқсиз ёки ногирон фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларга тўловлар ажратиш;

6) фуқароларга давлат тиббий муассасалари томонидан бепул тиббий хизмат кўрсатиш. Ногиронлар, 2 ёшгача бўлган болалар ва оғир беморларга дорихоналардан текин дори-дармон олишга кўмаклашиш;

7) тиббиёт муассасаларининг замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва уларда қулай шарт-шароитлар яратиш;

8) тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг мавжудлиги.

Малакали тиббий ёрдам кўрсатиш фаолиятини давлат томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлигидаги органлар тизими олиб бормоқда. Шунингдек, "Соғлом авлод учун" халқаро фонди оналар ва болалар соғлигини сақлаш йўлида самарали иш олиб бормоқда.

Тиббий ёрдам олишга оид конституциявий нормаларнинг ҳуқуқий механизмини амалга оширишда "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонунлар ва улар асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллайди.

7-§. Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи

Шахснинг баркамол бўлишида билим олиш ҳуқуқи катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Конституциясининг 41-моддасида шундай дейилган: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир."

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан борар экан, унинг асосий вазифаси ҳар томонлама баркамол эркин шахсларни камол топишига шарт-шароит яратиш ва таъминлаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таълим соҳасига давлат сиёсати даражасида катта эътибор берилмоқда.

1948-йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси принципларига асосан Ўзбекистон Республикаси шахснинг билим олиш ҳуқуқини амалга оширилишининг ҳаракатдаги самарали ҳуқуқий механизмини яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ушбу Декларацияга, шу жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ва "Иқтисодий , ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пактларга қўшилиш тўғрисида қатор қарорлар қабул қилди. Билим олиш ҳуқуқига тегишли бўлган халқаро ҳужжатларда (мисол учун, 1960 йил 14-декабрда ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Таълим соҳасини чеклашга қарши кураш Конвенцияси) "Таълим" термини таълимнинг барча турларига ва босқичларига тегишли бўлиб, билимнинг сифати ва даражасини, унинг қандай шароитларда олиб борилиши ва унга кенг йўл очиш масалаларини қамраб олади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бошланғич таълим бепул ва мажбурий эканлиги, ўрта таълим ва унинг турли шакллари умумийлигини таъминлаш, олий таълимни барча ўз қобилияти асосида олиши "Таълим тўғрисида"ги қонун мазмунини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими яратилиб, унинг асосида шахс таълим олишининг ҳуқуқий механизмлари амалда мустаҳкамланади.

Таълимнинг ягона тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

-мактабгача тарбия;

-умумий таълим;

-мактабдан ташқари таълим;

-ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим;

-олий таълим;

-олий таълимдан кейинги таълим;

-кадрларнинг касбий малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

-оиладаги таълим;

-мустақил таълим;

Таълим турлари ва шаклларининг турли-туманлиги шахснинг таълим олишга бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, хусусан, "Таълим тўғрисида"ги қонунда ҳар бир шахс дини, тили, ирқи, яшаш жойи, миллати, келиб чиқиши ва қаерда ишлашидан қатъий назар тенг таълим олиш ҳуқуқига эга деб кўрсатиб ўтилади. Таълим олиш ҳуқуқининг мазмуни шундаки, Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросига таълим ва тарбиянинг барча кўринишларидан тенг фойдаланиш имкониятларини кафолатлайди. Таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишга мавжуд кучли моддий техника базаси имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий мақсадларидан бири фуқаролик жамияти қуриш, уни ҳар томонлама ривожланган, мустақил ва баркамол шахслардан иборат бўлишини таъминлашдан иборат. Давлат фаолиятининг устивор йўналиши ҳар бир инсоннинг қобилиятига яраша таълим олиши ва уни жамият фойдасига, тараққиётига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган. Техника ва фаннинг юксак даражадаги ривожланиши ҳар бир киши билимини юқори сифатда бўлишини талаб қилмоқда.

Шу боис кучли ижтимоий сиёсат йўналишларидан бири ҳисобланган мамлакатимизда бепул таълим бериш сиёсатининг амалга оширилаётгани юксак қадриятларимиздан биридир. Бундай дейишимизга сабаб, ривожланган

давлатларнинг барчаси ҳам шу тариқа бепул олий ва махсус таълим сиёсати олиб бориш имкониятига эга эмас.

Давлат томонидан иқтидорли ўқувчи ва талабаларни қўллаб- қувватлаш, уларга керакли билим савиясини ошириш имкониятини яратиш, билим олишни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун мамлакатимизда бир қанча турдаги стипендиялар, фондлар, болалар маданият уйлари ташкил этилган.

8-§. Фуқароларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Конституцияси ҳар бир инсоннинг қаерда яшашидан қатъий назар, унга илмий ва техникавий ижод эркинлигини ва маънавият ютуқларидан фойдаланишини кафолатлайди.

"Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади." (Конституциянинг 42-моддаси).

1966-йил 4-ноябрда қабул қилинган Халқаро маданий ҳамкорлик қилиш принциплари Декларациясида: "Ҳар бир маданият ўз қадр - қимматига эга, уни сақлаш ва ҳурмат қилиш лозим", деган сўзлар битилган.

Ўзбекистон бой маданий меросга эга. Конституциямиз маданий бойликларимиздан ҳар бир кишининг фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Маданият деганда инсон томонидан яратилган барча бойликлар, ютуқлар йиғиндиси тушунилади ва у ижтимоий ҳаётда кўпқиррали хусусиятга эга.

Маданиятнинг таркибий қисмларини фан, таълим ва санъат ташкил қилади. Адабий, мусиқий, бадиий асарлар ва халқ эпоси, илмий назария ва ҳунарлар маданият феноменига киради. Ҳар бир маданият элементи халқ ҳаётининг у ёки бу кўринишини ўзида акс эттиради. Ҳар биримизнинг санъат, кино, адабиёт, мусиқа дунёсидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқимиз асосий қонунимизда мустаҳкамланади. Барча учун театр, музей, кутубхона ва

архитектура ёдгорликлари эшиклари ҳеч бир тўсиқсиз очиқдир. Ҳар бир шахс истаган фан ва техника соҳаси билан шуғулланиши мумкин. Буни давлатимиз ҳуқуқий, ташкилий, моддий ва сиёсий жиҳатдан кафолатлайди.

Маданият муассасалари тараққиёти фаолияти тизимини бошқариш Маданият ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Илмий-техника соҳаси фаолияти билан Фан ва техника Давлат қўмитаси шуғулланади.

"Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, Ўзбекистоннинг янги тарихини ўрганиш маркази ва шу каби бошқа ташкилотлар маданий ютуқларни асраш ва уни кейинги авлодга етказишга хизмат қилмоқда.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Мулк деганда нима тушунилади?
2. Ўзбекистонда қандай мулк шакллари мавжуд?
3. Мерос қандай усуллар асосида қондирилади?
4. Қандай асосларга кўра мажбурий меҳнатга йўл қўйилади?
5. Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари тартибга солувчи қонунларни санаб беринг?
6. Қонунга кўра ҳафтасига ходимга неча соат иш вақти белгиланган?
7. “ Ижтимоий таъминот” атамаси тушунчасига таъриф беринг?
8. Ўзбекистонда ижтимоий таъминот билан шуғулланувчи махсус давлат органи айтинг?
9. Малакали тиббий хизмат кўрсатиш қандай усулларда амалга оширилади?

10. Ўзбекистонда таълим турларини санаб беринг?

11. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий вазифаси нималардан иборат?

12. Ўзбекистонда авторлик ҳуқуқи қандай таъминланган?

XIV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

1-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тушунчаси

2-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг юридик кафолатлари

3-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ижтимоий кафолатлари

1-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тушунчаси

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари икки кўринишига эга: давлатнинг ўз ички кафолатлари ва халқаро ҳуқуқий кафолатлар. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари институтлари сирасига тобора аҳамияти ошиб бораётган Омбудсман яъни, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини киритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари малакали юридик хизмат ва малакали ҳимоячи (адвокат) хизматидан тўлиқ равишда конституциявий, жиноий, фуқаровий ва маъмурий ишларда фойдаланиш имкониятида намоён бўлади. Бу тушунча Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида аниқ ифодаланган.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари бўлиб, уларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бунда асосан ҳокимият вакиллари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Одатда, бундай жавобгарлик умумий характерга эга бўлиб, у оддий қонунларда аниқ ифодаланган.

Халқаро-ҳуқуқий кафолатлар ҳақида тўхталганимизда, бу ҳолат халқаро оммавий ҳуқуқ томонидан тартибга солинишини эслатиш лозим.

Иккинчи жаҳон урушига қадар давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар, асосан, давлат миқёсида ҳал этилган. Тоталитар тузумларнинг емирилиши оқибатида жаҳон жамоатчилигининг эътиборини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши ўзига қаратди. Булар БМТнинг Уставида

(1945-йил), "Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация"да (1948-йил), Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги 1966 йилги халқаро Пактларда ўз ифодасини топган. Бу халқаро ҳужжатларда инсоннинг глобал муаммолари ҳуқуқий жиҳатдан кенг ёритилган. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳимоясини ҳозирда БМТ ва унинг тегишли махсус ташкилотлар амалга оширмоқда. Улар Европа Кенгаши томонидан 1950-йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва асосий эркинликлари тўғрисида"ги Европа Конвенциясига асосан иш олиб боришади. Агарда фуқаро ўз ҳуқуқи ҳимояси юзасидан ўз давлатида нажот топмаса, унда инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Конституциясининг 43-моддасида "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди",-дейилган.

Ушбу модда Конституциявий принципларнинг асоси, ўзаги, характерини ифодалаган бўлиб, унда инсон манфаатларига хизмат қилиш, эркинлик кафолати, давлатнинг ижтимоий мақсади ва асл ғояси акс этган.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларни тиклаш ва демократик жамият қуриш йўлдан боришда инсон эркинлигига, жамият ва давлатнинг бирлигида инсоннинг тутган ўрнини юксак баҳолашга катта аҳамият берилди. Демократик давлатда жамият аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари доимий ҳаракатдаги механизм сингари бўлмоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмунида давлат фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, жамият учун хизмат қилишга бутун кучини сафарбар этиши лозимлиги ҳақидаги ғоялар мавжуд.

Конституциянинг 19-моддасида "ҳеч ким суд қарорисиз фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳақли эмас" дейилган. Бу эса агар жавобгар бўлса, ҳаттоки, давлат органларини ҳам суд-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш мумкинлигини билдиради. Кафолат тизимида иқтисодий омил катта аҳамиятга эгадир. Сабаби иқтисодий ҳаёт қанчалик фаровон бўлса, ҳуқуқнинг амалдаги кафолат даражаси шунчалик

юқори бўлади. Буларнинг барчаси давлатнинг асосий қонуни билан белгиланади ва кафолатланади.

2-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг юридик кафолатлари

Ўзбекистонда "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади." (Конституциянинг 44-моддаси).

Бу конституциявий қоиданинг асосий моҳияти шундаки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганда, у суд орқали ҳимоя қилинади. Инсонларга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар кўп қиррали хусусиятга эгадир. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар туркумига мисол учун яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кабилар киради.

Шахс ўз виждон эркинлиги ва ҳаракатида эркиндир. Мисол учун Конституциянинг 24-моддасига мувофиқ, яшаш ҳуқуқига қилинган тажовуз энг оғир жиноят деб топилишини талаб этади. Ҳар бир фуқаро ўз ҳаракатидан келиб чиқиб, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қонун ҳимояси орқали амалга ошириши мумкин. Демократик ҳуқуқий давлатда Конституция томонидан суд ҳимоясининг берилиши бу жуда катта аҳамият касб этади. Бунинг ўта муҳимлиги Конституциянинг "Муқаддима" қисмида ўз ифодасини топган.

3-§. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ижтимоий кафолатлари

Ўзбекистонда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг, янги иқтисодий шароитга ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя қилиш дастурини яратди. Давлат асосий бош ислоҳотчи сифатида танилгани боис асосий ижтимоий ҳимоя механизмлари ҳам давлат томонидан яратилиши ўз вақтида самара бера бошлади. Бу ижтимоий сиёсатда мамлакат аҳолисининг энг муҳтож қатламларига катта эътибор берилмоқда. Бу Конституциянинг 45-моддасида ўз

ифодасини топган. Давлат ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ана шу қатлам ҳимоясини ўз бўйнига олган. Бу эса Конституция орқали фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари кафолатланишининг амалий ифодасидир.

Конституцияга мувофиқ, эркак ва хотин-қизлар тенг ҳуқуқлидирлар.

Бу эса жамият аъзолари ўртасидаги муносабатда фуқароларнинг жинсидан қатъий назар, қонун олдида тенглигини кафолатлайди. Шунингдек, уларнинг ҳаётий муносабатларини тартибга солади. Булар барчасининг ҳуқуқий тартибга солиниши ғоятда аҳамиятлидир. Акс ҳолда, бу ёзилган чиройли сўзлар қоғозда қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунида махсус боб шахс эркинлиги ва ҳуқуқининг кафолати мавзусига бағишланган.

Ўзини -ўзи назорат қилиш саволлари

1. “Кафолат” деганда нима тушунилади?

2. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик кафолатларига нималар киради?

3. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ижтимоий кафолатларига нималар киради?

4. Давлат инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати сифатидаги вазифалари нималардан иборат?

5. Суд ҳокимиятининг инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашда ўрнини айтинг?

XV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР БУРЧЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Фуқароларнинг бурчлари тушунчаси

2-§. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи

3-§. Фуқароларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти

4-§. Фуқароларнинг атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти

5-§. Фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти

6-§. Фуқароларнинг Ватанни ҳимоя қилиш бурчи

1-§. Фуқароларнинг бурчлари тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, ва эркинликларини, балки уларнинг бурчларини ҳам кўрсатиб ўтади.

"Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар",-дейилади Асосий Қонуннинг 47-моддасида.

Субъектив ҳуқуқ ва субъектив бурчлар ҳам ҳуқуқий категориялар ҳисобланади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбурият бир-бири билан ўзаро алоқа ва келишувчилик асосида пайдо бўлади. Субъектив ҳуқуққа ҳар доим тегишли юридик мажбурият мос келади. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар турли хил ҳуқуқий муносабатларда биргаликда ҳаракат қилади. Барча норматив актларда субъект ҳуқуқининг мажбуриятлари ва тегишли ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилади. Бунинг учун энг асосий ҳуқуқий база бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хизмат қилади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ўз ҳуқуқий табиатига кўра асосий ҳуқуқ ва бурчлар бўлиб хизмат қилади. Қолган бошқа турли хил ва жуда кўп ҳуқуқ ва бурчлар мана шу

аснода келиб чиқади ва келажакда фуқароларнинг ҳуқуқий ҳаётида катта рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ VI-сессиясида қилган маърузасида, демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги моҳияти масалаларида қуйидагиларни келтириб ўтади: "Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишини кафолатлайди. Биз одамлардаги эски тузум психологиясини ўзгартиришимиз ва янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим. Инсон англасинки, эркинлик – бу бурч масъулиятидир". Конституциянинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир.

Конституцияга асосан демократия Ўзбекистон Республикасида умуминсоний принципларга, яъни инсон энг олий қадрият деган ғоя асосига қурилади. Ҳар бир фуқаро қонун олдида тенгдир ва бошқа фуқароларнинг миллати, тили, дини ва эътиқодини ҳурмат қилиши шарт.

Фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланганида, унинг ҳаракатлари бошқа шахс, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказмаслиги лозим.

Шу боис, шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан қонун доирасидан чиқмаган ҳолда фойдаланиши лозим. Агарда қонундан ташқари ҳатти-ҳаракат содир этилса, у ҳолда, қонун томонидан жазоланади. Бу эса конституциявий бурчларни бажармаслигидан келиб чиқади.

2-§. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи

"Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар" (Конституциянинг 48-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3–бобида Конституция ва қонунларнинг устиворлиги кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари Конституциянинг норма ва принциплари асосида яратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида фуқароларнинг бошқа шахслар эркинлиги, шаъни, қадр- қимматини ҳурмат қилиши белгиланган. Бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, аввало, фуқаро ўзига тегишли бурчларини бажариш орқали киришадиган ҳуқуқий муносабатларда: фуқаролик, уй-жой, оила-никоҳ ва бошқа масалаларда ҳуқуқий субъект сифатида қатнашади. Фуқароларнинг ўз бурчларини бажармаслиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноий-ҳуқуқий, фуқаровий, маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

3-§. Фуқароларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти

Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий бойликлари бўлган моддий ва маънавий қадриятларни, маданий ёдгорликларни эҳтиётлаш ва сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Архитектура ёдгорликлари, тарихий – маданий ҳудуд ва объектлар, бадиий ва мусиқий асарлар, халқ оғзаки ижодиёти Ўзбекистон халқининг ўзлигини англашда хизмат қилади ҳамда дунё маданияти цивилизациясига қўшган катта ҳиссасини билдиради. Қадимдан қолган ёдгорликларни нафақат сақлаш, балки келажак авлодга етказиб, янгиларини яратиш лозим. Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ I-сессиясида Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва қайта таъмирлашимиз лозим, чунки улар ўзбек халқи томонидан яратилган миллий бойлигимиз бўлиб, маънавий меросимизнинг улкан қисмидир. Демак, биз уни кўз қорачиғидек сақлаб, келажак авлодга асраб етказмоғимиз лозим". Президентимизнинг бу сўзлари нафақат давлатнинг тарихий-маданий, маънавий меросини сақлаш соҳасидаги сиёсатидир, бу аввало, ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг 64-моддасида тарихий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Тарихий ёдгорликларни сақлашда фуқаролик ва жиноий-ҳуқуқий нормалар қўлланилади.

4-§. Фуқароларнинг атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти

Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Фуқаронинг бу конституциявий мажбурияти 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган ва 1995 йил 6 майда қўшимчалар ва ўзгартириш киритилган Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунида белгиланган.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади. Шунингдек ер, сув, ўрмон қонунчилиги, атмосфера ҳавосини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан муҳофаза қилинади, деб белгиланган. Ҳар бир фуқаронинг бурчи атроф-муҳит ва табиатни қўриқлаш, инсонлар учун шарт-шароитлар яратиш, экологик мувозанатни сақлаш, шунингдек республиканинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига мос равишда қуйидагиларни амалга оширишдан иборатдир:

-тирик табиатнинг генетик фонди ва бой турларини сақлаш;

-кенг кўламли экологик тизим, ландшафтлар ва табиат объектларини сақлаш;

-табиат объектлари билан боғлиқ маданий бойликларни сақлаш;

Бу қонун мазмунини Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг табиат ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишлари ташкил этади.

5-§. Фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти

Ўзбекистонда фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Солиқлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари томонидан белгиланиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маҳаллий йиғим ва тўловларни тўлашга мажбурдирлар. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Солиқ кодекси ҳамда бошқа қонуний ҳужжатлар ва актлар орқали тартибга солинади.

Солиқ тўлашдан бош тортган шахслар тегишли маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

6-§. Фуқароларнинг Ватанни ҳимоя қилиш бурчи

Ватанни ҳимоя қилиш- ҳар бир фуқаронинг бурчи.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг Ватанни ҳимоя қилиш бурчи тўғрисида бир қанча қонун ва ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Буларда фуқароларнинг ҳарбий ёки муқобил ҳизмат тўғрисидаги бурчлари белгиланган. 2001 йил 11 майда қабул қилинган "Мудофаа тўғрисидаги"ги қонуннинг катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг Конституциявий бурчи ҳисобланади. Бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда доимий яшаб турган ёки вақтинча турган фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон республикасида ҳарбий хизматга тайёргарлик кўришга мажбур эмас.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар (52-модда).

Фуқароларнинг ҳарбий ва қуролли кучлар резевидаги хизматини ўташлари учун хуқуқий асос бўлиб, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий ҳизмат тўғрисида"ги янги таҳрирдаги, шунингдек “Қуролли кучлар резервидаги хизмат тўғрисида”ги қонунлар хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунининг мазмунига кўра мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир. Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчидир".

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ҳарбий тайёргарлиги- чақирилувчи ёшларни тайёрлаш, ҳарбий-техник тайёргарлик, ҳарбий билим юртларида ўқиш, жисмоний тайёргарлик, соғломлаштириш ишлари, умумий ҳарбий малака ошириш, давлат тилини ўрганиш, уларни ватанпарварлик туйғусида тайёрлашни ўз ичига олади. Мажбурий ҳарбий ҳизматга 18 ёшга тўлган эркак жинсидаги соғлом фуқаро чақирилади.

Ҳарбий хизматга чақириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан йилда икки марта: май-июнь, ва ноябр-декабр ойларида амалга оширилади. Бу қарор чақириққача бир ой қолганда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Чақирилган ҳар бир киши унинг қўлига берилган чақирув қоғози билан кўрсатилган муддатда чақирув пунктига келиши лозим. Тинчлик вақтида ҳарбий чақириққа Ўзбекистоннинг қуйидаги фуқаролари чақирилмайди:

- чақириш муддати кечиктирилганлар;

- муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод этилган фуқаролар;

- ўтказилаётган дастлабки суриштирув ёки терговга дахлдор бўлган шахслар; жиноий ишга дахлдор бўлган шахслар то иши судда узил-кесил кўриб чиқилиб, айблов ёки оқлов хулосаси чиқарилгунга қадар.

Қуролли кучлар резервидаги хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтайдиган давлат хизматининг алоҳида туридир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун Конституцияда кўрсатилган мажбурият ва бурчлар шулардан иборатдир.

Ўзини – ўзи қилиш назорат саволлари

1. “Бурч” ва “мажбурият” тушунчаларининг фарқи нимада?

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлатнинг ўзаро боғлиқлиги нимада асосланадин?

3. Маънавий бойликлар деганда нимани тушунасиз?

4. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича қайси давлат органларини биласиз?

5. Солиқ тўлаш мажбуриятини амалга оширмаган шахсларга қандай чоралар белгиланган?

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ТУЗИЛИШИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Фуқаролик жамиятининг конституциявий асослари

2-§. Конституция ва жамиятнинг иқтисодий негизлари

3-§. Мулк шакллари, уларнинг объектлари, субъектлари ва муҳофаза қилинишнинг конституциявий асослари

4-§. Конституция ва мулкдор ҳуқуқлари

5-§. Давлат экологик сиёсатининг конституциявий асослари

1-§. Фуқаролик жамиятининг конституциявий асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муаззам умуминсоний қадриятлар теран ифодасини топди. Унда ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибасига таяниб, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш бўйича муҳим вазифа белгиланди.

Бугун Ўзбекистон халқи улуғ аждодларининг анъаналарини, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, қаддини ростлаб, эл-юртимизда осойишталик, барқарорликни, миллатлараро аҳилликни ва фуқароларнинг тотувлигини асраб-авайлаб яъни тарихий шароитда ўз келажагини қурмоқда, миллий давлатчилигини тикламоқда[1]. Ўзбекистон Республикасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш муҳим мақсадли вазифалардан бири бўлиб, у халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари асосида, тараққий топган давлатларнинг ҳуқуқий давлат қуришдаги тажрибаларидан етарли меъёрда фойдаланилиб, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган ҳолда амалга оширилади.

[1] Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2 том. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 92 - бет.

Ривожланган фуқаролик жамияти бўлмаган жойда давлат ва шахс зиддияти ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни бироз тенглаштириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, ҳуқуқий давлатни ҳам ривожланган фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки, пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир[1].

Биз фуқаролик жамиятини кенгроқ тасаввур этадиган бўлсак, демократия, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари каби тушунчаларни бу ҳодисанинг белгиловчи категориялари дейиш мумкин. Ислоҳотларнинг амалиётдаги тадбиқи ана шу тушунчаларнинг назарий ишланмаларига асосланади.

Фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатнинг негизи, бош заминидир. Фуқаролик жамиятининг моҳияти жамият ва давлат бажарадиган вазифалар тизимининг хилма-хиллиги билан белгиланади. Фақат кенг сиёсий, ижтимоий иқтисодий ҳуқуқларга эга бўлган шахсгина фуқаролик жамиятини ривожлантириши, бинобарин, унинг ривожланиш омили бўлиши мумкин. Зеро, фуқаролик жамиятининг айрим тамойиллари ўтмишда ўтган Шарқнинг буюк мутафаккирларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ўз ифодасини топган. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий концепцияси ҳуқуқнинг сиёсий тартиботлардан устунлиги ҳақидаги ғоя билан йўғрилган. Бу борада IX-XI асрларнинг Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари мутафаккирлари, файласуфлари, умуман, тараққийпарвар алломаларининг ғоялари алоҳида қизиқиш уйғотади.

Уларнинг фикрича, бундай давлатнинг асосий вазифаси ўз фуқароларининг моддий аҳволини яхшилаш, тарбиялаш ҳақида ғамхўр бўлиш, адолат ўрнатиш, халқни маърифатли қилиш, эзгулик ва юксак маънавиятни тарқатиш, ўз фуқароларининг ҳаёти, соғлиги, шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкини муҳофаза этиш, фан ривожи учун шароит яратиш, тартибот ва

[1] Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. - Т. Шарқ. 1998. 49 - бет.

қонунчиликни таъминлаш, лавозимли шахслар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ва ҳоказолардан иборат.

Фуқаролик жамияти - кишилар ўртасидаги объектив, ўзаро зарурий таъсир доираси бўлиб, унда ҳуқуқ ҳамда қонун устуворлиги асосида киши бир вақтнинг ўзида бошқа кишиларнинг мақсадларини амалга оширишга хизмат қилиш баробарида, ўз манфаатларини амалга оширади. Фуқаролик ҳолатини бирдамликнинг ижтимоий механизмларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, улар инсон ва жамият муносабатларини уйғунлаштиради. Бинобарин, жамият - гуруҳнинг барча аъзолари учун муштарак бўлган диний эътиқод ҳамда ҳис-туйғуларнинг уюшган мажмуаси ҳамдирки, у жамоавийликнинг моҳиятини ташкил қилади. Бундан ташқари, у - ижтимоий муносабатлар орқали бирлашган турли ижтимоий вазифалар тизимидир.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг ривожланиши шахс манфаатларининг бошқа барча манфаатлардан устувор даражада ривожланиши билан боғлиқ, яъни бу "шахс-жамият-давлат"га оид конституциявий принципнинг амалий ифодасидир. Бундай ҳолат ҳуқуқсиз, мазкур манфаатларни қонунлар шаклида ифода этадиган ва ҳимоя қила оладиган ҳуқуқий давлатсиз мавжуд бўла олмайди.

Ҳуқуқий давлат - инсон ҳуқуқларини амалий таъминлаш тамойилини бажаришга қодир идорадирки, у расмий ҳуқуқларни қайд этиш билангина чекланмайди, балки ана шу ҳуқуқларни кафолатлайди, уларни амалга ошириш воситаларини юзага чиқаради. Бундай давлатда халқ ҳокимияти ёки иродаси шахс манфаатларини амалга оширишнинг асосий йўналишларини акс эттириб, унинг мажмуаси миллий манфаатларни ташкил этувчи қатъий талабли бўлади. Инсон манфаатлари устувор жамиятда турли қатламларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва қадриятларидан миллат манфаатлари таркиб топади. Шу асосда қонунлар, жамият ва давлат тартиботлари шаклланади, изчил ислоҳот сиёсати олиб борилади.

Фуқаролик жамиятини инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари тушунчасидан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, жамият айнан шулардан таркиб

топади ва улар учун ўз тартиботларини ривожлантира боради. Фақат шундай ҳолдагина, айни пайтда, халқнинг ўз-ўзини бошқариши асосида иқтисодий эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, шахс қадр-қиммати муайян мазмун билан бойийди, давлат эса тараққиётнинг илгарилаб бориши учун муайян омилга эга бўлади. Шунинг учун "мулкдорлар тоифасига кенг йўл очиш керак, токи у жамиятнинг етакчи харакатлантирувчи кучига, жамиятнинг масъул шахсига айлансин"[1].

Умуман олганда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш - Асосий қомусимизнинг энг буюк мақсадидир. Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, балки Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Асосий қомусимизда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғояси кейинги вақтларда қабул қилинаётган қонунларда янада мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда қурилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти мулк шаклларининг янги тизими, қудратли ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари, илғор фан ва маданият барпо этиш, халқ фаравонлигини ошириш, такомиллаштириш, эркин шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қўлай шароитлар вужудга келтираётган жамиятдир.

Мустақиллик Ўзбекистон халқлари ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди ва у Ўзбекистон Республикасининг Констуциясида ўзининг ҳуқуқий асосига қўйилди. Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашнинг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинди. Ўзбекистон халқи илк маротаба ўз давлат мустақиллигига эга бўлди ва бу буюк тарихий воқеа унинг Конституциясида тантанавор тарзда мустаҳкамлаб қўйилди.

2-§. Конституция ва жамиятнинг иқтисодий негизлари

[1] И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. -Т.: “Ўзбекистон” 2000, 159 - бет.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, мулкчилик шакллари ўзгариши билан, инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари соҳасида бутунлай туб ўзгаришлар ясалди.

Мамлакатимизда борпо этилаёган фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида эътироф этилган бўлиб, Конституциянинг 36-39 моддаларида унинг иқтисодий ҳуқуқлари белгиланиб, улар давлат томонидан кафолатланади. Жумладан Конституциянинг 36-моддасида "ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" эканлиги, яъни ҳар бир инсон дунёга келиши билан, баъзи ҳолларда она қорнидалигидаёқ маълум миқдорда мулк ҳуқуқига эга бўлиши ва вафот этгунга қадар бу ҳуқуқ унинг мутлоқ ҳуқуқи эканлиги конституциявий норма тарзида мустаҳкамланган.

Мулкка эгалик ҳуқуқи, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, меҳнатнинг оқилона шарт-шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар Конституциямизда илк бор мустаҳкамланди. Бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар (меҳнат, таълим олиш, ижтимоий таъминот ҳуқуқлари, илмий техника, ижод эркинлиги ва бошқалар) ҳозирги замон ва келажакни ҳисобга олган ҳолда мазмунан бойитилди.

Инсоннинг иқтисодий ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб, мулкчилик муносабатларига алоҳида эътибор берилди. Шунинг учун мулкка бўлган ҳуқуқ нафақат Конституциянинг 36, 53, 54-моддасида, балки Фуқаролик Кодексида[1], "Мулкчилик тўғрисида"[2]ги, "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Конституциясининг "Жамиятнинг иқтисодий негизлари"га бағишланган XII бобининг 53-моддасида мамлакат иқтисодий асосини ташкил этувчи "бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этиши,

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат, 1996, 558 -б.
[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. (Ўзбекистон Олий Советининг Ведомостлари, 1990 , 31-33 сон, 371-модда; 1993, 48-модда;)

давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши" кафолатланиши тўғрисидаги конституциявий норма белгиланиб, у ўз ўрнида мамлакат иқтисодий муносабатларини тартибга солувчи конституциявий принцип ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, яъни у бирор бир номоддий, моддий неъматга эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф қилишга ҳақли.

Ушбу қоида Асосий қонунда белгиланган бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг учинчи гуруҳи бўлган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга мансуб қоидаларда ҳам ўз аксини топди. "Энг асосий ижтимоий институт бўлган мулкка (асосан, хусусий мулкка) муносабатнинг ўзгариши - деб таъкидлайди И.Каримов, бутун жамиятни ва хусусан, иқтисодий ҳаётни демократиялашнинг бош бўғини бўлди. Жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали ўтади"[1].

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган ишда меҳнат қилади. Бирор ишни қилишга ҳеч ким мажбурламайди. Мажбурий ишга жалб қилишга фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина йўл қўйилади..

Ўзбекистон Республикаси ва унда истиқомат қилувчи барча халқлар билан биргаликдаги умумий манфаатлари мос келувчи жамият иқтисодий тараққиёти учун муҳим бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш зарур эди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизларини яратишдан иборатдир. Аввалбошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб, зарур ҳуқуқий омилни шакллантирган ҳолда, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиб,

[1] Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон» 1998, 558-559-бетлар.

ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолати, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолати амалда таъминланди. Чунки "бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат"[1] дир.

Бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан кўп ишлар қилинди. Бозор муносабатларини ривожлантиришга имкон берадиган Конституция нормалари асосида янги қонун хужжатлари мажмуи яратилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинди. Ана шу йўналиш доирасида "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонун, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва бошқа тарихий аҳамиятга эга бўлган қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонун хужжатларининг қабул қилиниши натижасида ер, ер ости бойликлари, табиий ва минерал ресурслар, яратилган ишлаб чиқариш қуввати Ўзбекистон халқининг ажралмас мулки эканлиги тан олинди.

Республика ва маҳаллий даражадаги бошқарув тузилмаларининг вазифалари аниқ чегараланиб, миллий шароитларга мос келадиган ва "ўзбек давлатчилигини ривожининг тарихий тажрибасига таянган" ҳолда, жойлардаги ваколатли ҳокимиятнинг бирдан-бир тўла ҳуқуқли органи бўлган ҳокимлик институти вужудга келди. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши соҳасида ноёб механизм тузилдики, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб

[1] Каримов. И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт провард мақсадимиз. Т. “Ўзбекистон” 2000, 5-б.

топган жамоа муносабатлари - маҳаллага бориб тақалади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, маҳаллалар фуқароларининг йиғини фуқароларга давлат ишларини бошқарищда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга ёрдам беради. Уларнинг ўз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик вазифаларини мустақил ҳал қилиш учун уюштирадиган орган сифатида тан олиниши кучли фуқаролик жамияти барпо этиш сари қўйилган қадамлардандир.

Иккинчидан, тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатларга ва, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуи яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ана шундай базавий, асосларни белгилаб берувчи қонунлар жумласига мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Маълумки, иқтисодий ўзгаришлар ва унинг негизида шаклланган жамиятнинг иқтисодий асоси мулкчилик муносабатларига боғлиқ. Республикада мулкдорнинг ҳуқуқи тан олинади ва қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон биринчилардан бўлиб, хусусий мулкчилик ҳуқуқини эътироф қилди, мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун тенг шароитлар яратди. Юридик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди, яъни, давлат мулкини хусусийлаштириш, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Бунда айниқса, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, шу билан бирга халқ хўжалигининг барча тармоқларида ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириб бориш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятига эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини чуқурлаштиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни шакллантириш, мулкий пайлар ва оилавий пудрат тизимини жорий этиш асосида қишлоқда

ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш мақсадини амалга ошириш борасидаги вазифаларни белгилаб берди.

Қонун ишлаб чиқариш жараёнинг учинчи ва ғоят фаол ривожланиб бораётган йўналиш - хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмини яратиш эди. Бу йўналишда корхоналар ва ташкилотлар янги бозор инфраструктурасининг вужудга келишини таъминлайдиган хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг улкан мажмуидан иборатдир.

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақомини белгилаб берадиган қонунлар қабул қилинди. Кооперация тўғрисидаги, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги, фермер хўжалиги тўғрисидаги, деҳқон хўжалиги тўғрисидаги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Ушбу қонунларда мамлакат янги хўжалик механизмининг асосий қоидалари илк бор баён қилиб берилди. Бу қоидалар иқтисодий манфаатдорликка, фойдага ва ўз фаолиятининг натижалари учун моддий жавобгарлик масъулиятига асосланади.

Бозор инфраструктурасини яратиш ва унинг фаолиятига хос жараёнларни тартибга солишни таъминлайдиган қонун меъёрлари фаол шакллантириб борилди. Уларнинг асосий қоидалари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, пул тизими тўғрисидаги, тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг эркинлиги тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинибгина қолмай, балки чуқур таркибий ва муайян тизимдаги ўзгаришларнинг қудратли манбаидир.

Энг муҳими, "халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларини тан олган ҳолда" Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро иқтисодий муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект эканлиги эътироф этилди.

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотларга аъзолиги тўғрисида, валютани тартибга солиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар, асосий халқаро пактлар ва битимларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимиз ташқи алоқаларининг ривожланиши тарихида сифат жиҳатидан янги саҳифа очди.

Иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, хорижий инвесторларнинг хуқуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимояланишининг кафолатлари таъминланиши бўйича қонун асослари қабул қилинди. Бу Ўзбекистоннинг келажаги учун алоҳида аҳамиятга эга чет эл инвестициялари ташқи дунё билан жонли алоқада, бўлибгина қолмай, балки чуқур таркибий ва муайян тизимдаги ўзгаришларнинг қудратли манбаи ҳамдир.

Инсоннинг конституцивий ҳуқуқлари, ижтимоий кафолатларини ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган қонунлар ишлаб чиқилди. Инсон, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини, виждон ва дин эркинлигини тартибга солувчи асосий қонунларнинг тайёрланиши, муҳокама этилиши ва қабул қилиниши қонун чиқариш фаолиятида жамоат бирлашмалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, аҳолининг иш билан бандлиги, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, таълим, ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қонунлар муҳим аҳамият касб этади.

Бу қонунлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитларида аҳолининг энг мухтож табақалари манфаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилишгагина эмас, балки одамларнинг маънавий, ижодий имкониятларини намоён қилишга, ислоҳотлар учун мустаҳкам ижтимоий замин яратишга ҳам имкон берди.

Ижтимоий ҳимоя воситаларининг бири сифатида иш ҳақи мунтазам равишда ошириб борилмоқда. Барча тоифадаги мактабларнинг муаллимлари, мактабдан ташқари муасасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг

профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари, ижодий ва тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни қўшимча моддий таъминлаш бўйича қўшимча имтиёзлар берилди.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум. Шунинг учун бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим.

Ҳозирги вақтга келиб бозор муносабатларининг зарур шарти ва негизи бўлган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш учун имкониятлар очиб берадиган барча ҳуқуқий меъёрлар яратилди ва яратилмоқда. Бу жараёнда асосий вазифа ҳозирги шароитларга мос келадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билангина чекланмасдан, балки уларга оғишмай амал қилинишини таъминлашдан иборат бўлган давлатнинг турли функцияларни бажарувчи давлат органлари тузилди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидан бораётган мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш катта аҳамиятга эга. Яъни, иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичидаги энг муҳим ва долзарб вазифа - мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти мулкнинг ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат. Шунинг учун ҳам истиқлолимизнинг

дастлабки йилларидан бошлаб мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш давлатимиз томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Самарали ислоҳотлар натижасида иқтисодиётда давлат мулкини хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорлик ташаббуси учун имкониятлар яратиб бериш ҳисобига мулкчиликнинг нодавлат хусусий ва бошқа шакллари қарор топди.

Бозор механизмларини ҳамда хусусийлаштирилган мулкни шакллантириш билан боғлиқ биринчи гуруҳ вазифаларини ҳал қилишда оммавий суратда давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг ҳуқуқий жиҳатдан муваффақиятли таъминланганлиги алоҳида рол ўйнади. Бунда "давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши керак... Корхоналарни хусусийлаштириш жараёни устун ҳолатда ижарага бериш, акциялаштириш, корхоналарнинг жамоа мулки шаклига ўтиши принциплари асосида амалга оширилди"[1].

1991 йил 19 ноябрда ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодётини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали икки муҳим вазифани ҳал этиш мақсад қилиб олинган эди.

Биринчидан - мулкни ҳақиқий ўз эгасига топшириш яъни мулкдан самарали фойдаланишни ташкил этиш. Бу ерда тўла маънода хусусийлаштириш амалга оширилиб, жисмоний шахсларга ва давлатга таллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат хўжалик жамиятларининг акциялари давлатдан сотиб олинди. Шу аснода давлат ва умумхалқ мулки деб эътироф этилган, аслида эса эгаси йўқ мулкнинг қаровсиз қолиши ва унинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмаслиги каби боқимандаликка чек қўйила

[1] Каримов. И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996. 72 - б.

бошлади. Бу жараённинг узвий давоми бўлган "ўзига қарашли бўлган мулкни сақлаш, агар қонун хужжаталарида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасидир" деган қоида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 174-моддасида ҳам мустаҳкамланди.

Иккинчидан, бу кўп укладли бозор иқтисодиётини ҳамда ҳақиқий рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг зарурий шарти булган, давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш йўли билан давлат монополиясида бўлган мулкчиликка барҳам берилди.

Хусусийлаштиришни кенгайтириш, мулк шаклларини тубдан ўзгартиришдан кўзланган мақсад мулкни чинакам мулкдорлар қўлига топшириб, уларда мулкдорлик туйғусини шакллантириш ва бозор инфраструктурасини ташкил этиш қоидаларини узида мужассам этиб, мамлакат иқтисодиётини олға силжитишнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

3-§. Мулк шакллари, уларнинг объектлари, субъектлари ва муҳофаза қилинишининг конституциявий асослари

Жамиятнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ эди. Зеро, ҳеч қайси бир жамиятни мулкчилик муносабатларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Инсоният яралгандан буён ҳозирги давргача бўлиб ўтган тараққиёт жараёнида мулкнинг турли кўринишлари маълум бўлиб, мулкчилик муносабатлари таъсирида ҳар бир жамият маълум миқдордаги ривожланишига сезиларли таъсир этиб келган. Маълумки, кишилик тараққиёти дунёнинг барча мамлакатлари ва минтақаларида турли даврларда, турли ҳолатларда юз бергани билан, шаклан ва мазмунан айни бир хил тартибда амалга ошган. Жумладан, мулкчилик, мулкка муносабат жамият табиий тараққиётининг ва кишилар дунёқараши ҳамда эҳтиёжларининг маҳсули сифатида шаклланган.

Демак, Ўзбекистон Республикасида ҳам жамиятнинг иқтисодий негизи иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этувчи, халқнинг моддий манфаатларига хизмат қилувчи мулкий муносабатларга боғлиқ.

Собиқ Иттифоқ даврида мулк шаклларининг асосий ва кўп қисми фақат давлат қўлида тўпланиб қолганлиги республикамизнинг иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилаётганлиги аниқ сезилди. Шу сабабли мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзага келиб, у асосий муаммолардан бирига айланиб қолди.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг энг мураккаб ва жамият иқтисодий тараққиёти учун ўта муҳим омилдир.

Жамият иқтисодий тарраққиётининг асосини ташкил этувчи мулк - табиат бойликларини, ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини муайян шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан ижтимоий ўзлаштиришга асосланган шахслар ўртасидаги муносабатлар натижаси бўлиб, бунда бирор мол-мулкнинг кимга тегишлилиги аниқ белгилаб қўйилади. Биз яшаётган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мана шу мулк асосида, унга нисбатан мулк ҳуқуқининг кимга тегишли эканлиги билан белгиланади.

Мамлакатимизда мулкий муносабатларни ривожлантириш мулкдорлар тоифасини шакллантириш бўйича бир неча босқичда ислоҳотлар олиб борилди. Чунки Собиқ Иттифоқда маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти давлатнинг ўта марказлашган тоталитар, бюрократик мулкка асосланган, шахсларда эса мулкка нисбатан хўжасизлик, эътиборсизлик ҳоллари кўпайиб, моддий манфаат кўриш омили чекланган эди.

Эндиликда эса ижтимоий-сиёсий тузум давлат бошқаруви демократик принциплар ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига асосланганлиги туфайли мулкка бўлган эътибор ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасига мувофиқ "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" бўлиб, унда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалардан бири ҳисобланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларацияси"нинг 17-моддасида белгиланган қоида ўз ифодасини топган. Барча шаклдаги мулкнинг дахлсизлиги ва тенглиги алоҳида эътироф этилди.

Мамлакатимизда мулкчиликнинг ҳамма шакллари баб-баравар ҳимоя қилиниши қонун билан кафолатланади ва уларнинг тенг ривожланишига шароит яратиб берилган. Мулкнинг дахлсизлиги шуни англатадики, мулкдорнинг мулкий ҳуқуқлари қонун билан кафолатланади ва мулкдор бу ҳуқуқлардан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Яъни мулк эгаси ўзига тегишли бўлган мулкдан абадий фойдаланиши, ўзининг мулк ҳуқуқини ҳоҳлаган вақтда тасарруф қилиши мумкин. Чунки, мулк ҳуқуқи фақат мулкдорга тегишли бўлади.

Мулк ҳуқуқи тушунчаси замирида шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи етади. Демак, Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир шахс қонуний асосларда вужудга келтирган мулкдан ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Бироқ, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Шунинг учун ҳар бир шахс яхши англаб олиши керакки, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш инсонга берилган ҳуқуқ сифатида қаралса-да, ўз ўрнида мулк ҳуқуқи, мулкдорлик туйғуси маълум даражада масъулиятни ҳам юклайди. Яъни мулк бу нафақат ҳуқуқ, балки масъулият ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ҳамда давлат мулк ҳуқуқининг субъектлари бўлиши мумкин.

Мулк ҳуқуқининг объектлари: ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дўнёси ҳамда бошқа табиий ресурслар,

корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари бўлади.

Мулк ҳуқуқининг мазмуни унинг объектив ва субъектив маънодаги тушунчасидан, шунингдек, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларидан иборат.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари деганда, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ёки унинг бекор бўлиши билан боғлиқ бўлган юридик фактлар назарда тутилади.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари жамиятнинг иқтисодий тизимида ўз ифодасини топади. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиши дастлабки ва ҳосила асосларга бўлинади. Мулк ҳуқуқининг вужудга келишини билдирадиган дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки аввалги мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади. Бунда: табиат неъматларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш, хусусийлаштириш, национализация (миллийлаштириш) қилиш, мусодара қилиш, эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олиниши, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам хўжасизлик билан сақланаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, хазиналарга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш (бошқа усулда яширилган нарсалар) асосида вужудга келади. Шу сингари битим ва шартномалар тузиш, мерос олиш натижасида ҳосил қилиш йўли билан вужудга келади.

Мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суръатда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади. (ФК 197-модда)

Давлат мулк шаклларини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқларнинг тенглигини таъминлайди ва унинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди Мулк шаклларини бундай туркумлаштириш учун мулк субъекти мақоми ва мол-мулк режимини узвий бирлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасида хусусий ва оммавий мулк мустаҳкамланган.

Хусусий мулк: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мулкчиликка бағишланган нормалар дастлабки йўналиш берувчи принцип бўлганлиги учун мулкчилик тўғрисидаги бир бутун комплекс қоидалар Фуқаролик кодекси ва "Мулкчилик тўғрисида"ги қонунида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида хусусий мулк ҳақида кўрсатилиб, “у бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги ҳамда мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин" деб белгиланган. Хусусий мулкнинг Асосий қонунда мустаҳкамланиши, унинг бозор муносабатларида ҳуқуқий тартибга солинишини белгилайди, ҳамда уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Асосий Қонунда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган илк кунларда кўпчилик бу қоида мазмунини тушуна олмадилар. Чунки, олдин ишбилармонлик, тадбиркорлик йўли билан топилган ҳар қандай даромад меҳнатсиз фойда ҳисобланиб, фуқаролардан тортиб олиниб, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти жиноят деб ҳисобланган. Эндиликда "...биз кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқдамиз. Бунда устуворлик хусусий мулкка, кичик ва ўрта безнесга берилади"[1].

Хусусий мулкнинг мазмунини ташкил этувчи норма "Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир" деган қоида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 207-моддаси белгиланган. Яъни мерос тариқасида, ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан

[1] И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:“Ўзбекистон” 1997, 197-бет.

шахсан иштирок этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, битимлар тузиш, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш тартибида ҳамда қонунда таъқиқлаб қўйилмаган бошқа асосларда олган ҳуқуқидир.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслардир.

Хусусий мулк ҳуқуқининг объектлари доираси жуда кенг бўлиб, улар: уй-жойлар, хонадонлар, дала ҳовлилар, экинлар, ҳайвон ва паррандалар, уй-рўзғор буюмлари; акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар; ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуна, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари; ихтиролар, селекция ютуқлари, саноат намуналари ва интеллектуал фаолиятнинг (мулкнинг) бошқа натижалари; истеъмол қилишга ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳар қандай мол-мулк қонунларга мувофиқ, хусусий мулк бўлиши мумкин, айрим мол-мулк турлари бундан мустасно. Ушбу объектлар хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга ҳам, юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Оммавий мулк: Оммавий мулк таркибига қуйдагилар киради: Ўзбекистон мулки; маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган мулк шаклларининг асосий турларидан бири Ўзбекистон Республикаси давлат мулкидир.

Ўзбекистон Республикаси халқи давлат мулкининг субъектидир. Мулкий ҳуқуқни халқ номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва улар ваколат берган давлат бошқаруви органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг мутлоқ мулкига: ер (қонун ҳужатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда мулк қилиб берилган ерлардан ташқари) ер ости бойликлари, ички сувлар, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан иборат. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва идора органларининг мол-мулки:

республика халқларининг маданий ва тарихий бойликлари: республика бюджетининг маблағлари, республика ва давлат аҳамиятидаги банклар, суғурта заҳира фондлари ва бошқа давлат фондлари: давлат аҳамиятига молик корхоналар, давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ҳамда давлатнинг республика истиқлолини ва иқтисодий мустақиллигини таъминловчи бошқа мол-мулклар киради.

Давлат талаб-эҳтиёжларини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси томонидан ер майдонлари ҳамда бошқа табиий заҳиралар ва объектларни бериш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий-ҳуқуқий тузилмаларнинг мулки киради. Давлат мулкини тасарруф этиш ва бошқаришни халқ (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ва улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилмаси бюджет ёки бошқа маблағлар ёхуд улар ихтиёридаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг маблағи ҳисобига ҳосил қилинади ёки сотиб олинадиган мулк тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг мулки ёки маъмурий-ҳудудий тузилманинг мулки бўлади.

Давлат мулкини аҳамияти шундаки, давлат тасарруфида стратегик аҳамиятга молик масалалар муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари бўйича, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умум республика транспорт ва муҳандислик каммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш каби ва бошқа масалаларни ҳал этиш муҳимдир.

Ширкат (жамоа) мулки: Бундай мулк шакллари умумийлик хусусиятига эга бўлиб, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларига кўра мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган

(улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасида ширкат (жамоа) мулкининг субъектлари ва объектлари кўрсатилган. Ширкат (жамоа) мулки оилавий мулкни, маҳалла мулкини, шунингдек, кооперативларнинг, ижара, жамоа корҳоналарининг мулкини, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкини ўз ичига олади. Коллектив мулкнинг ҳосил бўлиши ва кўпайиб бориши давлат корхоналарини ижарага бериш, давлат корхоналарини хўжалик жамиятларига айлантириш, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мол-мулкини кооперативлар ва бошқа хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатларни тузиш учун ихтиёрий бирлаштириш билан таъминланади.

Ширкат мулкига оилавий мулк киради. Оила аъзоларининг мулки оилавий мулкдир. Бу мулк оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш, уй-рўзғор ва ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ҳамда даромад олиш мақсадида қонунда рухсат берилган фаолият учун керакли ишлаб чиқариш воситаларини, исътемол буюмларини, яратилган маҳсулотларни ўз ичига олади. Оилавий мулк ҳуқуқи эр-хотин ва оиладаги бошқа аъзоларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқидан, шунингдек, уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган хусусий мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг остонаси бўлган маҳалланинг мулки ижтимоий ўзини-ўзи бошқаришнинг бошланғич бўғинлари - маҳаллалар эгалик қиладиган, фойдаланадиган ва тасарруф этадиган мол-мулк, маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ёки уларнинг муштарак даромадлари, шунингдек, мол-мулкдан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан келган тушумлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, моддий ва хайрия йўсинидаги ёрдамлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари берадиган моддий ва молиявий ресурслар асосида вужудга келтирилган мол-мулкдан иборат. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли маҳалла мулкининг субъектидир. Маҳалланинг сайлаб қўйилган органлари маҳалла мулкига тўла

хўжалик юритиш асосида эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Юридик шахс ҳисобланган хўжалик жамияти ва ширкатнинг мулки қатнашчиларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда қонунда ман этилмаган бошқа асосларда улар томонидан қўлга киритилган мол-мулкдан ҳосил бўлади Акциядорлик жамияти акциялар сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек, ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва қонунда ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритган мол-мулкнинг эгасидир.

Мулкчилик тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, диний ташкилотларнинг мулкида бинолар, диний буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган объектлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз маблағига сотиб олган ва барпо этган, фуқаролар, ташкилотлар эҳсон қилган, ман этилмаган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мол-мулк тарзидаги хайр-эҳсонлар, шунингдек, фуқаролардан келадиган пул тушумларининг ҳеч бир турига солиқ солинмайди.

Ўзбекистон Республикасида мулкнинг яна бир шакли бу **аралаш мулк** саналади. Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, "Мулкнинг аралаш шакллари мулкдорларнинг моддий ва пул маблағларини бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинади. Аралаш мол-мулкка эгалик қилиш ҳисса қўшиб иштирок этиш принципи асосида ҳам, шунингдек, ўз маблағларини бирлаштирган мулкдорлар ўртасида даромадларни бир текис тақсимлаш ва томонларнинг келишуви билан ҳам амалга оширилиши мумкин".

Ундан ташқари, аралаш мулкка қўшма корхоналарнинг ҳам мулки кириши мумкин. Мулкчилик тўғрисидаги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний

шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар Ўзбекистон Республикаси худудида ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари шаклида барпо этилиб, улар таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин".

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ўз ҳудудида давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки ҳам вужудга келишига йўл қўяди ва уларнинг тенг муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Чет эл юридик шахслари ҳам Ўзбекистон ҳудудида хўжалик фаолиятлари ва республика қонунларида ман этилмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган ўз мулкларига эга бўлишларига ҳақлидирлар. Чет эл юридик шахсларининг мулки давлат тамонидан муҳофаза этилади.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳам Ўзбекистон ҳудудида халқаро шартномаларида, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дипломатик, консуллик, ижтимоий-маданий, хайрия ва бошқа халқаро муносабатларни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

4-§. Конституция ва мулкдор ҳуқуқлари

"Жамиятнинг иқтисодий негизлари" – деб, номланган XII бобда, республикамиз ҳаётининг иқтисодий асослари яъни мулкчилик масалалари, хўжалик юритиш ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари белгиланиб, ҳозирги пайтда бозор муносабатларини ривожлантириш амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда аҳамияти беқиёсдир.

Конституциянинг 54-моддасида қуйидагича белгиланган: "Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт".

Ушбу моддада биринчидан, мулк ҳуқуқининг мазмуни эътироф этилса, иккинчидан, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёнида экологик муҳитга зиён етказмаслиги яъни уларнинг экологик мажбуриятлари мустаҳкамланади.

Ривожланган демократик давлатлар каби Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсонга бир қанча ҳуқуқлар инъом этилган. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсонда мулкдор бўлиш ҳуқуқи мавжуд.

Давлат ва ҳуқуқ тарихидан маълумки, ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатда инсонга мавжуд бўлган ҳуқуқлар инъом этилади. Худди мана шу ҳуқуқлар давлат томонидан тан олиниб, эътироф этилиши ва уларни амалда бажарилишини таъминлаб ҳимоя этиши жамиятдаги конституциявий тузумга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида бошқа ҳуқуқлар сингари мулк ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилиш қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган ва кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда "Мулкчилик тўғрисида"ги қонунларда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг XIX боби "Мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш"га бағишланиб, унга кўра мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикация) ҳамда мулкдорнинг ҳуқуқларини эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво) усуллари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси мулкий ҳуқуқни амалга оширишни кафолатлайди, мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мол-мулкни кўпайтиришни чеклашга ҳамда уни мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг юридик ҳамда жисмоний шахсларига мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишида Ўзбекистон Республикаси тенг шароитлар яратиб беради.

Мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда эгаллаб олинган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунларига мувофиқ талаб қилиб қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

Мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, бу Кодекснинг 1-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят этиш ҳуқуқи кафолатланади.

5-§. Давлат экологик сиёсатининг конституциявий асослари

Экология ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. Конституциямизда шахс, жамият ва давлатнинг ижтмоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳаларидаги асослари мустаҳкамланган бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат-ҳуқуқий механизмининг шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Конституцияда белгиланган қоидалар орқали жисмоний ва юридик шахслар экологик ҳуқуқ, бурчлари ва эркинликларини ифода этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни тартибга

солувчи махсус қоида-талаблар ҳам белгиланган бўлиб, экология ҳуқуқи манбаларининг пойдеворини ташкил этади.

Асосий қонунимизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик ҳуқуқий қоида-талаблар мустаҳкамлангандир.

Конституциямизнинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" – деб, белгиланиб фуқароларнинг экологик мажбуриятларини конституция даражасида мустаҳкамлайди.

Конституциянинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир" деб, ифодаланган бўлиб, давлат экологик сиёсатининг асосий тамойилларини ўз ичига олади.

Ушбу конституциявий қоиданинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақиллигимизнинг моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликлари халқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик-ҳуқуқий муносабатларни давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоида-талаблари ва тамойиллари асосида атроф, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилинади.

Асосий қонунимизда давлат экология сиёсатининг асосий йўналшлари белгиланса, ушбу конституциявий қоидаларга мос равишда қабул қилинадиган қонунларда атроф, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг талаблари, механизми мустаҳкамланади.

Республикамиз мустақиликка эришгандан сўнг, Конституциямиз қоида-талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси экология соҳасида қуйидаги

қонунлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат саниятария назорати тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси", Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Хизмат ва маҳсулотларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Радиация хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуни ва бошқалар.

Ушбу қонунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, объект ва субъектлари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва ваколатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби, муддати ва талаблари, экологик қонунчилик талабларини бузганлик

учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари каби экологик-ҳуқуқий қоида талаблари белгилангандир.

Конституциямизнинг XXI боби 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида - атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби масъулияти эътироф этилган.

Конституциядаги қоида талаблар экологик ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги асосий тамойилларни мустаҳкамлайди. Ушбу конституциявий тамойиллар асосида атроф, табиий муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун, фармон, қарор, низомлар каби меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади.

Ўзини – ўзи назорат қилиш саволлари

1. Фуқаролик жамиятининг моҳияти нима билан белгиланади?
2. Жамиятнинг иқтисодий негизлари деганда нимани тушунасиз?
3. Мулкнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Экология соҳасидаги қайси қонунларни биласиз?

XVII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ ВА ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикасида молия тизимининг конституциявий асослари

2-§. Ўзбекистон Республикасида пул тизимининг конституциявий асослари

3-§. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг конституциявий асослари

4-§. Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг конституциявий асослари

5-§. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими тушунчаси

1-§. Ўзбекистон Республикасида молия тизиминнг конституциявий асослари

Конституциянинг 122-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга" деб белгилаб қўйилган. Молия тушунчаси жуда кенг тушунча бўлиб, ўз моҳиятига кўра иқтисодий категориялардан бири бўлиб ҳисобланади.

“Молия” – лотинча ибора бўлиб, пул тўловлари деган маънони билдиради. Лекин молияни пул тўловлари деб тушунтириш етарли эмас, балки бу ибора унинг ташқи кўринишини ифода қилиб, ички мазмунини ифода қилмайди. Ана шундай тўловлар бир томондан бюджетга, суғурта органларига, солиқлар, йиғимлар, тўловлар ўтказиш, иккинчи томондан эса давлат бюджети ва фондлар ҳисобида маблағлар бериш, банк оркали амалга ошириладиган пул тўловлари ҳолида пул ҳаракатини ифода қилар экан, бу ҳаракатларда ижтимоий муносабатлар акс этади. Иқтисодиётни ривожлантириш пул маблағларини талаб қилади.

Молия тизими ёрдамида давлат ўзига керакли бўлган пул маблағини йиғиб олади – пул фондини ташкил қилади ва бу тўпланган пул маблағи

фондини қайта тақсимлайди. Ҳар бир давлат ўзининг мустақил молиясига эга булмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақиллигига эришди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси бошқа мустақил давлатлар қатори фақат сиёсий мустақилликка эришиб қолмасдан, иқтисодий мустақилликка ҳам эришмоқда, яъни ўзининг молиясига ва ўзининг миллий даромадига эгадир. Ўзбекистон Республикасининг молияси мамлмкатимиз иқтисодий тизимининг муҳим ва ажралмас қисми, унинг таркибий элементидир. Мамлакатимиз иқтисодининг ривожланиши, унинг молиясини юксалиш йўналишларини белгилаб беради ва мустаҳкамлаб боришига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодимизнинг тараққиётини якунловчи кўрсаткичлардан бири миллий даромаддир.

Миллий даромаднинг ўсишига мамлакатимиз саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларнинг узлуксиз тараққиёти сабабчи бўлади. Молияни мустаҳкамлаш мураккаб вазифалардан бири, бу вазифани бажармасдан туриб, мамлакатимизни ҳимоя қилиш, хўжалик ва маданий ривожланишини таъминлаш ва бозор иқтисоди шароитига йирик қадам қўйиш мумкин эмас.

Пул ресурсларини ҳосил этиш, уларни жамлаш, тақсимлаш ва жамлаш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар молия дейилади.

Молия пул муносабатлари бўлсада, у ишлаб чиқаришга боғлиқ. Пул маблағларини топиш, уларнинг тақсимланиши ва қайси мақсадларда ҳамда қандай усуллар билан ишлатилиши молия тизимини ташкил этади. Агар молиянинг объекти пул маблағлари бўлса, унинг субъектлари яъни иштирокчилари: фирма, жамоат ташкилотлари, давлат идоралари, ҳар хил муассасалар, турли оилалар ва айрим шахслар бўлади. Уларнинг ҳаммаси пул кирими ва чиқимига рўпара бўладилар, шу билан молиявий муносабатларга киришадилар. Молиянинг мазмуни уни бажарадиган вазифаларида ифода этилади.

Молия қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) Тақсимлаш вазифаси – ҳар хил яратиладиган миллий маҳсулот ва жамғарилган миллий бойлик пул шаклида тақсимланади, турли молия фондларига айлантирилади.

2) Рағбатлантириш вазифаси – молия воситасида иқтисодий фаоллик қўллаб-қувватланади. Бунинг учун солиқлардан имтиёз берилади. Солиқлар камайтирилса, фирманинг харажати қисқариб, унинг фойдаси кўпаяди. Бу эса фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфлаш имконини беради. Давлат томонидан корхона ва ташкилотларга молиявий кўмак бериш ҳам улар ишини рағбатлантиради.

3) Иқтисодий ахборот вазифаси – молияда иқтисодий фаолиятнинг якуни жамланади ва бу молиявий кўрсаткичлар шаклини олади. Бу фойда миқдори, рентабеллик, корхонанинг ликвидлиги, унинг пул маблағлари ва қарзининг миқдори кабилардир. Шуларга қараб корхонанинг молиявий ҳолатига баҳо берилади.

Молия ўз вазифаларини молиявий воситалар, чунончи, солиқлар, ҳар хил тўловлар, субсидиялар, пул фондлари воситасида бажаради. Жами молия воситалари молия механизми деб юритилади. Ўзбекистонда Молия бир қанча бўғинлардан иборат бўлиб, ягона молия тизимини ташкил қилади. Бу тизимга қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон давлат бюджети- буни таркибига Республика бюджети, Қоракалпоғистон Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар киради.

2) Бюджетдан ташқари фондлар: ижтимоий суғурта фонди, пенсия фонди, аҳоли бандлик хизмати фондлари киради ва бюджетдан ташқари мақсадга йўналтирилган жамгармалари. Масалан: Бобур номидаги жамғарма, Халқаро Амир Темур ҳайрия жамғармаси, бу жамгармаларнинг асосий вазифаси Темур ва Темурийлар даври тарихи ҳамда маданиятини чуқурроқ ўрганиш, уни кенг халқ оммаси, айниқса ёшлар ўртасида фаол тарғиб қилиш.

3) Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг молияси.

4) Мулкий ва шахсий суғурта.

5) Давлат кредити ва банк кредити – булар ҳаммаси йиғилиб молия тушунчасини беради. Бу бўғинлар молия тизимини ташкил қилиши билан бирга, ҳам бир бўғин ўзига хос хусусияти билан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига ўз таъсирин кўрсатади.

Ўзбекистон Давлат бюджети – молия тизими ичида марказий ўринни эгаллайди. Давлат бюджетига келиб тушадиган маблағни катта қисмини корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан келиб тушадиган даромадлар ташкил қилади. Ундан кейин эса фуқаролардан олинадиган солиқлар ҳисобига бюджет даромадлари ташкил топади. Давлат бюджетининг энг кўп қисми Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам беришга сарфланади.

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг молияси – моддий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлик бўлиб, натижада миллий даромад ҳосил бўлади. Бунга корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, жамоа хўжаликлари, кооператив ва жамоат ташкилотлари молияси киради. Ўзбекистон Республикаси бозор шароити мунособатларига кириб боришида бўларнинг молияси асосий молия бўғинларидан бўлиб ҳисобланади. Корхона ва ташкилотларда ҳосил бўлган молиявий ресурслар эса давлат бюджетининг асосий даромадлар манбаи бўлиб ҳисобланади.

Мулкий ва шахсий суғурта – асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг бадал пуллари ҳисобига суғурта фонди ташкил қилинади. Суғурта фондининг асосий вазифаси табиий офат ва бошқа бахтсиз ходисалар натижасида келиб чиққан зарарни қоплашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасида Суғурта ишлари Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта тўғрисида"ги 1993 - йил 6- май қонуни асосида амалга оширилади.

Шу қонунга асосан суғурта – инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўладиган табиий офатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқа вокеалар натижасида етказилган зарар, ҳамда талофатларни жисмоний ва юридик шахслар тўлаган суғурта бадаллари (суғурта пуллари) дан ҳосил қилинган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва

юридик шахслар манфаатлар суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир.

Давлат кредити ва банк кредити – бозор шароитида жуда катта аҳамиятга эгадир. Давлат кредити орқали давлат аҳолининг вақтинча фойдаланмай турган пул маблағидан халк хўжалигини кредитлашда фойдаланади. Давлат кредитида аҳоли, яъни фуқаро ўз хоҳиши билан пул маблағини давлат ихтиёрига бериб қўяди. Масалан омонатга пул қўйиши, давлат заёмларини сотиб олиши мисол бўла олади.

Банк кредити икки хил, яъни қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлади. Давлат банкларида корхона, ташкилот ҳамда фуқароларнинг пуллари сақланади. Бу сақланишга берилган пулларни банклар мухтож корхона, ташкилот ва фуқаролар учун қарзга, яъни кредитга қисқа ёки узоқ муддатга бериши мумкин. Қарзга бериш ҳисобига банк қарзга олинган суммадан фоиз ҳисобида даромад олади. Давлат кредити ва банк кредити ҳам ўз навбатида молия тизимининг кўзга кўринган бўғинини ташкил қилади.

2-§. Ўзбекистон Республикасида пул тизимининг конституциявий асослари

Ўзбекистон Республикасида пул тизими – Ўзбекистон Республикасида пул муомаласини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 122-моддасида ҳамда Ўзбекистон Президентининг 1994 - йил 16 - июнда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомилага киритиш тўғрисида"ги фармони ҳамда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий актлар асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пул сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси банкининг роли жуда ҳам каттадир. Пул тизими ҳамда пул муомаласини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг расмий пул бирлиги - сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат. Сўм Ўзбекистон Республикасида ягона, чекланмаган ва

қонуний тўлов воситаси бўлиб ҳисобланади. 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Миллий валютаси - "сўм" Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 ва 1996 йилдан бошлаб 200 сўм, 2000 йилдан 500 сўм, 2001- йилдан 1000 сўм бўлган банк қоғоз (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин бўлган метал тангалар ҳамда нақд пул муомалага чиқарилди.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлоқ ҳуқуққа эга, уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш қонуний ҳужжатларга мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Муомалада бўлган банкнотлар ва тангалар Марказий банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жами активлари билан таъминланади. Шунинг билан бирга Марказий банк йўқ қилиб юборилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларнинг ўрнини қопламайди.

Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек уларнинг дизайнини Олий Мажлиснинг Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнотлар ва тангаларнинг дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек уларни тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Пул – шундай махсус товарки, у бошқа ҳамма товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради. Ҳамма товарлар сингари пул ҳам, қиймат ҳам истеъмол қийматга эга. Шу маънода у бошқа оддий товарлардан фарқ қилмайди.

Пул бозор иқтисодиётининг муҳим омилини ташкил қилади. Ҳозирги иқтисодий ҳаёт, хусусан, бозор иқтисодиёти пул билан тирик. Пул бўлмаган жойда бозор иқтисодиёти бўлиши мумкин эмас. Бозор иқтисоди товарлар ва товарлашган хизматларни ишлаб чиқаришдан бошлаб, то истеъмолигача бўлган ҳаракатдан иборатки, бу пул воситасида амалга ошади. Ишлаб чиқариш

ресурслари бозорда пулга харид қилиниб, товарлар яратилади ва пул даромадларига айирбошланиб истеъмолга ўтади. Товарлар истеъмол ёки инвестиция (ишлаб чиқариш) учун сарф этиладими, барибир пул ёрдамида ҳаракатга келади. Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини уюштириш, пулларни айирбошлаш, уларни сақлаш, тақсимлаш, бўш пулни бериш, яъни уни сотиш, пул воситасида молияни ташкил этиш каби иқтисодий алоқалар янада кучайиб, мураккаблашиб боради. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурсларга айланади ва улар иштирокида товарлар яратилади ҳамда сотилиб яна пул олинади.

Ўзбек сўмини жорий қилиш зарурияти. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг МДҲдаги янги мамлакатлар ягона пул бирлигини сақлаб қолишга асло ҳожат колмади. Айни пайтда мустақил давлатлар алоҳида молиявий сиёсат юргиза бошланди.

Бундай шароитда:

1) Рубль зонасидаги республикаларда молия соҳасида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан билиш мушкул бўлиб колди;

2) Накд пулсиз маблағ ҳаракати, ўтказиш йули билан тўловлар анча чекланади;

3) Минтакалар аро фоиз меъёрлари ўртасидаги фарқ кучайди;

4) Пулни қадрсизланиши алоҳида республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон хукуматини назоратидан чиқа бошлади.

5) Россия Марказий банки томонидан МДХ мамлакатларини накд пул ва кредитлар беришнинг мунтазамлигига риоя қилинмагани маблағ етишмаслиги ва иқтисодий фаолиятда беқарорликка олиб келади.

6) Турли республикаларда пулни ҳар хил даражада қадрсизланиши минтақада истеъмол молларини камайтириб юборди.

7) Хукуматлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик йўқлиги, шунингдек, кўпинча унчалик муҳим бўлмаган масалалар бўйича хатти-ҳаракатлар аҳволни баттар огирлаштирди.

Сўмни жорий қилишда Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан борди. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1) аввало, у бошқа мамлакатлар тажрибасига ўхшамайди.

2) Халол ишлаб танилган пулни ҳаммаси алмаштирадиган бўлди.

3) Янги ва эски пул нисбати 1:1. Бошқа давлатларда эса бу турлича бўлди: 1:100, 1:50, 1:10 ва ҳоказо.

"Бирга бир" нисбат иқтисодий жиҳатдан энг арзон руҳий психологик жихатдан энг қулайдир.

3-§. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг конституциявий асослари

Собиқ иттифоқ ҳукуматини тугатилиши билан Ўзбекистон Республикасининг давлат ва иқтисодий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Мустақил суверен давлат бўлди. Бу давлатчиликнинг муҳим атрибути бўлган - бюджетнинг ўзгаришига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан бюджетлар иккига бўлинади:

- давлат бюджети,

- маҳаллий бюджет.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига биноан Ўзбекистон давлат бюджети республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига биноан давлат мулки республика мулки ва маъмурий - ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулкдан) иборат. Тегишли бюджетнинг воситалари ва бошқа давлат мол-мулки, агар улар давлат корхонаси ва муассасасига биркитилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг давлат хазинасини, вилоят хазинасини ташкил қилади. Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек қонунлар назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Муниципал мулк - давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол - мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек уй - жой фонди ва коммунал хўжалик корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулкдан иборат. Муниципал мулк маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Шундай қилиб, давлат бюджети республика бюджети, республика таркибига кирувчи Қоракалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар бюджетидан ташкил топади.

Маҳаллий бюджет эса, туман, шаҳар, қишлоқ ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалар поғонасида ташкил топади.

Бюджетнинг қандай поғонада ташкил топишидан қатъий назар, бюджетни уч маънода тушуниш мумкин:

а) иқтисодий маънода;

б) моддий маънода;

в) ҳуқуқий маънода.

Иқтисодий маънода бюджет - бюджет фондларини турли поғонада ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий (пул) муносабатлари тизимини англатади.

Моддий маънода бюджет - давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари функцияларини таъминлаш мақсадида у ёки бу поғонада ташкил қилинувчи марказлашган пул фондини англатади. Ҳужжатлар, у ёки бу тадбирларни бюджет ҳисобидан молиялаштириш, бюджет маблағлари ҳисобидан органлар ва муассасаларни таъминлаш, даромад манбаини бюджет ҳисобига ўтказиш тўғрисида сўз юритганимизда, бюджетнинг айнан шу жиҳати назарда тутилади.

Ҳуқуқий маънода бюджет - тегишли давлат ҳокимиятининг вакиллик органи томонидан тасдиқланган, тегишли ҳудуднинг марказлашган пул фондини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланишнинг молиявий режаси бўлиб ҳисобланади.

Қонун билан ўрнатилган тартибда тасдиқланган бюджет - давлатнинг асосий молиявий -режали акти ёки маҳаллий поғона даги молиявий - режали акт сифатида намоён бўлади.

Асосий молиявий режа сифатида бюджет қуйидаги хусусиятларга эга:

а) бюджет универсал молиявий режа ҳисобланиб, ўз кўрсаткичлари билан ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларини қамраб олади. Бу универсаллик хусусияти бошқа молиявий режаларда учрамайди, чунки улар жуда тор доирада ҳаракат қилади.

б) бошқа молиявий режаларга нисбатан бюджет - йўналтирувчи хусусиятига эга. Йўналтириш - бюджет кўрсаткичи билан бошқа молиявий режалар кўрсаткичининг ўзаро боғликлиги орқали амалга оширилади. Корхоналарнинг молиявий режаларида бюджетга туланадиган мажбурий тўловлар хажми ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар кўрсатилади.

Давлат бюджет ташкилотлари ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун керак бўлган барча маблағларни тегишли бюджетнинг (бўйсунувига караб) харажатлар қисмидан оладилар.

Юқорида кўриб чиқилган барча аспектлар бюджет тушунчасини тўлдириб туради. Бюджет бу - давлат ҳокимияти органлари функцияларини таъминлаш мақсадида пул маблағларини ташкил этиш ва харажат қилиш шаклидир. Бу тушунчадан кўриниб турибдики:

биринчидан, бюджет – пул маблағларини ташкил этиш ва харажат қилиш шакли бўлиб ҳисобланса,

иккинчидан, бюджет – давлат ҳокимияти органларининг функцияларини таъминлайди.

Демак, бюджет – давлат ҳокимияти вакиллик органи томонидан тасдиқланадиган марказлашган пул фондларининг ташкил топиши, тақсимланиши ва фойдаланишининг асосий молиявий режаси бўлиб, давлатнинг барча вазифалари ва функцияларини таъминлашга хизмат қилади.

Давлат бюджети ҳар йили тасдиқланади ва у 1- январдан 31- декабрга қадар ҳаракатда бўлади.

Давлатнинг иқтисодий - ижтимоий ривожланишида бюджетдан фойдаланиш натижасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар махсус гуруҳ нормаларини келтириб чиқаради, ҳамда молия ҳуқуқининг бўлими бўлган - бюджет ҳуқуқини ташкил қилади.

Бюджет ҳуқуқи ўз таркибига бир неча молиявий институтларни олади. Бюджет ҳуқуқи нормалари молиявий тизимнинг ажралмас қисми бўлиб, бюджетнинг ташкил топиши, таксимланиши ва ундан фойдаланилиши жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шунинг учун ҳам бюджет ҳуқуқи - республика ҳудудида давлат ва маҳаллий бюджетларни ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш натижасида юзага келувчи ижтимоий (молиявий) муносабатларни тартибга солувчи молиявий - ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

Бюджет ҳуқуқининг предметини - бюджет фондларини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш натижасида юзага келувчи муносабатлар ташкил қилади. Бу муносабатлар қуйидагилардан иборат:

а) республикада бюджет тузилиши ва бюджет тизимини ўрнатиш;

б) бюджет тизими даромадлар ва харажатларининг структурасини ўрнатиш ва уларни турли поғонадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш;

в) бюджет ваколат доирасини чегаралаш (яъни давлат ва унинг субъектлари ўртасида);

г) бюджет жараёнини ташкил этиш билан, яъни бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этишнинг тартибини жорий этиш, шунингдек тегишли бюджетларнинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш,

д) бюджет ижросини назорат қилишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар .

Юқорида кўрсатиб ўтилган бюджет муносабатларининг ҳам бир гуруҳи ўзида аниқ бўлган муносабатлар йиғиндисини қамраб олади, улар ўзаро боғлиқдир. Масалан, бюджет тизими даромадлар ва харажатларнинг структурасини ўрнатиш бўйича юзага келадиган муносабатлар мазкур тизимни

ўрнатиш бўйича юзага келадиган муносабатларсиз амалга оширилиши мумкин эмас, ўз навбатида бу иккала гуруҳ муносабатлари бюджет тизимини ўрнатиш бўйича давлат органлари компетенциясини белгилашсиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Бюджет ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар гуруҳлари - бюджет ҳуқуқий муносабатлари бўлиб ҳисобланади. Бу муносабатлар бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилган ҳолда, ўзига хос хусусиятларга эга.

Бу муносабатлар бюджет фаолияти жараёнида юзага келади, яъни бюджетни ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш фаолиятида юзага келади. Бюджет муносабатларининг бошқа бир хусусияти шундан иборатки, бошқа ҳуқуқий муносабатлар субъектларидан фарқ қилган ҳолда, уларнинг субъектлар доирасида жуда тордир.

4-§. Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг конституциявий асослари

Мустақил давлат иқтисодиётини етарли кредит ресурслар билан таъминлай оладиган, турли мулк ва ташкилий-ҳуқуқий шаклда пайдо бўлган корхоналар хўжалик фаолияти жараёнида ҳисоб-китобларни узлуксиз амалга оширишни таъминлайдиган, мустақилликнинг биринчи йилларида Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда ривожланишини талаб қилган иқтисод соҳаларига инвестицияларни жалб этиш имкониятини яратадиган, ташқи савдо муносабатларини либерализацияланган шароитларда корхоналарнинг ташқи фаолиятига хизмат кўрсата оладиган банк тизимини бутунлай бошидан ташкил қилиш зарур эди.

Банк тизимидаги ислоҳотлар давлат мустақиллигига эришилгандан кейин олиб бориладиган иқтисодий ислоҳотларни ажралмас қисми эди.

Халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган банк тизимини ташкил этиш молия соҳасини ислоҳотлаш мақсадларидан бири эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий

ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида" асарида "Марказий банк томонидан бошқариладиган ва ўз ичига мустақил ва хусусий банкларни киритадиган банк тизимини шакллантиришни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар йирик банкларининг бўлимлари ва ваколатхоналарини очилиши учун яхши шароитларни яратиб беришни" бозорга ўтишни биринчи босқичининг асосий тадбирларидан деб таъкидлайди.

Банк тизимини ислоҳотлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда. 1992 - йилнинг сентябрь ойида собик Совет Иттифоқи Давлат банкининг Ўзбекистондаги республика бўлими тўла Ўзбекистонда банк тизимини ташкил этадиган ва бошқарадиган Ўзбекистон Марказий банкига айлантирилди.

Мустақилликка эришилган пайтдан бошлаб ҳозирги давргача банк ислоҳотларини икки босқичини ажратса бўлади. Биринчи босқичда замонавий банк тизимининг асослари яратилади: керакли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади, институцион ислоҳотлар ўтказилади, банк назорати ташкил қилинади, янги ташкил қилинган банклар моддий-техник таъминланди.

Банк соҳаси ислоҳотларида 1991 - йил 15- февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаи "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни муҳим рол ўйнади. У Марказий банкка ижро органларидан мустақиллик берди, республикада тижорат банкларни ташкил қилиш ва уларга фаолият кўрсатиш учун ҳуқуқий асос яратди.

1994- йил 1 - июлдан бошлаб республика ўз валютасига ўтиши ҳам банк ислоҳотлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" номли асарида 1994 - йил 1 - июлдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида муомалага миллий валютасини – сўмни ягона тўлов воситаси сифатида киритиши чиндан революцион қадам бўлди деб ёзади.

Миллий валютани киритилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қўл остида ўтказиладиган жуда кўп тадбирларни ўтказишни талаб қилди.

Банк ташкилотлари томонидан мулкий ва ҳуқуқий-ташкилий шаклидан катъий назар Ўзбекистон ҳудудида рўйхатга олинган ҳамма юридик шахсларнинг ҳисоб варақларидаги маблағлари, бутунлай асосий ва айланма фондлар ва бошқа моддий бойликлари, кредитор ва дебитор қарздорликлари, республика ва маҳаллий бюджет қолдиқларининг қиймати қайта ҳисобланган.

1995 -йилга қадар Ўзбекистон Республикасида икки поғонали банк тизими шаклланади. Банк тизимини юқори поғона сини эгаллаган Марказий банк банк тизимига раҳбарлик қилади, банк хизматлари соҳасидаги қоидаларни ўрнатади, тижорат банкларини назорат қилади.

Банк тизимининг иккинчи поғонасини турли тижорат банклар ташкил қилади. Бу – универсал, яъни банк операцияларини ҳамма турларини бажарадиган, ва ихтисослашган, яъни иқтисодни аниқ тармоқларига хизмат кўрсатадиган ёки банк операцияларини баъзи бир турларини бажарадиган банклар филиалларга эга бўлган ва филиаллари йўқ банклар; Ўзбекистон банклари, қўшма банклар ва чет эл банкларининг шўъба банклари ва ҳоказо банклардир.

Марказий банк ўзи ҳам кардинал ўзгарди. Унинг ҳуқуқий мақоми, мақсадлари ва вазифалари ўзгарди. Агар Совет Иттифоқи даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки режавий, иқтисодда иккинчи даражали элемент ҳисобланган бўлса, мустақилликка эришилгандан сўнг иқтисодий ислоҳотларда Марказий банк асосий ўринни эгаллади.

Ислоҳотларга давлат томонидан раҳбарлик қилиш тамойили Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таклиф қилинган ва жамиятда ислоҳотларни ўтказиш пайтида қўлланадиган бешта тамойилдан биридир. Шу тамойилдан келиб чиқиб, Марказий банк молия соҳасида ўтказилаёган ислоҳотларга раҳбарлик қилади, бошқа соҳаларда ўтказилаётган ислоҳотларда фаол қатнашади. Ислоҳотларни ўтказиш пайтида ўз маъмурий ваколатлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бозор инструментларидан ҳам фойдаланади. Бу унинг очиқ бозордаги операциялари(масалан, давлат қимматли қоғозларини олди-сотди операциялари), қайта молиялаш фоизлари

(бу фоизлар тижорат банклар олган кредитлари учун тўланадиган фоизлардир), тижорат банклари учун ўрнатилган мажбурий резерв талаблари (тижорат банклар учинчи шахслардан қабул қилинган маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилагн фоизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўтказиш Мажбуриятлари)нинг миқдорини тартибга солиш бўйича чоралардир.

Ташқи алоқалар ривожланиши ва дунё иқтисодига ҳар томонлама интеграциялашга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширадиган валюта операцияларини ва халқаро ҳисоб-китобларни бирдан кўпайиб кетишига олиб келди. "Марказий банк тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддаси ва "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонун меъёрларига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солувчи ва валюта назоратининг асосий органи ҳисобланади ва ташқи алоқаларни тартибга солиш бўйича фаолиятини янада фаоллаштирди.

Марказий банкни тузилмаси ҳам анча ўзгарди. Валютани тартибга солиш, банк назоратини амалга ошириш, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича тузилмалар ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича чоралар доимо амалга оширилмоқда.

Агар банк ислоҳотларининг биринчи босқичини миқдорий ислоҳотлар босқичи деб атайдиган бўлсак, 1995-1996 - йилларда бошланган ислоҳотларнинг иккинчи босқичида асосий эътибор ислоҳотларнинг сифатига ажратилган.

Банк ислоҳотларининг иккинчи босқичи иккита банк қонунлари "Марказий банк тўғрисида"ги Қонун ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахририда қабул қилиниши билан бошланди. Бу икки қонун банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича дунё тажрибасини ўрганиб чиқилгандан сўнг халқаро молиявий ташкилотларнинг етакчи мутахассислари иштирокида қабул қилинган.

Банк ислоҳотларининг иккинчи босқичи тадбирлари асосан банк хизматларининг сифатини халқаро стандартларгача ошириш дунё тўлов муносабатларига интеграция қилишга имконият яратиб берадиган тўлов тизимига ўтиш, банк соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этишга йўналтирилган. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида, валюта бозорида фаолиятлари ривожланмоқда, банклар банк операцияларини янги турларини - лизинг, факторинг, сейфлар ва махсус хоналарни ижарага бериш каби операцияларни ўзлаштирмоқдалар.

Етакчи дунё банкларининг Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган қизиқишлари ошмоқда. Улардан бир канчаси Ўзбекистонда ўз ваколатхоналари ва шўъба банкларини очдилар. Ўзбекистон ҳудудида қўшма банклар ташкил қилинмоқда.

Банк тизимини ахборот, илмий ва ходимлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмода. Банк тизмида юқори раҳбарият учун мутахассисларни тайёрлаш учун Банк-молия академияси ташкил қилинди.

5-§. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими

Фақат тижорат банклари билан бир қаторда банк тизимига раҳбарлик қилиш функциясини бажарадиган бош давлат (марказий, миллий) банклар пайдо бўлгандан сўнг банк тизими тўғрисида гапирса бўлади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган банклар йиғини ва улар ўртасидаги муносабатлар асосларидир. Бизнинг республикамиз ҳудудида ўттиздан ортиқ банклар мижозларга хизмат кўрсатади.

Банк тизими тушунчаси ўз ичига миқдорий кўрсаткичлардан ташқари банклар ўртасидаги ўзаро муносабатларни амалга ошириш тартибини киритади. Банк тизими – банк ташкилотларининг оддий йиғини эмас бу, шунингдек улар ўртасидаги боғлиқлик, қарамликлардир. Янги ташкил қилинаётган банклар фаолият кўрсатаётган банклар билан яқин боғланадилар. Битта банкнинг

муаммоси бошқа банкларга таъсир қилади, агар муаммо бир неча банкларда бўлса, бу бутун банк тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банк тизими давлат хўжалигини керакли пул маблағлар билан таъминлайдиган давлат иқтисодиётини қон томирлари тизимидир.

Кўп давлатлар сингари, Ўзбекистон Республикаси банк тизими икки поғоналидир. Биринчи поғонани Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари ташкил қилади. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси бош давлат банки ҳисобланади ва банк тизимини ядросини ташкил қилади.

Иккинчи поғонани мижозларга банк хизмати кўрсатадиган ҳамма тижорат банклар ташкил қилади. Жисмоний ва юридик шахслар тижорат банкларга мижозлардир. Тижорат банкларининг мижозларининг кўпи давлат ва нодавлат хўжалик юритувчи субъектлардир. Бу хўжалик юритувчи субъектлар тижорат банкларда ўз пул маблағларини сақлайдилар, улар орқали ҳисоб-китобларни амалга оширадилар, банкнинг бошқа хизматларидан фойдаланадилар. Банк хизмати пуллик асосда тақдим этилади. Банк хизмати учун тўловлар банк ва мижоз ўртасида имзоланган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида белгиланади.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, банк тизими ўз ичига қатор техник ва ташкилий кўрсаткичларни ҳам киритади. Ҳамма банклар ягона банк алоқаси орқали бир-бирлари билан боғланганлар. Битта банкни хизмат учун танлаган мижоз нафақат Ўзбекистон банклари, балки бутун дунё банклари мижозлари билан ҳисоб-китобларни амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари банк тизимидаги этика талаблари, банк ходимларининг хулқи, муомаласи ва фикрлаши, банк ходимларининг бошқа соҳаларга қараганда малакали бўлиши талаб этилади.

Ўзини –ўзи назорат қилиш саволлари

1. “ Молия” сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?

2. Молия қандай вазифаларини бажаради?

3. Ўзбекистонда молия тизимига нималар киради?

4. Ўзбекистонда пул сиёсатини қайси банк амалга оширади?

5. Ўзбекистонда бюджет неча хил бўлади?

6. Ўзбекистон Республикасида банк неча поғонали тизим асосида шаклланди?

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Жамоат бирлашмаларининг жамиятда тутган ўрни

2-§. Жамоат бирлашмалари тизими

3-§. Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби

4-§. Жамоат бирлашмаларининг турлари

5 §. Сиёсий партияларнинг конституциявий мақоми

1-§. Жамоат бирлашмаларининг жамиятда тутган ўрни

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасига асосан касаба уюшмалар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамоат бирлашмаларига ўз уставларида назарда тутилган асосий мақсад ва вазифаларни бажариш имконини кафолатлайди. Бу кафолат фуқароларнинг ихтиёрий уюшишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий асоси яратилган. Конституциянинг XIII боби ҳамда фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этиш (32-модда), касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш (34-модда) ҳуқуқи кафолатланган

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунида жамоат бирлашмаси тушунчаси, мақсади, шакллари, фаолият доираси ва ҳуқуқлари, мақоми ва рўйхатга олиниши каби нормалар ўз ифодасини топган.

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги

қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ташкил этилади. “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, “Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш касбкор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларни муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади”.

Жамоат бирлашмаси деганда унинг моҳиятига эътибор бериш керак бўлади. Жамоат бирлашмаси бирон-бир шахсни ёки оилани ёхуд айрим гуруҳларнинг шахсий фойда олиш истагини ифодаламайди. Жамоат бирлашмалари одатда ғоя, ирода билан ҳаракатга келади, уларнинг ягона мақсади-жамиятни такомиллаштириш. Улар ўз олдига назорат қилиш ёки фойда олиш вазифасини қўймайди, балки улар жамиятни мукаммаллаштириш йўналиши ва истагида фаолият юритади. Демак, жамоат бирлашмалари фуқароларга ўзларига ўзлари ёрдам беришлари, ўз ҳаётларини жамиятни такомиллаштириш орқали яхшилашлари имконини беради.

Жамоат бирлашмаларининг фаолият кўрсатиши қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилмайди: ахлоқ-одоб қоидаларини бузилишига олиб келса, ноқонуний мақсади билан конституциявий тузумни ўзгартиришга; республика ҳудуди ва бирлигини бўлиб ташлашга; Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон

Республикаси ўртасидаги алоқаларни бузиш учун ташвиқот олиб борса; зўрлик, вахшийлик, ижтимоий келишмовчиликни ташкиллаштириш учун ташвиқотлар олиб боришса; турли, миллатлар ўртасида бир миллатни юқори қўйиш эвазига келишмовчилик келтириб чиқарса ва жамиятни бўлиб ташлаш учун динга қарши ташвиқот олиб борса; ҳарбийлаштирилган бирлашмаларни ташкил қилиш ҳамда, диний партия характерида бўлган бошқа давлат тузилмасидаги диний партия филиалларини тузиш қонунчиликда қатъиян ман қилинади. Шунингдек, жамоат бирлашмалари демократияга қарши, давлат ҳокимияти ва бошқарувида ўз вакилларини қонуний қўйиш йўли билан ҳокимият ваколатига эга бўлиб қонунларни маънавий куч билан қабул қилдириш ва давлатнинг демократик йўлидан фойдаланиб, давлат ҳокимияти ва бошқарувида ўз органларини ташкил қилиш қатъиян ман қилинади.

Жамоат бирлашмаларининг ташкил топиш фаолият тамойиллари Конституциянинг XIII боби бўлимида мукаммал ёритилган.

Жамоат бирлашмаларининг бошқарув аппарати ўзлари тўғрисидаги қонун ва меҳнат ҳақидаги қонунлари асосида, шунинг билан ижтимоий таъминот ва фуқароларнинг ижтимоий суғурта ҳақидаги қонунларда мукаммал ташкил топиш тартиби қоидалари ва улар фаолиятини йўналишлари берилган.

Президентимиз И.А.Каримов, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, биринчи сессиясида сўзлаган нутқида жумладан бу ҳақда шундай деган эдилар: "Давлатнинг куч-қудрати, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бориш қобилияти билан ўлчанади. Шунингдек, ўз маърузаларини давом эттириб; жамиятимизда шаклланиб бораётган кўппартиявийлик, кўп фикрлилик шароитида ҳар қайси фуқаронинг ўз фикрини, эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қила олиши жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг негизи бўлмоғи керак. Лекин турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсад тақсимларини

уйғунлаштирувчи ғоя-юрт тинчлиги Ватан равнақи, халқ манфаати-барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт".[1]

Давлат ўзининг Асосий қонунида ва бошқа қонунларида жамоат бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига шарт-шароитлар яратиш учун ва низомий вазифасини амалга ошириш учун кафолатлар беради.

Ёшлар ва болалар ташкилотларига давлат молиявий ва мол-мулк томонидан ёрдам беради. Солиқ сиёсатида имтиёзли муносабатларни амалга оширишни таъминлайди. Бинолардан фойдаланишда ва бошқа шароитлар яратади. Давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Албатта тегишли қонунларда кўрсатилган назорат функциялари бундан мустаснодир.

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларни биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш - иродларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

2-§. Жамоат бирлашмалари тизими

Жамоат бирлашмалари тизимига қуйидагилар киради:

1) *сиёсий партиялар;*
2) *оммавий ҳаракатлар;*
3) *касаба уюшмалари;*
4) *хотин-қизлар жамиятлари;*
5) *ёшлар ва болалар ташкилотлари;*
6) *фаҳрийлар ва ногиронлар ташкилотлари;*
7) *илмий-техникавий;*
8) *маданий-маърифий;*
9) *физкультура-спорт;*
10) *кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалари;*

[1] И.А.Каримов: “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз”, Т., "Ўзбекистон", 2000, 15 - бет.

11) юртдошлар уюшмалари;

12) *жамғармалар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари, жамоат бирлашмалари*.[1]

Жамоат бирлашмалари аҳолининг маълум қисмини ўзида бирлаштирган бўлиб, уларнинг маълум бир соҳадаги манфаатларини амалга ошириш учун ташкил этилади.

Масалан, Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар.

Сиёсий партиялар эса турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий ифодасини ифодалайди ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Бошқа жамоат бирлашмалари ҳам ўз низомларида белгиланган вазифаларни бажарадилар.

"Яқин келажакда, - дейди Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис биринчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқида; Фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлат бошқарувида қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда мен сиёсий партиялар, бирлашмалар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, турли хил хайрия ва ижодий жамғармалар ҳамда уюшмалар фаолиятини назарда тутяпман"[2] - деган эди.

Демак, жамоат бирлашмаларининг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти янада ортиб боради. Тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёки бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) ундириб олишига кўмаклашадиган кооператив диний ташкилотлар, ҳудудий жамоат ўзини - ўзи бошқариш идоралари ва бошқалар жамоат бирлашмалари ҳисобланмайди. Уларнинг тузилиши ва фаолият тартиби бошқа қонунларда белгилаб берилган.

3-§. Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби

[1] Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуни// Ўзбекистон янги қонунлари.4- сон. Т.: «Адолат», 1993, 154-бет.
[2] Каримов И.А. «Ўзбекистонни сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқлолининг асосий тамойиллари». –Т.: «Ўзбекистон», 1995, 19-бет.

Жамоат бирлашмаси бирлашма сифатида тан олиниши учун албатта Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олиниши шарт.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунида белгиланган.

Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади.

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини чакирадилар, унда устав (низом, ўзга асосий хужжат) қабул қилинади ва раҳбар идоралар тузилади.

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро, жамоат ташкилотларининг республика, вилоятлараро бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Қорақалпоғистон Республикасида жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, нохия, шахар, поселка, қишлоқ худудида ёки икки ва ундан ортиқ нохия, шахар, поселка, қишлоқ худудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари вилоятлар, Тошкент шахар хокимликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирламаси уставини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур жамоат бирлашмаси рахбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар хар биринг фамилияси, исми, отасининг исми, тўғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу Қонунинг 6 ва 8-моддалари талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Уставни рўйхатга олиш хақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб икки ой муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгаришлар, қўшимчалар ҳам уставларни рўйхатга олиш тартиби ва муддатларига мувофиқ рўйхатга олиниши лозим.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмалар рўйхатини тузиб борадилар.

Жамоат бирлашмасининг уставида қўйидагилар кўзда тутилиши керак:

1) жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифаси;

2) жамоат бирлашмасининг ички тузилиши, унинг ўз фаолиятини амалга оширадиган худуд;

3) жамоат бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш шартлари ва тартиби, агар бирлашма рўйхатда қайд этиладиган аъзоларга эга бўлса, бундай холларда ундан чиқиш шартлари ва тартиби;

4) жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчилари)нинг хуқуқлари ва бурчлари;

5) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотлари рахбар идораларинингг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати;

6) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулкини хосил қилишнинг пул билан таминланиш манбалари;

7) жамоат бирлашмасининг рахбар идораси қаерда жойлашганлиги;

8) жамоат бирлашмаси уставига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тартиби;

9) жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби. Уставда жамоат бирлашмаси фаолиятига тааллуқли бошқа қоидалар ҳам кўзда тутилиши мумкин. Жамоат бирлашмасининг устави амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак.

Агар жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 3, 4 ёки 10-моддалари қоидаларига зид бўлса, ёхуд илгари худди шу номдаги жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган бўлса, жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш мумкин.

Уставни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бу хақда тақдим этилган устав қайси қонуннинг қоидаларига зид эканлиги кўрсатилиб, ариза берувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатдан ўтказининг рад этилиши устидан судга шикоят қилиш мумкин ва бу иш Ўзбкистон Республикаси гражданлик процессуал қонунида кўзда тутилган тартибда караб чиқилади.

Халқаро, республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устаидан - Ўзбекистон Республикаси Олий судига, махаллий жамоат бирлашмалари уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса - тегишли вилоят, Тошкент шахар судига шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатувчи халқаро, давлатлараро жамоат ташкилотларининг бўғинларини шунингдек, республика, вилоятлараро жамоат бирлашмалари Низомлари Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикасининг жамоат бирлашмалари Низомларини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ, маҳалла ҳудудларида ҳаракат қилувчи жамоат бирлашмалари Низомлари вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

4-§. Жамоат бирлашмаларининг турлари

Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1) халқаро жамоат бирлашмалари;
2) республика жамоат бирлашмалари;.
3) маҳаллий жамоат бирлашмалари;
4) вилоят;
5) Тошкент шаҳар;
6) туман;
7) шаҳарча, қишлоқ;

8) вилоятлараро ва туманлараро жамоат бирлашмалари.

Агар Ўзбекистон Республикасида тузилган жамоат бирлашмасининг фаолияти, низомига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва битта ёки ундан ортиқ хорижий давлатлар ҳудудида амал қилса, у халқаро жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ фаолияти бутун Республика ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари Республика жамоат бирлашмаларига киради. Бунда сиёсий партиянинг камида 20 минг аъзоси бўлиши керак.

Вилоят, шаҳар, туман, посёлка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмаларига киради.

Низомдаги белгиланган вазифаларига қараб қайси ҳудудда фаолият юритса ўша ҳудуд яъни вилоят, шаҳар, туман, посёлка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Зарурат бўлганда вилоятлараро ва туманлараро жамоат бирлашмалари тузилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенг ҳуқуқларга эга бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари низомларида белгилаб қўйилади:

1) Ўз фаолияти ва мақсадлари тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатади.

2) Қонунга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

3) Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

4) Давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари номидан иш юритади ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Биз адолатли фуқаролик жамиятни шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нотижорат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, турли фондларнинг оилани муҳофаза қилишдаги аҳамияти ошиб бораверади.

Мамлакатимизда жамоат бирлашмалари ҳар хил жамғармалар ҳисобидан оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда республикада ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Масалан, экология ва саломатлик соҳасида "Экосан", эҳтиёжманд кишиларга ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда "Наврўз" жамғармалари, ногиронлар жамиятлари, оилани ва болаликни муҳофаза қилиш хотин-қизлар қўмиталари, меҳнаткашларнинг касбий ва бошқа қонуний манфаатларини ифода этишда касаба уюшмалари, истеъдодли кадрларни қўллаб-қувватлашда “Истеъдод” жамғармаси фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўн мингга яқин маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари оилалар билан жамоатчилик асосида катта ташкилий ва оилавий ишларни олиб бормоқдалар, оилаларни сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга, вояга етмаган болалар манфаатларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Молия идоралари жамоат бирлашмаларини маблағ билан таъминлаш ва улар даромадларининг манбааларини, улар олган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ солиқ тўлашини назорат қилиб борадилар.

Назорат идораларини, қонунларни қандай амалга оширишларини ва бажаришларини прокуратура органлари назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси Низомини рўйхатга олган Адлия Вазирлиги ва жойлардаги адлия бошқармалари жамоат бирлашмалари фаолиятининг мақсадларига тааллуқли Низом қоидаларига риоя этилишини назорат қиладилар.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қоидаларни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий-моддий ёки ўзга жавобгарликларга сабаб бўлади.

5 §. Сиёсий партияларнинг конституциявий мақоми

Жамиятнинг сиёсий тизими ижтимоий- сиёсий тусдаги муносабатларда қатнашувчи ташкилотлардан иборат. Сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисми ва унинг асосий бўғинларидан бири эса сиёсий партиялардир.

Партия- (лот. Partio- , бўламан, ажратаман) ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак бўлган , шунингдек, муайян ишни бажариш учун ажратилган кишилар гуруҳи.[1]

Сиёсий партия жамиятда кишиларни бирлаштиради ва уларнинг мақсад - муддаоларини бирлиги таъминлайди, вакиллик органлари учун курашиб, ўз сиёсий гуруҳларининг манфаатларини ҳимоя киладилар. Олий Мажлис, халқ депутатлари кенгашларини шакллантиришда улар ҳам энг асосий сиёсий куч сифатида майдонга чиқадилар ҳамда ўз номзодларининг сайланиши билан ҳокимиятни тузиш ва давлат бошқарувида иштирок этадилар.

Партияларнинг вужудга келиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг кўриниши қадимги даврлардаёқ мавжуд бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, милоддан аввалги V асрда Афина (Юнонистон)да аристократик ва демократик гуруҳлар (булар ўзига хос дастлабки партиялар эди) ўртасида сиёсий кураш бошланган эди. Сиёсий партиялар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган. Шуни назарда тутиш керакки, қадимги даврда ҳам , ўрта асрларда ҳам партиялар фақат давлатни бошқариш режими (тартиби) маълум даражада демократия аломатларига эга бўлган жойлардагина ташкил топган.

Фақат шундай шароитларда партиялар қандайдир ижтимоий манфаатларни ифода эта олишган. Партиялар, қачонки уларни турли ижтимоий манфаатларни таҳлил қилиш, бундай манфаатларни таърифлаш ва ҳимоя қилишга мажбур қилувчи бошқа партиялар, яъни рақиблар бўлгандагина , ўз мажбуриятларини сақлаб қоладилар, уларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар ва фаолият кўрсата оладилар. Партиялар шу тарзда жамиятнинг турли қатламлари (табақалари) орасида ўз тарафдорларига эга бўладилар.

[1] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-том. Т.: 2003 . 698-бет.

Сиёсий партиялар замонавий маънода дастлаб Европадаги (буржуа) инқилоблар муносабати билан юзага келди. Ўша инқилоблар чоғида халқ вакиллари тузилди, яъни сайланадиган вакиллар воситасида амалга ошириладиган халқ ҳокимияти тизими барпо қилинди. Дастлаб партиялар сафига, бир томондан монарх (якка ҳоким) ва феодаллар, иккинчи томондан эса, тенг ҳуқуқлилик ва сиёсий эркинлик ҳимоячилари бирлашдилар. Натижада , турли партиялар юзага кела бошлади, улар жамиятнинг айрим ижтимоий ва минтақавий гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилишга киришдилар. Синфий гуруҳларга бўлинишнинг кучайиши, ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашиши муносабати билан сиёсатга жамиятнинг кенг табақалари жалб қилиниши натижасида, партияларнинг роли янада кучайди ва улар сиёсатнинг асосий субъекти ҳамда демократик давлатчиликнинг зарур элементи бўлиб қолди.[1]

Демократик жамиятда сиёсий партияларнинг роли шундаки, демократия фаол сиёсий партияларнинг бўлишини тақозо этади. Сиёсий партия – бу мукаммал ташкилот бўлиб, демократик бошқарув жараёнида муҳим бўлган бир қатор ўзаро боғланган функцияларни амалга оширади. Шулардан энг асосийси давлат муассасалари ва органлари устидан маълум бир даражадаги назоратни қўлга киритиш мақсадида сайловларда қатнашиш ва ғалаба қозониш ҳисобланади.

Конституциямизнинг 12-моддасида белгиланланганидек, мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Бу эса ўз-ўзидан жамиятда сиёсий плюрализмнинг вужудга келишини кафолатлайди.

Демократиянинг энг муҳим белгиларидан бири бу – ҳокимият вакиллик органларининг кўппартиявийлик асосида шаклланишидир. Республикамизда сиёсий ҳаётни демократлаштириш борасида конституциявий ҳуқуқий асос яратилди. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида», “Нодавлат

[1] Д.Қ.Аҳмедов. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Т.: 2004 .4-бет.

нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунларни келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизда Ўзбекистон Халқ демократик, “Адолат” социал-демократик, “Миллий тикланиш” демократик , Фидокорлар миллий демократик партияси ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиялари фаолият юритиб келмоқдалар. Барча сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Конституция ва қонунлар асосида амалга оширадилар.

Конституциямизнинг 60-моддасида белгиланганидек, “Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини ташкил этишда иштирок этадилар”.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ҳозирги вақтда биз ҳуқуқий демократик, бозор иқтисодиётига асосланган давлат, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш учун интилмоқдамиз. Бу ҳаётнинг сиёсий-ижтимоий асослари бўлган демократия принципларини , кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш, партиялар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим вазифаси, эртанги тараққиётимизнинг гарови бўлиб қолмоқда.”[1]

1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

“Сиёсий партиялар тўғрисида” ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган

[1] И.Каримов. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим. Т. “Ўзбекистон” . 2003 . 7-бет.

ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида эллик кишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съезди ёки конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.

Ташкилий қўмита ўзи тузилган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди ёки конференцияси чақириладиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир. Сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади. Таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаларига биноан сиёсий партияни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарор қабул қилингач, узоғи билан уч кун муддат ичида у сиёсий партия раҳбар органига берилади ёки почта орқали жўнатилади. Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Сиёсий партиялар уставларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар уларнинг уставларини рўйхатга олиш учун ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, агар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Сиёсий партиялар тўғрисида” Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга

олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунида шунингдек, партияларнинг ташкил топиши, фаолиятининг кафолатлари, улар фаолиятини тўхтатиб туриш ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топган.

Республикамизда сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш,аъзолариинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини-ўзи бошқариш ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Қуйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади:

конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи ;

халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи;

миллий ва диний руҳдаги партиялар.

Республикамиз фуқаролари ўзлари хохлаган бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлишлари мумкин.

Фуқароларнинг партияга мансублигига кўра ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш, худди шунингдек унга имтиёзлар ёки устунликлар бериш таъқиқланади.

Сиёсий партияларга аъзолик якка тартибда қайд этилиб , қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар: судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати

ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига кўра , давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари , корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиялар ички ишларига аралашишлари ёҳуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш , ўз ғоялари ва қарорларини тарғиб қилиш;

сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларини тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларда иштирок этиш:

партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар , конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ тузиш , улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Ҳар бир партиянинг ўз дастури мавжуд бўлиб, унга кўра улар сиёсат майдонида ушбу дастурларида назарда тутилган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун фаолият олиб борадилар. Масалан,Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарор

бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуриш, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш шароитлари ва унинг фаровонлигини таъминлай оладиган сиёсатни олиб боришни ўз фаолиятининг бош вазифалари, деб ҳисоблайди. “Адолат” партиясида –барқарорликнинг ва Ўзбекистон бозор ислоҳотлари моделини рўёбга чиқаришнинг кафолати сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, “Фидокорлар”миллий демократик партияси дастурида-мулкдорлар “синфи”нинг иқтисодий ва ижтимоий- сиёсий мавқеини ошириб бориш, “Миллий тикланиш” партиясида – халқ маънавиятини, тарихий хотираси ва маданиятини тиклаш, Либерал-демократик партиясида-тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият олиб боришлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг эртанги кунини таъминлашдек мақсад, партиявий дастур сифатида илгари сурилади.

Сиёсий партия ўз олдидаги мақсадга эришиш учун маълум вазифаларни бажарадилар. Буларнинг орасида давлатни бошқаришда иштирок этиш, миллий интеграция, мафкуравий каби вазифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳар қандай сиёсий партия ўз фаолиятини жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган сиёсий курсни ишлаб чиқишдан бошлайди. Ушбу мақсадда партия фаоллари ва жалб қилинган мутахассислардан иборат ташаббускор гуруҳлар, комиссиялар, жамоатяилик кенгашлари тузилади.

Сиёсий партия ўзининг дастурий ҳужжатларида ўзига хос стратегия ва усул танлаб, у орқали сайловчиларга таъсир кўрсатишга интилади . Бу ташкилий босқичда партияга янги аъзоларни қабул қилиш, фаолларни тарбиялаш сайловчиларни партия номзодларини қҳллаб қувватлашга сафарбар қилиш, йўлбошчиларни танлаб олиш ва уларни давлат ва оммавий жамоат ташкилотлари органларида юқори лавозимларга илгари суриш вазифалари юзага чиқади.

Партиянинг энг муҳим вазифаси ҳокимият органларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат олиб боришда иштирок этишдир.

Сиёсий партияларнинг бўлиши, уларнинг давлат органларига сайловларда иштирок этишлари ижтимоий ихтилофларнинг тинч йўл билан ҳал этилишига йўл очиб беради. Бу зарур ҳолларда ҳукуматларнинг алмаштирилиши учун, сиёсий арбобларнинг профессионал қобилиятини қўллаб- қувватлаш учун ижобий шарт- шароитлар яратади ва бу билан жамиятнинг давлат томонидан бошқарилишининг самарадорлиги таъминланади.

Демократик режимдаги икки партиявий ёки кўп партиявий тизимга эга бўлган давлатларда ҳукмрон партиялар ва мухолиф партиялар ўртасида соғлом рақобат мавжуд бўлади. Мухолиф партиялар миллий тараққиёт учун муқобил дастурлар ишлаб чиқади ва жамоатчилик муҳокамасига ўз таклифларини беради, амалдаги ҳукумат фаолиятида мавжуд бўлган хато, нуқсонлар, суиистеъмолликларни танқид қилади, бу билан эса ҳукуматни жамиятдаги мавжуд муаммоларни муваффаққиятли ҳал этиш усулларини излиб топишга мажбур қилади. Масалан, Буюк Британия, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатларда мухолиф партиялар томонидан “яширин кабинетлар” тузилади, кабинет аъзоларига давлат хазинасидан маблағ тўланади ва улар баъзи имтиёзлардан ҳам фойдаланадилар , шу тариқа давлат ва жамият ҳаётидаги турли муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этадилар.

Ривожланган демократик давлатларда демократиянинг бевосита шакли билан бирга вакиллик демократияси амалиётда ўз самарасини бериб келмокда. Вакиллик демократиясининг энг муҳим хусусияти бу халқнинг вакиллари бўлмиш депутатларнинг олий ва маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритиши ҳисобланади. Вакиллик органларини шакллантиришда бевосита фуқаролар билан биргаликда сиёсий партияларнинг иштирок этиши уларнинг сиёсий тизимда қанчалик мавқега эгалигидан далолат беради .

Конституциямизда ўрнатилган нормалар ва “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун парламентда ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида фаолият юритиши учун сиёсий партияларга кенг имкониятлар беради

2004 йил 30 апрелда II чақирик Олий Мажлиснинг XIV сессиясида “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар ҳуқуқий мақомида туб бурилиш ясаши шубҳасиз.

Сессияда мамлакатимиз раҳбари партиялар фаолиятига алоҳида тўхталиб, ҳар бир сиёсий партия ўзининг аниқ йўналтирилган дастурига эга бўлиши сиёсий куч сифатида сайловларда асосий ўринда иштирок этиши лозимлиги ҳақида тўхталиб партиялар фаолиятига танқидий нуқтаи назардан қараш лозимлигини уқтирди.

“Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги Қонун асосида 1999 йил декабрда ўтказилган парламент сайловларининг аҳамияти шундаки, аввалги сайловларда иккита партия иштирок этган бўлса, бу сайловларда бешта партия иштирок этди.[1] Бу ҳолат шубҳасиз номзодлар ўртасидаги рақобатни кескин оширди ва сайловчилар учун танлов имкониятини кенгайтирди. Ўтган сайловларда 250 та депутатлик ўрни учун 1010 та номзод кураш олиб борганлигининг ўзи фикримизнинг далил исботидир Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, сайлов якунларига кўра, жами депутатлик ўринларининг фақат ярмига яқинини (49,16 фоизи) сиёсий партиялар вакиллари эгаллаган. Аслида эса асосий ўринларни сиёсий партиялар эгаллашлари лозим эди.

Вакиллик органларини шакллантиришда айниқса Олий Мажлиснинг қуйи палатаси – қонунчилик палатасининг шаклланишида иштирок этиш сиёсий партияларимиз учун янгилик ҳисобланади.

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги Қонун парламентимизнинг бир палатали даври 1995-2004 йилгача кенг қўлланилди. Парламентимизнинг икки палатали тизимга ўтиши ва Олий Мажлиснинг иккила палатасининг шаклланиши ҳам ўзига хос амалга оширилишини инобатга олиб, 2003 йил 29 августда янги таҳрирда “Олий Мажлисга сайлов тўғрисида” Қонун қабул қилинди.

Сиёсий партияларнинг иштироки айниқса парламентимизнинг қонунчилик палатасини шакллантиришда яққол кўринади. Ўзбекистон

[1] Одилқориев. Х.. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.:Шарқ. 2002. 92-бет.

Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрир) Қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича *кўп партиявийлик асосида* беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборатлиги белгиланган.

Сиёсий партиялар одатда бутун фаолиятлари давомида сайловларда иштирок этиш ва ижобий ютуқларни қўлга киритиш учун тайёргарлик кўриб юрадилар, аммо расмий равишда сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан сўнг улар асосий этиборни фақат сайловчилар ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларига бағишлари лозим. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш Марказий сайлов комиссияси ваколатига кириб, аввалги чақириқ Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Агар илгарилари Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳокимият вакиллик органлари ҳам эга бўлган бўлса, янги таҳрирдаги қонун бўйича Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партиялар маълум бир қонуний талабларга жавоб беришлари шарт, яъни, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади. Юқоридаги талаблар фақат сайлов кезларигина сиёсий майдонда пайдо бўлиб қоладиган ва фаолияти шундан нарига ўтмайдиган, сонда бор, саноқда йўқ қабилидаги партияларнинг сунъий тарзда ташкил бўлишидан сақланиш истаги тақозосидир. Бундан ташқари, сайловларда қатнашиш учун сайлочиларнинг эллик минг имзоси зарурлиги сиёсий партиянинг сиёсий ҳокимият учун муносиб кураш олиб бориш имкониятидан ҳамда бундай ҳокимиятни қўлга киритган тақдирда уни халқ муайян даражада қўллаб-қувватлашидан далолат беради.[1] Қўллаб -қувватловчи имзонинг кўпайиши:

Биринчидан, сиёсий партияларнинг ҳаётдаги ўрни ортиши ва уларнинг мавқеининг сайловларда янада ошишига олиб келса;

Иккинчидан, партияларнинг сиёсий савиясини ҳамда улар адолатли рақобатнинг кучайишига олиб келади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, сиёсий партияларнинг сайловдаги ролини унда иштирок этувчи субъектларнинг қонуний доираси белгилаб беради. Ушбу иштирокчилар жумласига сиёсий партиялар (шу билан биргаликда уларнинг коалициялари), носиёсий ижтимоий бирлашмалар ва сайловчилар киради. Аксарият мамлакатларнинг замонавий қонунчилик ривожланиш босқичларининг хусусиятлари шундан иборатки, унда сиёсий партияларга сайлов жараёнида, айниқса сайловга номзодларни тақдим этишда монопол мавқеъ берилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолатни пропорционал сайлов тизимига эга бўлган мамлакатлар (Австрия, Португалия Швеция, ЖАР) қонунчилигида кузатиб қолмасдан, балки қолган икки сайлов тизимига, яъни аралаш ва мажоритар сайлов тизими мавжуд 60 га яқин мамлакатлар қонунчилигида ҳам кўриш мумкин. Баъзан сиёсий партияларнинг

[1] Халилов.Э.Ҳ. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши.Т.; “Ўзбекистон” 1999.18-бет.

сайловдаги “монополистик” мавқеи, ҳатто Конституцияда ҳам мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин. Масалан, Гвинея Конституциясининг 48-моддасига кўра қонуний фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларгина парламент депутатлигига номзодларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Бироқ, бевосита сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган мустақил номзодларни сиёсий партиялар тақдим этган номзодлар билан сайлов жараёнида тенг иштирок этиш ҳуқуқи мавжуд бўлган давлатлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Мисол тариқасида ГФР парламентининг қуйи палатасига ўтказиладиган сайловларда 200 та сайловчи имзосини тўплаган шахс бевосита депутатликка номзод сифатида рўйхатга олиниши мумкин.[1] Фақатгина баъзи бир мамлакатларда, жумладан Буюк Британияда ва бошқа бир қатор Ҳамдўстлик мамлакатларидаги сайлов қонунчилиги сайлов жараёнининг марказига сиёсий партияларни эмас, балки алоҳида шахс сифатида расман иштирок этадиган мустақил номзодларни чиқаришга ҳаракат қилишади.

Бироқ бу мамлакатларда сайлов компаниясини олиб бориш амалиёти шундан гувоҳлик берадики, бу ердаги ҳар қандай сайловларда, бевосита партияларнинг иштироки ҳал қилувчи ролини йўқотмаяпти. Мустақил номзодларга, сиёсий партияларга боғланмасдан туриб сайловларда ғалаба қозонишнинг реал имкониятлари йўқ.

Масалан, Буюк Британия парламентининг Умум палатасига 1974 йилдаги сайловларда мустақил номзодлардан бирорта ҳам номзод депутатликка сайланмаган эди.

Мустақил номзодларни сайловда иштирок этишлари билан боғлиқ қоидалар ва талаблар юқорида таъкидланган давлатларнинг қонунчилиги сингари, мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигида ҳам юқори демократик савияда мустаҳкамланганини эътироф этиш мумкин.

Республикамизда сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатиш учун камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

[1] Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. М.; Инфра-М 1998. 189-бет

партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганкундан камида олти ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома;

имзо варақалари;

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари(Масалан, қурултой) томонидан кўрсатилади.

Сиёсий партиялар депутатликка бир юз йигирма нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиялар номзодлар танлаётган пайтда уларни ҳар томонлама қобилиятларини ўрганиб чиқишлари лозим. Чунки, худди мана шу номзодлар сайлов жараёнида ўзларининг ташвиқотлари орқали сайловчиларни ўзларига қаратиб билиши ва етарли овозларни тўплашлари лозим бўлади.

Сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг раҳбари амалдаги қонунчиликка кўра депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий

сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилади.

Сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлиги учун кўрсатиладиган номзодларга қонун томонидан маълум бир талаблар ўрнатилган. Унга кўра қуйидагилар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайди:

содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари; диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида тегишли округ сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда депутатликка номзодларни рўйхатга олишда сайлов гарови қўлланилади. *Англияда бу 150 фунт стерлингни, Францияда Миллий мажлис депутатлигига номзодлар учун-1000 франкни ташкил этади.Агар номзодлар округдаги овозларнинг жуда камчилигини тўплайдиган бўлса (Зимбабведа-1\8 кам бўлса), гаров пули қайтарилмайди.*[1]

Сиёсий партияларнинг сайловдаги ғалабаси уларнинг қанчалик сайловолди ташвиқоти олиб боришига бевосита боғлиқ..“Ўзбекистон

[1] Арановский.К.В. Государственное право зарубежных стран. М.; «Форум»- «Инфра-М» 1998. 303-бет.

Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига кўра сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратишлари, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Хорижий маалакатларниг кўпчилигида ҳам, сайловолди ташвиқотларини олиб бориш шартлари қонун билан белгиланган. *Масалан, Японияда сайловчиларга совғалар улашиш, иш юзасидан ваъдалар бериш ва уларнинг уйларига ташвиқот мақсадида бориш қатъиян ман этилади.*

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида партиялар томонидан сайловчилар ишончини қозониш учун турли хил таъқиқланган ва тавсия этилган психологик усул ва воситалардан фойдаланишини кузатишимиз мумкин. Ижтимоий-психологик мазмундаги ишонтиришнинг моҳияти шундаки, бунда сайловчилар онгига манфаатдор гуруҳлар,партиялар томонидан маълум мақсадга эришиш учун таъсир кўрсатилади. Шахс сайловчи таъсир доирасида ушлаб турилса , фикр, ғоя,мазмунини танқидсиз, таҳлилсиз қабул қилади. *Мазкур жараён суггестия, таъсир кўрсатувчи суггестор, таъсир кўрсатиш объекти эса суггеренд деб аталади.*[1] Республикамиз сайлов қонунчилигига кўра ҳар қандай сайлов жараёнидаги ноқонуний ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддасида ушбу Қонунни бузганлик учун жавобгарлик масаласи белгиланган бўлиб унга кўра, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ёки Сенат аъзолигига номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар. *Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 147-моддасига мувофиқ сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.*

Демак партияларга сайловларда муносиб иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратилган. Сиёсий партияларнинг қонунчилик палатасини шакллантиришда ўрни фақат юқоридагилар билан чекланиб қолмайди. 2003

[1] Қодиров.У. Сайлов учун кураш. \ XXI ASR газетаси. 2004. 10 июнь.

йил 29 августда қабул қилинган “Олий Мажлис қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонунга биноан, палата спикери ва унинг ўринбосарларини сайлашда номзодлар оқсоқоллар кенгаши томонидан қоида тариқасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатилади. Демак, сайловларда энг кўп номзодлари сайланган сиёсий партиялар депутатлари ҳатто палата спикерлиги ва унинг ўринбосарлигига сайланишлари мумкин. Бундан ташқари сиёсий партиялар ўз партияларидан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган фракцияларни ташкил этадилар.

Сиёсий партияларнинг молиявий жиҳат билан боғлиқ муаммолари нафақат сайловлар пайтида, балки, бутун фаолиятлари давомида асосий масала бўлиб келган. Агар дастлаб сиёсий партияларнинг молиялаштирилиши фақат уларнинг хусусий фаолиятига оид бўлса, йиллар ўтиши билан эса уларнинг сайлов корпуси ва оммавий ҳокимият орасидаги зарур ва муқаррар воситачиларга айланиш, сиёсий фаолиятларга жуда катта миқдордаги сарф-харажатларнинг ўсиши, айниқса, сайлов харажатлари ушбу фаолиятнинг молиялаштирилишининг ҳуқуқий тартибга солинишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Ушбу ҳуқуқий тартибга солиш ҳозирги вақтга келиб бир қатор янги қонунларни яратилишига олиб келди. Жумладан, "Сиёсий партияларни

молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинишидир. Ушбу қонун қабул қилинганига қадар сиёсий партияларнинг молиявий таъминотига оид масалалар “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 15-16-моддаларида белгиланган нормалар орқали тартибга солинар эди.

Сиёсий партиялар фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Сиёсий партиянинг тадбиркорлик фаолияти натижалари унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилиши керак.

Сиёсий партияларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади. Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб боради ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади. Сиёсий партияларнинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг мазкур партиялар аъзолари ва жамоатчилик учун очиқлиги сиёсий партияларнинг ўзи томонидан таъминланади. Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши ҳажми ва манбалари ҳақида ахборот эълон қилиб туриши керак.

"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш

ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу норма сиёсий партияларни Қонунчилик палатасида кўпроқ ўрин олишга ундайди.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охирги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдорида шакллантирилади.

Давлат маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик палатасига охирги сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқланган натижалари асосида бу маблағларни олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равишда тақсимлайди.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Агар Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа манбалардан олган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилиши керак. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилади.

Сиёсий партиялар фақат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдамини олиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партия хайрия ёрдамини қабул қилишни рад этишга ҳақли.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикасининг бир юридик шахсидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган

йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан Ўзбекистон Республикасининг бир фуқаросидан эса беш юз бараваридан ошмаслиги лозим.

Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чеклашлар "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида санаб ўтилган.Унга кўра сиёсий партияларга пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тариқасидаги (шу жумладан грантлар ажратиш, техник ёрдам кўрсатиш, сафарлар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш орқали) хайрия ёрдами қуйидагилар томонидан берилишига йўл қўйилмайди: чет давлатлар; чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари; халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари; чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар; чет эл фуқаролари; фуқаролиги бўлмаган шахслар; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар.

Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чекловлар кўпчилик давлатлар қонунчилигида мавжуд. Масалан, аноним хайрия маблағлари олиш Австрия, Россия, Болгария каби давлатларда мутлақо таъқиқланса, бир қатор мамлакатларда уларнинг миқдори чекланган тарзда рухсат этилади (Германияда-1000 маркагача, Испания ва Мексикада давлат томонидан партияларга бериладиган субсидия миқдорининг белгиланган фоизидан ошмаслиги шарт.)[1]

Францияда 90-йиллардаги йирик компаниялар томонидан сиёсий партияларни молиялаштириш билан боғлиқ сиёсий келишмовчиликлардан сўнг, 1994 йил декабрида парламент сайлов кампанияси ва партияларни молиялаштиришни мутлақо чекловчи қонун қабул қилди.

[1] Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. М.; Инфра-М 1998. 159-бет

Сиёсий партия ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт. Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида давлат маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши алоҳида қисмда назарда тутилади. Бунда сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади.

Хорижий мамлакатларда партиянинг молиявий маблағлардан фойдаланиши ҳақида ҳисоботлар бериши учун , одатда, қонунларда ҳисобот ҳужжатларининг муддати ва шакли белгилаб қўйилади. *Бу муддатлар турли малакатларда турлича бўлади: Италияда ҳисобот тугаганидан кейин бир ой, Венгрияда –тўрт ой, Испанияда-олти ой, Австрия ва Германияда- тўққиз ой. Сиёсий партиялар молиявий ҳисоботлар билан бир қаторда баъзан қонунларга мувофиқ назорат органларига бошқа ҳисобот ҳужжатлариҳам тақдим этишга мажбурдир: партия мулки ҳақида ҳисобот (Германияда), хайри-эхсонлар рўйхати (Австрия, Испания), партия бюджети (Италия), шунингдек, сайлов компаниялари билан боғлиқ даромад ва чиқимлар ҳақида маълумотлар берилиши кўпинча талаб этилади.*

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади.

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушишини ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланишини текшириш Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида ўндан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳининг мурожаатига биноан Қонунчилик палатаси томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда сиёсий партияларнинг молиявий маблағлари устидан назорат турли органлар томонидан амалга оширилади: Австрияда-

ички ишлар вазирлиги қошидаги ҳайъат томонидан, Мексика ва АҚШда-федерал сайлов комиссияси томонидан, Венгрияда –давлат ҳисоб палатаси томонидан, Испанияда эса – ҳисоб трибунали (суди) томонидан.[1]

Сиёсий партия ўз фаолиятининг молиялаштирилиши масалалари юзасидан тегишли давлат органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши мумкин.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Жамоат бирлашмаларининг фаолияти қандай принципларини ўз ичига олади?
2. Ўзбекистонда қандай жамоат бирлашмалари тизими фаолият юргизади?
3. Жамоат тошкилотларини қайси давлат органи руйхатдан ўтказишади?
4. Ўзбекистонда қандай жамоат бирлашмалари мавжуд?
5. “Сиёсий партия” деганда нима тушунилади?
6. Сиёсий партия қандай тартибда тузилади?
7. Сиёсий партиянинг фаолияти қайси ҳолларда тўхтатилади?
8. Ўзбекистонда сиёсий партиялар қандай молиялаштирилади?

[1] Аҳмедов.Д.Қ.Хорижий мамлакатларда сийсий партиялар ва партиявий тизим. Т.; 2004. 34-бет.

XIX БОБ. ОИЛА ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

1-§. Ўзбекистонда оиланинг конституциявий мақоми

2-§. Оммавий ахборот воситаларининг конституциявий - ҳуқуқий мақоми

1-§. Ўзбекистонда оиланинг конституциявий мақоми

Ўзбекистонда оила ҳақида ғамхўрлик конституциявий йўл билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи бўлим XIV боби "Оила" деб номланиб, унга тўрт модда – 63-66-моддалар бағишланган.

"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", дейилади Конституциянинг 63-моддасида.

Ўзбекистонда 25 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Айни пайтда 4 миллион 800 мингга яқин оила бўлиб, аҳолининг 98 фоизини ана шу оилаларнинг оила аъзолари ташкил этади. Ҳар йили 540-550 минг бола туғилмоқда.

Аҳолини ўрта ёши 70 ёш. Аёллар 72 ёш, эркаклар 68 ёш.

Мамлакатимизда 5 миллиондан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар мавжуд. Йилига ўрта ҳисобда 170 минг ёш оила вужудга келмоқда.

Ўзбекистонда ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини ошириш, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президент И.А.Каримов бу борадаги вазифалари ҳақида гапириб: "Энг муҳим вазифа – халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш. Бу жамият пойдеворини, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ҳамда маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади"[1],-деб таъкидлайди.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.:Ўзбекистон, 1993, 14-бет.

Ўзбекистон Республикасида оилага жамият ва давлат ғамхўрлиги кун сайин ошиб бормоқда. Чунки катта-кичик жилғалар ва ирмоқлардан улкан дарё ҳосил бўлгани каби, оилалар мажмуидан жамият пайдо бўлади. Муайян жамиятнинг ҳаёт тизими, онг юксаклиги мана шу оилалар мажмуининг даражасига боғлиқ. Шундай экан, жамиятни ривожлантириш учун барча диққат-эътибор, энг аввало, оилага қаратилмоғи лозим. Ҳар бир оила аъзосининг жамиятни тушуниши, ҳаёт, меҳнат, қонун ва ҳуқуқни қай даражада англаши ва унга риоя қилиши жамият равнақини белгиловчи муҳим омилдир.

Оиланинг жамият томонидан муҳофаза қилиниши унга нисбатан ғамхўрликнинг янги шакли ҳисобланиб, бунга алоҳида эътибор бериш керак.

Давлатнинг оила тўғрисидаги ғамхўрлиги катта ҳажмда уй-жой қурилиши, болалар муассасаларининг кенг шаҳобчаларини барпо этиш ва ривожлантириш, маиший хизмат, бола туғилганда нафақа тўлаш, кўп болали оилаларга нафақалар ва имтиёзлар бериш, шунингдек, оилага нафақа ва ёрдам беришнинг бошқа турларини ривожлантириш орқали намоён бўлмоқда.

Оилани ҳимоя қилишнинг конституциявий қоидалари деганда, давлат органларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларга масъулиятсизлик билан қарашга қарши курашиш тушунилади. Бу тадбирлар иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий воситалар ёрамида бежарилади.

Давлат томонидан оилага кун сайин ғамхўрлик қилиш унга ҳар тарафлама моддий ёрдам бериш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Республикамиз Президентининг "Кўп болали оилаларга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида"ги 1990 йил биринчи фармони оиланинг давлат муҳофазасида эканлигидан далолатдир.

Унда кўп болали оилаларнинг моддий аҳволини, ёш авлоднинг ўсиш шароитларини яхшилаш мақсадида оналарга тўланадиган ойлик нафақа икки мартага кўпайтирилди. Мазкур фармон ўзбек халқининг болажонлик табиатини кўрсатади.

Кейинги йилларда ҳам Республика Президентининг оилага алоқадор бир қатор фармонлари қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида 2,5 миллион оила биринчи марта ер участкалари олдилар ва ўз ер участкаларини кенгайтирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 63-моддасининг иккинчи қисмида "Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади" дейилган. Зеро, никоҳ оила пойдеворидир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Оила кодекси 1998 йил 30 апрел куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинди ва 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилди. Ушбу кодекс 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат.

Кодекснинг II бўлими "Никоҳ" (13-56-моддалар) масаласига бағишланган. Қонунда бу бўлим салмоғли ўрин эгаллайди. Никоҳга алоҳида бўлим ажратилиши мақсадга мувофиқ бўлди, чунки оила вужудга келишининг бирдан-бир асоси, пойдевори никоҳдир. У одамзод ҳаётидаги муҳим маънавий кашфиётдир.

Оила кодексининг 13-моддасига биноан никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шундай никоҳгина ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради. Никоҳнинг тегишли давлат органида қайд эитилиши унинг вужудга келганлигини исботловчи бирдан-бир далилдир.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳни тузиш никохланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой муддат ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Бундай муддатни белгилашдан мақсад бир-бирлари билан яхши таниш бўлмаган шахсларнинг енгилтаклик қилиб, шошмашошарлик билан никоҳдан ўтишларига йўл қўймасликдан иборат.

Никоҳ давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг ва болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида қайд этилади.

Никоҳни унинг ижтимоий моҳияти ва мақсадига кўра ҳамда оилани мустаҳкамлаш эҳтиёжини, ёш авлоднинг аҳлоқи ва сиҳат-саломатлигини ҳисобга олиб, бир қатор шартларга риоя қилган ҳолда тузиш зарурлиги белгиланди. Бу талаблар никоҳдан ўтиш шартлари деб юритилади. Улар қуйидагилардан иборат: никоҳ тузиш ихтиёрийдир; никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак; никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади (Оила кодексининг 14-моддаси).

Навбатдаги шарт никоҳ ёшига тўлишлик. Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш қилиб белгиланган.

Узрли сабаблар бўлганида алоҳида алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин (Оила кодексининг 15-моддаси). Қонунда никоҳ тузишга монелик қиладиган қуйидаги ҳолатлар кўрсатилган:

1) лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Республикада ҳар бир фуқаро фақат якка никоҳда бўлиши мумкин;

2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

3) лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди (Оила кодексининг 16-моддаси).

Қонунга биноан никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек, тиббий ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича

маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳланувчи шахсни кўрикдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилиши мумкин. Башарти никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети тақчиллиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир. Бундай қоидаларни ўрнатувчи модда Ўзбекистоннинг оила қонунчилиги тарихида биринчи марта пайдо бўлди.

Оила кодексида белгиланган шартларнинг бузилиши суд томонидан ушбу никоҳни ҳақақий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг болалар ҳақидаги ғамхўрлиги алоҳида мустаҳкамланган.

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради (Конституциянинг 64-моддаси).

Ота-она ва болаларнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари болаларнинг насл-насабига қараб белгиланади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни келиб чиқишига асос бўлиб боланинг отадан пайдо бўлганлиги ва онадан туғилганлиги қонун билан белгиланганлиги ҳисобланади.

Оила кодексининг 60-моддасига биноан боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

Агар бола тиббий муассасадан ташқари жойда туғилган бўлса, у ҳолда бу юридик факт гувоҳлар кўргазмалари ва бошқа далиллар билан белгиланади.

Қонунларга биноан болаларнинг ҳуқуқлари уларнинг туғилиши билан вужудга келади.

Вояга етмаганлар қуйидаги шахсий ҳуқуқларга эга: оилада яшаш ва тарбияланиш; ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш; ўзини ҳимоя қилиш; ўз фикрини ифода этиш; исм, ота исми ва фамилия олиш ва бошқалар.

Оила кодексини 67-моддасига кўра, бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онани (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Оила кодексининг 90-моддасига биноан, вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланади.

Оила кодексини 71-моддаси ота-онанинг ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини белгилайди (ота-оналик ҳуқуқлари).

Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга. Ота-она ўз болаларининг тарбияси, камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва аҳлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устунлик ҳуқуқига эга.

Оила кодексининг 79-моддасига кўра ота-оналар ўзларининг ота-оналик мажбуриятларини бажармасалар у ҳолда улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш уларга таъсир қиладиган ҳамма тадбир-чоралар тегишли натижа бермагандан сўнг қўлланилади.

Оила кодексини 96-моддасига биноан ота-она вояга етмаган болаларга таъминот бериши шарт. Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадларининг бир бола учун тўртдан бир қисми; икки бола учун учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак (Оила кодексининг 99-моддаси).

Қонунларимизда давлатимизнинг болалар ва фарзандлар тўғрисидаги ғамхўрлик сиёсати акс этар экан, ўз навбатида фарзандларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги ҳам ўрнатилган.

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ота-оналарнинг фуқаролик ҳолати қандай бўлишидан қатъи назар фарзандлар қонун олдида тенгдирлар. Ўзбекистонда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга жуда катта эътибор берилмоқда. Оналик аёл кишининг энг зўр ҳис-туйғуларидан бири ва унинг ҳаётидаги зўр бахт, жуда буюк шодлик ҳисобланади. Давлат кўп болали, серфарзанд оилаларга ва болали ёлғиз оналарга катта моддий ёрдам бермоқда.

Бизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга жуда катта эътибор берилиб, бу йўлда бир қанча тадбир ва чоралар амалга ошириб келинмоқда.

Айни пайтда Конституцияда фарзандлари вояга етганларидан сўнг ота-оналари олдида маълум мажбуриятларга эга эканлиги мустаҳкамланган.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Вояга етган фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим. Улар ўз ота-оналарига маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдирлар. Ота-оналар турмушидан хабардор бўлиб, сиҳат-саломатлигига катта эътибор беришлари керак.

Болаларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятлари илгари уларнинг аҳлоқий мажбурияти бўлиб ҳисобланади. Мустақил республикамиз янги Конституциясини қабул қилиш билан болаларнинг бу мажбурияти қонуний конституциявий мажбуриятга айланади. Фарзандлар ота-оналарини меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганларида, айниқса бетоб бўлиб қолганларида уларга ҳар хил ёрдам беришлари, улар нимага муҳтож бўлсалар, шуларни муҳайё қилиб туришлари лозим.

Вояга етган фарзандларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари нафақа мажбурияти вужудга келганми ёки йўқми ундан қатъи назар, пайдо бўлади. Кўпинча ота-оналар қарилик ёки касал бўлган даврларида яхшигина пенсия олиб моддий томонидан яхши таъминланган бўлсалар-да, аммо улар ўз фарзандларининг улар тўғрисида ғамхўрлик қилишларига, маънавий аътиборларига муҳтож бўладилар. Аксарият ҳолатларда ота-оналар бундай болалардан нафақа ундириш ҳақида даъво қилмайдилар. Аммо болаларни муҳтож ва меҳнатга лаёқатсиз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилмасликлари уларни нафақа ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат этишга мажбур этади.

Фарзандлар ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилмасалар, уларга нисбатан қонуний кафолатлар белгиланмайди. Бироқ инсофсиз, ота-оналарига нисбатан ўз фарзандлик бурчларини эсларидан чиқариб қўйган болаларга нисбатан улар тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уларнинг яшаш ёки ишлаш жойларида маънавий қиёфасини муҳокама қилишликка юбориши мумкин.

2-§. Оммавий ахборот воситаларининг конституциявий - ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XV боби, оммавий ахборот воситаларига бағишланган. Бу бобда фақатгина битта модда тушунчасида, бир-бутун ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи сифатида ўрин олишга интилаётган, соҳанинг ҳуқуқий мақомига, қисқа, аниқ барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган қоида мустаҳкамланган: "Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди".[1]

Мазкур меъёрнинг Асосий Қонун даражасида мустаҳкамланганлиги, биринчидан, фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуотда, радио-телевидение орқали ёзма ёки оғзаки чиқишларда ифодалаш ҳуқуқини кафолатланса, иккинчидан, оммавий ахборот воситаларига берилган беназир аҳамият, юксак эътибордир. Ушбу конституциявий нормада учта муҳим принцип: оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, улар фаолиятида қонун устиворлиги ҳамда цензура қилишга йўл қўймаслик ўз ифодасини топган. Айни вақтда ахборотнинг ҳаққонийлиги учун масъулият юкланиб, юридик жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад оммавий ахборот воситалари томонидан эҳтиросга берилиш оқибатида ножўя ахборот тарқатилишининг олдини олиш, уларга чек қўйишдир.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ қилиш, уларнинг самарали ишлашига кўмак берувчи механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Шу сабабдан, бу муаммо Ўзбекистон Республикасининг бир қатор бошқа қонунларида ҳам ўз ифодасини топган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь)"Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги (1996 йил, август), "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги (1996 йил, сентябрь), "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги (1997 йил, апрель), "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, (1997 йил, апрель), "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги (2002 йил, декабр)

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т., «Ўзбекистон», 1995.

қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг " Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (1996 йил май) Фармони ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Шубҳасиз, яратилган қонунлар давлат ҳамда нодавлат шаклдаги, телевидение каналлари ишини ташкил қилиш, шунингдек, журналистларнинг профессионал жиҳатдан камол топишига кенг кўламда ёрдам бериш, матбуот ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда, жамиятда демократик муҳитни қарор топтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунида оммавий ахборот воситаларининг турлари кўрсатилган. Улар газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.

Демократик давлатларда оммавий ахборот воситалари эркинлигини, уларнинг фаолият кўрсатиши шароитларини таъминлаш билан бирга, бу эркинликларнинг суистеъмол қилинишига йўл қўйилмайди. Биринчи навбатда оммавий ахборот воситалари ва журналистлар юқорида айтиб ўтганимиздек, берилаётган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардирлар. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳатти-ҳаракатлар содир қилишни тарғиб қилишга рухсат берилмайди. Учинчидан, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш ҳам тақиқланади. Ушбу чеклашлар яна бир маротаба ҳуқуқий давлатда сўз эркинлиги, оммавий

ахборот воситалари эркинлиги исталган фикр ёки қараш ифода этилишига йўл қўйилмаслигидан, лекин бу чеклашлар кичик ва аниқ бўлишидан далолат беради. Демократик ҳуқуқий давлатнинг мавжуд бўлиши, қўлга киритилаётган муваффақиятларни аста-секинлик билан бўлса ҳам асраб-ардоқлаш учун сўз эркинлиги ҳуқуқининг кичик бир қисмини чеклаш талаб қилинади. Бу ҳол юқорида кўриб чиққанимиздек, ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд.

Маълумки, ахборотни биринчи навбатда журналистлар қидирадилар, оладилар ва оммавий ахборот воситалари орқали тарқатадилар. Шу сабабдан, журналистлар фаолиятини ҳам кўриб чиқиш лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида" қонун журналистнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди.

Журналист - Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир. Қонуннинг 5-моддасида айтилишича:

"журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида:

-ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш;

-ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

-давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдаланиш;

-журналист текшируви ўтказиш;

-ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

-журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

-маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

-судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

-эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш;

-башарти қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;

-ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;

-ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

-тақдим этган хабарнинг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;

-жамоат бирлашмаларига, шу жумладан журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқларига эга.

Журналист ўзига қонун ҳужжатлари билан берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади."

6-моддада журналистнинг мажбуриятлари қуйидагича баён қилинган:

"Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

-қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

-ўзи тайёрлаётган материал-ларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

-айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

-шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши мумкин эмас.

Журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт."

Журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида у Конституцияда белгилаб қўйилган шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади.

Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун, агар улар ҳаққоний бўлса, журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири ҳисобланади.

Журналистнинг журналистика соҳасининг сири ҳисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбаининг розилигисиз ошкор этиши, шунингдек улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши тақиқланади.

Журналист ахборот тўплаш ва журналист текшируви ўтказиш ҳуқуқига эга. Ўз текширувларининг натижаларини у оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиши, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Журналистнинг касбига доир фаолияти Қонуннинг 10-моддасида шундай кафолатланган:

"Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади.

Давлат журналистга ахборотни эркин олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишда унинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Журналистнинг журналистик фаолиятига аралашиш, ундан ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида олган бирор бир маълумотни талаб этиш тақиқланади."

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари:

-цензура қилганлик;

-журналист ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига аккредитация қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки аккредитацияни ноўрин бекор қилиш йўли билан тўсқинлик қилганлик;

-журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик;

-журналистга тазйиқ ўтказганлик, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик;

-журналистнинг материаллари ва зарур техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйганлик;

ахборот манбаини ёки муаллиф номини унинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарликка тортиладилар.

Журналистнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузганлик, унинг касбига доир фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Журналистнинг жавобгарлиги Қонунда шундай таърифланган:

"Журналист ўзи тайёрлаётган ва тарқатаётган хабарлар ҳамда материалларнинг ҳаққоний бўлиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

Журналист расмий хабарларда баён этилган ахборотни тарқатганлик учун жавобгар бўлмайди."

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга, журналистлар фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 1997 йилда Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилганди. Журналистлар ҳуқуқларига доир қонунлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириш мумкин.

Уларда қонун ва ҳуқуқ нуқтаи назаридан оммавий ахборот воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар учун аниқ жавобгарликлар белгиланган, зеро "Инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Европа конвенциясининг 10-моддасида айтилганидек "сўз ва матбуот эркинлиги демократик жамиятда миллий хавфсизлик, ижтимоий осойишталик манфаатлари йўлида, тартибсизликларнинг олдини олиш, ахлоқни ҳимоя қилиш, бошқа шахсларнинг обрў-эътибори ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёхуд одил судловни таъминлаш мақсадларида мажбурият ва жавобгарлик юклаш имкониятини келтириб чиқаради." Чоп этилган ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги принципи бузилган тақдирда, уни бузган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилиниаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олиниши, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Цензура, оддий қилиб айтганда, бу муайян ахборот берилишига (нашр қилинишига) тўсқинлик қилиш, унга нисбатан таъқиб ва чеклов ўрнатишдир. Сўз эркинлиги фикр билдириш эркинлигини ҳар қандай чеклаш демократияга хилофдир. Ва аксинча, цензуранинг олиб ташланганлиги

журналистлар, оммавий ахборот воситалари орқали истаган хабар, маълумот ва материални эълон қилаверади деган гап эмас, албатта. Масалан, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситалари «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонун[1] билан тақиқланган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланган давлат сирлари ҳисобланган объектлар рўйхатидан ташқари масалалар хусусида эркин тарзда хабарлар эълон қилиши мумкин. Қонунга биноан, давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади (1-модда).

Оммавий ахборот воситаларидан мавжуд конституциявий тузумни, республика ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, давлат сирини ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Қонунда яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, журналист ёки оммавий ахборот воситаси прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиши, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёҳуд ҳукми конуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини таҳмин қилиши ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади.

Мазкур таъқиқ фуқароларнинг айбсизлик презумцияси принципи бузилмаслиги учун белгилангандир. Зеро, жиноят содир этганликда айбланаётган (гумон килинаётган) ҳеч бир шахснинг иши судда кўрилиб, унинг айби исботланмагунича у айбдор ҳисобланмайди. Шу боис, суд қарори ёки

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993 йил 5-сон, 232-модда.

ҳукми чиқмагунча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари иш бўйича олдиндан хулоса чиқаришлари, шахснинг ҳатти-ҳаракатларига баҳо беришлари жоиз эмас. Акс ҳолда, шахснинг шаъни ва обрўси асоссиз завол топиб қолиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун талабларини бузишда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Муҳаррир ёки журналист оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқатганлиги учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса; ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизматлари орқали олинган бўлса ёхуд муаллифнинг олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайди.

Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият», деб таърифланади. Бу «ҳокимият»ни рўёбга чиқаришда журналист, унинг касб маҳорати, умумий савияси ва маданияти катта роль ўйнайди. Журналистлик фаолиятининг давлат даражасида муҳофазаланиши, журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солиниши «тўртинчи ҳокимият» учун мустаҳкам заминдир.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари цензура қилганлик, журналистнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, унинг сўров ва ахборот олиш ҳуқуқини бузганлик, журналистга тазйиқ ўтказганлик ва фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Журналистнинг материаллари ва техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйиш мумкин эмас. Журналист шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилиш, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг ахборот олиш ҳуқуқи махсус қонунлар билан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон

Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонуни бевосита ушбу ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Ушбу қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносбатларни тартибга солади.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади[1].

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлардан иборат ахборотни бериши мумкин эмас. Давлат органларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Оилани ҳимоя қилишнинг конституциявий қоидалари деганда нимани тушунасиз?

2. "Никоҳ"тушунчасига таъриф беринг?

3. Оила кодексида никоҳ ёши неча ёш қилиб белгиланган?

4. Цензура нима?

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуни. 7-модда. 15 декабр 2000 йилдаги 175-II-сон қонуни таҳриридаги модда.

5. Журналистнинг ҳуқуқлари қайси қонун билан тартибга солинади?

БЕШИНЧИ БЎЛИМ
МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ–ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши тушунчаси

2-§. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши

3-§. Маъмурий-ҳудудий қисмларни ташкил қилиш, ўзгартириш ва тугатиш тартиби

1-§. Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиш тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ у суверен демократик республика бўлиб, мустақил давлат ҳисобланади. "Мустақилик" эса Президентимиз И.А.Каримов ибораси билан айтганда, аввалом бор "ҳуқуқ" демакдир. Чунки давлатимизнинг ҳозирги маъмурий-ҳудудий чегарасида биринчи бор Ўзбекистон халқи ўз моддий ва маънавий бойликларидан ўз ҳохишича, яъни ўзининг Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконияти – "ҳуқуқи" юзага келди. Эндиликда, биз ва бизнинг халқимиз ҳом ашё етказиб берадиган чекка ўлкада эмас, балки мустақил равишда ўз ҳуқуқимизни амалда татбиқ қила оладиган миллий суверен давлатда яшаётганимизни алоҳида такидлаш жоиздир.

Ўзбекистон Республикаси "…Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқларини ва эркинликларини кафолатлаш, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-аҳлоқий баркамоллигини таъминлаш…"[1] га қаратилгандир.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод,сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996 – 123-бет.

Мустақил миллий давлатчилигимиз, аввалambор дахлсиз ер кенгликларига эга бўлишимиз, сўнгра, давлат тили сифатида – ўзбек тилини қабул қилишимиз, Президентлик институтини таъсис этишимиз, маъмурий-ҳудудий қисмларни ўз тарихимизга суянган ҳолда – вилоят ва туман деб аташимиз ҳамда уларда ҳокимлик лавозимини ўрнатишимиз, халқаро ҳамжамият томонидан суверен давлат сифатида тан олинишимиз ва албатта, ўз Конституциямизга эга бўлишимиздадир.

Ўзбекистон миллий давлатининг шаклланиши охир-оқибатда ижтимоий, иқтисодий, маънавий, истиқлол ва тараққиёт йўлидаги "ўзбек модели"ни ишлаб чиқишга имкон берди. Ушбу модел мустақил Ўзбекистонимизнинг узоқ даврга мўлжалланган ички ва ташқи ривожланиш стратегиясини яратишга асос бўлди. Унинг мазмуни ва моҳияти Президентимиз И.А.Каримов асарлари, рисолалари, мақолалари ва нутқларида ўз аксини топган. Бу йўл Ўзбекистоннинг ўзига хослиги ва манфаатларига, унинг табиий ва ижтимоий шароитларига, ўзбек халқининг азалий анъаналарига, демографик ва этнографик ҳолатига мос тушади. Мазкур миллий давлат тузилиши ва унинг ривожланиш асослари Президентимиз асарларида чуқур ёритиб берилган ва Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий йўлининг беш асосий тамойилларида акс эттирилгандир.

Ҳар бир мустақил давлатнинг умумий эътироф этилган асосий белгиларидан бири – ўз чегараси доирасидаги ягона маъмурий ҳудудига эга бўлишидир.

1991 йил 31 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ, навбатдан ташқари 6–сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонунининг 4 ва 17-моддаларига биноан Республикамиз давлат чегараси ва ҳудуди даҳлсиз ва бўлинмасдир. Унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб, давлат чегараси ва ҳудудининг ўзгартирилиши мумкин эмас. Ўзбекистон таркибида бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлиги ва мустақиллиги эътироф этилади. Ушбу

ҳуқуқий ҳолат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 1991 йил 21 декабрдаги Олмаотада имзоланган халқаро шартномасига тўла равишда мос тушади.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра ҳар бир давлатнинг ҳудуди – давлат чегараси доирасидаги ер кенгликларидан иборатдир. Ер кенгликларига эса ушбу ҳудудларнинг қуруқлик қисми, сув акваторияси, ер ости бойликлари ва атмосфера ҳавоси киради. Мазкур табиий объектлар ҳар бир давлатда яшовчи инсонлар учун моддий база ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди унинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва мустақиллигининг реал ифодаси деб қаралади.

Ҳудуди катта, аҳолиси зич ва миллий-этник таркиби турли-туман бўлган давлатларда маъмурий бошқарув самарадорлигини ошириш ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий демократик принципларни табақалашган тарзда шакллантириш каби бир қанча масалаларни хал қилиш учун ягона давлат ер кенгликлари маълум бир қисм (бўлинма)ларга ажратилади.

Давлат тузилиши шакли – давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий ташкил этилиши, давлат билан уни ташкил этувчи қисмлар ва ушбу қисмлар ҳамда марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар характеридир[1]. Демак, давлат тузилишида давлатнинг маъмурий-ҳудудий ташкил этилиши энг бирламчи кўрсаткич ва асосий элементларидан биридир.

Давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши – ҳар бир давлатни ҳудудий ташкиллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий таркибий қисми бўлиб, у давлат қурилишининг умумий масалаларини тўлақонли амалга ошириш учун ташкилий жиҳатдан ажратилган давлат ҳудудининг қисмларидир.

Давлатни ҳудудий жиҳатдан ташкилаштириш ўз мақсади ва вазифаларига кўра нафақат маъмурий-ҳудудий, балки:

иқтисодий-ҳудудий (масалан, эркин савдо қилувчи зоналар);

[1]Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ҳ.Б.Бобоев ва Ҳ.Т.Одилқориевлар умумий таҳрири остида-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. 141-бет.

ҳарбий-ҳудудий (масалан, Ўзбекистонда ташкил этилган Тошкент, Марказий, Шимолий, Жанубий, Ғарбий, Шарқий ҳарбий округлар);

сиёсий-ҳудудий (масалан, барқарорликни сақлаш ва этник масалаларни ҳал қилиш учун ажратиладиган минтақалар);

экологик-ҳудудий (масалан, Орол ва Орол бўйи экологик инқироз ҳолатидаги алоҳида муҳофозага муҳтож бўлган ер кенглигининг қуруқлик қисми ва сув акваторияси) шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Давлатнинг маъмурий жиҳатдан ажратилган маъмурий-ҳудудий тузилиши давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳамда ушбу қисмларнинг ҳар бирини ҳуқуқий ҳолатига доир масалаларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам ривожланишнинг қандай босқичида турмасин ёки давлат тузилишининг қандай шаклларидан иборат бўлмасин ҳар бир суверен давлатнинг ер кенгликларини маъмурий-ҳудудий жиҳатдан маълум бир қисмларга ажратиб олиш жуда катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳамда ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Ҳар бир давлатнинг майдони, аҳолисининг сони, миллий-этник таркиби, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши каби омилларга кўра унинг ер кенгликлари маълум бир қисмларга ажратилади. Бундай маъмурий-ҳудудий қисмларга ажратиш аксарият ҳолларда давлатнинг марказдан туриб ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш имкони бўлмаган тарзда амалга оширилади. Ажратилган қисмлар механик тарзда эмас, балки бирон бир мақсадни кўзлаб ва маълум бир принципларга асосланган ҳолда бўлинади. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 4-бўлим XVI боби Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий "бўлиниши" эмас, балки "тузилиши" деб номланди.

Давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши давлат бошқарувини осонлаштириш учун, унинг ер кенгликларини сиёсий нуқтаи назардан маълум бир қисмларга ажратиб олиш деб тушуниш мумкин. Маъмурий-ҳудудий тузилиш эса давлатнинг ер кенгликларини ҳуқуқий давлат субъектлари, яъни мустақил ижтимоий-сиёсий қисмлар тариқасида ташкиллаштирилишидир.

"Тузилиш" деган юридик атама "бўлиниш" деган атамага нисбатан кенгроқ, ҳуқуқий жиҳатдан эса мустақилроқ қисмларга ажратиш деса бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVI боби "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши" деб номланиб, у 1927, 1937, 1978 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституцияларида белгиланган ҳуқуқий меъёрлардан тубдан фарқ қилади. Масалан, янги қомусимизда маҳаллий бошқарув органлари – вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятларига ўзларининг маъмурий-ҳудудий бўлинмаларида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни турли жиҳатларини ҳар томонлама тартибга солишда катта ваколатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов давлат қурилиши ва унинг тузилиши асосларига бағишланган бир қатор асарларида, хусусан "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" деган китобида бизда давлат тузилиши ер кенгликларини вилоят, туман ва шаҳарларга бўлиниши сунъий равишда, ўз-ўзидан келиб чиққан "техник" жараён бўлмай, балки республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги асосий стратегик мақсадни амалга оширувчи таянч қисмларига ажратилиши эканлигига алоҳида урғу берган.[1] Шунинг учун ҳам юртбошимиз давлат тузилиши ва бошқарувида марказдан қуйи бўлинмаларга томон ҳаракат йўналиши, яъни: *биринчиси* – марказий бошқарув органлари ваколатларининг анчагина қисмини маҳаллий ҳокимиятларга; *иккинчиси* – маҳаллий бошқарув органларидан қатор ваколатларни фуқароларнинг жойлардаги жамоат бирлашмаларига ва ўзини-ўзи бошқарув органларига бериш кераклигини бир неча бор таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг марказий давлат аппаратида асосан конституциявий тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.:Ўзбекистон, 1999, 117-бет

Стратегик, яъни узоққа мўлжалланган ва давлатнинг суверен ҳуқуқини таъминловчи :

1) муҳим иқтисодий ва хўжалик аҳамиятига эга масалалар, (масалан, пул ва валюта муомаласи бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш);

2) табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни регионал ва глобал миқёсда хал қилувчи масалалар (масалан, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, экологик инқирозли ҳудудларни мўтадиллаштириш);

3) республика ва халқаро аҳамият касб этувчи транспорт, алоқа ва мухандислик коммуникацияларини шакллантириш ва ривожлантириш;

4) янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш;

5) мудофаа, энергетика ва бошқа махсус вазифаларни бажариш каби масалалар давлатнинг марказий аппаратлари даражасида хал этилиши лозим бўлади.

Юқорида санаб ўтилган *умумиқтисодий, умумэкологик, умумсиёсий* масалалардан ташқари барча масалалар маҳаллий бошқарув органлар ваколатларига киритилиши ҳозирги замон маъмурий-ҳудудий тузилишнинг асосий ютуқларидандир. Эндиликда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш, хусусий мулкни турли кўринишларини ва шаклларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кишиларнинг яшаш даражасини ва ҳаёт фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маҳаллий-ҳудудий тузилмаларда хал этилиши лозим бўлади. Худди ана шундай жараённи оғишмай амалга ошириш Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини яратиш ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқий-иқтисодий мустақиллигини таъминлашга олиб келади.

Конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан қараганда келажакда маъмурий-ҳудудий тузилмаларда, юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун қонун кучига эга бўлган ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни қабул қилиш ва албатта, уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратиш талаб қилинади. Бинобарин, маъмурий-ҳудудий тузилмаларда конституциявий тамойилларга асосланган ҳуқуқий бошқарув функцияларини тадбиқ қилиш учун улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишлари керак. Бунинг учун эса уларнинг молиявий жамғармаларини шакллантирувчи ҳуқуқий манбаларини мунтазам кенгайтириб боришимиз зарурдир. Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш идоралари Солиқ кодекси ва унга асосан ишлаб чиқилган ёки ишлаб чиқилаётган норматив хужжатларда барча маҳаллий солиқлардан тушадиган пул маблағларининг маълум бир қисминигина эмас, балки умумдавлат солиқларининг ҳам анчагина қисмини маҳаллий бюджетларга йўналтирилиши керак бўлади. Натижада, давлат бюджети барча даромадларининг 60 фоиздан кўпроқ қисмини маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг бюджетига тушишини таъминлаш давлат сиёсатида ҳам кўзда тутилган. Бюджет харажатларининг ҳам худди шунча қисмини ушбу маъмурий-ҳудудий тузилмаларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва овулларида амалга ошириладиган ҳуқуқ доирасидаги ваколатларни кенгайтирилиши аҳолининг касбий ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада чуқурроқ ифодалаш ва атрофлича ҳимоя қилишда нодавлат ва жамоат тузилмаларининг мавқеларини оширишга қаратилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингач, шўролар даврида оммавий тус олган ва шўролар тузимини мадҳ этувчи жой номлари бекор қилиниб, аҳоли яшайдиган жойларнинг тарихий номлари тикланмоқда ёки уларга янги, ўз миллатимизнинг урф-одатлари ва анъаналарига хос бўлган номлар берилмоқда.

2-§. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши

Ўзбекистон Конституцияси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат (Конституциянинг 68-моддаси).

Ҳар бир давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини илмий асосда ташкил қилмаслик унинг хавфсизлигига, барқарорлигига ва албатта, тараққиётига ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов 1999-2000 йилларда бўлиб ўтган вилоятлар ва Қорақолпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашувларида маъмурий-ҳудудий тузилишни тўғри ташкил этиш, жойлардаги вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ваколлатларини ошириш Конституциямизда белгиланган императив шартларни амалий тадбиқ қилишга олиб келишини бир неча бор уқтириб ўтганлар. Конституциямиз меъёрларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ер кенглигини маъмурий-ҳудудий қисмларга бўлиниши аҳолини давлат билан яқинлашувида, фуқароларни давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини оширишда, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳолининг миллий-этник ҳуқуқларини тенглаштиришда ва уларнинг хоҳиш-иродаларини инобатга олишда хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиш тизими ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳолатига, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифода этилишига кўра ташкил этилгандир. Унда ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик хўжалик юргазишнинг ўзига хос томонлари, аҳолисининг миллий ва этник таркиби, сони, маданияти, азалий урф-одатлари ва анъаналари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва ижтимоий қудратига қараб ҳам ажратилгандир (1- жадвал).

№ к/к	Тошкент ш. ва Қорак.алпрғистон	Туманлар			Шаҳарлар			Шаҳар-чалар	овуллар фуқаро-лар	Ҳаммаси бўлиб
		Қишлоқ туман-лари	Шаҳар туман-лари	Жами	Вилоят бўйсину-	Туман бўйси-	Жами			
1	Андижон	14	-	14	5	6	11	5	95	125
2	Бухоро	11	3	14	3	8	11	2	121	148
3	Жиззах	12	-	12	2	5	7	8	103	130
4	Навоий	8	-	8	3	3	6	2	48	64
5	Наманган	11	1	12	6	2	8	12	99	131
6	Самарқанд	16	3	19	4	7	11	12	125	167
7	Сирдарё	9	-	9	5	-	5	5	72	91
8	Сурхандарё	14	-	14	2	6	8	6	114	142
9	Тошкент	15	-	15	7	9	16	18	147	196
10	Фарғона	15	1	16	5	4	9	10	163	198
11	Хоразм	10	-	10	3	-	3	7	100	120
12	Қашқадарё	14	-	14	2	10	12	5	144	175
13	Тошкент ш.	-	11	11		-		-	-	11
14	он	15	-	15	7	5	12	16	120	163
Республика буйича		164	19	183	28	91	119	108	1451	1875*

* Вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан чоп этилган "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси – 2000" номли статистик тўпламга мувофиқ 2000 йил 1 январга келиб республикамиз 1826 та маъмурий-ҳудудий қисмлардан иборат. Улардан 12 таси вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси, 182 таси қишлоқ ва шаҳар туманлари, 55 таси республика ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар, 120 таси шаҳарчалар ҳамда 1456 таси қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинидан иборат бўлган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрь "Шаҳар ва туман ҳокимликлари аппарати тузилишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 26 та вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туман бўйсунувига ўтказилди ва уларнинг сони 28 тага тушиб қолди. Туман бўйсунувидаги шаҳарларда шаҳар ҳокимлиги лавозимлари қисқартирилиб, улар туман ҳокимлиги қошида фаолият юргазадиган бўлдилар.

Вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг ҳуқуқий мақомидаги ушбу ўзгартиришлар давлат сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимиятларнинг кўпгина ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига, хусусан маҳаллаларга топшириш оқибатида юз берди.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига кўра *"... вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, камида 30 минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин"*. Шуниси эътиборлики, қонунда шаҳарларнинг ҳуқуқий мақомини *кўтариш* ҳақида ҳуқуқий меъёрлар мавжуд, аммо уларнинг мақомини *тушириш* ҳақида ҳеч қандай меъёрлар берилмаган.

Юқорида қайд этилган Қонуннинг IV бобига мувофиқ *“аҳоли пунктларини маълум бир туркумдан иккинчи бир туркумга ўтказиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади”.* Ушбу ҳолат ҳақидаги қарорлар, албатта, *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномасида эълон қилиниши шарт”* (30-модда).

Давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши давлат қурилишининг умумий масалаларини тўлақонли амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳудудий ташкиллаштириш экан, уларда давлат бошқаруви марказий давлат органлари → маҳаллий ҳокимиятлар → ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 68-моддасига мувофиқ равишда маъмурий-ҳудудий тузилишга қишлоқ ва овулларнинг сони эмас, улардаги балки ўзини-ўзи бошқарувчи қишлоқ ва овулларнинг фуқаролар йиғини сонининг келтирилиши тўғри бўлади. Чунки 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига биноан маъмурий-ҳудудий бошқариш ваколати қишлоқ ва овулларга эмас, балки улардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудий бирликларига топширилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий қисмларини, уларнинг ҳуқуқий мақомига кўра 3 тоифага ажратиб гуруҳлаштириш мумкин (1-расм):

1. *Юқори тоифадаги қисмлар* – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри;

2. *Ўрта тоифадаги қисмлар* – қишлоқ ва шаҳар туманлари, вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар;

3. *Қуйи тоифадаги қисмлар* – туман бўйсунувидаги шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овулларнинг фуқаролар йиғини.

Юқори тоифадаги қисмлар. Давлат қурилиши шаклига кўра Ўзбекистон Республикаси унитар давлатдир. Шунинг учун ҳам ўзига хос алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳри даражасидаги мақомга тенглаштирилгандир. Давлатнинг маъмурий-ҳудудий қисмлари ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини ўз ичига олади. Миллий-этник, ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва сиёсий аҳамиятига кўра юқори тоифадаги қисмлар бир-бирига яқин туради.

Вилоятлар энг йирик маъмурий-ҳудудий қисмлардан бўлиб, Ўзбекистонда уларнинг сони 12 та. "Вилоят" атамаси "область" сўзининг синоними бўлиб, областдан кўра маъмурий-ҳудудий тузилишнинг айнан маъносини беради. Чунки "область" нафақат маъмурий бирликка нисбатан, балки табиий, иқтисодий, ҳарбий бирликларга нисбатан ҳам қўлланилади. "Вилоят" эса маълум бир ҳудудга нисбатан қўлланилиб, миллий қадриятларимизни ҳамда тарихимизни тўлиқ акс эттирувчи атамадир. Мамлакатимиз вилоятлари ишлаб чиқариш кучларининг аҳволи, уларнинг жойланиш характери, транспорт ва алоқа коммуникацияларининг ривожланиши, жойлардаги бошқарувнинг ташкилий тузилишини акс эттиради.

Ўрта ва қуйи тоифадаги маъмурий – ҳудудий қисмлар вилоятлар таркибига кириб, муҳим ташкилий вазифаларни бажаради. Улар давлат вакиллик органлари ва бошқарув идоралари билан алоқа боғловчи ягона тизим ҳисобланади ва маҳаллий ҳокимиятларга раҳбарлик қилишнинг ҳамда уларни ватанимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бирлаштиришни амалга оширади.

Тошкент шаҳри. Аҳолисининг сони 2,3 миллион кишидан иборат бўлиб, унда 100 дан зиёд миллат ва элатлар яшайди. Иқтисодий салоҳияти (мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16%, саноат маҳсулотининг 20%), фан ва маданият ўчоғи (6 та университет ва 23 та институт), марказий давлат бошқарув идораларининг деярли барчаси жойлашганлиги учун ҳам пойтахт шаҳар ҳуқуқий мақомига кўра вилоят даражасидадир. Унинг таркибида 11 та шаҳар тумани ва 445 та ўзини ўзи бошқарадиган фуқаролар йиғини – маҳаллалар мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси – Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи суверен республика. У ҳам ўзининг ижтимоий – иқтисодий салоҳияти

ва миллий таркибига кўра юқори тоифадаги ҳуқуқий мақомга эга. Ушбу ҳуқуқий мақом Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси билн белгиланган. Майдони 164,9 минг кв. км. аҳолиси 1,5 миллион киши. У 15 қишлоқ тумани, 12 шаҳар, 16 шаҳарча ва 120 овулларни бирлаштирувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи маъмурий – ҳудудий қисмларга бўлинган. Пойтахти – Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги Нукус шаҳридир.

*Ўрта тоифадаги қисмлар*даги маъмурий-ҳудудий бирликларнинг бошқарувида ҳам маҳаллий ҳокимиятлар ўз тузилмасига эга бўлиб,. уларнинг таркибида ўзини ўзи бошқарув идоралари фаолият юргизадилар. 2001 йил 1 мартга келиб Ўзбекистонда 164 қишлоқ ва 19 та шаҳар туманлари мавжуд бўлган.

Туман – темурийлар даврида қўлланилган туркий ибора бўлиб, 10 минг ва ундан ортиқ аскар етказиб бериш имкониятига эга бўлган маъмурий-ҳудудий қисмлар тушинилади. Туманлар жойлардаги ижтимоий, иқтисодий, хўжалик ва маданий масалаларни ҳал қилишга бевосита раҳбарлик қиладиган бўғинлардир. Мамлакатимизда маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар аввалом бор қишлоқ туманлари чегарасининг ўзгариши билан амалга оширилади.

1-расм.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишининг тизими



Вилоятлар бўйсинувидаги шаҳарлар. Умуман шаҳарлар аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, у бошқа маъмурий – ҳудудий бўлинмаларга нисбатан яхлитлиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасининг аграр соҳага нисбатан устун туриши билан ажралиб туради. Қонун бўйича 30 минг кишидан кўп аҳолиси бўлган бундай ижтимоий-иқтисодий шаҳарлар ўз ҳуқуқий мақомига кўра икки гуруҳга ажратилади: 1) вилоят марказлари ҳисобланган шаҳарлар; 2) вилоят бўйсинувидаги шаҳарлар. Улардаги бошқарув идораларининг тузилиши ва таркиби бир-биридан фарқ қилади.

Қуйи тофидаги қисмларга ўз маҳаллий ҳокимиятларига эга бўлмаган ва асосан, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув идоралари орқали ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган маъмурий-ҳудудий бўлинмалар киради.

Туман бўйсинувидаги шаҳарларга саноат корхоналари, коммунал хўжалик, уй-жой жамғармаси, ижтимоий ва маданий муассасалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган, аҳолиси 7 минг кишидан кам бўлмаган ва уларнинг аксарияти ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида банд бўлган аҳоли пунктлари киради. Ушбу ҳуқуқий мақомга эга бўлиш учун аҳоли пункти маъмурий аҳамият касб этиши ва истиқболли йўналишлари ҳам бўлиши талаб этилади. Уларнинг сони 2001 йилга келиб 91 тага етган.

Шаҳарчалар. Аҳолисининг сони 2 000 кишидан кам бўлмаган саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган аҳоли пунктлари киради. Уларнинг сони бирмунча камайиб Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сонли қарорига мувофиқ 113 тадан 108 тага тушиб қолган.

Қишлоқ ва овулларнинг шаҳарчалардан фарқи уларда яшовчи аҳоли сонининг энг кам миқдори белгиланмаганлиги ва меҳнатга қобилиятли кишиларнинг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги билан банд бўлганлигидадир. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти аҳоли пунктларининг аксарияти “овул” деб номланса, қолган вилоятларда “қишлоқ” деб юритилади.

Ўзбекистонда 11,8 мингдан ортиқ қишлоқ ва овуллар 1451 ўзини ўзи бошқаруви фуқаролар йиғинларига бирлаштирилган.

3-§. Маъмурий-ҳудудий қисмларни ташкил қилиш, ўзгартириш ва тугатиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

1999 йил 20 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Давлат чегараси тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, давлат чегараси унинг ҳудуди доирасидаги ер кенгликларини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал (кўндаланг) сатҳдан иборатдир.

Мамлакатимизнинг юқори тоифадаги маъмурий-ҳудудий қисмлари-вилоятлар ва Қорақалпоғстон Республикаси чегараларининг аксарият қисми давлат чегараларидан иборатдир. Шунинг учун ҳам "Давлат чегараси тўғрисида"ги қонун меъёрлари маъмурий–ҳудудий қисмларнинг чегараларига оид масалаларни ҳам қамраб олади. Ушбу Қонуннинг 5-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, қишлоқ туманлари чегаралари давлат чегараларидан ўтадиган бўлса, уларни белгилаш ва ўзгартириш халқаро шартномаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Давлат чегараси делимитация (лотинча тилида "delimitatio" –чегаралаш, айирбошлаш) ва демаркация (француз тилида "demacration" – чегара белгиларини қўйиш) қилинади, яъни икки давлат ўртасида чегара чизиқлари ўтказилади ва тегишли белгилар қўйилади. Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш умумсиёсий масалалар тоифасига

кириб, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат органлари томонидан белгиланган нормаларда ва тартибларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий қисмларнинг ички чегараларини ўзгартириш миллий қонунчиликка асосан тартибга солинади. Масалан, "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топологик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш таркиби тўғрисида"ги қонунинг 5-моддасига кўра, юқори ҳуқуқий тоифага кирувчи вилоятлар чегараларини белгилаш, ўзгартириш, ташкил қилиш ва тугатиш ушбу маъмурий-ҳудудий қисмларнинг маҳаллий бошқарув органлари илтимосномасига кўра ва Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Кўп босқичли тизимга эга бўлган ушбу ҳуқуқий жараён ўта нозик давлат аҳамиятига молик масалалар тоифасига киради. Чунки вилоят ва республика чегараларини ўзгартириш, яъни вилоятларнинг бўлиниши ёки қўшилиши нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ва миллий-этник муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараларини ўзгартириш Жуқорғи Кенгес қарори асосида Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси ягона унитар шаклдаги мустақил давлат бўлгани учун ҳам Қорақалпоғистон Республикаси унинг давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиши, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиши каби барча жабҳалардаги умумий масалаларни биргаликда ҳал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Вилоятларни тузиш, ташкил қилиш, чегараларини ўзгартириш ёки тугатиш масалалари тегишли вилоят вакиллик идораларнинг тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Зарур ҳолларда мазкур масала бўйича тегишли вилоятларда референдум ўтказилиши мумкин.

Вилоят энг йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма сифатида ўрта ва қуйи қисмларга нисбатан бир мунча барқарор ҳисобланади. Вилоят уларнинг ташкил

этилиши, чегаларининг ўзгартирилиши ва тугатилиши учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий, ҳам миллий-этник, ҳам ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Қишлоқ ва шаҳар туманларини тузиш ҳам муҳим ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий масалалар даражасидаги давлат фаолиятига киради. Шунинг учун уларни тузиш ёки тугатиш йириклаштирилаётган ёки тугатилаётган туман Кенгашлари тавсияси ва Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларни Республика миқёсидаги шаҳарлар тоифасига киритиш тегишли шаҳар ва вилоят халқ депутатлари Кенгаши тавсиясига биноан Вазирлар Махкамаси киритадиган таклифига кўра Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Худди шундай жараён шаҳарларни вилоят тоифасидаги шаҳарларга киргазишда ҳам қўлланилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарларни қуйи тоифдан юқори тоифага ўтказиш Жуқорғи Кенгеснинг тавсиясига асосан Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифига кўра Олий Мажлис томонидан амалга ошириш қонунчиликда кўзда тутилган.

Ўзини -ўзи назорат қилиш саволлари

1. Давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши деганда нимани тушунасиз?
2. Демаркация нима?
3. Қишлоқ тузиш тартиби қандай амалга оширилади?
4. Қорақалпоғистон Республикасида туман тузиш тартиби қандай?
5. Овуллар одатда қаерда тузилади?

XXI БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИВИЙ МАҚОМИ

1-§ Қорақалпоғистон Республикаси - Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат

2-§. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва давлат тузилиши

1-§. Қорақалпоғистон Республикаси - Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVII боби "Қорақалпоғистон Республикаси" деб номланган. Мазкур боб 6 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70-моддасига кўра, "Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради ва Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади" дейилади. Асосий қонуннинг 70-моддаси 1992 йил 9 январда Қорақалпоғистон Республикаси ташкил топганлигини ва 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган Асосий Қонуни билан унинг Ўзбекистон Республикаси таркибида суверенлигини тасдиқлайди. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун халқ байрами деб эълон қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг I боби "Давлат суверенитети" деб номланиб, унинг 1-моддасида Қорақалпоғистон - Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи суверен демократик республикадир, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 71-моддасида, Қорақалпоғистон Республикасининг ўз Конституциясига эга бўлишлиги, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлмаслиги кўрсатилган. Шуни таъкидлаш жоизки Собиқ Иттифоқ даврида Автоном Республикаларнинг Конституциялари улар қайси Республикалар таркибига киритилган бўлса ўша давлат ҳокимиятининг олий органлари томонидан тасдиқланиши шарт эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб бу адолатсизликка чек қўйди. Қорақалпоғистон суверен Республикаси билан мустақил Ўзбекистон Республикасининг бир-бутун яхлитлиги мустаҳкамланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 70-моддасининг 15-бандида "Ўзбекистон Республикасининг Олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияга мувофиқлиги ҳақида Ўзбекистон Конституциявий судига таклиф киритиш" ҳуқуқи белгиланган. 81-моддасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ваколатлари жумласига, "Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва бошқа ҳужжатларини турмушга татбиқ этишни ташкил қилади" дейилган.

Ушбу конституциявий нормалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари амалда бўлади. Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон фуқаролари учун мажбурий бўлган қонунлар унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишини унинг ўзи кўриб чиқади, давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув тизимини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатига мос ҳолда ўз сиёсатини юргизади. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир.

Қорақалпоғистонда давлат тили - қорақалпоқ ва ўзбек тиллардир. Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида истеъқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланади уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берилади ва суверен Республиканинг давлат рамзлари ҳурмат қилинади, ва давлатнинг халқ иродасини ифода этиши, халқ манфаатларига хизмат қилиши,

давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида жавобгар эканлиги қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 74-моддаси ғоят муҳим сиёсий мазмун касб этади. Унда Ўзбекистон таркибидаги Қорақапоғистоннинг чинакам суверенлигини тасдиқловчи қоида мустаҳкамланган: "Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга". Бу конституциявий норма Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида: "Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга, яъни референдумга қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади" деб мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси референдуми давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларини қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини амалга ошириш воситасидир" деб белгиланган. Референдум ўтказиш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектларнинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси номидан унинг давлат ҳокимиятининг Олий органи - Жўқорғи Кенгеси чиқиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси билан келишилган ҳолатда референдум ўтказишни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий ўзгартириш солиқлар, бюджет, афв этиш (амнистия), жамоат тартибини сақлаш, аҳолининг сиҳат-саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар кўриш, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши масалалари, мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод этиш билан боғлиқ масалалар референдумга қўйилиши мумкин эмас. Референдум ўтказиш тартиби ҳудудий вакиллик органларини сайловларни

ўтказиш талабларига мувофиқ равишда фуқароларнинг умумий, тенг ва демократик ҳуқуқий принциплари асосида яширин овоз бериш йўли орқали амалга оширилади. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор этишларини назорат этишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 75-моддасида ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасининг 2-бандида мустаҳкамланган бўлиб, унда жумладан шундай дейилади: Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида ва улар ўртасида тузилган шартномалар ва битимлар орқали" тартибга солинади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг давлат ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланиши ҳар иккала суверен давлатларни Конституцияларида белгиланган.

Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган масалалардан бири- Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикалари ўртасидаги турли соҳаларда айниқса иқтисодий масалаларда ўзаро муносабатларни кенг тармоқли ривожлантиришга эришишдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни халқ хўжалигининг тўла-қонли ишлашини таъминлаш учун муайян иқтисодий пойдевор қуришни ва уни мустаҳкамлашни талаб қилади. Бу эса хусусийлаштиришни жадаллаштириш ва мулкчиликнинг барча шаклларини амалга тадбиқ қилиш имкониятларини яратиш мажбуриятини қўяди. Бунинг учун биринчи навбатда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш зарур бўлади. Талаб даражасида бўлмаган норматив ҳужжатларни бозор муносабатлари эхтиёжларидан келиб чиқиб, унга мослаштириш ёки янгилаш, давлат қурилишига оид қонунлар яратиш жоиз, яъни, Қорақалпоғистон ўз ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаши ва ривожлантириши муҳим масаладир. Бунда миллий ва хорижий тажриба муҳим аҳамият касб этади. Ёш суверен республика олдида турган энг мураккаб муаммолардан бири, юқорида айтганимиздек, мулкчилик муносабатларини ҳар тарафлама такомиллаштиришдир. Айниқса, мулкдорнинг мулкка эгалик

қилиши, ундан фойдаланиши, даромад олиши, мулкни тассарруф қилиши билан боғлиқ барча ҳуқуқларини қонуний мустаҳкамлаш асосий тадбирлардандир.

Ўзбек халқи билан қорақалпоқ халқи азалдан дўст, биродар, қон-қариндош ва мурувватлидир. Уларнинг маънавият бирлиги ва хўжалик юритиш усул ва шаклларининг якдиллиги, ҳар икки халқ ўртасида қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлади ва бу ҳолат ўзининг конституциявий ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 21-моддасининг 3-бандида Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади, 68-моддасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг маъмурий, ҳудудий бирликлари қаторига киритилиши, бу икки халқ деб ҳисобланган бир миллат эканлигини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган: "Қорақалпоғистон суверен Республика." - Ўзбекистон Республикаси ўз таркибида Қорақалпоғистон Республикаси бўлган унитар давлатдир. Шу билан бирга яна таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг тузилишида федерализмга хос белгилар мавжуд бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси суверенитетга эга эканлигида кўринади.

Уларга қуйидагилар киради:

а) Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг ўз ҳудуди ва аҳолисига эга бўлган алоҳида давлат ҳуқуқий тизим сифатида конституциявий мустаҳкамланиши;

б) Ўзбекистон қонунчилик тизимида Қорақалпоғистон Республикасининг қонунчилик актларининг мустақил тизими, шу жумладан алоҳида норматив акт бўлган Қорақалпоғистон Конституциясининг мавжудлиги;

в) Қорақалпоғистон мустақил фаолият кўрсатадиган давлатнинг ҳуқуқий институтлари тузилмаси; Жуқорғи Кенгес, министрлар совети, Олий суд, Конституциявий назорат қўмитаси, Хўжалик суди ва бошқаларнинг иш олиб бориши;

г) Қорақалпоғистон Республикаси чегаралари ва ҳудуди дахлсизлиги;

д) Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг маъмурий-ҳудудий қурилиши масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар миқдори белгилаши, республика бюджетини мустақил қабул қилиш ҳуқуқи;

е) Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан референдум асосида чиқиб кетиш ҳуқуқи;

ж) Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатларини шартнома ва битимлар ёрдамида тартибга солиб туриш;

з) Қорақалпоғистон Республикасининг ўз давлат рамзлари; байроқ, мадхия, гербига эга эканлиги;

Охирги икки суверентлик белгиси одатда мустақил давлатларга хосдир.

Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан таъминланади деган ҳолат Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Конституцияларининг моддаларига биноан изоҳланиши лозим. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳисобланади.

Қорақалпоғистон суверенитетини Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилиш омиллари қуйидагиларни ташкил этади:

1) Қорақалпоғистон Республикасининг мустақил ҳуқуқ ва ваколатларини Ўзбекистон Конституциясида қайд этилиши;

2) Ўзбекистон Давлат ҳокимиятининг олий органлари: Олий Мажлисда, Вазирлар Маҳкамасида, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларида Қорақалпоғистон вакиллигининг мавжудлиги;

3) ҳудудий устиворлик тамойили, унга биноан Қорақалпоғистон ҳудудий тузилишининг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмаслиги;

4) Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибидан чиқиш масаласи бўйича референдум ўтказиш ҳуқуқи;

5) қорақалпоқ тилига давлат тили мақомининг берилганлиги;

6) Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ташқи, иқтисодий, маданий, илмий ва бошқа алоқалар ўрната олиш ҳуқуқи.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган конституциявий нормалар Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг таркибига ўз хоҳиши билан кирувчи ва муҳофаза қилинувчи суверен давлат эканлиги мустаҳкамланган.

2-§. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва давлат тузилиши

Конституциянинг мавжудлиги давлат суверенитетининг энг муҳим белгиларидан биридир. Айрим муаллифлар Конституцияни мутлақ асослаган ҳолда давлат рамзлари қаторига киритадилар. Қорақалпоғистон Республикасида давлат ҳокимияти манбаи халқ бўлганлиги сабабли Конституция қорақалпоқ халқи давлатчилигининг қонуний эканлигини тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси давлат тузилиши, давлат ҳокимияти тизими ва давлат, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари асосларининг бош тамойилларини аниқлаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон таркибига кирувчи республиканинг Асосий Қонуни бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Конституциясининг тамойилларига тўлиқ мос келади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

- давлат шаклининг, юридик хусусияти ва Ўзбекистон Республикаси таркибидаги ўрни ҳамда ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асоси;

- суверенитетининг юридик кафолати;

- мустақил, тўла ҳуқуқли давлатлиги;

- давлат ва маъмурий - ҳудудий тузилиш хусусиятларини ҳисобга олиниши;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устиворлигини тан олади. Бу биринчи навбатда Қорақалпоғистон Конституцияси ва қонунларини тамойил ва моддалари мос келиши кераклигини англатади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келиши

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўртасидаги давлат-ҳуқуқий муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам амал қилиши мажбурийдир. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири-давлат ягона ҳуқуқий сиёсат ва қонун қўллаш билан ҳар иккала республикада ҳам ягона қонунларга таянишни талаб қилади. Ҳуқуқнинг барча тармоқлари ўзагида Ўзбекистон қонунлари мужассамлаштирилган бўлиб, Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам амал қилиши мустаҳкамланган.

Қорақалпоғистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб, Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунларига биноан ваколат берилган идоралари томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Қорақалпоғистон халқини, миллатидан қатъи назар, Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Қорақалпоғистон халқи номидан фақат у сайлаган Олий ҳокимият органи Жўқорғи Кенгеси иш олиб боради. Унинг давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилларига асосланади.

Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг халқаро, илмий, маданий ва ташқи иқтисодий алоқалари Ўзбекистон Республикасининг ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини,

ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ва уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси қонунларда белгилаган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалар, оммавий ҳаракат, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди. Уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Қорақалпоғистон Республикаси туманлардан, шаҳарлардан, шаҳарчалардан, овуллардар иборат.

Туман ва шаҳарларни ташкил қилиш ва уларни тугатиш шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатда сайланадиган 75 нафар депутатдан иборатдир. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мутлоқ ваколатлари унинг Конституцияси 70-моддасида ифода этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назоратни Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси амалга оширади.

Конституциявий назорат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан Конституциявий назорат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари ва

қўмитанинг аъзолари таркибида сайланади. Конституциявий назорат қўмитасига сайланган судьяларнинг ваколат муддати 5 йилдир.

Конституциявий назорат қўмитасига сайланган шахслар ўз вазифаларини бажаришда дахилсиздирлар ва фақат Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар. Уни ташкил этиш ва иш тартибини белгилаш Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисидаги қонуни билан белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органлари яширин овоз бериш йўли билан умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади, 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайловларда қатнашмайдилар.

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийлик, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқларни, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

фуқаролик коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларининг ваколат муддати – 5 йил, вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Қорақалпоғистон Республикасининг Олий Суди, Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган туман, шаҳар судларидан иборат. Улар Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ўз фаолиятини олиб борадилар. Ушбу қонунда жумладан, "Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди фаолият кўрсатади" деб белгиланган. Улар фаолиятининг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари жумласига кириб унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раиси ва аъзолари, шунингдек, туман, шаҳар судларининг судьялари, лавозимларига номзодларни тавсия қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди жиноий, фуқаровий ва маъмурий суд ишларини юритиш борасида, суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Туман, шаҳар судлари судлов фаолияти устидан назорат олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақоми

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари қандай тартибга солинган?

2. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мақоми қандай ҳуқуқий хужжатлар билан белгиланади?

3. Қорақалпоғистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият органи қандай номланади?

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қандай давлат органи ҳисобланади?

5. Қорақалпоғистон Республикасида Конституциявий назоратни қайси орган амалга оширади?

6. Қорақалпоғистон Республикаси суд тизими нималардан иборат?

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XXII БОБ. ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

1-§. Сайловлар – демократик институт сифатида

2-§. Демократик ислоҳотлар ва сайлов қонунчилиги

3-§. Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиш босқичлари

4-§. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги тизими

5-§. Конституция- сайлов қонунчилиги тизимининг ўзаги

6-§. Халқаро андозалар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг хусусиятлари

7-§. Сайловлар бўйича халқаро тамойиллар

1-§. Сайловлар – демократик институт сифатида

Демократиянинг энг муҳим тамойили – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.

Ҳақиқатан ҳам демократиянинг бош талаби бу эркин ва адолатли сайловлардир. Демократик сайловлар кўппартиявийлик асосидагина бўлади.

Кўппартиявийлик бўлгандагина ҳар бир фуқаро том маънодаги танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига ва илғор чет эл тажрибасига мос сайлов қонунчилиги яратилди. Асосий мақсад амалдаги қонунларни ҳаётга татбиқ қилиш механизмларини яратишдир.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиши, аввалambор, фуқароларнинг актив ва пассив сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини яратишга қаратилгандир.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқидан фойдаланишнинг ҳуқуқий процедуралари ва техникаси такомиллаштирилди. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш маданияти даражасига боғлиқдир. Сайлов ҳуқуқи ҳар бир фуқаро учундир. Ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиш сайлов қонунчилигининг асосий мақсадидир.

Ўзбекистонда нафақат сайлов қонунчилиги янгиланди, балким сайловларга ёндашув фалсафаси ҳам ўзгарди. Яъни сайлов қонунчилигида халқаро стандартлар тўла ўз аксини топди.

Ва ниҳоят, сайловлар демократиянинг юраги, узвий бўлагидир. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигини Ри Эрмэ айтганидек «демократияга бурилиш» даври деб баҳоласа бўлади. Ўзбекистон ҳам демократияга юз тутди. Шу ерда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг қуйидаги сўзлари ўринлидир: **«Демократия бошдан кечирилган тажрибага тўлиқ ўзаро келишувга, масъулиятга асослангандагина яшайди. Бунда демократия олинадиган фойда ёки кўриладиган зарарга боғлиқ бўлмайди. Демократия – фақатгина сайловлар процедураси ёки бошқариш шакли эмас, балким турмуш тарзи ҳамдир».**

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов маданияти миллий турмушимиз тарзига айланиб бормоқда.

2-§. Демократик ислоҳотлар ва сайлов қонунчилиги

Сайлов қонунчилиги ва амалиёти Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Ўзбекистон- ёш мустақил демократик давлат. Мустақиллик йиллари – бу маъмурий-буйруқбозлик тизимидан демократик ҳуқуқий давлат сари қўйилган дадил қадамлар йилларидир. Совет империясида сайлов тизими ҳам тоталитар тузумнинг таркибий қисми эди. Сайловчи психологиясида демократик сайловларга ишонч

руҳи йўқ эди. Бу психологияни ўзгартириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган сайлов борасидаги демократик ислоҳотларнинг устувор мақсадидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгартишларнинг мантиғи, тамойиллари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, аста-секинлик ва босқичма-босқич ҳаракат қилиш ва ислоҳотларни амалга ошириш;

иккинчидан, демократик ўзгаришлар даражасининг халқ руҳиятига, менталитетига мослиги;

учинчидан, тарихий-миллий тажрибага таяниш;

тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларини эътиборга олиш;

бешинчидан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиш.

Шунинг учун, янги сайлов қонунчилиги ва амалиёти тараққиётини мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг узвий таркибий қисми деб қараш керак.

3-§. Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг **асосий мақсади:** самарали, ишчан, профессионал вакиллик органларини сайлаш ва юқори фуқаролик ва ҳуқуқий маданиятли сайловчиларни шакллантиришдир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги уч босқични босиб ўтди.

Биринчи босқич: бир палатали парламентга сайловлар босқичи, яъни бу босқич Собиқ Иттифоқ давридан бошланган бўлиб, то 2004 йилга қадар давом этган. Бу босқичда илк бор Ўзбекистонда муқобил (альтернатив) кўппартиявийлик асосида Президентлик сайловлари бўлиб ўтди ва сайловлар тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Бу босқичда Конституцияда сайлов тизимининг асослари мустаҳкамланди, сайловлар тўғрисидаги қонунлар асосида, кўппартиявийлик асосида биринчи марта ўзбек парламенти – Олий Мажлис сайланди.

Иккинчи босқич: икки палатали парламентга сайловлар босқичи, яъни 2004 йилдан бошланди. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунлари асосан Олий МАжлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда сайлов тизими ҳар бир босқичда ҳуқуқий асосда амалга оширилди ва жамиятда, давлатда муайян институциявий ўзгаришлар билан давом эттирилди.

Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ва унинг қўлланилиши- бу демократик ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида қаралмоғи керак. Ўтган даврда нафақат сайлов қонунчилигимиз ўзгарди, ривожланди, балким сайлов тизимининг асосий «фигураси» сайловчи, онги, руҳияти ўзгарди.

4-§. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги тизими

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилиги тизими нафақат бевосита сайлов тўғрисидаги қонунларни, балким сайловларга бевосита таалуқли яна бир қатор қонунларни ўз ичига олади.

Янги сайлов қонунчилиги тизимига қайси қонунлар киради?

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси киради. Конституция- сайлов қонунчилиги тизимининг ўзагини, ядросини, умуртқасини ташкил этади.

Сайлов қонунчилиги тизимига, и**ккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун; **учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун; **тўртинчидан,** халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонун; **бешинчидан,** Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун; **олтинчидан,** фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун киради.

Санаб ўтилган 5 та қонун бевосита сайловларга бағишланган қонунлардир. Уларни бевосита сайлов тўғрисидаги қонунлар деб аташ мумкин.

Бундан ташқари сайлов қонунчилиги тизимига яна бир қатор бошқа қонунлар киради. Бу иккинчи гуруҳ қонунларнинг ҳуқуқий тартибга солиш

предмети бевосита сайловлар бўлмасада, улар сайловларни у ёки бу жиҳатларини тартибга солади. Бундай қонунлар жумласига қуйидагилар киради: “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят Кодекси, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун, “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун, Фуқаролик процессуал Кодекси. Яна шу каби бир қатор қонунларни сайлов қонунчилиги тизимига киритиш мумкин.

Демак, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тизими икки гуруҳ қонунлардан ташкил топади: **биринчиси,** Конституция ва бевосита сайлов тўғрисидаги қонунлар**; иккинчиси,** у ёки бу жиҳатдан сайлов масалаларини тартибга соладиган қонунлар.

5-§. Конституция – сайлов қонунчилиги тизимининг ўзагидир

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига бағишланган махсус XXIII боб бор ва у «Сайлов тизими» деб номланади. Бундай боб кўпгина давлатлар Конституцияларида йўқ. Сайлов ҳуқуқига бағишланган Конституциянинг 118-моддаси катта ижодий салоҳиятга эгадир. Бу модда маълум шароитлар етилганда тегишли қонунлар қабул қилиш йўли билан ҳаракатга келтирилмоқда.

Аристотель айтганидек, ҳуқуқ фуқароларнинг етуклигидан олдинда боради, лекин фуқароларнинг етуклиги ҳуқуқни татбиқ қилишни таъминлайди.

Шу ерда бир тарихий фактни эслатиб ўтиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш даврида бир қатор чет эллик экспертлар Конституция матнига сайлов тизимига бағишланган махсус бобни қўшмасликни таклиф этган эдилар.

Аммо биз сайлов тизимига бағишланган бобни Конституциямизга онгли равишда қўшдик. Нима учун?. Бир томондан, сайлов тизимига конституциявий

ёндашув сайлов ҳуқуқининг фундаментал принципларини кафолатлайди. Иккинчи томондан эса, жорий сайлов қонунларига асос бўлиб хизмат қилади. Фикримизча, Конституция қабул қилингандан бери ўтган вақт бизнинг қарорнинг тўғрилигини тасдиқлади.

6-§. Халқаро андозалар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг хусусиятлари

Сайлов ҳуқуқи – сайлов қонунчилигидан кенгроқ тушунчадир.

Сайлов ҳуқуқи – бу ҳуқуқнинг комплекс соҳаси бўлиб, конституциявий ҳуқуқ нормаларидан ташқари, маъмурий, жиноий ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларини ўз ичига олади. Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ўзбек миллий ҳуқуқий тизимининг тараққиёт қонунларига тўла мос келади.

Ҳозирги замон Ўзбекистон сайлов қонунчилиги халқаро андозаларга тўла мос келади. Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг э**нг биринчи ва асосий хусусияти** – бу унинг умум эътироф этилган халқаро андозаларга мослигидир.

Сайловлар тўғрисидаги жаҳон андозалари (стандартлари) қайси халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган?

Биринчидан, Инсон ҳуқуқларига оид БМТнинг халқаро ҳужжатларида. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқароларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Пакт (1966).

Иккинчидан, ЕХҲТнинг инсонийлик мезонларига оид ҳужжатларида. Булардан энг асосийси 1990 йилги Копенгаген анжумани ҳужжатларидир.

Учинчидан, Парламентлараро Иттифоқ ҳужжатлари. Бу Иттифоққа 145 давлат аъзо, шу жумладан Ўзбекистон ҳам. Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши 1994 йилги Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида Декларация қабул қилган.

Ушбу халқаро ҳужжатларда демократик сайловларнинг 4 та умум эътироф этилган принципларга асосан ўтказилиши кўрсатилган. Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

1.Умумий сайлов ҳуқуқи**;**

2.Тенг сайлов ҳуқуқи;

3.Тўғри-тўғри сайлов ҳуқуқи;

4.Яширин овоз бериш ҳуқуқи.

Бу 4 принцип Ўзбекистоннинг Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларида тўлиқлигича ўз аксини топган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва тизимининг **иккинчи муҳим хусусияти** Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонуннинг мавжудлиги ва Марказий сайлов комиссияси таркибининг тузилганлигидир. Марказий сайлов комиссиясини тузишлик Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши қабул қилган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларация талабларидан келиб чиқади. Марказий Сайлов комиссяси сайловларни ўтказувчи асосий ташкилотчидир. У фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишнинг гаровидир.

Жаҳон амалиётида сайловларни ташкил этишнинг тўртта тури бор.

Биринчиси, сайловлар ҳукумат томонидан ташкил этилади. Масалан, Германияда сайловларни Ички ишлар вазирлиги ташкил этади. Сайлов участкаларида ишловчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари орасидан танланади.

Иккинчиси, сайловлар суд органлари томонидан ташкил этилади. Масалан, Покистонда Марказий сайлов комиссияси Олий ва бошқа судлар раислари томонидан танланган уч судьядан иборат бўлади. Руминияда қуръа ташлаш йўли билан Олий суднинг 7 аъзоси Марказий Сайлов комиссиясига танлаб олинади.

Учинчиси, кўппартиявий ёндашув бўлиб, манфаатдор сиёсий партиялар ўз вакилларини Марказий сайлов комиссиясига тайинлайдилар.

Тўртинчиси, мустақил Марказий сайлов комиссиясини тузишдир. Ўзбекистон айнан шу тўртинчи турдаги Марказий сайлов комиссияси тузиш йўлини танлади.

Ўзбекистонда 1998 йили 30 апрелда қабул қилинган Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги Қонунда ушбу комиссияни тузиш, унинг ваколатлари ва иш тартиби батафсил тартибга солинган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига **хос хусусияти** – бу сайлов компанияси жараёнида фуқаролар ташаббускор гуруҳининг ташкил этилишидир. Бу сайлов ҳуқуқини ва қонунчилигини демократлаштиришга қаратилган муҳим қадамидир. Сайлов ҳуқуқида бу йўл билан фуқаролар ҳуқуқи сиёсий партиялар билан тенглаштирилди. Сайлов компаниясининг барча босқичлардаги фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқлари Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонуннинг мустаҳкамланган..

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг **яна бир хусусияти** – бу ўзини-ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнларидаги иштироки. Бу – Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнининг энг устувор йўналишларидан бири. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари сайлов ҳуқуқи субъектига айландилар. Бу бизнинг ҳуқуқий ҳаётимиздаги янгиликдир.

Сайлов қонунчилигимизнинг яна бир, **ўзига хос хусусияти** – бу Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилишидир. Бу модда классик рим ҳуқуқи талабларидан келиб чиқади. Эндиликка номзодларни иккита субъект кўрсатади

1.Сиёсий партиялар.

2.Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари.

Сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро 300 кишидан кам бўлмаган ташаббускор гуруҳ тузиши мумкин. Бу фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим қадамдир.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларда яна бир қатор ўзига хос хусусиятлари бор. Улар халқаро стандарт ва меъёр талабларга тўлиқ жавоб беради.

7-§. Сайловлар бўйича халқаро тамойиллар

Сайловлар бўйича халқаро тамойиллар қуйидагилар.

Биринчиси, умумийлик тамойили дейилганда ҳам сайловчилар учун, ҳам номзодлар учун камситишликдан ҳоли бўлган самарали, ғаразсиз қайд этишлик тушунилади. Ёши етган фуқаролар сайловларга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозим. Бу ҳуқуқларнинг de facto фуқароларга алоқадорлиги қўллаб-қувватланади.

Иккинчиси, тенглик тамойили барча овозлар тенг ваколатни таъминлаш учун тенг салмоққа эга бўлишини талаб этади. Бу ҳол овоз беришнинг мажоритар тизимида турли сайлов округларидаги сайловчилар миқдори орасидаги фарқ 10% дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Пропорционал вакиллик тизимида сайлов участкаларидаги сайловчилар миқдори турлича бўлиши мумкин, лекин ҳар бир округдан вакиллар миқдори сайловчилар миқдорига пропорционал бўлиши керак. Сайловчилар сайлов участкаларида тенглик ва самарали асосда бўлишлари лозим.

Учинчиси, Адолатлилик тамойили сайлов жараёни барча қатнашчилари учун тенг шароитларни, лекин камида, у сайловчиларни барча номзодлар ва уларнинг программалари хусусидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаши керак.

Тўртинчиси, яширинлик тамойили шу вақтга таъминланиши мумкин, қачонки, фақат сайловчилар бюллетенни ташлаш ёпиқ хонада, тўлдирилган бюллетен сайлов қутисига ташланиш жараёнида кўриб қолинмайдиган шароитда ташланган тақдирдагина таъминланган бўлиши мумкин.

Бешинчиси, эркинлик тамойили фуқароларга ўз сайлашлигини қўрқув туфайли амалга оширмаслиги, шунингдек уларнинг ўзининг намоён этиши, йиғинлар ва ассосацияларда қатнашиш эркинлиги ҳуқуқи бутун сайлов жараёни мобайнида амал қилинишига бўлган ишончни таъминлаш лозим.

Олтинчиси, ошкоралик тамойилида барча учун умумий ва ошкоралик тамойиллари асосида қонунга мувофиқ тарзда сайловлар ўтказишни кўзда тутади. Ошкора жараён сайлов вақтида алдашлик имкониятларини чеклайди; шундай қилиб, овозларни санаш сайлов участкаси даражасидан бошланиб,

сайлов комиссияси ўрта бўғинида давом этиб давлат сайлов ҳокимиятида тугаллангунча ошкора ва тасдиқлай олинадиган бўлиши шарт.

Еттинчиси, маъсуллик тамойили барча сайланувчилар ўзлари сайланган лавозимни эгаллар эканлар, сайловчилар олдида ўз масъулиятларини тан олишлари лозим.

Ўзини- ўзи назорат қилиш саволлари

1.Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда сайловлар қандай аҳамиятга эга?

2.Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ривожланиши неча босқичдан иборат?

3.Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тизимига қайси қонунлар киради?

4.Нима мақсадда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизими боби киритилган?

5.Сайлов тўғрисидаги жаҳон андозалари қайси халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган?

6. Ўзбекитон Репубикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига кимлар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга?

7.Сайлов бўйича қандай халқаро сайлов тамойиллари мавжуд?

XXIII БОБ. САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИ

1-§. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва унинг конституциявий кафолатланиши

2-§. Сайлов тизими тушунчаси ва асосий принциплари

3-§. Сайловлар ва уларни ўтказиш тартиби

1-§. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва унинг конституциявий кафолатланиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир (Конституциянинг 117-моддаси). Фуқаролар ушбу ҳуқуқ орқали давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали давлатнинг энг муҳим сиёсий масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда фаол иштирок этадилар (Конституциянинг 32-моддаси).

Сайлов тушунчаси вакиллик органни овоз бериш йўли билан ташкил топтириш тартибидир. Вакиллик органларини сайлаш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар сайлов ҳуқуқи деб аталади. Сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқининг муҳим институтидир.

Сайлов ҳуқуқи тушунчасининг яна бир маъноси ҳам бор. Бу тушунча фуқаронинг сайловдаги иштироки, вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш каби субъектив ҳуқуқини таърифлаб бериш учун ишлатилади.

Бу борада актив сайлов ҳуқуқи билан пассив сайлов ҳуқуқини бир-биридан фарқ қилиш керак. Актив сайлов ҳуқуқи фуқаронинг сайлаш, вакиллик органларини сайлашда бевосита қатнашиш ҳуқуқини билдиради. Пассив сайлов ҳуқуқи –сайланиш ҳуқуқидир. Профессор А.Саидов таъкидлашича "Сайлов ҳуқуқи" тушунчаси ва ибораси икки маънода ишлатилади деб изоҳлайди. *Биринчиси*, бу сайлов ҳуқуқи сайлов қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари Конституция, давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик

органларига сайловлар ҳақидаги қонунлардир. *Иккинчиси,* бу сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг сайлаб қўйиладиган органларини тузишда қатнашиш, яъни унга ўзларининг сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ва уларнинг таркибини сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқларидир."[1]

Давлат органлари ўзининг тузилиш тартиби жиҳатидан турли хусусиятларга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлатнинг баъзи органлари сайланади, бошқалари тузилади. Давлат ҳокимияти органларига ўтказиладиган сайловлар демократик асосда ўтказилади. Ўзбекистонда илдиз отиб бораётган демократия жаҳонда тан олинган демократик анъаналарни ўзида мужассамлаштиради. Бу демократия ҳеч қандай миллий, ирқий ва бошқа чеклашларни билмайди. Шу билан бирга, давлат органларини сайлаш ва тузиш тартиби уларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органларига сайловлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар ташкил қилинади ва ўтказилади.

Давлатдаги энг муҳим масалаларнинг фуқаролар хоҳиш-иродаси билан ҳал этилиши демократиянинг яққол намоён бўлишидир. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловлар ва демократик тамойиллар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда энг муҳим масалаларнинг асосан референдум йўли билан ҳал этилиши бевосита демократия намунасидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда барча давлат органларини демократик асосларда тузиш тартиби ва чинакам халқчиллиги билан ҳам ажралиб туради. Халқчиллик шу нарсада ўз ифодасини топадики, бутун давлат аппаратининг негизини ташкил этган давлат органлари унинг халқ депутатлари бевосита сайловчилар томонидан умумий сайлов йўли билан сайланадилар.

[1] Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. Т., 1993, 52-бет.

Ўзбекистонда сайловлар очиқлиги, ошкоралиги сайлов тизимининг энг муҳим тамойилларидан бўлиб ҳисобланади.

Вакиллик органларининг умумий сайлов йўли билан ташкил этилиши алоҳида ва кўп қиррали аҳамиятга эга. Умумхалқ сайловлар давлат ҳокимиятини амалга оширишда фуқаролар иштирокининг энг муҳим шаклларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII бобида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатланиши алоҳида мустаҳкамланган. Конституциянинг 117-моддасида шундай дейилади: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар .Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади."

2-§. Сайлов тизими тушунчаси ва асосий принциплари

Сайловлар фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришга фаол жалб қилишнинг энг муҳим шаклларидан биридир. Ўзбекистонда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи чинакам демократик принципларга асосланган бўлиб, принциплар Ўзбекистон фуқароларининг давлат суверенитетини тўлиқ амалга оширишни таъминлайди.

Давлатда вакиллик органларини шакллантириш юзасидан мавжуд бўлган ва фуқароларни сайловга жалб этиш, сайловни ташкил қилиш ва депутатнинг

сайловчилар билан ўзаро муносабатларини белгилайдиган тартиби сайлаш тизими дейилади.

Сайлов тизими тушунчаси – давлатнинг демократик ёки демократик эмаслигини кўрсатувчи асосий омилдир. Профессор А.Саидов "Сайлов тизими тушунчаси" бу фуқаролик жамиятида давлатнинг вакиллик органларини сайлаш йўли билан юзага келувчи давлат жамоат муносабатлари тизимидир[1]деб фикр билдиради.

Сайлов тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Биринчиси: умумий сайлов ҳуқуқи принципи. Бу принцип шундан иборатки, Ўзбекистоннинг 18 ёшга тўлган барча фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар, ақлдан озганлиги қонунда белгиланган тартибда аниқланган фуқаролар бундан мустаснодир. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг 25 ёшга тўлган фуқароси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиши мумкин.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов кунигача 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловда қатнашиш учун ёш цензидан бошқа чекловчи цензларнинг йўқлиги сайлов ҳуқуқининг чинакам ва реал умумийлигини кўрсатади. Бу ҳуқуқ демократиянинг энг муҳим принципларига - халқ суверенитетига, Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигига асосланади. Ақлдан озганлиги қонунда белгиланган тартибда аниқланган шахсларнинг мустасно қилинганлиги тамомила табиий ва қонуниятли бир ҳолдир. Бунинг боиси шуки, бундай шахслар ўз ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида ўзларига ҳисоб беролмайдилар ва сайловда қатнашиш ҳуқуқидан онгли равишда фойдалана олмайдилар.

[1] Саидов А.Х. Қиёсий конституцияшунослик. Т., 1993, 52-бет.

Ўзбекистонда сайловда қатнашиш учун ёш даражаси оқилона камайтирилиб, 18 ёш қилиб белгиланган.

Сайловда қатнашиш учун бошқа цензлар йўқлиги Ўзбекистонда кенг халқ оммаси сайловларда фаол қатнашиш имкониятига эгадир. Масалан, 1999 йил 5 декабрда Олий Мажлисга ўтказилган сайлов вақтида сайловчиларнинг 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди.

2004 йилнинг 26 декабрида мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти – Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловлар бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда юқоридаги партиялар Ўзларининг депутатликка қўйган номзодлари учун кураш олиб борадилар.

Умумий сайлов ҳуқуқи Ўзбекистоннинг барча фуқароларига нисбатан жорий этилади. Фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ажнабийлар сайловда қатнашиш ва вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Умумий сайлов ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, касалхоналарда, туғруқхоналарда, санаторийларда ва бошқа шифохоналарда, кемаларда, йирик темир йўл станцияларида, аэропортларда ва шу сингариларда сайлов участкаларини ташкил этиш йўли билан ҳам таъминланади. Тегишли органлар сайлов участкаларини тузиш ва овоз бериладиган жойларни белгилаш вақтида сайловчилар учун энг кўп қулайлик вужудга келтириш зарурлигини кўзда тутади.

Сайлов дам олиш куни ўтказилади. Халқ депутатларига сайлов билан боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан бўлиб, бу қоида сайлов тўғрисидаги қонунларда мустаҳкамлаб берилган. Сайлов ўтказиш учун энг яхши жамоат биноси ажратиб берилади. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишига ҳеч нарса халақит бера олмайди.

Қонунда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Умумий сайлов ҳуқуқининг кенг кафолатланганлиги фуқароларнинг овоз беришда деярли ёппасига иштирок этишларини таъминлайди.

Иккинчиси: тенг сайлов принципи. Сайлов тизимининг демократик моҳияти сайловнинг умумий бўлишида, яъни барча фуқароларнинг сайловда иштирок этишидагина эмас, шунингдек сайловнинг тенг бўлишида ҳамдир. Умумий ва тенг сайлов принциплари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Умумий сайлов бўлмаса, тенг сайлов ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 117-моддасида ҳамда “Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги қонунида “Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқи ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар”, деб белгиланган.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги, сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши ва овоз бериши билан таъминланади.

Учинчиси: тўғридан-тўғри сайлов принципи. Ўзбекистон Республикасида сайлов умумий ва тенг бўлибгина қолмай, шу билан бирга тўғридан-тўғри ҳамдир, яъни вакиллик органларга депутатлар тўғридан-тўғри сайланади, халқ депутатларининг барча вакиллик органларга фуқаролар бевосита сайлайдилар. Тўғридан-тўғри сайлов тўғридан-тўғри бўлмаган сайловдан шу билан фарқ қиладики, биринчи ҳолда депутат сайловчилар томонидан бевосита хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишлари йўли билан сайланади.

Тўғридан-тўғри сайловларнинг жорий этилиши сайловчиларнинг депутат билан бевосита алоқасини кучайтиради. Тўғридан-тўғри сайлов кўп босқичли сайловдан шу билан фарқ қиладики, бунда сайловчилар ўз депутатини яқин биладилар, ундан ҳисоб бериб туришини талаб қила оладилар.

Тўртинчиси: яширин овоз бериш принципи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сайловчиларнинг сайловларда яширин овоз беришлари демократияни амалга ошириш шаклларидан биридир. Зеро, бундай овоз беришда ҳуқуқлар ўз хоҳиш-истакларини эркин ифода этиш имкониятига эга бўладилар.

Конституцияда сайлов ҳуқуқининг принципларининг мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикасида сайловчилар учун барча имкониятларнинг яратилганлиги, уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқлари ҳеч қандай цензлар билан чекланмаганлиги ва фуқароларнинг давлатни идора этишда активлиги ошганлигининг яққол намунасидир.

3-§. Сайловлар ва уларни ўтказиш тартиби

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум натижасида Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимиятини амалга оширилишида муҳим ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ, саккизинчи сессиясида, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимлари ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни қабул қилинди. Бу эса юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон ҳаётида давлат бошқарувини амалга оширилиш борасида туб ислоҳотларни бошлаб берди.

Давлат ҳокимияти органларини шакллантириш тартиби жамият аъзоларининг диққат эътиборида, бўлиб ҳозирги кунда ҳам ҳар доимгидан кўра ҳам кўпроқ эътиборни ўзига жалб этмоқда.

Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар ва жамият муносабатларидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқалар ривожи, ҳар бир шахснинг ижтимоий онгига таъсир этиб, унинг сиёсий-ҳуқуқий онгини шаклланишига олиб келмоқда. Шундай жараёнлардан бири, албатта сайловга бўлган муносабатларда кўринади.

Демократик жараёнларнинг изчил ривожи ўзбек халқининг асрий орзуларини юзага чиқишига омил бўлиб келмоқда.

"Советлар даври"даги сохта сайловлар мазмунини чуқур англаган халқимиз, ўз тақдирини ўзи белгилаш имконига эга бўлганидан сўнг, ҳақиқий

халқ ҳокимиятчилиги тамойилини ўз ҳаётларида кўриш мақсадида, давлат ҳокимиятининг манбаи фақат ўзи эканлигига ишонч билан қараб, бугунги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда.

Сайлов институти конституциявий ҳуқуқнинг асосий институти бўлиб, бевосита ва билвосита демократия шаклларидан бири ҳисобланади.

Халқ ўз ҳокимиятини ўзи шакллантирар экан, бу орқали ўз келажак тақдирини ҳам шу ҳокимиятга ишониб топширди. Ҳокимият ушбу ишонч ва орзу-умидларни рўёбга чиқишига масъулдир.

Шунинг учун ҳам сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш сайловларни ўтказишдан кўзланган мақсадга эришишда муҳим воситадир.

Ўзбекистон Конституциясида белгиланган сайлов ўтказиш тамойилларни янада ҳаётга кенг ва чуқур тадбиқ этиш учун ҳам ушбу моддада акс этган қоида жуда ҳам муҳимдир.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади."[1]

Шундай қилиб, ушбу модда Президент сайловини, Олий Мажлиснинг қуйи палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларни аниқ маълум кунда ўтказилишини белгилаб берди. Ушбу органлар ваколат муддати тугайдиган йил сайлов йили

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ саккизинчи сессиясида қабул қилинган: "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунинин 3-моддаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002, №4-5, 60-модда

ҳисобланиб, шу йилнинг декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси сайлов ўтказиладиган кун деб олинди. Бунга ҳам маълум асослар бор. Аввало, декабрь йилнинг якунловчи ойи ҳисобланганлиги учун, сайловчиларнинг йиллик режадаги асосий вазифалари бажарилган бўлади.

Якшанба куни сайлов куни деб белгиланиши ҳам аксарият давлатларда маъқулланган. Масалан, Германия Федератив Республикаси қонунчилиги сайловни якшанба ёки иш куни ҳисобланмаган кунда ўтказишни тақазо этади. Чунки, якшанба куни сайловчиларнинг деярли барчаси ўзларининг доимий истиқомат жойларида бўлиб, сайлов участкалари сайловчиларнинг доимий яшаш жойини ҳисобга олиб, ташкил қилинади. Маълумки, сайлов участкалари, сайловчиларнинг бевосита эркини-иродасини белгиловчи овоз бериш жойидир. Сайловни иш кунига тўғри келиши уларнинг ҳам, давлатнинг ҳам иқтисодий манфаатларини бироз бўлсада чеклаши мумкинлиги эътиборга моликдир. Қолаверса, меҳнаткашларнинг индивидуал манфаатларини ҳам ҳисобга олиб сайловнинг якшанба куни ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Учинчи ўн кунликнинг биринчи якшанбаси декабрнинг қуйидаги рақамли кунларига тўғри келади: 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27.

Демак, сайловлар янги йил кириб келишидан камида 4 кун олдин ўтказалади.

Конституциявий қонун давлат бошлиғи ҳамда вакиллик органлари сайланадиган вақтни бир даврда бўлмаслигини таъминлашга қаратилган ушбу саъи-ҳаракатдан кўзланган мақсад қуйидагиларда ифодаланади:

биринчидан, маълум бир шарт-шароитларда шаклланган кайфият таъсирида бўлган сайловчилар бир вақтда ҳам ижро ҳокимиятига бошчилик қилиш лозим бўлган Президентни ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари депутатларини танлаб олиши орқали вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олишга қаратилган. Чунки, маълум даврдаги шарт-шароитлар масалан давлат хавфсизлигини таъминлаш табиий шароитлар ва иқтисодий муаммолар юзага келган даврлардаги сайловлар салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин;

иккинчидан, турли даврда шаклланган ҳокимият тармоқлари турли сиёсий-ҳуқуқий-фалсафий фикрларга эга бўлиб мавжуд муаммолар ечимини топишга турлича ёндошишлари туфайли жамият ва давлат ҳаётини ривожига ижобий ҳиссаларини кўшадиган муқобил тизим ярата олади;

учинчидан, ҳокимият бор жойда муҳолиф кучлар мавжудлигини ҳисобга олсак, муҳолифат ҳам у ёки бу ҳокимият тармоғидан ўрин олишга доимий ҳаракат қилади;

тўртинчидан, демократик мамлакатларнинг давлатчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳокимият тармоқларининг турли даврларда шаклланиши ҳокимият тақсимланиши ва уларнинг бирини-бири тийиб туриш ҳамда мувозанатда ушлаш тамойилини таъминлашига қаратилган тадбирлардан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, сайлов ўтказиш муддатларини аниқ белгилаш демократик жараёнларни узлуксизлигини таъминлайди, халқимизнинг сиёсий ҳуқуқий қарашларини янада кенгайтиради, пировардида сайловлар натижасига боғлиқ орзу истакларимизни рўёбга чиқишида амалий ёрдам беради. Шунингдек, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 6-моддасида ҳамда “ Олий Мажлиссалови тўғрисида”ги қонунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси Сенатнинг ташкил этилиш принциплари мустаҳкамланган:

"Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланадилар. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

Сенатнинг ваколат муддати – беш йил."

Мазкур моддага биноан Олий Мажлиснинг юқори палатаси Сенат деб номланди. «Сенат» термини юридик атама сифатида кўпчиликка таниш. Деярли барча илмий, сиёсий, ҳуқуқий адабиётларда парламентнинг юқори палатаси Сенат деб номланади. АҚШ, Франция, Италия каби давлатлар парламентларининг юқори палатаси ҳам расман «Сенат» номи билан аталади.

Сенат – юқори палата сифатида барча федератив давлатларда мавжуд, у федерация субъектларининг вакилларидан иборат тарзда тузилиб, парламентнинг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланади. Аввало АҚШ давлат тарихида илк бор, федерация субъектларининг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган парламентнинг юқори палатаси кейинчалик бошқа федератив давлатлар парламентларининг ташкил этилишида намуна бўлди. Унитар давлатларнинг аксарият кўпчилигида маъмурий-ҳудудий бирликларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, юқори палата - Сенат ҳудудий бирликларнинг вакилларидан иборат тарзда тузилади. Бунга Италия, Франция давлатларининг парламентлари мисол бўла олади.

Олий Мажлис Сенатининг ташкил этилиши Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳар биридан вакил қилиб юбориладиган аъзолардан иборат ҳолда тузилади. Ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик, тенглик тамойили асосида ўзларининг олти нафардан иборат вакилларини Сенат аъзолигига тақдим этади.

Сенатга сайланадиган аъзолар номзодини кўрсатувчи органлар, фақат ўз таркибига кирган депутатлар орасидан Сенат аъзолигига номзод танлаб олиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Демак, сайлов асосида сенатор бўладиган шахс, аввало тегишинча туман, шаҳар, вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати бўлиши лозим.

Ушбу моддага биноан Сенат аъзолигига номзод ҳар бир вилоятда тегишинча вилоят ҳамда шу вилоят ҳудудидаги шаҳар ва туманлар вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисида кўрсатилади, қўшма мажлис аъзолари ўз ораларидан олти нафар депутатни Сенат аъзолигига вилоят вакиллари сифатида сайлайди.

Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўз ҳудудий вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисида олтитадан ўз вакилларини сайлаб Сенат таркибига киритади.

Демак, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар биридан олтитадан сайлаб олинган жами – 84 нафар киши сайлов асосида Олий Мажлиснинг юқори палатаси - Сенат аъзоси ҳисобланади.

Сенат таркибини шакллантиришда тайинлаш принципи асосида ҳам ўн олти нафар кишини Сенат таркибига киритиш белгиланган.

Сенат таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ушбу номзодликка талаблар шундан иборатки, номзодлар мамлакат аҳамияти даражасидаги амалий тажрибага эга бўлган, элу-юртнинг ҳурмати, эътибори ва ишончини қозонган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан бохабар шахслар бўлиши лозим. Шундай шахслар ичидан танлаб олиниб, давлат бошлиғи томонидан тайинланган Сенат аъзолари Сенат фаолиятида катта хизмат кўрсатиши табиий ҳол. Шу билан бирга ушбу таркибдан ўрин олган шахслар маъмурий-ҳудудий бирликлар вакилларининг ҳудуд манфаатлари борасидаги тортишув ҳамда баҳслар ечимини топишида амалий ёрдам беради. Бинобарин элнинг нуфузли вакиллари бўлмиш ушбу таркибдаги шахслар, давлат бошлиғи сингари, халқ ва давлат манфаатларининг

муштараклигини таъминлаш, мамлакат тақдири, келажаги масалаларида ҳам улкан масъулиятни ҳис этадилар.

Ҳорижий давлатларда тайинлаш усули орқали юқори палата таркибини шакллантириш ГФР, Канада, Иордания мамлакатларида мавжуд.

Сенат аъзоси бўлишлик учун номзодга нисбатан баъзи талаблар мавжуд. Бу эса сайлов кунига қадар 25 ёшга тўлган, шу билан бирга, Ўзбекистон ҳудудида камида 5 йил муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсларгагина Сенат аъзоси бўлиш имкониятини беради.

Сенат аъзоси бўлиш учун маълум ёш белгиланиши табиий, чунки юқори палатанинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, барча мамлакатларда юқори палатага аъзолик учун юқори ёш белгиланган. Масалан, Туркия Сенатига аъзо бўлишлик учун номзод сайлов куни камида 40 ёшда бўлиши лозим. Бундай ҳолат АҚШ, Ҳиндистон, Япония давлатларида – 30 ёш, Бразилия, Франция давлатларида – 35 ёшни талаб қилади.

Сенатнинг ваколат муддати – беш йил қилиб белгиланган. Олий Мажлис ваколат муддати беш йил қилиб белгиланганлиги, унинг ҳар икки палатасига ҳам тегишлидир.

Сенат юқори палата сифатида ўзига хос хусусиятлар ҳамда ваколатларга эга бўлади. Сенатнинг асосий иш фаолияти маълум даврларда чақирилиб туриладиган сессияларида намоён бўлади. Сенат қонунчилик жараёнида ўзига хос функцияни амалга ошириб қонунларни пухта ва пишиқ яратилишига, шунингдек шошма-шошарлик билан қабул қилинган қонунларни қайта ишланиши учун масъулият билан қаровчи ҳамда ҳудудлар манфаатининг муштараклигини таъминловчи орган сифатида фаолият юритади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этиладиган маълум мансабдор лавозимларига номзодларни тасдиқлаш, мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, шунингдек давлат мудофаасига доир масалаларда айрим вазифаларни амалга ошириш функциялари ҳам мавжуд.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловни ўтказувчи сайлов округлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади. Сайлов округлари, қоида бўйича, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарори асосида сайлов округларининг рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатилган ҳолда сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн беш кун ичида эълон қилади. Сайлов округи – сайлов ўтказиш учун Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунлар асосида белгилаб қўйилган ҳудудий сайлов бирлигидир.

Депутат қайси округдан сайланган бўлса, у шу округ аҳолисининг вакили деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунга асосан, Олий Мажлисга сайлов ўтказиш учун бир юз йигирмата сайлов округи тузилади.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий халқ депутатлар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунга асосан халқ депутатлар вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларига депутатлар сайлашда - 60-тадан сайлов округлари тузилади. Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига депутатлар сайлашда - 30 тадан сайлов округи тузилади.

Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Ўзбекистон Республикасида сайловларни ташкил қилиш ҳудудий принципга асосланади, шунинг учун сайловлар сайлов округлари орқали амалга оширилади.

Сайлов тўғрисидаги қонунларга асосан сайлов участкалари шаҳар, туман ҳокимларининг тақдимномасига асосан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий

давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайлов тайинлангандан кейин ўттиз кундан кечикмай тузилади. Сайлов участкалари камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчилардан иборат тузилади. Ўзбекистон Республикасида сайловни ташкилий равишда ўтказиш учун қуйидагича сайлов комиссиялари ташкил этилди:

1. Марказий сайлов комиссияси;
2. Округ сайлов комиссияси;
3. Участка сайлов комиссияси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов тўғрисидаги қонунларга, референдум тўғрисидаги қонунга ва бошқа қонунларга амал қилиб иш олиб боради. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис палаталари томонидан ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақолпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, халқ депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг тавсияси бўйича Олий мажлис палаталари томонидан тасдиқланадилар. Марказий сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари орасидан Президентнинг тақдимномаси билан комиссия мажлисида сайланади. Раиснинг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланадилар. Марказий сайлов комиссияси республика ҳудудида сайлов тўғрисидаги қонуннинг ижро этилишини назорат қилади ва унинг ҳамма жойида бир хилда қўлланишини таъминлайди.

Округ сайлов комиссияси сайлов эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан йигирма кундан кечикмай раис, раис ўринбосари, котиб ва яна камида 6 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссияларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунда тўлиқ кўрсатилган. Сайлов округи сайлов тўғрисидаги қонуннинг ижросини назорат қилади, сайлов участкаларини тузади ва уларга раҳбарлик қилади, депутатликка номзодларга сайлов компаниясида иштирок этишлари учун тенг шароит яратилишини таъминлайди, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради, сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади ва қонунда кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Участка сайлов комиссиясини округ сайлов комиссияси тузади. Участка сайлов комиссияси сайлов тайинлангандан кейин эллик кундан кечикмай 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳудудида участка сайлов комиссияси раиснинг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси вакиллик органлари сайловларига тайёргарлик кўриш, овоз беришни ташкил қилиш ва берилган овозларни санаб чиқиш учун сайлов участкаларига бўлинади. Участка сайлов комиссияси аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор қилади. Овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонунда участка сайлов комиссиясининг ваколатлари тўлиқ кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар орасида депутатликка номзодлар кўрсатиш энг муҳим ва маъсулиятли тадбирлар ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва фуқаролар кўсатиш ҳуқуқига эгалар. Сиёсий партия, сайлов кампанияси бошлаганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйҳатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш сиёсий партиялар томонидан сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Депутатликка номзод танлаш тартиби сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал қилгани ҳолда, ҳар бир округдан битта депутат, яъни 120 депутат кўрстатишга ваколатлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун сайлаш ҳуқуқига эга эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб – қувватловчи имзони тўплаши (имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт) керак.

Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошланиб, Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва шароитлар яратиб берилиб, депутатликка номзод беш нафарга қадар

ишончли вакилга эга бўлиши, номзод рўйҳатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилаши, депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидирлар. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб бориб, давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади ва сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Улар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Шу билан бирга, сайлов компанияларида, халқнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва ифода этишда партияларнинг роли доим ҳам бир хилда баҳоланавермайди. Кўп партиялилик принципи партия рўйхатлари (фракциялари) бўйича сайланган депутатлар жумласидан

сиёсий уюшмалар ташкил этишда ўз аксини топади. Мазкур уюшмалар аҳоли турли табақаларининг парламентдаги сиёсий вакиллигини таъминлабгина қолмасдан, балки бутун парламент ишининг ташкил этилишини яхшилашга ҳам кўмаклашади. Бунда, табиийки, жамиятнинг бир нечта кичик сиёсий партия ва гуруҳларга парчаланиши ва парламентда уларнинг анча тўлиқ вакиллиги парламент ишига салбий таъсир кўрсатиши: қарама-қаршиликлар натижасида (агар парламентда барқарор кўпчилик бўлмаса) парламентнинг ваколатлари жумласига киритилган муайян масалани ҳал қилишнинг иложи бўлмаслиги мумкинлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

2004 йил 26 декабрь ва 2005 йил 9 январда такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди. Сайловда 489 депутатликка номзод, шу жумладан сиёсий партиялардан 435 ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлардан мустақил номзодлар 56 киши иштирок этди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1%) сайловчи, жорий йил 9 январида эса 5400000 дан ортик, киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш хуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80 % қатнашди.

Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,3% сайланди, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3% сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 11 аъзоси, "Адолат" партиясининг 10 аъзоси сайланди. Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан улар 11,6 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент тизимида фақат Қонунчилик палатасигина сиёсийлашган хусусиятга эга бўлгани боис, депутатлар бирлашмалари-фракция ва депутатлар гуруҳлари айнан мазкур палатада тузилади.

“ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Демак, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, депутатлар бирлашмаларининг икки шакли-фракциялар ва депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузиши мумкин.

Қонунчилик палатасига номзод қўйилган хотин —қизлар жами 159 киши кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намойиш этди, сиёсий етуклик, акл заковат рақибларидан қолишмади. Натижада қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18%ни хотин —қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловларидагидан икки ярим баравар кўпдир.

Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан улар 11,6%ни ташкил этди.

Сайланган депутатлар орасида 18,3% —юристлар, 21,7% —иқтисодчилар. Депутатларнинг 10% саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа сохаси вакиллари, 7,5% қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5% тадбиркорлар, 20% таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари, 16% нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари.

Бу ўзгаришлар энг аввало Қонунчилик палатасининг доимий, профессионал асосида иш олиб боришидир. Бу палатага аъзо бўлиш учун

асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонига чиқади», - деб кўрсатади И.А.Каримов.

Бу палатага сайланган депутат сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, профессионал нуқтаи-назардан мана шу қонун чиқарувчилик, қонун яратувчилик ва қонун ижод қилиш ишиги мукаммал етарли тайёргарликка эга бўлган шахслар бўлиши лозим.

Овоз бериш. Овоз бериш сайлов жараёнининг энг муҳим босқичи бўлиб айнан шу босқичда халқнинг хохиш иродаси амалга ошади. Одатда овоз бериш тадбири сайлов қонунчилигида батафсил баён этилади.

Овоз беришга сайловчилар рўйхатида турувчи фуқаролар шахсини тасдиқловчи хужжатлар билан (қатор мамлакатларда сайлов карточкаси ёки овоз бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар) йўл қўйилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки бир қатор мамлакатларда анъанавий сайлов бюллетенлари орқали овоз бериш билан бирга махсус машиналар воситасида ҳам овоз бериш амалиёти мавжуд. Махсус машиналар орқали овоз бериш сайловчиларни хохиш иродасини қандай кечаётганлигини кузатиш билан бирга сайлов натижаларини тезлик билан аниқлаш имконини беради, бу эса сайлов қонунчилигини бузилишини олдини олади деб ҳисобланади. Лекин машиналар ҳам одамларга бўйсунади. Шунинг учун мутлақ қонуний овоз бериш жараёнини кафолатламайди.

Сайлов кунида ўзи рўйҳатдан ўтган доимий яшаш жойида бўлмаган сайловчиларни овоз беришда қатнашишини ҳал қилиш масаласи ҳам жаҳоннинг турли мамлакатлари қонунчилигида турлича ҳал қилинган. Баъзи давлатларда бу масала (маслан Россия, Австрия) шахс агар сайлов кунида ўзи яшаш жойида бўлмаслиги мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжатни (масалан, хорижий давлатга билет) тақдим қилса, сайловга қадар овоз бериши мумкин бўлади. Хорижий давлатларда доимий яшовчи фуқаролар ҳам сайловдан олдин ўз давлати элчихонасида овоз бериши мумкин. Кўпчилик давлатларда шундай холатни ҳисобга олиб почта орқали овоз бериш амалиёти ҳам мавжуд. Масалан, Германияда почта орқали овоз беришда сайловчи ўз вақтида сайлов округи

раҳбарига (яъни округ сайлов органининг раисига) почта орқали овоз бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси ва алоҳида муҳрланган конвертда сайлов бюллетенини тўлдирилган ҳолатда жўнатиши лозим. Агар почта сайлов кунида соат 18.00 га қадар етиб келса овоз берилган ҳисобланади. Сайловчи ўз гувоҳномасини сайлов бюллетенини ўз қўли билан тўлдирганлиги ҳақида қасамёд билан имзолаши лозим.

Сайлов кунида ўз доимий яшаш жойида бўлмайдиган сайловчиларни овоз беришининг яна бир усули – ишончли вакил орқали овоз беришдир. Француз Сайлов кодекси ишончнома орқали овоз бериши мумкин бўлган шахслар доирасини батафсил белгилаган, унга кўра хорижда бўлган, хизмат сафарида бўлган, сайловда бевосита қатнашишга соғлиғи йўл қўймайдиган ва бошқа фуқаролар ишончнома орқали овоз беришлари мумкин.Умумий сайловлардаги овоз бериш одатда бир кунда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида сайловларда овоз бериш жараёни сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда очилади ҳамда сайлов куни соат 6 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни кечи билан сайловга ўн кун қолганида хабардор қилади[1].

Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйҳатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайловчи овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйҳатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида тўлдирилади. Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини ўчиради ва тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди. Ҳарбий қисмларда, санаторийлар дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар

[1] Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003, №9-10, 132-модда

даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

Сайлов натижаларини аниқлаш. Берилган овозларни ҳисоблаш аввал сайлов участкаларида сайлов тугаши билан дарҳол бошланади. Дастлаб ҳар бир сайлов округида берилган барча овозлар ҳисобланади, сўнгра бюллетенлар орасидан ҳақиқий эмас деб топилганлари чиқариб ташланади. Одатда қонунчилик билан қандай сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги белгиланган бўлади, шубҳали ҳолатлар участка сайлов органининг махсус баённомаси орқали ҳал қилинади.

Сайлов учкасткасида ҳисоблаб чиқилган овозлар юқори турувчи сайлов органига юборилади. Сайлов натижалари сайлов округи миқиёсида, тегишли ҳолатларда ҳудудий ва марказий органлар миқёсида эълон қилинади.Турли мамлакатларда бир хил овоз бериш жараёни бўлиб, унда тенг миқдорда сайловчилар қатнашган бўлса ҳам сайлов натижалари қўлланиладиган сайлов тизимига кўра турлича бўлиши мумкин.

Такрорий шунингдек, навбатдан ташқари ва алоҳида бир округларда сайлов ўтказилганда сайлов жараёнининг бир мунча соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин.

Республикамизда сайлов натижалари қуйидаги тартибда аниқланади, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг натижаларини аниқлаш участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида аниқланади. Округ сайлов комиссияси; округ бўйича сайловчилар умумий сонини; сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари варақлари сони аниқланади ва Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади. Ўз навбатида Марказий сайлов комиссияси округ

сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида округ сайлов комиссияси сингари ҳисоблаш жараёнини амалга оширгандан сўнг, овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган ҳисобланади. Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан кам иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган ҳисобланади. Худди мана шундай сайлов натижаларини аниқлаш қоидаси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказишда ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловларда ҳам амалга оширилади.

Такрорий овоз бериш. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлаш учун икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса ва номзодлардан хеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни олмаган бўлса сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Қенгашлари депутатлигига сайловларда округ комиссияси тегишинча вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси мазкур қарор ҳақида округ сайловчиларини хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайловлар асосий сайлов ўтказилган кундан бошлаб бир ой ичида, лекин камида ўн беш кун кейин ўтказилади, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига такрорий сайловлар асосий сайлов кунидан кейин икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўп олган Республика Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод, такрорий овоз беришда рўйҳатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи қатнашган ва бу номзодни ёқлаб

берилган овозлар унга қарши берилган овозлардан ортиқ бўлган тақдирдагина сайланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолигига такрорий овоз бериш, агар овоз бериш чоғида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун овозларнинг зарур миқдорини тўпламаган номзодлар бўйича давлат ҳокимияти вакиллик органларининг (халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари) қўшма мажлисларининг ўзида ўтказилади.

Такрорий сайловлар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайловлар сайлов ўтказилмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилса ёхуд агар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаш учун иккитадан кўп номзод қўйилмаган бўлса ва улардан ҳеч бири сайловчиларнинг овозини зарур миқдорда олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Бунда комиссия сайловни янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари ўтказиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказилган сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг аввал тузилган рўйҳатлари бўйича ўтказилади.

Комиссиялар тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйҳатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини такрор ўтказиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрсида”ги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин қирқ кун ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларининг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

А) Агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

Б) Агар такрорий овоз бериш натижасида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса.

Иккинчи ҳолатда назарда тутилган вазиятларда такрорий сайлов сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун ўтказилади. Сенат аъзоларининг такрорий сайлови Сенатга ўтказилган асосий сайловдан кейин кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичида ўтказилади.

Сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва такрорий сайлов ўтказиш қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига такрорий сайловлар қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

А) Башарти, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёҳуд эмас деб топилган бўлса;

Б) Агар такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса;

В) Агар сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса[1].

Такрорий сайлов тегишинча Марказий, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда тегишли сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчилар рўйҳатлари бўйича ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига такрорий сайлов кечи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида тўхтаб, қуйидагиларни таъкидлайди: ”Депутат бўлишни истаган одам, аввало, ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги,

[1] Қаранг. Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни.2004 йил. 27-август 46-модда.

теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин”.[1]

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларигина эмас, балки партиясизларни ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатишлари мумкин. Қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар:

1. Қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган фуқаролар.

2. Сайлов тайинланган кунга қадар беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари.

4. Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

5. Ҳукумат аъзолари, судьялар, бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганда тўхтатилади. Депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзод тўғрисидаги маълумот округ сайлов комиссияси томонидан маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Депутатликка номзодлар кўрсатиш, номзодни кенг муҳокама қилиш сайлов олди муҳим босқичи ҳисобланади. Депутатликка номзодлар Марказий

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т: Ўзбекистон, 2000. 63-бет.

сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб сайлов олди ташвиқотлар бошланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод бештагача ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Маҳаллий вакиллик органларига депутатликка номзодлар учтагача ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот ишлари олиб борадилар. Ишончли вакилларни депутатликка номзодларнинг ўзи танлайди ва уларни рўйхатга олиш учун тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим қилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳокимият вакиллик органларига сайловчилар рўйхатини участка сайлов комиссиялари тузадилар ва уни ҳар бир участкада тегишли участка сайлов комиссиясининг раиси ва котиби имзолайди.

Сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатларини тузиш ишига жамоатчилик вакилларини жалб қилиш асосида иш олиб борадилар.

Сайлов кунигача ёки сайлов ўтказилаётган кунда 18 ёшга тўлган барча фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, касалхоналарда, инвалидлар уйларида, дам олиш уйларида ва бошқа даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарларининг тақдим этилган маълумотлари асосида тузилади.

Ҳарбий қисмларда сайловчилар рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчилар рўйхатида ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми туғилган йили ва турар жойи кўрсатилади. Сайловчилар рўйхати сайловга 15 кун қолганда сайлов участка ҳудудида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Сайловчилар рўйхатидан тушиб қолдирилган сайловчилар участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида уни кўриб чиқиб сайловчилар рўйхатига

киритади. Участка сайлов комиссиялари рўйхатлар билан танишиладиган жойни ва вақтни сайловчиларга хабар қилади. Агар сайлов комиссияси нотўғри қарор қабул қилса, бу ҳолда сайловчи сайлов комиссияси қарори устидан қонунда кўрсатилган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

Сайлов бюллетенлари сайловга камида уч кун қолганда етказиб берилади. Сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияларига қатъий ҳисоб билан берилади. Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда нашр этилади.

Сайлов тўғрисидаги қонунларга биноан сайлов куни овоз бериш эрталаб соат 6.00 дан кечқурун 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш одатда махсус ажратилган бинода ўтказилади. Шунинг учун овоз берадиган жойларни жиҳозлаб қўйилади, сайлов бюллетенлари бериладиган жой белгиланади ва сайлов қутилари ўрнатилади.

Сайлов қутилари шундай ўрнатиладики, овоз берувчилар унинг олдига бориш учун яширин овоз берадиган кабина ёки хоналар орқали ўтадилар. Овоз бериш кабиналари ёки хоналарининг нечта бўлиши сайлов участкаларидаги сайловчиларнинг сонига қараб белгиланади. Сайловчи овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади. Агарда сайловчи бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган бўлса унинг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади. Овоз бериш вақтида сайловчи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўчиради.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Участка сайлов комиссияси сайлов кунидан олдин сайлов кунини ўтказиш учун ташкилий вазифаларни кўриб чиқади ва ҳар бир сайлов комиссияси аъзоси қандай ишларни бажариши керак, ариза ва шикоятларни қабул қилиш тартиби,

тегишли маълумотларни ким тайёрлайди каби вазифалар олдиндан белгилаб олинади ва жавобгар аъзолар аниқланади. Участка сайлов комиссиясининг раиси соат 20.00-да овоз бериш тамом бўлганлигини эълон қилади. Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади, фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади. Участка сайлов комиссияси шу участкада овозга қўйилган барча сайлов участкаси бўйича сайлов натижаларини алоҳида-алоҳида баённомасига ёзади. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиялари юборган сайлов баённотига асосан округ бўйича берилган овозларни ҳисоблаб чиқади. Депутатликка номзод округдаги барча сайловчилар овозларининг ярмидан кўпроғини олган тақдирдагина сайланган деб ҳисобланади.

Округ сайлов комиссияси ҳокимият вакиллик органи депутати қилиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳнома беради. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённлар асосида ва сайлов тўғрисидаги қонунлар асосида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;
2. Сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;
3. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;
4. Ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларнинг сонини;
5. Депутатликка номзодлар кўрсатилган ҳар бир сиёсий партияни ёқлаб берилган овозларнинг умумий сонини;
6. Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сайланган деб ҳисобланади. Агар сайловчиларнинг рўйхатига киритилган

сайловчиларнинг ярмидан ками сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланади.

Агар сайлов округи бўйича иккитадан ортиқ номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам кўпчилик овозни ололмаса, яъни депутат бўлиб сайланмай қолса, округ сайлов комиссия энг кўп овоз олган икки нафар номзодни округда такрорий овозга қўйишни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Марказий сайлов комиссиясининг қарори асосида икки ҳафта ичида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Сайлов округи халқ депутатлигига кўпи билан иккита номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам белгиланган миқдорда овоз ололмай сайланмаган бўлса ёки сайлов округи бўйича овоз беришга умумий сайловчиларнинг ярмидан ози қатнашганлиги учун шу округда сайлов бўлмаган деб ҳисобланса ёхуд сайлов ҳақиқий эмас деб топилса, Марказий сайлов комиссияси тегишли округ сайлов комиссиясига шу округда такрорий сайлов ўтказишни топширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳокимият вакиллик органига сайланган айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, сайловчилар томонидан депутат чақириб олинганда ва бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Халқ депутати ўрни бўшаб қолганда унинг ўрнига сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кунидан камида бир ой олдин белгиланади ва сайлов тўғрисида қонунлар талаблари асосида сайлов ўтказилади. Округ сайлов комиссияси бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайлов ўтказишда округ сайлов комиссиялари сайлов кунига йигирма беш кун қолганида тузилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколат муддати бир хил - беш йил бўлганлиги учун депутатлик ўрни вакиллик органининг ваколат муддати тугашига олти ойдан кам вақт қолганда бўшаб қолса, янги депутат сайлови ўтказилмайди. Округ сайлов комиссиялари сайлов бўлиб ўтгандан

кейин депутат бўлиб сайланган депутат тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига баёнот беради. Марказий сайлов комиссияси баёнотни олгандан кейин сайланган депутатларни рўйхатга олади, бу ҳақда депутатни хабардор қилади ва Марказий сайлов комиссияси ўн кун ичида сайланган депутатлар тўғрисида эълон қилади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида икки маротаба вакиллик органларига сайловлар ўтказилди, ҳар қандай давлат ўз эркини, ҳуқуқини қўлга киритар экан, унда давлат ҳокимиятини амалга оширилиши вақт ўтган сари ривожланиб такомиллашиб боради ҳамда янги ислоҳотларга талаб ва эҳтиёжлар ортади.

Ўзини- ўзи назорат қилиш саволлари

1. Сайлов ҳуқуқи қайси маъноларда ишлатилади ?
2. Сайлов тизимининг қандай тамойилларини биласиз?
3. Сайловларни ўтказиладиган кун қайси қонун билан белгилаб қўйилган?
4. Қонунчилик палатаси депутатлигига неча ёшдан сайланиш мумкин?
5. Олий Мажлис Сенатининг ўн олти нафар аъзоси ким томонидан тайинланади?
6. Олий Мажлис Сенати қандай тартибда шакллантирилади?
7. Марказий сайлов комиссияси қандай шакллантирилади?
8. Кимлар Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб руйхатга олинмайди?
9. Қонунчилик палатасига сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзод қандай тартибда руйхатга олинади.
10. Сайловларда кузатувчилар қандай ҳуқуқлар фойдаланадилар?
11. Сайлов блютени қайси давлат органи томонидан намунаси тасдиқланади?
12. Овоз бериш тартиби қандай амалга оширилади?
13. Такрорий овоз ва такрорий сайлов қайси вақтда амалга оширади?

14. Сайлов қонунчилиги бузилганда қайси давлат органига мурожаат қилинади?

XXIV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ЧИҚАРИШ ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Қонун чиқарувчи ҳокимият тушунчаси ва уни ташкил қилиш тартиби

2-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг конституциявий ваколатлари

3-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий -ҳуқуқий масалалари

4-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятини ташкил этиш тартиби

5- §.Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни

1-§. Қонун чиқарувчи ҳокимият тушунчаси ва уни ташкил қилиш тартиби

Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида умуминсоний қадриятлар ва бой миллий анъаналар билан йўғрилган ўзига хос ривожланиш йўлини аниқлаб олди. Шу асосда давлат-ҳуқуқий амалиётда жаҳон парламентаризмининг бой тажрибасидан унумли фойдаланилиб, республика конституциявий тузумида халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши принципларига мос давлат органлари тизимини шакллантирилди.

Инсоният ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули ҳисобланган ҳамда жамиятнинг умуммиллий вакиллик муассасаси сифатида дунёга келган парламент узоқ йиллар давомидаги тарихга эга ва унинг илдизлари XII-XIII асрлардаги инглиз парламенти ва испан кортесларига бориб тақалади. Парламент сўзининг луғавий маъноси француз тилидан олинган бўлиб, "гапирмоқ" маъносини англатади. Парламентаризм катта тараққиёт босқичини босиб ўтди ва унинг чинакам тарихи буржуа инқилоблари давридан бошланади.

Эндиликда аксарият мамлакатларнинг парламент институтига эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Ҳозир ер куррасидаги 200 га яқин

давлатнинг қарийб 177 тасида олий қонун чиқарувчи вакиллик органи-парламентлар бор.

Ҳозирги замон парламентлари ўзларининг тузилиши, ваколатларининг ҳажми, ижтимоий таркиби, ўз мамлакатлари сиёсий тизимида тутган ўрни, сайланиш тартиби мавқеи билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Улар ҳатто номланиши, депутатларининг сони билан ҳам фарқ қиладилар, масалан: АҚШда 535 депутатдан иборат Конгресс, Хитой Халқ Республикасидаги Умумхитой Халқ вакиллари мажлисида 2979 аъзо, Россияда 626 депутатдан иборат Федерал Мажлис, Мисрда 454 депутатли Халқ Ассамблеяси, Исроилда 120 аъзодан иборат Кнессет, Исландияда 63 аъзодан иборат Альтнингни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жаҳон парламентларининг кўпчилиги бир палатали тузилишга эга. Ер куррасидаги 65 та давлатда эса, икки палатали олий вакиллик органлари мавжуд. Одатда, икки палатали парламентнинг палаталаридан бири кўпинча "қуйи палата" деб юритилиб, у халқнинг ягона иродасини ифодалайди. (АҚШда - Вакиллар палатаси, Францияда - Миллат Мажлиси), бошқаси эса "юқори палата" деб аталиб, у давлатнинг таркибий қисм (ҳудуд)ларининг манфаатларини ифодалайди. Парламентларнинг бундай тузилиши муқим демократик анъаналар ҳамда федератив давлат тузилишига эга бўлган мамлакатларга хосдир. Масалан, шу каби парламентлар АҚШ, ГФР, Бразилия, Франция, Буюк Британия, Япония ва бошқаларда фаолият юргизмоқдалар.

Жамият манфаатларининг ифодачиси бўлмиш парламентлар, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари гуруҳларининг вакилларидан ташкил топадилар. Кўриниб турибдики, дунёдаги парламентлар ранг-баранг, аммо улар ўз мамлакатларида муҳим ижтимоий вазифа-қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Конституциясининг 10-моддасида, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи – халқ номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб боришлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида айтилганидек, давлат ҳокимиятининг тизими-қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва

суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади. Унга кўра, давлат функциялари қонун чиқарувчи орган-Олий Мажлис, давлат ва ижроия ҳокимияти раҳбари–Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланади. Ўзбекистон Олий Мажлиси эса давлатнинг бошқа идоралари билан ҳамкорлик қилиш билан бирга, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясида қонун чиқарувчи ҳокимият алоҳида ўрин тутади. Конституциямизда кучли қонун чиқарувчи ҳокимиятни ташкил этишга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76- моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг X сессияси (2002 йил 12 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламент шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий асосларини яратиш жараёни муҳим аҳамият касб этди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга биноан "Қонунчилик палатаси" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади»[1].

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Конституциявий Қонуни.- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси . 2002. декабр № 12 215 модда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Конституция парламент депутатларининг ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланишини муҳим конституциявий принцип сифатида мустаҳкамлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини ўтказувчи сайлов округлари Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида сайловчилар сонига қараб тенг ҳолда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас, деб кўрсатилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунига 25 ёшга тўлган фуқаролар эга бўлиши мумкин. Ёш цензининг бундай

белгиланиши шу билан изоҳланадики, депутат озми-кўпми маълум ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, ўзини давлат ва жамоат фаолиятида кўрсата олиши лозим. Бу масала бир қанча хорижий мамлакатларнинг Конституциялари ва қонунчилигида ҳам деярлик шундай ҳал этилган. АҚШ Конституциясида 25 ёшга тўлмаган шахс Конгресснинг Вакиллар палатасининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Япония парламентининг вакиллар палатасига 25 ёшга тўлмаган, маслаҳатчилар палатасига эса 30 ёшга тўлган фуқаролар пассив сайлов ҳуқуқидан фойдалана олишлари мумкин. Шуни ҳам айтиш жоизки, жаҳон тажрибасида пассив сайлов ҳуқуқининг бундан ҳам юқори цензлари маълум.

2004 йил 26 декабр ва 2005 йил 9 январда такрорий овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча 120 депутати сайлашди ва рўйхатга олинди. Сайловда 489 депутатликка номзод, шу жумладан сиёсий партиялардан 435 ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлардан мустақил номзодлар 56 киши иштирок этди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1%) сайловчи, жорий йил 9 январида эса 5400000 дан ортиқ, киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80% қатнашди.

Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал — демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,3% сайланди, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3% сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 11 аъзоси, "Адолат" партиясининг 10 аъзоси сайланди.

Қонунчилик палатасига номзод қўйилган хотин —қизлар жами 159 киши кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намойиш этди, сиёсий етуклик, ақл заковат рақибларидан қолишмади. Натижада қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18%ни хотин —қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловларидагидан икки ярим баравар кўпдир.

Ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 56 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди, қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасидан улар 11,6%ни ташкил этди.

Сайланган депутатларнинг 18,3% —юристлар, 21,7% —иқтисодчилар. Депутатларнинг 10% саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа сохаси вакиллари, 7,5% қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5% тадбиркорлар, 20% таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари, 16% нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари.

Бу ўзгаришлар энг аввало Қонунчилик палатасининг доимий, профессионал асосида иш олиб боришидир. Бу палатага аъзо бўлиш учун асосий даъвогарлар сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонига чиқади», - деб кўрсатади И.А.Каримов.

Бу палатага сайланган депутат сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, профессионал нуқтаи назардан қонун яратувчилик ва қонун ижод қилиш ишида мукаммал етарли тайёргарликка эга бўлган шахслар бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси Сенат эса территориал субъектлар - Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ҳар биридан 6 тадан, ҳамда Президентнинг ўзи томонидан тайинланадиган ўн олти нафар эл-юрт обрў-эътиборини қозонган, кўзга кўринган кишилардан таркиб топади.

Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг сессиядаги маърузасида, «юқори палата аъзолари жойлардаги вазиятдан яхши хабардор, ...уларни сайланган Кенгашлар билан узвий алоқа боғлиб турувчи», кўпроқ минатдорлар манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган депутатлардан иборат бўлади. «Сенат қўйи палата билан биргаликда бевосита қонун яратиш иши билан шуғулланмаслиги лозим», балки унга сайланган ҳар бир Сенатор Қонунчилик палатаси ишлаб чиққан ва тақдим этган қонунларни маъқуллаши ёки рад қилиш орқали, ҳам ўз минтақаси манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда бутун мамлакатимиз - Ўзбекистон тараққиёти

манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қонунларни яратишда иштирок этади” деб кўрсатиб ўтгандилар.

Ўзбекистон Парламентидаги Қонунчилик палатаси ва Сенат ўртасидаги оқилона мувозанат ана шундай конституциявий-ҳуқуқий назарий, ҳамда ҳуқуқ амалиёти асосига таянади. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтиш, эркинлаштирилган «Очиқ демократик жамият» қуришнинг биринчи конституциявий ҳуқуқий асоси ва кафолати бўлиб хизмат қилади.

2-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг конституциявий ваколатлари

Мамлакатда парламентаризмнинг қарор топиши ва ривожланишида мустақил Ўзбекистон миллий давлатчилиги тараққиётида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг роли бениҳоя катта. Олий Мажлис ташкил қилинган биринчи кунларданоқ Юртбошимиз янги типдаги парламентни тузишга шахсан алоҳида эътибор берди, олий қонун чиқарувчи орган мустақил Ўзбекистоннинг янги давлатчилиги таркибида муносиб ўрин эгаллаши тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилди. Олий Мажлис умумэътироф этилган, тўғри маънода қонун чиқарувчи орган – парламент бўлиб қолишига ва мақоми жиҳатидан ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан тенглашиб, зарур конституциявий-ҳуқуқий мувозанатни таъминлашига айнан Президентимиз бевосита кўмаклашди[1].

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши туфайли қонун чиқарувчи ҳокимият катта ваколатларга эга. Халқ ҳокимиятни айни сайлов асосида ўз вакилларига топширади ва ваколатли органларни давлат ҳокимиятини амалга оширишга вакил қилади. Бу ваколатли органлар давлат ҳокимияти механизмида бирламчи эканлиги, уларнинг устуворлиги ҳамда устунлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

[1] Қаранг: Олий Мажлис раиси Э.Х.Халиловнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги нутқи //Халқ сўзи. – 2001. – 11 декабрь.

Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонунида Қонунчилик палатасининг ваколатлари икки турга ажратилади. Булар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ҳамда Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларидир.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг X сессиясида (2002 йил 12 декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши билан икки палатали парламент шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ва мазкур Конституциявий қонуннинг 8-моддасига биноан, Қонунчилик палатасининг Сенат билан биргаликдаги ваколатлари қуйидагича белгиланди:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10)Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 9-моддасига биноан, Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ва Сенат билан биргаликдаги ваколатларини амалга ошириш тартиби, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги қонунларининг алоҳида нормаларида мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатнинг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига кўра тартибга солинади

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тегишли таклиф киритилганидан кейин олти ой ичида унинг кенг муҳокамасини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилмаса, уни кўриб чиқиш бир йилдан кейин қайта бошланиши мумкин", деб белгиланган. Худди шу тартибда Асосий қонуннинг 78-моддасидаги кейинги бандларининг амалдаги ифодаси Олий Мажлис палаталарининг Регламенти тўғрисидаги қонунларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати ва уни амалга ошириш тартиби Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш кераклиги тўғрисидаги материалларни ва масъул қўмитанинг хулосасини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

1) референдум тайинлаш ва уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

2) референдумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида;

3)референдум ўтказмасдан туриб, референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусда таклиф қилинган қонунни ёки бошқа қарорни қабул қилиш ҳақида.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг референдуми масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Агар Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида қарор қабул қилса, айни шу мазмун ёки маънодаги таъриф билан референдум ўтказиш тўғрисидаги масала камида бир йилдан кейин Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун такроран киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарнинг Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш тартиби уларнинг регламентлари тўғрисидаги қонунларда тўғридан-тўғри белгиланмаган. Лекин

бу масалаларни “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Чунки Қонунчилик палатаси қонунлар қабул қилиниши талаб этилмайдиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилаётганда унга қисқача тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар илова қилинади.

Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қарорининг лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун масъул қўмита ва муддат белгилайди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул қўмита вакилининг ахборотини эшитиб, қарор лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади ва маърузачини белгилайди.

Қонунчилик палатаси мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилади ва муҳокама натижалари юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатаси қарори қабул қилинади.

Агар овоз бериш якунларига кўра қарор лойиҳасини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф зарур миқдорда овоз тўпламаган бўлса, таклиф рад этилган ҳисобланади.

Қабул қилинган қарор мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, агарда баъзи масалалар учун Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Сенатга юборилади.

Айтиш лозимки, палаталарнинг нафақат бож, валюта ва кредит ишлари, балки солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари, чегараларини ўзгартириш, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш қонун йўли билан

тартибга солинади. Олдинги параграфда кўриб чиққанимиздек, қонун билан тартибга солиш, бу масалаларни самарали ҳал қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш ваколатини амалга ошириш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг алоҳида тўртинчи бобида тартибга солинган. Ушбу қонуннинг 20-моддасига кўра навбатдаги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Қонунчилик палатасига киритилади.

Давлат бюджети лойиҳаси масъул қўмитага берилади ва у томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджети лойиҳасига доир материаллар Қонунчилик палатаси депутатларига олдиндан, мазкур лойиҳа Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилгунга қадар юборилади.

Давлат бюджети лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузаси билан бошланади.

Давлат бюджети лойиҳаси бўйича Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифлари уч кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн тўрт кун ичида Қонунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда Давлат бюджети лойиҳасини маромига етказади ва Давлат бюджетининг маромига етказилган лойиҳасини Қонунчилик палатасига юборади.

Давлат бюджетининг лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай кўриб чиқилиши керак.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети мазкур бюджет қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида кўриб чиқиш учун Сенатга юборилади.

Парламентнинг туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш ваколатини рўёбга чиқариш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддасида белгиланган. Унга кўра Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган тартибда киритилган таклифига биноан туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала рад этилган тақдирда, у Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун камида бир йилдан кейин қайта киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш палаталарнинг Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимият органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш имкониятидир. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига кўра палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги ўзининг тасдиғига киритилган фармонлари юзасидан қарорлар қабул қилади. Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Ушбу моддага ҳам айрим

тўлдиришлар киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мисол учун, Қонунчилик палатасининг Президентнинг фармонини тасдиқламаса, уни қайта кўриш механизми албатта ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш палаталарнинг ўта масъулиятли ваколатидир. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасига кўра Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини ушбу фармон келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини эса улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмай кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала Қонунчилик палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмасдан Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқарилиши ҳам бу масалада оператив қарор қабул қилинишига хизмат қилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш тўғрисидаги, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарорлари дарҳол Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Палаталарнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ижроия этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини

таъминлашга хизмат қилади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичида кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонунчилик палатаси тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни тайинлайди, Қонунчилик палатасини тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиши “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасида тартибга солинган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги таклифлар Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи юзасидан қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаши инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги катта аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган[1].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарори Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ваколати Олий Мажлиснинг давлатнинг ташқи сиёсатини белгилашдаги муҳим ваколатидир. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу шартнома расмий матнининг тасдиқланган нусхаси ва уни ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқлигининг асосларини ўз ичига олган ҳужжатлар билан биргаликда киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 9, 169

тўғрисидаги Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қарор Сенатга юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатларининг зарур овозлари сонини тўпламаган бўлса ва шу мажлис жараёнида мазкур қарор лойиҳасини Қонунчилик палатасининг қайта кўриб чиқиши учун киритиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ратификация қилиш, денонсация қилиш, тугатиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш таомилидан ўтмаган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасида Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари қуйидагича белгиланди:

1) Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш киради.

Спикер ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини Қонунчилик палатасининг мутлақ ўзи сайлаши унинг мустақил ҳокимияти органи сифатидаги фаолиятининг кафолатларидан биридир. Ўзбекистонда Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлашнинг ўзига хос тартиби ишлаб чиқилди. Марказий сайлов комиссияси раисининг бошчилигидаги сайланган депутатлардан

шакллантириладиган Оқсоқоллар Кенгаши палата Спикери ва унинг ўринбосарларини сайловини объектив ўтказилишини таъминлайди.

«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий Қонунда юқори палатанинг асосий вазифаси Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси сифатида таърифланиши орқали ифодаланган.

Барқарорлик ва назорат омили сифатида консерватив элемент муайян нормаларда ўз ифодасини топди. Биринчидан, Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши ҳақидаги нормада акс этди. Иккинчидан, қонунни қабул қилиш тартибида акс этган бўлиб, унга кўра, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунни Сенат кўриб чиқади ҳамда уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Сенат томонидан рад этилган ва Қонунчилик палатасига қайтарилган қонун, агар қуйи палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан шу қонунни яна маъқулласа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши мумкин. Шунингдек консерватив элементнинг демократиклиги юзага келган келишмовчиликларни келишув комиссияларини тузиш орқали бартараф этиш тартибида акс этган.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (78,80-моддалар) ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунида (8, 9-моддалар) Сенатнинг асосий вазифалари мутлақ ваколатларида ва Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги тасарруфига кирувчи ваколатларида акс эттирилган.

Аввало, шуни таъкидлаш кераккки, мутлақ ваколатлар жумласига, биринчидан, Сенатнинг ички ишини ташкил этиш (масалан, Раисни, унинг

ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; палата фаолиятини ташкил этиш ва ички тартиб қоидалари) масалалари киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш ҳақида бормоқда. Ана шу ваколатлар жумласига шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни ҳам киритиш керак бўлади . Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Сенат Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этишни киритиш мумкин. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш Сенатга берилган янги парламент ваколати ҳисобланади.

Суд ва ижро этувчи ҳокимият органларининг олий мансабдор шахсларини сайлаш, тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалалари бўйича ваколатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар вакиллик ҳокимиятини амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам, ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишда қатнашиш жиҳатидан ҳам сиёсий хусусиятга эга. Президентнинг тақдимига биноан сайлайдиган ва ҳал қиладиган ёки Президентнинг кадрларга оид қарорларини мустаҳкамлайдиган орган ҳуқуқида иштирок этар экан, Сенат шу аснода мазкур қарорлар бўйича Президент билан маъсулиятни бўлашишади ва,

айниқса, Сенат ўзи сайлаш ва тайинлашда бевосита иштирок этадиган мансабдор шахсларга нисбатан назорат қилишга оид вазифалар амалга оширилишига кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисига тааллуқли бўлиб, улар Конституцияга мувофиқ Сенат олдида ҳисобот берадилар.

Мазкур ҳолат «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг ҳудудий белгига кўра ҳамда сиёсий ва бошқа асосда гуруҳлар тузилишини истисно этадиган норма билан мустаҳкамланади. Қонунларнинг лойиҳаларида ва қуйи палатанинг бошқа қарорларида ўз аксини топадиган партиявий ва бошқа гуруҳларнинг сиёсий манфаатлари уларнинг минтақавий ва умумдавлат манфаатларига мувофиқлиги жиҳатидан саралашдан ўтказилади. Умумдавлат манфаатлари ва ҳудудларнинг манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик ва вакиллик ишида акс эттириш билан боғлиқ бошқа вазифаларни Сенат Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда бажаради.

Палаталарнинг биргаликдаги тасарруфига киритилган ваколатлар, аслини олганда, парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи ягона олий давлат вакиллик органи сифатидаги асосий вазифасини акс эттиради. Булар иккала палатанинг тегишли тартиб-таомиллар асосида ўзаро мувофиқлаштирилиб келишилган қарори талаб қилинадиган масалалардир. Мазкур тартиб-таомиллар (палаталарни шакллантиришнинг турли усуллари билан бир қаторда) икки палатали тизимга нисбатан уюштирувчи элементлар ҳисобланади ва бу тизим уларсиз ўзининг бажарадиган мазмунини йўқотади. Мазкур тартиб-таомиллар ёрдамида биргаликдаги тасарруфдаги қуйидаги масалалар ҳал этилиб, уларни тўрт гуруҳга бўлиш керак бўлади: 1) қонунчиликка оид; 2) вакилликка оид; 3) назоратга оид; 4) маъмурий-ҳудудий тузилишга оид. Бундай бўлиш шартлидир ва у тегишли ваколатларни анча қулай - тартибли тасаввур этиш учун хизмат қилади. Биринчи гуруҳни

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ташкил этади. Охирги ваколат назорат қилиш хусусиятига ҳам эга. Яна шуни таъкидлаш керакки, палаталарнинг биргаликдаги тасарруфидаги соҳалар бўйича бир қатор қарорлари қонун воситасида амалга оширилади. Шу сабабли ваколатларнинг қолган тоифалари уларнинг амалга оширилиши мақсадлари асосида фарқланади. Жумладан, иккинчи гуруҳни вакиллик вазифалари билан боғлиқ ва ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий аҳамиятга молик ваколатлар ташкил этади. Чунончи гап Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш ; Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш тўғрисида бормоқда. Бу шунингдек: Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш; Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш ҳамдир.

Ваколатларнинг учинчи гуруҳи парламентнинг вакиллик вазифалари жумласига киритилиши ва Президентнинг сиёсий қарорлари қабул қилинишида иштирокчи сифатида таърифланиши мумкин. Мазкур ваколатлар жумласига: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг

тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни киритиш керак бўлади.

Ниҳоят, ваколатларнинг тўртинчи гуруҳи, булар: Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш; туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартиришдир.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар асосан аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилиши керак. Мазкур қоида Сенатнинг Қонунчилик палатаси қарорларини тасдиқлаш йўлини тийиб туриш, мувозанатни сақлаш, шу тариқа, бутун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг самарадорлигини оширишга даъват этилган орган сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Мувофиқ равишда юқори палатанинг фаолияти пировард натижада ҳокимият бўлиниши тизимида қонунчилик ҳокимиятининг ролини кучайтиришга ва аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашмоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукаммал демократик

тизимини шакллантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлмоғи керак».[1]

Демак, юқори палатани ташкил этиш ғоясига, аввало, бутун парламент фаолияти самарадорлигини оширишнинг, биринчи навбатда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш манфаатларига жавоб берадиган мақсади асос қилиб олинган.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вазифалари қаторига ҳудудий вакиллик вазифалари, ўзаро назорат ва тийиб туриш элементлари, илгари Президентга тегишли бўлган ва ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан тегишли назоратни амалга ошириш имкониятини берадиган айрим сиёсий ваколатлари қўшилади.

Юқори палатага қонунчилик йўли билан бериб қўйилган ваколатлар парламентаризмнинг демократик моҳиятини акс эттиради ҳамда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институционал негизини ривожлантиришдаги янги босқични ифодалайди. Бу парламентнинг қонунчиликка оид ва бошқа қарорларини мушоҳада қилишнинг партиявийликдан, гуруҳларга мансубликдан холи шаклда ифодаланган демократизмнинг анча юксак мезонидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

[1] Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т. 11. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - 224-бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Конституция ва конституциявий қонунларда палаталар ваколатлари, шакллантирилиши ва фаолиятининг энг муҳим принциплари ва нормалари тўла-тўкис мустаҳкамлаб қўйилади.

3-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий -ҳуқуқий масалалари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаёқ юртбошимиз И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз сифатида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш”маърузасида давлатнинг кейинги стратегик йўналишларини депутатлар ва Сенаторлар эътиборига тақдим этди. Маърузасида қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш давлат қурилиши ва бошқаруви соҳаси”

Дарҳақиқат, қонун чиқарувчи орган давлат механизмида асосий ўрин тутиши исбот талаб қилмайдиган ҳол. Бунинг сабаби шундаки, у ижро этувчи ҳокимият амалга ошириши лозим бўлган ва суд ҳокимиятининг фаолияти учун қонунчилик асоси бўлиб хизмат қиладиган умуммажбурий талабларни ўрнатади. Шунингдек, Олий Мажлис назорат-таҳлил, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолият олиб боради”[1].

[1] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Халилов Э.Х. Парламент Узбекистана на современном этапе развития страны. // Право. №1. - 1998. – 8-11-бетлар.

Шубҳасиз, парламентимизнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда демократиялашга йўналтирилган йирик ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо қилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари қабул қилинди[1]. Лекин мазкур ҳужжатда Олий Мажлис фаолиятининг фақат қонунчилик, назорат-таҳлил фаолияти ва ўтказадиган тадбирлари кўрсатилган. Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девонининг Назорат-ахборот бўлими томонидан амалга оширилади.

2005 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 63 та қонун лойиҳаларини қабул қилиш режалаштирилган. Шулардан 25 таси ишлаб чиқиладиган, 6 таси янги таҳрирда киритиладиган ва 32 таси амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритшга оид қонунлар лойиҳаларидир.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш Қонунчилик палатаси ишини тўғри ташкил этиш масалалари билан бевосита боғлиқдир. Қонунчилик палатаси ваколатларининг самарали бажарилиши уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этилишини тақозо этади.

Қонунчилик палатаси ишини ташкил қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири – бу депутатлар ўртасида вазифаларнинг тўғри тақсимланишидир. Одатга кўра, бошқа давлатларда ҳам вазифалар қуйи палата таркибидаги раҳбар шахслар ва девон ходимлари борлигини назарда тутган ҳолда тақсимланади. Палатанинг юқоридаги таркиби чет давлатлар тажрибасига хос бўлиб, унинг ишини унумли ташкил этишда раиснинг роли айниқса муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери:

Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

[1] “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 20 апрелдаги 50-I-сонли Қарори

Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

- Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади;

- Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

- Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

- Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

- Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;

Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

- Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

- Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;

- Қонунчилик палатаси девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди ва ҳ.к.

Қонунчилик палатаси Спикери ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли. Қонунчилик палатаси

Спикери ваколатларининг кенглиги унинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларини тўғри тақсимлашни тақозо қилади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради деган қоида мустаҳкамланган. Умуман, қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатларининг вазифаларни бажариш Қонунчилик палатаси девони ходимлари томонидан қатор тадбирларни амалга оширишини тақозо қилади.

Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишда унинг девонининг ўрни каттадир. Чунки Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Қонунчилик палатаси девони амалга оширади. Қонунчилик палатасининг девони палата раҳбарияти ҳузуридаги котибиятни, қўмиталар билан ишлаш, юридик, назорат-ахборот халқаро алоқалар, матбуот ва таржималар, умумий бўлим ва бухгалтерияни ўз ичига олади

Қонунчилик палатасининг девони бўлимлар шунингдек, қўмиталар билан ишлаш, юридик хулоса бериш, назорат-ахборот, халқаро алоқаларни йўлга қўйиш ва бошқа муҳим ташкилий ва ахборот вазифаларини амалга оширади. Парламент ишини ташкил этишнинг Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, парламент девони ишини тўғри ташкил этиш унинг вазифаларини самарали амалга оширишнинг кафолатидир. Парламент аппарати ходимлари мансаб инструкцияларини ишлаб чиқиш бу борадаги долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий шакли – бу унинг мажлисларидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, Марказий банк бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Шунинг учун

депутатларни мажлисларда мунтазам ва самарали иштирокини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, Қонунчилик палатаси коллегиал орган бўлиб, унинг ваколатларига доир масалалар албатта депутатларнинг биргаликдаги муҳокамаси унинг фаолияти асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси мажлисларидаги масалалар бўйича овоз бериш шакл ва услубларини белгилаш катта аҳамиятга эга. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига кўра Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном, овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Қоида тариқасида, Қонунчилик палатаси мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни Қонунчилик палатаси депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига кўра Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Миллий қонунчилигимизда бу вазифаларни амалга ошириш учун қўмиталар ташкил қилинса, бир қанча хорижий мамлакатларда (Япония, Франция, Италия) бу вазифалар комиссиялар томонидан амалга оширилади[1].

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда

[1] Конституции зарубежных государств.Учебное пособие. Москва: “Бек”, стр.50-55, 60-61.

сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

“Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуни 7-моддасининг учинчи қисмига кўра Қонунчилик палатасида регламент; бюджет, банк ва молия масалалари; иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; меҳнат ва ижтимоий масалалар; мудофаа ва хавфсизлик масалалари; халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари тузилиши шарт. Қонунчилик палатасида бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкинлиги кўрсатилиб, уларнинг умумий сони, қоида тариқасида, ўнтадан ошмаслиги кераклиги мустаҳкамланган.

Мазкур қоидага асосан Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Саноат, қурилиш, ва савдо масалалари, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари тузилган[1].

Шунингдек, Қонунчилик палатаси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясини тузилган. Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Парламентлардаги қўмиталар сони, номи ва ваколатларини белгилашда уларнинг фаолияти давлат сиёсатининг барча жабҳаларини қамраб олишидан келиб чиқилади. Бундай ёндашув натижасида хорижий давлатлар парламентлари қўмита ва комиссияларининг сони айтарли даражада салмоқли бўлади. Мисол учун, Япония “Парламенти тўғрисида”ги қонуннинг 42-моддасига кўра Маслаҳатчилар палатасида адлия, ташқи сиёсат, молия, маориф, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий маъмурият, ижтимоий муаммолар, меҳнат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва сув хўжалиги, савдо ва саноат, алоқа, транспорт, қурилиш, шунингдек, бюджет, тафтиш, интизомий ва парламентда

[1] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг қўмиталари тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 14-I-сонли қарори.

ишни ташкил этиш масалалари бўйича комиссиялар тузилади. АҚШ Конгрессида палаталарнинг (солиққа тортиш, иқтисод, Конгресс кутубхонаси, нашрлар бўйича) 4 та умумий ва ҳар бирининг таркибида (Сенатда – 16 та, Вакиллар Палатасида – 22 та) кўплаб қўмиталар тузилган.

Италия, Франция ва бошқа давлатларнинг парламентларида ҳам турли комиссиялар тузилади. Бироқ, комиссияларнинг сони қанчалик кўп бўлмасин, улар давлат томонидан тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб ололмайдилар. Шунинг учун комиссияларнинг номи уларнинг фаолият соҳаларидан кенгроқ бўлиши мумкин. Мисол учун, қурилиш бўйича комиссиялар нафақат қурилиш, балки ердан фойдаланишни режалаштириш, картография, топография масалалари билан ҳам шуғулланадилар[1].

Ўз зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариши учун Ўзбекистон қонунчилигида қўмиталарга кенг ваколатлар берилган. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддасига кўра Қонунчилик палатаси қўмиталари:

ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

[1] Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. Москва “ Бек”. 1 – 2.- М., 1996, С. 456.

Қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакилларининг улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитади;

киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади. Ривожланган давлатлар тажрибасидан аён бўладики, ушбу ваколатларни амалга ошириш жараёнида парламент қўмиталари қонунчилик, назорат ва ахборот тўплаш функцияларини амалга оширадилар.

Ўзбекистонда қонун матни кўриб чиқиш учун қўмитага берилганидан сўнг, у ўз таркибидан маърузачини тайинлайди. Маърузачи ушбу қонуннинг моҳиятини кўриб чиқувчи қўмита мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши ва қўмита томонидан киритилган тузатишларни ҳимоя қилиши мумкин. Тайинланиши биланоқ маърузачи матн устида ишлашни бошлайди. Унга палата девонининг ходимлари салмоқли ёрдам кўрсатади. У матн муаллифлари, шунингдек, лозим деб топган бошқа мансабдор ва жисмоний шахсларни эшитади. Булар давлат мансабдор шахслари, хусусий сектор, касаба ва бошқа

жамоат ташкилотлари вакиллари бўлишлари мумкин. Зарур бўлган барча ахборотларни тўплаб, қонун матнининг ҳар бир моддасини таҳлил қилиб, маърузачи ўз фикрини тақдим қилади, шундан кейин масала қўмита кун тартибига қўйилади.

Умумий муҳокамани бошлашдан олдин, одатда, қўмита мажлисида манфаатдор шахс ўз фикрини баён қилади ва депутатлар саволларига жавоб беради. Кейин маърузачининг нутқи ҳар бир аъзо ўз фикрини баён қилиши мумкин бўлган умумий муҳокамани очиб беради. Муҳокамадан сўнг доимий қўмита матнни моддама-модда ўрганишга ўтади. У маърузачи ва доимий комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан билдирилган таклифлар бўйича қарор қабул қилади. Якунида матн овозга қўйилади ва қўмита қарори қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Демак, мамлакатимиз парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, депутатлар бирлашмаларининг икки шакли-фракциялар ва депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Лекин, бундан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳар бири фракция ёки депутатлар гуруҳи аъзоси бўлиши керак, деб хулоса қилиш керак эмас. Бинобарин,

сайланган депутат ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳам ҳақли.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига биноан Қонунчилик палатасида бугунги кунга қадар бешта сиёсий партия фракциялари тузилди. Булар Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – 40 кишидан иборат[1], Ўзбекистон Халқ демократик партияси – 27 кишидан иборат[2], Фидокорлар миллий-демократик партияси – 18 кишидан иборат[3], Миллий тикланиш партияси – 11 кишидан иборат[4], "Адолат" социал демократик партияси – 10 кишидан иборат[5] фракцияларидир.

Қонунчилигимизнинг эътиборга лойиқ жиҳатларидан яна бири шуки, Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳларининг ваколатлари доираси сиёсий партиялар фаркцяилари ваколатлари доирасига тенглаштирилди. Айни чоғда, уларнинг фракциялар билан бир қаторда ва улар билан тенг равишда иш юрита олишининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Булар, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасида муфассал ифодасини топди. Унга кўра, фракция ва депутатлар гуруҳи:

1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади;

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 9-I-сонли қарори.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 10-I-сонли қарори.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Фидокорлар миллий-демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 11-I-сонли қарори.

[4] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига “Миллий тикланиш» партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 12-I-сонли қарори.

[5] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига “Адолат» социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 13-I-сонли қарори.

2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;

3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўяди;

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади;

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади;

6) палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади;

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

8) ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўяди;

9) фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси - Меҳнат ва ижтимоий масалалар, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари; Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси – Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Саноат, қурилиш,

ва савдо масалалари қўмиталари; Фидокорлар миллий-демократик партияси - Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари, “Миллий тикланиш” партияси фракцияси – Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси – Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар, сайловчилар ташабускор гуруҳлари учун – демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари раислари лавозими тақсимланди[1].

Парламент ишчи органларини шакллантириш ва таркибини белгилашда партиялар иштирокини таъминлаш уларнинг фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутади. Мисол учун, Франция қуйи палатаси регламенти билан доимий комиссиялар аъзоларининг сони турлича белгиланган. Маданият, оила ва ижтимоий муаммолар ҳамда ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бўйича комиссияларда Миллий Мажлис таркибининг тўртдан бири, яъни 145 та депутат, қолган тўрттасида эса унинг саккиздан бир қисми фаолият юритиши мумкин. Одатда, уларнинг таркибини сиёсий партиялар белгилаб, парламентдаги аъзоларининг тўртдан бирини иккита комиссияга, қолганларини бошқа комиссияларга тенг тақсимлашади. Яъни, парламент сиёсий партиялар гуруҳларининг раҳбарлари қуйи палата раисига ўз номзодларини тақдим қилишади. Депутатларнинг исми-шарифлари «Journal Officiel»да нашр қилиниши билан улар тайинланган деб ҳисобланади. Ушбу қоида ҳар бир сиёсий партия, яъни турли ижтимоий табақалар манфаатларини рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратади. Бундай йўл билан шаклланган комиссияларда иш жадал олиб борилади.

Шунингдек, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

[1] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг қўмиталари тўғрисида”ги 2005 йил 27 январдаги 14-I-сонли қарори.

-Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;

-Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

-тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш;

-Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

-Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

-Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони томонидан таъминланади.

Фракция ва депутатлар гуруҳи ўз ташаббуси билан, Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда, улар таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда тугатилиши мумкин.

4-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятини ташкил этиш тартиби

Сенат фаолиятини тартибга солувчи ҳужжат «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир. Қонун тўққизта бўлимдан иборат ва ўттиз тўртта моддани бирлаштиради.

Ушбу Қонун Сенат томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос ҳисобланади. Сенат фаолиятини ташкил этиш принциплари ва ташкилий шакли, Раисни ва унинг ўринбосарларини сайлаш ва муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тартиби, Сенат Кенгаши, унинг қўмиталари ва комиссияларини тузиш тўғрисидаги қоидалар акс эттирилган. Қонунда Сенат мажлисида масалаларни, қонунларни ва палата қарорларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш, мансабдор шахсларни ўз ваколатларига мувофиқ тайинлаш (сайлаш); Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ҳамда Конституция билан палатанинг биргаликдаги ва мутлақ ваколатига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Шунингдек, қонунда Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатларни, халқаро алоқаларни амалга ошириш тартиби ва харажатлар сметасининг тасдиқланиши тартибга солинган.

Сенатга доир ҳуқуқий манбалар тизимида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни[1] алоҳида ўрин тутади. Қонун учта бўлимдан иборат бўлиб, 65 та моддани қамраб олади.

Мазкур бўлимда Сенатни шакллантиришнинг умумий конституциявий таърифи берилган. Қуйидаги, яъни: сайлов ўтказиш муддатлари; Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар ; сайловни ташкил этишнинг умумий тартиби каби нормалар белгиланган. Сайлов якунлари хусусида якунларни чиқариш, улар устидан шикоят бериш ва Сенатни шакллантириш якунларини эълон қилиш тартиби белгиланган. Такрорий сайлов ўтказиш зарурияти юзага келадиган шарт-шароитлар ва уни ўтказиш тартиби аниқланган. Бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларининг сайловини

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. - 1994. - №1. - 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 1998. - №3. - 38-модда; 1999. -№9. 206-модда; 2000. - № 5-6, - 153-модда.

ўтказиш тартиби белгилаб қўйилган. Шунингдек белгилаб қўйилганки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади .

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Референдум якунлари ва давлат жамияти ташкил этишнинг асосий принциплари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида»ги Конституциявий Қонунлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунлар Сенатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турувчи манбалардир.

Сенатнинг тузилмавий-функционал тизими асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс эттирилган. Жумладан. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан тузатиш ва кўшимчалар киритилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддаси Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари мисолида палата раҳбариятини шакллантириш тартибини, Раиснинг ваколатларини белгилаб беради. 87-модда эса Сенатнинг муҳокамага киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлашини (шакллантиришни)

тартибга солади. Сенат зарур ҳолларда муайян вазифаларни бажариш учун сенаторлар орасидан комиссиялар ҳам тузиши мумкин.

Сенатнинг ўз таркибида Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари, Кенгаш, қўмита ва комиссияларни қамраб олади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига биноан Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очадиган ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унга раислик қиладиган биринчи мажлисида муваққат котибият ва саноқ комиссияси сайланади. Кейин электрон тизимдан фойдаланиш устидан муваққат назорат қилиш гуруҳи сайланади ва Сенат Раиси ҳамда унинг ўринбосарларини сайлаш маросимига киришилади.

Сенат Раислигига ва унинг ўринбосарлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан кўрсатилади .

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида сенаторлар умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса Сенат Раиси ёки унинг ўринбосари этиб сайланган ҳисобланади. Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси вакили бўлиши лозим .

Сенат Раиси ўз лавозимидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан унинг ўринбосарлари эса яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан муддатидан олдин озод этилиши мумкин. Сенат Раиси ёки унинг ўринбосарларини лавозимидан муддатидан олдин озод этиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига ёки сенаторлар умумий сонининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан Сенат томонидан кўриб чиқилади.

Сенат Раиси Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади; Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; Сенат маъқуллаган қонунларни имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади; Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради; Сенат Раисининг

ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди: парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади; Қонунчилик палатаси. бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради ; Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди.

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва Сенат қўмиталарининг раислари киради.

Сенат Кенгашига Сенат Раиси раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

Кенгашнинг қатор аниқ функциялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам назарда тутилган. Улардан бири масалан. палата мажлисининг кун тартиби лойиҳасини тайёрлашдан иборатдир. Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳаси Сенат мажлисида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар ва уларнинг кўриб чиқилиши навбати ҳар бир масалани кўриб чиқишга тайёрлаш учун масъул бўлган палата қўмиталари, маърузачи шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда Сенат Кенгаши томонидан шакллантирилади. Сенат Мажлисининг кун тартиби палатанинг қарори билан тасдиқланади.

Конституция, қонунлар ва карорларнинг кўриб чикилиши тартибига биноан масъул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига такдим этилиб, Кенгаш Қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул килади.

Шунингдек, Сенат мажлисларининг оралиғида унинг Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг сенаторни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки унга нисбатан суд

тартибида қўлланиладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномалари ҳам кўриб чиқилади.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини тузиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тизимидаги палатанинг мақсад ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилади. Ўз фаолиятини ташкил этиш ва ички тартиб коидаларига боғлиқ масалалар юзасидан юқори палата мутлақ ваколатларга эга эканлиги, шунингдек, уларнинг регламент шаклида тасдиқланипш муносабати билан ушбу тузилма ниҳоятда ихчам таркиб топади. Шунинг учун унинг Сенат Раиси, Раис ўринбосарлари. Кенгаш. қўмиталар ва комиссиялардан иборат базавий тузилмаси Сенат иши давомида юзага келган эҳтиёжларга боғлиқ ҳолда қўшимча штатларга эга бўлиши мумкин.

Сенат қўмиталари ва комиссиялари конституциявий мақомга эга. Бунда қўмиталар амалда Сенатнинг доимий фаолият юритувчи таркибий бирлиги ҳисобланади.

Биринчиси - Сенатга киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш. Иккинчиси - Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиб бориш.

Қўмиталар раис, унинг ўринбосарлари ва қўмита аъзоларидан иборат таркибда сенаторлар орасидан палатанинг ваколатлари муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида регламент бўйича, бюджет ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича. ташкилий-маъмурий масаллар бўйича, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича, мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича, ташқи сиёсий масалалар бўйича қўмиталар тузилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Ргспубликаси Қонунининг 7-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қўмиталардан ташқари бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкинлигига йўл қўяди, аммо барибир уларнинг сонини, қоида тариқасида, саккизтадан кўпайтирмаслиги шарт.

Сенат қўмиталарини шакллантиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши шу билан кифояланади.

5- §.Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни

Қонун чиқариш функцияларини амалга ошириш парламент, парламент палаталарининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳокимиятни тақсимлаш принципи шуни назарда тутадики, жамият барча ижтимоий табақаларининг манфаатларини, бутун миллат манфаатларини тўлиқ ифода этувчи парламентлар бошқа давлат органлари томонидан чиқариладиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан каттароқ юридик кучга эга бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишлари лозим. Айнан парламентлар томонидан қабул қилинувчи қонунлар бошқа барча давлат органлари учун зарур ҳуқуқий негизни вужудга келтиради, мазкур органларнинг ўзаро ҳамда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан муносабатларини белгилаб беради. Хуллас, қонунлар давлат ва жамият ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам қонун чиқариш жараёнини, унинг субъектлари мақомини, қонун чиқариш жараёнининг босқичларини ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Расмий нуқтаи назардан қонун чиқариш жараёни ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар (тартиб-қоидалар)нинг мураккаб тизими бўлиб, уларнинг натижаси ўлароқ қонун яратилади[1]. Мазкур тартиб-қоидалар мажмуи қонун чиқариш жараёнининг босқичларини ташкил этади.

Қонун чиқариш жараёни босқичларининг аҳамияти шундаки, мазкур босқичларнинг ҳар бирининг мазмунини ташкил этувчи, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган барча тадбирларини амалга оширишгина юқорида зикр этилган жараённинг навбатдаги босқичига ўтиш имконини беради. Қонун чиқариш жараёнининг босқичларига олим П.А. Рустамов томонидан берилган таърифга умуман олганда қўшилиш мумкин: «Мазкур жараён босқичлари - қонун лойиҳаларини тайёрлаш, киритиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва

[1] Бу ҳақда қаранг: Законодательный процесс. Понятие. Институты. Стадии. Научно-практическое пособие / Отв. ред. Р.Ф. Васильев. – М., 2000.

қонунларни эълон қилиш бўйича юридик аҳамиятга эга бўлган ва тартиб-қоидаларга асосан расмийлаштирилган тадбирлар мажмуи». Тўғри, мазкур таъриф қонун чиқариш жараёнининг босқичларига қонун лойиҳасини тайёрлаш босқичини ҳам киритади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, бу қараш баҳсли бўлиб, у «қонун чиқариш жараёни» тушунчасининг кенг талқинидан келиб чиқади. Қонун лойиҳасини парламентга киритиш мазкур жараённинг дастлабки босқичидир.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг асосларини белгилайдиган муҳим қоидалар, аввалambор, конституцияларда, махсус қонунларда мустаҳкамланади, қонун чиқариш жараёнининг босқичлари парламент ва унинг палаталари регламентларида муфассалроқ тартибга солинади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини рўёбга чиқариш қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи деб эътироф этилади.

Аввалambор, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи деганда нима тушунилишини аниқлаб олиш керак. Юридик адабиётларда мазкур масала юзасидан якдиллик мавжуд эмас.

Биринчидан, юқорида қайд этиб ўтилганидек, айрим муаллифлар

қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичини қонун чиқариш жараёнининг биринчи босқичи деб ажратишни таклиф қиладилар, бошқа муаллифлар эса қонун қабул қилиш эҳтиёжини аниқлаш, қонун чиқариш жараёнини прогноз қилиш тўғрисида сўз юритадилар[1]. Аммо шуни назарда тутиш керакки, бу ерда икки тушунча: қатъий юридик аҳамиятга эга бўлган «қонун чиқариш жараёни» тушунчаси ҳамда умумижтимоий аҳамиятга эга бўлган «қонун ижодкорлиги» тушунчаси аралаштириб юбориляпти. Қонун қабул қилиш эҳтиёжини аниқлаш, прогноз қилиш қонун чиқариш жараёнининг босқичларига эмас, балки қонун ижодкорлиги соҳасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (2003 йилги) Регламентининг 66-моддасида мазкур масала қуйидагича ҳал қилинади: қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи янги қонунлар лойиҳаларини, амалдаги

[1] Қаранг: Законодательный процесс, с. 179.

қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини, янги қонунларни қабул қилиш ёки амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни (қонун чиқариш тўғрисидаги таклифларни) киритиш шаклида амалга оширилади[1].

Конституциянинг 83-моддасида «қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади», деб кўрсатилган. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг мазмунини ёритувчи мазкур таъриф янги парламент палаталарининг регламентларида ўз аксини топган. Жумладан, Қонунчилик палатаси Регламентининг 12-моддасига мувофиқ, қонун лойиҳаси палатага қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилади. Бунда қуйи-дагилар тақдим этилиши керак: а) қонун лойиҳасига унинг концепцияси баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати; б) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси; в) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши лозим бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати; г) моддий харажатларни талаб қиладиган қонун лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар; д) молиявий қонунларниг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мазкур ҳуқуқ субъектлари томонидан киритилган қонун лойиҳаси парламент томонидан кўриб чиқилиши шартлигини билдиради. Тўғри, қонунни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласини парламент ҳал қилади: парламент мазкур қонунни қабул қилишга мажбур эмас, аммо у (унинг ваколатли органи) киритилган лойиҳани кўриб чиқиши шарт. Шунинг учун ҳам *қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари* доираси тўғрисидаги масала муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳуқуқ субъектлари рўйхати, қоида тариқасида, конституцияларда белгиланади.

[1] Шундай қилиб, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичлари қонун чиқариш жараёни доирасидан четда қолади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг мазмунини ёритишга нисбатан мазкур ёндошувга қўшилиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг анча кенг доираси белгиланган. Конституциянинг 83-моддасига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эга.

Қонун билан тасдиқланган Қонунчилик палатасининг Регламентининг 13-моддасига мувофиқ, палатага келиб тушган қонун лойиҳасини палата Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган масъул қўмитага топширади. Мазкур қўмита қонун лойиҳасини кўриб чиқишга қабул қилиш мумкинлиги ёки уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш зарурлиги тўғрисида палата Кенгашига белгиланган муддатда хулоса тақдим этади. Палата Кенгаши масъул қўмитанинг хулосаси асосида қонун лойиҳасини палата кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки у белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. Аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин қонун лойиҳаси палата кўриб чиқиши учун янгитдан киритилиши мумкин. Агар тегишли масала бўйича қонун лойиҳаси палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган бўлса, айни шу масала бўйича бошқа қонун лойиҳаси палата кўриб чиқиши учун қабул қилинмайди. Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинганда палата Кенгаши қонун лойиҳасини палата мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш муддатини белгилайди. Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли материаллар билан палата қўмиталарига юборилади. Қонунчилик палатасининг Регламентига «Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш» деб номланган махсус модда киритилган бўлиб, унда қонун лойиҳасини масъул қўмита томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни палатада биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш тартиби белгилаб қўйилган. Қонун лойиҳасини қўмитада муҳокама

қилиш очиқ, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади. Агар палата Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, масъул қўмита қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан икки ой ичида уни ўз хулосасини ҳамда палата Кенгашининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун палата киритиш тўғри-сидаги қарорининг лойиҳасини илова қилиб, палата Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир қатор давлатлар (Россия, Ўзбекистон ва бошқалар)да қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш парламент тажрибаси қонунчилик ташаббуси босқичидан кейин *қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш босқичини* ажратиш имконини беради. Мазкур босқич асосан киритилган қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар ва таклифларни палатанинг бош (масъул) қўмитаси томонидан умумлаштириш ҳамда қонун лойиҳаси ҳақида хулоса тайёрлашни назарда тутади. Мазкур босқич қонун лойиҳасининг кейинги тақдири учун муҳим аҳамиятга эга: салбий хулоса чиқарилган тақдирда қонун лойиҳаси палатада қўллаб-қувватланиши эҳтимоли жуда кам.

Қонун лойиҳасини парламент (унинг палатаси)да кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш ҳамда уни такомилига етказиш қонун чиқариш жараёнининг навбатдаги босқичидир. Мазкур босқич парламент, унинг палаталари мажлисларида қонун лойиҳаси устида ишлашни (одатда бу иш қонун лойиҳасини ўқиш деб аталади), шунингдек қонун лойиҳаси устида парламент қўмиталари ва комиссияларида иш олиб боришни ўз ичига олади.

Қонун лойиҳалари пленар мажлисларда, қоида тариқасида, бир нечта (икки, уч, тўрт) ўқишда кўриб чиқилади. Ҳар бир ўқишнинг ўз мақсади ва ўз вазифалари бўлади.

Масалан, ГФР Бундестагининг регламентига мувофиқ, қонун уч ўқишда кўриб чиқилади. Биринчи ўқиш таклиф қилинаётган қонуннинг маъноси ва мақсадини муҳокама қилишга мўлжалланган. Биринчи ўқишдан кейин қонун лойиҳаси овозга қўйилмасдан тегишли қўмитага юборилади. Иккинчи ўқишда

лойиҳа моддама-модда муҳокама қилинади ва овозга қўйилади. Учинчи ўқишда муҳим масалалар ва тузатишлар муҳокама қилинади ва шундан сўнг лойиҳа якуний овозга қўйилади[1].

Қабул қилинган қонун лойиҳасини парламентнинг иккинчи палатасида кўриб чиқиш икки палатали парламентлардаги қонун чиқариш жараёнининг навбатдаги босқичидир. Зеро, бир палатали парламентда қонунни қабул қилиш охирги марта овозга қўйиш орқали амалга оширилади (у биринчи ўқишдан кейин ҳам, иккинчи, учинчи, тўртинчи ўқишдан кейин ҳам ўтказилиши мумкин). Икки палатали парламентда эса қонун лойиҳаси айни бир таҳрирда иккала палата томонидан қабул қилинган ҳолдагина қонунга айланади (аммо баъзан палаталардан бири қайта овозга қўйиш орқали бошқа палата томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасини маъқулламаган иккинчи палатанинг «вето»сини енгиши ҳам мумкин).

Қонун ижодкорлиги соҳасида парламент палаталарининг ваколатлари тенг бўлиши ёки жиддий фарқ қилиши мумкин. Масалан, АҚШ Конгрессининг палаталари умуман олганда ҳар хил ваколатларга эга. Айтайлик, молия соҳасидаги қонун лойиҳалари фақат вакиллар палатасига киритилиши мумкин. Сенат халқаро шартномаларни ратификация қилиш, президент томонидан тайинланган давлатнинг олий мансабдор шахсларини тасдиқлаш ҳуқуқига эга. Аммо қонун ижодкорлиги соҳасида палаталар деярли тенг ҳуқуқлидир: барча қонунлар иккала палатанинг розилиги билан қабул қилинади. Барча қонун лойиҳалари уч ўқишдан ўтади. Бир палата томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси бошқа палатага кўриб чиқиш учун юборилади ва бу ерда кўриб чиқиш ва муҳокама қилишнинг айни ўша босқичларидан ўтади. Агар лойиҳа матнига тузатишлар киритилган бўлмаса, у палаталарнинг раислари томонидан имзоланганидан сўнг Президентга топширилади. Россияда парламент палаталари қонун чиқариш фаолияти соҳасида ҳам ҳар хил ваколатларга эга: барча қонунлар қуйи палата (Давлат Думаси) томонидан қабул қилинади, яъни айни ҳолда қонун лойиҳаси ҳақида эмас, балки Давлат Думаси томонидан қабул

[1] Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 3. Особенная часть, М. “ Бек”с. 387.

қилинган қонун ҳақида сўз юритилади («Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қонун» тушунчаси қонун чиқариш жараёнидаги муҳим босқични акс эттиради). Юқори палата (Федерация Кенгаши)нинг вазифаси шундан иборатки, мазкур палата Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қонунни маъқуллайди (овоз бериш орқали ёки «сукут сақлаш» орқали (яъни ўн тўрт кун ичида Федерация Кенгаши томонидан кўриб чиқилмаса) ёки рад этади. Бунда қайси масалаларга тааллуқли қонунларни Федерация Кенгашида кўриб чиқиш мажбурийлиги Конституцияда белгилаб қўйилган (федерал бюджет, федерал солиқлар ва йиғимлар, уруш ва тинчлик масалалари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар).

Палаталар қонун чиқариш фаолияти соҳасида тенг ҳуқуқларга эга бўлган ва улар ўртасида қонунни қабул қилиш юзасидан келишмовчиликлар чиққан ҳолларда муросага келтириш тартиб-қоидалари қўлланади.

Конституциянинг 84-моддасига мувофиқ: а) қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиши лозим; б) Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади ва агар қонунни қайта кўриб чиқишда палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун парламент томонидан қабул қилинган ҳисоб-ланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Рес-публикаси Президентига палата томонидан юборилади; в) Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак. Конституцияга ўзгартишлар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш парламентнинг ҳар бир палатасидаги умумий овозлар сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозини талаб этади. Одатдаги қонунлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентлари, Конституция, конституциявий қонунларнинг қоидаларига

мувофиқ, Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун лойиҳасининг Сенатда ўтишини, юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузиладиган келишув комиссияси ишининг тартиб-қоидаларини (қонун Сенат томонидан рад этилган ҳолда), шунингдек қонунни палаталар томонидан қайта кўриб чиқиш тартибини ва бошқа масалаларни тартибга солади.

Сенатга келиб тушган қонун рўйхатга олинади ва Сенат Раиси томонидан қонунни кўриб чиқадиган ҳамда унинг юзасидан хулоса тайёрлайдиган қўмитага топширилади. Сенатнинг мажлисида қонунни кўриб чиқиш маърузачининг масъул қўмита хулосасини ўқиб эшиттиришидан бошланади. Шундан сўнг қонун муҳкамаси тартибида сенаторлар сўзга чиқишлари мумкин. Қонун Сенат томонидан белгиланган кўпчилик овоз билан маъқулланса, имзоланиши ва эълон қилиниши учун белгиланган тартибда республика Президентига юборилади. Рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссияси тузиши мумкин.

Мазкур комиссия тенглик асосида тузилади. Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан сайланган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссия ҳамраисларини сайлайдилар. Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси ўз ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилади. Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳа-сининг матни илова қилинади. Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади. Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши керак. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган такифларгина муҳокама қилинади. Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси, Сенат келишув комиссиясига янги таклифларни тақ-дим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни

ино-батга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак. Сенат томонидан рад этилган, шунингдек республика Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонунни Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Мазкур тартибга мувофиқ, масъул қўмита рад этилган қонун юзасидан хулоса беради. Масъул қўмитанинг хулосасини олганидан сўнг палата қонунни қайта кўриб чиқиш масаласини ўз мажлисининг кун тартибига киритади. Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Қонунни имзолаш ва эълон қилиш - қонун чиқариш жараёнининг охирги босқичи. Моҳият эътибори билан, мазкур босқич икки ёки уч босқични ўз ичига олади. Мазкур босқични тавсифловчи юқорида зикр этилган тадбирлар парламентдан ташқарида амалга оширилади. Фақат Буюк Британияда ҳамда парламент тушунчасига нафақат унинг палаталари, балки давлат бошлиғи ҳам кирадиган мамлакатларда қонунни имзолаш ва эълон қилиш босқичи парламент доирасида амалга оширилади[1].

Парламент томонидан қабул қилинган *қонунни имзолаш* масаласига тўхталамиз. Одатда, бу давлат бошлиғининг ваколатларига киради. Чет эл давлатларининг конституцияларида, юридик адабиётларда ***«промульгация»*** атамасини учратиш мумкин. “Промульгация” деганда баъзан қонунни имзолаш ва эълон қилиш тушунилади. Аммо мазкур атаманинг янада аниқроқ маъноси шундан иборатки, “промульгация” давлат бошлиғининг, шу жумладан, қонунни расмий эълон қилиш тўғрисидаги фармойиши ифодаланган махсус ҳужжат чиқаришини назарда тутади. Давлат бошлиғи томонидан чиқарилган мазкур

[1] Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран.Т. 1-2. Общая часть, М.” Бек” с. 547.

ҳужжат (фармон, буйруқ)нинг матни расмий нашрларда эълон қилинаётган қонун матнидан олдин келади[1].

Бир қатор давлатларнинг конституциялари давлат бошлиғига қонунни имзоламасдан унга *вето* қўйиш, яъни қонунни парламентга қайтариш ҳуқуқини беради. Бунда конституциялар қонунни рад этиш учун асосларни кўрсатмаслиги, давлат бошлиғидан ўз қарорини асослашни талаб қилиши мумкин. Ҳозирги парламентаризм амалиётига ветонинг фақат бир тури – парламент томонидан бекор қилиниши мумкин бўлган *нисбий вето* маълум. Мутлақ вето (у Буюк Британияда маълум бўлиб, охирги марта 1707 йилда қўлланилганига қарамай, ҳозиргача расман сақланиб келмоқда) қонунни узил-кесил рад этади ва парламент томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Баъзи бир мамлакатлар (Португалия, Мексика ва бошқалар)да қисман вето қўлланилади. Мазкур вето бутун қонунга эмас, балки унинг алоҳида моддаларига тегишли бўлади. Россияда Конституцияга мувофиқ президентга берилган вето ҳуқуқидан, амалиётга қараганда, президент бутун қонун билан ҳам, унинг алоҳида моддалари билан ҳам келишмаган ҳолларда фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган қонунни имзоламаслик ва унга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун парламентга қайтариш ҳуқуқига эга. Президент ветоси нисбий хусусиятга эга ва парламент томонидан бекор қилиниши мумкин. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун палатада қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: 1) қонунни Президентнинг мулоҳазаларини ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш; 2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик; 3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда палата депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади. Сенат (сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки

[1] Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран.Т. 1-2. Общая часть, М.” Бек” с. 550.

қисмидан иборат кўпчилик овози билан) қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар қонун Сенат томонидан маъқулланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак. Ўзбекистон Республикаси (ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган) Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ, қонунларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Мазкур қоидалар Олий Мажлис палаталарининг қонунлар билан тасдиқланган регламентларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси қонун чиқаруви орган номи нима деб аталади?

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қандай шакллантирилади?

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ваколатларини санаб беринг?

4. Сенат сўзининг луғавий маъноси нима?

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қандай шаклланади?

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятини ташкил этиш тартиби қандай?

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қандай қўмиталари мавжуд?

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш тартиби қандай?

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг қандай ваколатларини биласиз?

10. Олий Мажлис палаталари қандай ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади?

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаси қандай кўриб чиқилади?

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фракция ва блоклар қандай тартибда тузилади?

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси қандай сайланади?

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида қандай қўмиталар мавжуд?

XXV-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ВА СЕНАТ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§ .Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақоми

2-§. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашри депутатларининг ҳуқуқий ҳолати

3-§. Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари

4-§. Депутат ва сенаторни чақириб олиш асослари ва тартиби

1-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақоми

Мустақилликка эришилгандан кейин қисқа давр ичида Ўзбекистонда парламент ваколатларини такомиллаштиришга қаратилган, депутатлар ҳуқуқлари, мажбуриятлар ҳамда ваколатларини тўлдирадиган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, бу ислоҳотлар:

биринчидан, қонунчилик фаолиятини самарадорлигини ошириш;

иккинчидан, парламент назорати вазифаларини кенгайтириш ва кучайтириш;

учинчидан, парламент фаолиятида регионлар ролини кучайтириш;

тўртинчидан, парламентни барқарор ишлаши учун кафолатлар тизимини яратиш;

бешинчидан, депутатларнинг профессионал сифатларини ва умуман, парламентаризм маданиятини ривожлантиришга қаратилгандир.

Парламент ташкилий жиҳатдан кенг тармоқли бўлганлиги сабабли ҳам давлат ҳокимияти тизимида, умуман давлатчиликда алоҳида ўрин тутади.

Парламент палаталарини шакллантириш усули парламент аъзосининг номланишида ҳам маълум даражада акс этади: одатда, қуйи палаталарнинг

аъзоларигина депутат деб, аксарият мамлакатларда юқори палаталарнинг аъзолари эса – сенаторлар деб аталади (улар ўз мандатларини нафақат сайлаш, балки тайинлаш орқали ва бошқа усулларда ҳам оладилар).

Қонунчилик палатаси депутатлари халқнинг ҳокимият вакиллик органларида фаолият кўрсатувчи тўлақонли вакилидир. Республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, ҳуқуқий давлат қуришда, чин маънодаги демократияга эришишда депутатларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади

Ҳуқуқшунос олим Р.Қаюмов “депутатнинг ҳуқуқий мақоми-бу депутатларнинг ҳуқуқий нормаларда белгиланган ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва бурчлари, улар фаолиятининг шакллари ва ваколатларини йиғиндиси демакдир” [1]деб таъкидлаган.

Шундай қилиб, депутатнинг ҳуқуқий мақоми кўп ҳолларда унга юкланган вазифаларни сифатли ва белгиланган тартибда амалга ошириши унинг ҳуқуқий кафолатини қай даражада белгилаб берилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Депутатлик мақоми билан боғлиқ масалалар тегишли тартибда ҳуқуқий тартибга солиниши депутатлик фаолиятини тўсиқларсиз ва самарали амалга оширилишини таъминлайди, унинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда депутатнинг халқ ва жамият олдидаги мажбуриятини кучайтиради.

Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қатор қонун нормаларида: “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги , “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий

[1] Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т.: Адолат. 1998 й 300бет

Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳуқуқий нормалар ичида конституциявий нормалар алоҳида аҳамиятга эга.

Конституциянинг 87-88-моддаларида депутат ва сенаторларнинг ҳуқуқий мақомининг умумий асослари белгилаб берилган, яъни депутат ва сенаторларнинг асосий вазифалари қайд қилиниб, дахлсизлик ҳуқуқи, депутатлик ва сенаторлик фаолиятига ҳақ тўлаш каби умумий масалалар тартибга солинган.

Депутат ва Сенатор мақоми 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунида кенгроқ ва тўлароқ тартибга солинган. Ушбу қонунда депутат ва сенаторларнинг мақомига тегишли барча масалаларни - кимлар депутат ва сенатор бўлиши, уларнинг ваколат муддати, депутатликни тасдиқловчи воситалар, депутатнинг Олий Мажлисдаги иши каби масалаларни қонуний асосда мустаҳкамлагани, депутатнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, депутатларнинг сайловчилар, сиёсий партиялар билан олиб борадиган ишларини, депутатнинг парламент сўровини, депутат одобини ўз ичига қамраб олган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатини ҳуқуқий мақомини асосий характерли томонларини аниқлашдан олдин, депутат - парламентарий ёки ўзининг сайловчиларининг ёхуд унинг номзодини илгари сурган ташкилотнинг вакилими деган саволнинг ечимини топиш лозим. Бу саволга аниқ жавоб бериш учун депутатлик мандатининг табиатини очиш лозим.

Шу қаторда бу саволнинг жавоби депутатнинг ҳуқуқий мақомининг мазмуни, унинг вазифалари ва функциялари, давлат хизматчилари тизимида тутган ўрнини аниқлаш билан узвий боғлиқдир.

Суверенитетни француз мутафаккури Ж.Ж.Руссо ўз асарида “Халқ депутатлари халқнинг бевосита вакили бўла олмайдилар, улар фақат ундан ваколат олган кишилардир”[1] , деб таъкидлаган. Халқ депутатларга ҳокимият ваколатларини берилади, депутатлар эса ўз навбатида қонун қабул қилиш орқали халқнинг умумий иродасига мувофиқ ҳаракат қиладилар.

Юқоридаги фикрдан депутатнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи муҳим принцип - яъни императив мандат принципи келиб чиқади. Мандатининг икки тури: *императив депутат мандати ва эркин депутат мандати* мавжуд. Улар бир – биридан фарқланиши, унинг хусусияти депутат ва унга овоз берган сайловчиларнинг ўзаро муносабатлари принциплари билан белгиланишини кўрсатади.

Депутат мандати муаммоси депутат парламент аъзоси сифатида кимнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши, парламент, унинг палаталари қарорларини қабул қилишда иштирок этар экан, у кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим, ўзининг парламентдаги фаолияти учун депутат ўз сайловчилари олдида сиёсий-ҳуқуқий жавобгар бўладими, сайловчилар депутатларга ижро этиш мажбурий бўлган йўл-йўриқлар бериш ва уни чақириб олишга ҳақлими, деган саволлар билан боғлиқ.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам ўз сайловчилар манфаатларини, ҳам бутун халқ манфаатини акс эттирадилар, халқ иродасини ифода этувчи қонунлар қабул қиладилар.

Шунинг учун, Қонунчилик палатаси депутатларига қонун чиқарувчи органга сайланган, ўз сайловчилари олдида тўғридан-тўғри жавобгар бўлмаган, ўз фаолиятини маълум бир гуруҳнинг вакили сифатида эмас, балки мамлакатнинг барча фуқаролари, бошқача сўз билан айтганда бутун халқнинг вакили сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Шундай ҳолатда депутат ўз ҳаракатларида жуда кенг мустакилликка эга бўлади, ўз фаолият кўрсатишида шахсий фикр ва қарашларига асосланган

[1] Руссо Ж.Ж. Трактаты. Москва: Наука, 1969, с222 .

ҳолда бутун халқ манфаатидан келиб чиқади. Депутатнинг бундай мақоми ҳуқуқий фан тизимида эркин мандат деб юритилади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг парламентларида депутатлар одатда профессионал тарзда иш олиб борадилар ва эркин мандатга эгадирлар. Бу мамлакатларнинг конституцияларида императив мандат ҳаракати тўғридан-тўғри тақиқланган. Масалан, Болгария Республикаси Конституциясининг 67-моддасида "депутатлар нафақат ўз сайловчиларининг, балки бутун халқнинг вакили ҳисобланади. Мажбурий ваколатлар белгиланиши қонуний кучга эга эмас", - деб белгиланган. Бундай нормаларни, Франция (27-модда), Италия (67-модда), Испания (67-модда) конституцияларида ва Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонунида (38-модда) учратиш мумкин[1].

Айрим хорижий мамлакатларида эса, императив мандат ҳаракати Конституцияда тақиқланмаган бўлсада, депутатларнинг мақомини белгилашда муҳим бўлган қонун ҳужжатларида тақиқланган. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг 1995 йил 16 октябрдаги "Қозоғистон Республикаси парламенти ва унинг депутатларининг мақоми тўғрисида" [2]ги Конституциявий Қонунининг 24-моддасида парламент депутати бирор-бир императив мандат билан боғлиқ эмаслиги ва парламентда ўз фикри бўйича

овоз бериши белгиланган.

Бунда ушбу мамлакатлар эркин мандат, яъни мажбурий ваколатлар белгиланмаслиги парламентар тизимнинг демократиклигининг асосий белгиси эканлигидан келиб чиқишган. Бундай мандатли депутат мамлакатнинг барча фуқароларини манфаатларини ифодалайди ва ўз сайловчиларининг иродасига бевосита тобе ҳисобланмайди.

Асосий қонунда таъкидланишича, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига сайланиш ҳуқуқига 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар. Депутатлар фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар. Сенаторлар эса халқ депутатлари вилоят , туман ва шаҳар

[1] Конституция мира : Сб. Конституции государста мира / Сост. У.Таджиханов, А.Саидов/ Т. 1997 том 1-8
[2] Конституционный закон Республики Казахстан от 16 октября 1995 г № 2529 О Парламенте Республики Казахстан и статусе его депутатов (с изменениями, внесенными Конституционными законами РК от 11.04.97г.№ 91-1; от 12.03.99г. № 348-1; от 06.05.99г № 377-1) http/www/5 baiiov/ru/

Кенгашларининг қўшма мажлисида ҳар бир ҳудудий бирликдан 6 нафардан сайланадилар. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Конституциянинг 88-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлар ва сенаторларга уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар қопланади. Мазкур конституциявий қоидани изоҳлашда шуни таъкидлаш жоизки, конституциявий ҳуқуқда депутатнинг ҳуқуқий мақоми индемнитет ва иммунитет орқали тавсифланади[1].

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқий мақомининг таркибий қисми сифатида иммунитет ва индемнитет ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Индемнитет депутатга парламентдаги иши учун турли моддий рағбатлар берилиши тушунилади, бунда аввало, профессионал парламент фаолияти учун ҳақ-тўловлар ажратилиши назарда тутилади[1].

Кўпгина ҳуқуқий адабиётларда индемнитетни депутатни ўз фаолиятини амалга оширишда моддий таъминот билан таъминлаш деб таърифлаш мақсадга мувофиқлиги белгиланган[2].

Индемнитетнинг моддий жиҳати парламент фаолияти учун тўланадиган ҳақ билан боғлиқ. Хорижий мамлакатларнинг амалиёти парламент аъзолари ўз фаолияти учун, қоида тариқасида, тўлақонли ҳақ олишларини кўрсатади. Мазкур ҳақ миқдори одатда вазирлар, давлатнинг бошқа олий мансабдор шасхларига тўланадиган маош миқдорига тенг. Масалан, АҚШда Конгресс палаталарининг аъзолари ўз хизмати учун қонунда белгиланган ва АҚШ ғазнаси томонидан тўланадиган ҳақ оладилар. 1990 йилдан конгресс аъзоларига

[1] Ўша жойда
[2] Конституция Российской Федерации: Энциклопедический словарь. В. А. Туманов, В.Е. Чиркин, Ю.А.Юдин и др. Москва 1997 с 109

120 минг доллар миқдорида йиллик маош белгиланган[1]. Россиянинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, парламент аъзолари, эгаллаган лавозимидан қатъи назар (палаталарнинг раисларидан ташқари), федерал вазирнинг ойлик маоши миқдорида ҳақ оладилар. Россия парламенти палаталарининг раислари ҳукумат раисининг маоши миқдорида ҳақ оладилар. Бундан ташқари, Россия парламенти палаталарининг аъзоларига ҳар ойда уларнинг ўз ваколатларини амалга оширишлари билан боғлиқ қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида қопланади.

Парламент аъзолари ойлик маошдан ташқари, қоида тариқасида, турли компенсация тўловлари олиб турадилар, ҳар хил моддий ва ижтимоий имтиёзлардан фойдаланадилар. Масалан, АҚШда парламент аъзолари ўз сайлов округларига 15 марта сафар қилишлари учун йўл харажатлари қопланади. Уларга шунингдек Вашингтон ва ўз округларидаги офисларини мебель ва техника ускуналари билан жиҳозлаш харажатлари ҳам қопланади. Парламент аъзолари сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериш мақсадида тегишли материалларни почта орқали бепул юбориш ҳуқуқига эгадирлар. Улар телеграф ва телефон алоқасидан ҳам бепул фойдаланадилар. АҚШ қонунлари тўплами, ранг-баранг маълумотномалар парламент аъзоларига бепул берилади. АҚШда парламент аъзолари ижтимоий имтиёзлар: ўз ҳаётини давлат ҳисобидан суғурта қилиш, ўз соғлиғини имтиёзли шартларда суғурта қилиш, биринчи тиббий ёрдамни бепул олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Ҳар бир парламент аъзоси ўз ходимлари девонига: округ ва штатнинг катталигига қараб, Вакиллар палатасининг депутатги 18 тагача, сенатор эса – 20 дан 30 тагача ходимдан иборат девонга эга бўлади[2]. Россияда ҳам парламент аъзолари анча кенг ижтимоий ва бошқа кафолатларга эга. Ижтимоий кафолатларининг ҳажмига кўра улар федерал вазирга тенглаштирилган. «Россия Федерацияси Федерал Йиғилишининг Федерация Кенгаши аъзоси ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида»ги 1994 йил 8 май Қонунига мувофиқ, ижтимоий кафолатларга, ойлик маош ва қонунда назарда тутилган бошқа тўловлардан

[1] Қаранг: Лафитский В.И. Основы конституционного строя США. – М., 1998, с. 147.
[2] Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 4, М.” Бек”с. 101.

ташқари, қуйидагилар киритилган: а) ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили; б) парламент ваколатларини амалга ошириш даврини давлат хизмати стажига киритиш; в) парламент аъзосига ҳамда унинг оила аъзоларига тиббий, санитария-курорт хизматлари кўрсатиш; г) пенсия таъминоти; д) ўз ваколатларини амалга ошириш даврида касалланиш ёки меҳнат лаёқатини йўқотишини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш; е) Москва шаҳрида турар жой майдонига эга бўлмаган парламент аъзоларини уй-жой ва маиший шароитлар билан таъминлаш.

Россия парламентининг аъзолари меҳнат шартномасига биноан ишлайдиган бештагача ва жамоатчилик асосида ишлайдиган қирқтагача ёрдамчига эга бўлишга ҳақли. Бундан ташқари, Қонун парламент аъзоларининг меҳнат ҳуқуқини кафолатлайди, уларни ҳарбий йиғинлар чақирилишдан озод қилади, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ихтиёридаги (шу жумладан ҳукумат) алоқа воситаларидан бепул фойдаланиш, таксидан ташқари, барча транспорт воситаларида текин юриш ҳуқуқини беради, меҳмонхонага навбатдан ташқари жойлаштириш ҳуқуқини кафолатлайди.

Иммунитет - депутатнинг дахлсизлиги, яъни депутатлик фаолиятининг энг муҳим кафолатининг ҳуқуқий ифодасидир. Иммунитет депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги ва дахлсизлигини англатади[1].

Депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги унинг сўз ва овоз бериш эркинлигида ифодаланиб, парламент аъзоси олий вакиллик органи мажлисларида билдирган фикри ва берган овози учун жавобгарликка тортилмайди. Жавобгарликка тортилмаслик депутат учун имтиёз эмас, балки халқ манфаатини ифода этишдаги масъулиятдир.

Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда иммунитетни депутатларга ўз

фаолиятларини тазйиқсиз, тўсиқларсиз амалга ошириши учун қонун билан белгиланган имтиёзлар йиғиндиси деб айтишимиз мумкин.

[1] Тожихонов У. Одилқорев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т. 2001 й 509 бет

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Қонунида[1] “Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланади”, - деб белгиланган.

Бу ҳолатни ҳам депутат фаолиятининг ҳуқуқий асоси ва мақомининг муҳим белгиси сифатида қараш мумкин. Бу норма бир томондан Олий Мажлисни профессионал парламент сифатида фаолият кўрсатишини белгиласа, иккинчи томондан ҳар бир депутатга унинг фаолият кўрсатишига ёрдам берувчи таъминот билан таъминланиши лозимлигини келтириб чиқаради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига, яъни беш йил муддатга сайланади. Шу боисдан депутатнинг ваколатлари сайланган кундан бошланади ва Қонунчилик палатаси ваколатлари тугагандан сўнг янги чақириқ сайловлар ўтказилганда тугайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколатлари муддатидан олдин ҳам тугатилиши мумкинлиги белгиланган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

- у қонунга кўра депутатлик, сенаторлик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;

- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

у чақириб олинган тақдирда;

- суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда;

[1] Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами 2003 й 9-10 сон

- у суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

- у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

- у вафот этган тақдирда;

- палата тарқатиб юборилган тақдирда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сенатор этиб сайланган депутати ваколатларининг муддатидан илгари тугатилиши унинг сенаторлик ваколатлари тугатилишига олиб келади.

Алоҳида ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Депутат, сенатор деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг, сенаторнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқий мақоминиг муҳим элементи - бу унинг депутатлик ҳуқуқ ва мажбуриятларидир. Депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзоларининг мақоми тўғрисида”ги Қонунида тўлиқ аниқланган. Шу билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хусусидаги моддаларни аниқлаштириш ҳамда уларнинг рўйхатини алоҳида белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айтиш лозимки, депутатларнинг айрим ваколатлари, ҳуқуқлари уларнинг мажбуриятлари сифатида ҳам тушунилиши мумкин.

Масалан, бундай норма сифатида депутатнинг ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиши, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўриши, фуқароларни қабул қилиш хусусидаги нормани кўрсатиш мумкин. Бу нормани бир томонидан депутатнинг ҳуқуқи, иккинчи томондан унинг мажбурияти сифатида баҳолаш мумкин.

Мамлакатимиз қонунчилигига асосан Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятларини асосан икки шаклда амалга оширадилар.

Бу уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолияти ва сайлов округларидаги фаолиятидир. Шу сабабдан ҳам депутатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини 2 гуруҳга, яъни Қонунчилик палатасидаги фаолиятига доир ҳамда сайлов округларидаги фаолиятига доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари гуруҳига бўланади.

Депутатлар ўз ваколатларининг асосий қисмини ўзлари сайланган Қонунчилик палатаси орқали амалга оширадилар.

Депутат ва сенаторларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида берилган.

Бу қонунга кўра, палатасининг мажлисида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

Шунингдек, депутат ва сенатор:

- палатанинг органларига сайлаш ва сайланишга;

- палата мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

- палата мажлисининг кун тартиби, муҳокома қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга, қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритишга, палата томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

- мунозораларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

- парламент сўрови билан мурожаат этишга;

- ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;

- палата мажлисида раислик қилувчига палата мажлисида муҳокома қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклиф ёки мулоҳазаси матнини топширишга;

- палата таркибидаги ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини палата мажлисида баён қилишга ёки бу ҳақида тегишинча Қонунчилик палатасининг спикерига, Сенат раисига ёзма равишда маълум қилишга;

- палатага ҳисобдор ёки унинг назорат остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини палата мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек, палата қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

- палата мажлисларининг стенограммалари билан танишишга;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофоза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳакли.

Депутатлар қайд этилган ҳуқуқларидан ижодий ёндашган ҳолда ташаббус кўрсатиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ишида қатнашиб, давлат, хўжалик ва ижтимоий-иқтисодий қурилишнинг муҳим масалаларини ҳал этадилар, қонунларни ва Қонунчилик палатаси қарорларини қабул қилишда иштирок этадилар ҳамда давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини назорат қилиб борадилар.

Бу ўринда, Қонунчилик палатаси депутатининг энг муҳим ҳуқуқларидан бири сифатида Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини алоҳида таъкидлаш лозим. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида ва тегишли қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Конституция ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонун нормасига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадирлар ва бу ҳуқуқ депутатлар томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Депутат Қонунчилик палатасида Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириб, янги қонун ишлаб чиқариш зарурлиги тўғрисида масала қўйиш, янги қонун лойиҳаларини, амалдаги қонунларга ўзгартириш киритиш ҳақидаги таклифлар билан чиқиши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар лойиҳа матнини ўзгартириш ёки ўзи киритган қонун лойиҳасини чақириб олиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида киритилган таклифни Қонун лойиҳасининг Қонунчилик палатаси қўмитаси дастлабки тарзда кўриб чиқиш, Қонунчилик палатасида қонун қабул қилиш, янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилиш, таклиф қилинган қонун лойиҳасини такомилига етказиш учун тегишли қўмиталар ва комиссияларга юбориш, қонун лойиҳасини, таклифни асосли рад қилиш сингари қарорлардан бирини қабул қилиш билан кафолатланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслари устидан назоратни амалга оширишнинг шакли сифатида парламент сўрови ҳуқуқига эгадир.

Депутат ва сенаторнинг парламент сўрови, қонунда кўрсатилишича[1], давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш ҳақида қўйилган талабидир.

Парламент сўрови парламент назоратининг энг самарали воситасидир. Шу сабабли уни амалиётда кенг қўллаш лозим. У депутатларга берилган энг кучли, таъсирчан имкониятдир. Парламент сўрови орқали депутатлар сайловчиларнинг талаб ва ҳохишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Парламент сўрови депутат ёки бир гуруҳ депутатлар томонидан ёзма равишда ёки оғзаки равишда киритилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарлари номига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас

Қонунчилик палатасининг депутатлари талаб қилиб оладиган ахборотни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот, мансабдор шахс мурожаат олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Депутатлар фаолияти амалга оширилишининг муҳим шаклларидан бири уларнинг сайлов округларидаги фаолиятидир. Ўзбекистон қонунчилигида депутатларнинг бу соҳадаги фаолияти учун ҳам маълум бир ҳуқуқлардан фойдаланиш имкони яратилган. Бу депутатларнинг уларни сайловчилар билан доимий мустаҳкам алоқани ўрнатиши билан боғланган деб ҳисоблаш мумкин[1].

Хусусан, депутат сайловчилар билан алоқа ўрнатар экан, уларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иши билан батафсил таништириб боради, бунда депутатнинг сайловчилар билан учрашуви муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунига асосан депутат сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароит билан таъминланиши шарт.

Ушбу қонуннинг 9-моддасига асосан “Депутатларга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун Қонунчилик палатасининг регламентида белгиланадиган тартибда муайян кунлари ажратилади”, - деб кўрсатилган.

[1] Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш Дарслик Т.: 2002 161бет

Депутатлар сайлов округларида ўз ваколатларини амалга ошириш учун тегишли ҳокимият вакиллик органи назорати остидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг муҳим манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай масала кўриб чиқилиши чоғида иштирок этиш, округ сайловчилари билан йиғилишлар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг ташкилотлари билан йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

Амалдаги Қонунчиликда депутатларнинг ўз сайловчиларидан тушган таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиши, уларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўриши, сайловчилар олдида ўз фаолияти хусусида вақти-вақти билан ахборот бериб туриши кўрсатилган. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати йилига камида бир марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ўз фаолияти ва ўзи сайланган Қонунчилик палатаси фаолияти ҳақида ахборот бериб туриши шарт.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун эса, ижро этувчи ҳокимият органлари депутатнинг илтимосига кўра бино ажратилишини ташкил этишлари, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларга хабар беришлари, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг таклифига биноан ўзларининг масъул вакилларини юборишлари, шунингдек, депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўришлари лозим.

Шунингдек, депутат ўз депутатлик фаолиятига доир масалалар юзасидан матбуот органларида чиқиш, радио ва телевидение орқали сўзлаш борасида ҳам маълум даражада имтиёзли ҳуқуқларга эгадир[1].

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган тақдирда ёки қонунийлик бузилган бошқа ҳолларда депутат давлат ҳокимиятининг вакили сифатида, ўша жойнинг ўзида бундай қоидабузарликлар тўхтатилишини талаб қилишга ёки тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳаклидир. Қонунбузарлик ҳолати депутатнинг талаби билан тегишли ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи орган ёки назорат органининг вакили тузган баённомада қайд этилиши мумкин[1].

Депутат талаб билан мурожаат этган давлат органларининг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти,

шунингдек, ички ишлар вазирлиги тизими ходимлари қонун бузилган ҳолларни бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун зудлик билан чора кўришлари, кўрилган чоралар ҳақида депутатга маълум қилишлари шарт.

Қонунчилик палатасининг фаолият олиб боришида ҳам депутатлар фракциялари салмоқли роль ўйнайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"ги Қонунига кўра "Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиялардан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақлидир" деб белгиланган. Ушбу нормани ҳам депутатларнинг ҳуқуқларидан бири сифатида қараш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 4 апрелдаги 351-II-сонли Қарори билан тасдиқланган "2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг якунлари бўйича амалга ошириладиган Қонунчилик ишларининг асосий йуналишлари"да қонунда фракцияларни тузиш тартиби, уларнинг парламент фаолиятидаги иштироки шакллари назарда тутилиши кераклиги кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент тизимида фақат қуйи палатагина сиёсийлашган хусусиятга эга бўлгани боис, депутатлар бирлашмалари (сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари) айнан мазкур палатада тузилади. Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ҳамда депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Демак, мамлакатимиз

[1] Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи Т.: Адолат ,1998 300-310б

парламенти фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофик, депутатлар бирлашмаларининг уч шакли - фракциялар ва депутатлар гуруҳлари мавжуд.

Фракция - Қонунчлик палатасида сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини ифодалаш мақсадида тузилади.

Депутатлар гуруҳлари эса, Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар томонидан тузилиши мумкин.

Блоклар-фракциялар, депутатлар гуруҳлари бирлашуви асосида тузилиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли.

Ушбу қонунга кўра, Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга[3].

Фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- фракция ёки депутатлар гуруҳининг таъсис йиғилишини ўтказиш;

- фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳақида таъсис баённомасини қабул қилиш;

- фракция ёки депутатлар гуруҳининг раҳбарини сайлаш.

Конституциявий қонундаги эътиборга молик томон шундаки, депутатлар бирлашмаларининг, улар ҳоҳ фракция, ҳоҳ гуруҳ тарзида шаклланганидан қатъий назар, рўйхатдан ўтказилиши белгиланган. Бу эса, биринчидан депутатлар уюшқоқлигини ҳуқуқий кафолатласа, иккинчидан, парламент тузилмалари ишининг самарадорлиги оширади.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари ўз ваколатларини бажариш даврида сиёсий аъзоликни тўхтатиб турадилар, шунингдек улар фракция ёхуд депутатлар гуруҳи таркибига киришлари мумкин эмас.

Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Лекин, бундан Қонунчилик палатасининг депутатларининг ҳар бири фракция ёки депутатлар гуруҳи аъзоси бўлиши

керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Бинобарин, сайланган депутат ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳам ҳақлидир.

Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади.

2005 йилнинг 26 январь куни Қонунчилик палатасига сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг мажлислари бўлиб ўтиб, мавжуд сиёсий партияларнинг барчаси ўз фракцияларини тузишга муваффақ бўлдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партиясининг 41 нафар аъзосидан иборат, Халқ демократик партиясининг 28 нафар депутатидан иборат, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг 18 нафар вакилидан иборат, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” партиясининг 11 нафар депутатидан иборат, “Адолат” социал-демократик партиясининг 10 нафар сайланган депутатидан иборат фракциялар тузилди ҳамда фракциялар раҳбарлари сайланди[1].

Қонунчилигимизнинг эътиборга лойиқ жиҳатларидан яна бири шуки, Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳларининг ваколатлари доираси сиёсий партиялар фракциялари ваколатлари доирасига тенглаштирилди. Айни чоғда, уларнинг фракциялар билан бир қаторда ва улар билан тенг равишда иш юрита олишининг ҳуқуқий асоси яратилди. Булар, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасида муфассал ифодасини топди.

Депутатлар фракцияси ёки депутатлар гуруҳи таркибига кирган Қонунчилик палатаси депутати маълум бир даражада қўшимча ҳуқуқлардан фойдаланиш имконига эга бўлади, деб айтиш мумкин. Чунки, депутат фракция ёки гуруҳ таркибида:

- Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритиш;

[1] Ҳусанова М. Икки палатали парламент: депутатлар бирлашмалари. //“ Ҳаёт ва қонун” , 2005 1. 15бет

- Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланиш;

- келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўйиш;

- Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этиш;

- Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатиш;

- Қонунчилик палатасининг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этиш;

- Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритиш;

- ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўйиш;

- фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, депутатлик фаолиятининг кафолатлари қонун билан муҳофоза қилинади ва уни бузганлик учун тегишли жавобгарлик чораларини белгиланганлиги ҳам улар ўз ҳуқуқларидан тўла имкон даражасида фойдаланишини кафолатлайди.

Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор қайси қўмитаси, комиссияси таркибига, келишув комиссияси таркибига сайланган бўлса, шу қўмита, комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда Қонунчилик палатасининг регламентларида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт. Бу мажбурият жуда муҳим аҳамиятга эга.

Чунки “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунига кўра, Қонунчилик палатасининг мажлислари, агар уларнинг ишида палата депутатлари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади[2]. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни қабул қилишда, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Депутат ўз ваколатларининг кўпчилигини Қонунчилик палатаси мажлисларида амалга оширади[1]. Депутат Қонунчилик палатаси ишида доимий равишда ва интизомли қатнашиши жуда катта аҳамиятга эга, чунки бир қисм депутатлар мажлисларга келмай қолсалар қонун талаб қилган кворум йиғилмайди ва Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини тўлиқ амалга ошира олмай қолади.

Шу сабабдан, Қонунчилик палатаси, қўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда,

депутатлар бу ҳақда Қонунчилик палатасининг Спикерига, қўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдиндан хабар қилиши шарт.

Агар Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланганлигини эътиборга олсак, интизомнинг бу тарзда бузилиши Қонунчилик палатаси фаолиятини маълум

бир даражада издан чиқаришгача олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, депутатнинг Қонунчилик палатасига мажлисларига бир неча маротаба узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги ҳолатлари бўйича ҳам депутатнинг ваколат муддатларини илгаридан тугатишни қонун даражасига кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади.

[1] Тўлаганов А. Далат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик Т. 2002 й 160-165б

Қонунчилик палатаси депутати вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериши шарт.

Депутат ўз мақомидан фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланиши мумкин эмас.

Депутатлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли палата томонидан ёки унинг топшириғига биноан палатанинг органи томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Шунингдек, улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ҳам мумкин эмас. Мазкур конституциявий қоида депутатликнинг бошқа мансаб билан номутаносиблиги принципини мустаҳкамлайди[1]. Бир қатор мансаб лавозимларининг депутатлик билан номутаносиблиги принципи депутатнинг молиявий ва иқтисодий жиҳатдан муайян таъсир доирасига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган. Депутат бундай омиллар таъсиридан ҳоли бўлса, хусусий манфаатларини чеклай олса, халқ, жамият манфаатларини холис ва тўла-тўкис ифодалаш имкониятига эга бўлади.

Агарда йиғилишда раислик қилувчи сўзга чиққан депутатга мурожаат қилса, у ўз нутқини дарҳол тўхтатиши лозим.

Қонунчилик палатаси регламентида мажбурият ва жавобгарлик турларини аниқ белгиланиши, уларни қўллаш тартиби белгиланиши бевосита палата иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, депутатларнинг фаоллигини оширишга, депутатлик этикасига қатъий риоя қилишига олиб келади.

2-§ Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий ҳолати

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши муҳим ўрин тутади. Вилоят ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига 60 та , туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига 30та депутатлар бевосита халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадилар.

[1] Тожихонов У ва бошқалар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи Т. 2001 510 б

Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг депутати фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги , “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунларида ўз ифодасини топган.

Депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддатига сайланади. Депутатнинг ваколатлари муддатидан илгари тугатиш асослари “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунларининг 3- моддасида кўрсатиб ўтилган.

Алоҳида ҳолларда депутатнинг ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисидаги қонунларида депутатнинг ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган.

Қонунга кўра депутат:

- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг доимий ҳамда муваққат комиссияларига сайлаш ва сайланишга;

- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

- тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;

- тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

- депутат сўрови билан мурожаат этишга;

- ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;

- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида раислик қилувчига мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топширишга;

- тегишли халқ депутатлари Кенгаши таркибидаги ўзи аъзо бўлган органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида баён этишга ёки бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши раҳбарига ёзма равишда маълум қилишга;

- тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини мазкур халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини текшириш тўғрисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларининг стенограммалари билан танишишга;

сайловчилар билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сиёсий партия ташкилоти билан учрашувлар ўтказишга;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Депутат ҳуқуқлари билан бир қаторда мажбуриятларга ҳам эга . Яъни, депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида ҳамда мазкур Кенгаш томонидан тузилган қайси комиссия таркибига сайланган бўлса, шу комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда тегишли халқ

депутатлари Кенгашининг регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Депутатнинг тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ҳамда қайси комиссия таркибида бўлса, шу комиссиянинг мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда, бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши ёки комиссия раҳбарига олдиндан хабар қилиши шарт.

Халқ депутатлари Кенгашининг депутати ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан мунтазам алоқа боғлаб туради, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Депутат белгиланган кунларда фуқароларни қабул қилади. Сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради.

Депутат вақти-вақти билан, лекин йилига камида икки марта сайловчиларга ўз фаолияти тўғрисида ахборот беради.

Ижро этувчи ҳокимият органлари депутатга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароит таъминлайди. Сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин.

Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир.

Сўровнома оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни депутатга мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборадилар.

Судларнинг раисларига, прокурорларга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган депутат сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Депутат сўровлари бўйича ахборот тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида муҳокама қилинади.

Депутат халқ вакили экан, албатта одоб қоидаларига қатъий риоя этиши лозим. Депутатлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан ёки унинг топшириғига кўра тегишли халқ депутатлари Кенгашининг органи томонидан кўриб чиқилади.

Халқ депутатларига ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароит кафолатланади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан муҳофаза қилинади.

Депутатнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий ёки ўзга тарзда жавобгар бўладилар. Депутатни ҳақорат қилиш, шунингдек, унга нисбатан туҳмат қилиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Депутатлик ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида депутатга қанақа тарзда бўлмасин таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлғон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Депутат ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг розилигисиз депутат мазкур ҳудудда жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоқа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.Депутат ўзининг депутатлик дахлсизлиги тўғрисидаги масала кўриб чиҳаётган мажлисда иштирок этишга ҳақли.

Депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашида тегишли масала юзасилан овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги

учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши, шу жумладан, ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар шундай хатти-ҳаракатлар муносабати билан депутат ҳақорат қилишга, туҳмат қилишга ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган бўлса, у дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирдагина жавобгарликка тортилади.

Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала тегишинча вилоят, туман, шаҳар прокурорининг ёки юқори турувчи прокурорнинг тақдимномасига биноан халқ депутатлари Кенгаши томонидан ўн кун ичида ҳал этилади. Сенатор этиб сайланган депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласи "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Депутатни жавобгарликка тортишга розилик олиш тўғрисида қуйи прокурор томонидан киритилган тақдимномани юқори турувчи прокурор чақиртириб олиши мумкин.

Депутатни жиноий жавобгарликка тортишга, ушлаб туришга, қамоққа олишга ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги прокурор тақдимномаси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан кўриб чиқилади, сессиялар оралиғидаги даврда эса мазкур халқ депутатлари Кенгаши раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинган қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш масаласига доир қарори дарҳол тегишли прокурорга юборилади.

Депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган прокурор иш юритиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида

тегишли халқ депутатлари Кенгашига ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутатни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, юқори турувчи прокурор тегишинча юқори Кенгашга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қарорни бекор қилиш ва масалани тегишли халқ депутатлари Кенгаши қайта кўриб чиқиши учун топшириш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Агар депутат ўзи халқ депутатлари Кенгаши депутати бўлган вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудидан ташқарида жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, депутатни жиноий жавобгарликка тортишга, ушлаб туришга, қамоққа олишга ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш талаб қилинмайди.

Депутат ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, тегишли вилоят, туман ва шаҳар ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек, уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сири ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотларга депутатнинг кириш тартиби қонунда белгиланади.

Депутат ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан ажралмаган ҳолда амалга оширади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари депутатни у ўз депутатлик вазифаларини бажарадиган вақтда, унинг иш жойини (лавозимини)

сақлаган ҳолда, ишдан озод қилишлари шарт. Депутатлик вазифаларини бажараётган вақтда депутатнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатини ҳужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминлайди, шунингдек, депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштиради.

Депутатга техник воситалар, алоқа воситалари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади.

Депутат тегишли вилоят, туман, шаҳар ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) текин юриш, шунингдек, йўл патталарини навбатсиз сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Депутатнинг транспортда текин юриш тартиби ва шартлари, транспорт ташкилотлари билан бу борада ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

3-§ Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунида депутат ва сенаторларнинг ўз ваколатларини тўлиқ ҳажмда ва мустақил равишда амалга оширишлар учун маълум бир даражада кафолатлар белгиланган.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар “ депутатлик кафолатларини амалга оширишга имкон яратадиган шароитлар йиғиндиси депутатлик кафолатлари” деб аталишини таъкидлаганлар. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароитлар кафолатланади, унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади.

Депутатлик ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида депутатга таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторнинг шаъни ва қадр- қимматига тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий жавобгар бўладилар. Депутат ва сенаторни хақорат қилган, унга нисбатан туҳмат қилган, унга атайлаб сохта маълумот берган мансабдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилиши ҳам қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Айрим хорижий мамлакатларда парламент депутатларини шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилиш айбни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Хусусан, Финляндия қонунчилигига кўра, парламент, депутатини сессияга бориш ёки қайтиш даврида уни депутатлигини билган ҳолда шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилиб, ҳақорат қилган шахсларни жавобгарликка тортишда ушбу ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланиши лозимлиги белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Депутатнинг дахлсизлиги унинг ҳуқуқий ҳолатини белгиланишида муҳим аҳамият касб этиши шунда кўринадики, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сенат аъзосининг дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Конститутциясида (88-модда) мустаҳкамланганлигидан кўриш мумкин.

Ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва сенат аъзосининг шаъни ва қадр-қимматини, шахсини муҳофоза этиш мақсадида, унинг муайян юридик жавобгарликка тортилмаслигини назарда тутади.

Тегишли палатанинг розилигисиз депутат, сенатор жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Депутатни, сенаторни мажбурий келтиришга, шунингдек, унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорти воситаларини,

ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек, унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, қайд этилган қонунда депутат, сенатор тегишли палатада овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар шундай хатти-ҳаракатлар муносабати билан депутат, сенатор ҳақорат қилишга, туҳмат қилишга ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган бўлса, у дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда жавобгарликка тортилади.

Депутатлар дахлсизлигига тааллуқли бу нормаларни бошқа Қонун нормаларида ҳам учратиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам депутатлар дахлсизлиги бўйича аниқ тартиб белгиланган.

Республикамизда депутатни ,сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси томонидан ўн кун ичида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг депутатни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса, унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масалага доир қарори кейинчалик Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади. Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса, Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ёки палаталар Кенгашларининг депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш масаласига доир қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

Депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иш юритиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Қонунчилик палатасига ёки Сенатга ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палатасининг депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади. Тегишли ишни тугатиш тўғрисидаги қарор фақат янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Депутат, сенаторлик фаолиятининг ташкилий кафолатларига депутат ва сенаторнинг мансабдор шахслар томонидан дарҳол қабул қилиниши, депутат ва сетаторга ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига асосан депутат ва сенатор ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Қонун нормаларидан келиб чиққан ҳолда депутат ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини маълум бир гуруҳларга ажратиш мумкин. Хусусан, бу кафолатларни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва шахсий дахлсизлик каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари сифатида ҳарбий йиғинлардан озод қилиш, транспортда текин юриш, хизмат турар жойи бериш, пул тўланадиган йиллик таътилларни берилишини ва меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини кўрсатиш мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Конунининг 16-моддасига асосан, депутат сенаторнинг Қонунчилик палатасида ишлаган вақти умумий иш стажига ва аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланиши кўзда тутилган.

Қонунчилик палатаси ёки Сенат тарқатиб юборилган тақдирда депутатга ишдан бўшатиш нафақаси тўланади ҳамда ишга жойлашиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади.

Депутат ва сенаторга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади. Ҳар йилги меҳнат таътили, одатда, Қонунчилик палатаси сессиялари оралиғидаги даврда берилади.

Депутат, сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йул ва такси ҳамда шаҳар йўловчилар транспортидан ташқари автомобиль йўловчи транспортида текин юриш ҳуқуқи кафолатланган.

Шунингдек, депутат,сенатор аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йул вокзаллари ҳамда станцияларнинг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўз ўрнида темир йул вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиация агентлиги ёки аэропортлар депутат ўз гувоҳномасини кўрсатганидан сўнг унга поезднинг ётоқли ёки юмшоқ ўриндиқли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт.

Бундан ташқари, чиптасида ўриндиқнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро, шунингдек шаҳар атрофига қатнайдиган автобусларда депутат автовокзаллар ва автостанцияларнинг кассаларидан навбатсиз олинадиган текин чипта билан юриш ҳуқуқи кафолатланган.

Депутат, сенатор ҳар бир транспорт турида қўл юкини текин олиб юриш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг раиси, раис ўринбосарлари, қўмиталари ва комиссияларининг раислари, парламентлараро алоқалар бўлимининг мудирига ўз фаолиятларини янада тўлароқ амалга ошириш мақсадида дипломатик паспортлар берилиши ҳам қонун нормаларида белгилаб қўйилган.

Қонунчилик палатаси депутати, Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторга Тошкент шаҳрида турар жойга эга бўлмаса, улар берган аризаларига кўра ваколат муддатига оила аъзолари билан яшаш учун Тошкент шаҳрида хизмат турар жойи берилади.

Лекин шу билан бир қаторда депутат , сенатор фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий кафолатлари сифатида депутатнинг ҳаётини мажбурий суғурталаш, депутат,сенаторни ваколат муддати тугагандан сўнг унинг сайлангунга қадар ишлаган лавозимига тавсия этиш ёки бу лавозимга тенг иш билан таъминлаш, тиббий ва маиший хизмат кўрсатишни таъминлаш каби ижтимоий-иқтисодий кафолатларни қонунда мустаҳкамлаш лозим.

4-§ Депутат ва сенаторни чақириб олиш асослари ва тартиби

“Депутат” юксак номни обрўсизлантирувчи хатти-ҳаракатлари, унинг давлат тузилиши асосларига, ижтимоий-сиёсий вазиятни мушкуллаштиришга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонунга мувофиқ қабул қилинган қарорларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган ғайри конституциявий ҳаракатни содир этиши ёки шундай ҳаракатларга даъват этиши шундай масаланинг қараб чиқилиши учун асос бўлиши мумкин.

Қонунчилик депутатларга кўплаб ваколат ва қонуний имтиёзлар бериш билан бирга уларга катта масъулият ҳам юклайди. Депутатларнинг халқ ҳамда давлат олдидаги масъулияти амалда бўлиши учун қонуний чоралар белгиланган.

Ана шундай чоралардан бири, депутатнинг ваколат муддати тугамасдан муддатидан илгари чақириб олиш мумкинлигидир.

Республикамизда депутатни чақириб олишнинг қонуний мустаҳкамланганлиги халқ ҳокимиятчилигининг тўла намоён бўлиши ва депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини тасдиқловчи ҳолат деб айтиш мумкин. Бу масала 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Ушбу қонунда депутатни чақириб олиш асослари, чақириб олиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш, депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш тартиби, чақириб олиш масаласи кўрилаётганда депутатнинг ҳуқуқларини кафолатлари, чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш тартиби, овоз бериш натижаларини аниқлаш, чақириб олиш жараёни билан боғлиқ харажатлар каби масалалар аниқ белгилаб қўйилган.

Қонунчилик палатаси депутати сайлангунга қадар мураккаб жараёнларни бошидан кечиради. Ҳар бир депутат орқасида сайловчилар, сиёсий партиялар туради. Улар кўп сонли кишилар орасидан танлаб олинган, уларга катта ишонч ва умид билдирилган. Уларнинг фаолияти эса кишилар тақдирига таъсир қилади. Шунинг учун, депутатни чақириб олиш, асосли ва ишонарли, аҳамиятли далил ва асослар бўлганда, охирги чора сифатида қўлланиладиган оғир таъсир чораси ҳисобланади.

2004 йил 2 декабрда қабул қилинган “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш

тўғрисида”ги қонунида депутатни чақириб олиш учун қуйидаги асослар белгиланган:

- депутатнинг қонун ҳужжатларини жиноий, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузгани;

- депутатнинг ахлоқ, депутатлик ахлоқини умумэътироф этилган меъёрларини қўпол равишда бузувчи, депутат номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этгани;

- депутатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармагани, шу жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, топшириқларни бажармагани.

Депутат қонунчиларни жавобгарликка олиб келиш даражасида бузса, ўз ҳатти-ҳаракатлари билан депутатлик номига доғ туширса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси обрўсига путур етказса, ўз депутатлик вазифасини бажаришга масъулият билан ёндашмаса депутатликдан чақириб олиниши мумкин.

Депутатни чақириб олиш ҳақида қарор етарли асослар бўлганда, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади. Бу қарордан сўнг чақириб олиш жараёни бошланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси чақириб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш масаласини ўз ташаббуси билан ҳам ҳал қилиши мумкин.

Шунингдек, бундай қарор қабул қилинишига ҳуқуқни муҳофоза қилувчи идоралар ва прокуратура органлари томонидан белгиланган тартибда берган сўровлари ҳам асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг қонун ҳужжатларини бузгани ҳақида маълумот Қонунчилик палатаси томонидан Республика Бош прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш, шу масала юзасидан Қонунчилик палатаси депутатлик одоби қўмитасига (комиссия) хулоса тақдим этиш учун топширилади. Прокурор

хулосаси ва депутатлик одоби комиссияси (қўмита) хулосаларини эшитиш якуни бўйича депутатни чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур масалани ўрганган прокурор фикри Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитилиши мумкин.

Чақириб олиш таклифи асосли деб топилиб, тегишли қарор қабул қилингач, ушбу қарор Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Депутатни чақириб олиш ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, прокурор чиқиши мумкин. Чақириб олиш тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан прокурор ва депутатлик одоби комиссияси (қўмита)нинг хулосаларига асосан қабул қилинади.

Марказий сайлов комиссияси депутатни чақириб олиш тўғрисидаги қарорга биноан шу депутат сайланган округда овоз беришни ташкил этади. Депутатларни чақириб олиш улар сайланган округларда яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунларига асосан ташкил қилади. Марказий сайлов комиссияси чақириб олиш тўғрисидаги қарорни олгач, ўн кунлик муддат ичида депутатни чақириб олиш бўйича округ комиссиясини тузилишини таъминлайди ва овоз бериш вақти ҳамда жойини тайинлайди. Бу ҳақда қарор қабул қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хабардор қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, чақириб олиндиган депутат ҳуқуқи қонун бўйича кафолатланади. Бу чақириб олиш учун асослар мавжуд материаллар уч кун ичида депутатга ҳужжатлар илова қилинган ҳолда хабар қилинишида, чақириб олиш учун масаласи қуйилган депутат сайловчилар билан учрашишга, сайловчиларнинг йиғилишларида, Қонунчилик палатаси сессия ва мажлисларида чақириб олиш масаласи кўрилаётганда иштирок этиш ва ўзини ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ҳақли эканида намоён бўлади.

Чақириб олиш масаласи қўйилишига сабаб бўлган ёлғон ахборотлар била туриб тақдим этилган бўлса, бундай ахборот тақдим этган шахс қонунга мувофиқ жазоланади.

Чақириб олиш ҳақида овоз беришни ташкил қилиш округ комиссияси зиммасига юклатилади. Овоз бериш ўтказиш учун, овоз беришга кечи билан йигирма беш кун қолганда овоз бериш участкалари, кечи билан йигирма кун қолганда участка комиссиялари тузилади. Округдаги сайловчиларнинг рўйхати овоз бериш кунига кечи билан ўн кун қолганда танишиш учун тақдим қилинади.

Чақириб олиш бюллетен асосида ўтказилиб, унда депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, лавозими (машғулотнинг тури) кўрсатилади. Бюллетень матнида “Депутатнинг чақириб олинишини ёқлайман” ва “Депутатнинг чақириб олинишига қаршиман” деган сўзлар алоҳида-алоҳида ёзилиб, ҳар бир қаторнинг рўпарасига бўш катаклар жойлаштирилади.

Сайловчи шу катаклардан бирига махсус белги қўяди. Овоз бериш участкалари ва комиссияларини тузиш, уларнинг ваколатлари, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш қонунга мувофиқ белгиланади. Округ ва участка комиссияларининг ваколатлари чақириб олиш бўйича якунлар чиқарилгандан сўнг тугайди. Овоз бериш ўтказилган куннинг эртасига округ комиссияси мажлисида овоз бериш натижалари аниқланиб, баённомага киритилади. Баённома Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпи чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса ёки овоз беришда рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками овоз беришда иштирок этган бўлса, депутатни чақириб олиш рад этилган ҳисобланади.

Овоз беришда ёқланган ва қарши овозлар тенг бўлиб қолган вақтда депутат ўз ваколатини сақлаб қолади. Тегишли сайлов комиссиялари округ комиссиясидан олинган баённома асосида овоз бериш натижаларини беш кунлик муддат ичида рўйхатга олади ва бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилинади. Овоз беришда қонун талаблари бузилган тақдирда такроран сайлов ўтказилиши мумкин. Кечи билан икки ҳафталик муддат ичида овоз бериш натижалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига хабар қилинади.

Овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан бошлаб депутатнинг ваколати муддатидан илгари тугатилган ҳисобланади. Депутатни чақириб олиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Депутатни чақириб олиш ҳақидаги қарор тегишли асослар бўлганда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади. Лекин, бу қарор депутатнинг ваколатини тугатмайди. Уларнинг ваколати овоз бериш натижасига кўра тугатилиши мумкин. Қонунчилик палатаси қандай қарор қабул қилганидан қатъи назар, ҳал қилувчи сўзни сайловчилар айтади. Уларнинг фикри депутатнинг тақдирини узил-кесил ҳал қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзоларининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига биноан, алоҳида ҳолларда депутат ваколати Қонунчилик палатаси қарорига биноан тугатилиши мумкин. Депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, депутатнинг ваколатини муддатидан аввал тугатиш депутатга нисбатан қўлланиладиган оғир мажбурий чорадир. Бу эса депутатликнинг катта масъулият эканини кўрсатади.

Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари

1. Депутат ва сенатор тушунчасига таъриф беринг?
2. Депутат ва сенатор мақоми қайси қонунлар билан тартибга солинади?
3. “ Индемнитет” нима?
4. Депутат ва сенаторнинг ваколати қайси ҳоллада тугатилади?
5. Депутат ва сенаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини айтинг?
6. Депутат ва сенаторнинг фаолият шакллари санаб беринг?
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти қайси маърузасида депутат тушунчасига атрофлича таъриф берган?

8. Депутат ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатларини айтинг.

9. Парламент сўрови нима?

10. Депутат ва сенаторга нисбатан жавобгарликни белгиланиши тартибини айтинг.

XXVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§. Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг жорий қилиниши ва конституциявий мустаҳкамланиши

2-§. Ўзбекистонда Президентлик сайловларини ўтказиш тартиби

3-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми

4-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатлари

5-§ Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1-§. Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг жорий қилиниши ва конституциявий мустаҳкамланиши

Собиқ Иттифоқ республикалари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб, давлат бошқарувнинг президентлик шаклини жорий қилди. Президентлик институти Ўзбекистонда 1990 йил мартида "Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан жорий этилди. Олий Совет 12-чақириқ биринчи сессиясида Ўзбекистон Президенти этиб Ислом Абдуғаниевич Каримов сайланди. 1991 йил 29 декабр ва 2000 йил 9 январда тўғридан-тўғри умумхалқ Президенти сайловлари ўтказилди. Сайловлар муқобиллик асосида ўтказилиб, И.А.Каримов Президент этиб сайланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг Президентлик институтини жорий қилиш тажрибаси, деярли барча собиқ иттифоқ республикаларда қабул қилинди.

Давлат бошқарувининг президентлик шаклида Президент умумхалқ сайловларида сайланади ва давлат бошлиғи ҳисобланади, айни вақтда у ижро

ҳокимиятни ҳам бошқаради, фақат ўзи олдида жавобгар бўлган ҳукуматни тузади.

"Президент" тушунчаси конституциявий - ҳуқуқий маънода давлат бошлиғини англатади. Айнан шунинг учун бу институт жаҳон давлат – ҳуқуқий амалиётида яратилган эди. Унинг бундай роли Президенти бўлган ҳар қандай замонавий демократик республикага хосдир. Президент давлатни жипслаштириши, давлат ҳокимияти механизмининг барқарорлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Президент – ҳокимиятлар бўлиниши принципига риоя қилинишида давлат механизми учун энг муҳим институтдир.

Конституциянинг 89-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. ", дейилган.

Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи ва мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Президент давлат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг Олий вакиллигини амалга оширади. Давлат бошлиғи ўзида у ёки бу ҳокимият тармоғини эмас, балки давлат ва бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти ижро ҳокимиятнинг бошлиғи ҳам ҳисобланади. Ижро ҳокимиятига бевосита иқтисодиётга, ижтимоий ва маънавий соҳаларга бошчилик қилиш юклатилган. Бунинг учун унга кўрсатма, фармойиш берувчилик вазифалари тақдим этилган. Ижро ҳокимиятига қонунларни ижро этиш юкланган, бу ҳокимиятнинг номи шундан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-боби Ўзбекистон Республикаси Президенти деб номланади. Бу боб 9 та моддадан иборат бўлиб, уларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий мақоми белгилаб берилган.

2-§. Ўзбекистонда Президентлик сайловларини ўтказиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби “Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланган[1] (1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90 – моддасига асосан Президент лавозимига номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

биринчидан, 35 ёшдан кичик бўлмаган, фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Президент этиб сайланиши мумкин;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқаросигина сайланиши мумкин;

учинчидан, Президентликка номзодга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида 10 йил яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бу муддат - Президентликка номзод фақат билимлар ва амалий тажрибага эга бўлибгина қолмай, балки Ўзбекистондаги ҳаётнинг ўзига хос шароитларини тушуниш учун ҳам зарур ва етарлидир;

тўртинчидан, давлат тилини яхши биладиган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Президентликка сайланиши мумкин. Тиллардан фойдаланишни тартибга солиш – Ўзбекистонда конституциявий аҳамиятга эга. У ёки бу тилнинг давлат тили сифатидаги мақоми Конституция билан белгиланади. Масалан, Конституциянинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" – деб белгилаб қўйилган. Давлат ҳокимияти органлари, расмий иш юритиш, суд ишларини олиб бориш мажбурий равишда давлат тилида олиб борилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва расмий нашрлар эълон қилинади.

Ўзбек тили – Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг мутлақ кўпчилиги бўлмиш ўзбек халқининг она тилидир. У Ўзбекистон бирлиги ва яхлитлиги,

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 3-сон, 38-модда.

жамият жипслигининг муҳим омилидир. Айнан шунинг учун Конституция ва Ўзбекистон суверенитетининг кафили бўлмиш Президент ўзбек тилини яхши билиши шарт;

бешинчидан, Ўзбекистонда бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Президент бўлиб сайланиши мумкин эмас..

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 90-моддасининг 2-қисмида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашнинг асосий принциплари аниқ белгилаб қўйилган. Президентлик Республикаларида Президент мамлакатнинг барча сайловчилари томонидан умумхалқ сайловлари йўли билан сайланади.

Ўзбекистонда Президент сайловлари умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Президентнинг ўз лавозимида бўлиш муддати 5 йилдир. Ўзбекистондаги 1991 ва 2000 йиллардаги Президент сайловлари айнан шу йўл билан ўтказилди.

Президент сайловларини ўтказиш тартиби 1991 йил 18 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисида"ги Қонун билан белгилаб қўйилган. Бу қонунга 2004 йил 2 декабрдаги Қонунини билан ўзгартириш киритилган..

3-§. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб, ўз лавозимини бажаришга киришади. Қасамёд – тантанали ваъда, Конституция ва халққа хизмат қилиш юзасидан Президент ўз лавозимига киришганда берадиган қасамёддир. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёдининг матни Конституциянинг 92-моддасида берилган:

"*Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан.*"

Ўзбекистон Республикаси Президенти парламент депутатлари олдида тантанали равишда қасамёд қабул қилади. Қасамёд қабул қилишда Президентнинг қўл остида Конституция матни бўлади. Президент Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга қасамёд қилади. Президент қасамёд қабул қилиши билан, давлат мадҳияси ижро этилади.

Ўзбекистонда умумхалқ сайловида сайланган Президент И.А.Каримов биринчи бўлиб қасамёд қабул қилди. Агар бир шахс иккинчи марта Президент бўлиб сайланса, қасамёд такроран қабул қилинади.

Президентнинг қасамёди фақат расмий тантанали маросим сифатидагина қабул қилинмайди. Шунингдек, у юридик аҳамиятга ҳам эга.

Президент қасамёдининг юридик аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Президент қасамёд қабул қилиши билан ўз лавозимига киришади ва ўзининг конституциявий ваколатларини бажара бошлайди. Шу вақтдан бошлаб, олдинги Президент ўз ваколатини тугатади;

иккинчидан, қасамёднинг матни одатда Конституцияда берилади, халққа эълон қилинади ва парламент олдида Президент томонидан тантанали қабул қилинади. Қасамёд матнида Конституцияга садоқат, халқ ва давлатга хизмат қилиш билан бирга, кўпинча диний тусдаги ифодалар бўлади ёки қасамёд Қуръонда ёхуд Инжилда қабул қилинади;

учинчидан, қасамёдни бузиш Президентни жавобгарликка олиб келади, бу унинг ўз лавозимидан четлатилиши учун асос бўлиши мумкин (бундай маросим кўп мамлакатларда импичмент номини олган);

тўртинчидан, Президент ўзига бевосита берилмаган ваколатларга асосланган ҳаракатларида унга қасамёд юклаган мажбуриятларини рўкач қилиш имконига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддасида Президент ўз лавозимида ишлаётган вақтда қуйидаги вазифаларни бирга олиб бормаслиги назарда тутилган:

биринчидан, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаш;

иккинчидан, вакиллик органининг депутати (парламент, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш) бўлиш;

учинчидан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти дахлсизлик ҳуқуқига эга. Президентнинг дахлсизлиги мутлақ бўлиб, у бажарадиган мажбуриятлардан келиб чиқиб, Президентнинг қонунлар билан алоҳида муҳофаза этилишини англатади. Президент шахсининг дахлсизлиги унинг бутун ваколатлари давомида алоҳида кафолатларни таъминланиши билан боғлиқ.

2003 йил 25 апрелда қабул қилинган “ Ўзбекситон Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги қонун билан кафолатланади[1].

Президент шахсининг дахлсизлиги унга қарши жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмаслигини билдиради. Президент мажбурий равишда, масалан, гувоҳ сифатида судга чақирилиши, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Президент ҳибсга олиниши, тинтув этилиши ва шахсий кўздан кечирилиши мумкин эмас. Шу маънода Президентнинг шахси дахлсиздир.

4-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатлари

Президент конституциявий ваколатларининг кўлами унинг давлат ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи эканлигидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Президентига унинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги кўплаб ваколатларни беради. Президент фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўрнатилган доиралардагина фаолият кўрсатади.

[1] “ Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003, № 3ғ4, 34-модда

Президентнинг конституциявий ваколатлари давлат ва жамият ҳаёти фаолиятининг энг муҳим соҳаларини қамраб олади.

Кўпгина хорижий мамлакатлар тажрибасида давлат бошлиғининг конституциявий ваколатлари тарихий ривожланиш босқичларининг, шу давлатда истиқомат қилаётган халқларнинг миллий келиб чиқиш хусусиятлари ва жуғрофий жойлашувининг таъсирида турли хил белгиланган бўлади. Асосан, давлат бошлиғининг конституциявий ваколат муддатлари диққатга сазовордир. Масалан: АҚШ, Россияда – 4 йил, Франция, Украина, Германия, Бразилияда – 5 йил, Мексика, Мисрда – 6 йил, Италия, Исроилда – 7 йил. Президент ваколат муддатларининг бундай тартибда белгиланганлиги юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир миллат ва элатларнинг тарихий ривожланиш босқичлари билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида ўтказилган 2002 йил 27 январдаги референдум, мустақилликдан кейинги даврнинг энг муҳим Ўзбекистон тарихида муносиб ўрин эгаллайдиган давлат бошқарувининг такомиллаштириш режаларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ саккизинчи сессиясида қабул қилинган: Ўзбекистон Республикасининг, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 8-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати мустаҳкамланган: умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшириш овоз бериш йўли билан сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати – етти йил", деб белгиланганлиги давлат бошлиғининг ўз халқи олдига қўйган вазифасини бажариш учун кенг имкониятлар яратиб беради. Ушбу норма 2003 йил 24 апрелда Ўзбекистон Конституциясига киритилди.[1]

Президентнинг асосий вазифаси – давлатнинг бирлигини мамлакат ичида ва ташқарисида намоён қилишдир.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси ОЛий Мажлис Ахборотномаси, 2003, № 3-4, 27-модда

Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг қуйидаги йўналишларида унинг конституциявий ваколатлари яққол намоён бўлади.

1. Аввалambор, Ўзбекистон Президенти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафилидир. Бу шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг узлуксиз ишлаши учун шахсан жавобгар, бирор сабаб билан ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилиши бузилган ҳолларда тегишли чоралар кўришга мажбур. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат органлари ходимлари ва бутун аҳолининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг демократиялаш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш борасидаги тавсияларига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти 1996 йилнинг 31 октябридаги фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ташкил қилди.

Президент инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда аҳолининг алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларини, масалан пенсионерлар, ногиронлар ва давлат томонидан ҳимояга муҳтож фуқароларни муҳофаза қилишга йўналтирилган қонунлар, фармонлар чиқариш орқали ўзининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафили сифатидаги функциясини бажариб келмоқда.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Президент ўз ваколатларини амалга ошира бориб, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларининг ўз конституциявий мажбуриятларни зарур даражада бажаришларини таъминлайди. У хатти-ҳаракатлари Конституция талабларига жавоб бермаётган органлар ва шахсларга бевосита мурожаат қилиш орқали ҳам, шу соҳадаги ваколатли органлар, хусусан судлар воситасида ҳам бунга эришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради. Суверенитетни муҳофаза килиш давлат ҳокимияти барча тармоқларининг фаолият кўрсатиши орқали таъминланади. Шунинг учун Президент махсус ваколатларга эга, хусусан, фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берганда шахсан ўзи тезкор қарорлар қабул қилади. Масалан, у фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Республика Олий Мажлисининг тасдиғига киритади.

3. Президент давлат бошлиғи сифатида халқаро муносабатлар соҳасида муҳим ваколатларга эга. Бунда у муҳим вакиллик функциясини бажаради. Бу функцияни у якка ўзи шахсан амалга оширади.

Президент мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритади.

Президент халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг вакилидир. Бу ерда Президент Ўзбекистон Республикасини халқаро муносабатлари субъекти, суверен ва мустақил мамлакат сифатида намоён қилади. Бу шуни англатадики, фақат Президентгина шартнома ва битимларга имзо чекиши, музокараларда Ўзбекистон номидан қатнашиши, Республиканинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва битимлари қонун қабул қилиш орқали Ўзбекистон Олий Мажлис палаталари томонидан ратификация қилиниши керак. Халқаро шартнома ва битимнинг ратификация қилинганлиги ратификация ёрлиғи билан тасдиқланади. Ратификация ёрлиғига Ўзбекистон Республикаси Президенти имзо чекади. Икки томонлама шартнома ва битимлар тузилганда унинг иштирокчилари ратификация ёрлиқларини алмашадилар. Кўп томонлама шартномаларда ратификация ёрлиғи депозитарий

давлатга ёки халқаро шартнома матнини сақловчи халқаро ташкилотга бериб қўйилади.

Президентнинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим ваколатлари жумласига қўйидагилар киради:

Аккредитациядан ўтган элчилар ва бошқа дипломатик вакилларга ишонч ва чақириб олиш ёрлиқларини топшириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардаги элчилари ва бошқа дипломатик вакиллари номзодларини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тўғрисида тақдим киритади.

Ёрлиқлар топширилаётганда, одатда ташқи ишлар вазири қатнашади. Дипломатик вакил ўзининг номини, давлатнинг номини, давлат бошлиғининг номини айтади, ёрлиқни Ўзбекистон Республикаси Президентига топширади. Кўпинча ёрлиқлар топшириш учун бир нечта янги элчилар йиғилишади. Ёрлиқлар топширилгач, Ўзбекистон Президенти янги элчи билан қисқача суҳбатлашади. Президентнинг ишонч ёрлиғини қабул қилиши шуни англатадики, тайинланган ва Ўзбекистон Республикасига келган хорижий давлат элчиси ёки дипломатик вакил ёхуд халқаро ташкилот вакили аккредитациядан ўтган, яъни расмий равишда мамлакатимизда ўз мажбуриятларини бажаришга киришган деб ҳисобланади.

Хорижий давлат элчиси ёки халқаро ташкилот ҳамда хорижий давлатнинг дипломатик вакили функциясини бажаришининг тўхтатилиши Президентга чақирув ёрлиғини топшириш орқали расмийлаштирилади.

Чет эл давлатларида Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатларининг бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олишнинг тартиби "Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқларини тайинлаш ва уларни чақириб олиш тўғрисида" ги 1992 йил 3 - июлдаги қонун билан белгиланади. Бу қонун " Дипломатик алоқалар тўғрисида" ги 1961 йилги Вена конвенцияси ҳамда бошқа умумэътироф этган халқаро - ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга тўла мос келади.

Хорижий давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдими билан Сенат томонидан тайинланади. Дипломатик ваколатхона бошлиғи лавозимига номзодни Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор органларнинг келишувини олган ҳолда тавсия этади. Фавқулодда ва мухтор элчи ёки фавқулодда ва мухтор вакилнинг белгиланган мамлакатга жўнаб кетишидан олдин Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти имзо чеккан ва ташқи ишлар вазирининг имзоси қўйилган, белгиланган давлат бошлиғига бериш учун мўлжалланган ишонч ёрлиғини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг бошлиғини чақириб олиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

биринчидан, дипломатик ваколатхона бошлиғи алмаштирилганда;

иккинчидан, дипломатик ваколатхона бошлиғи номақбул шахс (персон нон грата) деб эълон қилинганда;

учинчидан, давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар узилганда;

тўртинчидан, давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда;

бешинчидан, давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида мавжудлигини тугатганда.

4. Конституцияда белгилаб қўйилганидек, Президент мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим **масалалари юзасидан** ***Олий Мажлис палаталарига ҳар йили маърузалар тақдим этади*** Унинг маърузаси норматив ҳужжат ҳисобланмайди. Бу ахборот сиёсий тусга эга бўлиб, мамлакатни ривожлантиришнинг дастурий принциплари ва стратегик вазифаларини ўз ичига олади.

Маърузада Ўзбекистон Президентининг мамлакат келажагини қандай тасаввур қилаётганлиги баён этилади. Жумладан, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги чиқишларини кўрсатиб ўтиш мумкин: 1995 йил 23 февралдаги биринчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги "Ўзбекистон ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари", 1996 йил 29 августдаги миллий парламентнинг олтинчи сессиясидаги, "Ҳозирги

босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифалари", 1999 йил 14 апрелда ўн тўртинчи сессиядаги, "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда"; 2000 йил 22 январда иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги, "Олий мақсадимиз - Ватан озодлиги ва ободлиги, халқ эркинлиги ва фаровонлиги" , 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида “ Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” мавзусидаги чиқишлари давлатнинг ташқи ва ички сиёсатнинг асосий йўналишларини кўрсатиб ўтилди. Президентнинг бу маърузаларида мамлакат тараққиётининг стратегик устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг , ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида нутқ сўзлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижроия ҳокимиятини тузиш билан боғлиқ ваколатлари анча кенг баён қилинган. Бундай ваколатларнинг кўпчилигига қуйидаги иккита сабаб бор:

биринчидан, Президент бўлиб сайланган шахснинг дастури умумхалқ сайловлари орқали қўллаб - қувватлангани учун у ижро ҳокимият органларини тузишда маълум ваколатларга эга бўлиши керак. Чунки унинг дастурини бажариш асосан, ижро ҳокимияти органлари зиммасига тушади, уларни тузишда Президентнинг ваколатлари жуда муҳим ўрин тутади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосларидан бири бўлмиш ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи давлат ҳокимиятининг бирор органи фақат бир ҳокимият тармоғи томонидан тузилишини истисно қилади. Шунинг учун давлат ҳокимиятининг марказий органларини тузишга ҳам Президент, ҳам Олий Мажлис жалб қилинган. Бунга қуйидаги икки йўл билан эришилади: Президент муайян мансабдор шахсларни тайинлайди, Олий Мажлис эса маъқуллайди, ёхуд Олий Мажлис тайинлайди, номзодни эса Президент таклиф қилади.

Ижро ҳокимияти органларини ташкил қилишда Президентнинг ваколатлари жуда кенг. Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади. Бош вазирнинг тақдимига биноан Президент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади. Бундан ташқари Президент ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Президент вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади ҳамда шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Олий Мажлис палаталар тасдиғига киритади. Президент Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчилик бу масалаларни Олий Мажлис Сенатининг тасдиғига киритади. Шунингдек, Президент вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритади. Президент ўз қарори билан Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр - қимматига доғ тушрадиган хатти - ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этишга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалага доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тақдимига киритади.

6. Суд ҳокимияти органларига келганда, шуни айтиш мумкинки, Президент Олий Мажлис Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари , Олий хўжалик суд раиси ва судьялари номзодларни тақдим этади. Уларни Олий Мажлис Сенати сайлайди. Шунингдек, Президент вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик суди судьяларини тайинлайди ва лавозимлардан озод қилади. Президентнинг тақдимига биноан, Олий Мажлис Сенати Марказий Банк

бошқаруви раиси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Фақат ижро ҳокимияти органларини тузишгина эмас, балки уларнинг фаолияти билан боғлиқ соҳада ҳам Президентга катта ваколатлар берилган. Конституцияга мувофиқ Президент ижро ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланади. Бош вазир тақдимига биноан ҳукумат аъзоларини тасдиқлайди ва уларни лавозимидан озод этади.

Агар республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатлари Конституция ва қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига зид бўлса ёки улар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилса, ушбу масала тегишли судда ҳал қилинмагунича Президент бу ҳужжатларни тўхтатиш ёки бекор қилишга ҳақли.

7. Президентнинг республика давлат ва бошқарув олий органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашдаги ваколатлари ҳам бор. Бунинг учун у Конституцияда ўрнатилган, Олий Мажлисга таъсир ўтказиш (XVIII боб), Вазирлар Маҳкамасига таъсир ўтказиш (XX боб) дастакларидан фойдаланиши, баъзи ҳолларда судга мурожаат қилиши, масалани Конституциявий суд кўриб чиқиши учун тақдим этиши мумкин

Президент Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, буни Олий Мажлис палаталарининг тасдиғига киритади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш учун Президент Конституцияда кўрсатилган бошқа воситалардан ҳам фойдаланиш имконига эга. Лекин Президентнинг давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи сифатидаги обрўси ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чунки у тўғридан - тўғри умумий сайловларда халқ топширган сиёсий мандатга эга.

8. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунларни имзолайди.

Президентнинг имзоси бўлмаса, қонун кучга кирмайди. Бу давлат бошлиғининг анъанавий функцияси бўлиб, қонунга мажбурий куч беради ва

қонун чиқарувчилик жараёнини якунлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Президентга ўн кун ичида юборилади. Президент эса ўттиз кун ичида қонунни имзолайди ҳамда матбуотда эълон қилинади

Қонунни имзолаш расмий акт эмас. Қонунни имзолаш унинг халққа эълон қилинганлигини, яъни уни оммага билдирганлигини англатади. Бундай расмий эълон қилиш - Олий Мажлис қабул қилган ва Президент имзолаган қонун матнини расмий мақом берилган матбуот органида нашр этишдир. Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилинишида улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Қонун бутун Ўзбекистон Республикаси худудида кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Конституциявий ҳуқуқда бу " Президент ветоси " номини олган бўлиб, бошқарувнинг президентлик шаклидаги давлатларга хосдир.

Вето - давлат бошлиғининг парламент қабул қилган, лекин ҳали кучга кирмаган қонунга эътироз билдириш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Конституциясида "Вето" атамаси ишлатилмаган. Ўзбекистон Конституциясида Президентнинг асосланган эътирозини билдириб, қонунни такроран муҳокама қилиш ва овозга қуйиш учун Олий Мажлисга қайтариш ҳуқуқи ҳақида гапирилади.

Қайтариш учун асослар рўйхати Конституцияда кўрсатилмаган, лекин қонунни қайтарар экан, Президент бундай қарорнинг сабабини асослаб беради. Бунда Президент умуман қонунга ва эълон қилади ёки унинг бирор қоидасига эътироз билдириши мумкин.

Агар Президент томонидан қайтарилган қонунни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзоларининг умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози маъқулласа, қонун ўн тўрт кун ичида Президент имзолаши ва эълон қилиши керак бўлади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат масаласидаги ваколатлари Конституция 93-моддасининг 19-бандида аниқ ифодаланган. Фақат Президентгина бутун республика ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳақли. У қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади. Лекин Президент бундай қарорни қабул қилишда эркин эмас, чунки фавқулодда ҳолат фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибдагина жорий этилади. Президент бу ҳақда қабул қилган қарорини уч кун ичида Олий Мажлис палаталарининг тасдиғига киритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий соҳадаги ваколатлари анча кенг. У республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг Олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, Хавфсизлик Кенгашини тузади ва унга раҳбарлик қилади, олий ҳарбий унвонларни беради.

Президентнинг Олий Бош қўмондон эканлиги Мудофаа вазирлигига ҳар қандай буйруқлар беришига имкон туғдиради. Мудофаа вазири амалда бевосита Президент раҳбарлигида ишлайди. Уруш ёки агрессия ҳолатида Президент ҳар қандай вақтда Қуролли кучларга бошчилик қилишни ўз қўлига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тажовуздан, бир - бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилишга ҳақли, у бу қарорини уч кун мобайнида мамлакат Олий Мажлиси палаталариниг тасдиғига киритади.

11. Давлат бошлиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари жумласига фуқаролик, сиёсий бошпана бериш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш, амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига тақдимнома киритиш ва авф этиш каби масалаларни ҳал қилиш киритилган.

Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилган бўлиб, унга қандай асосларда эга бўлишидан қатъий назар барча учун тенгдир (Конституциянинг 21-моддаси). Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотишнинг асос ва тартиблари Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик тўғрисида" ги қонуни билан белгиланади. Қонуннинг 30- моддасида Президентнинг фуқаролик масалалари бўйича ваколатлари белгиланган.

Президент бу масала бўйича қуйидаги қарорларни қабул қилади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш;

иккинчидан, хорижда яшаётган тегишли илтимоснома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тиклаш тўғрисида;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқариш тўғрисида;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганлик тўғрисида.

Юқорида айтилган масалаларни дастлабки кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида фуқаролик масалалари бўйича комиссия тузилган. У ҳар бир ариза ёки илтимосноманинг Президент кўриб чиқишига тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қабул қилиш ва ундан чиқишининг батафсил тартиби (зарур ҳужжатлари, улар қаерга юборилиши керак ва ҳ.к.). "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишнинг тартиби тўғрисидаги қоидалар" билан тартибга солинади. У 1992 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

фармони билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича Президент фармон чиқаради.

Сиёсий бошпана – ўз мамлакатида сиёсий важларга кўра таъқиб қилинаётган хорижий шахсга, фуқаролиги бўлмаган шахсга бошқа мамлакатда яшаш ҳуқуқини беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижий шахсга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга сиёсий бошпана берилиши шуни англатадики, бу одам Ўзбекистонга келиши мумкин ва жиноятчи сифатида бошқа давлатга берилмайди. Одатда сиёсий бошпана сиёсий фаолияти, илмий ва маданий важлар учун, миллий ва диний важлар туфайли таъқиб қилинаётган шахсларга берилади. Сиёсий бошпана ҳуқуқи 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (14-модда) ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1967 йил 14 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган ҳудудий бошпана тўғрисидаги декларацияда назарда тутилган, лекин резолюция фақат тавсия хусусиятига эга. Сиёсий бошпана олиш учун зарур бўлган шартларни белгилаш – бошпана бераётган давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Фақат Ўзбекистон Республикасинитнг Президентигина сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга ваколатлидир.

12. Давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар – давлатнинг иқтисод, фан, маданият, санъат, Ватанни ҳимоя қилиш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги юксак хизматлари учун фуқароларни рағбатлантиришнинг олий шаклидир.

Конституцияга мувофиқ давлат мукофотлари (орденлар, медаллар, ёрлиқлар) билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан амалга оширилади. У олий ҳарбий унвонларни (масалан, армия генерали), олий малакавий унвонларни (масалан, дипломатик даража), олий махсус унвонларни (масалан, амалдаги давлат адлия маслаҳатчисининг тоифа даражасини) беради. Фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича комиссиянинг қарори Президент фармонлари билан тасдиқланади. Фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароларигина эмас, балки хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам давлат

мукофотлари ва фахрли унвонлар билан мукофотланиши мумкин. Масалан, 1996 йил апрелда француз олими, профессор Л. Керен Амир Темур меросини ўрганишга қўшган катта ҳиссаси учун "Шуҳрат" медали билан мукофотланди.

Мукофотланган шахс қасддан жиноят содир этганда суднинг тақдимномасига биноан фақат Президент томонидан давлат мукофотларидан маҳрум қилиниши мумкин (Президентнинг махсус фармони чиқарилади).

13. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлиснинг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади. Амнистия – жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўла ёхуд қисман озод қилиш ёки илгари суд тайинлаган жазони ўтаган шахсларнинг судланганлигини олиб ташлашдир. Амнистия эълон қилиниши билан жазони ўтаётган шахслар уни ўташдан озод қилинадилар ёки жазо муддати қисқартирилади. Агар айбланувчи ишнинг амнистия бўйича тўхтатилишига эътироз билдирса, ушбу иш тергови ва суд юритувида давом этади. Суд айбланувчини айбдор деб топса, шу амнистия актида кўрсатилган асосларга кўра тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади. Афв этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилар экан, Президент инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида майдонга чиқади. Чунки маҳкумнинг Ўзбекистон Президентига мурожаат қилиши – жиноий жазо чорасини қайдайдир даражасида бўлсада ўзгартиришнинг сўнгги имкониятидир.

Амнистиядан фарқли равишда афв – индивидуал акт, яъни муайян шахс ёки шахслар гуруҳига тааллуқли ҳужжатдир. Афв ҳукм қонуний кучга кирган жинояти учун судланган шахсни жазодан озод қилиш ёки жазони юмшатишдир. Афв этиш реабилитациядан фарқ қилади. Реабилитация (оқлаш) ҳам индивидуал акт, лекин у оқланган шахс ноқонуний ҳукм қилинганини билдиради. Афв эса ҳукмнинг тўғрилигини тасдиқлайди, лекин маҳкумнинг

ҳолатини енгиллаштиради (жазо чорасини ўзгартириш, жазони ўташдан озод қилиш).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

14. Конституциянинг 95-моддаси кўп мамлакатларда мавжуд бўлган давлат бошлиғининг парламентни тарқатиб юбориш институтига бағишланган. Парламентни тарқатиб юбориш - унинг ваколатлари тугагунча, янги сайловлар белгилангунича парламент фаолиятининг тўхтатилишидир. Парламентни таркатиб юбориш ҳокимиятларнинг бўлиниши принципини амалга оширадиган мувозанатлар ва зиддиятлар тизимининг муҳим элементидир.

Парламентни тарқатиб юбориш, қоида тариқасида, Конституция амалга ошириш мумкин ёки қонунлар асосида кўрсатилган.

Президент Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ёки Сенати фақат Конституцияда аниқ белгиланган ҳоллардагина тарқатиши мумкин:

биринчидан, Олий Мажлиснинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ёки Сенатини таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда;

иккинчидан, Олий Мажлис палаталари бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилганда;

учинчидан, Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Олий Мажлиснинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда;

Тўртинчидан, тарқатиб юборишга Конституциявий суднинг розилиги бўлганда.

Демократик тузумдаги парламентни тарқатиб юбориш институти учун икки томонлама бир хил юридик алоқа хосдир: парламент таркиби фаолиятининг тўхтатилиши ва янги сайловларнинг белгиланиши. Ўзбекистон Конституциясининг 95 - моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси,

Сенатини тарқатилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида, ўтказилиши кўрсатилган.

Шу билан бирга, Конституциянинг 95-моддасининг 3-қисмида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатиб юборилишини чекловчи қоида белгилаб қўйилган. Масалан, бутун Ўзбекистон ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий қилинган бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатилиши мумкин эмас. Бундай, алоҳида фавқулодда вазиятда давлат амалдаги парламентсиз қолиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси палаталарини тарқатиб юбориш ҳуқуқи мутлоқ эмас, чунки бу ҳуқуқ Конституцияда қатъий белгиланган вазиятлар билан чегараланган.

5-§ Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Конституциянинг 94-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан мамлакатнинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз вазифалари ва конституциявий ваколатларининг амалга ошириш мақсадида кўп қиррали ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини юритади.

Президент бутун Ўзбекистон ҳудудида бевосита амал қиладиган, мажбурий кучга эга бўлган уч хил норматив-ҳуқуқий ҳужжат:

1) фармонлар;
2) қарорлар;
3) фармойишлар чиқаради.

Фармон – аниқ бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларга тааллуқли бўлиб, узоқ муддатга амал қилади. Фармон – норматив-ҳуқуқий ҳужжат. У ҳуқуқни қўллаш хусусиятига ҳам эга бўлиши мумкин ва демакки, норматив

мазмунга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Норматив мазмундаги фармонлар нашр этилади, масалан у ёки бу шахсни бирор лавозимга тайинлаш тўғрисида.

Фармойиш – индивидуал ташкилий хусусиятдаги ҳужжатдир.

Президент чиқарадиган ҳужжатлар унинг ўзи томонидан мустақил чиқарилади. Президент чиқарадиган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар Конституция ва қонунларга зид бўлмаслиги шарт. Чунки улар Конституция ва қонунлар асосида, уларни бажариш мақсадида чиқарилади. Президент чиқарган норматив ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масала, зарурият туғилганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан ҳал қилинади (Конституциянинг 109-моддаси). Кўриб чиқиш натижалари бўйича Конституциявий суд бутун ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари конституциявий ёхуд ғайри конституциявий эканлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Шу тариқа Президент актларининг конституциявий бўлиши кафолати таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари қонун ости ҳужжатлари деб аталмайди. Лекин улар Конституция ва мамлакат қонунларига зид бўлмаслиги шарт (16-модда). Лекин "Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан" дейилган конституциявий баён қилиш, шунингдек, фақат қонун томонидан тартибга солинадиган масалалар рўйхатининг Конституцияда мавжуд эмаслиги – Президентнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини кенг талқин қилишга имкон беради. Бирор масалани қонун билан тартибга солиш мавжуд бўлмаган ҳолларда, Президент олдиндан ушбу масала юзасидан норматив фармон чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари "Ўзбекистон Республикаси Президентининг хабарномаси" ва шунингдек,республика газеталарида расман эълон қилинади.

Ўзини- ўзи назорат қилиш саволлари

1. “ Президент” сўзининг луғавий маъноси нима англатади?

2. Ўзбекистонда Президентлик институти қачондан бошлаб жорий қилинди?

3. Ўзбекистон Республикаси Президентлиги номзодига қандай талаблар белгиланган?

4. Президент қасамёдининг юридик аҳамияти нима?

5. Ўз лавозимида ишлаётган Президент бошқа қандай лавозимларга ишлаши тақиқланади?

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатларини айтинг?

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади?

XXVII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

1-§. Президентлик бошқарув усули - ўзбек миллий давлатчилиги ўзаги

2-§. Ўзбекистонда президентлик сайловининг конституциявий асослари

3-§. Президентлик сайлови тўғрисидаги қонунчилик

4-§. Президентлик сайловларида актив ва пассив сайлов ҳуқуқи

5-§. Президентлик сайловининг асосий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ва принциплари

6-§. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш

7-§. Президентлик сайловларини ўтказиш ва овоз бериш

1-§. Президентлик бошқарув усули - ўзбек миллий давлатчилиги ўзаги

Ўзбекистон собиқ иттифоқдаги республикалардан биринчи бўлиб, президентлик бошқарувини жорий этган, ҳамда кенг миқёсдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-маънавий ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтган суверен давлатдир.

Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганидек, **«Ўзбекистон тарихида илк марта жорий этилган Республика Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди».**

Президентлик бошқарувида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижро ҳокимияти бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашган. Президентлик ҳокимияти жамиятдаги сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ва Ўзбекистон демократик ислоҳотлари йўлидан муаффақиятли боришнинг кафолати бўлгани ҳолда, мустақил ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланди.

Ўзбекистон президентлик республикасидир. Бу–инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бошқарув усулидир.

Халқнинг хоҳиш-иродаси президентлик ҳокимияти сиёсатини белгилаб беради. Президентлик бошқаруви инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилгандир. Президентлик ҳокимияти инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишни кафолатлайди.

Президентлик ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолиятини мамлакат олий мақсадлари йўлида мувофиқлаштиради.

Бизнинг давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Айнан шу маънода Президент миллат тимсоли, давлат рамзи сифатида намоён бўлди, Оилада, давлатда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари, давлатнинг фуқаролари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса муносиб ҳаёт кўриш мумкин эмас.

Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қонунлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонунларнинг сўзсиз бажарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга тадбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини тақозо этди.

Шундай қилиб, президентлик бошқаруви барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш, ҳамда конституциявий тузум барпо этиш асосидир. Президенлик бошқаруви давлат тушунчаси, унинг маъно-моҳиятини тубдан ўзгартирди.

Президент ислоҳотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларнинг мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди. Ўзбек давлати бозор иқтисоди

муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга оширмоқда.

2-§. Ўзбекистонда президентлик сайловининг конституциявий асослари

Мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг ривожланишида 1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлди. Бу ҳол бутун сайлов тизимнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тубдан янгилаш ва ислоҳ қилишни кун тартибига қўйди. Шунга кўра, қонун чиқаруви олий ҳокимият-Олий Мажлис сайлов тизимининг янги ҳуқуқий асосларини яратди.

Ўзбекистон Республикаси давлат қурилишининг ҳозирги босқичи олдинги даврлардагидан тубдан фарқ қилади. Ҳозирги босқичда мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг тўла қонли субъекти бўлиб, янгиланиш ва тараққиёт йўлидаги ривожланишида тўла мустақилдир. **Ўзбекистон суверен, конституциявий, демократик ҳуқуқий ва президентлик республикасидир.**

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими-ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади, шу билан бирга уларнинг ўзаро муносабатлари давлат ҳокимиятининг ягона манбаи сифатида халқнинг олий мақсадларига хизмат қилади.

«Сайлов» тушунчаси бирон бир органни (давлат, жамоат, халқаро ва ҳакозолар) овоз бериш йўли билан шакллантириш демакдир. Бинобарин, сайлов учун бир неча объектлар бўлиши мумкин. Унда сайлов муқобиллик тарзида амалга оширилади. Муқобилликсиз сайловларда ҳеч бўлмаганда, ундан воз кечиш учун кафолат беришга имконият яратиш лозим. Ўзбекистон Марказий Осиё учун 1992 йил 29 декабрида муқобил сайловлар йўли билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлашда бебаҳо тажрибага эгадир.

«Сайлов ҳуқуқи» тушунчаси ва ибораси икки маънода ишлатилади. Биринчиси, бу-сайлов ҳуқуқи сайлаб қўйиладиган давлат органларини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари Конституция, Президент, Олий Мажлис ва маҳаллий

вакиллик органларига сайловлар ҳақидаги қонунлардир. Иккинчиси, бу фуқароларнинг сайлаб қўйиладиган органларни тузишда қатнашиш, яъни уларнинг таркибини сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ва унга ўзларининг сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ларидир.

Сайлов тизими – бу фуқаролик жамиятида давлатнинг вакиллик органларини сайлаш йўли билан пайдо бўлувчи давлат жамоат муносабатлари тизимидир. Бу эса сиёсий партияларнинг фаол ҳаракатлари ва фуқароларнинг ўз иродасини қанчалик билдиришларига боғлиқ. Давлат сайлов тизими Ўзбекистон Республикаси қонунийлигини ташкил этувчи ва ҳуқуқийлигини кафолатловчидир.

Сайлов ҳуқуқининг асосий манбаи конституциявий меъёрлардир. Президентлик сайловлари тўғрисида қонунни тайёрлашда ўзбек халқининг бутун маданий тараққиётининг тарихий тажрибасига асосланилган Конституциямизнинг руҳи эътиборга олинган. Бундай ёндашув шак-шубҳасиз, умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳуқуқларига давлатимизнинг бу йўналишдаги юксак масъулиятига жавоб беради.

Конституциямизнинг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси 18 ёшга тўлган фуқаролари фаол сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Президентлигига сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Ўзбекистонда президентлик сайлов ҳуқуқининг конституциявий меъёри кўппартиявийлик бўлиб, у фуқароларнинг давлат ва жамиятдаги сиёсий ҳуқуқлари, қонунийликни, барқарорликни, демократиявийликни кафолатлашга қаратилгандир.

Конституциянинг 10-моддасида сиёсий партиялар халқ номидан иш олиб боришга хақли эмаслиги алоҳида кўрсатилган. Умуман, конституциянинг 10 та моддасида кўппартиявийлик билан боғлиқ бўлган меъёрлар бор. 34-моддада фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиши ҳуқуқи алоҳида белгилаб қўйилган. Чунончи, 60-моддада «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл

билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар», деб конституциявий қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

«Кўппартиявийлик» тушунчаси том маънода Президентлик сайловларида бир неча сиёсий партияларнинг камида эса иккита сиёсий партиянинг иштирок этишини билдиради. Шу тариқа, сайлов тизимнинг кўп партиявийлиги фуқароларнинг танлаш ҳуқуқини кафолатлайди.

Кўппартиявийлик асосида президентлик сайловларини ўтказиш қуйидагиларни билдиради:

биринчидан, ҳуқуқий жиҳатдан рўйхатга олинган барча сиёсий партияларнинг сайлов компаниясида иштирок этиши;

иккинчидан, конституция ва қонун талаблари доирасида ўз номзодларини президентликка кўрсатиш ҳуқуқи;

учинчидан, сиёсий партияларнинг барча даражалардаги сайлов комиссияларининг ишида қатнашиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароит яратиш;

тўртинчидан, Олий судга, президентлик сайловлари ҳақидаги Қонуннинг бузилиши фактлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидир.

Сайлов ҳуқуқининг конституциявий принциплари яширин овоз бериш йўли билан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқидир.

Президент сайловлари ҳақидаги Қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқининг умумийлиги яъни сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, овоз бериш ҳуқуқини расмийлаштириш ва овоз бериш фактини тасдиқлаш каби тадбирларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишини назарда тутади.

Тенг сайлов ҳуқуқи шундан иборатки, ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлади ва барча фуқаролар сайловларда тенг шароитларда иштирок этадилар.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи шундан иборатки, сайловчилар Президентни сайлашда бевосита иштирок этадилар.

Яширин овоз бериш эса сайловчининг ўз иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўймасликни назарда тутади. Бу конституциявий принцип

фуқароларнинг ўз иродасини эркин билдиришини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатланиши бўлиб, демократик жамиятнинг асосий белгиларидан биридир.

Фуқароларнинг Президентни сайлаш ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бевосита чеклашга йўл қўйилмайди. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган баъзи бир алоҳида ҳоллар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикасининг сайловлар кунига қадар 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқароси Президентни сайлаш ҳуқуқига эгадир. Президентлик сайловларини ташкил этиш белгиланган баъзи бир алоҳида ҳоллар бундан мустаснодир. Президентлик сайловини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тузиладиган Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

3-§. Президентлик сайлови тўғрисидаги қонунчилик

Ўзбекистонда президентлик лавозими жорий қилингандан сўнг Президент сайловига оид муҳим қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар жумласига қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун;
3. "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонун;
4. "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун.

Бу тўрт қонун Президент сайловига бевосита алоқадор.. Бундан ташқари Президент сайловлари яна бир қатор бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Бундай қонунлар қаторига "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун, "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида"ги Кодекс, Жиноят Кодекси, Фуқаролик-процессуал Кодекси кабилар киради. Бу кодекс ва қонунлар ёрдамида президентлик сайловининг у ёки бу томонлари тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиш учун сайлов талаблари мустаҳкамланган: **«Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз**

беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловларга қадар камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиши мумкин эмас». Бу конституциявий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунда янада ривожлантирилган ва аниқлаштирилган.

Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисидаги қонунлари халқаро сайлов ҳуқуқининг стандартларига тўла мос келади. "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси", "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пакт, "Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Копенгаген учрашуви" Ҳужжатининг асосий талаблари бизнинг сайлов қонунларимизда ўз аксини топган.

Президентлик бошқаруви жорий қилинган давлатлар сиёсий ҳаётининг энг муҳим воқеаларидан бири бу-Президент сайловлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда Президент сайловларини демокартик асосларда ўтказилишининг зарур ҳуқуқий асослари яратилган; Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилгандан сўнг собиқ иттифоқчи республикалар ичида биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун»ни 1991 йил 18 ноябрда қабул қилди. Ушбу Қонунга 1997 йил 26 декбарда ва 1999 йил 19 августда ҳамда 2004 йил 2 декабрда муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Қонун Президент сайловларига оид қонунлар ичида марказий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг II-чақириқ, саккизинчи сессиясида қабул қилинган: "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий приниципларитўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши, 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда мамлакатимиз Олий Мажлисини икки палатали қилиб белгилаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги муҳим масала бўйича қабул қилинган Олий Мажлис қарори ҳаётга

тадбиқ этиш борасидаги тарихий жараёнлардан ҳисобланади. Ушбу Конституциявий Қонун асосида: **"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгасига вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколати тугайдиган йилда – декабр ойи учинчи ўн кунлигинининг биринчи якшанбасида ўтказилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга келмб қолган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органлирининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади."

Сайлов жараёнлари унинг биринчи босқичи бўлмиш сайлов муддатини тайинлаш билан бошланади.

Ушбу босқични турли давлатларда турлича кўринишлари мавжуд бўлиб, аксарият давлатларда парламентга сайлов ўтказиладиган кун давлат бошлиги томонидан, Президент сайлови куни парламент томонидан тайинланади.

Сайлов ўтказиш муддати баъзи мамлакатларда эса ўз конституцияларида қатъий белгилаб қўйилган. Масалан, Коста-Рика Республикаси Конституциясига кўра, Президент сайлови сайлов йилининг февраль ойидаги биринчи якшанба куни ўткизалади.

АҚШ Конституциясига кўра, Президент сайлови сайлов йилининг ноябрь ойида ўтказилади. Бунда ноябрь ойи биринчи душанбасидан кейинги биринчи сешанба куни сайлов куни деб белгиланган.

Шундай ҳолатлар ҳам борки, Конституция сайлов ўтказишнинг аниқ муддатларни эмас балки, сайлов ўтказиш шартларини белгилаб беради. Масалан, Болгария, Польша, Чехия давлатларида тегишли орган ёки мансабдор шахснинг ваколат муддати тугаши муносабати билан сайлов ўтказиш муддати белгиланади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ҳар бир мамлакатда давлат ҳокимият органларига сайлов ўтказиш муддати турлича белгиланган. Бунга шу

шаклланган муносабатлар, мамлакат халқининг менталитети, тарихий шарт-шароитлар сабаб бўлиши мумкин.

Сайловларни ўтказиш муддати белгиланган ушбу модданинг иккинчи банди ҳам жуда муҳим қоидани ўзида ифодалаб беради. Биламизки, давлат ҳокимияти органларининг ваколат муддати турлича бўлсада, маълум даврга келиб, ушбу органларга сайлов бир вақтга тўғри келиб қолади. Ушбу ҳолатда Президент билан давлат хокимияти вакиллик органларининг бир вақтда сайланишини олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирни қўллаш маъқул деб топилди. Яъни, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари бўлмиш Олий Мажлис, Қорақолпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳикимияти вакиллик органларининг ваколат муддатлари яна бир йилга узайтирилади. Демак давлат бошлиғи – Президентга сайлов бўладиган йил ва кун ушбу қонун талабига кўра, вакиллик органларига бўладиган сайлов даврига тўғри келмайди.

Ўзбекистон Республикаси давлатчилик тарихидан муносиб ўрин оладиган, миллий давлатчилигимизни ривожига ҳисса қушаётган ислоҳотларимизнинг яна бир самараси ҳисобланган 2002 йил 27 январдаги референдум натижалари бевосита сайлов институтига муҳим ўзгартиришлар киритиш зарурриятини белгилаб берди.

Президент сайловлари Ўзбекистонда бевосита демократиянинг асосий шаклларидан биридир.

4-§. Президентлик сайловларида актив ва пассив сайлов ҳуқуқи

Актив сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи Ўзбекистон қонунчилигида барча давлат ҳокимияти органларига сайлов учун умумий қоида сифатида белгиланган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Актив сайлов ҳуқуқи турли хил мулкий чеклашларсиз ўтроқлик цензининг йўқлигисиз барча фуқароларни сайловчилар рўйхатга киритилиши билан таъминланади.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини чеклашлик ҳоллари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннида аниқ кўрсатилган.

Ушбу Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакат фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистонда 18 ёшга тўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бунда ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ва миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш қонун билан тақиқланади.

Президент сайловларида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар қатнашмайдилар.

Актив сайлов ҳуқуқидан пассив сайлов ҳуқуқини фарқлаш лозим. **Пассив сайлов ҳуқуқи,** яъни Президент бўлиб сайланишлик ҳуқуқи бир қанча қўшимча шартларни ўз ичига олади. Бу шартлар бевосита давлат бошлиғига ўта юксак масъулиятлар юкланишидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шундай учта шартни ўрнатган.

Биринчидан, актив сайлов ҳуқуқига нисбатан Президент бўлишлик учун юқори ёшни белгилашлик, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаро сайланиши мумкин.

Иккинчидан, давлат тилини яхши биладиган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиши мумкин.

Учинчидан, ўтроқлик цензи, яъни бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муҳим яшган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиши мумкин.

Бу шарт бўлажак Президент мамлакатдаги шароитни ва халқ ҳаётини яхши билишлиги зарурлиги талабидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 5 йил муддатга сайланади. Ушбу муддат тугагандан сўнг янги Президент сайловлари ўтказилиши лозим. Ҳуқуқий нуқтаи назардан сайловларни мунтазам равишда қатъий маълум муддатларда ўтказишлик сайлов ҳуқуқининг муҳим мажбурий принципларидандир. Президент сайлови муддати ва тартиблари бевосита қонун билан белигланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига мувофиқ бир шахс икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланиши мумкин эмас. Бу қоида президентлик ҳокимиятини амалга оширишларда давомийликни таъминлашга йўналтирилган.

5-§. Президентлик сайловининг асосий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ва принциплари

Конституциявий асослардан келиб чиқиб, президентлик сайловининг асосий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини белгилаш мумкин. Уларга қуйидагилар киради:

1. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг тартиб ва шаклланиши;
2. Округ сайлов комиссиялари ва сайлов участкаларини шакллантириш;
3. Сайловчи фуқароларнинг рўйхатини тузиш;
4. Номзодлар кўрсатишга сиёсий партияларга ҳуқуқий ижозат бериш;
5. Президентликка номзодлар рўйхатини шакллантириш;
6. Сайлов округлари бўйича овоз бериш тартиби;
7. Овозларни санаш ва овоз бериш якунларини чиқариш тартиби;
8. Сайлов ҳуқуқи меъёрларининг бузилиши устидан судга мурожаат қилиш.

Президент сайлови бир-бирига зид бўлмаган умумдемократик принциплар ва аниқ талаблар асосида бўлиши керак. Президент сайлови умумдемократик принциплари Конституцияга асосланади, жаҳон

мамлкатларининг тажрибаси ва ўз миллий тарихимизга таянади. Президент сайловининг умумдемократик принципларига қуйидагилар киради.

Биринчи принцип: Президент сайловининг Конституцияга тўла мувофиқ келиши.

Иккинчи принцип: Президент ҳокимиятининг қонунийлиги.

Учинчи принцип: Президент сайлови тартиботлари ва вазифаларининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги

Тўртинчи принцип: Президент сайловининг демократиявийлиги, фуқароларнинг ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлиги.

Бешинчи принцип: Президент сайловининг фуқаролик жамиятига хос бўлган барқарорлик, тараққиёт, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилганлиги.

Олтинчи принцип: Президент сайловининг халқчиллиги, барча фуқаролар учун тушунарли ва қулай бўлиши.

Еттинчи принцип: Президент сайловининг уюшганлиги, конституциявий, ҳуқуқий, суд назорати остида бўлишлиги ва қонуний бошқарилишига эришиш.

Саккизинчи принцип: Президент сайловининг тежамли ва самарали бўлиши.

Тўққизинчи принцип: овоз бериш ва сайланишнинг зиддиятларсиз, унинг учун етарли бўлган натижаларини олишга кафолат яратилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашда фуқаролар ихтиёрий равишда қатнашадилар. Сайловда қатнашмаганлик учун фуқарога нисбатан бирор бир маънавий ёки моддий чора кўриш мумкин эмас. Сайловларда қатнашишнинг ихтиёрийлиги – бу сайлов ҳуқуқининг муҳим принциплари ва эркин сайловларнинг демократик кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлашда фуқаролар яширин овоз берадилар. Бунда ҳар бир фуқаро битта овозга эга бўлади. Президент сайловида овоз беришлик фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Овоз бериш жараёнида фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишга йўл қўйилмайди.

Сайловчининг ўз хоҳиш-иродасини бевосита ва эркин ифода этиши ҳам сайлов ҳуқуқининг муҳим принципларидан бўлиб, шахс эркинлигининг яққол намоён бўлишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилади. Сайлов комиссиялари Президент сайловини очиқлик ва ошкоралик принципи асосида ўтказадилар.

Президент сайловларини ўтказишда ошкоралик принципи қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларни жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхати билан таништирадилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақида маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари Президент сайловига тайёрганликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини кенг ёритиб борадилар.

Учинчидан, Президент сайловига тайёгарлик кўриш ва уни ўтказишга оид барча тадбирларда, айниқса сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозни санаб чиқишда президентлика номзод кўрсатган сиёсий партиялардан ҳокимият вакиллик органларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, ва ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ барча ҳаракатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Президентликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва бошқача йўл билан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Президентлик сайлови учун сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўз маблағларини ихтиёрий

беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов компаниясида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Президент сайлови харажатларининг давлат маблағларидан қопланиши, президентликка номзодлар учун тенг моддий шароитларни яратишга қаратилгандир.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик принципи сайлов қонунларини сайлов жараёнининг барча иштирокчилари томонидан сўзсиз ва оғишмай риоя қилишга хизмат қилади. Ушбу принцип “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган.

Президент сайловида фуқароларнинг:

биринчидан, актив ва пассив сайлов ҳуқуқини эркин амалга оширишга, сайловларни олиб боришга зўрлик, алдов, таҳқир этиш ва бошқа йўлда тўсқинлик қилган шахслар;

иккинчидан, сайлов ҳужжатларини сохталаштиршган, овозларни айнан нотўғри ҳисоблаган, овоз бериш яширинлигини бузган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг бошқа йўсинда тузилишга йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари;

тўртинчидан, президентликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ тушурадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа тартибда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар тегишли қонун ва Кодексларда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принциплари ҳамма сайловчилар, сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун раҳбарий қоидалардир.

6-§. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш

Дунёнинг барча демократик давлатларида давлат бошлиғи лавозимига номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партиялар ва бевосита фуқароларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга рўйхатга олинганлик ҳақида гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Қуйидагилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партия фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Президентликка номзод 15 нафаргача ишончли вакилликларга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзодга Президент этиб сайлаш учун тарғибот, ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатлари ҳимоя қиладилар.

Президентликка номзод рўйхатга олингандан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва Марказий сайлов комиссяси ишончли вакилларини рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

7-§. Президентлик сайловларини ўтказиш ва овоз бериш

Президент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик ва сайлов қандай ўтаётганлигини кенг ёритиб борадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг саломатлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнингг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганлар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Уларнинг ҳуқуқлари Қонун билан кафолатланади.

Сайлов бюллетенига президентликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими ва иш жойи кўрсатилади.

Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек тегишли вилоят, туман, шаҳар, сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда нашр этилади.

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабина ва хоналар жиҳозланган, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари яширин овоз бериш кабиналари ва хоналарида овоз берувчиларга қулай қилиб жойлаштирилади.

Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни кечи билан сайловга ўн кун қолганида хабардор қилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, яъни паспорт ёки бошқа гувоҳномани кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш

имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга хақлидирлар.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган бюллетенлар ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим. ажратилган кабина ёки хонада тўлдирадилар.

Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (плюс) қўяди.

.Сайлов куни ўз жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўзи турар жойдаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин.

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияиси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайланган ҳисобланади.

Башарти, сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчининг ярмидан ками сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Агар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлаш учун иккитадан ортиқ номзод қўйилган бўлса ва номзодлардан ҳеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни олмаган бўлса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан бошлаб бир ой ичида, лекин камида ўн

беш кундан кейин такрорий овоз бериш кунини белгилайди. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти, уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлмаган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини янги сайланган Президент ўз лавозимига киришгунга қадар бажаради.

Президент сайлови-мамлакатимиз ва унинг ҳар бир фуқароси учун муҳим ижтимоий-сиёсий компания бўлиб, уларни тайёрлаш ҳамда ўтказишга юксак масъулият ва ватанпарварлик бурчи ҳиссиёти билан ёндашиш – ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари:

1. Ўзбекистон давлат бошқаруви шаклига кўра қандай республика ҳисобланади?
2. Сайлов тизимининг қандай турлари мавжуд?
3. Президентлик сайлови тўғрисидаги қонунда Президентликка номзоднинг қандай ҳуқуқлари белгиланган?
4. Президент сайловининг асосий принципларига нималар киради?
5. Президент сайловининг умумдемократик принципларига нималар киради?
6. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов қандай асосларга кўра ўтказилади?

XXVIII-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§ Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати

2- § Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаклланиш тартиби ва таркиби

3-§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг асосий функциялари

4-§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1-§ Вазирлар Маҳкамаси- Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати

Ҳукумат бу – давлат бошқарувининг олий органи бўлиб, Конституция ва қонунлар асосида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ҳукумат шу билан бирга, жамоат тартиби ва миллий ҳавфсизликни таъминлайди, шунингдек давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳамда Қуролли кучларга умумий раҳбарлик қилади. Турли мамлакатларда ҳукумат турли номлар билан аталиши мумкин. Масалан Вазирлар Кенгаши, Кабинет, Министрлар Кабинети, Давлат Кенгаши, Маъмурий Кенгаш, Федерал Ҳукумат, Ҳукумат ва ҳоказо. Ўзбекистон Республикасида ҳукумат «Вазирлар Маҳкамаси» деб номланган бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга биноан, у Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993 йил 5 сон. 202 модда. (янги таҳрирда «Халқ сўзи» газетаси 2003 йил 29 август)

Ҳукумат Президент, Олий Мажлис ва судлар билан бир қаторда ҳокимиятни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш асосида давлат ҳокимиятини амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тузилмаларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатини ҳисобга олиш принципига асосланади. Республикада яшовчи барча миллатлар манфаатларини ҳисобга олиш учун ўз фаолиятини ошкоралик, инсонпарварлик ва қонунийлик асосида олиб боради.

Вазирлар Маҳкамаси қонун билан белгилаб қўйилган ўз таркибига эга. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари кирадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг таркибини тузиш борасида мамлакат Президентига жуда катта ваколатлар берилган. Ушбу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-, 93-, 98-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган.[1]

2003 йил 29- августда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди ҳамда ушбу қонунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш якунларига биноан амалга киритилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан белгилаб қўйилди.

2002 йил 27-январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Ўзбекистон» Тошкент 2003 йил.

Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган.[1]

Конституциянинг 98-моддаси ҳамда янги таҳрирдаги қонуннинг 15-моддасига кўра, Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарари ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, бошқача қилиб айтганда Вазирлар Маҳкамаси Раиси функцияларининг барчасини амалга оширади.

2.§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаклланиш тартиби ва таркиби

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан шакллантирилади. Яъни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади. Бош вазир номзодини кўриб чиқиш Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатларига киритилган бўлиб,[2] қоида тариқасида, ушбу масала аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади. Бош вазирни ўз лавозимидан озод қилиш масаласини эса Президентнинг шахсан ўзи ҳал қилади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ҳамда вазифасидан озод қилинади, яъни Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг номзоди Бош вазир томонидан кўсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий органлари сифатида Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси .2003 й март,апрел № 3-4 27 модда
[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси .2002 й декабр №12 213 модда

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг қарорларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан унинг доимий комиссиялари тузилиши мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси ўзининг доимий комиссияларининг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

Бундан ташқари давлат ва хўжалик бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари лойихаларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг вақтинчалик комиссиялари ва ишчи органлари тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий, вақтинчалик комиссияларининг ҳамда ишчи органларининг ҳужжатлари мажлис баёнлари билан расмийлаштирилади ҳамда тегишли ижрочиларга етказилади. Кўрсатиб ўтилган комиссиялар ва ишчи органларнинг мажлис баёнлари уларга бошчилик қилаётган раҳбарлар томонидан имзоланади.

Доимий комиссиялар томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган материалларни тайёрлаш ҳамда комиссиялар қарорларининг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, департаментлар ва бўлимлар, уларга ташкилий – техникавий хизмат кўрсатиш эса Ишлар Бошқармасининг тегишли бўлинмаси томонидан амалга оширилади. Зарурат бўлганда бу, материалларни тайёрлашга вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа манфаатдор ташкилотларнинг мутахассислари жалб қилинади.

Доимий ва вақтинчалик комиссияларнинг мажлислари Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати томонидан тасдиқланадиган йилнинг ҳар чорагидаги

режалари асосида ўтказилади. Доимий ва вақтинчалик комиссияларнинг режадан ташқари мажлислари Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг розилиги билан ўтказилади.[1]

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш мақсадида махсус аппарат (девон) ташкил этилади. Қонуннинг 21-моддасига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини , тегишли қарорлар лойиҳаларини, ташкилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб борилишини ташкил этади. Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати ва унинг бўлинмалари тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20-майдаги 248-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, бошқаришнинг тармоқ тизимидан функционал тизимга ўтишни таъминлаш ва шу асосда ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолияти самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмаси 2004 йил 12 сентябдаги 475-сонли Қарорига мувофиқ қуйидагича тузилган: Бош вазир , Бош вазир котибияти -7 киши, бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Бош вазир ўринбосарлари -7 киши, Бош вазир ўринбосарлари аппарати -16 киши, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари, Раҳбар аппарати - 2 киши, Назорат бўлими -4 киши, Юридик бўлими -5 киши, Кадрлар бўлими -2 киши, Биринчи бўлим -3 киши, Умумий бўлим -23 киши, Фуқароларни қабул қилиш ,хат ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими -4 киши, Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот таҳлил департаменти (бундан буён матнда АТД) -11 киши, Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар йиғма АТД -16 киши, Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.06.2002 йил «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 193-сони қарори таҳриридаги банд.

масалалари АТД -12 киши, Ёқилғи-энергитика комплекси кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари АТД -21 киши, Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари АТД -8 киши, Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалаллари АТД -8 киши, Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари АТД -9 киши, Ташқи алоқалар масалалари АТД -19 киши [1].

Вазирлар Маҳкамаси қонун асосида ўз фаолиятини қайтадан ташкил қила бошлагандан кейин эса Аппаратнинг (девон) асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади.

Вазирлар Маҳкамасининг девони ўз иш фаолиятини мавжуд конституциявий асослар, қонунлар, Президент фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти[2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонида Республика давлат бошқаруви органлари рўйхати кўрсатиб ўтилган. Фармонга кўра 13 та вазирлик, 10та Давлат қўмиталари, 9та Агентликлар, 3та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қўмиталар, 7та Марказлар, 7та Инспекциялар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 й 22 декабрда “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонда 16та турли соҳадаги хўжалик бошқарув органлари такомиллаштирилди.

3.§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг асосий функциялари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати – Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари аввалambор Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, «...Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа

[1] Қаранг : “ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 48-49 сон 494-модда.
[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарорига илова // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари 2005 йил феврал №

қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаши...»[1] белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунга асосан Ҳукумат, яъни Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидаги фаолият соҳаларини келтириш мумкин:

- иқтисодиёт соҳасидаги фаолият;
- маъмурий – сиёсий соҳадаги фаолият;
- ижтимоий – маданий соҳадаги фаолият.

Назарий жиҳатдан олганда Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишларини янада аниқроқ кўрсатиб ўтиш мумкин.

Масалан, рус олими М.В.Баглайнинг фикрича Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- сиёсий соҳадаги фаолият;
- маъмурий – бошқарув соҳасидаги фаолият;
- қонунчилик соҳасидаги фаолият;
- ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият;
- иқтисодиёт соҳасидаги фаолият;
- ижтимоий соҳадаги фаолият ва ҳоказолар.[2]

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари аввалambор, ўзининг фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни намоён қилар экан, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятидан фарқли равишда, ижро фаолиятини амалга оширади. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қарорлар, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишини таъминлайди, шунингдек, ижроия ҳокимияти таркибига кирувчи давлат органлари устидан бошқарувни амалга оширади. Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари айнан шулардан келиб чиққан ҳолда белгиланган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т : «Ўзбекистон» 2003йил.
[2] Конституционное право зарубежных стран. Москва«Норма» 2001 с278-287.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маъмурий – сиёсий соҳада жуда кенг ваколатларга эга.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси:

- Республика бошқарув тузилмасини такомиллаштиради;
- Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари; идоралари; давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;
- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;
- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ҳамда хўжалик бошқарувининг бошқа органлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;
- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бюджетида бўлган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий аппарати ходимларининг сони ва уларга сарфланадиган маблағлар миқдорини белгилайди;
- вазирликлар, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарларини, бош бошқармалар ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарларини ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;
- хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳайъатлари аъзоларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари бошқарувлари аъзоларини тасдиқлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қудратини ошириш, давлат чегараларини қўриқлашни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва химоя қилиш чора тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;

- давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, катта авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора – тадбирларини кўради;

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади ҳамда уларни бажариш чора – тадбирларини кўради.

Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий соҳадаги асосий ваколатлари давлатнинг муҳим фаолитянини амалга ошириш билан боғлиқ. Вазирлар Маҳкамасининг қонун билан белгиланган ваколатлари доирасида:

- иқтисодий жараёнларни бошқаради: мулкчиликнинг барча шакларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт – шароитлар яратиш;

- хўжалик юритишнинг янги шакллари – концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги ва аҳоли талабларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

- Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора – тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора – тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- Республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий – маданий соҳада ҳам кенг ваколатларга эга. Халқ таълимига раҳбарлик, илмий, маданият – маърифат масалалари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, меҳнатни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашни ташкил этиш бўйича ваколатлар йиғиндиси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий – маданий соҳадаги ваколатлари сирасига киради.

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

- фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора – тадбирларини амалга оширади;
- фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш чора – тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;
- соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантриш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 6-моддасига биноан эса ушбу иккала ваколат қуйидагича белгиланган:

- вазирларнинг ўринбосарлари, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарларини ҳамда уларнинг бошқарувларининг аъзоларини, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари идоралар ҳайъатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тасдиқлайди.[1]

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида давлат бошқаруви, хўжалик ва ижтимоий – маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари ҳал этилади.

[1] «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таќрирда) Қонуннинг 6-моддаси «Халқ сўзи» газетаси 2003 йил 29-август

Фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида қуйидагилар кўриб чиқилади:

- Ўзбекистон Республикаси бюджетини тайёрлар ва ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ихтиёридаги бюджетдан ташқари давлат жамғармаларини шаклантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

- бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий маданий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари;

- давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзи кўламлари тўғрисидаги таклифлар;

- Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойиҳалари ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;

- белгилаб қўйилган давлат нархлари қўлланиладиган махсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;

- қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга киритиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари;

- давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисида таклифлар.

Вазирлар Маҳкамасининг айрим ваколатлари бошқа қонунларда ҳам ўз аксини топиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси Вазирлар Маҳкамасининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолиятига бағишланган бўлиб, унда Вазирлар Маҳкамасининг қонунчилик ташаббусига доир ваколатлар белгиланган.[1]

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Бош вазир

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 30 августи 1997 й № . 297 модда.

ўтказади, Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида»ги қарори билан билан белгиланади.

Бош вазирнинг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Бош вазир:

-Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади;

- Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини имзолайди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

- давлат ва хўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Бош вазир йўқлигида унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири бажаради.

Бош вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўринбосар бажаради.

Бош вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ ўзлари раҳбарлик қиладиган тармоқлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар,

улар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, уларнинг ишини назорат қилишни амалга оширадилар ва уларга топшириқ берадилар, Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ҳамда қарор ва фармойишлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари:

- ўзларига топширилган фаолият соҳалари учун жавоб берадилар;
- Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этадилар;
- Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларини кўриб чиқиш ҳақида таклифлар киритишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишлари мумкин;
- корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда бошқа пул тўланадиган лавозимни эгаллаш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Қонунга асосан Бош вазирнинг ваколатлари доираси бир мунча ўзгарган. Биринчидан, Бош вазир ўзининг ўринбосарлари ўртасидаги вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тақсимлайди. Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини фақатгина Бош вазирнинг ўзи имзолайди.

Шунингдек, Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама этиш учун масалалар вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, улар бўлмаган ҳолларда уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатидаги Раёсат мажлислари мунтазам, ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Мажлисларни Вазирлар Маҳкамасининг раиси ёки унинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири олиб боради.

Зарурият туғилганда шошилинч масалаларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг режадан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан ҳар ҳафтада Бош вазир ўринбосарлари, Ахборот – таҳлил бошқармаси бошлиғи ва Аппарат раҳбари иштирокида йиғилишлар ўтказилади. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг ижросини ташкил этиш ва ҳукумат аппаратининг жорий фаолияти масалалари кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг кўриб чиқиши учун Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи ҳар қандай масалар киритилади (қонунга мувофиқ фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар бундан мустасноди).

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлаш Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, Ахборот – таҳлил бошқармаси, департаментлар, бошқа бўлинмалар Бош вазир ўринбосарларнинг ҳамда Аппарат раҳбари бошчилигида тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасига масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда амалга оширилади. Зарур

ҳоларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати томонидан тузиладиган комиссиялар амалга оширадилар.[1]

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисига киритиладиган масалалар бўйича материаллар Бош вазирнинг тегишли ўринбосари – комплекс раҳбари, Ахборот – таҳлил бошқармаси бошлиғи, Аппарат раҳбари томонидан кўриб чиқилади, улар тайёрланган масалаларнинг сифати учун жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамаси ёки учун Раёсати мажлисига таклиф этиладиган мансабдор шахслар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир ёки Аппарат раҳбари билан келишилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, корхона ва корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмалар, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари раҳбарларини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини ҳамда мажлисга таклиф этиладиган бошқа шахсларни хабардор қилиш, шунингдек уларнинг мажлисга келган-келмаганликларини назорат қилиш тегишлилиги бўйича Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари, департаментлар ва бўлимлар томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Бош прокурор, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати назорат инспекцияси раҳбари, «Ўздавтелерадио» компанияси, Марказий Банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувларининг Раислари, Ўзбекистон Ахборот Агентлигининг бош директори, иқтисодиёт вазирининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги доимий вакили, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси доимий равишда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2-февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида»ги 47-сонли қарорининг IV- бўлими

ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари эса заруриятга кўра таклиф этиладилар.

Бошқа мансабдор шахслар мажлисга фақат уларга даҳлдор масалалар бўйича таклиф этиладилар.[1]

4-§ Ўзбекистон Республикаси Вазиралар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маданий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида чиқарилади. Шошилинч ёки бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари ёки мажлис қарорлари шаклида чиқарилади.[2]

Вазирлар Маҳкамасининг доимий органлари сифатида унинг Раёсати ҳам қарорлар, фармойишлар ва баён қарорлари шаклида норматив – ҳуқуқий актлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари унинг мажлисларида коллегиал тартибда қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама этиш учун масалалар вазирликлар, давлат қўмиталарининг раислари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартибига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 28.02.2003 йилдаги 112-сонли қарори таҳриридаги банд.

[2] «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисида»ги қарор. 6-бўлим 1-хатбоши.

Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, улар бўлмаган (хизмат сафарида, меҳнан таътилида) ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган ҳар бир масала бўйича, одатда, давлат тилида аниқ баён қилинган, асосланган қарор ёки фармойиш лойиҳаси, шунингдек, ҳужжатнинг моҳияти баён этилган қисқача хат тақдим этилади. Амалга оширилиши қўшимча моддий ва бошқа харажатларни талаб қиладиган қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини тақдим этишда молиявий – иқтисодий асослашлар илова қилинади.

Қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари амалдаги қонун ҳужжатларига мос бўлиши, уларда кўриб чиқилаётган масала пухта таҳлил қилинган ва холис баҳоланган, ижрочилар олдига аниқ ифодаланган мақсад ва вазифалар қўйилган бўлиши, уларда амалга оширса бўладиган муддатлар бегиланиши керак.

Қарор ёки фармойишларнинг тайёрланган лойиҳаси билан айни бир вақтда ҳукумат қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки уларни кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар ҳам кўриб чиқилади. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига киритилаётган қарорлар ва фармойишларнинг лойиҳаларида, зарурият бўлганда, илгари қабул қилинган қарорларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар назарда тутилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилиши учун норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини (қарор) ишлаб чиқараётган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган сифатида Вазирлар Маҳкамасининг ўзи ҳам ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин. Шунингдек, «Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда белгиланишича, норматив – ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим

фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақли.

Лекин иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳасининг ва ривожланиш учун масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилиши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқиш учун лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

- лойиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, ҳуқуқни тартибга солишга бўлган жамоатчилик эҳтиёжини, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шароитларни аниқлайди;

- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ва улардан фойдаланади;

- бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари қонун лойиҳаларидан фарқли равишда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин эмас, улар фақатгина жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳамда республика бюджетини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қарорлар,

фармойишларнинг лойиҳалари ёки таклифлар тегишли равишда Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишиб олиниши зарур.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларининг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларниг тўғрилиги, шунингдек уларнинг манфаатдор ташкилотлар билан тегишли равишда келишиб олинганлиги учун шахсан жавоб берадилар.

Тайёрланган қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари имзолаш учун Бош вазир ўринбосарлари котибиятлари мудирлари томонидан Бош вазирнинг тегишли ўринбосари – комплекс раҳбарига, Бош вазир ўринбосарларининиг манфаатдор котибиятларига, департаментларга, Ахборот – таҳлил бошқармасига ва юридик бўлимга имзолаш учун тақдим этилади.

Қарор ва фармойишларнинг имзоланган лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати раҳбарига топширилади.

Вазирлар Маҳкамасига келиб тушган Норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки ушбу ҳужжатни қабул қиладиган органнинг (Вазирлар Маҳкамасининг) юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин. Кўпчилик ҳолатларда, ҳужжат лойиҳаси бир қанча органлар аъзоларидан, мутахассислардан иборат таркибдаги махсус комиссиялар томонидан ишлаб чиқилади. Бундай тартибда ишланган

лойиҳалар эса Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Киритилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив – ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг, яъни Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил, масалан иқтисодий, молиявий, илмий – техникавий, экологик ва ҳоказо, экспертизалардан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан бир қанча талаблар қўйилади.

Ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилган бўлиши шарт. Ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Ҳужжатда (қарор ёки фармойиш) уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора – тадбирлари кўрилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи қарор, фармойишларда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонан ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки махсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тутилади.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин.

Қарор ва фармойишларнинг норматив кўрсатмалари тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Қарор ёки фармойишда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин. Зарур ҳолларда қарор ёки фармойишда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг (Конституция, қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентиниг норматив актлари) айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга илова қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Аммо, норматив ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати мажлисига киритиладиган барча материаллар Бош вазирнинг тегишли ўринбосари – комплекс раҳбари, Ахборот – таҳлил бошқармаси бошлиғи, аппарат раҳбари томонидан кўриб чиқилади ва улар тайёрланган масалаларнинг сифати учун жавоб берадилар.

Қарор лойиҳаси бош вазирнинг тегишли ўринбосари – комплекс раҳбари, юридик бўлим (юридик хизмат), Бош вазир ўринбосарларининг манфаатдор котибиятлари, департаментлар ва бўлимлар, тегишли вазирликлар, идоралар томонидан имзоланган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот – таҳлил бошқармасида маъқулланган бўлиши керак.

Лойиҳалар билан бир вақтда қуйидагилар тақдим этилади: муҳокама қилиш тартиби, мажлисга таклиф этиладиган мансабдор шахслар рўйхати, қарор лойиҳасининг манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Қоида тариқасида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига ким раислик қилса, ўша мансабдор шахс мажлис баённини имзолайди.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга биноан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари фақатгина Бош вазир томонидан имзоланади (қонуннинг 20-моддаси 4-хатбошиси).

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентига Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига имзо қўйиш ваколати берилмаган. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Ўзбекистон

Республикаси Президенти раислик қилишга ҳақли. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилганда мажлис баённлари фақатгина Президент томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳам унинг Раёсати ҳам коллегиал орган бўлганликлари сабабли мажлисларда қарорлар Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Мажлис тамом бўлгандан кейин қабул қилинган қарорнинг аниқ ифодаланган матни Бош вазир ўринбосари котибияти мудири, департамент бошлиғи, бўлим мудири томонидан имзоланган ҳолда мажлис баённига киритиш учун Умумий бўлимга берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари улар имзоланган сана бўйича расмийлаштирилади, ҳамда Бош вазир ўринбосарларининг тегишли котибиятлари, департаментлар, бўлимлар томонидан тузиладиган тарқатиш рўйхати бўйича дарҳол ижрочиларга тарқатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари норматив – ҳуқуқий ҳужжат сифатида қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

- ҳужжатнинг тури ва номи;
- ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами;
- тегишли норматив – ҳуқуқий ҳужжатни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколатли бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ва фармойишларида уларни кучга киритиш муддатлари кўрсатилади. Бошқа ҳолларда имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпламида эълон қилинади. Бундан ташқари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.[1]

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Норматив – хуқуқий хужжатлар тўғрисида»ги 2000 йил 14-декабр қонунининг 25-моддаси

Республикани кенг ва тезкорлик билан таништириш зарур бўлганда қарорлар ва фармойишлар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ёки Бош вазирнинг топшириғига биноан матбуотда, телевидение ва ралио орқали эълон қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив – ҳуқуқий актларини норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек, уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

Ўзини ўзи назорат қилиш саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари деганда нимани тушунасиз?

2. Вазирлар Маҳкамаси таркиби қандай шакллантирилади?

3. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳадаги ваколатларини кўрсатиб ўтинг.

4. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принципларини кўрсатинг.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан қандай муносабатларга киришади?

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқаради?

XXIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органлари тизими ва улар фаолиятининг ташкил этилиши

2-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий вазифалари

3-§. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши

4-§. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби ва вазифалари

1-§. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органлари тизими ва улар фаолиятининг ташкил этилиши

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, республикада ягона вакиллик органларининг тизими мавжуд. Бу тизимнинг энг юқорисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси туради. Шу билан бирга Олий Мажлис Конституцияга мувофиқ қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳам вакиллик органларининг қуйи бўғини ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ягона қонун чиқарувчи орган мавжуд бўлиб, у Олий Мажлис номи билан аталади. Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ягона тизими вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ваколатларини Олий Мажлис белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларидир, ушбу органларнинг ваколатларини ҳам Республика Олий Мажлиси белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI-боби "Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари деб номланган. Конституциянинг ***99-моддасига*** кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Конституция асосида Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларининг икки табақали тизими вужудга келтирилди. Маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг конституциявий ҳолати аниқланди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир-бирига бўйсунмаган мустақил давлат ва вакиллик органлари бўлиб, ўзаро муносабатларда ҳамкорлик асосида ўз фаолиятларини ташкил этадилар. Маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимларнинг раҳбарлиги уни Кенгаш олдидаги масъулиятини оширади.

"Вакиллик ва ижроия ҳокимиятининг тегишлилигига қараб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ҳокимлари ва шаҳар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади."[1]

Демак, маҳаллий давлат ҳокимияти органларнинг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари «Иш тартиби” ва бошқа меъёрий қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Ўзбекистон. 2003. 28-бет

Ўзбекистон Республикасидаги айрим халқ депутатлари Кенгашларида ҳокимнинг ижро этувчи маҳкамаси тўғрисида Низомлар ҳам қабул қилинади.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти деганда Ўзбекистонда барпо қилинган вилоят, туман шаҳар ҳокимиятлари тизими тушунилади. Маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи маҳкама ҳокимнинг раҳбарлиги остида ишлайди.

Конституцияга мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш. **(100-модда).**

Маҳаллий давлат ҳокимиятининг фаолият принципларини амалга оширилиши тегишли ҳудуднинг барча соҳаларини ривожлантиришда уларнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрнини белгилаб беради. Вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари бошқармалар, бўлимлар ва бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг тузилиши ва ташкил этилиши тартиби, фаолият юритиш асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли Низомлар билан белгиланади. Хўжалик ва ижтимоий - маданий қурилиш тармоқларини тезкорлик билан бошқаришни таъминлаш учун тегишли бош бошқармалар,

бўлимларни ва бошқа ижро этувчи тузилма бўлинмаларини бирлаштирувчи тармоқ мажмуалари тузилади. Мана шу тармоқ мажмуаларига раҳбарлик қилиш ҳокимнинг ўринбосарларига юклатилади. Тузилма бўлинмалари ҳоким томонидан тасдиқланадиган Низом асосида ишлайдилар.

Шунингдек, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш учун ҳоким ҳузурида Маслаҳат Кенгаши тузилади, унинг таркибига ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари котибият бошлиғи киради. Ҳокимнинг қарорига мувофиқ, Маслаҳат Кенгаши таркибига халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари ва бошқа ташкилотлардан бўлган вакиллар ҳам кириши мумкин. Маслаҳат Кенгаши мажлислари зарурат бўлганда ҳоким томонидан чақирилади ва унинг раҳбарлигида ўтказилади.

Мажлисларнинг кун тартибини тузиш, уларни ташкил этиш ва ўтказиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ҳоким Котибиятининг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Мажлис кун тартибини ҳоким тасдиқлайди. Кенгаш мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни кўриб чиқиш учун туман ва шаҳар ҳокимлари, бўлимлар, бош бошқармалар раҳбарлари , жамоатчилик ва хўжалик ташкилотларининг оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашиши мумкин. Маслаҳат Кенгашининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳоким томонидан унинг ваколатини ҳамма муддатига тасдиқланадиган регламентга мувофиқ, амалга оширилади. Мажлиснинг бориши баённомада ёзиб борилади, унда иштирок этган шахслар, кун тартиби, мунозараларда қатнашганларнинг фикри, сўзга чиққанларнинг таклифлари ва танқидий мулоҳазалари ва Кенгаш қандай қарорга келганлиги қайд қилинади. Муҳокама қилинган масалалар бўйича узил-кесил қарор ҳоким томонидан қарорлар ёки фармойишлар шаклида қабул қилинади ва имзоланади. Қарорларнинг лойиҳалари ёки улардан кўчирмалар иш юргизиш ҳақидаги "Йўриқнома"ларида кўрсатилган муддатларда ёки қарорларни ўзларида кўрсатилган муддатларда манфаатдор ташкилотларга ва фуқароларга юборилди.

Маслаҳат Кенгаши мажлисларини тайёрлаш халқ депутатлари Кенгашининг сессияларини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳокимликлар фаолиятини ташкил қилишдаги муҳим йўналишларидан бири аҳолини қабул қилиш, уларнинг истак-хоҳишларини ўрганиш, омма билан бевосита мулоқотда бўлишдир, республикада аҳолини қабул қилиш бўйича маълум тажриба тўпланган. Ҳоким, ҳокимнинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, бўлимлар, бошқармалар ва бош бошқарма раҳбарлари, ҳоким котибияти бошлиғи аҳолини қабул қиладилар.

Қонунчиликда давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ариза ва хатларини кўриб чиқишнинг маълум тартиби белгиланган. Ўзбекистон Республикасида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунига биноан, ҳокимлар ариза ва хатлар бўйича қилинган ишларни ҳисобини олиб боради ва унинг вазифасига уларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқишни назорат қилиш юклатилган.

Аризаларни кўриб чиқиш назорати ва ҳал этиш учун бўлим, бошқарма ва аппаратнинг бошқа ходимларининг шу масала буйича йиғилишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳокимнинг фаолиятини тўғри ташкил этишда ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳокимнинг биринчи ўринбосари ҳудуднинг хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш соҳаларининг алоҳида тармоқларини мувофиқлаштириш, тезкорлик билан бошқариш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишни таъминлайди ва қарор, фармойишлар қабул қилиши мумкин.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ўзларининг тузилма бўлинмалари фаолиятига раҳбарликни, пайдо бўладиган муаммолар ва масалаларни ўз ҳуқуқлари доирасида тезкорлик билан ҳал этиш чораларини кўрадилар ва вақти-вақти билан қилинган ишларни текшириб турадилар, кейинчалик булар ҳақидаги хулосаларни ва тавсияномаларни ҳокимга ёки тегишли халқ депутатлари

Кенгашига тақдим этадилар ва тармоқ мажмуалари ишининг самарали бўлиши учун шахсан жавоб берадилар.

Ҳоким ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди. Халқ хўжалигини ривожлантириш, ўзига қарашли бош бошқармалар, тармоқ мажмуаларига кирувчи трестлар ва бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида мажмуаларнинг раҳбарлари-ҳокимнинг ўринбосарлари билан бирга, ўз ҳуқуқлари доираларида кўрсатмалар (топшириқлар) шаклидаги фармойишлар қабул қиладилар. Ушбу кўрсатмалар тегишли ҳудуддаги ўзларига қарашли идораларга, муассаса ва ташкилотларга етказилади ва унинг бажарилиши шарт.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким қарорлари ва фармойишларини бажариш мақсадида ҳам кўрсатмалар берадилар. Ҳоким ўринбосарларининг кўрсатмалари ҳоким томонидан бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунига кўра, туман таркибидаги шаҳарларда ва шаҳарчаларга бўйсунган туманларда Кенгашлар тузилмайди. Шаҳар таркибидаги туман ҳокими, шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳар таркибига кирувчи туман ҳокимлари шаҳар ҳокимининг расмий ваколатли вакили ҳисобланади ва унга ҳисоб бериб турадилар. Туманлар таркибига кирувчи шаҳар ҳокимларининг тайинланиши ҳам шу тартибда амалга оширилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари ўзларининг амалий фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари юқори турувчи идораларнинг қарорлари ва фармойишлари, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва вилоят ҳокими қарорларини амалга ошириш ишини таъминлайдилар.

Туман ва шаҳар ҳокимлари, унинг маҳкамаси тармоқ мажмуалари, идоралари ва ташкилотлари, корхоналари, муассасалари, ўзини-ўзи бошқарув идоралари билан бўлган муносабатларда туман шаҳар номидан чиқадилар.

Туман ва шаҳар миқёсида қонуний амалда бўладиган қарорлар қабул қиладилар, иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш бўйича асосий йўналишларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқадилар ва кўриб чиқиш учун тақдим этадилар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширадилар.

Шунингдек, туман таркибига кирувчи шаҳар ҳокими ҳам шу тартибда ташкил этилади ва ўзларига тегишли ҳудудларда қурилаётган ва ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватлари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ерларидан ва тиббий ресурслардан фойдаланиш, тиббий меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиш тўғрисидаги қонунларга мувофиқ келмаса, ишлашини тўхтатиб қўйиш ёки таъқиқлаш ҳуқуқига эгадир. Меҳнат ресурсларидан тегишли ҳудудда тўғри фойдаланилишини таъминлайдилар, фуқароларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан давлат бюджетидан ажратиладиган моддий таъминотнинг тақсимланишини назорат қиладилар. Юқори турувчи ҳокимга таклифлар киритиш учун иқтисодий ва ижтимоий-маиший муаммолар соҳасида устун даражада ва кечиктириб бўлмайдиган қарорлар қабул қилишни талаб қилувчи масалаларни аниқлайдилар. Ҳар йили юқори турувчи ҳокимга ўз ишлари тўғрисида ҳисоб бериб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан тегишли таклифлар тақдим этадилар.

Шаҳар таркибидаги туманлар ва туманларга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимларини кўпгина ваколатлари юқори турувчи ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Маҳаллий ижроия ҳокимият фаолиятини ташкил этишда ҳоким маҳкамасига кирувчи бўлинмалар ва уларнинг таркибига кирувчи умумий бўлим алоҳида аҳамиятга эгадир. Умумий бўлим ҳоким томонидан ташкил этилади, бевосита котибият бошлиғига бўйсунади. Умумий бўлим ўз ишини умумий бўлим тўғрисидаги Низом асосида ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ёзади: "Бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар

туманлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўтишни таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради".[1]

Ўзбекистон Республикасидаги давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари тизимида ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" асарида бир оғиз сўз билан шундай белгиланади: "инсонга хизмат қилмайдиган бironта давлат тизими мавжуд бўлишга ҳақли эмас".

Барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Ана шу мақсадни амалга оширишда давлат ҳокимиятини вакиллик ва фуқароларниг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин эгаллайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шароитида мамлакатдаги иқтисодиёт ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий шароитларни ҳисобга олган ҳолда республикадаги халқ депутатлари Кенгашлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари хусусиятларини таҳлил қилиш муҳим талабларидан биридир.

Халқ депутатлари Кенгашлари тўғрисидаги билим учун асосий манбалардан бири ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўлганлигидан фанда меъёрий-мантиқий ёндашиш катта аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқий меъёрларни халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига таъсир натижаларини белгилаш учун ҳамда халқ депутатлари Кенгашлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш учун зарур.

Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд вакиллик органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишда, иш фаолиятининг янги шаклларини вужудга келтириш ва ривожлантиришда моделлаштириш услуби муҳим ўрин тутади. Янги органни ёки янги органнинг қисмини,

[1] Каримов И.А.. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995, 5-бет.

Кенгашлар ва ҳокимликлар фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар моделлари яратилади.

Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд халқ депутатлари Кенгашлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимида уларни ҳуқуқий ҳолатида бирма-бир ўзгартиришлар қилиш бўйича ёки уларнинг фаолиятига бошқарувни ва бошқарув меҳнати усулларини тадбиқ қилиш заруриятини аниқлаш мақсадида эксперимент ўтказилади. Масалан, Ўзбекистонда халқ депутатлари Кенгашлари раёсатини тузиш, уларнинг раисларини сайлаш, Тошкент шаҳар ҳокимини Тошкент шаҳар аҳолиси томонидан сайланиши эксперимент тариқасида ўтказилган эди.

2-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва давлат қурилиши соҳаларида амалга оширилган ислоҳотлар қаторида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини ислоҳ қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу жараён, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш муносабати билан янада фаоллашди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнидаги энг муҳим вазифалардан бири бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш бўлса, иккинчи вазифа республикада давлат ҳокимиятини вакиллик ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг тизимини яратиш эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг, янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг, деган кўрсатмаларига амал қилиб, вакиллик органларининг вилоят, туман ва шаҳар бўғинлари сақланиб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) бошчилик

қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир. Республикада миллий давлатчилик анъаналарини тиклашни кўзда тутиб, ҳокимлик институти киритилди. Ҳокимлар қонунга мувофиқ ҳам вакиллик органларига, ҳам ижроия ҳокимиятига раҳбарлик қиладилар. Ҳоким тегишли ҳудудда олий мансабдор шахс ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қуйи босқичларини овул, қишлоқ, шаҳарча, туманга бўйсунувчи шаҳар ва шаҳарлардаги халқ депутатлари советлари тугатилиб, уларнинг ўрнига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари жорий этилди. Фуқаролик жамияти қуришнинг маъноси давлатчилик ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини янада ривожлантиришдир.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятида қонунийлик принципини таъминлаш қатор талабларга жавоб беришни кўзда тутади, уларни асосийлари қуйидагилардир:

Биринчидан, конституция ва қонунлар билан белгилаб берилган ваколатларга риоя қилиш. Ҳар бир Кенгаш қонунлар билан белгиланган масалаларнигина ҳал қилиши мумкин.

Иккинчидан, масалаларни ҳал қилишни белгиланган тартибига риоя қилиш.

Ниҳоят, **учинчидан**, қабул қилинаётган актларга нисбатан қонунчилик талабларига риоя қилиш, Кенгаш фақат унга берилган ҳуқуқлар доирасидагина актлар қабул қилиши мумкин. Кенгашнинг қарори ўзининг мазмунига кўра, қонунларга ва юқори органларнинг актларига мос бўлиши шарт. Қарор, қонунлар кўзда тутилган тартибда ва шаклда қабул қилинади.

Халқ депутатлари Кенгашлари ишини ошкоралигини таъминлаш усуллари жуда ҳам турли-туман, лекин улар бир-биридан ажралиб қолган эмас, уларни демократик асоси ва мақсади бирдир. Алоҳида олинган усулнинг ўзи Кенгашларнинг фаолиятида ошкораликни таъминлай олмайди албатта, лекин

уларнинг ҳаммаси Кенгашлар фаолияти омма олдида ва унинг иштирокида олиб борилишига муҳим омил бўлади.

Бу талаблар фақат вакиллик органлари фаолиятига татбиқ қилиниб қолмасдан, балки ижроия ҳокимияти, унинг органлари ва ҳамма депутатларнинг фаолиятига ҳам татбиқ қилинади, чунки депутатларнинг сессиялардаги, комиссиялардаги ва сайлов округларидаги фаолияти, бошқариш соҳасидаги давлат фаолиятининг бир кўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ ҳамма миллат вакиллари шу органларга сайланибгина қолмасдан, улар тизимидаги органларда ҳам кенг фаолият кўрсатмоқдалар.

Депутатнинг ўз сайлов округларидаги фаолиятини амалга оширишдаги муҳим кафолатларидан бири, депутатнинг қонун бузилган ҳолларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми қонунида назарда тутилган бўлиб, унга кўра давлат ҳокимиятининг вакили сифатида депутат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари бузилганлиги ёки қонунчилик ўзгача тарзда бузилган ҳолларга дуч келганда ўша жойнинг ўзида бундай бузилишларнинг тўхтатилишини талаб қилишга, зарур ҳолларда эса шундай бузилишларга чек қўйилишини талаб қилиб, тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат этишга хақлидир.

Халқ депутатлари ўз сайловчилари билан доимий алоқада бўлишлари, уларни Кенгаш иши ҳақида, хўжалик ва ижтимоий қурилиш режаларини бажарилиши ҳақида хабар қилиб туришлари керак. Депутатлар қонунларни Кенгаш ва унинг органлари қарорларини ижро қилинишида назорат қилишлари, жамоатчилик фикрини ўрганишлари, Кенгаш ва унинг органларига аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини етказишлари ва уларни қондиришга тадбирлар кўришлари, тегишли органларни кўриб чиқиш учун, депутатлик фаолиятидан келиб чиқадиган таклифларни киритишлари лозим.

3-§. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятни бошқаради. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунида халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг фаолиятида қонунийликнинг кафолатлари берилган. Шу қонуннинг 26-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади. Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор қилинади. Бундан ташқари юқорида кўрсатилган қонуннинг 28-моддасига мувофиқ ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар судга шикоят қилишлари мумкин.

Ошкоралик давлат ҳокимияти вакиллик органларини яна ривожлантиришда муҳим йўналишлардан биридир. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳам, маҳаллий вакиллик органлари бўлган

вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ҳам, ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам сайловлар асосида ташкил этилади.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳоким фаолияти, қарорлар қабул қилишдан тортиб, уларни ижросини таъминлашгача, омманинг кўз ўнгида амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонунлар уларнинг ўз ишлари ва қабул қилган қарорлари ҳақида аҳолини мунтазам хабардор қилиб туришларини мустаҳкамлаган. Маълумки, вакиллик органлари фаолиятининг асосий шакли уларнинг сессияларидир.

Амалда бўлган қонунчилик депутатлар Кенгаш қарорларини аҳолига тушунтириб боришини, сайловчилар олдида меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари олдида мунтазам ўз иши ва Кенгаш фаолияти тўғрисида ахборотлар бериб туришини ўрнатади. Бу ҳам ошкораликнинг муҳим кўринишларидан бири. Ошкораликнинг яна бир йўли депутатларнинг ҳисоботларидир. Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисидаги қонунда депутатларнинг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб боришлари белгилаб қўйилган.

Маҳаллий вакиллик органлари, ижроия ҳокимияти ва депутатлар фаолиятининг самарадорлигини аниқлашда энг муҳим кўрсаткичларидан бири, шу органларнинг ўзаро ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилганлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва уни иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлатга айлантириш жараёнида давлатни бошқаришда ҳуқуқий тартибга солиш янги маъно касб этади ва бу услуб кенг қўлланилди. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар ҳам ҳуқуқий тартибга солиш услубини кенг қўллайдилар. Ҳуқуқий тартибга солиш халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларни давлат, хўжалик, ижтимоий маданий қурилиш соҳаларига раҳбарлик қилишларида ва ўз ички ташкилий тузилишларини тартибга солишларида кенг қўлланилди.

Халқ депутатлари Кенгашларини ва ҳокимларни ўзини-ўзи бошқариш органларини ваколатлари биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясида, қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларида ва бошқа ҳужжатларда белгиланди.

Ҳуқуқий ҳужжатлар билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, ҳокимларни функция ва ваколатларини амалга оширишдаги депутатларни, ҳокимлик девонини, девон ходими ва фуқароларни тутган ўрни ва роли тартибга солинди.

Шу билан бирга ҳуқуқий ҳужжатлар билан халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимликлар фаолиятининг асосий ташкилий шакл ва услублари тартибга солинди. Юқорида айтганлардан кўриниб турибдики, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимликлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш мураккаб жараённи ташкил этади, ҳозирги даврда ҳуқуқий нормалар билан бир қаторда бошқа ижтимоий нормалардан ҳам фойдаланиш кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ҳокимликлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси жуда катта ваколатларга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 4-бандидаги ҳолатга мувофиқ Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини ва ваколатларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарор қабул қилади. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам қарорлар қабул қиладилар.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари фаолиятини тартибга солишда Кенгашлар томонидан қабул қилинадиган «Иш тартиблари” муҳим аҳамиятга эга. Қонуннинг 18-моддасига кўра Кенгашлар томонидан қабул қилинадиган “Иш тартиблари” халқ депутатлари Кенгаши сессияларини

чақириш ва ўтказиш, унда қарорлар қабул қилиш ва сессияга ҳал қилиш берилган бошқа ваколатлар халқ депутатлари Кенгаши “Иш тартиби”га мувофиқ белгиланади.

Санаб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари, ҳокимликлар ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини амалга ошириш учун қаратилган, улар ёрдамида шу органларнинг ваколатлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунгача фаолият кўрсатиб келаётган давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қиладилар: халқ депутатлари Кенгашининг, ҳокимлик аппаратининг, “Иш тартиби” (Регламенти).

Халқ депутатлари ёрдамчи ва ижро этувчи органлари тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар уларга: депутатлик гуруҳлари тўғрисидаги Низомлар, ҳокимият аппаратини бўлим бошқармалари ва комиссиялари тўғрисидаги Низомлар киради.

Ҳокимлик аппаратини тизилмавий қисмлари тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга: мансаб йўриқномалари, бўлим ва бошқармаларнинг комиссиялари тўғрисидаги, қабулхоналар тўғрисидаги Низомлар, аппаратдаги мансабдор шахслар ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи норматив ҳужжатлар, уларга - йўриқномалар киради.

Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича қабул қилинадиган ҳужжатларга аппаратда иш юритиш бўйича йўриқномани кўрсатиш мумкин ва ниҳоят давлат ҳокимиятининг вакиллик органи ва ҳокимлик аппаратида жамоатчиликнинг ташаббускор органларини, фуқароларни иштирок эттиришда хизмат қилади.

Вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар ўз ҳудудларида қонунийлик, ҳуқуқ тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича назорат олиб боради. Юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари қуйи турувчи халқ депутатлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширар эканлар, улар фаолиятини ҳам назорат қиладилар.

"Маҳаллий давлат ҳокимият тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи мулк шакллари белгиланган, унга кўра халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими фаолиятининг иқтисодий асосини маъмурий-ҳудудий тузилмаларининг давлат мулки (жамоат мулки) ҳамда вилоят, туман ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк шаклларини ташкил этади.

Қонунда маҳаллий давлат фаолиятининг молиявий асоси ҳам кўрсатилган. Ушбу Қонуннинг 2-моддасида вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари белгиланган, унга кўра вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларни бюджет манбалари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар кредит ресурслари, шунингдек республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади.

Қонунга мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органларининг вилоят, туман, шаҳар бюджетидан ташқари фондлари ҳам бўлиши мумкин, қонуннинг 14-моддасига кўра халқ депутатлари вилоят,туман, шаҳар Кенгаши: фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайрияларидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан, бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фондлардан ташкил топади.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар хўжалик қурилиши соҳасида саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа воситаларини, турар жой қурилиш, коммунал қурилиш, ҳудудларни ободонлаштириш, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш масалаларни ҳал қиладилар.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар ижтимоий маданий қурилиш соҳасида халқ таълими, маданий оқартув ишлари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий

таъминот, жисмоний тарбия ва спорт, меҳнат ва иш ҳақи масалаларини ҳал қиладилар. Мазкур соҳада санаб ўтилган ваколатларни ўзигина халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг шу соҳадаги функцияларини мураккаб ва турли туман мазмун касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунида мана шу соҳада халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари алоҳида-алоҳида берилган. Ушбу қонуннинг 24-моддасида "халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга доир масалаларни ҳал этади",дейилган, 25-моддасида эса вилоят, туман ва шаҳар ҳокими фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатлари доирасидаги масалаларни ҳал этади дейилган. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг давлат қурилиши соҳасидаги функцияларининг навбатдагиси вилоят, туман ва шаҳар ҳудудида бевосита, демократия шаклларини амалда қўлланилишини таъминлашдан иборатдир. Айниқса, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий этилиши бу масаланинг долзарблигини янада оширади. Бу соҳада Кенгашлар ва ҳокимлар шу ҳудудларда ўтказилиши лозим бўлган сайловларни ташкил этишлари, депутатларга, бўлажак депутатликка номзодларга сайловолди учрашувларда берилган кўриб чиқишлари, уларни бажариш тадбирларини ишлаб чиқишлари, ва бу ҳақда ахборотлар беришлари лозим.

Халқ депутатларининг яна бир асосий функцияси халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимият аппарати органларининг қарорларини қабул қилиш ва улар ижросини таъминлашдир. Шунингдек, қонуннинг 8-моддасида халқ депутати тегишли Кенгаш сессиясида кўриб чиқилаётган барча масалаларда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади, қарор лойиҳаларини ва уларга тузатишларни тақдим этади дейилган.

Халқ депутатининг мазкур функциясини халқ депутатлари Кенгашлари идораларида ҳам амалга ошириш белгиланган. Депутат Кенгаш қўмитаси,

доимий комиссиялари ва бошқа идоралари таркибига кирса, мазкур идораларнинг кўриб чиқиши учун ҳар қандай масала ва таклифни киритишга, бу масала ва таклифларни кўриб чиқиш учун тайёрлашда, уларни муҳокама қилиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда иштирок этишга, шунингдек, Кенгаш ҳамда унинг идоралари қарорларини рўёбга чиқаришни ташкил этишда ва бу қарорларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга ҳақлидир.

Депутатнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади. Депутатнинг шаъни ва қадр-қимматига қасд қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Халқ депутатлари Кенгашлари, бошқа давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари депутатга ўз ваколатларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари қарорлар қабул қилади. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими қарор қабул қилади, фармойишлар чиқаради.

Маҳаллий Кенгашлар ваколатларга тааллуқли ҳар хил масалаларни, тегишли ҳудудда ижро қилиниши мажбурий бўлган ҳужжатлар қабул қилиш билан ҳал қиладилар. Улар қабул қилаётган қарорларни самарадорлиги уларни синчковлик билан тайёрлашга ва тажриба ишлаб чиққан ва қонунчиликда кўрсатилган маълум талабларни бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқ .

Биринчидан, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимни ҳар бир қарори асослантирилган бўлиши лозим, яъни ишонарли маълумотларга асосланган бўлиши лозим.

Иккинчидан, Кенгашни ва ҳокимни қабул қиладиган ҳар бир қарор кенг маънода тежамкор бўлиши шарт. Биринчи навбатда у ҳақиқатдан ҳам зарур бўлиб қолганда чиқарилиши керак. Юқори турувчи органларни қарорларини ёки ўзини Кенгашни ва ҳокимни олдин қабул қилган қарорларини, қайтарувчи,

такрорловчи қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Қарорларни кўплиги агарда улар бир-бирини қайтарса, қарор билан уни ижроси ўртасида қарама-қаршиликлар келтириб чиқаради, ижрони аҳамиятини камайтиради ва уни қийинлаштиради. У ёки бу масалани ҳал қилишда биринчи мумкин бўлган йўллар мавжуд бўлса, энг кам моддий-молиявий маблағ сарф қилишни, кам куч сарф қилишини талаб қиладиган йўл танлаб олиниши лозим. Тежамкорлик ҳал қилинаётган масалага ҳар томонлама ёндошиш, ҳозирги замон фани ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиш билан таъминланади.

Учинчидан, қарор қонуний бўлиши керак. Яъни у тегишли орган томонидан ваколати доирасида қабул қилинганлигини билдиради ва у ёки бу масалани қонун йўл қўйган воситалар билан ҳал қилинишини кўзда тутади. Бу яна, ҳужжатни шаклини ўзини, уни қабул қилиш жараёнини қонунчилик талабларига мос бўлишлигини билдиради.

Кенгаш ва ҳокимлик қарорлари уларнинг сессиялари ва мажлисларида етарли сондаги депутатлар қатнашганда, қарорлар овозга қўйилганда овозларни мўлжаллаган кўпчилиги билан қабул қилиниши, тўғри расмийлаштирилиши ва имзоланиши, ижрочиларга кўрсатилган муддатларга юборилиши лозим. Қарорларни ҳаётийлиги ва тежамкорлигини таъминлаш учун лойиҳаларни тайёрлашда қарорлар қабул қилиш тартибини билдирган мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар жалб қилиниши депутатларни жамоатчиликни қуйи турувчи органларини фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олиниши муҳим.

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар, яъни қарорлар ва фармойишлар улар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради. Манфаатдор орган ёки шахсларга қарорлар нусхаси ёки ундан кўчирма юборилади. Агарда қабул қилинган ҳужжат муҳим аҳамиятга эга бўлса, маълум жойдаги аҳолига бевосита алоқадор бўлса, у тўғрисида ҳамма фуқаролар таништирилиши шарт. Бундай ҳужжатлар ҳокимлик ходимлари доимий комиссиялар томонидан радио, маҳаллий

матбуот, эълонлар раҳбарларни чиқишлари орқали аҳолига етказилади. Депутатлар ўз сайлов округларида ҳам шу ишни амалга оширадилар.

Қарорни ижро қилиш учун кўп ҳолларда ҳокимнинг ўз вақтида берган фармойиши зарур бўлади. Мансабдор шахслар томонидан зарур моддий-техника ва молиявий маблағларни кечиктирмасдан ажратилиши жуда муҳим.

Кенгаш жамоатчилик, меҳнаткашлар қарорни ижросига жалб қилиниши бош вазифалардан бири. Меҳнаткашларни у ёки бу тадбирларни амалга оширишга жалб қилишнинг шакли, энг аввало, маҳаллий шароит билан тадбирларнинг хусусияти билан белгиланади. Жамоатчиликни қарорларни ижро қилишга доимий комиссиялар, касаба уюшмалар ва депутатлар ҳар хил жамоатчилик органлари жалб қилинишлари мумкин.

Кенгашлар ва ҳокимликлар фаолиятида ижрони ташкил этиш, ижрони текширилиши билан узвий боғланган. Тажрибада ижрони текширишнинг ҳар хил шакл ва услублари қўлланилади.

Кенгашлар ва ҳокимларни ҳамма давлат органлари қўллаётган назоратни амалий воситаси жойлардаги ишнинг аҳволини текшириш ва ўрганишни, текширилаётган корхона ва ташкилотларга амалий ёрдам бериш билан қўшиб олиб боришдир. Комплекс текширишда бир ёки бир неча корхона, ташкилот ёки муассаса ёки ҳокимлик аппарати бўлим бошқармаларининг иши текширилганда ҳар томонлама ўрганиб чиқилади. Тематик текшириш ёки ўрганишлар, қандайдир бир масалани ўрганишга қаратилган бўлади. Қарорнинг ижросини текшириш, меҳнатни ташкил қилиш фуқароларни ариза ёки хатларни кўриб чиқиш ҳолатлари бўлиши мумкин.

Қарорларнинг ижроси устидан назоратни тўғри йўлга қўйилишига қарорлар ижро қилинганлигини ҳокимлик аппаратида унинг бўлим ва бошқармаларида, доимий комиссиялар аниқ ҳисобга олиниши ёрдам беради. Шу мақсадларда ҳокимият девонида махсус юритилади. Унда Кенгаш қарори, ҳокимнинг қарор ва фармойиши, ҳужжатнинг тартиб рақами, қабул қилинган вақти, номи ва юборилган куни рўйхатга олинади. Ҳокимиятларда маълум мақсадга мўлжалланган картотека ҳам бор, унда қарорларнинг амалга

оширилиши қайд қилиб борилади. Қарорнинг ижроси ким эканлиги, ижрони муддати амалга оширилиши натижалари кўрсатилади. Қарор ижро қилиниб бўлингач, шу соҳага раҳбарлик қилувчи ҳокимият аппарати раҳбарларининг кўрсатмаси билан назоратдан олинади ва шу ҳақда карточкада қайд қилинади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида, ижрони текшириш, одатда, умумий бўлим, ташкилий-инструкторлик бўлимларининг инструкторлари, раис ёрдамчилари томонидан ҳисобга олинади. Лекин ижрони ҳисобга олишга умумий раҳбарликни ҳоким, унинг ўринбосарлари, котибият бошлиғи амалга оширади. Бўлим ва бошқармаларда эса ижрони назорат қилиш бўйича ҳужжатларни олиб бориш бир ходимга топширилади. Доимий комиссияларда ҳам шунга ўхшаш, ҳужжатларни олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган баъзи ҳокимликларда, масалан Тошкент шаҳрида қарорларни ҳисобга олиш, унинг ижросини назорат қилиш замонавий ҳисоблаш воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни билан белгиланган ваколатлари, асосан Кенгаш сессияларида кўриб чиқиб ҳал қилинади. Сессияларнинг маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида етакчи аҳамиятининг муҳим юридик кафолати шундан иборатки, халқ депутатлари Кенгашлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ назорат қилишга доир бошқа масалаларни ҳал этишдир.

Маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун масалани танлаб олишда кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий Кенгашлар иш тажрибасида кенг тарқалган Кенгаш фаолиятининг комплекс режасига риоя қилиш диққатга сазовордир. Сессиялар аҳамиятининг ошиши, сессия иши,

Кенгаш иши аҳволига таъсири самарадорлигини ошириш, депутатлар фаоллигини ошиши ва Кенгашни аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи янги шаклларни қидириб топиш билан боғлиқ.

Халқ депутатлари Кенгашлари сессияларининг самарадорлигини оширишда сайёр сессияларининг аҳамияти катта. Сайёр сессия тегишли ҳокимият ҳудудидаги аҳоли пунктларида, Кенгаш ва ҳокимиятга бўйсунадиган корхона ва муассасаларда ўтказилиши мумкин. Депутатлар ва сессиянинг бошқа иштирокчилари кун тартибига киритилган масала бўйича аҳвол билан жойларни ўзида танишадилар, манфаатдор томонлар билан мулоқотда бўладилар. Сайёр сессиялар ишида фуқароларнинг, мутахассисларнинг иштирок этиши учун имкон яратиб берилади.

Маҳаллий Кенгаш сессияси кун тартиби лойиҳасини ҳокимият тайёрлайди. Ҳокимият уни тайёрлашда иш режалари, юқори турувчи органлар кўрсатмалари, сайловчиларни таклиф ва мулоҳазаларига доимий комиссиялар, депутатлар, бўлим ва бошқармаларни, жамоат ташкилотларини таклифларини эътиборга олади. Бу эса муҳокама қилиш учун, ҳақиқатан ҳам етилган долзарб масалани танлаб олишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни ва комиссиялар тўғрисидаги низомлар асосида ташкил этилади. Доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларни Кенгашларнинг ўзлари қабул қиладилар. Доимий комиссиялар депутатларни Кенгаш вазифаларини бажаришда иштирок этиши учун тузилади ва улар фаолиятининг асосий шаклларидан бири бўлиб хизмат қилади. Комиссияларнинг ўзига хослиги энг аввало шундаки, улар орқали депутатлар сессия ўртасидаги даврда бошқариш фаолиятига бевосита фаол ва доимий жалб қилинади. Доимий комиссиялар- маҳаллий Кенгашларнинг ёрдамчи ишчи органлари бўлиб, кўпчилик депутатларни кўп сонли фаолларни бирлаштиради ва жамоатчилик асосида ишлайди. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига

мувофиқ халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига 60 тадан, туман ва шаҳар Кенгашларига 30 тадан депутат сайланди. Бу ҳолат албатта шу Кенгашларда тузиладиган доимий комиссиялар сонига таъсир ўтказади.

Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, доимий комиссияларни аҳамияти доим ошиб бормоқда. Улар маҳаллий Кенгашларнинг оммавий назорат фаолиятини амалга оширувчи ташкилотчи органлардир.

Халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссияларининг вазифаларини асосийлари «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 19-моддасидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасидаги маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари фаолияти тажрибаси уларнинг янгидан-янги вазифаларини ҳам амалга ошираётганликларини ўзида кўрсатади.

Доимий комиссияларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради: Кенгаш ва ҳокимият кўриб чиқиши учун таклифлар ишлаб чиқиш, Кенгаш ва ҳокимият кўриб чиқиш учун киритилган масалалар бўйича хулосалар тайёрлаш; Кенгаш, ҳокимият ва юқори органларнинг қарорларини амалга оширишдаги ташкилий ишда иштирок этиш; сайловчиларнинг мурожаатларини амалга оширилишида ва унинг ижросини назорат қилишда кўмаклашиш; Кенгаш қарорларини амалга ошириш бўйича ҳокимият бўлим ва бошқармаларини, корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятининг назорат қилинишида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига, қонунчиликка риоя қилинишини назорат қилишдир.

Ҳамма маҳаллий Кенгашлар томонидан тузиладиган мандат комиссияларининг вазифалари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Улар функцияларига депутатлар ваколатларини текшириш, Кенгашга депутатларнинг ваколатини тўғри деб топиш ёки айрим депутатлар ўрнига янгидан сайлов ўтказиш тўғрисида таклиф киритиш; чақириб олинган депутатлар ўрнига янгидан сайлов ўтказиш масалалари бўйича таклиф ва депутатлар дахлсизлиги, депутатларни чақириб олиш ҳамда депутатлик ваколатларини соқит қилиш ҳақидаги аризалар бўйича хулосалар тайёрлаш.

Депутатлик ваколатларини текшириш ва депутатлик мақоми масалалари билан боғланган функцияларидан ташқари депутатларни сайлов округидаги фаолиятидан, уларни сайловчилар олдидаги ҳисоботларидан хабардор қилиб туришни топшириш ҳам улар фаолиятининг асосий томонларини кўрсатди.

Доимий комиссиялар бевосита маҳаллий Кенгаш раҳбарлигида ишлайди, уларга бўйсунади ва ҳисоб бериб туради. Фақатгина Кенгаш уларга ижроси мажбурий бўлган кўрсатмалар бериши мумкин, улар ҳисоботларни эшитиш, комиссия тизими ва таркибини ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари доимий комиссиялар сессияларда, сессиялар ўртасидаги даврда қилинган иш ҳақида мунтазам ахборот бериб борадилар.

Доимий комиссияларни ташкил қилиш тартиби ва таркиби доимий комиссиялар ҳар бир янги чақириқ халқ депутатлари Кенгашларининг биринчи сессияларида, уларнинг ваколатлари даврига сайланади. Лекин Кенгаш доимий комиссиялари тизими ва таркибига кейинги сессияларда ҳам ўзгартиришлари мумкин. Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланган доимий комиссиялар ҳақидаги Низомларда уларнинг таркибига фақат депутатлар сайланиши кўзда тутилган.

Доимий комиссияларнинг Кенгаш сессияларига ва ҳокимият мажлисларига масалаларни тайёрлаш ва уни кўриб чиқишдаги иштироки доимий комиссиялар Кенгашлари бошқаришни тармоқлари бўйича мутахассислашаётган оммавий органлар сифатида Кенгаш сессияларида ва ҳокимият мажлисларини тайёрлашда муҳим рол ўйнайди.

Сессия кун тартиби лойиҳасини тайёрлаганда ҳокимият доимий комиссиялар таклиф ва мулоҳазаларини, унинг иш режасини эътиборга олиши яхши натижа беради. Доимий комиссиялар ўз навбатида ўзларига топширилган соҳалардаги ишни аҳволидан яхши таниш бўлганлари учун, Кенгаш олдида энг долзарб ва етилган масалаларни қўйишлари лозим, чунки пировард натижада Кенгаш уларни ҳокимият иш режаларига киритади.

Доимий комиссияларни Кенгаш сессиясига масалаларни тайёрлашдаги иштирокининг асосий шакллари, булар корхона, ташкилот муассасалардаги

ишнинг аҳволини ўрганиш ва текшириш, тегишли масалаларга аҳолини олдиндан муҳокамасига киритиш, тўпланган материалларни умумлаштириш, маълумотномалар тузиш, қарор лойиҳаси бўйича хулоса ва таклифлар киритиш, масала комиссия томонидан тайёрланаётган бўлса, қарорни лойиҳасини тайёрлаш, маъруза, қўшимча маъруза ёки сессияда сўзга чиқишни тайёрлашдан иборат.

Доимий комиссияларнинг ҳуқуқларининг кенгайтирилиши, уларни ташкилий ва назорат фаолиятини фаоллашиши ҳокимият фаолиятида ҳам уларни кенг иштирок этишини белгилайди.

4-§. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ учинчи сессиясида 1993 йил 2 сентябрида қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қишлоқ, шаҳарча ва овулларда ва улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини тузилишини ва уларни ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашишади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини

ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қуйидагича белгиланган, «шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади». (105-модда)

Конституцияда кўзда тутилган мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан илк бор 1993 йили ва 1999 йили янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунига кўра, ўзини-ўзи бошқариш органларини икки босқичи ёки икки тури тузилади, биринчиси олдин давлат ҳокимияти органлари тузилган ҳудудларда янги қишлоқ, шаҳар ва овулларда тузилди, иккинчиси шаҳарлардаги маҳаллаларда олдинги маҳалла комитетлари ўрнида тузилди. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда тузиладиган ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органларини айрим функцияларини бажармоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида ҳаётга тадбиқ этилган ўзини-ўзи бошқариш тизими, **биринчидан,** Ўзбекистонни бозор муносабатларига ўтиши талабларини ҳисобга олиб амалга оширилган бўлса, **иккинчидан,** у шу соҳадаги дунёда қабул қилинган тизимларга ҳам мос келади.

Бу соҳада Европада маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш доимий конференциясининг ташаббуси билан Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни Оврўпа хартияси диққатга сазовор. Европа хартиясининг асосий мақсади фуқароларга ўз манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда иштирок этишга имкон яратувчи ва уларга энг яқин турувчи ўзини-ўзи бошқариш органларини ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдир. Европа Хартиясига қўшилиш ихтиёрий бўлиб, у ҳеч қандай моддий маблағлар талаб этмайди. Хартияни Оврўпа Кенгашига кирувчи давлатлар ихтиёрий имзолашлари мумкин.

Хартияга тааллуқли ва умуман, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш муаммолари ҳар йили бир маротаба маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш доимий конференциясида кўриб борилади, бу конференция давлатлараро ташкилот бўлмасдан, вакиллик характерига эгадир.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш соҳасидаги ҳукуматлараро ташкилот маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш доимий Қўмитасидир, бу ташкилот Европа Кенгашининг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш соҳасида юридик, молиявий фаолиятнинг асосларини тайёрлаб беради, Қўмита йилига икки маротаба мажлислар ўтказади.

Европа Хартиясининг иккинчи моддасида “маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш мамлакатнинг қонунчилигида ва имкони борича унинг Конституциясида ўз аксини топиши керак” дейилади.

Юқорида айтилгандек Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 105-моддасида ана шу ҳолат мустаҳкамланган, яъни бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро нормаларга тўла-тўкис мос келади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш Европа Хартиясининг 3-моддасида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунининг 1-моддасига ўхшаш таъриф берилган.

Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи давлатларнинг ҳаммасида ҳали Ўзбекистондагига ўхшаш ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчилик қабул қилинган эмас, айримларида қабул қилиниши арафасида, айримларида қонун лойиҳаси эндигина ишлаб чиқилмоқда.

Мустақил давлатлар ёки Марказий Осиё Республикалари учун ҳам Европа Хартиясига ўхшаш юридик ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқ, чунки Европа Хартиясининг мақсади Европа Кенгашига кирувчи аъзоларни янада мустаҳкам бирлигини таъминлаш.

Ўзини-ўзи бошқариш ҳар қандай демократик жамият тузумининг асосини ташкил этади. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини- ўзи бошқариш орқали давлатни

бошқаришда иштирок этиши демократик принциплардан биридир. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини амалда ҳақиқий ваколатлар билан таъминлаш фуқаролар манфаатларини ҳам амалда ҳақиқий таъминлайдиган бошқаришга эришиш имконини беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш органларига тўрт марта сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловларга асосан Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ягона тизими вужудга келди. Ҳозирги куннинг вазифаси ана шу ўзини-ўзи бошқариш органларининг илғор иш тажрибасини кенг ёйишдир.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун фуқаролар йиғинини чақиришнинг энг демократик асосларини белгилайди. Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишилган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини шунингдек халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки ўн саккиз ёшга етган ва ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Йиғинни чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакиларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишларга кўчалар ва турар-жой биноларидан, маҳаллалардан ва бошқа ҳудудий тузилмалардан ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар вакил қилиниши мумкин. Вакиллик меъёрларини тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ёки туман шаҳар ҳокими белгилайди.

Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи уларга келган тақдирда йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга вакилларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Фуқароларнинг йиғинини (йиғилишини) олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни (йиғилишни) раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қонунда раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби белгиланган, уларни фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.

Ўзини - ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда қонунда улар фаолиятининг иқтисодий ва молиявий негизи белгиланганлиги ҳозирги бозор муносабатлари ўрнатилган даврда катта аҳамиятга эга.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари қурган, сотиб олган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган бинолари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулк ўзини-ўзи бошқариш органларининг мулкидир, яъни булар ўзини-ўзи бошқариш органларини иқтисодий негизини ташкил этади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр эҳсонларидан, хайрия жамғармалари ажратиб берадиган маблағлардан таркиб топади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банкдаги мустақил счетларда сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Қонунда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, бу органларнинг структураси ва улар фаолиятини ташкил этиш, раис (оқсоқол)нинг ваколатлари берилган.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

Қонунга мувофиқ ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий қарорлари, шунингдек раис (оқсоқол)нинг ҳатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ўзини - ўзи назорат қилиш саволлари:

1. Маҳаллий ҳокимият органлари тушунчасига таъриф беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органлари тизимига қайси органлар киради?
3. Маҳаллий ижроия ҳокимияти деганда нимани тушунасиз?
4. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларининг асосий вазифаси нималардан иборат?
5. Ҳокимлар ўз лавозимига қандай эга бўладилар?
6. Ҳоким қандай ҳуқуқий хужжатлар чиқаради?
7. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари деганда нимани тушунасиз?
8. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қайси ҳудуд ларда мавжуд ва уларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ким бошчилик қилади?
10. Фуқаролар йиғини деганда нимани тушунасиз?

XXX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§ Ўзбекистон Республикаси Конституциясида одил судлов органларининг ҳуқуқий мақоми

2-§. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг ташкил этилиши, тизими ва вазифалари

3-§. Одил судловнинг конституциявий тамойиллари

4-§. Ўзбекистонда судьяларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва судьяларга қўйиладиган талаблар

5-§. Судьяларни тайинлаш тартиби

6-§. Судьяларнинг мустақиллиги

7-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

8-§. Ўзбекистон Республикаси Олий суди

9-§. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди

1-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида одил судлов органларининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг одил судлов органлари, давлат ҳокимиятининг бир тармоғига кирувчи ва қонун устиворлигини таъминлаб, тартибга солиб турувчи органдир. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида** “Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақолпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақолпоғистон Республикасининг хўжалик судидан шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат”дир-деб белгиланган. 2000 йилнинг 14 декабрида қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририга кўра юқорида санаб ўтилган суд тизимига ўзгартириш киритиб, судлар ихтисослаштирилди, яъни

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноий ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари жорий қилинди.

Ҳар бир давлатда одил судлов органлари тизими, маъмурий-ҳудудий тузилмаларда ташкил этилади ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ривожлантириш жараёнларида корхона ва ташкилот, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат натижасида келиб чиқадиган масалаларни белгиланган ҳудудий бирликлар миқёсида кўриб чиқади. Шунингдек,суд органларининг вазифалари ва мақсадлари одил судловни амалга ошириш, ҳамда Республика Конституциясида белгилаб берилган талабларни бажаришдан иборат.

1996 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ, VI сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсади суднинг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мавқеини қайта тиклаш ғояси бўлди. Суд ҳокимиятининг янги тармоқлари яратилди. Суднинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинишининг кафолатланиши ҳуқуқий меъёрлари такомиллаштирилмоқда, эндиги вазифа шу меъёрларнинг судлов амалиётига изчиллик билан кириб боришини таъминлаш, уларнинг одамлар онгида чуқур ўрнашиб қолишига эришишдан иборат”дир деб таъкидлаган эдилар.

Давлат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда суд органларининг таъсири кучли бўлиб, уни давлат номидан кафолатлайди Конституция ва қонунларда белгилаб берилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини миллатларнинг тенглиги тамойиллари асосида амалда қўлланилишини назорат қилади. Мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ишлаб-чиқариш муассасаларида давлат идораларида, жамоат бирлашмаларида

фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини мулк шаклидан қатъий назар ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида **“Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади”**-деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси одил судлов органлари фаолиятининг асосий мақсади, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга қатъий амал қилинишига қаратилган. Юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга оширилиши учун суд органларига қонунда катта ваколатлар берилган. Судлар ихтисослашувига қараб:

1. Жиноят қилганларга, жазо турини, жазо ўташ муддатини белгилайди:
2. Фуқаролар ёки ташкилотлар олган мажбуриятларини бажармаган ҳолларда, мажбурий ижро чораларини, фуқаролик ҳуқуқий мажбурият нормаларида белгиланган тартибда бажарилишига мажбур қилинади.

Фавқулодда судлар тузилишига йўл қўйилмайди. Суд органларининг фаолиятида, ҳар хил сиёсий қарашлар, фикрлар асосида одил судлов ишлари олиб борилмайди. Ўзбекистон Республикасида суд органлари фаолиятидаги энг муҳим тамойиллардан бири Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳисобланади, фақатгина судларга жиноят ишлари ва фуқаролик ишларини қонунда белгиланган тартибда судлов жараёнларида давлат номидан чоралар кўриш ҳуқуқи берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисида”ги қонунида суд органларининг фаолият принциплари тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

“Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда

аралашишига йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритадилар.”

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд органлари фаолият жараёнлари жиноятга жазо турини аниқлаш, хўжалик ишларини ҳал этиш ва фуқаролик, маъмурий ишларни кўришлари белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг 110-моддаси, 1-бандида жумладан шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси Олий суди-фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юритиш борасида суд ҳокимиятининг Олий органи ҳисобланади. Бу эса одил судловни амалга оширилишининг фаолият йўналишларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасида Одил судловни амалга оширишнинг энг асосий шартлардан бири фуқароларнинг суд олдида тенглигидир. Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Судлов ишларини ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бундай ҳолатлар айрим жиноятларни кўриб чиқишда қўлланилади.

Тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида айбланувчиларга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси 1-бандида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари белгилаб берилган: ”жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.”

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Ушбу Конституциявий норманинг амал қилиш тартиби қонун ҳужжатларида ҳусусан

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида” ги қонун асосида ва бошқа қонунларда белгиланган.

Ҳар бир шахс ўз манфаатини шахсан ёки қонуний вакил орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир. Ўз ҳуқуқларини қонуний вакил томонидан ҳимоя қилиш имконияти ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган, фикрлай оладиган жисмоний шахсларга ҳам берилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминлаб берилади” деб мустаҳкамланган.

Ушбу конституциявий норма умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларга тўла мос келади. Масалан: айбсизлик презумпцияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги эътиборли халқаро ҳужжатлар: «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» (11-модда), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт (14-модда), «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Европа конвенцияси (6-моддасининг 2-банди) нормаларида ўз ифодасини топган.

Айбсизлик презумпцияси судья, терговчи ва прокурорларнинг шахсий фикрини эмас, балки шахснинг объектив ҳуқуқий ҳолатини ўзида ифодалайди. Исботлаш бурчи юклатилган шахсларгина айбланувчи деб топиши, гумон қилинувчини айбини тўла, ҳар томонлама, холисона исботлаганларидан сўнг айбланувчини суд айбдор деб топиши мумкин

Суд томонидан қонуний кучга кирган айблов ҳукми чиқарилмагунга қадар айбланувчи айбсиз деб ҳисобланади.Айбсизлик презумпцияси қоидасига кўра мавжуд барча шубҳа ва тахминлар тўлиқ аниқлангунча, ушбу ҳолат айбланувчи фойдасига ҳал қилинади, бу эса ўз навбатида, шахснинг маълум жиноят бўйича айбсизлигини кўрсатади.

Айбланувчига нисбатан суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга қадар, ҳаттоки у ушлаб турилган бўлса ҳам, унинг меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари амалда чекланмайди. Умуман, ушбу Конституциявий тамойил айбланувчига нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунига қадар, унга ҳеч ким айбдор сифатида муомала қилиши мумкин эмас, яъни тақиқловчи амалдаги қоида ҳисобланади.

Айбланувчи ёки гумондорнинг жиноят содир этилганликда айбини исботловчи асослар етарли бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг баъзи ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш мумкинлиги мустаҳкамланган.

Ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида ва Жиноят процессуал кодексининг 24-моддасида моҳиятан ифода этилган.Ушбу қонунлар жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг, нафақат ҳимояланиш ҳуқуқи мавжудлигини белгилаб қўйиш, балки ушбу ҳуқуқнинг кафолатланишига ҳам алоҳида эътибор берилишини талаб қилади.

Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида, уларга кенг ҳуқуқлар берилган, масалан, улар ўзларининг нимада айбланаётганликларини билиши, ўзларига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш олишлари, жиноий ҳаракатларини исботловчи далиллар билан танишишлари, ўзларига нисбатан жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Ҳимояланиш ҳуқуқи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига: гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиши учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имконият яратиб беришни юклайди.

Айбланувчи ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун ўз илтимосига кўра ҳимоячи билан таъминланишини талаб қилиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасида, ҳимоячининг иштирокида фуқароларга айбини исботловчи далиллар асосида айблов эълон қилиниши ёки у гумон қилинган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарорини ўқиб эшитилиши белгиланган.

Ҳеч кимнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини камситишга, ҳибсга олинишига, қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиқлар ўтказишларига йўл қўйилмайди. Миллати, дини, келиб чиқишидан қатъи назар, қўпол муомала қилиш, диний қарашларга мажбурлаш мумкин эмас. Хоҳлаган динига эътиқод қилиш, виждон эркинлиги Конституция ва қонунларда кафолатланган инсонларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари бузилган тақдирда давлат ва суд органлари томонидан ҳимояланади.

Ўзбекистон Ренспубликасида судлов ишларини юритиш ўзбек тилида, Қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Судлов ишларини олиб борилаётган вақтда тилни билмайдиган, судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва судлов ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судлов жараёнларида она тилида сўзлашиш ҳуқуқи таъминланади

Ўзбекистон Республикасининг Олий Суди суд органлари тизимининг энг Олий органи ҳисобланиб, унинг томонидан қабул қилинган ҳужжатлар бажарилиши қатъийдир, шунингдек, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Суд органларининг фаолияти ижтимоий адолатни, тенглик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституция. Олий Суди ва Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Олий суд органининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига, қабул қилинган қонунларга ўзгартиришлар киритиш, янги қонунларни қабул қилиш ва бошқа норматив актларни қабул

қилиш бўйича ўз таклифлари билан чиқиш ҳуқуқи киради. Уларнинг бу таклиф ва мулоҳазалари Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилиб, сессия ва йиғилишларда депутатларнинг ҳукмига ҳавола этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуслари билан суд органлари фаолияти принципларининг такомиллаштирувчи жиноий жазоларнинг либераллаштириш; ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўришимиз зарур деб таклиф киритиб буни қуйидагича асослаб бердилар; Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, тўрт гуруҳга бўлинади. Булар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир бўлган жиноятдир. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар Жиноят Кодексидаги жами 640 жиноят таркибидан 86 тасини ёки бошқача айтганда, 18,7 фоизини ташкил этади. Бугун жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш мақсадида яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар қоидасига ўтказиш таклиф этилмоқда. Шундай қилиб, Жиноят Кодексидаги жиноятлар таркибининг 42,8 фоизи ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар ҳисобланади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши тергов ва суд органларининг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради...

Жиноятларни белгилаш қоидаларининг ўзгартирилиши Жиноят Кодексимизнинг умумий йўналишини том маънода ўзгартиришга ва уни ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларига мослаштиришга имкон беради" деб аниқ фактлар билан сўзларини давом эттирдилар.

Ушбу Президентимизнинг инкор этиб бўлмайдиган асосли таклифлари, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва "Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикси Олий Мажлисининг қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодексларининг 94 та моддаси янги мазмун билан бойитилди, 25 та моддасининг қаттиқ санкцияланган меъёрлари, назарда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик кодексларига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганар эканмиз, ҳар бир кодекс нормаларининг инсон омилига жуда катта эътибор берилганлигига амин бўламиз. Жиноят кодексининг нормаларида, унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир эттириб, уч йилдан-беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар таркибига киради деб аниқлик киритилган. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг маълум бир йўналишда ноаниқликка йўл қўймайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг авф этиш тўғрисидаги фармонларини амалда қўлланишини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, айрим жиноят турларига давлат фойдасига жарима миқдорлари белгиланган.

Жиноят кодексининг 39 та моддасининг санкцияларидаги меъёрлари ажратиб ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи берилиб, 53-моддасида мулкнинг ҳар қандай шакллари дахлсизлиги ва давлат томонидан ҳимояланиши мустаҳкамланган. Ривожланган энг демократик давлатлар тарихига назар солсак улар ҳам бирдан

шу даражада давлат бошқарувида ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қоидаларни ўрнатмаганлар. Ҳар бир миллат ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш бахтига муяссар бўлар экан, ўз ҳаётини ривожланиши учун ҳаракат қилади. Бу эса ўз-ўзидан равшанки вақт талаб қилади. Мустақил Республикамиз эндигина ўн тўрт ёшга тўлди, унинг Конституциясини қабул қилинганига яқинда 13 йил бўлади. АҚШ Конституциясининг қабул қилинганига 200 йилдан ошди. Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бизнинг давлатимиз ривожланиш босқичлари бошқа мамлакатлар тажрибасига ва умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда бормоқда.Жамиятни бирлаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган асосий куч Конституция ва қонундир. Қонун ҳукмрон бўлсагина ҳуқуқий давлат қуриш ҳақида гапириш мумкин. 1990 йил мартида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг биринчи сессияси Конституциявий назорат қўмитасини ташкил этишга қарор қилинди. Бу органнинг вужудга келиши демократия йўлини танлаган давлатнинг ҳаётида катта воқеадир. Бошқа давлатларда бундай орган ҳар хил ном билан юритилади. АҚШда-Олий суд, Францияда-Конституциявий Кенгаш, ГФРда Конституциявий суд. Қоида бўйича бу органлар фаолияти ҳеч ким томонидан назорат қилинмайди. У парламент қонунларини ҳукумат ва мамлакат Президенти фармонларининг Конституцияга мослигини аниқлайди. Конституциявий тузум-инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси, умум эътироф этган шакли ҳисобланади. Уни заифлаштиришга, барқарорлигига путур етказишга, конституциявий тузилмалар обрўсини тўкишга қаратилган ҳар қандай уриниш ҳуқуқий давлат руҳи ва моҳиятига зид келади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси конституциявий тузум тушунчасининг ўзини ҳам бойитади.

Конституциявий тузум бу энг муқаддас нарса, бу миллионларнинг ҳаётий фаолиятини ташкил қилиш негизидирки, ҳеч кимнинг уни қоралашига ва унга тажовуз қилишига йўл бермайди.

2-§. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг ташкил этилиши, тизими ва вазифалари

Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита алоқадор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади. Суд ҳокимияти ҳуқуқий мақомининг конституциявий белгиланиши мазмунан шундай ифодаланадики, унга асосан фуқароларга нисбатан судловни амалга оширишда ўзбошимчаликка йўл қўймаслик, одил судловни амалга ошириш, ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатини яратиш, шунингдек фуқароларга нисбатан чиқарилган ҳукм ва қарор юзасидан шикоят қилишлари учун имконият яратиш ҳамда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти учун алоҳида XIII боб ажратилгандир. Бу бобда "Суд ҳокимияти" моҳиятини очиб берувчи қатор меъёрлар берилган ҳамда суд фаолиятини ташкил қилиш, судлов тизимини белгилаш каби масалалар ўз ечимини топган.

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида таркибий қисми бўлиб, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти, сиёсий партия ҳамда жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда ҳаракат қилувчи ҳокимият тармоғидир.

Суд ҳокимияти органлари судьяларнинг фақат Конституция ва қонун талабларига бўйсуниш тамойилига асосланиб, ўз мустақиллигини таъминлайдилар. Улар одил судловни амалга ошириш фаолияти бўйича ҳеч кимга ҳисобдор эмаслар.

Фақат Конституция асосида ташкил қилинган суд ҳокимияти, қонун асосида суд ишларини адолатли олиб боришда, халқ вакилларининг ёрдамига таяниб, жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш, текшириш ва бошқа ишлар бўйича ҳукм чиқариш ёки қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, суд ва фақат суд ўзига берилган ваколатлар доирасида одамларга ҳамда шу орқали жамиятга ва жамиятда бўладиган жараёнларга ўз таъсирини ўтказади. Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузумига асосланган, маъмурий–ҳудудий бўлинишига мувофиқ ягона суд тизими мавжуд.

Ягона суд тизимининг ташкил қилиниши, суд фаолиятини Конституция ҳамда халқаро шартномаларда умумэътироф этилган тамойилларга биноан қабул қилинган амалдаги қонунлар асосида олиб боришга, судларнинг мақоми тенглигини таъминлашга ва давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилишига хизмат қилади.

Конституцияда белгиланган ва мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, бошқа ҳокимиятлардан мустақил равишда жараёнлар давомида амалга оширилиши белгиланган меъёрлар асосида иш юритади.

Суд ишлари конституциявий, фуқаролик, жиноий ва маъмурий турларга бўлинади. Конституциявий суд ишлари "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суд тўғрисида"ги Қонун асосида, фуқаролик суд ишлари Фуқаролик-процессуал кодекси ва жиноий суд ишлари Жиноят-процессуал кодекси, маъмурий суд ишлари эса Маъмурий жавобгарлик кодекси асосида олиб борилади. Бундан ташқари, хўжалик суд ишлари "Ўзбекистон Хўжалик процессуал кодекси" асосида юритилади.

Суд ишлари ичида энг асосий вазифа одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, суд ҳокимиятининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ваколатлари ҳам мавжуд:

1) конституциявий назорат;

2) давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятлари ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларининг қонунийлигини текшириш;

3) суд ҳукми ва қарорларининг ижросини таъминлаш;

4) судларга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб, текшириб чиқиш;

5) суд амалиётидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик масалалари бўйича тушунтириш ваколати;

6) судьялар таркибининг шаклланишида иштирок этиш ва унинг органларига ёрдам бериш ваколати.

Юқоридаги ваколатларнинг амалда бажарилиши одил судлов билан узвий боғлиқ бўлиб, суд ҳокимиятининг мазмунини ташкил этади ва у қабул қилган ҳукм ва қарорларнинг мажбурий ижросини таъминлашга қаратилади. Суд ҳокимияти қарорларининг ҳаётга тадбиқ қилиниши мажбурийдир, бу ҳолат қонун билан белгиланган. Қонун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг суд ҳукмига бевосита бўйсунишларини талаб қилади. Ҳамма давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар суд ҳокимияти қарорларининг амалга ошишида судга ёрдамлашишлари шарт ва мажбурдирлар.

Демак, одил судлов фаолиятининг амалга оширилиши, қонунчилик ва ижро ҳокимияти тармоқлари сингари, суд ҳокимиятининг ҳам нақадар муҳим ва масъул вазифалари мавжудлигини кўрсатади. Бу эса-давлат ҳокимияти, тармоқларининг тенг ҳуқуқлигини, мақсадларининг бирлигини, давлатни бошқаришда бирдек масъулият билан фаолият кўрсатишини англатади.


Ўзбекистон Республикаси одил судловини амалга оширувчи органлар тизими
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди
Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди
Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар
Жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари
Фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари
Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари
Фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар), туманлараро судлар

3-§. Одил судловнинг конституциявий тамойиллари

Одил судловнинг конституциявий тамойиллари – умумий, раҳбарий, бирламчи қоидалар бўлиб, давлат фаолиятининг ушбу соҳага хос асосий хусусиятларини ёритиб беради. Ушбу тамойилларнинг одил судловга доир қонунларни яратишда, суд ҳокимияти давлат органлари механизмида, жамият сиёсий тизимида тутган ўрни ва ролини белгилаб беришда алоҳида хизмати бор. Одил судлов тамойилларининг йиғиндиси одил судловни ҳуқуқий тартибга солишда ва амалга оширишда муҳим қалқон ва пойдевор ҳисобланади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган.

Одил судлов тамойилларининг хусусияти шундан иборатки, унда белгиланган қоидалар нафақат фуқаролар, мансабдор шахслар ҳамда давлат органлари учун, балки қонун чиқарувчи идоралар учун ҳам таалуқлидир. Қонун чиқарувчи ва қонунга ўзгартириш киритувчи органлар ўз фаолиятлари давомида демократик талаблар ҳамда анъаналар қатори ушбу тамойилларга ҳам амал қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг одил судловга оид конституциявий тамойилларни белгилашда бошқа мамлакатларнинг, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг ижобий тажрибалари ҳисобга олинган.

Одил судловни амалга ошириш ва унинг фаолиятини ташкил қилишда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси", "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" каби халқаро ҳужжатларнинг илғор ғояларини ўзида мужассам этганлиги учун ҳам ғоят катта аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатлар дунёнинг кўпчилик давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам эътироф этилган ҳамда ундаги қоидаларга амал қилиш мажбурийдир.

Одил судловнинг конституциявий тамойилларига қуйидагилар киради:

1. Қонунийлик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатларига риоя қилган ҳолда ҳамма давлат ва нодавлат органлари, ташкилотлари, мансабдор шахслар томонидан олиб бориладиган фаолият қонунийликдир.

Суд судлов ишларини кўриб чиқишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга хилофлигини аниқласа, ушбу меъёрий ҳуқуқий-ҳужжатларга эмас, балки тегишли қонунга мувофиқ қарор қабул қилишга ҳақлидир. Конституциянинг 15-моддасига биноан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Конституция Олий даражадаги юридик кучга эга бўлиб, республиканинг бутун ҳудудларида бирдек қўлланилади. Шунга мувофиқ судлов ишларини кўриб чиқишда судьялар Конституция қоидалари ва қонун ости меъёрий-ҳужжатлар талабларига амал қилишлари лозим. Судлар томонидан кўриб чиқилаётган ишларга баҳо беришда, судьялар ҳар қандай ҳолатда ҳам Конституцияни бевосита бирламчи манба сифатида тан олишлари шарт.

Конституциянинг 16-моддасида белгиланганидек "бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари агар Конституцияга, қонунга хилоф бўлмаса, давлат бошлиғининг фармонлари сифатида суд ишларини юритишда қўлланилиши мумкин. Шу каби юқори даражадаги ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашдан олдин, судлар бундай ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Конституциясига қанчалик мос келишини текширишлари лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш назарда тутилган. Халқаро шартнома нормаларига зид бўлган қонунлар амалда судьялар томонидан қўлланилмайди. Ушбу конституциявий қоида ҳаётга узлуксиз тадбиқ этилмоқда. Қонунийлик ҳуқуқнинг ҳамма соҳалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, кенг кўламда қўлланиладиган ҳуқуқий тамойиллардан бири деб ҳисобланади. Қонунийлик тамойилининг узлуксиз равишда ҳаётга тадбиқ қилиниши давлат бошқарув механизимининг бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Бу тамойил одил судловни амалга оширишда

катта аҳамият касб қилиб, жиноий ва фуқаролик ишларининг муҳокамаси қонун талабларига мос ва белгиланган тартибда амалга оширилишини белгилайди.

Қонунга риоя қилинмаган жойда қонунийлик тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Бу ҳол ўзбошимчалик ҳисобланади. Демак, бу ҳолатларда қонунийлик ўзининг ижтимоий вазифасини бажара олмайди. Том маънодаги қонунийлик жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан асосли, адолатли ҳукм ва қарорлар чиқарилишини таъминлайди.

2. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги. Бу тамойил қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган: Ўзбекистон Конституцияси (106-модда), "Судлар тўғрисида"ги қонун (4-модда), "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун (4,5-моддалар), Жиноят-процессуал кодекси (14-модда) ва ҳоказолар.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Суд мустақиллигининг мазмуни, судлов ишларини юритишда шундай имкониятларга эга бўлиши билан белгиланадики, бунда суд фаолиятига ташқаридан тазйиқ ўтказилмаслиги, бировларнинг аралашмаслиги, қонунга мувофиқ адолатли, асосли қарорга келиши таъминланиши зарур.

Одатда суд мустақиллиги иккита асосий элемент бирлигидан иборат: суд ҳокимиятининг ташкилий ва вазифаларга кўра мустақиллиги ҳамда судьяларнинг мустақиллиги.

Ташкилий жиҳатдан суд мустақиллигининг моҳияти шундан иборатки, давлатнинг қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг суд фаолиятини ташкил қилишига аралашиши, унинг адолатли, асосли ҳукм ва қарорларига қарши равишда иш олиб боришлари мумкин эмас. Демак, суд ҳокимияти маъмурий мустақилликка ҳам эга.

Маълумки, суд ҳокимияти давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади, давлат бюджети тўғрисидаги лойиҳа Ўзбекистон ҳукумати

томонидан тайёрланади ҳамда қонунчилик ҳокимияти давлат бюджетини қабул қилиш тўғрисида қонун қабул қилади. Судларни молиялаштириш ижроия ҳокимиятнинг Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади ва бу суд ҳокимиятини маълум моддий-техника базаси билан таъминлаш, уларнинг фаолият кўрсатишларига имкониятлар яратиш билан изоҳланади ("Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддаси).

Суд ҳокимиятининг вазифасига кўра мустақиллиги уларнинг фақат Конституцияга, қонунларга амал қилишидадир. Одил судловни амалга ошириш шартлари Фуқаролик-процессуал, Жиноий-процессуал, Хўжалик-процессуал кодексларида кўрсатилган бўлиб, уларга асосан судьялар ҳеч қандай ички ва ташқи тазйиқсиз ўз фикр мулоҳазаларига суянган ҳолда хулоса қилишига, ҳукм ва қарор чиқаришига имконият яратади. Суд кўрилган масала бўйича Кенгаш хонасида суд таркибига кирган судьялар билан Кенгашиб, маслаҳатлашиб иш кўради, тегишли ҳал қилув қарорлари чиқаради.

Судьяларнинг маслаҳат хонасидаги фикр мулоҳазаларини ошкор қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Суднинг маслаҳат хонасида бегона шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

Судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади (Ўзбекистон Конституциясининг 112-моддаси).

Суд мустақиллиги турли поғонадаги суд ходимларининг (судьяларнинг) ўзаро муносабатларини ҳам белгилашга имконият беради. Апелляция, кассация ва назорат инстанциялари қуйи поғонадаги судьяларнинг ҳал қилув қарорларини бекор қилар экан, ишни қайта кўриб чиқишга юбориб ўз тазйиқини ўтказиши уларнинг мустақиллигига путур етказиши, ўзларининг ўйлаган, тахминий хулосаларини ҳал қилув қарори тариқасида амалга оширишларини талаб қилишликлари мумкин эмас.

Қонунни тўғри таҳлил қила билишлик судьяларнинг масалани одил ҳал қилишдаги маҳоратини кўрсатади. Судьяларнинг ушбу фаолияти ташқи таъсирдан, тазйиқдан ҳоли бўлиши шарт. Қонун йўли билан судьяларнинг

тайинланиш тартиб-қоидаларининг ўрнатилиши уларнинг бошқа ҳокимият ва мансабдор шахслар олдида ҳисобдорликдан озод қилади, суднинг мустақиллиги моҳиятан ҳам шу билан белгиланади.

Суд ҳокимиятининг обрўси ҳам, мустақиллиги ҳам уларнинг қонунчиликка қанчалик моҳирона ёндаша олишидан келиб чиқади.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг VI бўлим 8-бобида судьяларнинг мустақиллигининг асосий кафолатлари кўрсатилган. Хусусан, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 68-моддасида шундай кўрсатилади:

-судьялар қонунда белгиланган тартибда сайланадилар, тайинланадилар ва судьялик вазифасидан озод қилинадилар;

-уларнинг (судьяларнинг) дахлсизлиги таъминланади;

-одил судловни амалга оширишда қатъий тамойил мавжуд;.

-қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳати сир тутилади, уни ошкор қилишни талаб қилиш мумкин эмас;

-судьяларга нисбатан ҳурматсизликка йўл қўйилмаслик, улар фаолиятига аралашмаслик ва судьяларнинг дахлсизлигини таъминланиши;

-судьяларга давлат томонидан моддий ва ижтимоий-таъминот берилиши.

Судьялар фаолиятида самарадорликнинг ошиши учун, мустақил ишлашлари учун судьяларнинг ваколат муддати етарли даражада узайтирилиши, уларнинг етарли миқдорда маош олиши, кексалик нафақаси билан таъминланиши зарур. Шунингдек, судьяларнинг шахсий ҳаёти ҳам, оиласи ҳам ҳимояланган бўлиши лозим. Ҳар қандай ўринсиз танқиддан ҳам ҳимояланган бўлиши, асоссиз равишда ўз лавозимидан четлаштирилмаслиги керак. Бундай масалалар "Судлар тўғрисида" ги қонунда батафсил ёритилган.

3. Одил судловни амалга оширишда барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойили. Қонун ва суд олдида тенглик тамойили (принцип) асослари қонунларда етарли даражада ёритилган. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18, 44, 46-моддалари, "Судлар тўғрисида"ги қонун 6-модда, Жиноят процессуал кодексининг 16-модда).

"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида, тенгдирлар." (Конституциянинг 18-моддаси)

Қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларни барча шахсларга бирдек қўллашни талаб этади.

Бу ҳолат нафақат уларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдалиниши, балки улар зиммасига юклатилган маълум мажбуриятларни ҳам бажариш зарурлиги одил судловни амалга оширишга оид қонун ҳужжатларида белгилаб берилган.

Конституцияга мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-модда).

Қонун ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини тўлиқ яратиш мақсадида, турли сабабларга кўра ўз манфаати ва ҳуқуқларини лозим даражада ҳимоя қилолмайдиган баъзи шахсларга қўшимча кафолатлар ўрнатади. Масалан, Жиноят-процессуал кодекснинг 51- моддасига кўра ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар белгиланган:

-вояга етмаганларнинг иши бўйича;

-соқовлар, карлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи амалга оширишга қийналадиган шахсларнинг иши бўйича.

Жиноят-процессуал кодексининг 20-моддасига биноан, иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Ҳуқуқий муносабатлар ўз ривожини топган мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ўз табиатига кўра қонун олдида баъзи чеклашларга йўл қўйилади. Бу эса кўп ҳолатларда бошқа бир Конституциявий-ҳуқуқий

қадриятларни ҳимоя қилиш мақсадидаги заруриятдан келиб чиқади. Буларга мисол қилиб, судьялар, ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари, баъзи турдаги мансабдор шахсларнинг юридик жавобгарликка тортишда белгиланган тартибини кўрсатиш мумкин. Қонун олдидаги бундай тенгсизлик (иммунитет) айни вақтда уларнинг ўз фаолияти давомида ҳуқуқий хавфсизлигини ва мустақиллигини таъминлашга қаратилган имтиёз ҳисобланади.

Суд олдида барчанинг тенглиги тушунчаси қонун олдида барча шахсларнинг тенглиги тушунчасига моҳиятан мос келади. Суд олдида барчанинг тенглиги, барча шахсларга суд процессида жавобгар ёки бошқа иштирокчи сифатида қатнашишидан қатъи назар тенг процессуал ҳуқуқ ва тегишли мажбуриятларга эга эканлигида намоён бўлади. Суд ишларини юритиш қоидалари барча юрисдикцияли, умумий, хўжалик ва ҳарбий судларда жавобгар, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий даъво бўйича жавобгар ёки бошқа шахс бўлишидан қатъи назар бир хилда қўлланилади.

Судлар олдида барчанинг тенглиги ҳуқуқ бўйича баҳс юритаётган томонларнинг расман тенглигини ҳам англатади. Суд олдида барча шахслар мулкий ҳолати, ижтимоий мавқеидан ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар расман қонун олдида тенг ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқларнинг чекланиш даражаси фақат суд қарори асосида амалга оширилиши мумкин.

Қонун судлов ишларини юритишнинг баъзи хусусиятларини назарда тутади, яъни фуқароларнинг Қуролли кучлар ёки бошқа ҳарбий қўшилмаларга тегишлилиги, ҳарбий унвони ёки эгаллаб турган лавозими инобатга олинади.

Бу хусусиятлар, ушбу шахсларнинг ҳарбий ёки у билан тенглаштирилган хизматдаги мавқеи билан боғлиқ бўлиб, у судловга тегишлилик қоидаси билан белгиланади. Бу каби ишлар умумий юрис- дикцияли судлар томонидан эмас, балки ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқилади. Бу ҳолатларда ҳам ҳарбий ва умумий юрисдикцияли судлар томонидан белгиланган иш юритиш қоидаларига тўлиқ амал қилиниб, бирон-бир ён босиш ёки имтиёзлар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойили нафақат Ўзбекистон фуқароларига, балки чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади.

Одил судловни амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёти ва соғлиги, шаъни ва қадр-қиммати Олий қадрият ҳисобланиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари каби биринчи галда ҳимоя қилинади, шу жумладан одил судловни амалга ошириш вақтида ҳам шу қоидага риоя қилинади.

Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғликдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (19-модда).

Ушбу ғоя Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб, аниқ ифода этилган.

4. Фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида шундай дейилган: "Ҳар бир инсон, мабодо унинг Конституция ва қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар

омонидан

Суд томонидан ҳимоя бўлиш ҳуқуқи. "Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро Пактнинг 14-моддасида ва "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Европа конвенциясининг 6-модда, 1-қисмида мустаҳкамлаб қўйилган. Европа конвенциясининг амалда қўлланилиши, шахсларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини, оммавий ҳуқуқни қўллаш зарурияти бўлган фуқаровий ҳуқуқ ва мажбуриятлар учун ҳал қилувчи

аҳамиятга эга барча процессуал ҳаракатларга ҳам тааллуқли эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон қонунчилигида суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Ушбу конституциявий қоида қатор қонун ҳужжатлари орқали ойдинлаштирилган, хусусан Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонунни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу ҳуқуқ ўз манфаатини шахсан ёки ҳимоячи, шунингдек қонуний вакил орқали ҳимоя қилаётган ҳар бир шахсга ҳам тегишлидир. Ўз ҳуқуқларини қонуний вакил томонидан ҳимоя қилиш имконияти ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаган жисмоний шахсларга ҳам берилган.

Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан узвий боғлиқ бўлиб, қонунчиликни билиш, уни амалиётда қўллай олиш ҳамда суд ишларини юритиш тажрибасининг даражаси билан изоҳланади. Бундай сифатлар юридик касб маҳоратига эга кишиларда мужассам бўлиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга муҳтож шахслар суд жараёнида, уларнинг ҳуқуқий ёрдамларига таяниши лозим. Судга конституцияда белгиланган ва кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар қатори, қонун (қонун ости ҳужжатлари) ёки шартномада кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликлар, шунингдек манфаатлар бўйича ҳам мурожаат қилиниши мумкин.

Бузилган ёки чекланган ҳуқуқ ва эркинликлар ўз мазмуни ва моҳиятига кўра, тегишли тартибда конституциявий, фуқаролик, маъмурий жиноий ёки хўжалик судлов ишларини юргизиш орқали тикланади.

5. Айбсизлик презумпцияси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда,ошкора кўриб чиқилиб, унинг

айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ушбу тамойил мазмунан жиноий ишларнинг муҳокамасига тегишли бўлиб, бу тамойил жиноят-процессуал кодекснинг 23-модда 1-банди ва "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддаси 2-бандида аниқ ўз ифодасини топган.

Конституция жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши қонун талаби доирасида ва ошкора кўриб чиқилмагунча яъни судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кафолатлар таъминланиб айби аниқланмагунича у айбдор ҳисобланмайди. Ушбу қоида жиноий ишларни кўриб чиқишда одил судловни амалга оширишнинг демократик тамойили ҳисобланади.

Айбсизлик презумпцияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги эътиборли халқаро ҳужжатларда, жумладан, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" (II-модда), "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро Пакт (14-модда), "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Европа конвенцияси (6-моддасининг 2-банди) нормаларида ўз ифодасини топган.

Айбсизлик презумпцияси тамойилининг замирида умумий ва кенг тан олинган ахлоқ нормаси мавжуд бўлиб, унга кўра айбланувчининг айбдорлиги тасдиқланишига қадар, шахс айбсиз деб ҳисобланади.

Айбсизлик презумпцияси судья, терговчи ва прокурорларнинг шахсий фикрини эмас, балки шахснинг объектив ҳуқуқий ҳолатини ўзида ифодалайди. Тергов органлари шахсни айбланувчи деб топиши, яъни уни маълум жиноят содир этганликда айбли деб ҳисоблаши мумкин, аммо бу ҳолатда ҳам унинг айбини исботлаш лозим. Қонун шахснинг жиноят содир этганлигида айбдор эканлигини мажбурий суд муҳокамаси босқичини ўтказиш билан, яъни айбланувчининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари бўйича белгиланган барча кафолатларнинг таъминланганлиги ҳамда унинг айбдор эканлигини текшириш билан бевосита боғлайди.

Айбланувчи унга нисбатан суд томонидан қонуний кучга кирган айблов ҳукми чиқарилмагунга қадар айбдор деб ҳисобланмайди.

Айбсизлик презумпцияси қоидасига кўра, мавжуд барча шубҳа ва тахминлар тўлиқ аниқланмагунча, ушбу ҳолат айбланувчи фойдасига ҳал қилинади, бу эса ўз навбатида, шахснинг маълум жиноят бўйича айбсизлигини кўрсатади. Демак, айбланувчи айбининг исботланмаганлиги, айбсизлигининг исботидир. Ушбу тамойил ўз моҳиятига кўра судловни амалга оширишда нафақат айбланувчининг жиноят процессидаги ҳуқуқий ҳолатини, балки барча ижтимоий муносабатлар субъектидаги ҳуқуқий ҳолатини ҳам ифодалайди.

Айбланувчига нисбатан суднинг ҳукми қонуний кучга киргунига қадар, ҳаттоки у ушлаб турилган бўлса ҳам, унинг меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари амалда чекланмайди. Умуман ушбу конституциявий тамойил айбланувчига нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунига қадар, унга ҳеч ким айбдор сифатида муомала қилишини тақиқловчи амалдаги қоида ҳисобланади.

Шунга қарамай, айбланувчи ёки гумон қилинувчининг жиноят содир этишда айбини исботловчи асослар етарли бўлса, қонунда кўрсатилган тартибда унинг баъзи бир ҳуқуқ ва эркинларини чеклаш мумкинлиги мустаҳкамланган. (Масалан, ҳаракат қилиш эркинлиги, ёзишмалари ва телефонда сўзлашувларнинг сир тутилиши ва бошқа шахсий ҳуқуқлар)

Оқлов ҳукмининг қонуний кучга кириши, айбсизлик презумпцияси тамойилига мувофиқ, айбланувчини айбсиз деб тан олинишини билдиради.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланган.

6. Ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиш. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасида моҳиятан ифода этилган. Ушбу қонунлар жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг, нафақат ҳимояланиш ҳуқуқи мавжудлигини белгилаб қўйиш билан кифояланади, балки ушбу ҳуқуқнинг кафолатланишига алоҳида урғу беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида шундай дейилган: "Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд

ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади."

Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида, уларга кенг ҳуқуқлар белгиланган: улар ўзларининг нимада айбланаётганлигини билиш, ўзларига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш бериш; жиноий ҳаракатларини исботловчи далиллар билан танишиш, ўзларига нисбатан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқларига эга.

Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасига гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиши учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имконият яратиб беришни юклайди.

Ушбу органлар иш материаллари билан батафсил танишишлари, айбни тасдиқловчи ёки рад этувчи ҳолатларни ҳар томонлама ўрганишлари лозим.

Айбланувчи ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилиши, шунингдек ўз илтимосига кўра ҳимоячи билан таъминланиши мумкин. Қонунда ҳимоячини таклиф этиш тартиби белгилаб қўйилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасида ҳимоячи ишда айбланувчига айб эълон қилинган вақтдан, ёки у гумон қилинган деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган, ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб иштирок этишига рухсат этилади. Қонун ҳимоячига ҳимоя остидаги шахснинг қонуний ва ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштироки учун кенг ҳуқуқлар белгиланган.

7. Суд ишлари юритишнинг ошкоралиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасига биноан ҳамма судларда ишлар очиқ

кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида суд ишларини юритишнинг ошкоралиги тамойили ўз ифодасини топган. Ушбу моддадаги "ошкоралик" термини суд ишлари "очиқ" мажлисларда кўриб чиқилишига синоним ҳисобланади. Бу тамойил Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасида ҳам мустаҳкамланган.

Ушбу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, барча фуқаролар у ёки бу суд ишларини юритиш процессида иштирокчи бўлмасада, суд ишларини ошкора кўрилиши туфайли суд муҳокамасида қатнашишлари мумкин. Бундай чора-тадбирнинг белгилаб қўйилиши судлар фаолиятини яхшилашга, судларнинг мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ўта масъулият билан ёндашишига, фуқароларни қонунчиликни мустаҳкамлаш руҳида тарбиялашга қаратилган бўлиб, одил судловни амалга оширишда халқ назоратининг ўзига хос шакли ҳисобланади.

Судда ишларнинг ошкора кўрилиши тамойили мазмунидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай шахс, иш юритишда иштирокчи ҳисобланмасада, суд мажлисларида ўз хоҳишига кўра қатнашиши мумкин. Аммо баъзи ҳолатлар бундан мустасно, масалан, судда раислик қилувчи суд залида жой етишмаслигини ҳисобга олиб, судда қатнашиш истагидаги шахсларга суд мажлисида қатнашиш учун рухсат бермаслиги мумкин.

Иккинчидан, суд фаолиятида ошкораликни кучайтириш мақсадида судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларига суд процесслари тўғрисида хабар бериши, уларни суд процессига таклиф қилиши мумкин. Суд муҳокамасига тегишли маълумотларни ошкор қилиш имконияти мавжуд бўлиб, судда қатнашаётганлар суд мажлисидаги барча воқеалар тафсилотини ёзиб олишга ҳақли. Расм, кино ёки видео тасвирга туширишга, овозларини ёзиб олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

Шу билан бирга, қонунчиликда суд мажлисларини ёпиқ тарзда ўтказиш тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Бундай мажлислар давлат сири билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда ўтказилади. Бундан ташқари ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларини, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотномаларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Суд мажлисларини ёпиқ тарзда ўтказилишига алоҳида ҳолатларда ҳам йўл қўйилиши мумкин.(масалан, фарзандликка олиш сирларини таъминланиши ёки фуқароларнинг ўзаро ёзишмаларининг сир сақланишини таъминланиши).

Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади.

8. Суд ишлари юритиладиган тил. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади."

Суд ишлари юритиладиган тил тамойили Жиноят процессуал кодекснинг 20-моддаси ва "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Процессуал қонунчилик процесс иштирокчиларига ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билишлари учун қатор аниқлик ва қўшимчалар киритади ҳамда кафолатлар яратиб беради.

Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларига таржимон хизматидан фойдаланиш имконияти кафолатланган. Таржимонга ҳам ўз навбатида, ишни аниқ ҳамда тўлиқ бажариш мажбурияти юклатилади. Ушбу

мажбуриятни лозим даражада бажармаслик, таржимоннинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши учун сабаб бўлади. Айбланувчига (гумондорга, судланувчига) таржимон томонидан барча ҳолатларда кўрсатилган ёрдам бепул амалга оширилади.

Масъул органларнинг мансабдор шахслари процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқларини тушунтириш мажбуриятини олар эканлар, шу жумладан уларга таржимон билан таъминланиш ҳуқуқи, шунингдек процесс иштирокчисининг ўз она тилида ёки унинг яхши биладиган тилида тушунтириш ва судда сўзлаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида огоҳлантириш шарт.

Тергов ҳамда суд ҳужжатлари ушбу шахсларга уларнинг тушунадиган тилига таржима қилиниб топширилади.Булардан ташқари, судда юритилаётган тилни яхши билмайдиган шахсларга дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси даврида, ҳимоячи билан мажбурий таъминланиши белгиланган.

4-§. Ўзбекистонда судьяларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва судьяларга қўйиладиган талаблар

Судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайланиш тартиби, тайинланиши ва лавозимини эгаллаши, улар мустақиллигининг кафолатлари, шунингдек уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти Конституция ва "Судлар тўғрисида"ги қонун нормаларида белгилаб қўйилган.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 60-моддасига кўра, судьялар одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга бўлиб, суд раислари, раис ўринбосарлари ҳам айни вақтда судьялардир.

Қонун судьяларнинг Олий мартабали мансабдор шахс ҳисобланганлиги учун, судьяликка номзодлар учун қатор талаблар қўяди. "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 61-моддасига кўра, йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган Олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига

эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва ушбу модда талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Конституциявий суд судьялигига номзодлар учун алоҳида талаблар қўйилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида Конституциявий суднинг судьяси этиб, сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкинлиги белгиланган.

Судьялликка номзоднинг Олий юридик маълумотли эканлиги Олий юридик ўқув юртининг ёки Олий ўқув юртининг юридик факультетини тугатганлиги ва давлат намунасига эга бўлган диплом олганлиги билан белгиланади.

Олий юридик ўқув юртини тугаллаган вақтдан юридик маълумот олинган деб ҳисобланиб, танланган мутахасиссислик бўйича, яна қайта ўқиш талабини

қўймайди. Номзоднинг юридик соҳадаги иш стажига, унинг аввал судья бўлганлиги ёки терговчи, прокурор, адвокат, юрист консультант ва бошқа юридик соҳалардаги меҳнат фаолияти киради. "Юридик соҳадаги фаолият" тушунчаси сирасига ҳуқуқ соҳаси бўйича илмий ва педагогик фаолияти бўйича шуғулланиш ҳам киритилади. Конституциявий суд судьялигига қўшимча талаблар сифатида қўйилган ҳуқуқ ва сиёсат соҳасида юқори даражадаги мутахассис деб тан олишлик учун, Конституциявий судни шакллантириш амалиётидаги тажрибадан келиб чиқиб номзоднинг илмий даражасининг бўлиши, Олий суд, Олий хўжалик суди ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбар лавозимларида узоқ муддат ишлаганлиги, ёхуд мезон бўлиб хизмат қилинганлигини кўплаб илмий ишлар муаллифи эканлигини кўрсатиш мумкин.

Конституция ва қонун судьяларга асосий талаблардан ташқари, қатор қўшимча талаблар ҳам ўрнатганлигини таъкидлаш жоиз:

1) судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас. (Ҳокимият тақсимланиши тамойилига асосан)

2) суьдялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. (Судлар ўз фаолияти мустақил бўлишлиги учун кафолат сифатида судларни сиёсийлаштирмаслик)

3) судьялар илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Қонун талабларидан яна бири, судья лавозимига қонунга хилоф ҳаракатларни содир этмаган шахслар тайинланиши ёки сайланишидир.

Судьялар ўз ваколатларини амалга ошириш вақтида ҳам, хизматдан ташқари ҳолатда ҳам суд ҳокимиятининг обрўсини, судьяларнинг шаъни ва қадр-қимматини туширувчи, холис ва адолатли одил судловга нисбатан шубҳали ҳаракатдан ўзларини тийишлари шарт.

Тегишли суд судьялигига номзод Ўзбекистон фуқаролари, юқоридаги талабларга жавоб берган тақдирда, ушбу лавозимни эгаллаши учун

судьяларнинг малакавий коллегиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Судьяларнинг малакавий коллегияси тегишли суд раисига тавсия этилган ҳар бир номзодлар бўйича ўз хулосасини тақдим этади.

Агар суд раиси хулоса бўйича розилик бермаса, хулоса ўз навбатида судьяларнинг малакавий коллегиясига қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади. Судьяларнинг малакавий коллегиясининг қайта ижобий хулосаси бўйича, тегишли суднинг раиси томонидан номзод ишини қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси томонидан судьялик лавозимига танлаш ва тавсия этиш масаласини ҳал этиш вақтида, қонунчилик ва ижтимоий адолат асосида судьяларни сайлаш ёки тайинлаш кафолати сифатида жамоат назорати ўрнатилиши кўрсатиб ўтилган.

5-§. Судьяларни тайинлаш тартиби

Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу модданинг мазмунидан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, судьялар таркибини шакллантириш давлат ҳокимияти барча тармоқларининг ўзаро ҳамкорлиги билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Олий суд, Олий хўжалик судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенат аъзоси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманалараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака

комиссиясининг тақдимномасига кўра, хўжалик судларининг судьялари эса, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Судьялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади.

Илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 64-моддасида белгиланган тартибда қасамёд қилади.

6-§. Судьяларнинг мустақиллиги

Судьяларнинг мустақиллиги асосий конституциявий тамойил бўлиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва самарали фаолиятини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила олишини таъминловчи шартлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига биноан, "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фолиятига бирон-бир тарзда аралишишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлис Сенат ва Қонунчилик палатаси депутати бўла олмайдилар.

Судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларининг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас. Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлганидагина озод этилиши мумкин."

Суд қонун устуворлигини таъминловчи бош механизм бўлиши билан бирга, айни вақтда ҳуқуқий давлатга хос бўлган ҳуқуқ манбаларининг ҳуқуқий қўлланилиши ва ҳимоя қилинишини назорат қилади.

Судьялар мустақиллигини таъминлшнинг кафолати тизими “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 67-модасида белгилаб қўйилган бўлиб, у қуйидагилар орқали:

1) қонунда белгиланган тартибда судьяларнинг сайланиши, тайинланиши ва судьяликдан озод қилиниши;

2) уларнинг дахлсизлиги;

3) одил судловни амалга оширишдаги қатъий тамойил;

4) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатларининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишни тақиқланганлиги;

5) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланганлиги;

6) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот берилиши билан таъминланади.

Ушбу кафолатлар судларнинг мустақиллиги конституциявий тамойилини кўриб чиқишда ҳам эслатиб ўтилган эди. Улар “Судлар тўғрисида”га қонуннинг 8-бобида батафсил ёритилган. Шулардан баъзи бирларини тўлароқ кўриб чиқамиз.

Судьяларнинг дахлсизлиги. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатларидан бири Конституциямизнинг 112-моддаси 2-бандида белгиланганидек, уларнинг дахлсизлиги ҳисобланади.

Дахлсизлик ёки иммунитетдан ташқари, судьяларнинг иммунитети ҳам яъни судьялар иш бўйича бехавотир қарор чиқариш имкониятига эга бўлиши лозим ҳамда чиқарилган қарори юзасидан ҳеч ким томонидан таъқиб этилмаслиги ва ҳеч ким унинг ушбу қарори юзасидан изоҳ талаб қилишга ёки бекор қилишга аралашуви мумкин эмаслиги кафолатланади.

Судьяларнинг дахлсизлик институти, судьяларнинг авваломбор, шахси дахлсиз эканлигини, ҳар қандай ҳолатда ҳам унга бўладиган тажовуздан

сақланиш шароитларини ўзида ифодалайди. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат хабарларига, унга тегишли ашёлар ва хужжатларга тааллуқлидир.

Қонун судьяларнинг ўзларини ҳам жиноий жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартибини белгилайди. Шунингдек, судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьяни жиноий жавобгарликка тортиш фақат қонун билан белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади. Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Шунингдек, судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари судда ўз вазифаларини бажараётган халқ маслаҳатчиларига ҳам татбиқ этилади.

Судьяларнинг дахлсизлиги, унинг фуқаро сифатидаги шахсий имтиёзи бўлмай, балки судьялик лавозими билан боғлиқ бўлган оммавий ҳокимият, яъни одил судлов манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган восита ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, судьялар фаолияти алоҳида махсус режимлиги, улардан юқори касбий маҳорат талаб қилиниши,

-судьяларнинг фаолияти ва улар қабул қилган қарорларнинг қонунийлиги устидан турли процессуал ва ташкилий назорат мавжудлиги ҳисобга олинади.

Судьяларни алмаштириб бўлмаслик. Судьяларни алмаштириб бўлмасликнинг маъноси, судья тегишли суддаги судьялик лавозимини ваколат муддати тугагунига қадар эгаллаб туриши ва судьялик ваколатидан фойдаланиш ҳуқуқи деб тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасининг 5-бандида судья ваколат муддати тугагунга қадар ўз судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар

бўлгандагина озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган. Судьяларнинг алмаштириб бўлмаслик кафолатларидан бири, қонунда мустаҳкамлаб қўйилган асослардан ташқари, судьяларнинг ваколатлари тўхтатилиши ёки тугатилиши мумкин эмаслигидир.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 71, 72-моддаларида судьянинг ваколатларини тўхтатиш ҳамда муддатидан илгари тугатиш асослари ҳамда тартиби белгилаб қўйилган.

Судьяларнинг ваколатлари тегишли малака ҳайъати қарори билангина тўхтатилади.

Судьялар ваколатлари қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганидагина тўхтатилиши мумкин:

1) судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

2) судья тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган бўлса;

3) судья суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

Судьянинг ваколатлари бу ваколатларни тўхтатишга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатилади. Судьялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга ҳақли.

Судьялар ваколати қонунда белгиланишича ваколат муддати тугагунга қадар тугатилмайди. Судья ваколатини муддатдан илгари тугатишга фақат қонуний асослар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади:

1) судьянинг қасамёдини бузган тақдирда;

2) ёзма ариза берган тақдирда;

3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишини давом эттираверган тақдирда;

4) суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

6) унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

7) суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

8) соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари-Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; хўжалик судлари судьясининг ваколатлари – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан: фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатлари-Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тугатилади.

Судьянинг ваколатлари айрим ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори асосида муддатдан илгари тугатилишига йўл қўйилади. Судья ушбу қарор устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

7-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди конституциявий назорат бўйича суд органи ҳисобланиб, Конституциявий судда иш юритиш орқали судлов ҳокимиятини мустақил амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради (Конституциянинг 108-моддаси 1-банди) Конституциявий суд Конституцияни ҳуқуқий муҳофаза қилувчи қонунларни (қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг бошқа ҳужжатларини) конституциясига

зид деб топиши, яъни уларни ҳаракатдан тўхтатиб қўйишга эга бўлган махсус орган ҳисобланади.

Конституциявий суднинг фаолияти 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Бундай махсус нормалардан ташқари, судни ташкил қилиш ва фаолиятини тартибга солишда, барча суд органлари учун умумий ҳисобланган конституциявий қоидалар ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Конституциявий суд ягона суд сифатида таъсис этилган ҳамда судлов органлари тизимига эга эмас. Шунинг учун ҳам унга нисбатан Конституцияда "Олий ёки юқори" деб даража берилмаган.

Конституциявий суд таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан суд Раиси, Раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда сайланади. Олий Мажлис Сенати аъзолари депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Судья Конституциявий суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда Олий Мажлис Сенати ушбу моддада белгиланган тартибда бошқа шахсни сайлайди.Конституциянинг 107-моддасига мувофиқ Конституциявий суд беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясини алмаштириб бўлмайди ва унинг ваколатлари қонунда белгиланган тартиб ҳамда асослардан ўзга тарзда тўхтатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин эмас.

Қонун томонидан Конституциявий суд судьялигига номзодлар учун юқори талаблар ўтнатилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суд судьяси этиб сайланиши мумкинлиги кўрсатилган. Конституциянинг 97-моддасига кўра, ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Олий Мажлис Сенати аъзоси лавозимини эгаллайди.

Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланган шахс, қонунда белгиланган тартибда қасамёд қилади.

Конституциявий суд судьяларига, судьялик лавозимига зид фаолият билан шуғулланиши ман этилган, хусусан депутатлик мандатига эга бўлиш, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга аъзолик, ҳақ тўланадиган бошқа лавозимни эгаллаш мумкин эмас. Шунингдек, судда, хўжалик судида ёки бошқа органларда қонуний вакил бўлишидан ташқари ҳимоячи ёки вакил бўлиб, шахсларнинг манфаатига ёки мажбуриятидан қутилишига таъсир ўтказувчи ҳомийлик қилишига йўл қўйилмайди. Бундай чеклашларини судьяларнинг ҳуқуқий томонидан "соф" фаолиятини таъминлашга йўналтирилган ҳолат деб тушуниш лозим.

Конституциявий судда судга тегишли масалалар заруриятига қараб ўтказиладиган Конституциявий суд мажлисларида кўриб чиқилади. Конституциявий суд мажлисларига, мажлисларни тайёрлашга раҳбарлик Конституциявий суд Раиси томонидан амалга оширилади. Конституциявий суд Раиси мажлисларида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни кун тартибига киритади;

Жамоа бирлашмалари, давлат органлари ва ташкилотлари билан муносабатида фақат Конституциявий суд топширганлигига кўра унинг номидан иш кўриши мумкин.

Конституциявий суд фаолиятининг асосий тамойилларига: мустақиллик, коллегиаллик, ошкоралик, Конституциявий суд судьялари ҳуқуқларининг тенглиги ва судлов тилининг белгиланганлигини кўрсатиш лозим.

Конституциявий суд судьялари мустақилдирлар, улар ўз ваколатларини фақат Конституция ва қонунга амал қилган ҳолда бажарадилар. Конституциявий суд қарорларини қабул қилишида судьяларга ҳеч ким таъсир этишга ҳақли эмас.

Суд ишларини юритиш суд томонидан коллегиал асосда амалга оширилиб муҳокама қилинади ҳамда тегишли қарор қабул қилинади. Суд қарорлари фақат суд мажлисларида иштирок этган судьялар томонидан қабул қилинади. Конституциявий суд мажлисларида ишлар очиқ ҳолда кўриб чиқилади. Суд мажлисларини ёпиқ ҳолда ўтказишга, қонунда кўрсатилган ҳолатлардагина йўл қўйилади.

Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилаётган масалаларни чиқишда ва масалалар юзасидан овоз беришда Конституциявий суд Раиси, Раис ўринбосари ҳамда аъзолари судьялар сингари тенг ҳуқуқларга эгадирлар.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида иш юритиш Ўзбекистон Республикаси давлат тилида амалга оширилади. Конституциявий суд мажлисида иштирок этувчилар, давлат тилини билмаган тақдирда, ўз она тилларида чиқишлари ва тушунтирув беришлари, таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.Конституциявий суд тўғрисидаги қонунда конституциявий суд судьялари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, улар мустақиллигининг кафолатланиши мустаҳкамланган. Конституциявий суд ва унинг судьялари давлат ва жамоат органларининг, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг, давлат, жамоат ва бошқа корхона ташкилотлари, идоралари, мансабдор шахслар, давлат тузилмаси, ҳудуд ёки ижтимоий гуруҳ вакили ҳисобланмайди. Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларини мустақил равишда, ҳеч кимнинг аралашувисиз амалга оширар экан, ҳеч бир давлат ёки жамоат органлари, мансабдор шахсларга кўрсатма беришлари, фаолияти бўйича сўров қилишларига йўл қўйилмайди. Конституциявий суд қарори мазмун ва моҳияти бўйича Конституцияга тўла мос келиши, Конституцияга зид бўлган сиёсий ва бошқа маънодаги манфаатдорликдан холис бўлмоғи лозим.

Конституциявий суд мустақиллигининг кафолати сифатида Конституциявий суд судьяларини алмаштириб бўлмаслик тамойилини келтириб ўтамиз. Улар ўз ваколати муддати тугагунига қадар ўз вазифаларини амалга оширадилар. Фақат "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонуннинг 17, 18-моддаларида кўзда тутилган ҳолатлар бўйича Конституциявий суд судьяси ваколатлари тўхтатилиши ёки муддатидан олдин тугатилиш мумкин. Конституциявий суд судьяларининг дахлсизлиги (иммунитет) қонуннинг 16-моддасида мустаҳкамланиб қўйилган. Қонуннинг ушбу моддасининг 1-бандида алоҳида таъкидланишича, Конституциявий суд судьяси Олий Мажлис Сенати розилигисиз, сессиялар ўртасидаги даврда эса Олий Мажлис Сенати Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки унга суд томонидан маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Конституциявий суд судьясига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Конституциявий суд судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, худди шунингдек шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини кўздан кечириш мумкин эмас.

Конституциямизнинг 109-моддаси ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суд тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига биноан Конституциявий суд қуйидаги ваколатларга эга:

1) Қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди.

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг

қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради.

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

5) Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Булардан ташқари Конституциявий суд Конституциянинг 82-моддаси ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига биноан Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан чиқишга эга.

Конституциявий суд конституциявий назоратни олиб бориш билан биргаликда ўз ташаббусига кўра ҳам, яъни таркибидаги камида уч судьяси ташаббуси билан қонун ҳужжатларини Конституцияга мувофиқлигини текшириш учун Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга.

Конституциявий судда ишни кўриб чиқиш учун сўров, тавсия ёки шикоят шаклларидаги мурожаат ҳам сабаб бўлади.

Қонун ёки қонун ости ҳужжатлари Конституцияга зид эканлиги тўғрисидаги масала кўтарилганда, Конституциядаги ҳолатларда баъзи ноаниқликлар ёки тушунмовчиликлар юзага келса ва қонунда кўрсатилган ҳолатларда конституциявий суд ишни кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Давлатлараро шартноманинг ва норматив ҳужжатларининг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг тўхтами қарор деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Бошқа ҳолларда Конституциявий суднинг тўхтами хулоса деб аталади ва шаклда ҳам бўлиши мумкин (26-модда. Конституциявий суд тўхтамлари).

Конституцияга шарҳ бериш, Конституциявий суднинг табиатидан келиб чиқувчи вазифа ҳисобланади. Бундай функциянинг мавжудлиги Конституциявий назоратни ҳаётий ва самарали эканлигини таъминлайди.

Конституциявий суд томонидан конституция нормаларига берилган шарҳ барча давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва хусусий шаклларнинг расмий ва мажбурий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Конституциявий суднинг тўхтами у матбуотда эълон қилинган пайтидан бошлаб кучга киради. Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди (27-модда. Конституциявий суд тўхтамларини матбуотда эълон қилиш).

Конституциявий суд томонидан норматив ҳужжатлар ёки улардаги алоҳида маълум ҳолатлар Конституциявий суднинг ушбу иш юзасидан қабул қилинган қарорига мувофиқ конституцияга зид деб топилса, ушбу норматив ҳужжатлар ёки уларнинг маълум қисми ўз юридик кучини йўқотади.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун Конституциявий суднинг қарор қабул қилиш тартибини ҳамда уларнинг турларини белгилаб беради.

Конституциявий суд қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Конституциявий суднинг тўхтами унинг ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда қайтадан кўриб чиқилиши мумкин:

1) тўхтам қабул қилинган пайтда Конституциявий судга номаълум бўлган янги муҳим ҳолатлар очилса;

2) тўхтам қабул қилинишига асос бўлган конституциявий норма ўзгарган бўлса;

3) Конституциявий суд тўхтам белгиланган иш юритиш тартибини бузган ҳолда қилинган деб топса (28-модда. Конституциявий суднинг тўхтамларини қайтадан кўриб чиқиш).

Судья овоз беришда бетараф қолишга ёки қатнашмасликка ҳақли эмас. Мажлисда қатнашаётган судьяларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган бўлса, Конституциявий суд судьяси ўз фикрини ёзма суднинг қарори қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Конституциявий суднинг тўхтамига қўшилмаган Конституциявий тарзда баён қилиш ва уни Конституциявий суд мажлиси баёнига қўшиб қўйишга ҳақлидир.

8-§. Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Конституциямизнинг 110-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди-фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг Олий органи ҳисобланади.

Олий суд фаолиятини ташкил қилиш ва тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунда кўрсатилган процессуал шакл ва тартибда умумий юрисдикцияли судлар, шунингдек, ҳарбий судлар фаолияти устидан ҳам судлов назоратини амалга оширади.

Олий суд қоидага кўра, қуйи судларнинг маълум ишлари бўйича йўл қўйган хато ва камчиликларини тузатиш мақсадида улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва қанчалик асосли эканлигини текшириш йўли билан уларнинг фаолиятини назорат қилади.

Олий суд, суд амалиётини умумлаштириш асосида, суд ишларини кўриб чиқишда юзага келадиган қонунчиликни қўллаш масаласидаги муаммолар бўйича тушунтиришлар беради, шунингдек Олий Суд Пленуми томонидан

қонунчиликни қўллаш бўйича берилган тушунтиришларни судлар томонидан қандай бажарилаётганлигини назорат қилади.

Олий суд судлов ишларини биринчи инстансия, аппеляция, кассация ҳамда назорат тартибида ҳам кўриб чиқиши мумкин.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, Олий Суд Олий Суд раиси, унинг ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари,Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан иборат бўлиб қуйидаги таркибда иш олиб боради:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми;
2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати;
3) Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;
4) Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;
5) Ҳарбий ҳайъат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, Адлия вазири, судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат Кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси вазифасини бажариш билан бирга Ўзбекистон

Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми муҳокамасига киритилган масалалар тегишлича уларнинг маърузалари ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.Ушбу масалаларнинг муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

Олий суд Пленумининг асосий вазифаларидан бири судлов амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқиш ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлардир.

Бундай тушунтиришлар қонунни бир хилда қўллаш учун катта аҳамият касб этади. Улар кўрилаётган ишлар бўйича юзага келадиган масалалар юзасидан аниқ ва зарурий кўрсатмаларни ўзида ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан белгиланадиган миқдорда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг биринчи ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати таркибига лавозим бўйича кирадилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Ўзбекистон республикаси Олий суди Раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари ушбу Қонуннинг 18-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати ишларни назорат тартибида кўради; Суд амалиётининг умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларни тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари ва аппаратининг ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Суд фаолиятининг катта қисми судлов ҳайъатлари зиммасида бўлади.Олий судлов ҳайъатлари бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари, шунингдек ҳарбий ҳайъатлар ҳисобланиб, улар таркиби республика Олий суди Пленуми томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари; ишларни биринчи инстанцияда, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради; суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради; қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; суд статистикасини таҳлил қилади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг раислари: судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади; судлов ҳайъатлари фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатига маърузаларни тақдим этадилар; суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Олий суд фаолиятини ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилиш аввалambор, Олий суд раиси зиммасига юклатилган. Бу вазифалардан ташқари, умумий юрисдикцияли судларнинг барча ҳукм ва бошқа қарорларига қонунда белгиланган тартибда протест бериши ҳамда улар ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Олий суд раиси:

Суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

Судлар томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади.

Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати таркиби, судлов ҳайъатларининг ҳамда Умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъати таркиби ва раислари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг штат жадвалини тасдиқлайди;

Буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Фуқароларни шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўз ўринбосарлари мавжуд бўлиб, улардан бири биринчи ўринбосар ҳисобланади. Олий суд раисининг биринчи ўринбосари раис йўқлигида, унинг ваколатларини амалга оширади, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари,ўринбосарлари; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумидан ташқари барча инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари,ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади; Ўзбекитсон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

Судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига маърузаларни тақдим этади; Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилиши мумкин;

Суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади.

Суд амалиётининг умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш бўйича ишни ташкил этади; судлар томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритишга ҳақли бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари,ажримлар ва қарорлар ижросини тўхтатиб туради; судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

Вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қилади; фуқароларни шахсан қабул қилади;қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-§. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди

Иқтисодий соҳада, турли мулк шаклларига эга ташкилотлар, идоралар, корхоналарни бошқариш жараёнида, шунингдек тадбиркорлар орасида вужудга келадиган муносабатларда юзага чиққан баҳсларни ҳал қилиш Республикамиздаги хўжалик судлари тизими томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди тизимини Республикасининг Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судлари ташкил қилади.

Хўжалик судларининг асосий вазифалари: ташкилотлар ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни тўғри ва бир хилда қўллаш; иқтисодий муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонунчиликнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланишга шароит яратишдан иборат.

Хўжалик судлари фаолиятининг асосий тамойиллари ҳамда суд муҳокамаси тартиблари кўп ҳолатлар бўйича фуқаролик жараёнидаги суд муҳокамасига мос келади. Хўжалик суди фаолиятининг асосий тамойиллари:

қонунийлик, хўжалик судьяларининг мустақиллиги; суд ва қонун олдида ҳамманинг тенглиги; томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, иш юритишда ошкоралик, суд муҳокамасини юритишда ошкоралик, суд муҳокамасининг бевосита ва узвий амалга ошириш ҳисобланади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳуқуқий ҳужжатлари-хўжалик судининг тўхтами, қарори, ажрими барча давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳамда бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиши шарт.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 43-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди хўжалик ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг Олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ишларини биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қуйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишини ташкил этиш ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради.

Олий хўжалик судининг ваколатлари унинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Олий хўжалик суди республика бошқарув органлари, маҳаллий вакиллик органлари ва ижро ҳокимият органлари орасидаги ўзаро иқтисодий битимлардан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек, норматив характердаги Олий ҳокимият органларининг актларини (қисман ёки тамоман) Конституция ва қонунларга мувофиқлиги аниқлаш бўйича ишларни биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқади.

Олий хўжалик суди Республика хўжалик судларининг қонуний кучга кирган судлов актларини ҳамда шундай актларни янги очилган ҳолатлар бўйича назорат тартибида қайта кўриб чиқади.

Олий хўжалик суди қонунларини хўжалик судлари томонидан қўлланишини, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий актларни умумлаштиради ва ўрганади, судлов амалиётига оид саволларни тушунтириб беради. Шунингдек, иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти соҳаларига оид қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий актларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонунининг 44-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради; Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми; Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати; Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати; Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленуми Республика хўжаликлари фаолиятидаги асосий масалаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди раисидан иборат таркибида иш олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Адлия вазири, судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат Кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорларига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қарори мажлисда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

(48-модда.) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми томонидан масалаларни кўриб чиқиш.

Олий хўжалик суди Пленуми фаолиятини ташкил қилиш Олий хўжалик суди Пленумининг котиби томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг таркибини Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суд Пленуми белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг таркибига лавозим бўйича киради

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати ишларни назорат тартибида кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади; Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари раисларининг қонун хужжатларини қўллаш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди; хўжалик судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;қонунга мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг мажлисида баённома юритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарори ва баённома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Судлов ҳайъатлари таркиби Олий хўжалик суди судьяларидан тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномаларига биноан Олий хўжалик суди Пленуми томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари: ишларни биринчи инстанцияда ва кассация тартибида кўради; суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради; қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; суд статистикасини таҳлил қилади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларидан тегишли ҳайъат таркибига кирувчи судьялар орасидан суд таркиблари ташкил қилинади. Суд таркибларини Олий хўжалик суди Раиси шакллантиради.

Суд таркибида Олий хўжалик суди Пленуми томонидан тасдиқланган суд таркиби раиси раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этади ва уларнинг мажлисларида раислик қилади;

судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатига,шунингдек Пленумига маърузалар тақдим этади;

судлов амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб олади;

судьялар малакасини ошириш ишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

Республикамиз Олий хўжалик судининг барча фаолиятига умумий раҳбарлик Олий хўжалик суди раиси томонидан амалга оширилади. Олий хўжалик суди раиси қуйидаги ваколатларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси:

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ишини ташкил этади;

Ишни бир хўжалик судидан бошқа хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати муҳокамасига қонунга биноан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг тушунтиришлари қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумига тақдимномалар киритади;

қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан ва норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати таркиби, судлов ҳайъатларининг ҳамда Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати таркиби ва раислари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумига тақдимномалар киритади;

хўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судъяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

Буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

фуқароларни, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ҳамда ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ишини ташкил этади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

Олий хўжалик суди раиси ўз навбатида Олий хўжалик судининг судьяси ҳисобланади.

Олий хўжалик суди раисининг ўринбосарлари ҳам Олий хўжалик судининг судьялари ҳисобланиб, Олий хўжалик суди шунингдек ҳайъатлари мажлисларида, раислик қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди тегишли судлов ҳайъатларининг ташкилий ишига раҳбарлик қилади;

суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш ишини ташкил этади;

хўжалик судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар ижросини қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб туради;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини ошириш ишини ташкил этади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг таркибий бўлимлари ишига раҳбарлик қилади;

фуқароларни ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси йўқлигида унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса, раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.



Ўзини – ўзи назорат қилиш саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси суд тизимига қайси судлар киради?
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қандай вазифаларни бажаради?
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари қандай низоларни кўриш билан шуғулланади?
5. Судьялик лавозимига номзод олдига қандай талаблар қўйилган?
6. Айбсизлик презумпцияси нима?
7. Судьяларга қандай фаолият билан шуғулланиш таъқиқланади?

XXX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§ Ўзбекистон Республикасида Прокуратура органларининг тарихий яратилиши ва ҳозирги даврда ривожланиши

2-§. Прокуратура органларининг мақсад ва вазифалари

3-§. Прокуратура органлари фаолиятини амалга ошириш принциплари ва тизими

4-§. Прокурор назорати

5-§. Прокурорнинг ҳуқуқий мақоми

1-§. Ўзбекистон Республикасида Прокуратура органларининг Конституциявий асослари тарихий яратилиши ва ҳозирги даврдаги ривожланиши

Жамият тараққиётининг у ёки бу соҳасини тарих нуқтаи назари асосида ўрганиш ва фикр юритиш ҳозирги давр талабидир, шунингдек ижтимоий тизимдаги муаммоларни ҳал этиш учун бу соҳаларга тўғри баҳо бериш зарур, бу эса ривожланиш режаларини аниқ белгилаб олишга ёрдам беради.Истиқболдан олдин Туркистон ҳудудида хонлик ва амирликларнинг бошқарув органларидаги қозилари амалда бўлган шариат нормаларига мувофиқ иш олиб борганлар, улар устидан хонлар, амирлар, жойлардаги беклар назорат олиб борганлар.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингунга қадар унинг ҳудудида учта давлат, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги ҳукмрон эди. Бошқарувда Қуръон ва шариат нормалари амалда бўлган.

Қуръон ва шариат нормаларига қатъий амал қилиш ҳар бир мўмин мусулмоннинг бурчи ҳисобланган. Ислом қонун нормаларига қатъий риоя қилинишини таъминланишида қози ва бийлари муҳим ўринни эгаллаган. Қози судлари жиноий ва фуқаролик ишларини, шариат нормаларига риоя қилишлари устидан назорат олиб борган, қозилар, амир, хонлар томонидан мансабига

муддатсиз тайинланган. «Қозилик мансабига тайинланиши лозим бўлган шахс ўзини босиб олган, олий диний маълумотга эга бўлган шахслардан танланган. Уларнинг билимдонлиги уламолар томонидан имтиҳондан ўтказилиб, кейин тайинланган».

Ўрта Осиёдаги бий судъялари, жиноий ёки фуқаролик, оила-никоҳ масалаларини шариат ва бошқа ёзилмаган урф-одат нормалари асосида, ҳал қилиш билан шуғулланган.

Қози суд ишларини оғзаки, ошкора амалга ошириб, якка ўзи кўрган иш бўйича ҳукм чиқарган. Қози судлари чиқарган ҳукмларга (амир ёки хонга) шикоят қилинган. Агар шикоят олий ҳукмдор томонидан қондирилса, у ҳолда қози чиқарган ҳукм бекор қилинган.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин, бутун ҳокимият Туркистон генерал губернаторлигига бўйсундирилди ва бошқарув органлари ўзгартирилди.

Туркистон ўлкасида 1887 йили Россия ҳукмдорлари томонидан тузилган прокуратура органлари Ўрта Осиёда мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш, маҳаллий халқни подшо ва унинг амалдорларига итоатгўй қилиб бериш, уларни хўрлаш, табиий бойликларни истаганича олиб кетишларига шарт-шароит яратиб бериш билан шуғулланишган. Прокуратура органларида асосан унинг ҳудудидан келган турли миллатга мансуб кишилар бўлган ва биринчи прокурорлик лавозимига фақат рус миллатига мансуб кишилар ишлаган. «Октябрь инқилобидан» кейин яна ҳокимият ўзгарди, яна янги тартиб қоидалар ўрнатила бошлади.

Бухоро халқ жумҳуриятида 1924 йилнинг ўрталарига келиб қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борувчи махсус орган-прокуратура органи тўла шаклланган бўлсада, амалдаги қонун нормалари РСФСР қонун нормалари асосида қабул қилинганлиги, рус алифбосида ёзилганлиги туфайли минг йиллаб мусулмон қонунчилиги бўйича етук билимга, мутахассисларга эга бўлган халқ, янги ҳокимият қонунлари олдида уларни умуман саводсиз қилиб қўйди ва маҳаллий халқ вакилларига прокуратура органларида ишлаш

имкониятини бермади, натижа маҳаллий халқ кўп ҳолларда қонун ҳимоясидан ташқарида қолиб кетди. Мустақиллик кунларига қадар, прокуратура органларида ишлаш учун танланадиган номзодлар коммунистик партия ва совет ҳокимияти органлари томонидан тайинланди. Уларнинг эса ўз фаолиятлари давомида, шу ҳокимият органлари олдида ҳисобот бериб туришлари қонунларда ифодаланди. Бунинг оқибатида прокуратура органлари ўз фаолиятларини олиб бориш ишларида мазкур ташкилотларга қарам қилиб қўйди. Бундай ҳолатлар прокуратура органларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан уларнинг ички ишларига бемалол аралашиш имкониятига шароит яратиб берди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси прокурор назоратининг Конституциявий тамойилларини белгилаб берди. Прокурор назоратининг Конституциявий тамойиллари Асосий қонуннинг XXIV-бобида ўз ифодасини топди. Бунга асосан, Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари 119-моддада акс эттирилганидек, ташкил этилди. Энди давлатнинг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади. Бу томойиллар 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган эди. Янги таҳридаги қонунда ҳам ўз аксини топди, яъни «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисида»ги қонунида янада ривожлантирилди. Прокурор назоратининг ягона марказлаштирилган тизимининг конституциявий тамойилларига, ҳар бир прокурор, прокуратура органлари, ягона давлат бошқаруви тизимининг вакили сифатида фақат конституция ва қонунлар асосида фаолият юритиши тушунилади. Шунингдек унга кўра, прокурорлар (туман, вилоят, шаҳар, республика) қонун бузилишини аниқлаш ва уни бартараф қилишда бир хил ваколатлардан, (баъзи бир истиснолардан ташқари) фойдаланадилар. Ўзбекистон Республикасида Прокуратура органларининг ташкилий-ҳуқуқий асоси Конституциянинг 118-моддасида ўз ифодасини топган; «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади», -деб белгиланган. Марказлаштириш тамойили, прокурор назоратини амалга ошираётган қуйи турувчи прокурорларни, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунишлари тушунилади. Марказлашганлик тамойили прокуратура органлари тизимини ташкил қилиш билан ҳам боғлиқдир.("Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси.)

Бу тамойилга кўра, юқори турувчи прокурорнинг буйруғи ва кўрсатмаларини бажариш, қуйи турувчи прокурорлар учун мажбурий ҳисобланади.Марказлашганлик тамойили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона қонунчиликни жорий қилиш, қонун бузилиши ҳолларига дарҳол барҳам бериш, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни тезкорлик билан амалга ошириш имкониятини яратади. Прокуратура фаолиятининг мустақиллигини таъминлашда Асосий қонуннинг 120-моддаси муҳим аҳамият касб этади. Бу моддага биноан, «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсиниб амалга оширадилар»,-деб кўрсатилган. Бу тамойил прокуратура органларининг ўз фаолиятларини давлат номидан амалга оширишларида, маҳаллий идоралар томонидан қонун бузилиш ҳолларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўришларида кафолат бўлиб хизмат қилади. Бу эса прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлайди.

Прокурорларнинг фаолиятларига ҳар қандай йўллар билан маҳаллий идоралар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилиши бу тамойилнинг қўпол равишда бузилишига олиб келади ва бу қонунга хилоф бўлиб, уни содир қилган шахс жавобгарликка тортилади.

Бу тамойил прокурорларни ўз фаолиятларини амалга оширишларида холисона бўлишларини таъминлашга қаратилгандир. Холислик тамойилига кўра, прокуратура идораларига ишга қабул қилинган шахс, унга қадар бирон бир партия аъзоси бўлса, аъзолигини тўхтатиб туриши талаб қилинади, ишлаб турган прокурорларнинг эса сиёсий партияларга ёки бирлашмаларга аъзо бўлиб

киришлари ман этилади, агар бундай ҳолат аниқланса, ўз лавозимларидан озод этилади.

«Бу эса прокурорларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда бирор бир шахс, идора ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, ҳаракат қилишларига барҳам беради, барча мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш орқали Республиканинг бутун ҳудудида қонун устиворлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратди.

Прокурор назоратининг конституциявий тамойиллари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, прокурор назорати давлат фаолиятининг мустақил шакли эканлигини ифодаловчи асосий ҳолатларни очиб беради. Унинг амалий аҳамияти ҳам шундадир.»

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура идоралари фаолиятини ташкил этиш, Конституция ва бошқа амалда бўлган қонунлар, прокуратура тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ва бу масала Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Олий вакиллик органи Жуқорғи Кенгес томонидан тайинланади. Вилоятларнинг прокурорлари туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг Бош прокурорлари ва бошқа ҳамма прокурорлар 5 йил муддатга тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми ва Олий хўжалик судининг Пленуми мажлисларида, унинг ўринбосари эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг мажлисларида иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунлар асосида прокуратура органларининг фаолияти такомиллаштирилди, кучли ижроия ҳокимиятнинг назорат функцияси давр талаби даражасида яратилди. Прокуратура органларининг эндиги ва келажакдаги вазифалари, мустақил Ўзбекистонимизда ҳуқуқий давлатни барпо этиш, энг аввало, инсон ва фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилишни таъминлаш ва давлат номидан кафолатлашга қаратилгандир.

2-§. Прокуратура органларининг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан (XXIV-боб) Прокуратура – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси номидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи органларнинг ягона марказлаштирилган тизими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларини ташкил этиш, прокурорларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Конституцияси (XXIV боб), 2001 йил 29 августдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун (янги таҳрири), жиноят кодекси, жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

Прокурорлик фаолиятининг мақсади қонун устиворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек қонун билан қўриқланадиган жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилишдан иборатдир. Шунга мувофиқ, "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг (янги таҳрири) 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокуратура қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси Жиноят–процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган доирада жиноий таъқибни амалга оширади ва жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Қонунда прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири, яъни процессуал қонунчиликка мувофиқ, прокурорнинг судларда ишларни кўришда иштирок этиши ҳамда қонунларга зид бўлган судларнинг ҳукмлари, ажримлари, қарорлари устидан протест келтириши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Республика прокуратураси ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида фаол иштирок этади. Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасига биноан Бош

Прокурор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Прокуратура зиммасига қонунда назарда тутилмаган вазифаларни юклаш мумкин эмас.

3-§. Прокуратура органлари фаолиятини амалга ошириш принциплари ва тизими

Прокуратура ўз фаолиятини тегишли принципларга асосланиб амалга оширади. Улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкораликдир. ("Прокуратура тўғрисида" янги таҳрирдаги қонуннинг 5-моддаси).

Прокуратура органларининг бирлиги ва марказлаштирилганлиги қуйи поғонадаги прокурорларнинг юқори поғонадаги прокурорларга бўйсуниши тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этишлари тушунилади. Мазкур тамойил барча бўғинлардаги прокурорларнинг олдида турган мақсад ва вазифаларнинг бирлигини ҳамда қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш шакли ва услубларининг умумийлигини, қонун бузилиши аниқланган далилларига нисбатан прокурорнинг таъсир кўрсатиш воситалари, шунингдек қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўришнинг ягоналигини англатади. Ягоналик принципи юқори поғонадаги прокурорлар зиммасидаги ўз ваколатларини қуйи турувчи прокурорларга бериш ёки қуйи прокурорларнинг ваколатларини ўз зиммасига олиш ҳуқуқини беради.

Прокуратуранинг мустақиллиги принципи прокуратура идораларининг назоратни ва ўз ваколатларини давлат фаолияти ҳамда бошқарув идораларидан, мансабдор шахслардан, жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонунларга, халқаро ва давлатлараро шартномаларга (битимларга) қатъий риоя этиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунган ҳолда амалга оширилишини билдиради. Қонун прокурорлик назоратини амалга оширишда аралашувга йўл қўйилмаслигини мустаҳкамлайди. Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул

қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг рухсатисиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади (Қонуннинг 5-моддаси. 6-қисми). Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдордир.(Қонуннинг 14-моддаси.)

Прокуратура идоралари сиёсий партиявийликдан ҳоли қилинган бўлиб, уларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий тузилмаларини тузишга йўл қўйилмайди.

Прокуратура фаолиятидаги ошкоралик прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар каби ўз вазифаларини жамоатчилик ва фуқаролардан ажралмаган ҳолда амалга оширишини билдиради. Прокуратура органлари қонунийлик ҳамда жиноятчиликнинг аҳволи, асосий йўналишлари тўғрисида, бошқарув идоралари томонидан қонунларга риоя этилишини таъминлаш, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги вазифалар қандай бажариётганлигини тегишлигига қараб, Ўзбекистон Республикаси Президентини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий идораларини, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматларини, халқ депутатларини маҳаллий Кенгашлари ва маҳаллий ижро ҳокимиятларини хабардор қиладилар. Қонунга кўра, прокуратура органлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, шунингдек давлат сири ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни сақлаш ҳақидаги қонун талабларига зид келмайдиган даражада ошкора иш кўрадилар.

Шунингдек, Конституцияда белгиланган қонунийлик принципини ҳам алоҳида қайд қилиш керакки, унга мувофиқ прокуратура идоралари ўз вазифаларини бажаришда Конституция, Прокуратура тўғрисида"ги қонун ва

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган бошқа қонун ҳужжатлари, халқаро шартномалар (битимлар)га риоя этган ҳолда иш кўрадилар.

Ўз вазифалари ва мақсадларини амалга ошириш учун прокурорлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мажлисларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг прокурорлари, уларга тенглаштирилган прокурорлар белгиланган тартибда тегишли ва қуйи даражадаги ҳокимият ва бошқарув органларининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини, давлат, жамоат ҳамда бошқа ташкилотларнинг мурожаатларини қараб чиқадилар ва башарти, ҳал этишнинг бошқа тартиби белгиланмаган бўлса, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Прокурорнинг шикоят ва ариза бўйича қабул қилган қарори устидан юқори поғонадаги прокурорга шикоят қилиш мумкин. Бунда қарори ёки ҳаракати устидан арз қилинган мансабдор шахсга ёхуд идорага шикоятни қайта юбориш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг тизими Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратуралардан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси прокуратура идораларининг тизимига, шунингдек транспорт, ҳарбий, табиат муҳофазаси прокуратуралари ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар ҳам киради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан вилоятлар ва туманлар прокуратураларига тенглаштирилган бошқа прокуратуралар, туман прокуратураларига эга бўлган шаҳарларда эса туман прокуратураларига бўйсунадиган шаҳар прокуратуралари тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тузиладиган транспорт, табиатни муҳофаза қилиш прокуратуралари, бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар, вилоятлар, туманлар прокуратуралари ваколати билан ташкил этилади ҳамда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш ва унинг иш тартиби "Прокуратура тўғрисида"ги қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий прокуратура тўғрисида"ги Низоми билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ягона тизимига кирмайдиган прокуратура органларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилишига ва фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонун (12-модда)га биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 йил муддатга тайинланади (лавозимидан озод этилади), сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тасдиғидан ўтади ва улар Олий Мажлис Сенати ҳамда Президент олдида ҳисобдордир. Бош прокурор йўқлигида ёки унинг ўз вазифаларини бажаришнинг имкони бўлмаса, унинг вазифаларини биринчи ўринбосари бажаради, у ҳам бўлмаганда ёки вазифаларини бажариш имкони бўлмаганда Бош прокурор ўринбосарларидан бири томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентини қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволи тўғрисида мунтазам хабардор этиб туради ва беш йилда камида бир маротаба Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенатига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан 5 йил муддатга тайинланади ва улар олдида ҳисобдордир.

Вилоят прокурорлари ва Тошкент шаҳри прокурори ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 йил муддатга тайинланадилар, унга ва юқори поғонадаги прокурорларга бўйсунадилар ва уларнинг олдида ҳисобдордирлар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори бошчилик қилади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва озод этиладиган, кейининчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тасдиғидан ўтадиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

Республика Прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурори прокуратура идораларининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлинмалар тузилиб, уларда катта прокурорлар ва прокурорлар фаолият кўрсатади. Мазкур бошқармалар ва бўлимлар раҳбарлари Бош прокурор томонидан тайинланади ва озод этилади.

4-§. Прокурор назорати

Прокурор назорати деганда, давлат номидан амалга ошириладиган махсус ваколатли мансабдор шахслар-прокурорларнинг ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш, айбдорларни жавобгарликка тортиш орқали қонунни бир хилда қўлланилиши ва аниқ ижро этилишини таъминлаш фаолияти тушунилади. Прокурор назорати прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга кўра, бу йўналишлар прокурорлик назоратининг тўққизта соҳасига бўлинади:(Қонуннинг 4-моддаси.)

1. Қонунларга риоя этилиш устидан умумий назорат;

2. Жиноятчиликка қарши кураш идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назорати;

3. Судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг иштироки (судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатлари-3-бўлим);

4. Ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ, суд тайинлаган жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назорат.

Умумий назорат предметига қуйидагилар киради: барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, давлат назорат идоралари, ҳокимлар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳарбий қисмлар, ҳарбий идоралар, вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий бўлинмалари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар қонунларни бажарганлиги, шунингдек, улар чиқараётган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шахснинг дахлсизлиги тўғрисидаги, фуқароларнинг ижтимоий–иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш (башарти ушбу ҳуқуқларни муҳофаза этишнинг ўзга тартиби кўзда тутилмаган бўлса) тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши, иқтисодий муносабатларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонунларга риоя этилиш, фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари, назоратни амалга ошираётганда прокуратура органлари бошқа давлат органларининг ўрнини босмайди.

Прокурор таъсир кўрсатишни, аралашувини талаб қиладиган қонун бузилиш ҳоллари ҳақида аризалар ёки бошқа маълумотлар тушганда, шунингдек етарли асослар бўлганда ҳам ўз ташаббуси билан қонунлар ижросини текширувлари ўтказилади.

Бунда прокурор хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, текширилаётган органларнинг худуди ва биноларига ҳеч қандай монеликсиз кириш, раҳбар ва бошқа мансабдор шахслардан зарур ҳужжат ва материлларни талаб қилиш,

қонунлар бузилганлигига доир тушунтиришлар олиш учун мансабдор шахслар ва фуқароларни чақиртириш ҳуқуқига эга.(Қонуннинг 22-моддаси.)

39-модда:"Қонунда белгиланган асосларга кўра прокурор жиноий ишлар, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни қўзғатади", кўриб чиқиши учун материалларни жамоатчилик муҳокамасига топширади: давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунбузарлик ҳолларини, шунингдек қонун бузилишининг сабаблари ва бунга йўл очиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритади; фуқаролар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат этади;(Қонуннинг 41-моддаси.)

Шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар (Прокуратура тўғрисида"ги қонунинг 24-моддаси).

Прокурор қонунига зид бўлган норматив ҳужжатга нисбатан ана шу ҳужжатни чиқарган идорага ёки юқори турувчи идорага протест келтиришга ҳақлидир. Протест қараб чиқилиши шарт қараб чиқиш натижалари тўғрисида маълум қилинади.(Қонуннинг 38-моддаси.)

Прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан қонуннинг бузилиш мазмунидан келиб чиққан ҳолда жиноий иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ёки интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида асосли қарор чиқаради, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳам прокурор қарор чиқаради.(Қонуннинг 39-моддаси.)

Прокурор таъсир чорасининг бошқа шакли бу қонун бузилишини бартараф қилиш юзасидан тақдимномадир. У прокурор томонидан қонун бузилишини бартараф этиш ваколатига эга бўлган давлат идорасига, жамоат ташкилотига ёки мансабдор шахсларга киритилади ва дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Қонун бузилишини, унга кўмаклашган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилган кундан зудлик билан чора кўриш лозим. Натижалар тегишли тарзда ёзма шаклда прокурорга 1 ой ичида маълум қилиниши шарт.

Жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва маълумотларни қараб чиқиш ҳамда ҳал этиш ва текширувлар ўтказишнинг қонунларда белгиланган процессуал тартиби, жиноятчиликка қарши кураш органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, шунингдек, жамоатчиликка қарши курашга қаратилган бошқа қонунларга оғишмай амал қилиш-жиноятчиликка қарши кураш идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назоратни амалга ошириш бўйича прокурор ваколатлари "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 27-28-моддасида ҳамда жиноят-процессуал қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

Прокурорнинг Жиноий-процессуал қонунларда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига тергов олиб боришига қадар текширувлар ўтказиш, қўзғатилган ва тергов қилинаётган жиноий ишлар билан боғлиқ кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Прокуратура органлари жиноий таъқибни амалга ошириш чоғида жиноят процессуал қонунида уларга тегишли бўлган ваколатлар доирасида жиноят ишлари юзасидан тергов ўтказадилар. Прокурор ҳар қандай жиноятни тергов қилишни ўз юритувига олишга ёки унга бўйсунувчи прокурор ёхуд терговчига бериш ҳуқуқига эга.

1. Судларда ишларни кўриб чиқилишидаги прокурорнинг ваколатлари "Прокуратура тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонуннинг IV бўлими ҳамда процессуал қонунчиликда кенгроқ белгилаб берилган. Прокурор судда жиноий таъқибни амалга ошириш чоғида, давлат айбловчиси сифатида иштирок этади.

Прокурор давлат айбловини қўллаб-қувватлар экан, далил-исботлар ўрганишида иштирок этади, жиноят учун қонун қўлланилишига, судланувчига берилиши лозим бўлган жазо тури ва миқдорига доир ўз фикрини судда баён этади. Бунда прокурор қонун талабларига ва иш юзасидан тўпланган материалларни холис баҳолаш тўғрисидаги раҳбарий кўрсатмаларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Олий суднинг Пленуми ва Олий хўжалик судининг Пленуми мажлисларида, унинг ўринбосарлари эса, Олий суд раёсатининг мажлисларида иштирок этадилар.

Прокурор ўз ваколатлари доирасида суднинг ноқонуний ва ассосиз ҳал қилув қарори, ҳукми, ажрими ёки қарори устидан юқори турувчи прокурорга кассацион ёхуд хусусий протест келтиради. Прокурор, шунингдек, унга берилган ваколатлар асосида ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Прокурор суд томонидан чиқарилган ҳукмлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларининг ноқонунийлиги ва асоссиз эканлигини аниқлагач, назорат тартибида протест келтиради ёки юқори поғонадаги прокурорга тақдимнома билан мурожаат этиб, протест киритишни сўрайди.

2. Прокурор назоратининг бу соҳадаги предметини сақлаб туриш жойлари ва жиноий жазони ҳамда жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини таъминлайдиган идора ва муассасаларда шахсларни ушлаб туриш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонунларга риоя этилганлиги: ушланганлар, қамоққа олинганлар, ҳукм этилганлар, шунингдек ҳуқуқий таъсир этишнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари ва бурчларига риоя этилиши таъминланаётганлиги; жиноят ижроя қонунчилиги қўллайдиган идоралар, муассасалар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятида қонунийликка риоя этилаётганлиги ташкил қилади.

Прокурор назоратини амалга ошириш чоғида ушланганларни сақлаб туриш, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум этиш жойларида, мажбурий даволаш ва тарбиялаш махсус муассасаларига исталган вақтда монеликсиз кириш ва бинонинг ҳамма жойлари билан танишишга; шахсларни сақлаб туришга, дастлабки қамоқ жойларида сақлашга, шунингдек жиноий жазони ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир этиш чораларини қўллашга асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга; ушланганларни сақлаш жойларида, интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида, озодликдан маҳрум қилиш жойларида, мажбурий даволаш ва тарбиялаш

муассасаларида ғайриқонуний равишда сақлаб турилган ёки қонунга хилоф тарзда ушланган, дастлабки қамоқда сақланаётган, шунингдек мажбурий равишда даволанаётган ёки тарбияланаётган шахсларни дарҳол озод этишга; башарти қамоқда сақланаётган ҳамда озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий чоралар қонунга мувофиқ келмаса, бу қарорларни бекор қилиш, ўз қарори билан юқорида кўрсатилган шахсларни интизомий бўлимлардан дарҳол озод қилишга, шунингдек қонунда белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Прокурор, шунингдек ушланганлар, қамоққа олинганлар, ҳукм қилинган ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир этиш чораларига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари, ариза ва шикояти билан жазони ижро этиш муассасаси, бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ушланган, қамоққа олинган ва бошқа жазо чораси қўлланган шахсларни, шунингдек бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир этиш чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган тартиби ва шароитлари ижросига доир прокурорнинг талаб ва қарорларини бажариши мажбурийдир.

5-§. Прокурорнинг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг олий юридик маълумоти бор ва зарур касб-малакасига эга ҳамда ахлоқий фазилатларга эга бўлган фуқаролари прокурор бўлиши мумкин. Прокуратура органларида лавозимга биринчи марта тайинланган шахслар қасамёд қиладилар, қасамёд матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман, шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига ёши 25 дан кам бўлмаган шахслар тайинланади. Прокурор Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

белгилайдиган тартибда аттестациядан ўтадилар. Прокурор ва терговчиларга эгаллаб турган лавозими ва иш стажига мувофиқ даражали унвонлар берилади.

Прокурорлар ва терговчилар пуллик юридик хизмат кўрсатишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ёки даромад берадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас, илмий, педагогик ва ижодий фаолият бундан мустаснодир. Фаолияти қонунийлиги прокурор назорати остида бўлган сайлов йўли билан ташкил этиладиган идораларга прокурорнинг ўзи сайланиши мумкин эмас.

Прокурорлар ва терговчилар давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиб, хизмат дахлсизлигига эгадирлар. Прокурор ва терговчига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш ва тергов қилиш юқори турувчи прокурор билан келишилган ҳолда, фақат прокуратура органларининг мутлақ ваколатлари доирасида амалга оширилади. Юқори турувчи прокурор прокуратура ходимларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик ва ножўя хатти-ҳаракат учун интизомий жавобгарлик чораларини қўллашга доир масалани ҳал қилади.

Прокурор-тергов ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан рўйхати белгиланадиган ўқ отар қуролини олиб юриш ҳуқуқига эгадирлар.

Қонун шунингдек, прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминотини ҳам белгилаб берган (жамоат транспортларидан бепул фойдаланиш, белгиланган нормалар бўйича бепул кийим-кечак билан таъминланиш ва бошқалар).

Ўзини - ўзи назорат қилиш саволлари:

1. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки прокуратура органлари қачон вужудга келган?
2. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари тизимини санаб беринг.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари ким томонидани лавозимга тайинланади ва озод этилади?
4. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг асосий вазифаси нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасида кимлар прокурор бўлиши мумкин?
6. Прокурор назорати нима?
7. Прокуратура органлари ходимларининг хизмат дахлсизлиги деганда нимани тушунасиз?

XXXII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФААСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий принциплари ва нормалари

2-§.Миллий хавфсизликнинг субъекти, объекти ҳамда уни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати

3-§.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-Миллий хавфсизлик концепциясининг асоси сифатида

4-§.Мамлакат мудофаасини таъминлашнинг конституциявий ҳуқуқий асослари

1-§. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий принциплари ва нормалари

Миллий хавфсизликни асосан давлат ва жамият қурилиши соҳасида таъминлашнинг таянч принциплари ва нормаларини, шунингдек, мафкуравий қоидаларини белгилаб берадиган конституциявий ҳуқуқ асослари бу тизимда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий норматив-ҳуқуқий манба сифатида миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий масалалари бўйича муқим миллий манфаатлар ҳамда устувор принциплар ва нормаларни, шунингдек, мафкуравий қоидаларни белгилаб беради. Моҳият эътибори билан, ундаги ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу масалаларига доир ҳар бир модда мазкур муносабатларнинг асосий субъекти – инсон, жамият, давлат ҳимоясига қаратилгандир.

Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида миллий хавфсизликни муҳофаза этишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини шакллантирувчи қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар Конституция асосида ишлаб чиқилади.

Аввалambор, Конституция мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг асосий ва мустаҳкам негизи – халқ ҳокимияти принципи ва тизимини кафолатлайди ҳамда ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, дейилган ва яна қуйидагилар таъкидланган:

Шунингдек, Конституцияда мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга даъват этилган органлар тизими ҳам белгилаб берилади.

Мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини у ёки бу жиҳатдан таъминлашга даъват этилган органлар тизимини, хавфсизлик мезонларини ва бошқа масалаларни белгилар экан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий хавфсизлик тушунчасини аниқ белгилаш учун зарур бўлган асосларни ҳам яратади.

«Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади».

Шунга мос тарзда жамиятимизнинг сиёсий тизими фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳам ушбу конституциявий принципдан келиб чиққан ҳолда яратилади. Жамоат бирлашмаларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтиш тартиб-тамойилини мажбурий қилиб қўювчи норма ҳам шундан келиб чиқади.

Давлат фаолиятида сиёсий фикрлар хилма-хиллигини, демократик ҳуқуқлар ва эркинликларни, инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, ижтимоий адолат ва қонунийликни, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва ҳоказоларни таъминлашга қаратилган

конституциявий принциплар ҳамда нормаларнинг барчаси сиёсий хавфсизликни таъминлаш институтини ташкил этади.

Масалан, Асосий Қонуннинг 12-моддасида сиёсий фикрлар хилма-хиллиги кафолатланади ва унда: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деб таъкидланган.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва сиёсий тизимнинг изчил ривожланишини таъминлаш Конституциянинг энг асосий вазифаларидан биридир. Йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодисаларнинг моҳиятини ифодалар экан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар амал қилишлари лозим бўлган хавфсизлик мезонларини белгилаб беради. Масалан, Конституциянинг 57-моддасида: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади», деб кўрсатиб ўтилган.

Экологик хавфсизлик ҳам миллий хавфсизликни ташкил этувчи энг муҳим омиллардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари (50-модда), ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан

оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги (55-модда) белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлиги концепциясида экологик таназзул ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти сифатида белгиланган. Орол денгизининг муаммолари ҳам қўшилиб чуқурлашиб бораётган нохуш экологик вазият, шунингдек сув ресурслари ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун яроқли бўлган ерларнинг чекланганлиги Ўзбекистоннинг жуғрофий сиёсий аҳволига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида кўрсатиб ўтилган.

Экология шахс, жамият ва давлатнинг энг муҳим ҳаётий манфаатларини белгилаш мезонидир, инсон ҳаёти ва фаолияти учун оқилона экологик шароитларни таъминлаш, кишилар саломатлигини сақлаш ҳамда барқарор экологик вазиятни, шу жумладан минтақамизда барқарор экологик вазиятни яратиш ушбу манфаатларнинг мазмунини ташкил этади.

Миллий хавфсизлик концепцияси экология соҳасида миллий хавфсизликка таҳдидлар мавжудлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Аввалambор, бу:

1) Орол экологик таназзули ҳамда унинг атроф муҳит ва миллат генофонди, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси учун келтириб чиқарадиган оқибатлари;

2) ишлаб чиқаришни ривожлантиришга доир қарорлар қабул қилаётганда экологик омилларни етарли даражада ҳисобга олмаслик;

3) аҳоли саломатлиги ва атроф муҳит учун зарарли бўлган ишлаб чиқаришларнинг фаолият кўрсатиши ва кенгайтирилишини қўллаб-қувватлаш;

4) ишлаб чиқариш чиқиндилари, заҳарли ва радиоактив материалларни зарур даражада сақламаслик ва утилизация қилмаслик ҳамда уларнинг минтақамиз ҳаво ва сув ҳавзаларига чиқарилишини назорат қилмаслик;

5) сув ресурсларининг камайиб кетиши ва ер ресурсларининг завол топиши, тупроқ эрозияси;

6) экологик жиҳатдан зарарли бўлган технологиялар, моддалар, материалларнинг ҳамда аҳоли саломатлиги учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва фармакология препаратларининг олиб кирилишини назорат қилмаслик;

7) табиатдаги ва техноген тусдаги кескин ўзгаришлар (ер силкинишлари, сув тошқинлари, ёнғинлар, сел ва бошқалар)дир.

Конституция ташқи сиёсатнинг асосий мезонларини белгилаб беради, бу мезонлар орасида хавфсизлик манфаатлари алоҳида ўрин тутади. Ташқи сиёсий фаолият, чунончи, давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш аввало хавфсизлик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилмоғи зарур. Моҳиятан олганда, *Конституциянинг ҳар қандай принципиал қоидаси, миллий манфаатларнинг олий сиёсий-ҳуқуқий ифодаси бўлиб, бундан «давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлиги» – бу, аввало, Конституциянинг ўзи, унинг қоидаларини ҳимоя қилиш, унинг устуворлиги ва мустаҳкамлиги эканлиги келиб чиқади.*

Ташқи сиёсат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат фаолиятининг соҳаси сифатида белгиланган бўлиб, унга халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига содиқлик, шунингдек давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш нуқтаи назаридан қаралади ҳамда у олий миллий манфаатлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама ҳамкорлигининг асосий йўналишлари асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси иккинчи қисмида белгилаб қўйилган бўлиб, унда: «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин» дейилади.

Халқаро ташкилотларга (иттифоқлар, ҳамдўстликлар ва бошқа давлатлараро тузилмаларга) аъзоликка нисбатан белгиланган бу норма-принцип мамлакатимизнинг интеграция жараёнида янада фаолроқ иштирок этишини таъминлашга, бошқа давлатларнинг ҳуқуқий тизимлари билан тегишли

шартнома муносабатларини йўлга қўйиш ва ўзаро уйғун ҳамкорлик қилиш учун кенг истиқболлар яратишга даъват этилгандир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17-моддасининг иккинчи қисмидаги тушунчадан шу нарса келиб чиқадики, республика, агар миллий манфаатларга зид бўлса, халқ фаровонлиги ва хавфсизлигига зарар етказадиган бўлса, давлатлараро тузилмаларда иштирок этмайди.

Шунингдек, Конституция икки томонлама муносабатларнинг ҳам асосий принципларини белгилаб беради. Гарчи икки томонлама давлатлараро муносабатлар масалалари халқаро ҳуқуқ доирасида ва асосан тегишли шартномалар негизида ҳал этилсада, шунга қарамай, халқаро шартномаларни тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашнинг давлатимиз ичкарисидаги тартибини Конституция белгилаб беради. Айнан Конституция халқаро шартномаларнинг миллий қонун ҳужжатлари тизимидаги мақоми ва ўрнини белгилайди ҳамда ваколатлар бермаган ҳолда халқаро шартномаларни тузиш ва уларни ратификация қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини белгилайди. Бундан ташқари, Конституцияда икки томонлама давлатлараро муносабатларнинг мазмуни ва йўналишини белгилашга даъват этилган фундаментал йўл-йўриқлар ҳамда норматив қоидалар акс этади.

Бундан ташқари, Конституция муҳофаза қилувчи вазифасини бажаради, масалан, давлатнинг ташқи сиёсатини йўлга қўйишга аралашувга йўл қўймаган ҳолда фуқаролар ва давлат манфаатларига зид бўлмаган хусусий ёки гуруҳ манфаатларини ҳам ҳимоя қилади; ташқи сиёсий фаолиятнинг «сиёсат – сиёсат учун» деган бирдан-бир мақсадга айланиб кетишига йўл қўймайди. Бунда Конституция нисбатан кучли давлат билан ўта қулай иқтисодий алоқаларни ҳам, агар бундай давлат салмоқли молиявий иқтисодий ёрдам (ҳатто беғараз бўлсада) эвазига Ўзбекистоннинг суверенитетига хилоф бўлган турли хил ён беришларга эришишга ҳаракат қиладиган бўлса, ривожлантиришга йўл қўймайди ва ҳоказо.

Конституцияга биноан давлатнинг ташқи сиёсий ҳаракатлари Асосий Қонунимизнинг муқаддимасида белгилаб қўйилган Ўзбекистон эришишга

интилаётган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат мақоми талаб этадиган даражада оқилона ва ҳуқуқий бўлмоғи даркор. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига конституциявий мақом бериб, Асосий Қонун шу маънода халқаро муносабатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш самарали механизмининг йўқлиги ўрнини тўлдиради, чунки у ўз давлатининг ташқи сиёсий ҳаракатларига нисбатан олий ҳокимият йўл-йўриқларини бериш хусусиятига эгадир. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатнинг қарор топиши ва ривожланиши шароитларида Конституциянинг давлат ташқи сиёсатининг, шу жумладан икки томонлама муносабатларнинг асосий йўналишларини белгилашдаги роли ўта муҳимдир.

Конституциявий принциплар ва халқаро ҳамкорлик устуворликлари хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалда минтақавий хавфсизлик тизимини яратишда акс этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни таҳлил қилар экан, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда минтақада стратегик мавҳумлик ҳамон сақланиб қолаётганлигини ҳам тан олишга тўғри келишини таъкидлади. “Бу ерда жаҳондаги йирик давлатлар ва бизга қўшни мамлакатларнинг геостратегик манфаатлари мавжуд бўлиб, баъзида улар бир-бири билан келишмаслигини ҳам кузатиш мумкин. Халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия ва минтақавий хавфсизликка нисбатан бошқа трансмиллий таҳдидлар ҳамон сақланиб қолмоқда…. Бундай таҳдидларга қарши самарали чоралар кўриш, минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ бошқа вазифаларни фақат шу заминда жойлашган давлатларнинг фаол иштироки билан ҳал этиш мумкин.

Айнан шу боис бу ерда яшаётган халқларнинг муҳим ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникация, экологик характердаги умумминтақавий масалаларни ечиш

учун ўзаро ҳамжиҳатлик ва амалий ҳаракатлар механизмини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади”.[1]

Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришнинг изчил тарафдори бўлиб чиқмоқда ва Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилотига минтақадаги давлатлар кўп томонлама ҳамкорлигининг энг муҳим механизми сифатида қарамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов парламент палаталарининг 2005 йил 28 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида таъкидлаб ўтганидек, “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади”.[2] Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 2001 йилда қабул қилган 1373-сонли ва 2004 йилда қабул қилган 1566-сонли Резолюциялари ҳамда барча 12 та аксилтеррористик конвенцияларни ратификация қилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши қошидаги Терроризмга қарши кураш қўмитаси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Аксилтеррор маркази ишида қатнашмоқда, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида тегишлича иш олиб бормоқда, Аксилтеррор кучларнинг Халқаро коалицияси саъй-ҳаракатларида фаол кўмаклашмоқда.

Чунончи, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг 2003 йил май ойида Москвада бўлиб ўтган саммитида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг органлари тўғрисидаги қатор низомлар, шунингдек Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (МАТТ) Регламенти тасдиқланди. Давлатларнинг бошлиқлари томонидан МАТТ Ижроия қўмитасининг жойини Қирғизистоннинг Бишкек шаҳридан Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳрига кўчириш, шунингдек, Ташкилотнинг доимий ишловчи органларини – Пекин шаҳрида ШҲТ

[1] И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 59-61-бетлар.
[2] И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 61-бет.

Котибиятини ва Тошкент шаҳрида МАТТ Ижроия қўмитасини 2004 йил 1 январдан бошлаб ишга тушириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотининг режаларига умумий хавфсизлик маконини мустаҳкамлаш, шу жумладан терроризмга қарши курашиш ҳам киради. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил декабрь ойида қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни миллий хавфсизликни таъминлашда катта аҳамиятга эгадир.

Мазкур Қонунда тегишли қилмишларни криминаллаштириш тўғрисидаги нормалар, террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш ҳамда террорчилар ва уларнинг шерикларини жиноий таъқиб этиш бўйича процессуал чоралар назарда тутилган.

Террорчилик фаолияти учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қуйидаги моддаларида кўзда тутилган:

155-модда. Терроризм ;

245-модда. Шахсни гаров сифатида тутқинликка олиш ;

264-модда. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш ;

152-модда Халқаро ҳимояга олинган шахсга ёки муассасага ҳужум қилиш.

2004 йил август ойида Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди (у 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади). Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки ўзга мол-мулк билан операцияларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилади. Қонунда асосий нормалар қаторида тегишли ахборотдан эркин фойдаланишни мажбурий тарзда назорат қилиш ва чеклаш чоралари белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ ташкилотлар жиноий фаолиятдан

олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ўз фаолиятларида юридик ва жисмоний шахсларни уларга нисбатан олиб борилаётган мажбурий назоратдан хабардор қилишга ҳақли эмаслар. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотларни бериш тартиби ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, Қонунда махсус ваколатли органнинг ваколатлари очиб берилади, пул маблағлари ёки ўзга мол-мулк билан операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари белгиланади, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик масалаларига доир бир қатор бланкет нормалар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги низолар ҳамда тегишли қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Терроризмга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари конституциявий принциплар ва нормаларга, шу жумладан фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган конституциявий принциплар ва нормаларга қатъий тарзда мувофиқдир.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятигина эмас, балки фуқароларнинг ўз мамлакатини ҳимоя қилиш мажбуриятлари ҳам белгиланган. Чунончи, 52-моддага мувофиқ “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташлари шарт”.

Миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида халқаро тузилмаларда иштирок этиш принципини конституциявий мустаҳкамлаш қуйидаги қатъий (назарий) нуқтаи назарларга асосланади.

Биринчидан, бу – *хавфсизлик яхлитлиги, узлуксиз ҳолатлиги ва ҳадсиз-ҳудудсиз эканлигини* тушунишдан иборатдир.[1]

Иккинчидан, *ҳар бир мустақил мамлакатнинг ўз миллий манфаатларига мувофиқ, ўз мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсади бўлиши лозим. У ёки бу халқаро тузилмаларда ва коллектив хавфсизлик шартномаларида қай даражада қатнашишини уларнинг ўзи белгилаш ҳуқуқи назарда тутилиши зарур*[2].

Учинчидан, *"Ҳозирги шароитда хавфсизлик фақат коллектив бўлиши мумкин. У ҳамфикр давлатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан, уларнинг имкониятларини бирлаштириш билан таъминланади*".[3]

Миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида халқаро тузилмаларда иштирок этиш конституциявий принципи Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 22 майда қабул қилинган "Мудофаа тўғрисида"ги, 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги, 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясида янада ривожлантирилди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунида мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш, шунингдек мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун ташқи сиёсий характердаги чораларни кўришдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Қонунда "Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг якка тартибда ва коллектив тарзда мудофааланишдан иборат бўлган ҳуқуқни мустаҳкамловчи умум эътироф этилган нормалари ва принципларига асосланиб, ҳарбий қурилиш, тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш соҳасида бошқа давлатлар билан ҳамкорликни амалга оширади" деб айтилган .

[1] Қаранг: И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.– Т. 6. Тошкент. "Ўзбекистон", 1998. – 37-бет.
[2] Ўша жойда 38-39-бетлар.
[3] Ўша жойда: 147-бет.

Шу билан бирга бу фаоллик мафкуравий жиҳатдан фикрини ўзгартиришларга асосланмаслиги лозим. Бундай йўл бугунги кунда ҳам кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов парламент палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида қилган маърузасида таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларда мафкуралаштирилган асосларни истисно этади.

Бугунги кунда ҳам ЕХҲТ, Европа Иттифоқи ва НАТО каби ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. "Европа қитъасидаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз".[1]

Шу билан бирга, «миллий хавфсизлик"нинг қамров доирасидаги асосий вазифаси унинг объекти ва субъекти тушунчасини белгилашдан иборатдир. Бинобарин, ҳар бир давлат ўзи дуч келаётган хавф-хатарни енгиб ўтишга минтақавий ва дунё миқёсидаги омиллар таъсири доирасида ва ўз имконияти даражасидаги мавжуд барча ресурсларни йўналтиради. Дарҳақиқат, «Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Шунингдек, ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари бор"[2]. Бундан ташқари, "миллий хавфсизлик" тушунчаси ўз ичига ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, техноген ва экологик хавфсизликни таъминлаш, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-маданий ва иқтисодий ҳаётида шахс камолоти ва жамиятнинг барқарор ривожи сингари бир қатор соҳаларни ҳам қамраб олади. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ғоят лўнда таърифланган: "Ўтган йилларнинг мантиғи бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга мурожаат қилишга ундамоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу

[1] И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 62-63-бетлар.
[2] И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.-Тошкент.: "Ўзбекистон", 1998.-37-бет.

саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қуйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?

Хавфсизлик, барқарорлик ва танлаган йўлдан оғишмаслик деган ана шу оддий сўзлар замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз буни билиб олмоғимиз ва англаб етмоғимиз зарур.

Хавфдан қандай холи бўлиш мумкин? Ривожланиш учун куч-мададни қаердан излаш лозим? Булар стратегик муаммолар бўлиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало, ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундан буён ҳам эътибор беражак”[1].

2-§. Миллий хавфсизликнинг субъекти, объекти ҳамда уни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати

Миллий хавфсизлик субъекти, объекти ва бу борадаги сиёсат. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш давлатнинг бош вазифаларидан бири бўлиб, айнан шу соҳа унинг қонунчилик асосларини яратади, моддий-молиявий ва кадрлар ресурси сафарбарлигини, зарур бошқарув маҳкамасини, махсус хизматларни, Қуролли Кучларни ташкил қилади ва таъминлайди.

Хавфсизликни таъминлаш мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим шарти, халқаро муносабатлар соҳасида, миллий манфаатлар ва устувор вазифаларни белгилашда давлат сиёсатининг таркибий қисми ва мезони ҳисобланади. Ушбу соҳада давлат сиёсати қуйидаги масалаларни ўз ичига олади: ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятда миллий манфаатларни ҳимоялаш стратегиясини аниқлаш; Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш, таҳлил этиш ва бу таҳдидларга қарши кураш; миллий хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш учун зарур бўлган механизмлар, тезкор тадбирлар ва ресурслар билан таъминлаш; шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари

[1] Ўша жойда 34-бет

тизимини кенгайтириш; миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини ва тегишли қонунчилик базасини такомиллаштириш.

Миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакат ва бутун дунёдаги вазиятнинг, Конституцияда белгиланган, ҳозирги даврнинг алоҳида хусусиятлари, жуғрофий-сиёсий омилларнинг, Марказий Осиёдаги вазиятнинг ва ташқи сиёсатдаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларидан келиб чиқувчи устувор вазифаларнинг чуқур ва ҳар томонлама таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қурилади.

Ҳаётий муҳим миллий манфаатларни турли кўринишдаги ички ва ташқи таҳдидлардан кафолатли ҳимоя этиш миллий хавфсизликнинг мазмун-моҳияти ҳисобланади.

Миллий хавфсизликнинг объекти қуйидагилардан иборат:

инсон - унинг ҳуқуқ ва эркинликлари;

жамият – унинг маънавий ва моддий бойликлари;

давлат – унинг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги.

Инсон, миллий хавфсизлик объекти сифатида энг юксак қадриятдир. Шу боисдан унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳар доим биринчи ўринга қўйилади. Аслини олганда ҳам, шахснинг хавфсизлиги ва манфаатлари шу йўналишдаги давлат сиёсатини тушунишда ҳал қилувчи мезондир. Жамият ва давлат томонидан олиб борилаётган фаолиятнинг таъсирчанлиги шахс ҳаётининг дахлсизлиги ва хавфсизлиги давлат томонидан қай даражада таъминланиши орқали аён бўлади.

Жамият хавфсизлиги ёки “ижтимоий хавфсизлик”ни миллий хавфсизликдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу – унинг таркибий қисмидир. Жамият хавфсизлигига таҳдид ижтимоий муносабатларга, ижтимоий турмуш тарзига, маънавий негизларга ва маданий-моддий қадриятларга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига, бошқарув тартибига, жамоат тартиби ва бошқаларга иқтисодий, экологик, ҳарбий зарар етказади. Ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, диний ва бошқа турдаги

муносабатлар тизимидан иборат жамиятга таҳдид қилиш миллий хавфсизлик асосларига қилинган таҳдиддир. Масалан, миллатлараро, конфессиялараро муносабатларга ва фуқаролар тотувлигига рахна солинганда жамият тараққиётини узоқ муддат орқага суриб юбориши ёки миллий давлатчиликни барбод қилиши мумкин. Демократия, фуқаролик жамияти асослари, маънавий қадриятлар, оила, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, жамиятнинг давлат устидан назорати самарали усулларини шакллантириш миллий хавфсизликни таъминлашнинг зарур шартларидир.

Давлат миллий хавфсизлик объекти сифатида миллатнинг бир бутунлиги ва барқарорлигини таъминлашни муқаррар зарурият, деб билади. Чунки давлат инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлар ва кафолатлар экан, миллий суверенитет давлат тимсолида намоён бўлиши боисиданоқ давлатнинг ўзи алоҳида бир қадрият бўлиб қолади.

Шу маънода, миллий хавфсизликни таъминлаш сиёсати барқарор демократик ривожланиш стратегияси билан узвий боғлиқ бўлиб, аслида, унинг таркибий қисми ва айни пайтда, худди шу демократик тараққиётни амалга оширишнинг муҳим шартига айланади. У қуйидаги принципларга асосланади:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш;
- Конституция ва қонунларнинг устуворлиги;
- миллатнинг маънавий салоҳиятига таяниш;
- миллий манфаатларнинг устуворлиги;
- миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш;
- ҳудудий яхлитликни сақлаш;
- хавфсизликнинг бўлинмаслиги;
- ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;
- ташқи сиёсатни мафкуралаштиришдан воз кечиш;
- ташқи ва ички сиёсатнинг бирлиги;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- халқаро шартномалар бўйича зиммага олинган мажбуриятларга оғишмай риоя этиш;

- халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик;

- жамият турмушининг барча жабҳаларида ўзгаришларнинг изчиллиги ва босқичлилиги;

- изчил демократлашув, фикрлар хилма-хиллиги ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ривожлантириш;

- ижтимоий адолат ва кучли ижтимоий сиёсат;

- экологик муаммоларни ҳал этишнинг устуворлиги;

- миллий хавфсизликка таҳдидларнинг хусусияти ва кўламига жавоб чораларининг бамавридлиги ва мутаносиблиги.

Миллий хавфсизлик ҳамиша ҳам чуқур идрок қилинган эмас. “Мил-лий хавфсизлик” атамаси илк марта Америка сиёсий луғатига президент Т.Рузвельт томонидан 1904 йилда киритилган.[1] Кейинчалик мазкур тушун-чанинг мазмун доираси аста-секин ижтимоий муносабатлар, глобаллашув ва интеграция жараёнлари, шунингдек хилма-хил кўринишдаги таҳдид ва таҳликалар билан узвий боғлиқ равишда кенгайиб борди. Бугунги кунда мамлакат ҳаёти учун хатарли бўлган ҳар қандай муаммо миллий хавфсизликка таҳдидга айланиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари миллий манфаатлар устуворлиги, реал ҳамда потенциал таҳдид ва таҳликалар билан бевосита боғлиқ равишда белгиланади. Мазкур йўналишлар соҳаларга бўлинади ва қуйидагича номланади:

- сиёсий хавфсизлик, у ички ва ташқи жиҳатларга қараб, яъни ички сиёсий ва ташқи сиёсий хавфсизлик тарзида бўлинади;

- иқтисодий хавфсизлик, бу ҳам ички ва ташқи жиҳатларга қараб, яъни ички иқтисодий ва ташқи иқтисодий хавфсизлик тарзида бўлинади;

- ижтимоий хавфсизлик;

- гуманитар хавфсизлик;

- ҳарбий хавфсизлик;

[1] Қаранг: А.И.Васильев, В.П.Сальников, С.В.Степашин. Национальная безопасность России: конституционное обеспечение. – СПБ., 1999. С.15

- илмий-техникавий, технологик ва ахборот хавфсизлиги;
- экологик хавфсизлик.

Миллий хавфизликни таъминлашнинг қонунчилик ва назарий-методологик асослари тўғрисида сўз юритилар экан, концептуал ва дастурий ҳужжатлар хусусида ҳам тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Улар, гарчи тўғридан-тўғри норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига киритилмаса-да, қонунлар ёки Президент Фармонлари билан тасдиқланади ва шу тарзда ҳуқуқий кучга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасида хавфсизликни таъминлаш соҳасида белгилаб берилган асосий вазифаларни амалга ошириш дастури шулар жумласига киради)[1].

3-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Миллий хавфсизлик концепциясининг асоси сифатида

Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан амал қилиб келмоқда. У сиёсий йўналишдаги масалаларни ҳамда тегишли қонунлар, қонуности ҳужжатларини тайёрлашда асос бўладиган норматив-ҳуқуқий атамалар, принципларни ўз ичига олади. Мазкур Концепция яна шу маънода сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланадики, унда давлатимизнинг миллий хавфсизликни таъминлаш масаласига доир расмий қарашлари ўз ифодасини топган ва шунга биноан бу Концепция хавфсизлик муаммоси, уни ҳал этишнинг стратегияси ва тактикасига доир, жумладан, қонунчилик соҳасига тааллуқли яхлит, умумдавлат қарашлари тизимини ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Концепциянинг биринчи қисмида ҳозирги даврнинг хусусиятлари, Ўзбекистоннинг геополитик ҳолати, шу жумладан Марказий Осиёдаги мавқеи

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги ПФ-2612 сонли Фармонига 6-илова.

билан боғлиқ омиллар, халқаро ҳамкорлик соҳасидаги вазифалар баён қилинади. Концепциянинг иккинчи қисмида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари мазмуни очилган; учинчи қисмида соҳалар бўйича миллий хавфсизлик таърифлаб ўтилган. Тўртинчи қисмда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари баён қилинган. Бешинчи қисмда миллий хавфсизликни таъминлашнинг тизими ва принциплари ҳақида сўз боради.

Концепция ўзида миллий хавфсизликнинг мақсадга мувофиқ тизимини яратишнинг асосий ғоясини, амалий принципларини очиб берган. Унга таянган ҳолда тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизм шакллантирилади, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўртасида ҳамкорлик тизимига асос солинади. Энг муҳими, ушбу Концепция, бамисоли Конституция сингари, муаммони тушуниш ва ечимини топишга бир хил ёндашишга имконият яратади. Масалан, унда «миллий хавфсизлик”, “миллий манфаат”, “таҳдид” сингари тушунчаларнинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикасига татбиқан атрофлича талқин этилади.

Унда давлатчилик манфаатлари миллатнинг ўзига хос ҳолати ҳамда миллат яшайдиган ва ўз манфаатларини амалга оширадиган шакл – ҳимоя этилиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган шакл сифатида талқин этилади.

Халқ манфаати шахс ва жамият манфаатларининг ўзаро уйғун ва бир-бирларини тақозо этадиган бирлашмасидир.

Шундай қилиб, «давлат, халқнинг олий манфаатлари, уларнинг фаровонлиги ва хавфсизлиги” яхлит олганда ҳаётий муҳим миллий манфаатлардир. Концепцияда бошқа даражадаги миллий манфаатлар кўрсатилмаганлиги сабабли, таъкидлашимиз керакки, миллий манфаатлар, энг аввало, ҳаётий муҳим манфаатлардир. АҚШда бундай табақалаштириш (ҳаётий муҳим, шунчаки муҳим, торроқ доирадаги ва бошқа даражадаги манфаатлар) қўлланиладиган чора-тадбирнинг мутаносиблигини аниқлашга хизмат қилади: масалан, ядро қуролини қўллашдан тортиб вазирлик ёки штат миқёсида маъмурий қарорлар қабул қилишгача бўлган чоралар кўришга асос бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, Концепцияда шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳам, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар, ҳарбий, экологик, илмий-техникавий, технологик ва ахборот соҳаларида туғиладиган миллий хавфсизликка таҳдидлар ҳам батафсил таърифлаб берилган. Шу асосда миллий хавфсизликнинг асосий йўналишлари ҳам белгилаб берилган. Давлатнинг фаолияти худди ана шу қоидалар билан мувофиқлаштирилиши, қонунчилик эса тегишли тарзда ривожлантирилиб борилиши керак.

Бу фақат миллий манфаатлар мазмунининг тузилмавий баёнигина эмас, балки хавфсизлик, таҳдид объектларини белгилаш ва манфаатларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ифодаси ҳамдир. Хавфсизликнинг ҳар бир тури ўз навбатида таркибий турларга эга бўлиб, улар замонавий ижтимоий муносабатларнинг юксак интеграцияси шароитида хавфсизликнинг бошқа тур ҳамда таркибий турлари билан кесишуви мумкин. Масалан, озиқ-овқат хавфсизлиги, бу фақат иқтисодий масала эмас, айни пайтда, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий санитария ва экологик масала ҳамдир. Шу сабабли хавфсизликнинг турларга бўлиниши шартли эканлигини доимо назарда тутиш зарур.

Бироқ, бу масалада қонунчилик учун ва давлат бошқарувини тўғри ташкил этиш учун хавфсизликнинг бундай бўлиниши ўзини тўла оқлайди. Хусусан, миллий хавфсизликка таҳдидларни табақалаштириш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг соҳалар бўйича асосий йўналишлари (сиёсий ва ташқи сиёсий, иқтисодий, жамият ва давлат қурилиши, ижтимоий, гуманитар, ҳарбий, илмий-техника, технология, ахборот, экология соҳалари), кўп жиҳатдан, қонунчиликнинг тегишли тармоқларини ўзида ифода этади. Бошқа жиҳатдан, мазкур соҳалар тармоқлараро нормалар мажмуининг торроқ доирадаги ўрганиш йўналишини белгилайди ва махсус институтлар шакллантирилишини тақозо этади.

Масалан, сиёсий соҳадаги хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий нормалари асосан кафолат, ҳимоя ёки муҳофаза хусусиятида бўлиб, моҳият эътибори билан мураккаб тармоқлараро институт ҳосил қилади. Жумладан,

сиёсий хавфсизликни таъминлаш соҳасида вужудга келадиган муносабатлар қуйидаги нормалар билан назорат қилинади:

- халқаро ҳуқуқ (булар – иккитомонлама, минтақавий ҳамда универсал шартномалар ва битимлар), нормалар, миллий қонун ҳужжатларининг ташқи сиёсат соҳасида амал қилувчи ва Ўзбекистон Республикасининг ички ишларига аралашишдан, унинг суверенитетига тажовуз қилишдан ҳимоя этадиган ва умуман халқаро муносабатлар тизимида миллий манфаатларни ҳимоялашга қаратилган нормалари;

- терроризмга қарши курашга доир қонун ҳужжатлари;

- конституциявий тузумни ҳимоя қилиш тўғрисидаги, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар тўғрисидаги, ОАВ тўғрисидаги, сўз эркинлигини ҳимоялаш бўйича қонунлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя этувчи, демократик институтларнинг такомиллашувини таъминловчи ва кафолатловчи гуманитар, сайловга оид ва бошқа қонун ҳужжатлари;

- агрессив миллатчилик ва миллатлараро низо кучайишининг олдини олувчи нормалар;

- диний экстремизм тарқалишининг олдини олувчи қонунлар;

- давлат ҳокимияти ва бошқарувида коррупция, тўрачилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари вужудга келишининг олдини олиш ва уларга қарши курашга йўналтирилган нормалар;

- жиноятчиликнинг, айниқса, уюшган жиноятчиликнинг ўсишини олдини олишга қаратилган, қурол-яроғ билан ноқонуний савдо қилишга ва гиёҳвандликнинг тарқалишига қарши курашга оид қонунлар.

Тегишли ҳуқуқ нормалари воситасида олди олинадиган шундай таҳдидлар борки, улар турли моҳиятга ва ҳар хил предметга эга. Бироқ, уларнинг субъектлари сиёсий муносабатлар жабҳасида ҳаракат қилади, ўз сиёсий мақсадларига эга ёки ушбу таҳдидларни амалга ошириш орқали сиёсий тизимга ва конституциявий тузумга жиддий зарар етказади. Бошқа томондан, юқорида санаб ўтилган ҳар бир йўналиш ўзига хос жиҳатларга эга ва, таъбир жоиз бўлса, «суб-институтлар” шаклида (масалан, терроризмга қарши кураш

институти, ОАВда сўз эркинлигини ҳимоялаш ва кафолатлаш институти кабилар) намоён бўлиши мумкин.

Миллий хавфсизликни таъминлашга тааллуқли қонунчилик тизимида қатор тармоқлар борки, уларнинг ўрнини аниқлаш анча мураккаб. Чунки улар ўз ҳуқуқий моҳиятига кўра маълум бир соҳада хавфсизликни таъминлашга қаратилганлигидан ташқари бошқа масалаларни ҳам тартибга солади. Масалан, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари табиий муҳит шароитларини сақлаш ҳамда табиат бойликларидан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилар экан, инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар мувозанатли тарзда уйғун ривожлантирилишини таъминлашга, экологик тизимларни, табиат мажмуаларини ва айрим объектларни муҳофаза қилиш, фуқаронинг қулай табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлаш мақсадларига ҳам қаратилган бўлади. Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш нафақат “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун воситасида, айни пайтда, ер, сув, ўрмон хўжалиги, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар мисолида аён бўлиб турибдики, бундай қонунлар мажмуи ўз доирасига мураккаб тармоқлараро тизимни олади, улар экологик хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда бошқа вазифаларни ҳам адо этадилар. Ана шу боис, қонунчилик тизимларини тармоқлар бўйича бўлиб қарашга асосланган мумтоз усулни бу ўринда татбиқ қилиш мушкул. Ҳарбий ҳуқуқ тармоғи бундан мустасно, негаки, мазкур қонунчилик амалда батамом ҳарбий хавфсизликни таъминлаш масалаларига бағишланган.

4-§. Мамлакат мудофаасини таъминлашнинг конституциявий – ҳуқуқий асослари

Ҳарбий хавфсизлик соҳаси ижтимоий муносабатларнинг бир хилдаги турини ташкил этади, уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бир хилдаги

ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида мажмуасига таянган ҳолда амалга оширилади. Ҳарбий ҳуқуқ тармоғининг ўзи мажмуавий хусусиятга эга бўлиб, бу соҳадаги бир қатор муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари, масалан, маъмурий, молиявий, ерга оид, жиноят тўғрисидаги ва шу каби ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинади.

Мудофаа ва давлатнинг ҳарбий фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг тартибга олиниши билан ҳарбий ҳуқуқ бошқа тармоқлардан фарқланади. Бу муносабатлар қамров доираси бўйича бўлинади. Аввало, улар қурилиш, бошқарув, таъминот, Қуролли Кучларни, бошқа қўшинларни, ҳарбий бўлинмалар ва органларни ҳозирлаш ва мамлакат мудофааси мақсадларида қўлланиш жараёнида юзага келадиган муносабатлардир. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятни ижро этиши ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Ҳарбий интизомни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни, ҳарбий адлия органлари фаолиятини йўлга қўйишда юзага келувчи муносабатлар бошқа бир гуруҳни ташкил этади. Халқаро ҳуқуқнинг ҳарбий ҳамкорлик масалалари, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш билан, шунингдек, гуманитар ҳуқуқнинг нормаларини бузганлик учун жавобгарлик билан боғлиқ нормалари ёрдамида бошқариладиган муносабатлар кейинги гуруҳга киради.

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий ҳуқуқ манбаалари орасида Конституция алоҳида ўрин тутади. Унда ҳарбий соҳани тартибга солувчи йўналишларнинг нормалари акс эттирилган. Бу фақатгина 125, 126-моддалардагина эмас, балки 52, 57, 93-моддаларда ҳам ўз аксини топган. Бу нормаларнинг барчаси мудофаани ташкил қилишга йўналтирилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасини бевосита қуролли ҳимоя қилишга ва қуролли ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари мудофаа мақсадларида ташкил қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари урушлар ва қуролли можароларни қайтариш ҳамда олдини олиш Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмларни, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

Конституциянинг 125 ва 126-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун ("Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тўғрисида"ги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонунчилик фаолияти режасига киритилган ва у ишлаб чиқилиш жараёнида турибди) билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга. Конституциянинг 93-моддаси 20-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 2-бандига мувофиқ Президент Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради.

Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳарбий тадбирлардан бири бўлиб, фуқароларнинг ҳарбий хизматга бўлган муносабатини аниқлаш принципи ҳам шулар жумласига киради. Конституциянинг 52-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Конституция мудофаани ташкил этишда ҳарбий тадбирлардан ташқари сиёсий тадбирларни ҳам назарда тутади. Сиёсий тадбирларга уруш ҳолатини эълон қилиш , ҳарбий ҳолатни жорий этиш, хавфсизликни кафолатлаш ва бошқалар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 18-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш ва қабул қилган қарорни уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритиш ҳам Республика Президенти ваколатига кириши белгилаб берилган.

Сиёсий тадбирлар жумласига қуролланган гуруҳлар, уюшмалар, урушни тарғиб этувчи бирлашмаларни ман қилиш ҳам киради.

Шундай қилиб, Конституция ҳарбий ҳуқуқнинг энг муҳим манбаси ҳисобланади. Ҳарбий ҳуқуқнинг бошқа манбаалари қаторига “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар, Умумий қўшин низомлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси (мазкур Концепция асосида Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди) ва шу каби ҳужжатлар киради.

Шунингдек, ҳарбий ҳуқуқнинг махсус манбалари ҳам бўлиб, улар жумласига ҳарбий бошқарувнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, чунончи – буйруқлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқаларни киритиш мумкин. Улар қонуности ва фармойиш тусидаги ҳужжатлардир.

Мамлакатимизда мудофаанинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш уч босқичда ўтди. Биринчи босқичда «Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, “Муқобил хизмат тўғрисида”ги (1992 йил 3 июль) қонунлар қабул қилинди. Улардан олдинроқ «Республика

ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва ҳарбий хизматни ўташни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (04.09.1990 й. №ПФ-52), «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” (06.09.1991 й. №ПФ-243) Президент фармонлари эълон қилинган эди. Шунингдек, Президентимизнинг «СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари ва ўқув юртлари тўғрисида” (10.01.1992 й. №ПФ-318), «Ҳарбий ва махсус унвонларни бериш тартиби тўғрисида» (19.02.1992 й. №ПФ-345), «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий-ўқув юртлари тўғрисида” (20.02.1992 й. №ПФ-347), «Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жойлашган чегара қўшинларининг бўлинмалари тўғрисида» (24.03.1992 й. №ПФ-365), «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирилган ҳаво-десанти қўшинлари, ҳарбий-транспорт авиацияси, разведка қисмлари ва таъминот қисмлари тўғрисида” (18.05.1992 й., №ПФ-434), “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кимёвий қўшинлар ҳарбий қисмлари тўғрисида” (13.11.1992 й., №ПФ-496), “Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини қўриқлашни янада мустаҳкамлаш тўғрисида”ги (26.04.1993 й., №ПФ-600) фармонлари ва бошқа ҳужжатлар ҳам шулар жумласидандир.

Бу даврда мамлакатимиз ҳарбий тизими мураккаб бир ҳолатда эди. Аслини олганда, миллий Қуролли Кучларни қайта ташкил этиш, миллий ҳарбий доктринани шакллантириш ва умуман ҳарбий қурилиш замирида нима ётса, уларнинг барчасини қайтадан қуришга тўғри келарди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тезкор, яхши тайёргарликдан ўтган ва замонавий қуролланган армияни ташкил этиш ҳарбий қурилишнинг бош йўналишига айланди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қиларкан, ўзининг тинчликсевар давлат эканлигини баралла ошкор этди ҳамда ўзининг мудофаа сиёсати батамом тинч-тотув яшаш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг суверенитети ва мустақиллигини ҳурматлаш, шунингдек, мавжуд давлатларо чегараларнинг дахлсизлиги ва ўзгармаслиги принципларига асосланишини маълум қилди. Давлатимизнинг асосий саъй

ҳаракати барча давлатлар билан икки ва кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга, ялпи тинчликка, ҳамма ерда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўрнатилишига эришишга ва ҳарбийлаштиришга барҳам беришга қаратилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз ўз фуқароларининг ҳаётини ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга бўлган ажралмас ҳуқуқ БМТнинг Уставига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олди.

Давлатнинг мудофаа қудрати асосида мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб бориш мақсади ётади. 90-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда қўшинларнинг устувор турлари учун юқори малакали офицерларни тайёрлаш мақсадига хизмат қиладиган бир қатор ҳарбий ўқув юртлари ташкил этилди. Тўртта ҳарбий билим юрти, шу жумладан, учувчилар билим юртидан ташқари 1993 йилда Тошкент алоқа электротехника институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети) ҳузурида алоқа хизмати мутахассисларини тайёрлайдиган ҳарбий факультет очилди. 1994 йилда Қуролли Кучлар Академияси ташкил этилиб, бу ерда олий ҳарбий малакали офицер кадрлар тайёрлашга киришилди. Шунингдек, армиянинг техник жиҳозланишини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилди.

Ҳарбий хавфсизлик ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг иккинчи босқичи ҳарбий инфратузилманинг ривожлантирилиши ва ҳарбий қурилишнинг ҳуқуқий базасининг янада мустаҳкамланиши, ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорликнинг кенгайтирилиши билан тавсифланади. Мазкур босқич Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Миллий хавфсизлик Кенгашининг тузилганлигидан бошланди. (Бу Кенгаш Ўзбекистон Реаспубликаси Президентининг 01.05.1995 йилда эълон қилинган ПФ-1149-сонли “Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик Кенгаши тўғрисида”ги Фармонига биноан ташкил топди). Масалан, 1995 йилнинг 30 августида Ҳарбий доктрина қабул қилиниб, унда давлатлараро ҳарбий можаро ва зиддиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фаол қатнашиш белгиланган бўлиб, бунда қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви сабабларини дипломатик йўл билан ҳал этишга урғу берилди.

Давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашда Ҳарбий доктрина катта аҳамиятга эга.

У расмий қоидалар мажмуасидан иборат бўлиб, ҳарбий хавфсизликнинг сиёсий, стратегик ва иқтисодий асосларини белгилайди, умумий қоидаларни, сиёсий ва ҳарбий-ташкилий жиҳатларни қамраб олади.

Унинг сиёсий қисмида республиканинг урушга муносабати, Ўзбекистон Республикасининг уруш чиқишини бартараф этиш соҳасидаги халқаро фаолиятининг асосий вазифалари, йўналишлари ва мезонлари тушунтириб берилади.

Ҳарбий доктринанинг ҳарбий-сиёсий қисмида Марказий Осиё минтақасининг ҳарбий-стратегик хусусиятлари баён этилади, ҳарбий хавф-хатарнинг потенциал манбалари аниқлаб берилади. Ҳозирги замон урушларининг стратегик хусусияти ва оқибатларига баҳо берилиши асосида доктринада бош ҳарбий-стратегик вазифалар, Қуролли Кучларнинг қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари, шунингдек, улардан фойдаланиш шартлари тилга олинади, республика иқтисодиётини, ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш масалалари ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳарбий доктрина Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва республиканинг ҳарбий хавфсизлигига тажовузларга қарши ҳаракатларни ташкил этишда, мамлакатни мудофаага тайёрлаш борасидаги давлат фаолиятини, Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш учун Қуролли Кучларни қўллашни тартибга солувчи қонунларга асосланар экан, БМТ Уставидан, Хельсинкида имзоланган Якунловчи актдан, Стокгольм конференцияси ҳужжатидан, шунингдек, иккитомонлама ва кўптомонлама шартномалар ҳамда битимлардан, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумэътироф этилган нормаларидан келиб чиқувчи барча халқаро мажбуриятларга қатъий риоя этилишини кафолатлайди, ташқи ҳарбий таҳдиднинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича иккитомонлама ва кўптомонлама муносабатларни йўлга қўйиш зарур эканлигини қайд этиб ўтади.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ташқи сиёсат Қўшилмаслик ҳаракати принципларига ҳам таянади. Бу принциплар миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган (1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси, 2001 йил 11 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси). Мазкур принцип мантиқан куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципидан келиб чиқади ҳамда умуман олганда Конституциянинг руҳига, унинг тинчликсевар моҳиятига ва мафкуралаштиришдан холи йўналишига мувофиқ келади.

Миллий хавфсизлик манфаатлари халқаро ҳамкорликнинг иттифоқлар, ҳамдўстликлар ва бошқа давлатлараро тузилмалар шаклидаги асосий йўналишини белгилаб беради.

Миллий хавфсизликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг НАТО билан ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда, бу иш 1994 йилдан бери «Тинчлик йўлида шериклик” дастурида иштирок этиш орқали таъминланмоқда. Мазкур дастур НАТО аъзолари бўлмаган мамлакатлар учун яратилган. Ушбу шериклик нафақат ҳарбий вазифаларни (буларга қуйидаги вазифалар киради: миллий мудофаани режалаштиришда ва ҳарбий бюджетни шакллантиришда кўпроқ очиқ-ошкораликка эришиш; Қуролли Кучлар устидан демократик назоратни мустаҳкамлаш; миллий салоҳиятни қўллаб-қувватлаш ва тинчлик ўрнатиш операцияларига ҳисса қўшишга шайлик; Шимолий Атлантика Иттифоқи билан биргаликдаги ҳарбий тайёргарлик ва машқларни режалаштириш ҳамда ўтказиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш; шерик-давлатлар армиялари, шунингдек, НАТО мамлакатлари Қуролли Кучлари билан ҳамкорликни ривожлантириш), балки ноҳарбий руҳдаги фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракатларни режалаштириш соҳасида, илмий ва иқтисодий дастурларни амалга оширишда ҳамкорликни таъминлаш; шерик давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш вазифаларини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон 1995 йилдан бошлаб Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Вена ҳужжатини ҳарбий соҳадаги ишонч мезонлари бўйича ҳам амалга оширишда қатнашиб келмоқда, ЕХҲТ Котибиятига ўз ҳарбий кучлари ва мудофаа соҳасидаги режалари тўғрисида ахборот йўллаб турибди.

Шу аснода республиканинг чет эл мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳарбий-сиёсий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги жараёнлари кучайди.

Ҳарбий қонунчиликни ривожлантириш сиёсати ўзида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, бошқа қўшинлар, ҳарбий тузилмалар ва органлари тизимининг қурилиши жараёнини акс эттиради. Бу 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида 1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси, мамлакат Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги (04.03.1996 й. №ПФ-1378), «Ўзбекистон Республикаси умумқўшинлар Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги (09.10.1996 й. №ПФ-1571), «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг интизом қисми ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги (09.10.1996 й. №ПФ-1572), «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (23.02.1998 й., №ПФ-1932) Фармонларида ўз ифодасини топди.

Ҳарбий қонунчилик тараққиётининг учинчи босқичи 1999 йилда содир бўлган воқеалар билан боғлиқ ҳарбий ислоҳотдан бошланди. Бу ислоҳотнинг моҳияти ҳарбий қурилиш муаммоларини ҳал этишга янгича ёндошувлар ва мамлакат Қуролли Кучларини сифатли модернизация этишдан иборат.

Ҳарбий ислоҳотнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис сессияларида қилган қатор

маърузаларида чуқур очиб берилди ва миллий армиянинг тузилишини ўзгартиришни таклиф этди. Энг аввало гап контракт асосида ҳарбий хизмат қилишга ўтиш орқали армияни қисқартириш хусусида борди. Марказий Осиё шароитида самарали жанговар ҳаракатлар олиб боришга қодир профессионал армияга асос бўлиб қолиши ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жанговар тайёргарлигини таъминлашнинг устувор вазифалари орасида қўшинларни тайёрлашда миллий ғоя, миллий мустақиллик мафкурасига таянган ҳолда тарбиявий ишларни ташкил этишнинг бутун тизимини қайта тузишга киришилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мамлакат Президенти ташаббуси билан Қуролли Кучларнинг резервчилари институти таркиб топганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Резерв сафини тўлдиришнинг мақсади, вазифалари, принциплари ва уруш вақтида резервдан фойдаланишнинг механизми белгилаб қўйилди.

Минтақамиздаги ва мамлакатимиз чегаралари яқинидаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият, бутун жаҳонда экстремистик кучлар кучайганлиги Президентнинг 2000 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган янги Мудофаа доктринасини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтирди, унга мувофиқ мамлакат Қуролли Кучлари ўзида Мудофаа вазирлиги бўлинмалари, Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг махсус бўлинмалари ва бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини бирлаштирди.

Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказиш ҳамда ривожланган демократик давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучлар устидан самарали фуқаролик назоратини ўрнатиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳамда республиканинг мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи бошқа тузилмалари олдида турган вазифалар қайта кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб ҳарбий бўлмаган шахс тайинланди.

Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби ташкил этилди ва у Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилиш бўйича қарорларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органига айланди.

Компьютер технологияларидан, моделлаштириш, чалғитиш услубларидан ва бошқа замонавий таълим шаклларидан фойдаланиладиган, ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари ҳисобланадиган сержантлар мактаблари ва тайёрлов марказлари жорий этилди.

Ўзбекистон ҳарбий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳам шуларга мувофиқ равишда ривож топиб, эндиликда қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуини ташкил этади.

1999 йилдан бошлаб “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида” (1999 йил 20 август), “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” (2000 йил 26 май), “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” (2000 йил 15 декабрь), янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида” (2000 йил 11 май), “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” (2002 йил 12 декабрь) ва “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида” (2003 йил 25 апрель) каби қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш тўғрисида” (30.03.1999 й. №ПФ-2277), “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида” (23.09.1999 й. №ПФ-2421) ва бошқа Фармонлари ҳам эълон қилинди.

Қонунчилик – жамиятнинг ҳуқуқ ва эҳтиёжларига монанд ҳолда тинимсиз ривожланиб борадиган жонли организмдир. Шунга мувофиқ равишда ҳарбий ҳуқуқни тегишли фан тармоғи сифатида ривожлантириб бориш зарур. Ҳарбий қонунчилик тизимида рўй бераётган ўзгаришлар норматив-ҳуқуқий бошқарувнинг мазкур соҳадаги тартиботларини чуқур тадқиқ қилиш натижаларига асосланиши керак. Бундан ташқари, миллий хавфсизлик ҳуқуқи тизимини, унинг тузилмалари ва таркибини талқин ва баён этишда янгича ёндошувларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу вазифанинг талаб даражасида ҳал

этилиши қонунчиликдан барчанинг фойдаланиш эркинлигини таъминлаш ва қонунлардаги такрорийликнинг олдини олиш имконини беради, миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида юзага келадиган муносабатларни бошқариш тизимига тааллуқли нормаларнинг ўзаро уйғун бўлиши ва тўғри қўлланишига олиб келади.

Шубҳасиз, миллий хавфсизликни таъминлашга доир ҳуқуқ тизимини ривожлантириш жараёни ҳали ниҳоясига етганича йўқ. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предмети ўзгармоқда, унинг механизми такомиллашмоқда. Янги муаммолар ҳам вужудга келмоқда, уларни ҳал этиш учун илмий асосланган янгича ёндошувлар талаб қилинаётир. Табиийки, ижтимоий муносабатлар ривожи юридик муносабатлар ривожига нисбатан илдамроқ бўлади. Қонунчилик ҳамиша сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий маданиятнинг йиғма маҳсулоти, тегишли ижтимоий муносабатларга измини ўтказишнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегарасини белгилашга нисбатан жамиятнинг англаб етилган эҳтиёжларининг амалга оширилишидир.

Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонунчиликнинг ривожи, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш механизмларининг самарадорлигини ошириш, бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясида кўзда тутилган мақсадларга эришишнинг асосий омилларидир.

Ўзини ўзи назорат қилиш саволари:

1. “Миллий хавфсизлик” тушунчаси нимани англатади?
2. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизликни таъминлаш борасида қандай халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатган?
3. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизликни таъминлаш борасида қандай халқаро ҳуқуқий хужжатларга қўшилган?
4. Миллий хавфсизликнинг объекти бўлиб нималар ҳисобланади?
5. Ҳарбий доктрина деганда нимани тушунасиз?
6. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари қандай ҳуқуқий хужжатлар билан белгиланган?

XXXIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1-§. Жамиятни демократлаштириш– Конституцияни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шарти

2-§. Конституция ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар

3-§. Жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилашнинг конституциявий асослари

4-§. Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантириш

5-§. Конституция ва кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш

6-§. Конституция ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш

7-§. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: демократлаштириш ва замонавийлаштириш

8-§. Конституция ва мустақил “тўртинчи ҳокимият”

9-§. Конституция ва Инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтлар тизимининг такомиллашиб бориши

10-§. Конституция ва оила

1-§. Жамиятни демократлаштириш – Конституцияни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шарти

Ўзбекистон Республикаси учун XXI аср бошида ҳаётимизнинг барча соҳаларини Конституция нормалари асосида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида устувор вазифаларни аниқлаб, яқин келгусидаги фаолиятимизнинг бош мақсад ва мазмунини белгилаб олишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузалари алоҳида ўрин тутади.[1]

[1] Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., ”Ўзбекистон”, 2005, 30-93-бетлар.

Маълумки, мустақилликнинг ўтган қисқа тарихий даврида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳам туб ислоҳотлар изчил амалга оширилди. Ҳур Ўзбекистон эркин демократик конституциявий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек буюк мақсад сари ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан бормоқда. Ҳаётнинг ўзи, жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг ўзбекча моделини танланган йўлимиз ва тамойилларимизнинг тўғри эканини кўрсатмоқда.

Қисқа фурсатда Ўзбекистонда Конституция замирида тамомила янги сиёсий ва ҳуқуқий тизим шаклланди. Фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги ва тафаккурида, дунёқарашида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Одамларимизнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ниятларининг қатъийлигини 2002 йилги умумхалқ референдуми ва 2004 йилги икки палатали Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади.

Дарҳақиқат, одамларимизда ҳозирги замоннинг моҳиятини тушунишга интилиш, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларда фаол иштирок этишга бўлган ҳаракат ҳисси кучайиб бормоқда.

Шу муносабат билан жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичдаги асосий вазифалари ва устувор йўналишларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш зарурлигини англаб етиш халқнинг ички эҳтиёжларига ва жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар муқаррарлигини таъминлашга интилишига асослангандир. Фақат конституциявий давлат ва адолат фуқаролик жамияти социал тараққиёт ва сиёсий барқарорликни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди.

Жамиятни демократлаштириш деганда нимани тушуниш керак?

Биринчидан, шахс, жамият ва давлат томонидан жаҳонда умум эътироф этилган демократик-ҳуқуқий қадриятларни мамлакат аҳолисининг маданий-

тарихий тажрибаси ва ижтимоий руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўзлаштиришнинг тадрижий жараёнини.

Иккинчидан, миллат ҳаёти ва фаолиятининг барча ижобий механизмларини янгилаш ва конституциявий қадриятларга мослаштиришни тушунмоқни англатади.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди.

Ҳозирги дунёда демократик тараққиёт қадриятлари, конституциявий тамойиллари ва меъёрлари борган сари ҳар томонламалик касб этиб бормоқда, уларнинг зарурлиги ва таъсирчанлиги эндиликда ҳеч қаерда инкор этилиши мумкин эмас. Бунда демократия ва тараққиёт сари боришнинг миллий моделлари тобора кенг ўрин тутмоқда. Ўзбекистоннинг давлат сиёсати ва ижтимоий ҳаётида демократик тараққиёт қадриятлари, конституциявий тамойиллари ва меъёрларининг ҳар томонламалиги тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Демократлаштиришнинг миллий моделлари конституциявий тараққиётнинг умумэътироф этилган меъёрларини ўз маданияти ва анъаналари, халқнинг ақл-заковати ва муайян ижтимоий-тарихий ва сиёсий шарт-шароитларга асослаган ҳолда мослаштиради.

Ўзбекистонда демократлаштириш ва янгилашнинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш, янги конституциявий тузумга ўтишнинг ўзимизга хос ва мос модели. Бу иқтисодиётда фалаж терапиясидан воз кечишга асосланган, аҳолининг энг ҳимояланмаган қатламларини (кам таъминланганлар – ногиронлар, кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар ва талабаларни) мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳамда иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказиш борасида жаҳонда тўпланган илғор тажрибани Ўзбекистоннинг мавжуд шароитида мустақил қўлланишга қаратилган йўлдир.

Иккинчи йўналиш, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги. Бу ўтқазилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг изчил ва тадрижий бўлишини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги демократик институтларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини барпо этишни, институционал тузилмаларни замонавийлаштириш ҳамда миллий маънавият ва маданиятни конституциявий тамойилларга мослаштиришни назарда тутади.

Учинчи йўналиш, Конституциявий давлат ҳокимияти механизмларини демократлаштириш. Конституция асосида ҳокимият тармоқлари – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг бўлиниши амалга ошди. Давлат аппаратининг чексиз ҳукмронлигидан воз кечиш ва жамиятдаги турли манфаатлар ҳамда муносабатларни мухтасар шаклда ифодалашга даъват этилган сиёсий институт сифатида демократик ҳуқуқий конституциявий тузум шаклланмоқда.

Тўртинчи йўналиш, сиёсий тизимда фуқаролик жамиятини шакллантириш. Бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва жамоатчилик фикрини ўрганувчи, Ўзбекистон учун мутлақо янги демократик институтлар вужудга келиши, янгидан тузилган сиёсий партияларнинг мустаҳкамланиши, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари пайдо бўлиши демакдир.

Фуқаролар жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этиши, ҳокимиятнинг вакиллик органлари уларни қандай бошқараётгани, бу органларда уларнинг манфаатлари қандай рўёбга чиқарилаётгани ҳақида ахборот олишдан иборат конституциявий ҳуқуқларни тушуниб етишларига ва бу ҳуқуқларидан фойдалана олишларига эришмоқ лозим.

Биз бугунги демократлаштириш жараёнларига жамиятимизни эркинлаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз.

2-§. Конституция ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилаш мамлакатимизни модернизация қилиш йўлида амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар кенг қамровли ва муҳим масалалардир. Бу масалалар Конституция қоидаларини ҳаётга изчил татбиқ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг бир неча сабаблари бор.

Биринчи сабаби, биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида конституциявий тузумни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари бўйича ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни асосан амалга ошириб бўлдик. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда туб демократик ўзгаришлар амалга оширилди. Янги конституциявий институтлар тизими шаклланди.Ўзбекистонда демократик конституциявий тузум барпо этилди.

Амалда ҳақиқий кўппартиявийлик муҳити қарор топмоқда. Жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг сони ошиб, мавқеи ўсиб бормоқда. Улар фақат аҳоли турли қатламлари ва гуруҳларининг манфаатларини ифода этибгина қолмай, балки одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчи сабаби, мамлакатимизда изчил ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг пойдевори бўлиб хизмат қиладиган, уларнинг ортга қайтмаслигини кафолатлайдиган мустаҳкам конституциявий замин яратилди. Янги сиёсий тизимнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари барпо этилди.

Учинчи сабаби, истиқлол йилларида одамларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури ва дунёқараши, сиёсий ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Кишиларимиз сиёсий ва ҳуқуқий онгида демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги, сиёсий ислоҳотларни зарурлигига ва мамлакатимизнинг буюк келажагига бўлган қатъий ишончи ошиб бормоқда. Юртбошимиз иборалари билан айтганда, тараққиётимизнинг бугунги босқичида инсон омили жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи қудратли кучга айланди.

Тўртинчи сабаби, Ўзбекистон бутун дунёда халқаро ҳуқуқ ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан олинди ва унинг бу

мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Биз демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойилларини тан оламиз. Бу тамойиллар мустақиллигимиз Қомуси бўлмиш – Конституциямизда ўз ифодасини топган.

Бешинчи сабаби, XX асрнинг охирида юртимизда кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида Республика Президенти ва Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш борасида ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни изчил ривожлантириш ва янада чуқурлаштиришга бўлган хоҳиш-истагини яна бир бор яққол намоён қилди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бизнинг асосий ва муқаддас вазифамиз – одамларнинг ана шу ишонч ва умидларини оқлашдир.

Олтинчи сабаби, XXI аср бошида биз сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларимизнинг усутувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур. Сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар борасида эришган ютуқларимизни таъкидлаш билан чекланиб қолмаслик керак. Аввало, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар йўлидаги мавжуд муаммолар ҳақида кўпроқ гапиришимиз лозим.

Эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш- бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир.

3-§. Жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилашнинг конституциявий асослари

Жамиятни эркинлаштириш ва янгилаш борасида, аввалambор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Бу соҳада беш йўналишни кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш, ижтимоий тараққиётга халақит берадиган меросдан қутула бориб, Ўзбекистонда халқнинг тарихий мероси ва маданияти сарчашмаларидаги барча фойдали нарсалар сақлаб қолинмоқда, унинг шарқона

анъанавий тафаккур салоҳияти ҳисобга олинмоқда. Ўзбек халқининг бой маданиятидан, маориф, таълим, фан тизимининг муайян ютуқларидан, шунингдек миллий анъаналаридан воз кечмаслик лозим. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг дунёвий хусусияти, шунингдек, уларнинг – барча диний конфессияларга чуқур ҳурмат билан қараши эркинлаштириш кафолатлари жумласига киради.

Иккинчи йўналиш, демократлаштиришга босқичма-босқич ўтиш ғоясининг стратегик аҳамияти нафақат жамиятда сиёсий барқарорликни сақлаб қолишдан, балки вужудга келаётган фуқаролик жамияти учун ҳуқуқий, сиёсий, ахборот-маърифий ва психологик шарт-шароит яратишдан иборат.

Учинчи йўналиш, давлат раҳбарияти бозор муносабатларига ўтиш борасида танланган йўлнинг мазмун-моҳияти ва тўғрилигини доимо тушунтириб бориш масъулиятини ўз зиммасига олди. Давлат ислоҳотчи вазифасини бажараяпти ва фуқаролар Конституция ва қонунларга кўра ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларида уларни фаол бўлишга рағбатлантирмоқда. Тан олиш керакки, ҳозирча мамлакат раҳбариятининг ўзи мавжуд камчиликларнинг асосий танқидчисидир. Бироқ жамоатчилик фикри, фуқаролар мурожаатлари бундай танқидга ундовчи сабаблар бўлмоқда.

Тўртинчи йўналиш, аҳоли барча ижтимоий қатламлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий манфаатлар мувозанати, шунингдек миллатлараро ва конференцияларараро (Ўзбекистонда 120 дан зиёд миллий жамоалар бўлиб, ўзбеклар аҳолининг салкам 78 фоизини ташкил этади) тотувлик мувозанати таркиб топди, сақлаб турилибди ва ривожлантирилмоқда.

Жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали изчил механизми шакллантириш,мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётининг мукаммал кафолатидир.

Бешинчи йўналиш, энг муҳими – муайян қийинчиликларга қарамай, мамлакатни модернизация этиш, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ислоҳотлар ўтказиш учун имкониятлар очмоқда.

4-§. Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантириш

Конституция асосида Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш учун эҳтиёж борми?

Бу саволга қатъий ҳа деб жавоб бериш мумкин. Бу ерда совет даврида амал қилган, бита ҳукмрон сиёсий партия кўрсатмаларини бажарган тоталитар маъмурий-буйруқбозлик давлати жуда қисқа муддатда ислоҳ қилинаётган миллий демократик давлатга айлантирилди. Бошқа ижтимоий-маданий ва сиёсий-руҳий сабаблар билан бир қаторда, демократик тажриба ва унинг ривожланган институтлари йўқлиги фуқаролик жамиятини шакллантиришда орқада қолишга сабаб бўлди. Бундай аҳволни бартараф этишда асосий куч - юксак сиёсий маданиятли фуқаролар ва ислоҳотчи-давлатнинг ўзидир.

Ўзбекистон демократик фуқаролик жамиятини жадал шакллантириб боришдан манфаатдор.

Биринчидан, чунки шу аснода мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари олға силжиши йўллари ва усуллари хусусида фуқаролар келишувига эришиш тўғрисида норасмий ижтимоий шартнома тузиш ва уни рўёбга чиқаришда давлат учун шерик вужудга келтирилди.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти ўз институтлари орқали шахснинг давлат ишларини бошқаришда кенг иштирок этишини таъминлаган ҳолда, давлатда вакиллик демократиясининг ва мамлакатдаги сиёсий тизимнинг асоси ҳисобланади.

Учинчидан, Ўзбекистон халқи фуқаролик институтлари ва механизмлари, аввало, сайлов тизими референдум, умумхалқ муҳокамалари орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаши учун барқарор шарт-шароитлар яратмоқда.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва конфессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ўзаро мақбул мувозантидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқади.

Бешинчидан, демократик жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига асосланган. Ўз навбатида, унинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рағбатлантириб боради ва давлатнинг бюрократлашуви, унинг институтлари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларидан узилиб қолиши хавфига қарши туради.

Жамиятни демократлаштириш жараёнида, аввало, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш лозим.

Адолатли фуқаролик жамиятининг асослари шаклланаётган пайтда сиёсий кўппартиявийлик, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эркин ва демократик матбуот каби демократик институтларни ривожлантириш ташкил топиши муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар ўзлари учун янги бўлган сиёсий танлов имкониятига, жамоатчилик тузилмалари эса-фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланиш учун мусобақалашиш имкониятига эга бўладилар.

5-§. Конституция ва кўппартиявийлик тизимни қарор топтириш

Демократлаштиришнинг даражаси сиёсий партиялар сонига қараб аниқланмайди, балки фуқаролик жамиятининг эҳтиёжларига ва муайян сиёсий гуруҳлар унинг туб манфаатларини ифодалашига боғлиқ бўлади. Ўзбекистонда ижтимоий фикр анъаналари шундайки, сиёсий партия тушунчаси унинг анча кўп сонлилиги, аҳолининг кўпгина қатламларидаги, минтақалардаги таъсири, унинг вакиллари давлат ҳокимияти тизимида иштирок этиши кўлами, энг муҳими, фуқароларни қизиқтирадиган муаммоларни ҳал этишга қодирлиги билан белгиланади.

Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари,

жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим.

Сиёсий партияларга қўйиладиган талаблар рейтингида давлатнинг конституциявий нормаларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш биринчи ўринга қўйилган. Сиёсий партия тушунчаси, агар бундай партия ҳуқуқий асосда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган уставига мувофиқ иш олиб борсагина қўлланилади.

Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Конституциямизнинг 34-моддасида, Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонунда (1996 йил 26 декабр) ва сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги Қонунда (2004 йил 30 апрель) таърифлаб берилган. Давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва мансабдор шахсларнинг сиёсий партиялар ички ишларига аралашишлари ёҳуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддасида сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўймаслиги белгилаб қўйилган. Агар совет даврида ҳукмрон якка ҳоким партиянинг раҳбарлари ўз амрини давлат ҳокимияти органларига ўтказган, қонунларни инкор этган бўлсалар, эндиликда қонун бундай хатти-ҳаракатларнинг ғайриқонунийлигини алоҳида белгилаб қўйган.

Конституциянинг 77-моддаси ва Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонун парламентда ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида фаолият юритиш учун партияларга кенг имкониятлар беради. Ўз вакиллари уларга сайланган тақдирда, улар қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари, ҳукуматга ва маҳаллий давлат органларига сўров билан мурожаат этишлари, муҳокама

қилинаётган кун тартиби бўйича партия нуқтаи назарини тушунтириб беришлари мумкин.

Барча сиёсий партиялар жамиятда обрўли кишиларга ва ёшларга таянишга интилади. Ҳар бир сиёсий партия барча асосий масалалар бўйича у ёки бу даражада ҳукуматни қўллаб-қувватлашини ва уларни амалга ошириш усуллари тўғрисида таклифлар билдиришда муаяйн мустақилликка эгалигини эълон қилади.

Сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва фаоллари ўзларининг шиорларига фуқароларнинг аксарияти лоқайдлигини ва уларни сайловларда қўллаб-қувватлашга тайёр эмаслигини тан оладилар. Буни бартараф этиш учун сиёсий партиялар ўз раҳбарияти таркибига ёшларни киритишни ва айни чоғда маҳаллаларда обрўли, партия сиёсатининг тарғиботчилари бўлишга тайёр фуқароларни жалб этишга интилади. Шу мақсадда жамоатчилик фикри ўрганилади, ҳамда халқ байрамлари ва миллий байрамлар муносабати билан оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилади.

Улар халқ хокимият ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажариши лозим бўлган демократик институтга тезроқ айланиши ўта муҳимдир. Модернизация ва ислоҳотчилик ғояларини ва уларни рўёбга чиқариш дастурларини кўтариб чиқиш борасида партиялар ўртасида чинакам кимўзарлик, рақобат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги кўппариявийлик – бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир.

6-§. Конституция ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш

Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги уларнинг партиялардаги аъзолиги орқали ҳам, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти орқали ҳам, гарчи у ҳокимият вакиллик органларига сайловларда қатнашмай, сиёсий ва мафкуравий курашдан четда турсада, рўёбга чиқарилиши мумкин.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бормоқда. Сўнгги йилларда жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари сони 5000 тадан ошди. ”Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда”[1].

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланаётган фуқаролик механизмидир. Фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган бу кўнгилли, ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади. Барча нодавлат ва жамоат бирлашмаларини бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ: аҳоли муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бундай ташкилотлар жумласига: “Маҳалла” жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар уюшмаси, “Камолот” ёшлар жамғармаси, “Нуроний” фахрийлар жамғармаси киради.

Иккинчи гуруҳ: ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар: “Экосан”, “Соғлом авлод учун” жамғармаси, Амир Темур маданий-тарихий жамғармаси, матбуотни демократлаштириш ва журналистларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Оролни қутқариш жамғармаси, Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани.

Учинчи гуруҳ: ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар: Шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, судьялар ва адвокатлар ассосациялари.

Тўртинчи гуруҳ: миллий маданият марказлари (юстадан зиёд), Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоалар вакилларини маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсадида бирлаштирган.

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999, -384-бет.

Олтинчи гуруҳ: умуммиллий хайрия жамиятлари, жамғармалари: Болалар жамғармаси, болалар уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси,. Республика талабалар жамғармаси.

Еттинчи гуруҳ: ижтимоий аҳамиятли ва ижодий қизиқишлар билан боғлиқ, асосан, экология масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалари: сайёҳлик ва бадиий ҳаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари.

Саккизинчи гуруҳ: жамоат муассасалари: “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, шунингдек Самарқанддаги мушкул вазиятларда аёллар ва ўсмирларга руҳий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи “Сабр” ишонч маркази каби ҳукуматга қарашли бўлмаган маҳаллий ижтимоий муассасалар.

Қисман ҳукуматга қарашли ҳолда (давлатнинг ташкилий ва моддий-молиявий қўллаб-қувватлашида) тузилган бир қатор жамғармалар, марказлар ва жамиятларнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга айланишини тенденция сифатида эътироф этиш мумкин. Бу Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳаракатининг шаклланишига хос хусусиятдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

1. Ўз устави Конституция ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган тақдирда уни адлия органларида рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

2. Ўзининг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳар қандай қонуний асосда ишлаб турган дунёвий ташкилот ва фуқаролардан ҳомийлик ёрдами олиши мумкин.

3. Мамлакат минтақаларида ўз филиаллари ёки бошқа таркибий бўлинмаларин тузади, бошқа ноҳукумат ташкилотларнинг муассислари бўлиши мумкин.

4. Ижодий, хайрия, маданий-маърифий ахборотга оид, ижтимоий кўмаклашувга оид ва жамият учун фойдали бошқа фаолиятни амалга оширади

5. Зарурият бўлганда муҳтож фуқаролар ёки бошқа ноҳукумат ташкилотларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлайди.

6. Ўз устави доирасида халқаро фаолият билан шуғулланиши ва чет эл нодавлат ташкилотлари билан алоқа боғлаши мумкин.

7. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов компанияларида ёки бошқа сиёсий фаолиятда иштирок этмайди.

8. Одамлар соғлиғи ва руҳиятига зарари, Ўзбекистон Республикаси халқининг маънавий ва маданий қадриятларига путур етказишга қаратилган фаолият олиб бормайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришнинг яқин истиқболлари қандай? Нодавлат нотижорат ташкилотлар шаҳар ва маҳаллаларда, шунингдек, ёшлар, аёллар, нафақахўрлар ўртасида жадал ривожланади. Ноҳукумат ташкилотларнинг ҳокимликлар томонидан қўллаб қувватланадиган ижтимоий лойиҳалари оммавийлашади.

“Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамият манфаатлари уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи вазифани бажариши лозим”[1].

7-§. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: демократлаштириш ва замонавийлаштириш

Ўзбекистонда ислоҳ қилинаётган сиёсий тизимда пайдо бўлаётган янгиланишлар билан бир қаторда, кўникиб қолинган ижтимоий тузилмалар ҳам бемалол амал қилмоқда. Улар янгиликлар таъсирида ўзгараяпти, шунингдек биз хоҳласак-хоҳламасак, жаҳондаги демократлаштириш тажрибасини қўллашга таъсир кўрсатади. Бу кўп авлодли(катта оила), тенгдошлар ва ҳамюртларнинг уюшмаси (гап, жўра), қўшниларнинг ҳудудий жамоаси-маҳалладир. Маҳалла

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001, 10-11 бет.

Ўзбекистонда кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, ҳозирда унинг мақоми шаҳарлар ва қишлоқларда маъмурий муносабатларни демократлаштириш асоси сифатида замонавийлашмоқда.

Совет даврида аввало якка тартибда қурилган уйларда ва шаҳарнинг эски қолган қисмларида яшовчи (шу жумалан кўп миллатли) аҳоли ўртасида ишлаб турган маҳалла тизимининг ҳуқуқлари чекланган эди. Бироқ маҳаллалар бирдамлик ва ўзаро ёрдам муаммоларини анча самарали ҳал қилар эди ва шу аснода инсонпарварлик муносабатлари сақланиб қолган эди. Эндиликда саноат шаҳарларининг кўп қаватли даҳалари ва кўчалари аҳолиси ҳам маҳалла бўлиб яшашнинг ташкилий ва маданий тамойилларига кўра бирлашдилар.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан деморкатик посанги бўлиш ва тийиб туриш тизимида масъулиятли ўрин тутади. Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалардан келиб чиққан. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Қонун белгилайдики, қишлоқ ва овулларда, шунингдек шаҳарлардаги турар жойларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Улар 2,5 йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. 2004 йил 29 апрелда ”Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида” Қонун қабул қилинди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қандай ишлар билан шуғулланади?

Биринчидан, фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш борасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашади.

Иккинчидан, ўз ҳудудида ижтимоий ва оммавий тадбирларни ўтказиш, қонунларни ижро этишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига кўмаклашиш мақсадида фуқароларни уюштиради.

Учинчидан, миллатлараро тотувлик бўлишига кўмаклашади негаки кўпгина аҳоли пунктларининг этник таркиби хилма-хилдир.

Тўртинчидан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз мулки, молияси, бюджетига эга, кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар,

ҳунармандчилик цехлари ташкил этади, ана шу мақсадлар учун банк кредити олади.

Бешинчидан, фуқаролар йиғинининг энг эътиборли ваколатларидан бири-оқсоқолларнинг корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашдир.

Олтинчидан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши орқали давлатнинг ижтимоий ёрдамидан фойдаланишни ҳуқуқий расмийлаштириш ва ижтимоий ёрдамни ўта ночор аҳолига тақсимлаш амалга оширилади.

Яшаш жойларида аҳоли ўртасидаги ҳукуматга қарашли бўлмаган барча ишлар тизимини бутун мамлакатда ўз бўлимларига эга бўлган нуфузли « Маҳалла» жамғармаси уюштиради.

Оқсоқол давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари манфаатларини ҳимоя қилади. Оқсоқол-туман ва шаҳарлар бўғинидаги давлат хизматчилари билан самарали ҳамкорлик қилиш ваколатига эга бўлган жамоат арбобидир. Ҳокимлар, қоида тариқасида, оқсоқолларнинг фикрига эътибор билан қарайдилар.

Жойларда бюджетни шакллантиришда маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига кўпроқ ўрин берилиши зарур. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви раҳбарларининг ижтимоий ва ишчанлик маданиятини ошириш мақсадида кенг жамоатчилик иштирокида уларни аттестациядан ўтказади. Маҳаллаларнинг расмий сардорлари албатта ёши улуғ кишилар бўлиши керак деб ўйламаслик лозим. Тўғри, уларнинг мутлақ кўпчилиги 40 ёшдан ошган, лекин 65-70 ёшдан юқори эмас. Шундай ҳолатни кузатиш мумкин: агар оқсоқолликка анча кекса киши сайланган бўлса, унинг маслаҳатчилари орасида ўрта ёшли кишилар кўпроқ бўлади. Ва аксинча: ўрта ёшли оқсоқолларнинг маслаҳатчилари-кўпроқ кексалар. Бу кишилар кўчалар, кўп қаватли уйлар ёки анъанавий маҳаллаларда қариндош оилалар бирлашмаси вакилларидир. Хулоса қилиб, Ўзбекистон жамоасини оилалар бирлашмаси деб қараш мумкин.

8-§. Конституция ва мустақил “тўртинчи ҳокимият”

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов оммавий ахборот воситаларини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини бир неча марта таъкидлаб ўтганлар. [1] “Оммавий ахборот васиталари жамиятимизда ҳақиқий «Тўртинчи ҳокимият» га айланиши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак».[2]

Мамлакатимизда мустақил сиёсий тараққиётнинг биринчи босқичида оммавий ахборот воситаларининг аксарияти Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқнинг суверен субъекти сифатидаги, ўзининг кўп миллатли халқи, миллий манфаатларни ифодаловчи сифатидаги моҳияти ва аҳамиятини фуқаролар онгига етказиб бера олдилар. Оммавий ахборот воситалари миллатлараро осойишталик ва тотувлик сақланиши ҳамда мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда, Конституция ва қонунларни, ислоҳотларнинг боришини тушунтириб бермоқда. Айни чоғда демократик жараёнларнинг чуқурлашуви оммавий ахборот воситаларидан касбий малака ва маҳорат янгича, юксак даражада бўлишини, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига дахлдор муаммоларга рўйи-рост қарашини, уларни кўтариб чиқишини талаб қилмоқда.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий негизини «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (иккаласи-1997 йил 24 апрелда қабул қилинган) ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (1997 йил 26 декабрда қабул қилинган),”Ахборот эркинлиги принципларива кафолатлари тўғрисида”ги(2002 йил 12 декабрь қабул қилинган) Қонунлар жиддий мустаҳкамлади. Улар вужудга келтирган янги ҳуқуқий имкониятларни оммавий

[1] Қаранг: Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. – Т: Ўзбекистон, 1996 -30-33 бетлар; Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т: Ўзбекистон, 1999 -30-31 бетлар.

[22]Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз-Т: Ўзбекистон, 2000 11-12 бетлар.

ахборот воситаларининг ўзига хос муаммолари билан солиштирилса, уларнинг вазифалари ва уларни янгилаш истиқболлари яққолроқ аён бўлади.

Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш Ўзбекистон қонунчилигида янгиликдир. Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланди.

Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил «Тўртинчи ҳокимият» сифатида ишлаши учун нималар қилиши зарур?.

Биринчидан, давлат ҳокимиятининг барча «тармоқлари», сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, уларнинг раҳбарлари, мансабдор шахслар оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини қонун йўли билан кафолатловчи барча нормаларни рўёбга чиқаришда намуна бўлишлари лозим. Суд журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг ҳимоячиси бўлиши керак.

Иккинчидан, самарали ишловчи ва халқаро андозаларга мос журналист кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш миллий тизимини шакллантириш лозим.

Учинчидан, шундай шарт-шароит яратиш керакки, токи норасмий жамоатчилик фикри, ноҳукумат ташкилотлар, жамиятда обрў-эътиборли фан ва маданият орбоблари журъатли ва ҳалол журналистларни фаолроқ қўллаб-қувватласинлар.

Тўртинчидан, мамлакатимиздаги хусусий инвестицияларни оммавий ахборот воситаларига, матбаа воситаларини янгилашга сарфлашни рағбатлантириш керак.

Бешинчидан, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш лозим.

Санаб ўтилган ва бошқа бир қатор амалий ташкилий, ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш «Ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиши, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишининг ўта муҳим

масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демакдир».[1]

9-§. Конституция ва инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтлар тизимини такомиллаштириш

XXI аср бошида олдимизда мураккаб вазифалар турибди:

Биринчидан, бутун бир авлоднинг руҳиятини ўзгартириш ва унда янги сиёсий ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш:

Иккинчидан, жамиятимизнинг айрим гуруҳлари ўртасида ҳар қандай экстремизмни, муросасизликни истисно этиш ҳамда ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишга кўмаклашиш.

Ўзбекистон юздан ортиқ халқаро шартномалар ва конвенцияларга, шу жумладан инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишдан ортиқ ҳужжатларга қўшилди.

Булар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги, оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенциялар бор.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари тизимини вужудга келтирувчи юздан ортиқ муҳим қонунлар қабул қилинган. Бу қонунлар инсон ҳуқуқларининг қуйидаги турларига бағишланган.

Биринчидан: фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар. Чунончи, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрирда), таълим тўғрисида, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида, фуқароларни ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида бошқа қонунлар қабул қилинди.

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон 2000 йил 12 бет.

Иккинчидан: фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар. Сиёсий партиялар тўғрисида, оммавий ахборот воситалари тўғрисида, Президент сайлови, Олий Мажлисга сайлов тўғрисида , маҳаллий Кенгашларга сайлов тўғрисида, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида, касаба уюшмалари тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Учинчидан: фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига оид қонунлар. Бу соҳада ҳозирдаёқ юзга яқин, шу жумладан мулк, тадбиркорлик, ижара, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, суғурта, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига содиқ бўлишни ўз миллий манфаатларимиз тақозо этмоқда. Бу Ўзбекистон учун халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги эътироф этилишини, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашга мойилликни, демократия, фуқаролар осойишталиги, миллий ва миллатлараро тотувлик ғояларига содиқликни билдиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсияларига кўра Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича қуйидаги миллий институтлар тузилган ва ишлаб турибди:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсман) (1995 йил).

2. Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти (2005 йил).

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (1996 йил).

Омбудсман Ўзбекистонда анча кенг ҳуқуқий мақомга эга.Унинг фаолияти давлат ва фуқаро, жамият ва шахс ўзаро алоқаларини энг муҳим соҳаларини, тарбиявий ва маърифий вазифаларни қамраб олади. Омбудсман инсон ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, бу

бузилишларни бартараф этиш чораларини таклиф этади, уларга йўл қўйган шахсларни қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортиш тўғрисида мурожаат этишга ҳақлидир.

Омбудсман мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши билан боғлиқ вазиятни ўрганиши ва таҳлил этиши, уларнинг бузилишини келтириб чиқарадиган ҳолатларни аниқлаши, миллий қонунчилик ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларга мувофиқлигини таҳлил этиши, инсон ҳуқуқларига риоя этилишига қаратилган амалий чора-тадбирларни назарда тутувчи дастурларни ишлаб чиқиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Омбудсман томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар жаҳондаги 100 дан ортиқ мамлакатда ишлаб турган умумий йўналишларига тўла мос келади. Ўрта Осиё давлатлари ичида Омбудсман биринчи бўлиб Ўзбекистонда ишлай бошлади.

Фуқаронинг шикояти юзасидан текширишлар тугаллаганидан сўнг Омбудсман тегишли ташкилотларга юборадиган хулосалар инсон ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. "Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиснинг вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Омбудсманнинг хулосаси давлат идораси ва унинг мансабдор шахсига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахсларига йўлланиши мумкин. Жиддий бузилишлар тўғрисида Омбудсман ўзининг ҳар йилги маърузасида парламентга маълум қилади.

Ҳозирги кунда бу соҳада турган энг муҳим вазифалардан бир, мамлакатимиз минтақаларида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиш учун шарт-шароит яратиш, Омбудсман институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.[1]

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда.-Т:Ўзбекистон, 1999 йил 30-бет

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш,[1] инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган давлат ва жамоат ташкилотларнинг яхлит тизимини барпо этиш лозим[2].

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва демократик институтларни ривожлантиришдаги устувор йўналиш қандай? Шаҳар ва қишлоқларда одамларнинг, ёшларнинг, аёлларнинг кексаларнинг ўз ҳуқуқларини билиш ва улардан фойдаланишда бўлган интилиши кучайиб бормоқда. Бу Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги йилларида пайдо бўлган сиёсий ва ҳуқуқий маданияти учун янги ҳодисадир.

"Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор"[3].

10-§. Конституция ва оила

Шарққа хос жамиятни демократлаштириш кўп жиҳатдан оиладаги муносабатларга боғлиқ. Оилавий муносабатлардаги муаммоларни оилаларнинг энг обрўли ва кекса аъзолари (боболар, бувилар) томонидан муҳокама қилиш шаҳарларда сал камроқ, қишлоқларда-одатий ҳол ҳисобланади. Кўпинча муаммони ечишнинг ана шу усули оилавий масалалар бўйича расмий суд муҳокамасидан самаралироқдир.

Оилалардаги мавзу ҳаётни бекаму-кўст дейиш, эскидан қолган, аёллар ва болаларнинг қадр-қимматини камситувчи муносабатлар мавжудлигини, шунингдек турмуш тарзига кўра европалашган аҳоли қатлами ўртасида (фақат улар ўртасидагина эмас) оила ҳамиша ҳам барқарор эмаслигини инкор этиш хато бўлур эди.

[1] Ўша жойда.- 29-бет.
[2] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан,эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз.-Т: Ўзбекистон , 2000-12-бет
[3] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Т: Ўзбекистон, 2000.-12-бет.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Оила кодекси (1998 йил) жаҳон ҳамжамиятида умумий эътироф этилган ҳуқуқий нормаларга кўра тузилгани ҳолда, оила жамиятнинг таянч тузилмасидир деган тасаввурга асосланади. Жамоатчилик фикрида давлатни ўзига хос «Катта» оилага қиёслаш мустаҳкам ўрин олган.

Сиёсий тизимнинг бошқа барча таркибий қисмларига қараганда, оила давлатга нисбатан анча барқарор ва мустақил муносабатда бўлади. Оила ва унинг ривожланаётган бозор муносабатлари шароитидаги иқтисодий ўзига тўқлиги, қариндош оилаларнинг бирдамлиги ва оилаларнинг жамоадаги (маҳалладаги) бирдамлиги-айнан шу нарса шаҳар, туман ҳокимига, депутатларга, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларнинг қуйи ташкилотларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кучли омиллар мажмуидир. Ўзбек оиласининг шарқ ва ислом фалсафаси заминида шаклланган мустаҳкам ахлоқий маданияти унинг аҳолининг барча авлодларига таъсири ўтиш даврида фуқаролар ва ҳокимият тузилмаларининг ҳуқуқий маданиятида камчиликларни, ҳуқуқий механизмларини ҳаракатга келтиришдаги нуқсонларининг ўрнини кўп жиҳатдан тўлдиради.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиланинг тутган ўрни хусусиятлари орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, ҳуқуқий механизмлар, масалан ижтимоий ёрдам, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, жамоат тартибини таъминлашнинг самарали ишлаши оилани қўллаб-қувватлашига асос бўлади. Негаки, у давлат фаолиятини инсонийлаштиришга қаратилган кўпгина жамоат талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, сиёсий ислоҳотларнинг ва давлат фаолиятининг энг муҳим муаммоларини оилада норасмий баҳолаш, оилавий бирдамлик, шунингдек ахборот билан (электрон ахборот воситалари кенг тарқалиши эвазига) таъминлаш даражасининг ўсиши, бир томондан, жамоатчилик фикрини ва айниқса ёшлар ахлоқини барқарорлаштиради; иккинчи томондан, ислоҳотларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини

самаралироқ йўлга қўйиш мақсадида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаруви етакчилари ва депутатлар, жамоатчилик фикри орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таъсир кўрсатади.

Учинчидан, давлатнинг янги шароитларига ижтимоий-иқтисодий ва руҳий мослашишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари орқали оилаларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига бевосита боғлиқ ҳолда иш олиб бориши ижтимоий кескинликка нисбатан паст бўлишини ва ижтимоий портлашларнинг олдини олишни таъминлайди. 1998 йилни «Оила йили » деб, 2000 йилни эса «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши шундай кучли давлат сиёсатига мисол бўла олади.

Бозор ислоҳотлари ва эркинлаштириш жараёни билан боғлиқ барча ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга қарамай, ўзбек оиласининг барқарорлиги аввалгидай жамият ҳаётининг бутун тизимини жипслаштиришга қодир. Fарбга хос маданиятга ихлосманд оилалар анъанавий оилавий муносабатлардаги энг яхши маънавий қадриятларни, аввало ўз аъзоларининг фуқаровий нуқтаи-назари, жамоадагина эмас, балки жамиятдаги ишларнинг аҳволи учун ҳам жавобгарликни унутмасликлари ғоят муҳимдир. Шу билан бирга, эскича анъаналарга мойилроқ оилалаларнинг аксариятига ўз турмушларида аёллар, ёшларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришлари ва мустаҳкамлашлари, иқтисодий фаолиятга қўшилишлари, дунё ва маърифатга нисбатан кенгроқ тасаввурга эга бўлишларида ёрдам бериш зарур.

Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлари:

1. Жамиятни демократлаштириш деганда нимани тушуниш керак?
2. Ўзбекистонда демократлаштириш ва янгилашнинг қандай йўналишларини биласиз?

3. 2003 йил 24 апрелда Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг асосий мазмунини биласизми ?

4. Ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиланинг тутган ўрни қандай?

5. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича қандай миллий институтлар фаолият кўрсатмоқда?

6. Мараказий Осиё давлатлари ичида Омбудсман биринчи бўлиб қайси давлатда фаолиятини бошлади?

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ҳуқуқшунослик фани (хотима ўрнида)

Конституциямизнинг ҳар куни ҳаётимизга кириб бориши ҳуқуқшунослик фани олдига долзарб вазифаларни қўймоқда.

Аввалambор, мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқий вазиятни ҳеч бир бўёқларсиз ўрганиш зарур. Фуқароларимиз Конституция ва янги қонунларни қанчалик билишади, қонунлар самарадорлиги қандай, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари нимада, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишнинг қандай йўллари бор деган ва бошқа саволларга жавоб бериш зарур. Бунинг учун ҳуқуқ социологиясини ривожлантириш зарур. Негаки, ҳуқуқий ислоҳотлар тўғрисидаги ижтимоий фикрни ўрганмасдан туриб, ҳуқуқий тарбия ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисидаги давлат Миллий дастурини амалга ошириш мумкин эмас, ҳуқуқий-маърифий тарғибот ишлари йўналишларини белгилаб олиш қийин бўлади.

Иккинчидан, ҳуқуқшунослар олдида турган вазифалар кўлами шунчалар кенгки, олимларимиз ва амалиётчиларимиз ўз имкониятларини бирлаштирмоқликлари лозим. Бундай мувофиқлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида Ўзбекистон Ҳуқуқшунослари уюшмаси бўлиши мумкин.

Учинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 50 дан ортиқ ҳуқуқшунослик фанлари доктори, 300 дан ортиқ фан номзодлари бор. Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқшуносликнинг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш Тошкент давлат юридик институтида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида, Ички ишлар вазирлиги академиясида ва бошқа бир қатор ўқув юртларида олиб борилмоқда. Ҳуқуқшуносликнинг турли соҳалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш, қонун лойиҳалари ва янги қонунларга шарҳлар ёзиш, оммабоп ҳуқуқий адабиётларни яратишда олимларимиз кучларини бирлаштириш керак.

Бу вазифани ҳуқуқий фанлар бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш бажариши мумкин. Кенгаш ҳуқуқшунослик бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари мавзулрини, илмий-тадқиқот йўналишлари чоп этиладиган

ҳуқуқий адабиётларни, ўтказиладиган илмий-амалий анжуманлар режаларини ҳам мувофиқлаштириши керак.

Тўртинчидан, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини ташкил этишда, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстиришда ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда бой тарихий-ҳуқуқий меросимизни ўргатиш ва давлат тилини изчиллик билан жорий қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада ҳуқуқий меросимиз ёдгорликларини чоп этиш муҳимдир. Фикримизча, ўзбек ҳуқуқий тилининг изоҳли луғатини яратиш пайти келди.

Бешинчидан, ҳуқуқий тарбия- бу умумий шахс тарбиясининг узвий ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳуқуқий тарбияни ахлоқий, маънавий, сиёсий, диний, меҳнат тарбиясидан алоҳида олиб бориб бўлмайди. Айни вақтда, ҳуқуқий тарбия устувор вазифалардан бўлиб, у шахс руҳияти, психологияси билан боғлиқ.

Демократик ҳуқуқий давлат Конституция ва қонун устунлиги мутлақ бўлиши зарур. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларни билиши, уларга риоя қилиши, қонунга итоат этиши, уларнинг шахсий эътиқодига айланмоғи керак. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тарбия бўйича давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш – давр талабидир.

Ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар Ўзбекистон фуқароси мустақиллик Қомусимиз- Конституциямизни, унинг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши лозим. Конституциямизни нафақат ўқиш, балки чуқур уқиб олиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шу боис, Конституцияга ҳурмат ҳиссини шакллантириш-ҳуқуқий тарбия борасидаги энг устувор вазифадир. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг асосини Конституция руҳини аҳоли онгига сингдириш ташкил этади.

Конституцияни мустақил Ўзбекистоннинг муқаддас қонунига айлантириш-ҳозирги давр тақозосига айланмоғи керак. Ҳар бир диннинг муқаддас китоби бўлгани каби, ҳар бир мустақил давлатнинг муқаддас қонуни – бу унинг Конституцияси бўлмоғи керак. Бу **биринчи** конституциявий сабоқдир.

Иккинчиси, Конституция моддаларининг бевосита ҳаракатда бўлишини таъминлаш. Конституция бу бевосита амалдаги ҳуқуқ. Унинг ҳар бир қоидаси, сўзи ҳамма учун амалий ҳаракатлар дастури бўлиши зарур. Конституцияни ҳаётга татбиқ этиш нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг вазифаси, балки ҳар бир фуқаро ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний бурчидир. Конституция талабларини бажариш, уларга риоя қилиш ҳар биримизнинг эътиқодимизга айланмоғи лозим. Ана шундагина Конституцияни бевосита ҳаракатдаги қонун деб аташ мумкин бўлади.

Учинчиси, Конституция қабул қилинган кундан қанча узоқлашганимиз сари, унинг салоҳияти ва маҳобати, улуғворлиги ва ҳаётийлиги яққол намоён бўлиб бормоқда. Бу эса келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга киришган бизга катта ишонч, интилиш, қатъият ва куч-қувват бахш этади. Мустақиллик қомусимиз шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлажак. Чунки, биз ўз истиқлол ва тарққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олдик.

Тўртинчиси, моҳият жиҳатидан Конституция узоқ муддатга мўлжалланган, илмий асосланган ва пишиқ-пухта бўлиши қатъий талаб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқларига, истиқлол ва ижтимоий адолат, инсонпарварлик, демократия ғоялари, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига содиқлик, келажак авлод олдида масъулият сезиш, ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқий тажрибалари анъаналарига таяниш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизга муносиб ҳаёт, тинчлик, миллий тотувлик ва барқарорликни таъминлаш мақсади билан ғоят аҳамиятлидир.

Бешинчиси, истиқлол Қомусимизнинг тайёрланиши, муҳокама қилиниши, ва изчил ҳаётга татбиқ қилиниши бевосита йўлбошчимиз номи билан боғликдир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи қонуний Президенти Ислом Каримов Конституциямизнинг асосий ташаббускори ва ижодкоридир. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берадиган йўлчи юлдуз-бу мустақиллик Қомусимиздир. Конституция мустақил ватанимиз ва

давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш учун заруриятдир.

"Ўзбекистон республикаси Конституциявий ҳуқуқи" ўқув фанини ўрганиш бўйича тавсия этиладиган адабиётлар

1. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996.- 364-бет.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 бет.

3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996.-338 бет.

4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996.- 349 бет.

5. Каримов И.А. Янгача фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 бет.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 бет.

7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.-4 бет.

8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000.-528 бет.

9. Каримов И.А Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.10-Т.: “ Ўзбекистон”, 2002.-432б

10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “ Ўзбекистон”, 2003.-320б

11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “ Ўзбекистон”, 2004.-400б

12.Каримов И.А.: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.–Т.: Ўзбекистон, 1997.-326б

13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: « Ўзбекистон”, - 96б.

2. Конституция, қонун ва норматив ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциямизнинг XVIII ,XIX, XX ,XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). –Т.: Ўзбекистон,2003.-40б.

2.2.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 4 январдаги Ф-1322-сонли фармойиши. «Халқ сўзи», 2000 йил 3 январь.

2.3.Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31 августдаги конституциявий қонуни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000 йил. -317б.

2.4.Мустақиллик декларацияси/ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000 -317б

2.5.Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил 2 июль. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 6-сон.–Т.: Адолат, 1993.-147б

2.6.«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил 18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000. -317б

2.7.«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонуни. 1992 йил 2 июль.Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000. -317б

2.8. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонуни 1992 йил 10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000. -317б

2.9.«Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида»ги қонуни 1995 йил 21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000. -317б

2.10.«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»га қонуни. 1991 йил 18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000. -317б

2.11.Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 1994 йил 5 май. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000-317б

2.12.Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуни. 1996 йил 29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000. -317б

2.13 .Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 19-сон.–Т.: Адолат, 1998. 157б

2.14.Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил 30 август Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 10-сон.– Т.Адолат, 1995. 163б.

2.15.Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил майдаги «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 10-сон.–Т.: Адолат, 1995. 163б

2.16.Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги қонуни. 1995 йил 21 декабрь Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 12-сон.–Т.: Адолат, 1996. 146.

2.17.Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 13-сон: –Т.: Адолат, 1996. 172б

2.18.Ўзбекисгон Республикасининг Солиқ кодекси.–Т.: Адолат, 1999.-180б

2.19.Ўзбекисгон Республикасининг Оила кодекси.–Т.: Адолат. 1998.-142б

2.20.Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни 1999 йил 14 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон.–Т.: Адолат, 1999. 135б

2.21.Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.18-сон.–Т.: Адолат, 1998.148.

2.22.«Ўзбекисгон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»га Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекисгон Республикасининг янги қонунлари. 14-сон–Т.: Адолат, 1997. 159б

2.23.« Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида (Конституциявий Қонуни. 2002 й 4 апрель. //' Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси - 2002Й. №4-5. 60-модда

2.24 Ўзбекистон Республикасининг “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Адолат”, 1999

2.25 Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Адолат”, 1995

2.26 . " Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 522-II-сон Қонуни)

2.27. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 523-II-сон Қонуни)

2.28.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида (янги таҳрири) (Ўзбекистон Республикаси 28.12.1993 й. 990-XII-сон Қонуни)

2.29. . Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 480-II-сон Қонуни)

2.30 Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 24.04.2003 й. Қонуни)

2.31 ."Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 446-II-сон Қонуни)

2.32. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 434-II-сон Қонуни)

2.33. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 12.12.2002 й. 432-II-сон Конституциявий Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси 25.04.2003 й. 480-II-сон Қонуни)

2.35. Ўзбекистон Республикасининг «Президент сайлови тўғрисида »ги 1991 йил 18 ноябр (2004 йил 3 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

2.36 .«Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуни. 1993 йил 6 май. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 8-сон.–Т.: Адолат, 1994.(2003 й 29 август янги таҳрири)

2.37. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонун.. (Ўзбекистон Республикаси 2004 йил 2 декабр Қонуни)

2.38. “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати

аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси 2004 йил 2 декабр Қонуни)

2.39. «Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1994 йил 5 май. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 10-сон, –Т.: Адолат, 1994. 1999 йил 18 август, 2003 йил 27 августдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан.

2.40. «Маҳаллий ҳокимият идораларини кайта ташкил этиш тўғрисида»ги Ўэбекистон Республикасининг қонуни. 1992 йил 4 январь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 5-сон.–Т.: Адолат, 1992.

2.41. «Ўзбекисгон Республикасининг маҳаллий ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1993 йил 2 сентябрь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 9-сон.–Т.: Адолат, 1994.

2.42 .«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекисгон Республикасининг қонуни. 1999 йил 14 апрель. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 21-сон.–Т.: Адолат, 1999.

2.43. «Ўзбекистон^ Республикасининг Судлар тўғрисидааги қонуни. Халқ сўзи, 2001 йил 13 февраль.

2.44.Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни. “ Халқ сўзи” 2001 йил 30 август

2.45.«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1995 йил 30 август. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари, 11-сон, –Т.: Адолат.

3. Дарслик, ўқув қўлланмалари ва қўшимча адабиётлар

3.1.Абдумажидов Р. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонунига шарҳлар–Т.: Адолат, 1999.

3.2.Аъзамхўжаев А.А.Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан,–Т.: Узбекистан, 1993

3.3.Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият.Т.: Шарқ, 1997,

3.4.БобоевҲ.Б., Норматов К, Миллий давлатчилик ҳақида.Т.: Ўэбекистон, 1999.

3.5.Жалилов Ш.Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти. Тажриба ва муаммолар. –Т.: Ўзбекистон, 1994.

3.6.Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқиТ.: Адолат, 1998.

3.7.Инсон ҳуқуқлари. (муаллифлар жамоаси)Т.: Адолат, 1997.

3.8.Инсон ҳуқуқлари тўғрисида билль,–Т.: Адолат, 1992.

3.9. Исломов З.М.. Механизм осувществления государственной власти, - Т: Адолат, 1997.

3.10.Маҳалла - ўзини-ўзи бошқариш органи.–Т.: Фан, 1994.

3.11.Мингбоев У..Суд шундай ҳокимиятки..,"^Т.: 1999.

3.12.Муҳамедов Ҳ.М. Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий асослари.–Т.: Адолат, 1999.

3.13.Одилқориев Ҳ.Т. Новая Конституция-великий символ суверенитета Узбекистана,– Т: Адолат, 1993.

3.14.Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистоннинг янги Конститутцияси ва ҳокимиятлар бўлиниши принципи.Т.: 1993.

3.15.Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни.Т. Адолат, 1995.

3.16. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: Шарқ, 2002.-320б

3.17.Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар.Т.: Ўзбекистон 1991.

3.18.Саидов А,Ҳ. Мустақиллик қомуси.Т.: Ўзбекистон, 1993.

3.19.Саидов А.Ҳ. Қиёсий конституцияшунослик .Т-: 1995.

3.20.Саидов А.Ҳ. Сайлов ҳуқуқи.–Т.: 1994.

3.21.Саидов А.Ҳ. Жаҳон конституциявий амалиёти ва Ўзбекисгон Республикасининг Асосий қонуни.– Т: 1992.

3.22.Саидов А.Ҳ. Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари, –Т.: Ижтимоий фикр, 1998.

3.23.Саидов А., Султонов С. Ўзбекистон Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари.–Т.: 1999.

3.24. Саидов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари . Дарслик.-Т.: 2004

3.25.СаидовА.Х , Таджихонов У. Жаҳон Конституциялари.Т 1 Адолат, 2001

3.26.Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси Дарслик 2-жилдли –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 1998.

3.27.Тансиқбоева Г. М, Муҳаммеджонов О.З. Конституция ва биз.Т.: Адолат.1998.

3.28.Файзиев М.Ўзбекистон Конституциясининг моҳияти (ўқув қўлланма).Т.: Адолат, 1998.

3.29.Халилов Э.Ҳ. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекисгон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши.–Т.: Ўзбекистон, 1999.

3.30.Халқаро туманитар ҳуқуқ, инсонпарварлик ва ҳайрихоҳлик муаммолари институтлари.–Т.: Адолат, 2000.

3.31.Халқ ишончи-олий масъулият –Т.: Ўзбекистон, 2000.

3.32.Ҳусанов О. Т, Азизов Х. Т.Давлат ва ҳуқуқ асослари. (Изоҳли луғат).Т: Ўқитувчи, 1996.

3.33.Ҳусанов О.Т.: Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунига шархлар.Т.: Адолат, 1995.

3.34.Ҳусанов О.Т.: Ўзбекистон Республикасида давлат органлари.Т.: Шарқ, 1996.

3.35.Ҳусанов О.Т.: Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият.Т.: Шарқ, 1997.

3.36.Ўзбекистон Республикаси - мустақил давлат. (муаллифлар жамоаси).–Т.: Адолат, 1995.

3.37.Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар.–Т: Ўзбекистон, 2001.

3.38.Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси.–Т.: Ўзбекистон, 1993.

3.39.Ўразаев Ш.З.Мустақил Ўзбекистон Конституцияси.–Т.: 1995

3.40.Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 1997 й.

3.40. Конституции мира: Сборник конституций государств мира / Сост., авт.: У. Таджиханов, А. Х.Саидов, -Т., 1997 й.

3.41.Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи.Т. Молия нашр. 2002.-632б

3.42. Аҳмедов Д.Қ. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Т.: 2004, 38 б

3.43 .Ахмедов Д.К. Ҳорижий мамлакатлар давлат (конституциявий)

ҳуқуқи курсини ўрганиш юзасидан ўқув-услубий тавсиянома. Т.: - 1999.

3.44. Давлат ва жамиятнинг демократик янгиланиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муоммолари./ Илмий-амалий конференция материаллари//.Т.Тошкент давлат юридик институти. 2002.

3.45. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – давлат ва жамият ислоҳотининг ҳуқуқий асоси / Илмий амалий конференция материаллари. 2002.

3.46 .Ўзбекистонда ҳакамлик судлари. Таҳлил ва ривожланиш йўналишлари: илмий-амалий қўлланма / Таҳрир Кенгаши: Ҳ.Р. Раҳмонқулов, Ш.М.Асьянов, М.Ш. Куликова ва бошқ.; Маъсул муҳаррир: Ш.М.Асьянов.-Т., “ Шарқ”, 2004

3.47. Таджиханов У., А. Саидов, Х. Одилқориев. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (дарслик). —Т., «Шарқ», 2001. - 750б

И Л О В А Л А Р

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА 1992 ЙИЛ 8 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган

Муқаддима

Биринчи бўлим. Асосий принциплар

Иккинчи бўлим. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари

Учинчи бўлим. Жамият ва шахс

Тўртинчи бўлим. Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши

Бешинчи бўлим. Давлат хокимиятининг ташкил этилиши

Олтинчи бўлим. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ.
АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

I - боб. Давлат суверенитети

II - боб. Халқ хокимиятчилиги

III - боб. Конституция ва қонуннинг устунлиги

IV - боб. Ташқи сиёсат

I БОБ. ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

1-модда. Ўзбекистон - суверен демократик республика. Давлатнинг "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" деган номлари бир маънони англатади.

2-модда. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари - байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти - Тошкент шаҳри.

II БОБ. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

7-модда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

8-модда. Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

9-модда. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

10-модда. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга хақли эмас.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

12-модда. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

13-модда. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликларга Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

14-модда. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

III БОБ. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

16-модда. Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

IV БОБ. ТАШҚИ СИЁСАТ

17-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

ИККИНЧИ БЎЛИМ
ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

V - боб. Умумий қоидалар

VI - боб. Фуқаролик

VII - боб. Шахсий хуқуқ ва эркинликлар

VIII - боб. Сиёсий хуқуқлар

IX - боб. Иқтисодий ва ижтимоий хуқуқлар

X - боб. Инсон хуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари

XI - боб. Фуқароларнинг бурчлари

V БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро богликдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

VI БОБ. ФУҚАРОЛИК

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

VII БОБ. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

26-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоия қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси Фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

31-модда. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

VIII БОБ. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

33-модда. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йигилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

IX БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

38-модда. Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

X БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлгиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

46-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

XI БОБ. ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

47-модда. Барча фуқаролар Констиуцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

48-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

51-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

52-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ.
ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XII - боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари
XIII - боб. Жамоат бирлашмалари
XIV - боб. Оила
XV - боб. Оммавий ахборот воситалари

XII БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

53-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк

шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

54-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

55-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

XIII БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

56-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

57-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий

партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

58-модда. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жаомат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

59-модда. Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

60-модда. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

61-модда. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

62-модда. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

XIV БОБ. ОИЛА

63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

65-модда. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

66-модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

XV БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

67-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XVI - боб. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши

XVII - боб. Қорақалпоғистон Республикаси

XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

68-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

69-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

XVII БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

70-модда. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

71-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

72-модда. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

73-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

74-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

75-модда. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XVIII - боб. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

XIX - боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти

XX - боб. Вазирлар Махкамаси

XXI - боб. Махаллий давлат хокимияти асослари

XXII - боб. Ўзбекистон Республикасининг суд хокимияти

XXIII - боб. Сайлов тизими

XXIV - боб. Прокуратура

XXV - боб. Молия ва кредит

XXVI - боб. Мудофаа ва хавфсизлик

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

76-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил.

77-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

78-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тутатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

79-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

80-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;

13) ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

81-модда. Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тегишинча янги чақириқ Қонунчилик палатаси ва Сенати иш бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлислари тегишинча Қонунчилик палатасига сайловдан

кейин икки ойдан кечиктирмай ва Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сената мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик Суди раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон, Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда

ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

82-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қарорлари Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, ушбу Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

83-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

84-модда. Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилали.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

85-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери:

1) Қонунчилик палатасининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ, Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, бошқа давдат органлари, чет давлатлар, халқаро ва ўзга ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;

7) Қонунчилик палатаси қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери фармойишлар чиқаради.

86-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўз таркибидан Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Сенат Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорларига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси:

1) Сенат мажлисларини чақиради уларда раислик қилади;

2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

3) Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

5) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;

7) Сенат қарорларини имзолайди;

8) ушбу Конституция ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси фармойишлар чиқаради.

87-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан қўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузади.

88-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларига ва Сенати аъзоларига уларнинг депутатлик ёки сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан. фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси ёки Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

XIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

90-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

91-модда. Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

92-модда. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

"Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан".

93-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалар юзасидан маърузалар тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ тушурадиган хатти-ҳаракат содир

этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16) республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади;

17) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

18) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади;

19) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради;

21) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

22) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва

Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади;

24) Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

25) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

94-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

95-модда. Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёҳуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

96-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойгача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

97-модда. Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди

XX БОБ. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

98-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий

Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ушбу Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекитстон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

XXI БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ

99-модда. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

100-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамгармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

101-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати - 5 йил.

102-модда. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

103-модда. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

104-модда. Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

105-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

XXII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИ

106-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

107-модда. Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

108-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан - Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

109-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатьий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

110-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатьий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

111-модда. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

112-модда. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

113-модда. Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

114-модда. Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жаомат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

115-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

116-модда. Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

XXIII БОБ. САЙЛОВ ТИЗИМИ

117-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз ҳоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри

сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

XXIV БОБ. ПРОКУРАТУРА

118-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

119-модда. Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати - беш йил.

120-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

121-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

XXV БОБ. МОЛИЯ ВА КРЕДИТ

122-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

123-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

124-модда. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради.

XXVI БОБ МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК

125-модда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

126-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ
КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

127-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.

128-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга

олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. **“Конституция” сўзининг луғавий маъноси нима?**

а) Конституция лотинча “constitution” сўзидан олинган бўлиб, “ўрнатаман” деган маънони беради

б) Конституция грекча“constitution” сўзидан олинган бўлиб, “таъсис этаман” деган маънони беради.

в) Конституция грекча “constitution” сўзидан олинган бўлиб, “белгилайман” деган маънони беради.

г) Б,В жавоблар тўғри.

д) Конституция лотинча “constitution” сўзидан олинган бўлиб, “таъқиқлаш” деган маънони беради.

2. Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисида божхона, валюта ва кредит масалаларини қонуний тартибга солиш муҳокама қилинди. Қонун лойихаларини кўриб чиқишда Олий Мажлиси қонунчилик палатаси қўмита ва комиссиялар вакиллари, депутатлар сўзга чиқди. Кейинчалик Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисида қабул қилинган Президент фармонлари тасдиқланди. Олий Мажлиси қонунчилик палатаси мажлиси танаффусларида депутатлар фикр алмашишди ва журналистларга интервью бердилар. Олий Мажлис қонунчилик палатаси мажлисларидаги қайси муносабатлар конституциявий ҳуқуқнинг предметини ташкил қилмайди?

а) Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва комиссиялари вакиллари ўртасидаги муносабатлар.

б) Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва депутатлар ўртасидаги муносабатлар.

в) депутатлар билан журналистлар ўртасидаги муносабатлар.

г) Президент фармонларини тасдиқланиши.

д) божхона, кредит, валюта масалаларини қонуний тартибга солиш.

3. Ким ёки қайси орган референдум ўтказиш ташаббуси ҳуқуқига эга?

а) Республика Вазирлар Маҳкамаси

б) Республика фуқароси.

в) Республика Олий Мажлиси Сенати.

г) Марказий сайлов комиссияси раиси.

д) А,Б,В.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов қачон ўтказилади ?

а) 1 ой мобайнида

б) 2 ой мобайнида

в) 3 ой мобайнида

г) 6 ой мобайнида

д) 5 ой мобайнида

5. Ўзбекистон Республикасида Президенти сайлови ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов муддатлари бир пайтга тўғри келиб қолган тақдирда қандай йўл тутилади?

а) давлат ҳокимияти вакилик органларининг ваколат муддати бир йилга узайтирилади

б) Президаент ваколат муддати бир йилга узайтирилади

в) Марказий сайлов компанияси бу масалани ҳал қилади

г) Конституциявий суд бу масалани ҳал қилади

д) тўғри жавоб йўқ.

6. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг камида неча нафар аъзоси фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиши мумкин?

а) 1 нафар

б) 10 та

в) 9 та

г) 5 та

д) 15 та

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонуни қачон қабул қилинган.

а) 2002 йил 4 апрель

б) 2002 йил 12 декабрь

в) 2003 йил 29 август

г) 2003 йил 30 август

д) 2002 йил 10 декабрь

8. Ўзбекистон Республикасида қайси сайлов комиссияси вакиллик органининг ваколат муддатига сайланади.

а) участка сайлов комиссияси

б) округ сайлов комиссияси

в) марказий сайлов комиссияси

г) доимий комиссия

д) мандат комиссияси.

9. Ўзбекистон Республикаси фуқораси К. Афғонистон фуқорасига турмушга чиқиб унинг ватанига доимий яшаш учун кетди. Аммо фарзанд кўриш чоғида у Ўзбекистонга келди. Туғилган фарзанд қайси давлат фукароси булади?

а) Ўзбекистон фуқороси

б) Афғонистон фуқороси

в) Фуқороликка эга бўлмаган шахс.

г) Отаси ёки онасининг розилиги билан белгиланади.

д) Факат онасининг розилиги билан белгиланади.

10. Ўзбекистонда таълим олаётган чет эллик талаба Ўзбекистон фуқаросини фарзандликка олди. Ўқиш муддати тугагач у ўз ватанига қайтиб кетди. Боланинг фуқаролиги қандай белгиланади?

а) Ўзбекистон Республикаси фуқоролиги сақланади

б) Бола қилиб олган ота-онасининг фуқоролигига ўтади..

в) Фуқороликка эга бўлмаган шахс мақомини олади.

г) балоғат ёшига етгандан сўнг унинг розилиги сўралади.

д) боланинг қариндошларини розилиги билан белгиланади.

11. Чет эл фуқоролари ва фуқороликка эга бўлмаган шахслар қандай ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланмайди?

а) шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар.

б) сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар.

в) иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар.

г) бурч ва мажбуриятлардан.

д) шахсий ва сиёсий ҳуқуқлардан.

12. Ўзбек миллатига мансуб бўлган чет эл фуқороси Ўзбекистон элчихонасига уни Ўзбекистон фуқоролигига қабул қилишни илтимос қилиб ариза билан мурожат қилди.

Бу масалани ким ҳал қилади?

а) Ўзбекистон Республикаси элчихонаси.

б) Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири.

в) Республика Президенти.

г) Узбекистон ИИВ

д) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

13. Ўзбекистон Республикасида қандай жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади?

а) фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари

б) ижодий уюшмалар

в) диний жамиятлар ва уюшмалар.

г) сиёсий партиялар

д) диний партиялар

14. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва мулкчилик ҳақидаги қонунида қандай мулк шакллари илк бора мустаҳкамланган?

а) давлат

б) аралаш

в) хусусий

г) шахсий

д) жамоа

15. Тошкент вилоятига жойлашган туманга бўйсунувчи Б. шаҳри вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига ўтказилди. Ўзбекистоннинг қайси давлат органи бу масалани ҳал қилади.

а) Вилоят хокими

б) Республика Президенти

в) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

г) Олий Мажлис Сенати

д) Олий Мажлис палаталари.

16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70-моддасига мувофиқ суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси Ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай хужжатлар асосида тартибга солинади?

а) Декларациялар билан

б) шартномалар билан

в) қарорлар билан

г) қонунлар билан

д) баёнотлар билан

17. Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши қай тартибда хал қилинади?

а) Қорақолпоғистон Республикаси қонунчилик органи қарори асосида

б) Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси қарори билан

в) Ўзбекистон Республикаси халқининг розилиги билан.

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори асосида

д) Қорақолпоғистон халқининг умумий референдуми асосида.

18. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақолпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар қандай ҳал қилинади?

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан

в) Муросага келтирувчи воситалар ёрдамида.

г) Жуқори Кенгеш ва Олий Мажлис томонидан

д) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан.

19. Ўзбекистон фуқороси неча ёшдан халк депутатлари вилоят, туман , шаҳар Кенгашларига депутат бўлиб сайланиши мумкин?

а) 18 ёшдан б) 21 ёшдан

в) 25 ёшданг) 23 ёшдан

д) 20 ёшдан

20. Фуқаро М. Сайловчилар рўйхатида ўз фамилиясини нотўғри ёзилганлигини билиб қолди. Сайловчи кайси органга мурожаат қилиши керак?

а) Хокимликка

б) судга

в) участка сайлов комиссиясига

г) округ сайлов комиссиясига

д) Марказий сайлов комиссиясига.

21. “Конституциявий ҳуқуқ” ва “Давлат ҳуқуқи” атамаларидаги ўзаро алоқадорлик нимада?

А) “Конституциявий ҳуқуқ” “давлат ҳуқуқи”га нисбатан кенг тушунча.

Б) “Давлат ҳуқуқи” ”конституциявий ҳуқуқ”га нисбатан кенг тушунча.

В) Улар бир-биридан бутунлай бошқа-бошқа тушунчалар.

Г) шаклан ҳар хил, лекин мазмуни бир хил. Синонимлар.

Д) Синонимлар. Аммо, уларнинг фарқи ҳажмида.

22. **Умумий ва “конкрет” бу-**

А) Конституциявий ҳуқуқ нормалари.

Б) Конституциявий ҳуқуқ институтлари.

В) Функциялар.

Г) Конституциявий ҳуқуқ тамойиллари.

Д) Конституциявий ҳуқуқ муносабатлари.

23. Конституцияга тузатиш ва ўзгартириш киритувчи ҳуқуқий нормалар -

А) Оддий қонун.

Б) Ординар қонунлар.

В) Органик қонунлар.

Г) Конституциявий қонунлар.

Д) Асосий қонунлар.

24. Суд прецеденти ўзида .... акс эттиради.

А) Кўриб чиқилишида мажбурий деб қабул қилинган кейинги аналогик, конкрет ишлар бўйича суд қарори.

Б) Кўриб чиқилишида мажбурий деб тан олинган ёки кейинги аналогик ишларни кўриб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлган, аниқ бир иш бўйича суд қарори.

В) Суднинг баъзи бир ишлар бўйича қарори.

Г) Парламент прецеденти.

Д) Тўғри жавоб йўқ.

25. **Юридик, сиёсий , диний...?**

А) Фандаги асосий йўналишлардир.

Б) Асосий илмий мактаблар.

В) Фаннинг асосий вазифалари.

Г) Фаннинг асосий услублари.

Д) Тўғри жавоб йўқ.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати нечта сенатордан иборат?

А)120та.

Б)100та.

В)220та.

Г)84та.

Д) Тўғри жавоб йўқ.

27. **XVIII аср охирларида конституция яратишдан асосий мақсад?**

А) Давлат тузилишини аниқлаб берадиган асосий қонун зарур эди.

Б) Давлатнинг асосий сиёсатини аниқлаб берадиган асосий қонун зарур эди.

В) Ташқи душманлардан ҳимояланиш учун.

Г) Инсонларнинг озодлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти ўзбошимчалигидан уларни ҳимоя қила оладиган асосий қонун зарур эди.

Д) Бутун давлат озодлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган асосий қонун зарур эди.

28. Республикамиз Конституциясига биринчи ўзгартириш қачон киритилди?

А) 1993 йил 28 декабрь

Б) 1994 йил 5 май

В) 2003 йил 24 апрель

Г) 2002 йил 27 январь

Д) Тўғри жавоб йўқ.

29. Кодификация қилинмаган Конституциялар мисолига .... Конституциялари киради.

А) АҚШ, Франция.

Б) Италия , Испания.

В) Исроил, Англия..

Г) Швеция, Финляндия.

Д) Исроил , Швеция.

30. Англия Конституциясининг ёзилмаган қисми.

А) Суд қарорлари, доктриналар.

Б) Суд қарорлари ва ҳуқуқий урф-одатлар.

В) Суд қарорлари , доктрина ва статуслар.

Г) Суд қарорлари, доктрина ва ҳуқуқий одатлар.

Д) Доктриналар, статутлар , ҳуқуқий одатлар.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасида қандай актлар қабул қилинади?

а) буйруқ, қарор, қонун, конституциявий қонун, Конституция

б) қонун, баённома, фармон, низом ва Конституция

в) Баённомалар,қарорлар,буйруқлар, декларациялар, қонунлар

г) қарор, декларация, қонун, конституция, низом, конституциявий қонунлар

д) декларация, шартнома,битимлар,фармон ва фармойишлар

32. Қайси давлатнинг Конституциясини оддий қонун қабул қилиш йўли билан ўзгартирса бўлади?

А) АҚШ.

Б) Франция.

В) Россия.

Г) Германия.

Д) Тўғри жавоб йўқ.

33. Қайси давлатда конституциявий назорат институти мавжуд эмас?

А) Германияда.

Б) Францияда.

В) АҚШ да .

Г) Буюк Британияда.

Д) Италияда.

34. Меҳнат -қандай муносабатлар гуруҳига киради?

А) Ижтимоий.

Б) Иқтисодий.

В) Сиёсий.

Г) Маънавий-маданий.

Д) Ҳуқуқий.

35. Ҳокимларнинг ваколат муддати қанча?

А) 2 йил

Б) 3 йил

В) 4 йил

Г) 5 йил

Д) муддат белгиланмайди

36. Маҳаллий Кенгашлар биринчи сессиясини ким очади?

А)Ҳоким

Б) Сайлов комиссияси раиси

В) Энг ёши улуғ депутат

Г) Ҳоким ўринбосари

Д) тўғри жавоб йўқ

37. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар ифодаланишининг асосий усуллари қайси?

А) Ижобий ва чекловчи.

Б) Тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган.

В) Моддий ва тадбирий.

Г) Ижобий томон ва салбий томон.

Д) Яхши ва ёмон.

38. Конституциоанализмнинг 1789 йилдаги "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Франция (француз) декларацияси"да акс эттирилган иккита асоси?

А) Ҳокимият тақсимланиши халқ суверенитети.

Б) Давлат суверенитети ва халқ суверенитети.

В) Ҳокимиятни бўлиниши ва қонун устиворлиги.

Г) Ҳокимиятни бўлиниши ва ҳуқуқлардан фойдаланишни таъминлаш.

Д) Ҳуқуқлардан фойдаланишни таъминлаш, давлат суверенитети.

39. Фуқароликка тиклаш натурализациядан нимаси билан фарқланади?

А) Фарқи йўқ.

Б) Қайта тиклаш муаммосини анча қисқартирилган тартибда ҳал қилиниши.

В) Қайта тиклаш манфаатдор шахс томонидан бўлган саъй-ҳаракат билан амалга оширилади.

Г) Натурализация қонунда белгиланган холатларда амалга оширилади.

Д) Барча жавоблар тўғри.

40. Ўз фуқаросини ёки чет эл фуқаросини бошқа бир давлатга тутиб бериш...

А) Экпатриация.

Б) Ex tune

С) Ex nune

Г) Экстрадиция.

Д) Барча жавоблар тўғри.

41. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини таминлашда иқтисодий ва моддий кафолат қандай ифодаланади?

а) Меҳнатга адолатли иш ҳақи миқдорини давлат томонидан белгилаб қўйилганлиги

б) Кам таъминланган оилаларнинг давлат томонидан моддий мухофаза этилиши;

в) Мулкларнинг тенг ҳуқуқлигини давлат томонидан мухофаза этилиши;

г) Уруш ва мехнат ногиронларига давлат томонидан имтиёзлар бериб нафақалар белгиланади;

д) а,б,в,г, тўғри.

42. Сенат фаолиятининг ташкилий шакли бу -?

а) мажлис;

б) сессия;

в) йиғин;

г) қурултой;

д) съезд.

43. Сенат, унинг органлари ва мансабдор шахслари фаолиятининг тартиби қайси ҳужжатда белгиланади

а) қонунларда ;

б) Конституцияда;

в) Сенат Регламентида;

г) йўриқномаларда;

д) в,г жавоблар тўғри.

44. Ўзбекистон фуқаролигини йўқотган шахс Республика фуқаролигига тикланиши мумкинми?

а) Ҳа;

б) ЙЎҚ;

в) Агар у бошқа давлатнинг фуқаролигини олмаган бўлса;

г) 5 йил Республикада яшаган бўлса;

д) Республикада қўшма корхона очган бўлса.

45. Маҳалла оқсолларининг ваколат муддати …

а) 2 йил 6 ой

б) 3 йил

в) 5 йил

г) 1 йил

д) тўғри жавоб йўқ

46.Ўзбекистон Республикасида Бош вазир - ...

а) Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилади

б) ижро ҳокимияти бошлиғи

в) Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади

г) Президентнинг вакили

д) А ва В жавоблар

47. Ўзбекистон Респрубликаси Президенти …

а) Давлат бошлиғи

б) Ижро этувчи ҳокимият бошлиғи

в) Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади

г) Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Бош қўмондони

д) Барча жавоблар тўғри

48. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари …

а) Кенгашиб ишлаш

б) демократизм ва ижтимоий адолат

в) қонунийлик

г) демократик централизм

д) а, б, в

49. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланмаган ташқи сиёсатнинг асосий принципларини кўрсатинг?

а) куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик

б) чегаралар дахлсизлиги

в) низоларни тинч йўл билан ҳал қилдиш

г) ҳамкорлик

д) барчаси тўғри

50. Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл фуқаролари қайси ҳужжатларда белгиланган бурчларни адо этадилар ?

а) Конституция ва қонунларда

б) Халқаро шартномалар билан белгиланган

в) чет эл қонунлари бўйича

г) а, б жавоблар тўғри

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИГА КИРИШ

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИНИНГ МАВЗУИ (ПРЕДМЕТИ), ТУШУНЧАСИ ВА УСЛУБЛАРИ

1-§.Конституциявий ҳуқуқ фанининг пайдо бўлиши 7
2-§.Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи фани предмети-нинг ўзига хос ҳусусиятлари 9
3-§.Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи фанининг объекти 10
4-§.Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи тушунчаси 11
5-§.Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи субъектлари 11
6-§.Конституциявий ҳуқуқи фаннинг номи ҳусусида 12
7-§.Ўзбекистон Республикаси конституциявий ўқув курсининг услублари (методлари) 13
8-§.Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг тизими (системаси) 13

II БОБ. КОНСТИТУЦИЯ НАЗАРИЯСИ

1-§.Конституция тушунчаси 16
2-§.Формал ва моддий Конституция. Юридик ва амалий Конституция 17
3-§.Конституциянинг моҳияти 17
4-§.Конституцияларни туркумларга (турларга) бўлиш (классификациялаш) 19
5-§.Конституциянинг юридик ҳусусиятлари 19
6-§.Конституциянинг юридик мазмуни 20

7-§.Конституциянинг функциялари 20
8-§.Конституциянинг тузилиши 21
9-§.Конституция лойиҳаларини тайёрлаш..... 21
10-§.Конституцияни қабул қилиш усуллари 21
11-§.Конституцияни ўзгартириш тартиби 22
12-§.Конституцияни ҳимоя қилиш. Конституциявий назорат 23

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИНИНГ ТУШУНЧАСИ, МАНБААЛАРИ ВА ТИЗИМИ

1-§.Конституциявий-ҳуқуқий нормалар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари..... 25
2-§.Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг тузилиши ва турлари..... 29
3-§.Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг субъектлари, объектлари ва турлари 35
4-§.Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари..... 41

ИККИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

1-§.Ўзбекистоннинг конституциявий тарихи..... 45
2-§.Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиниши ва янги Конституцияни қабул қилиш зарурияти 56
3-§.Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотнинг ўзига мос хусусиятлари ва босқичлари 65
4-§.Президент – Конституциянинг ташаббускори, яратувчиси ва кафили.... 69
5-§.Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши 77
6-§.Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш тартиби..... 79

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

1-§. Конституциянинг юридик табиати, асосий функциялари ва барқарорлиги 86
2-§. Ўзбекистон Конституцияси – демократик давлат қуриш ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг пойдевори 88
3-§. Ўзбекистон Конституциясининг тарихий-ҳуқуқий ва маънавий илдизлари 92
4-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари 96
5-§. Ўзбекистон Конституциясининг юридик хусусиятлари 98

VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

1-§.Давлат суверентитети тушунчаси ва моҳияти 100
2-§.Халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга ошириш шакллари 106
3-§.Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи ва уни амалга оширилиши 114
4-§.Ўзбекистонда сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик (плюрализм) 116
5-§.Демократия ва инсон ҳуқуқлари 119
6-§.Ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари 121
7-§.Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи 123
8-§.Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари ва принциплари 127
9-§. Ўзбекистонда мудофаа ва хавфсизликнинг таъминланиши 135

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

1-§.Миллий истиқлол ва Конституциянинг объектив зарурлиги..... 147
2-§.Конституциянинг ишлаб чиқилиши, умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши (мафкуравий жиҳатлари) 148
3-§.Конституция – истиқлол ғояларининг мажмуи 151
4-§.Конституция ва миллий истиқлол мафкураси 153
5-§.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва демократик ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш 155
6-§.Конституция ва давлат рамзлари..... 159

УЧИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

VIII БОБ. ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРИНИ АКС ЭТИШИ

1-§. Мустақиллик Қомуси ва жаҳон конституциявий тажрибаси..... 164
2-§. Инсон ҳуқуқлари сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида..... 168
3-§. Инсон ҳуқуқларига оид замонавий халқаро андозалар (стандартлар 170
4-§. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг тараққиёт босқичлари 174
5-§. Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими 175
6-§. Ўзбекистон Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қадриятларининг инъикоси..... 177

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХС КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ

ҲУҚУҚ, ЭРКИНЛИК ВА БУРЧЛАРНИНГ ЮРИДИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ (КЛАССИФИКАЦИЯСИ)

1-§. Шахс ҳуқуқий мақоми тушунчаси 181
2-§. Шахс ҳуқуқий мақомининг принциплари 182
3-§. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари 190
4-§. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг конституциявий таснифланиши (классификацияси 192

X БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ВА УНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Фуқаролик тушунчаси 198
2-§.Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг ҳуқуқий асослари 199
3-§.Фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ва йўқотиш 201
4-§.Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш ва фуқароликни йўқотиш асослари 203
5-§.Ўзбекистон Республикасида фуқароликнинг тўхтатилиши 205
6-§.Фуқаролик масалалари билан шуғулланувчи давлат идоралари 208
7-§.Фуқароликка оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш тартиби 210

XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий тизими 215
2-§.Яшаш ҳуқуқи 216
3-§.Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи 221
4-§.Шахснинг айбсизлик презумпцияси 225
5-§.Шахсий ҳаёт дахлсизлиги 228
6-§.Фуқароларнинг кўчиб юриш ҳуқуқи 232

7-§.Фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги..... 233
8-§.Фуқароларнинг виждон эркинлиги..... 236

XII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Сиёсий ҳуқуқларнинг конституциявий тизими..... 240
2-§.Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи..... 241
3-§.Фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқи..... 242
4-§.Фуқароларнинг сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи..... 243
5-§.Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи..... 244

XIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Фуқароларнинг мулк ҳуқуқи..... 248
2-§.Фуқароларнинг мерос ҳуқуқи..... 250
3-§.Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи..... 251
4-§.Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи..... 254
5-§.Фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи..... 255
6-§.Фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи..... 257
7-§.Фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи..... 258
8-§.Фуқароларнинг илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳамда маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи..... 260

XIV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

1-§.Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тушунчаси 262
2-§.Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг юридик кафолатлари 264
3-§.Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ижтимоий кафолатлари 264

XV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР БУРЧЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Фуқароларнинг бурчлари тушунчаси 266
2-§.Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш бурчи 267
3-§.Фуқароларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш мажбурияти 268
4-§.Фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти 268
5-§.Фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти 269
6-§.Фуқароларнинг Ватанни ҳимоя қилиш бурчи 269

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ТУЗИЛИШИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Фуқаролик жамиятининг конституциявий асослари 272
2-§.Конституция ва жамиятнинг иқтисодий негизлари 275
3-§.Мулк шакллари, уларнинг объектлари, субъектлари ва муҳофаза қилинишнинг конституциявий асослари 283
4-§.Конституция ва мулкдор ҳуқуқлари 291
5-§.Давлат экологик сиёсатининг конституциявий асослари 292

XVII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ ВА ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Ўзбекистон Республикасида молия тизиминг конституциявий

асослари 296
2-§.Ўзбекистон Республикасида пул тизимининг конституциявий асослари 299
3-§.Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг конституциявий асослари 302
4-§.Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг конституциявий асослари 306
5-§.Ўзбекистон Республикасининг банк тизими тушунчаси 309

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Жамоат бирлашмаларининг жамиятда тутган ўрни 311
2-§.Жамоат бирлашмалари тизими 314
3-§.Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби 315
4-§.Жамоат бирлашмаларининг турлари 317
5-§. Сиёсий партиялар ва уларниг сиёсий майдондаги ўрни 319

XIX БОБ. ОИЛА ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

1-§.Ўзбекистонда оиланинг конституциявий мақоми 341
2-§.Оммавий ахборот воситаларининг конституциявий - ҳуқуқий мақоми .. 348

БЕШИНЧИ БЎЛИМ
МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ–ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши тушунчаси 357
2-§.Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши 363

3-§.Маъмурий-ҳудудий қисмларни ташкил қилиш, ўзгартириш ва тугатиш тартиби..... 371

XXI БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИВИЙ МАҚОМИ

1-§.Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат..... 374
2-§.Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва давлат тузилиши..... 379

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

XXII БОБ. ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

1-§.Сайловлар – демократик институт сифатида..... 386
2-§.Демократик ислоҳотлар ва сайлов қонунчилиги..... 387
3-§.Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиш босқичлари..... 388
4-§.Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги тизими 388
5-§.Конституция- сайлов қонунчилиги тизимининг ўзагидир 390
6-§.Халқаро андозалар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг хусусиятлари 390
7-§.Сайловлар бўйича халқаро тамойиллар..... 393

XXIII БОБ. САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИ

1-§. Сайлов ҳуқуқи тушунчаси ва унинг конституциявий кафолатланиши..... 395
2-§. Сайлов тизими тушунчаси ва асосий принциплари..... 397
3-§. Сайловлар ва уларни ўтказиш тартиби..... 400

XXIV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ЧИҚАРИШ ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Қонун чиқарувчи ҳокимият тушунчаси ва уни ташкил қилиш тартиби..... 424
2-§. ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг конституциявий ваколатлари..... 429
3-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий –ҳуқуқий масалалари..... 445
4-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолиятини ташкил этиш тартиби..... 456
5- §.Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни..... 461

XXV. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ВА СЕНАТ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§ Ўзбекистон Ресупбликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг ҳуқуқий мақоми..... 472
2-§ Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий ҳолати..... 490
3-§. Қонунчилик палатаси депутати ва сенатор фаолиятининг асосий кафолатлари..... 496
4-§. Депутат ва сенаторни чақириб олиш асослари ва тартиби..... 500

XXVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§.Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг жорий қилиниши ва конституциявий мустаҳкамланиши 561
2-§.Ўзбекистонда Президентлик сайловларини ўтказиш тартиби 562
3-§.Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми 564
4-§.Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколатлари 566
5-§.Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 578

XXVII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ

1-§.Президентлик бошқарув усули - ўзбек миллий давлатчилиги ўзаги 581
2-§.Ўзбекистонда Президентлик сайловининг конституциявий асослари 582
3-§.Президентлик сайлови тўғрисидаги қонунчилик 585
4-§.Президентлик сайловларида актив ва пассив сайлов ҳуқуқи 588
5-§.Президентлик сайловининг асосий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ва принциплари 590
6-§.Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш 593
7-§.Президентлик сайловларини ўтказиш ва овоз бериш 595

XXVIII. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§ Вазирлар Маҳкамаси- Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати 598

2- § Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаклланиш тартиби ва таркиби 600
3-§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг асосий функциялари 603
4-§ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари 612

XXIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§.Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари тизими ва улар фаолиятининг ташкил этилиши 619
2-§.Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий вазифалари 626
3-§.Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши 629
4-§.Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби ва вазифалари 641

XXX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§Ўзбекистон Республикаси Конституциясида одил судлов органларининг ҳуқуқий мақоми 646
2-§.Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг ташкил этилиши, тизими ва вазифалари 654
3-§.Одил судловнинг конституциявий тамойиллари 658
4-§.Ўзбекистонда судьяларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва судьяларга қўйиладиган талаблар 670
5-§.Судьяларни тайинлаш тартиби 673
6-§.Судьяларнинг мустақиллиги 674

7-§.Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди 678
8-§.Ўзбекистон Республикаси Олий суди..... 683
9-§.Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди 688

XXXI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§.Ўзбекистон Республикасида Прокуратура органларининг тарихий яратилиши ва хозирги даврда ривожланиши 696
2-§.Прокуратура органларининг мақсад ва вазифалари..... 701
3-§.Прокуратура органлари фаолиятини амалга ошириш принциплари ва тизими..... 702
4-§.Прокурор назорати..... 706
5-§.Прокурорнинг ҳуқуқий мақоми..... 710

XXXII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФААСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг Конституциявий принцип-лари ва нормалари 712
2 -§.Миллий хавфсизликнинг субъекти, объекти ҳамда уни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати..... 722
3-§.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Миллий хавфсизлик концепциясининг асоси сифатида 726
4-§.Мамлакат мудофаасини таъминлашнинг Конституциявий – ҳуқуқий асослари..... 730

XXXIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1-§. Жамиятни демократлаштириш– Конституцияни ҳаётга тадбиқ этишнинг муҳим шарти 741
2-§. Конституция ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар..... 744
3-§. Жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш ва янгилашнинг конституциявий асослари..... 745
4-§. Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантириш..... 747
5-§. Конституция ва кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш..... 748
6-§. Конституция ва нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожланитириш..... 750
7-§. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: демократлаштириш ва замонавийлаштириш..... 752
8-§. Конституция ва мустақил “тўртинчи ҳокимият”..... 754
9-§. Конституция ва Инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтлар тизимининг такомиллашиб бориши..... 756
10-§. Конституция ва оила..... 759

ХОТИМА..... 762
Адабиётлар рўйхати..... 765
ИЛОВАЛАР..... 772
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси..... 772
Конституцияни ўрганиш бўйича тест саволлари..... 806